При относительно устойчивом развитии креативного сектора экономики государственная поддержка все же не будет лишней, тем более в Узбекистане. Средствами поддержки могут стать налоговые льготы, субсидии на стартапы, мероприятия, направленные на повышение квалификации в сферах креативных индустрий, на взаимодействие представителей отрасли с целью передачи опыта, демонстрации результатов и их продажи.

Результатами развития творческих индустрий для экономики Узбекистана могли бы стать новые рабочие места, привлечение инвестиций, налоговые отчисления, развитие туризма, гостиничного бизнеса и смежных отраслей, а также сохранение культурных традиций, ремесел, и развитие ряда направлений с применением инновационных технологий.

Использованная литература

ожко Л.М. Методика принятия стратегических решений в условиях повышенной динамичности внешнего окружения // Перспективы и тенденции развития менеджмента в XXI веке: Сборник трудов III Международной научно-практической конференции, 10 ноября 2022 г. / Под ред. Т.Ю. Ксенофонтовой, Л.А. Кравченко. – СПб.: ФГБОУ ВО ПГУПС, 2022. – С. 7-10.

реативная экономика Москвы в цифрах / В.В. Власова, М.А. Гершман, Л.М. Лахберг [и др.] ; под редакцией Л.М. Лахберга. – Москва : НИУ ВШЭ, 2021. –

иконова М.А. Роль творческих индустрий в экономике страны // Новое индустриальное общество второго поколения (НИО.2): проблемы, факторы и перспективы развития в современной геоэкономической реальности (СПЭК-

4. Market information and entrepreneurship education: A case of transition economies / N.T. Israfilov, E.A. Shnyreva, E.E. Panfilova, L.M. Bozhko, V.A. Konstantinov. – Текст : непосредственный // Journal of Entrepreneurship Education. – 2019. – Vol. 22. – Issue 3, 1528-2651-22-3-383 – P. 1–10.

5. System of Professional Skills in Training Managers / A. Istomina, M. Vinogradova, A. Lukyanova, L. Bozhko, N. Prodanova. – Текст : электронный // TEM Journal. 2022. – Vol. 11 (3). – P. 1073–1082. – URL: <https://doi.org/10.18421/TEM113-12>. DOI: 10.18421/TEM113-12.

I-SHU'BA.

MILLIY KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH

XXI ASRDAGI KORPORATIV BOSHQARUV ISLOHOTLARI

Kenjayeva Umriya Faxritdinovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Korporativ boshqaruv kafedrası
u.kenjayeva@tsue.uz

Annotatsiya

Ushbu tezisda korporativ boshqaruvning xorij tajribasi, 21-asr korporativ boshqaruviga oid yangicha qarashlar va islohotlar o'rganilib, korporativ boshqaruv amaliyotining rivojlanish tendensiyalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: zamonaviy korporativ boshqaruv, korporativ boshqaruv modellari, korporatsiya, korporativ boshqaruvning zamonaviy tendensiyalari.

Butun dunyoda aksiyadorlar manfaatlarini rag'batlantirish va aksiyalar qiymatini oshirish uchun zamonaviy korporativ boshqaruvning o'rni beqiyos. Zamonaviy korporativ boshqaruv qonun ustuvorligiga asoslangan samarali bozor iqtisodiyotini yaratishda asosiy masala hisoblanadi. Menejerlar, mulkdorlar va nazorat aksiya paketiga egalik qiluvchi aksiyadorlar tomonidan korporativ hokimiyatni suiiste'mol qilish yoki oshirib yuborish mahalliy hamda xorijiy investorlarga ziyon yetkazadi. Shuning uchun, korporativ boshqaruv amaliyotini yaxshilash uchun adolatli korporativ munosabatlarni o'rnatadigan zamonaviy standartlar va tamoyillarni, shuningdek korporativ boshqaruvning xorijiy ilg'or tajriba va amaliyotini joriy etish talab etiladi.

Bugungi kunda jahonda korporativ boshqaruv amaliyotida yetuk va zamonaviy tajriba, hamda shakllangan malakalarni o'rganish dolzarb masalalardan hisoblanadi.

XX asr davomida strategik menejmentning katta muvaffaqiyatga erishishi, deyarli barcha korporativ tuzilmalar boshqaruvga muhtojligini namoyon qildi. "Biroq, menejment XX asrning diqqat markazida bo'lgan bulsa, XXI asrda korporativ boshqaruv asosiy e'tiborda bo'lmoqda"[1] deb ta'kidlaydi korporativ boshqaruvning otasi – Bob Triker o'zining asarlarida."

Butun dunyoda aksiyadorlar manfaatlarini rag'batlantirish va aksiyalar qiymatini oshirish uchun sog'lom korporativ boshqaruvning o'rni beqiyos. Shuningdek, iqtisodiy, madaniyat va hatto diniy yondashuvlarning rivojlanishiga ham ta'siri mavjud. Korporatsiyalar faoliyatida kuzatuv kengashi direktorlarining o'rni muhim ahamiyat kasb etishi korporativ boshqaruv tizimi uchun ulkan burilish bo'ldi.

Jumladan, Avstraliyalik akademik Fred Hilmer o‘z xisobotida “Kengashning asosiy roli korporativ boshqaruvning tavakkalchiligini hisobga olgan holda o‘rtacha ko‘rsatkichdan yuqori ko‘rsatkichlarga doimiy va samarali intilishini taminlashdan iborat... bu aksiya egalarini himoya qilish bo‘yicha kengashning qo‘shimcha rolini inkor etmaydi”[2] deb ta’kidlaydi.

Samarali korporativ boshqaruv tizimini tashkil etishda korxonalar mulkini suiste‘mol qilishning oldini olish, haqiqiy mustaqil direktorlardan kengroq foydalanish, qaror qabul qilishda ijroiya organining hukmronligini oldini olish va kuzatuv kengashi raisi vazifasini ijrochi direktordan ajratish, aksiyadorlarning, xususan, minoritar aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Jahonda korporativ boshqaruvni rivojlanishida xalqaro korporativ boshqaruv standartlari va tamoyillarini joriy etish, dunyo mamlakatlaridagi korporativ boshqaruv xususiyatlarini, xorijiy tajribasi va amaliyotini o‘rganish asosiy vazifalarimizdan hisoblanadi.

Jahon mamlakatlarida korporativ boshqaruv tizimini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda AQSH, Buyuk Britaniya, Avstraliya, Kanada, Germaniya, Avstriya, Niderlandiya, Skandinaviya mamlakatlari, Fransiya, Yaponiya, Xitoy, Hindiston, Janubiy Koreyada, Rossiya kabi rivojlangan mamlakatlarning tajribasi asosida ustuvor maqsadlarni belgilashimiz lozim. Ushbu mamlakatlardagi korporativ boshqaruv tizimi, modellari va amaliyoti bir-biridan farq qiladi. Bu hol mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishi, jamiyatning tarixiy urf-odati, madaniyati va an‘analari, korporativ huquqiy normalari, kompaniyalar faoliyatini boshqarishdagi farqlar bilan izohlanadi. Hozirgi kunda iqtisodchi olimlar korporativ boshqaruvning anglo-amerika, nemis (kontinental), yapon va oilaviy kabi asosiy modellarini ajratib ko‘rsatadi.

Anglo-amerika, nemis (kontinental), yapon modellari ichki boshqaruvning turli xil tuzilmalariga na‘muna sifatida asos bo‘ladi. Bu modellar aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini baholash va korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirishni o‘zida aks ettirishi mumkin. Korporativ boshqaruv modellarining bir qator asosiy elementlari mavjud: aksiyadorlik jamiyatining asosiy ishtirokchilari; asosiy ishtirokchilar o‘rtasidagi o‘zaro ta‘sir kuchlari; model asosida aksiyalarga egalik qilish tartibi; moliyaviy mablag‘larini jalb qilish imkoniyati; kuzatuv kengashi tarkibi; korporativ qonunchilik doirasi; axborotlarni oshkor qilish bo‘yicha talablar; aksiyadorlarning korporativ munosabatlari.

“Jahon amaliyotida korporativ boshqaruvning beshta tan olingan bazaviy modellari mavjud. Jumladan: amerika modeli; birlashgan qirollik (umum tan olingan tamoyillarga asoslangan) model; ikki pog‘onali kontinental Yevropa modeli; Yapon modeli; oilaga tayangan Osiyo modeli”[1] haqida talqin qiladi korporativ boshqaruvning otasi Bob Triker. Amerika va Birlashgan qirollik modellarining xususiyatlari bir-biriga yaqin, ikki pog‘onali kontinental Yevropa modeli nemis modeli asosida shakllangan, yapon modeli amerika va nemis modellarining ayrim xususiyatlari qamrab olgan bo‘lib hisoblanadi.

Yigirmanchi asrda biznesning asosiy yo‘nalishlaridan biri boshqaruv bo‘lgan, ya‘ni boshqaruv maslahatchilari, boshqaruv nazariyalari va menejment gullab yashnagan. Tashkilot nazariyalari yaratilgan bo‘lsada, direktorlar kengashi

kompaniyaning tashkiliy jarayonlarida kamdan-kam hollarda qatnashgan. Strategik rejalashtirish, moliyaviy menejment va marketing, hammasi rivojlangan. Korporativ boshqaruv yigirma birinchi asrning boshlanishi bilan diqqat markazida bo'ldi. Jahonda sog'lom korporativ boshqaruv tizimi aksiyadorlar manfaatlarini rag'batlantirish va aksiya qiymatini oshirish uchun tan olingan. Kompaniyalarni boshqarishda kodekslar, tamoyillar va eng yaxshi korporativ boshqaruv amaliyotidan foydalanishi natijasida ko'plab korxonalarda direktorlar faoliyatini baholash uchun ular o'qitilib bilim ko'nikmalarini rivojlantirildi. Amerika Qo'shma Shtatlarida korporativ boshqaruv tartibga solinib, muvaffaqiyatli korporativ boshqaruv shakllana boshlandi.

Keyinchalik AQSH ning eng yirik kompaniyalaridan biri Enron muvaffaqiyatsizlikka uchradi. Aksiyadorlar umumiy yig'ilishi listing qoidalarining barcha talablariga javob berishiga qaramay kompaniya quladi. AQSHning yirik korporatsiyalaridan farqli o'laroq, Enron kompaniyasida nufuzli, tajribali mustaqil direktorlar, zarur boshqaruv qo'mitalari bor edi, hattoki boshqaruv kengashi raisi va bosh direktor vazifalari ajratilgan edi. Biroq, keyingi tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, yuqori rahbariyat energiya yetkazib berishdagi korporativ strategiyani o'zgartirgan. Bir muddat bu yaxshi natijalar bergan. Ammo boshqaruv kengashi yangi strategiyani tushuna olmaganligi sababli kompaniyaning xavf profilini nisbatan past xavfli energiyadan o'zgartirgan. Moliya bozori sharoitlari o'zgarishi natijasida Enron qulab tushdi. Aksiyadorlar kapitalidan mahrum bo'lib, ba'zi rahbarlar firibgarlik uchun qamog'ga tashlandi.

“Xalqaro beshtalik firmalariga kiruvchi buxgalteriya firmasi auditori Artur Andersenni, mijozlar o'zgartirganligi sababli Enron qulab, boshqa hamkor firmalar qo'shildi va “katta beshlik” “katta to'rtlik”ga aylandi. Qo'shma Shtatlar bilan bir vaqtda ko'plab rivojlangan mamlakatlar kompaniyalarida ham boshqaruvga oid muammolar vujudga keldi. Buyuk Britaniyada Markoni, British Rail, Independent Sug'urta va Tomkins tashkilotlari; Avstraliyada HIH sug'urtasi; Italiyada Parmalat; Germaniyada esa Vodafon Mannesman kabi ko'plab kompaniyalarning hammasida boshqaruv muammolari mavjud edi. Kompaniyani nazorat qiluvchi organlar har bir holat bo'yicha surishtiruv ishlarini boshladi. AQSH ning Vast Menejment, Worldkom va Tayso kabi davlat kompaniyalari ham korporativ boshqaruv muammolari sababli qulab tushdi”[3].

AQSH kompaniyalarida ko'proq aksiyadorlar huquqlari himoya qilinib, audit va to'lov qo'mitalarida faqat mustaqil direktorlar xizmat qilishlari mumkin edi. Yillik hisobotlarda ichki nazorat, moliyaviy nazorat ma'lumotlarni e'lon qilish natijasida korporativ boshqaruv samaradorligi oshdi.

XXI asrning dastlabki yillarida Yevropa va Birlashgan Davlatlar mamlakatlarda foiz stavkalari pastligi, moliyaviy bozorlar likvidligi yuqoriligi va pul-kredit siyosati sust ekanligi natijasida, ko'chmas mulk bo'yicha kreditlar ko'payib, uy-joy narxlari ko'tarildi, ko'chmas mulkni sotib olish uchun ko'proq qarz olishga to'g'ri keldi. Uy-joy narxining oshishi bilan kredit kartalaridagi shaxsiy qarzlarni ko'paydi. Dunyoning boshqa moliya institutlari bilan savdo qilinib, kreditorlar o'z mablag'larini kamaytirish maqsadida ssuda aktivlarini qimmatli qog'ozlarga birlashtirishdi. Asta-sekinlik bilan uy-joy narxlari tusha boshladi, banklar qarzlarni undirish uchun garovga qo'yilgan, uy-joy narxini yanada pasaytiradi. Qimmatli qog'ozlar bilan savdo qilishda moliyaviy

vositalardan foydalanish murakkabligi, banklar tashqi direktorlarni qadrlamanligi bankning xavf-xatarga duchor bo'lishiga va bankka nisbatan ishonchni yanada pasayishiga olib keldi. Ayrim banklar majburiyatlarini bajara olmasligi oqibatida omonatchilar o'z mablag'larini qaytarib olishni xohlashdi.

Markaziy bank tomonidan banklarni qo'llab-quvvatlash uchun mablag' ajratila boshladi. 2007 yilda AQSH hukumati tomonidan yirik moliya instituti, yirik sug'urta va kredit tashkilotlari qutqarildi. Shu yillarda boshqa mamlakatlardagi banklar ham likvidli muammolarga to'qnashdi. Britaniyadagi Norzen Rosk banki, Gonkongdagi Sharqiy Osiyo banki, Islandiyadagi banklar ham muvaffaqiyatsizlikka uchradi. AQSH hukumati banklardagi aksiyalarni sotib olish uchun 700 milliard AQSH dollari sarmoya kiritdi. Buyuk Britaniya hukumati amaldagi uchta bankni milliylashtirdi.

“Global moliyaviy inqiroz natijasida korporativ boshqaruv xavf-xatarlarga duchor bo'lib, kengashda mustaqil direktorlarning bo'lishi, boshqaruvini nazorat qilish kabi ayrim muammolari namoyon bo'ldi. Mustaqil auditorlar banklarning moliyaviy hisobotlaridagi xavfni oshkor qilmasdan tasdiqlashi natijasida, yuqori reytingli kredit agentliklari kredit olishda moliyaviy halokatga duchor bo'ldi”[4]. Moliyaviy sohani har tomonlama tartibga solish, yuqori mas'uliyat va oshkorlikni ta'mindash maqsadida AQSH hukumati “Istemolchilar huquqlarini himoya qilish to'g'risida”gi qonunni qabul qildi. Ommaviy kompaniyalarda kengashlarni joriy qilish, qo'mitalar kompaniya tavakkalchiliklarini hisobga olishi, har yili direktorlarni saylash, korporativ boshqaruv kodeksini joriy qilish kabi masalalar muhokama qilindi, lekin amalga oshirilmadi.

Birlashgan Qirollikda aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish, kengash tuzilishini ta'minlash va samaradorligini oshirish maqsadida Buyuk Britaniyaning korporativ boshqaruv kodeksiga o'zgartirishlar kiritish taklif qilindi. Korporativ risk strategiyasi bo'yicha kengashlarning mas'uliyati ta'kidlandi. Buyuk Britaniya tomonidan nashr qilingan korporativ boshqaruv kodekslari dunyoning boshqa mamlakatlari tomonidan ham tezda qabul qilindi. Shu bilan birga, Janubiy Afrika Direktorlar Instituti tomonidan yana ikkita korporativ boshqaruv hisobotlari nashr etildi.

XXI asrning ikkinchi o'n yilligida mamlakatlar o'zlarining korporativ boshqaruv kodekslarini ishlab chiqishda korporativ ijtimoiy mas'uliyat (KIM), etika, direktorni mukofotlash, korporativ boshqaruv tamoyillari kabi tavsiyalarga e'tibor qaratdi. Global moliyaviy inqiroz sababli 2004 yilda IHTT tomonidan korporativ boshqaruv tamoyillari e'lon qilindi. Keyinchalik 2015 yilda G20/IHTT tomonidan korporativ boshqaruv tamoyillari yangi tahrirda nashr etildi. G20/IHTT ning korporativ boshqaruv tamoyillari majburiy emas, balki tavsiyaviy xarakterga ega bo'lib, hukumatlar tomonidan amaldagi milliy qonunchilikni baholash va takomillashtirish uchun, shuningdek korporatsiyalar tomonidan korporativ boshqaruv tizimini yaratish va korporativ boshqaruv sohasida “ilg'or tajriba”ni ishlab chiqish uchun qo'llanilishi mumkin.

2016 yilda Yevropa Ittifoqi va Buyuk Britaniya hukumati tashabbusi bilan nomoliyaviy ma'lumotlarni oshkor qilish amaliyoti joriy qilindi. Shuningdek, 2010 yilda Buyuk Britaniya rahbarlik lavozimlarida ayollar sonini ko'paytirishni talab qildi va kompaniyalarining kengashlarida 2020 yilgacha ayollar salmog'ini 33 foizga yetkazish maqsad qilindi. Buyuk Britaniyaning korporativ boshqaruv kodeksi 2018

yilda yangi tahrirda nashr qilinib, kodeksda 2006 yildagi Kompaniyalar to'g'risidagi qonunda aks etgan kompaniyalar o'rtasidagi munosabatlar, aksiyadorlar va boshqa manfaatdor tomonlarga doir tavsiyalarga urg'u berilgan. Kompaniyalarni yaratishga kompaniya strategiyasiga mos keladigan korporativ madaniyat va xilma-xillikni qadrlash kerakligi, kengashni qadrlash, kengash manfaatdor tomonlarning manfaatlarini ko'rib chiqishi, kengashdagi nomzodlarni kengaytirish natijasida xilma-xil kengashlikni yaratish kabi tavsiyalardan iborat. Kompaniyalarning uzoq muddatli strategiyasida biznes modellar va moliyaviy strategiya, boshqaruv kengashining javobgarligi tamoyillarini o'rnatish, kengash raisini har yili qayta saylash, noijrochi direktorlarning malakasi va mustaqilligiga e'tibor qaratish, kamida har uch yilda bir marta tashqi ekspertlar yordamida kengashni baholash kabi takliflar yoritilgan.

2016 yilda Janubiy Afrikadagi Direktorlar instituti tomonidan nashr etilgan Korporativ boshqaruv bo'yicha hisobot "Ilg'or" deb tan olindi. Hisobotda boshqaruv organlarining axloqiy va ijtimoiy mas'uliyatni ta'minlaydigan qo'mitani joriy qilish taklif qilindi. Xususiylar va davlat sektorlari, tijorat va notijorat tashkilotlarining korporativ ishtirokchilarni boshqarishda ushbu hisobotni qo'llash natijasida korporativ boshqaruv tizimini har tomonlama rivojlantirishni ta'minlash uchun lozimdir.

Ushbu tahlillar turli mamlakatlar va madaniyatlarda korporativ boshqaruvning kelajakda rivojlanishini o'rganish madaniy ta'sirlar va mamlakatlar o'rtasidagi o'zaro ta'sirlarni ta'kidlaydi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, korporativ boshqaruv tizimini yanada rivojlantirish, aksiyadorlarning mulki bo'lgan biznes subyektlarini samarali boshqarishda korporatsiyani samarali va axloqiy tarzda boshqarish, yuqori malakali xodimlarni ish bilan ta'minlash va ular bilan adolatli munosabatda bo'lish, kengashning mas'uliyati rahbariyat tomonidan tayyorlangan moliyaviy hisobotlarni tekshirishda mustaqil buxgalteriya firmasini jalb qilish va umume'tirof etilgan audit standartlariga muvofiq moliyaviy hisobotlarni ishlab chiqish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 151.

[2] Hilmer, Frederick G. (1993) Strictly Boardroom – Improving Governance to Enhance Business Performance. Business Library <https://librariesaustralia.nla.gov.au>

[3] Bob Tricker. The Evolution of Corporate governance. – UK.: Cambridge university press, 2020. – P. 70.

[4] Кенжаева У.Ф. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўллари //Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2023. – 77 бет.

[5] Уринов Б.Н. Проблема корпоративного управления //Проблемы экономики-2014 - <https://elibrary.ru/item.asp?id=22927452>

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA ICHKI AUDIT XIZMATINI TAKOMILLASHTIRISH

Elyorbek Baxtiyor o'g'li Egamberdiyev
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti

Elyor_10397@mail.ru

Ilmiy rahbar: i.f.n., dot. A.A. Temirov

Annotatsiya

Ichki audit - aksiyadorlik jamiyatlarining moliya xo'jalik va moliyaviy holatini yaqindan tekshirish imkonini beruvchi xizmat turi bo'lib, uning asosiy vazifasi kompaniya kuzatuv kengashiga uning faoliyati to'g'risida muntazam axborot berib turishdan iborat. Ichki audit xizmatining afzalliklari shundan iboratki, u kompaniya faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan kamchilik va muammolarni tezda aniqlash hamda unga yechim ko'rsatishdir. Ushbu tezisda mamlakatimiz aksiyadorlik jamiyatlarida ichki audit xizmatini tashkillashtirishga oid masalalarni ko'rib chiqamiz.

***Kalit so'zlar:** audit, ichki audit, ichki nazorat, aksiyadorlik jamiyatlar, tijorat*


Raqamli iqtisodiyot rivojlanayotgan ekan hozirgi sharoitida ichki audit xizmatining kompaniyalarni boshqarishda, ularning faoliyatini doimiy nazorat qilishda faol ishtirokchi bo'lishi, axborot kommunikatsiya texnologiya vositalari orqali uni muntazam nazorat qilishi, tahlilini ta'minlashi hamda tashkiliy-iqtisodiy qarorlarni rejalashtirishi, uning faoliyat natijalarini baholashi kabi bir qancha vazifalari yotibdi. Shunday ekan, xo'jalik yuritish shart sharoitlariga muttasil hamda to'liq mos keluvchi, shuningdek aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammo va xatarlarni imkon qadar kamaytiruvchi nazorat shakllarini, xususan, ichki auditning o'ziga xos ish uslubiyatini va texnikasini tashkil qilishni doimiy takomillashtirib borishni taqozo etadi.

Mamlakatimiz aksiyadorlik jamiyatlarining yanada takomillashishi aynan mana shu faoliyat bilan bevosita bog'liq bo'lgan muammolar audit va tahlilni samarali tashkil etish, ularning yechimini ilmiy qarashlar asosida bartaraf etish alohida ahamiyat kasb etadi. Mazkur obyektiv jarayonlarning barchasi aksiyadorlik jamiyatlarida ichki auditning uslubiyatini yanada takomillashtirishni, uning bozor iqtisodiyotiga asoslangan, erkin iqtisodiyotga monand nazariy va tashkiliy muammolarini tadqiq etishni talab etadi. Ichki audit xizmatlarini o'z ichiga olgan kompaniyaning zamonaviy ichki nazorat tizimi korporativ boshqaruv va nazoratni tashkil etishda ajralmas boshqaruv vositalaridan biridir. Yuqoridagilardan kelib chiqib mazkur tadqiqot ishi mavzusining yo'nalishi va dolzarbligini belgiladi.

Ma'lumki, mamlakatimizda barcha sohalarini rivojlantirishda jahon tajribalaridan foydalanish kerakligi bot bot ta'kidlanib kelinmoqda, xususan auditorlik faoliyatini ham. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning "O'zbekiston respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"[1] gi qarori, hamda "Auditorlik faoliyati to'g'risida"[2] gi

qonunida auditorlik faoliyatini xalqaro standartlar asosida tashkil etish belgilab qo'yildi.

Auditni takomillashtirishning vazifasi mahalliy auditor firmalarining raqobatbardoshligini oshirishda, auditorlik faoliyatini standartlashtirishda xalqaro audit standartlariga rioya qilishdir. Ichki auditning xalqaro professional standartlari "Xalqaro professional amaliyot doirasi" bo'lgan IPPFning tarkibiy qismlaridan biri hisoblanib, ushbu standartlar tamoyillar sifatida belgilangan va ichki audit xizmatini tashkil qilishda asos yaratadi.



1-rasm. Ichki audit xizmatining faoliyat samaradorligi oshiruvchi omillar.*

**Ma'lumotlar asosida muallif ishlanmasi*

Aksiyadorlik jamiyatlarida ichki auditni takomillashtirishda samaradorlik eng muhim omillardan biri bo'lib, xalqaro standartlarning ahamiyat kattadir. Bu borada xalqaro ichki audit standartlari bilan bir qatorda tashqi audit standartlari ham muhim sanaladi. Xalqaro standartlar auditorlarga ichki audit tekshiruv sifatining alohida tarkibiy bo'linmalarini baholashda ichki auditorlarning faoliyatiga ishonishdan oldin bajarilishi kerak bo'lgan jarayonlar to'g'risida yetarlicha ko'rsatmalar beradi.

Ichki audit samaradorligini oshirishda ichki auditorlarning professionalligi, ya'ni ularning bilim darajasining yuqoriligi hamda ko'p yillik tajribaga ega bo'lishidir. "Ichki auditning Xalqaro professional standartlarida ham ichki auditorlar o'z vazifalarini bajarish uchun kerakli bo'lgan bilim, ko'nikma va boshqa vakolatlariga ega bo'lishlari kerakligi belgilangan". [3]

Ichki audit tekshiruvining muhim ahamiyatlaridan biri yangi loyihalarni ishlab chiqish va ularni tadbiq etishda kutilayotgan har qanday xatarlarni aniqlash hamda tahlil etish, ushbu xatarlar darajasini va keltiradigan zararlarni kamaytirishga imkon beradigan taklif va tavsiyalar berishdir. Shu bilan birga ichki audit xizmati ushbu loyiha va dasturlar uchun sarf xarajatlarni monitoring qilib boradi, kompaniyaning moliyaviy hamda boshqaruvga oid hisobotlari, ularning haqqoniyligi va o'z vaqtida samarali bajarilayotganligini ham tekshirib boradi. Ichki audit xizmati tomonlar

o'rtasida tuzilayotgan shartnomalar va ularning o'z majburiyatlarini bajarishlariga baho beradi. Shuningdek, amalda bo'lgan bo'lgan va joriy etilayotgan axborot kommunikatsiya texnologiyalari doirasidagi nazorat tizimini baholashga jalb etiladi.

Ichki audit tekshiruvi o'z maqsadlari yo'lida kompaniya uchun katta xarajatlar bilan bog'liq bo'lmasligi, dalillarning kompaniya moliyaviy holati va haqidagi fikrlarni shakllantirishda yetarlicha to'planishi, hisobga olish jarayonida yaratilgan axborotlar qimmatini oshirishi va sog'lom fikrga asoslangan bo'lishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining 25.02.2021 yildagi "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi O'RQ-677-sonli Qonuni;

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" 19.09.2018 yildagi PQ-3946-son qarori;

3. Xalqaro ichki audit professional standartlari.1210 A3.[https:// na.theiia.org / standards](https://na.theiia.org/standards).

4. Temirov A.A. Improvement of corporate governance in the banking sector of the Republic of Uzbekistan // Modern school of Russia. Issues of modernization. No. 1 (38, v2), 2022, pp. 28-30.

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMI MEXANIZMINI SHAKLLANTIRISH IQTISODIYOTNING ASOSIY MEZONIDIR

Gavhar Yo'ldashova Xusnitdinovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti

yuldashevagavhar1984@gmail.com

Annotatsiya

Mazkur tezisdagi aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimi mexanizmini shakllantirish iqtisodiyotning mezoni va korxonalarining rivojlanishi ko'p jihatdan amalga oshirilgan islohotlar iqtisodiyotining taraqqiyoti, shakllangan iqtisodiy tizim shart-sharoitlariga bog'liqligi yoritilgan

Kalit so'zlar: Aksiya, aksiyadorlik jamiyati, korporativ boshqaruv, korporativ sektor, iqtisodiy mexanizm, shaffoflik.

Hozirgi kunda milliy aksiyadorlik jamiyatlarida shakllangan korporativ boshqaruv respublikamizda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan islohotlarning turli bosqichlarida rivojlanib bormoqda. Lekin ushbu rivojlanish, jahon amaliyotida korporativ boshqaruvning evolyutsion taraqqiyoti bilan qiyoslanganda, qisqa davrda sifat jihatidan takomillashib borganligini kuzatish mumkin.

Mamlakatimizda olib borilgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar davrida aksiyadorlik jamiyatlari korporativ boshqaruvi mexanizmining kompleks samaradorligini oshirishga va jamiyat aksiyadorlariga individual yondashuvlar asosida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. Biroq aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv

mexanizmlari tizimi yetarli darajada tashkil etilmaganligi sababli korxonalarining ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati va investitsiyalarni jalb etish darajasi pastligicha qolmoqda. Shu bois, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan “Ko‘plab kompaniyalarimiz moliyaviy hisobot yuritish, ichki nazorat va audit o‘tkazish, boshqaruvga mustaqil a‘zolari kiritish kabi masalalarda oqsayotgani sababli kompaniyalarda korporativ boshqaruvni keng joriy etish ” kerakligi ta’kidlab o‘tildi¹⁴. [1]

Korporativ boshqaruvning shakllanishi va rivojlanishi ko‘p jihatdan amalga oshirilgan islohotlar natijasida bozor iqtisodiyotining taraqqiyoti, shakllangan iqtisodiy tizim shart-sharoitlariga bog‘liq bo‘lib, undagi institutsional birliklar o‘zaro munosabatlarining iqtisodiy mexanizmi asos hisoblanadi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimining asosiy jihatlari sifatida korxonaning barcha ishtirokchilari o‘rtasidagi ijtimoiy hamkorlik muhitini shakllantirish va ular o‘rtasida ishonchni oshirish maqsadida korporativ boshqaruvda xulq tamoyillariga rioya qilish va shaffoflikka asoslangan tizimli boshqarishga o‘tish yo‘llarini ishlab chiqilmoqda. Korporativ boshqaruv mexanizmlari tizimi rivojlanishining bir necha ming yillik tarixini hisobga olgan holda hozirgi kundagi korporativ boshqaruv tizimining shakllanish jarayoni o‘rganish hamda sheriklik munosabatlarida ishtirokchilar o‘rtasida umumiy maqsad va mulkka egalik xissining vujudga kelishi, ularning bir maqsad ortida birlashishi, sherikchilik asosida erishilgan natijadan manfaatdorlik va sheriklarning har birining vazifasi hamda bajargan amallariga qarab yakuniy natijani o‘zaro taqsimlash lozim.

Xususan, bugungi kunda korporativ boshqaruv mexanizmi tizimi sifatini oshirishni rivojlantirishda har bir aksiyadorlik jamiyatining quyidagi omillari muhim ahamiyatga ega:

- aksiyalarga egalik qilishi;
- moliyaviy tizimi va manbalari;
- mavjud bozor munosabatlari;
- davlatning korxonalar boshqaruviga aralashuv darajasi;
- makroiqtisodiy barqarorlik hamda iqtisodiy islohotlarning davomiyligi va jadalligi bilan uzviy bog‘liqlikda shakllanadi. Yuqorida sanab o‘tilgan omillar aksiyadorlik jamiyati tizimining yaralishiga bilvosita ta’sir qiladi.[2]

Korporativ boshqaruv tizimi sifatini oshirish mexanizmi ishlab chiqarish jamiyat korxonalarining asosiy poydevori bo‘lganligi sababli, ularni mulkchiligidan qat’iy korxonalar va aholi mablag‘laridan foydalanishni rivojlantirish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.[3] Shundagina korxonalar jamoasini manfaatdorligi oshadi va uning salohiyati kuchayib boradi.[4] Bu korxonalar va aholi mablag‘laridan foydalanishni kuchaytirishning bir tomoni bo‘lsa, ikkinchi tomoni korxonalar aksiyalariga egalik ortib boradi. Bunda dividenni asosiy qismi korxonalar jamoasida qoladi. Kimyo sanoati korxonalarida investitsiya faoliyatini rivojlantirish, ulardan foydalanish samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

¹⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 11 dekabrda Davlat ishtirokidagi korxonalarini isloh qilish natijadorligi va bu yo‘nalishdagi ustuvor vazifalarga bag‘ishlangan yig‘ilishidagi nutqi // <https://president.uz/uz/lists/view/3130>

O‘zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanishi ko‘p jihatdan ustuvor sohalarni, jumladan kimyo, biokimyo, gaz va neft-kimyo sanoati taraqqiyotiga bevosita bog‘liqdir. So‘nggi yillarda sohada yaratilgan poydevor kimyo sanoati salohiyatini yaqin 3 – 5 yil davomida barqaror o‘shish dinamikasini ta‘minlay oladi. Biroq, kimyo sanoatining barcha yo‘nalishlarini uzoq muddatli barqaror rivojlanishiga mustahkam zamin yaratish uchun sohani transformatsiya qilish jarayonlarini, eng ilg‘or xorijiy tajribalardan kelib chiqqan holda korporativ boshqaruv tizimi sifatini oshirish mexanizmini shakllantirish zarurligini taqozo etmoqda.

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda mamlakatimizda kimyo sanoati mahsulotlarini ishlab chiqarish tendensiyasi, korporativ boshqaruvni joriy etish hamda iqtisodiy sikllar ta‘sirini o‘rganish maqsadida “O‘zkimyosanoat” AJ faoliyatini o‘rganib chiqish lozim. Korporativ boshqaruv tizimi sifatini oshirish mexanizmini keng joriy qilish bo‘yicha amaliy ishlar natijalarini aniq raqamlar asosida qarab chiqish maqsadida respublikamizda kimyo mahsulotlari ishlab chiqarishning rivojlanish ko‘rsatkichlarini statistik tahlillar asosida tahlil qilish lozim. (1- jadval)

1- jadval

Respublikamizda kimyo mahsulotlari ishlab chiqarishning rivojlanish ko‘rsatkichlari¹⁵

Ko`rsatkichlar	Yillar					2021 yilda 2017 yilga nisbatan o`zgarishi
	2017	2018	2019	2020	2021	
Sanoat mahsulotlari hajmi, mlrd. so`m	148816,0	235340,7	322535,8	368740,2	451633,9	302817,9 mlrd. so`m
Sanoat mahsuloti ishlab chiqarishni o`shishi, %	105,2	110,8	105,0	100,9	108,7	3,5 foiz
<i>Kimyo mahsulotlari ishlab chiqarish, mlrd. so`m</i>	9893,8	15078,4	18974,3	21213,5	27577,9	17684,1 mlrd. so`m
<i>Kimyo mahsulotlari ishlab chiqarishni o`shishi, %</i>	94,0	97,2	102,3	107,6	105,7	11,7 foiz
<i>Kimyo mahsulotlarining sanoat mahsulotlaridagi ulushi, %</i>	8,2	8,0	7,4	6,9	7,4	-0,8 foiz

Yuqorida keltirilgan ko‘rsatkichlarga asoslangan holda tahlil qiladigan bo‘lsak, respublikamizda sanoat mahsuloti hajmi 2021 yilda 2017 yilga nisbatan 302 817 mlrd. so‘mga oshgan. Sanoat mahsuloti ishlab chiqarish esa 2021 yilda 2017 yilga nisbatan 3,5 foizga o‘zgargan. Shu jumladan, kimyo mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 2021 yilda 2017 yilga nisbatan 17 684 mlrd. so‘mga ko‘payganligini kuzatishimiz mumkin.

¹⁵ <https://stat.uz/uz/> Statistika vazirligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi

Kimyo mahsulotlari ishlab chiqarishni o‘sishi esa 2021 yilda 2017 yilga nisbatan 11,7 foizga oshgan. Kimyo mahsulotlarining sanoat mahsulotlaridagi ulushi 2021 yilda 2017 yilga nisbatan 0,8 foizga kamayganligini ko‘rishimiz mumkin.[5]

Yuqorida keltirilgan tahlil natijalariga asoslangan holda xulosa chiqaradigan bo‘lsak, korporativ boshqaruv tizimi sifatini oshirish mexanizmini keng joriy qilinishi sanoatda mahsulot ishlab chiqarishni o‘shir sur‘atlarini oshirishga xizmat qilmoqda. Shuningdek, kimyo mahsulotlari ishlab chiqarish tarmog‘ida asosiy mahsulotlarni ishlab chiqarish miqdori hamda ularning barqarorligini ta‘minlash bilan korporativ boshqaruvni joriy qilish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar orasida bog‘liqlik mavjud ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 11 dekabrda Davlat ishtirokidagi korxonalarini isloh qilish natijadorligi va bu yo‘nalishdagi ustuvor vazifalarga bag‘ishlangan yig‘ilishidagi nutqi // <https://president.uz/uz/lists/view/3130>

2. D.X. Suyunov, E.A. Xoshimov Korporativ boshqaruv modellari:konseptual jihatlar, zamonaviy tendensiyalar va konvergensiyaimkoniyatlari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektronjurnali. № 4, iyul-avgust. –2017– 10-13 b.

3. Zaynutdinov Sh.N., Rahimova D.N. Korporativ boshqaruv asoslari. – T.:Akademiya, 2007. – 62 b.

4. Jean-Michel Sahut, Marta Peris-Ortiz & Frédéric Teulon. Corporate social responsibility and governance. Journal of Management and Governance Published:

26 June. –2019 – 917 p. doi: 10.1007/s 10997-019-09472-25. <https://uzkimyosanoat.uz/uz/company/department> сайти маълумотлари.

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA KORPORATIV BOSHQARUV FAOLIYATINI TAHLIL QILISH USULLARI

i.f.f.d. dots. Xo‘jamurodov Asqarjon Jalolovich
TKTI “Sanoat iqtisodiyoti va menejmenti” kafedrasini mudiri
[*khujamurodovaskarjon@gmail.com*](mailto:khujamurodovaskarjon@gmail.com)
Maxmutaliyev Sunnatilla Muhammadali o‘gli
TDIU Magistri

Annotatsiya

Ushbu maqolada aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv faoliyatini tahlil qilish shakllari va ularni takomillashtirish bugungi kunda mamlakatimizdagi dolzarb mavzulardan biridir. O‘rganilgan va taxlil qilingan ma‘lumotlar asosida aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv faoliyatini tahlil qilish shakllari va ularni takomillashtirish bo‘yicha ilmiy va amaliy asoslangan hulosa, taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit soʻzlar: korporativ boshqaruv, aksiyadorlik jamiyati, tahlil usullari, ekspert tahlil usullari, samaradorlik.

Bugungi globallashtirish jarayonlarida milliy iqtisodiyotni rivojlantirish, raqobatbardoshligini oshirish va xalqaro integratsiyasini faollashtirishda aksiyadorlik jamiyatlari ishtiroki tobora ortib bormoqda. Ayniqsa, bozor munosabatlarining takomillashuvi va tezkor oʻzgarishlarning hozirgi davrida aksiyadorlik jamiyatlarining samarali moliya-xoʻjalik faoliyatini ular tomonidan puxta ishlab chiqilgan moliyaviy siyosati va uni amalga oshirish mexanizmsiz taʼminlab boʻlmaydi. Bu aksiyadorlik jamiyatlarida samarali korporativ boshqaruvni tashkil etishda bugungi kunda jiddiy eʼtibor qaratilayotgan muhim jihatlardan hisoblanadi. Milliy iqtisodiyotimizda keng koʻlamli islohotlar amalga oshirilayotgan hozirgi davrda aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatini rivojlantirish, ularning xorijiy kapital bozoriga chiqishini taʼminlashga erishish, tashqi bozordagi raqobatbardoshligini taʼminlash korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish va bu borada ilgʻor xorij tajribalaridan samarali foydalanishni dolzarb vazifa qilib qoʻymoqda.

Bugungi kunda korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlarning rolini kuchaytirish, kapitalni jalb qilish hamda korxonalar, moliyaviy institutlar va aholining erkin mablagʻlarini joylashtirishning muqobil manbai sifatida moliya bozorini rivojlantirishga qaratilgan Oʻzbekiston Respublikasi moliya bozorini oʻrta muddatli va uzoq muddatli istiqbolda rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqish, unda alohida milliy korxonalar aksiyalarining xorijiy nufuzli fond birjalarida dastlabki tarzda joylashtirilishiga erishish (IPO), ularning xorijiy kapital bozoriga chiqishini taʼminlashga erishish, iqtisodiyot tarmoqlari uchun samarali raqobat muhitini yaratish hamda mahsulotlar va xizmatlar bozorida bosqichma-bosqich monopoliyani qisqartirishga erishish yoʻlida ustun mavqega ega boʻlgan korxonalarining aksiya va ulushlarini sotib olishda tadbirkorlik subʼektlarining hujjatlarini koʻrib chiqish tartibini soddalashtirishni taʼminlashga qaratilgan chora tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Mahalliy va xorijiy olimlarning asarlarini har tomonlama oʻrganish shuni koʻrsatadiki, boshqaruv qarorlarining iqtisodiy samaradorligini baholash masalalari ikkinchi darajali boʻlib qolgan, vaholanki boshqaruv iqtisodiy samaradorligini baholashning anʼanaviy usullarini mahalliy korporatsiyalarga nisbatan amalga qoʻllab boʻlmaydi. Shunday ekan, ushbu murakkab muammoning echimini topishga bagʻishlangan ilmiy tadqiqotlar dolzarbligi juda yuqori hisoblanadi.

Hozirgi paytda korporativ boshqaruv samaradorligini baholash uslubiyatlarining ikkita guruhi mavjud: boshqaruv va iqtisodiy uslubiyatlar. Boshqaruv mezonlaridan foydalangan holda korporativ boshqaruv samaradorligini baholash usullari asosan turli reytinglar bilan ifodalanadi.

«RID–Ekspert RA» korporativ boshqaruv reytingi mulkdorlar manfaatlariga rioya qilinishini: kompaniyaning korporativ boshqaruv sohasidagi Rossiya qonunchiligi talablariga javob berishi, korporativ boshqaruv Kodeksi tavsiyalariga rioya qilinishi, kompaniya aksiyadorlarining huquqlari buzilishi risklari mavjudligi va

h.k.ni baholaydi. Ushbu usulning kamchiligi shundaki, u kompaniyaning daromad keltirish qobiliyatini hisobga olmaydi. Asosiy e'tibor mulkdorlar manfaatlariga huquqiy rioya qilishga qaratiladi.

CORE-reyting, reyting «PRAYM-TASS», korporativ boshqaruv reytingi, Standart&Poor's, Brunswick UBS Warburg – ushbu baholash usullarining barchasi har bir baholash ko'rsatkichiga ekspertlarning sub'ektiv fikrlariga asoslangan vazn beradi. Tahlil qilinayotgan kompaniyalar guruhining oliy natijalarini taqqoslash integratsiyalangan ko'rsatkichi foydalaniladi, bu tahlil qilinayotgan korxonalar me'yorlashtirilgan ko'rsatkichlaridan koordinata nuqtasidan etalon korxonalar yolg'iz holdagi koordinata nuqtasigacha bo'lgan masofani ko'rsatadi. Ushbu usullar kamchiligi shunga borib taqaladiki, reyting baholari kam axborot beradi, chunki korxonaning boshqa firmalar orasida egallab turgan o'rnini ko'rsatadi, xolos. Bu usullar faqat korporativ boshqaruv mexanizmlari samarali ishlayotgan kompaniyalarga nisbatan qo'llanishi mumkin. Mahalliy uslubiyatlar qaramaqarshi xarakterga ega, chunki ekspertlarning fikrlariga asoslanadi, xorijiy uslubiyatlarni esa mahalliy korxonalar nisbatan doimo qo'llab bo'lmaydi, chunki ular axborot shaffofligi borasida xorijiy baholovchilar talablariga javob bermaydi. Etalon korxonalar ko'rsatkichlarini shakllantirish ancha shubhali hisoblanadi, chunki vaqt o'tishi bilan yo'nalishni ko'rsatuvchi belgilar o'zgaradi. Shuningdek, ko'rsatkichlar o'rtasidagi o'zaro aloqalar hisobga olinmaydi.[1]

Korporativ boshqaruv samaradorligini baholashning ushbu usullari mulkdorlarning manfaatlarini differentsiatsiya qilishga imkon bermaydi va tahlil qilinayotgan korxonalar faoliyatini baholashning iqtisodiy mexanizmlarini aniqlashtirmaydi.

Iqtisodiy mezonlardan foydalangan holda korporativ boshqaruv samaradorligini baholash usullari:

- korxonaning berilgan vaqt oralig'ida bankrotga uchrash ehtimolini bashorat qilishning statistik asoslangan modellari;
- korxonalar reytinglashning rang uslubiyatlari;
- korxonalar rangga ajratishning tarmoq usullari;
- kreditlash maqsadida korxonalar reytingini aniqlash uslubiyati.

Bu usullarning kamchiligi shundaki, ular iqtisodiy foydani baholashga asoslanadi. Ular mulkdorlarning korxonalar ishidan manfaatdorligini, misol uchun, korxonalar faoliyati ustidan nazorat o'rnatish manfaati, boshqaruv qarorlariga ta'sir etish imkoniyati va h.k.ni hisobga olmaydi. Shuningdek, zamonaviy amaliyotda korxonalar korporativ boshqaruv samaradorligini baholashning korxonaning bozor qiymati va moliyaviy holatini tahlil qilish asosida boshqaruv samaradorligini baholash natijalarini olishga asoslangan turli miqdoriy usullari ham qo'llanadi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida ularning faoliyatlari, xususan minaritar aksiyadorlar huquqlari, moliyaviy faoliyatlariga taalluqli hisobotlar va ma'lumotlar, so'rovnomalar o'tkazish va intervyu olish orqali ma'lumotlar olish jarayonida bir qancha muammolarga duch kelinishi tabiiy.

Bugungi kunga qadar O'zbekistonda korporativ boshqaruv standartlarini joriy qilish va uning samaradorligini oshirishga barcha korxonalarda ham etarlicha e'tibor qaratilayotgani yo'q. Bu holatning sababi, quyidagilardan iborat:

- korxonalar korporativ boshqaruv standartlarini joriy qilish zaruratidan xabardor emas;
- aksiyadorlik qonunchiligi sohasidagi normativ-huquqiy baza mukammal emas;
- korporativ boshqaruv samaradorligini baholash mezonlarini qo‘llash qiyin .

Bundan tashqari, korporativ boshqaruv samaradorligini baholashning ilmiy asoslangan apparati yo‘q ekanligi korporativ standartlarga rioya qilish zaruratini tushunishni qiyinlashtiradi.

Shunday qilib, xorijdan o‘zlashtirilgan va mahalliy sharoitlarda qo‘llanayotgan korporativ boshqaruv samaradorligini baholashning barcha usullari doim ham samarali bo‘lavermaydi. Korporativ boshqaruvning iqtisodiy samaradorligini baholashga yangicha yondashuvlar yaratishga asoslangan tamomila boshqa usul talab qilinadi.

Bu vazifani Norton va Kaplan muvozanatlangan ko‘rsatkichlar tizimi usuli yordamida hal etish mumkin, chunki unda miqdoriy hisob-kitoblarni sifat baholari bilan to‘ldirishga qaratilgan harakat amalga oshirilgan. Ular korporatsiyaning umumiy strategiyasi bilan bog‘liq bo‘lgan boshqaruv samaradorligining barcha oshkora va yashirin omillarini baholashga yordam berishi mumkin. Bu usullarning asosiy kamchiligi shundaki, ularni samarali qo‘llash uchun korxonada o‘zining mufassal ko‘rsatkichlar tizimini mustaqil ravishda ishlab chiqishi va uni qo‘shimcha qiymat yaratish butun zanjiri bo‘ylab barcha bo‘linmalarda joriy qilishi zarur. Ko‘rsatkichlar tizimini tanlashga sub‘ektiv fikrning ta‘sir omili usulning boshqa bir zaif nuqtasi hisoblanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak korporativ boshqaruv samaradorligini kompleksli baholash uchun baholashning iqtisodiy mezonlarini o‘z ichiga oladigan uslubiyat ishlab chiqish zarur.

O‘zbekistonda korporativ boshqaruv tizimi shakllangan va u hozirda rivojlanib bormoqda, degan xulosaga kelindi. Biroq, milliy korporativ boshqaruv tizimida aniqlangan muammolarni hal etish, uni xalqaro standartlar asosida rivojlantirish uchun quyidagilar taklif etiladi:

uzoq muddatga mo‘ljallangan «Korporativ boshqaruv tizimini rivojlantirish konsepsiyasi» ni ishlab chiqish va amalga oshirish;

korporativ boshqaruvni rivojlanishini targ‘ib qiluvchi va ko‘maklashuvchi jamoat tashkilotlarini yaratilishiga sharoitlar yaratish; korporativ boshqaruv va respublika fond bozori o‘rtasidagi uzviy aloqani fond birjasining listing mexanizmi orqali ta‘minlash;

korporativ qonunchilikka minoritar aksiyadorlar huquqlarini samarali himoyalash, korporativ boshqaruv organlari faoliyatini samarali tashkil etishga qaratilgan normalarni kiritish;

aksiyadorlik jamiyatlarining investitsion jozibadorligini oshirish bo‘yicha tadbirlarni amalga oshirish; xodimlarning aksiyalarga egalik qilish rejasi (ESOP) orqali ularni korporativ boshqaruvda ishtirok etishi mexanizmini rivojlantirish.

Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv faoliyatini tahlil qilish korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi samaradorligini miqdoriy jihatdan aniqlash maqsadida uni reyting asosida baholash metodikasini ishlab chiqish maqsadga muvofiq. Metodikaning afzalligi shundan iborat bo‘lishi kerakki, u

aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmining muammoli elementlarini yuzaga chiqarishga imkon berishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Xonkeldieva G Korxonalar korporativ boshqaruvining baholash usullarini tahlil qilish “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2017 yil

2. Khujamurodov A., Jumanova Z. Methodological Aspects of the Bank's Information Security //Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN. – 2020. – T. 2249. – №. 0892.

3. Хамидулин М.Б Развитие финансового механизма корпоративного управления, Автореферат дисс...доктора. экон. наук.-Ташкент, БФА, 2009.

4. Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане, Автореферат дисс...доктора. экон. наук.-Ташкент, БФА, 2009.

5. Шоҳазамий Ш.Ш. Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане, Автореферат дисс...доктора. экон. наук.- Ташкент, БФА, 2011.

6. Aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini oshirish va korporativ boshqaruv tiziminitakomillashtirish bo'yicha komissiyaning 31.12.2015 yildagi majlisi (bayonnoma №02-02/1-187, 11.02.2016y.) asosan tasdiqlangan Korporativ boshqaruv kodeksi.

7. Khujamurodov, A. (2020). Development and formation of the securities market in Russia. Архив научных исследований, 35

AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA KORPORATIV BOSHQARUVNI TAKOMILLASHTIRISH

Mo'minov Shohjahon Suyun o'g'li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
Korporativ boshqaruv kafedrasida assistenti
shohjahon091@mail.ru

Annotatsiya

Maqolada korporatsiyalarda korporativ boshqaruvni rivojlantirish, ularning faoliyatini takomillashtirish va yangi zamonaviy loyihalarda ishtirokini oshirish hamda korporativ boshqaruv orqali iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: Aksiyadorlik jamiyatlari, kapital bozori, investitsiya, korporativ boshqaruv, heyj fondlar, kompaniyalarni korporativ boshqaruv tamoyillari orqali rivojlantirish, texnologik yangiliklar, iqtisodiy rivojlanish.

Bugungi kunda korporatsiyalar, aksiyadorlik jamiyatlari va banklar iqtisodiyotni rivojlantiradigan asosiy tizimlardir. Korporatsiyalar mamlakat iqtisodiyotiga hissa qo'shishda asosiy rol o'ynaydi. Bular asosan aksiyadorlik jamiyatlari hisoblanadi va bu yuridik shaxslar kompaniya yoki tijorat banklari hisoblanadi. Bugungi bozor iqtisodiyotida korporatsiyalarning ahamiyati juda muhim. Korporatsiyalarning va

xususiy banklarning faoliyati ancha rivojlanyapti. Respublikamiz kompaniyalari va banklari faoliyatini yanada rivojlantirish uchun zamonaviy korporativ boshqaruvni to'laqonli ishlashini taminlashimiz kerak. Investitsiyalar oqimini kuchaytirish kerak. Aksiyadorlik jamiyatlari ya'ni kompaniyalardan tashqari tijorat banklari ham aksiyadorlik jamiyati hisoblanadi. Bu tashkilotlarda korporativ boshqaruvni yo'lga qo'yish orqali ham ularni faoliyati tizimlashtiriladi ham rivojlanadi va bu o'z o'rnida mamlakat iqtisodiyotiga juda katta foyda keltiradi. Korporativ boshqaruv bu hamkorlik va tizimlashtirish ustiga qurilgan boshqaruv hisoblanadi. Rivojlangan davlatlarda deyarli barcha kompaniyalarda korporativ boshqaruv tizimi to'laqonli ishlaydi. Ushbu maqolada investitsion korporativ boshqaruv faoliyatini yo'lga qo'yish orqali aksiyadorlik jamiyatlarini hamda mamlakatimiz iqtisodiyotni rivojlantirish uchun bir qancha takliflar berilgan.

Bugungi kunda qaysi davlatda kompaniyalar o'zlarining boshqaruvida korporativ boshqaruv tamoyillari asosida boshqaruvni yo'lga qo'ygan bo'lsa iqtisodiyotning barqaror o'sishiga erishayotgan hisoblanadi. Korporativ boshqaruvning rivojlanib borishi o'tgan asrning 70 yillariga to'g'ri keladi lekin bundan ancha oldin korporativ boshqaruv mavjud bo'lgan. AQSH va G'arbiy Yevropa davlatlarida korporativ boshqaruv o'tgan asrning 50 yillaridan keyin juda tez rivojlangan. Aslida buning boshlanishi feodalizm tugab sanoat davrining boshlanishi bilan paydo bo'lgan. Sanoat davrida korporatsiyalarni tizimli va tartibli boshqarish uchun korporativ boshqaruv kerak bo'lgan. Ya'ni mulkdorlar mulkka egalik qilgan holda uning boshqaruvini yollanma boshqaruvchilarga topshirgan va nazorat qilgan. Bu esa kompaniya faoliyatining tez rivojlanishiga hamda kompaniya egasining vaqtini tejashga hamda mas'uliyatini cheklashga olib kelgan. Rivojlangan mamlakatlarda bu tizim ishlaydi. Ularda kompaniyalar ayniqsa yirik aksiyadorlik jamiyatlari boshqacha boshqaruvni bilmaydi. Investitsion banklarning boshqaruvi ham shunga asoslangan. Respublikamizda tijorat banklaridan tashqari investitsion banklarni tashkil qilish kerak. Tasavvur qiling tijorat banklari investor vazifasini bajaradi. U o'z resurslari bevosita real aktivlarni tashkil etish va moliyaviy aktivlarni xarid qilishga yo'naltiradi. Shu orqali tijorat banklari bozor iqtisodiyoti sharoitida xo'jalik subektlarining pul kredit shaklida yuzaga keluvchi investitsion talablarini amalga oshirishini rag'batlantiradi. Korporativ boshqaruvning ham Yapon modelida korporatsiyalarning yirik ulushiga Investitsion banklar egalik qiladi. Ular kompaniyalarni kredit orqali emas balki investitsiya orqali moliyalashtiradi va har doim korporatsiyalarning o'ziga tegishli ulushini doimiy o'zida saqlab keladi. Bugungi kunda Yaponiya iqtisodiyoti eng kuchli 10 davlatlar qatoriga kiradi hamda investitsion loyihalar, robototexnika, suniy intellekt va startaplar mamlakati hisoblanadi. Buning barchasi investitsion faoliyat to'g'ri yo'lga qo'yilgani uchun va ilm fan loyihalariga asosan investitsiyalariga mablag'lar yo'naltirilganligi evaziga bo'lmoqda.

Investitsiya asosida turli soha va tarmoqlarga yangi texnologiyalar, tajribalar va malakali kadrlar kirib keladi. Isroil davlatini misol tariqasida olsak, bu davlat startaplar davlati deyiladi chunki bugungi kunda Isroil davlatining iqtisodiy o'sishi yangi texnologiyalarga asoslangan. Bunda investitsion banklarning, heyj fondlarning va xususiy investorlarning o'zni katta. Isroil muntazam yangi startaplarni, ayniqsa raqamli loyihalarni moliyalashtirib keladi va bu davlatda juda ham jozibali investitsion muhit

Therefore, the development of shareholder power, simultaneously, increasingly more inspired companies to think about having more profit and of course about catching more investors' attentions to raise their capital and having more stable economic performance. So, depending on first researches and scientific recommendations, experts worked on developing corporate governance theories and concepts as well.

Corporate governance, at its core, differs from the day-to-day operational management of the company in that it is concerned with what the board of a company does and how it sets the values the company adheres to.

That is why implementing successful Corporate Governance strategies of big corporations to Uzbek companies can lead them to raising more capital and attract more investments which can be a basic source of good profit later on.

Now even there are special websites and agencies for shares and stock, companies are not ready to fulfill all requirements in a real life and this causes the barrier to appeal customers' belief on buying their share.

Accordingly, strategy of Corporate Governance in one of the giant companies of the world, namely Amazon is the case in the thesis that can be a real good role-model to learn how to attract more investors and work with them well.

Even though there are many candidates for being a CEO and controller of Corporate Governance system in Amazon, the person with most numbers of shares, meaning owner, Jeffrey Bezos opts for doing it himself.

It is clear that American stocks are famous for their quick bulls and bears during trade, however, Bezos strategy is something different from that. That is why company offers long-term growth in stock for their shares but not quick changes, ups or downs.

And this sometimes demotivates some trades along with investors as long as they want quicker profits. Then this company is, obviously, not for them.

Therefore, shares of company has boosted steadily and now

The period during Pandemic created a chance for Amazon to boost and make unbelievable amount of profit. At that time, they could win many of their competitors due to their digitally developed service.

But pick capital was 1.82 trillion in 2021, so because of different factors it went down. The only annual fall was only in 2022 in last decade, but in general they have financial development.


Annual Capital in last 5 years of Amazon [3]		
Year	Price	Growth
2023	\$1.049 T	22.46%
2022	\$856.94 B	-49.32%
2021	\$1.691 T	3.48%
2020	\$1.634 T	77.58%
2019	\$920.22 B	24.78%

As the weakness of company is usually considered its high-volume investments on low operating margin (just 4.1 % in early 2000s) for reinvesting to new technological advancements that worries many investors. However, company professionally concerns about that upcoming little issue and prevents them by increasing valuation of its shares.

They fully think about Corporate Governance principles and concepts and ensure accuracy with quarterly and annual financial reports for their present and future investors as vivid proof.

Threat is only about lack of green actions of Amazon but it is also enhanced by having a first sustainability executive Kara Hartnett Hurst in 2014. And today Amazon has been involved tens of social projects, including Energy Consumption by Amazon, Water Consumption by Amazon, Waste Reduction and Recycling by Amazon and taking really good green actions.

And Beta Benchmark of giant companies, which can be considered somehow competitors, for the next five years and could investing them be beneficial for investors if they are thinking of them:



All data and analysis held above about how Amazon could achieve such a well-made Corporate Governance strategy can be role model for any local Uzbek organizations. Therefore, it is time to take a serious action, because market in terms of investment volume is ready for buying real and reliable shares of companies and it is nearly impossible to change the condition of dead market position to positive side without learning and implementing real life successful cases of international big corporations.

References

1. Roddy Sunguro, "Corporate Governance Analysis of Amazon.com, Inc.", ResearchGate, 2020, DOI: 10.13140/RG.2.2.26875.34083
2. Naramta Singh, "Purpose of Corporate Governance & What are their codes?" London Institute of Business and Technology, November 2018,
3. Mark Hall, "Amazon.com", Britannica, May 2023 (<https://www.britannica.com/topic/Amazoncom>)

KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMI VA UNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

Ruziboyev Azizbek Abdurahmon o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Ruziboyevaziz02@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu tezisdagi xorij amaliyotida korporativ boshqaruv tizimining o'ziga xos xususiyatlari, korporativ boshqaruvning Yaponiya, Germaniya, Janubiy Koreya modellari o'rganilgan. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasida xususiylashtirishning asosiy ko'rsatkichlari hamda korporativ boshqaruvni asosiy modellarining taqqoslama xususiyatlari tahlil qilingan. O'zbekistonda korporativ boshqaruvning milliy modeli shakllanishi xususida fikr yuritilgan. Tezis xorij amaliyotida korporativ boshqaruv tizimining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganishga, ta'assischilar kapitalidagi davlat ishtirokidagi korxonalarini boshqarish, korporativ boshqaruvning xorijiy modellariga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: korporativ boshqaruv, aksionerlik jamiyatlari, korporatsiya, ingliz-amerika modeli, yapon-germaniya modeli, Janubiy Koreya modeli, insayder modeli, autsayder modeli.

Xorijiy mamlakatlarda aksiyadorlik kapi talniboshqarish tizimi muayyan mamlakatning shart-sharoitlari va o'ziga xosliklariga muvofiq rivojlanmoqda. Korporativ boshqaruvning ingliz-amerika, germaniya (kontinental) va yapon modellari ajratib ko'rsatish an'anaviy hisoblanadi. Ingliz-amerika modeliga tarqoq, autsayderlik aksiyadorlik mulki, korporativ boshqaruvning ikki pog'onali tizimi (direktorlar kengashi va ijroiya direksiyasi) mavjudligi, korporatsiyalar faoliyati ustidan nazorat qilishning liberal vositasi sifatida fond bozorining roli muhim ekanligi xosdir. Germaniya modeli qoidaga ko'ra, markazlashtirilgan xarakterga ega bo'lgan katta hajmdagi insayderlik mulki mavjudligi bilan tavsiflanadi. Germaniya modeli doirasida uch pog'onali korporativ boshqaruv tizimi o'ringa ega bo'lib, unda direktorlar

kengashi va ijroiya direksiyasidan (korporasiyani joriy boshqarish organi) tashqari, korporativ boshqaruv tizimi ustidan mustaqil nazorat funksiyasini amalga oshiradigan kuzatuv kengashi ham mavjud. Yaponiya, Ingliz-amerika va Germaniya modeli bilan taqqoslaganda, korporativ boshqaruvning axborot jihatidan ko'proq «yopiq»ligi bilan tavsiflanadi.

Ushbu model doirasida korporatsiyalarni boshqarish tizimini shakllantirish va rivojlantirishga moliya institutlari, birinchi navbatda, sanoat korporatsiyalari faoliyatini moliyalashtirish sohasida ham, korporativ nazorat sohasida ham keng doiradagi funksiyalarni bajaradigan yirik bank tuzilmalari jiddiy ta'sir ko'rsatadi. Umuman olganda, korporativ sektorda davlat mulki ulushining ancha kichikligi va korporatsiyalar rivojlanishi ustidan davlat nazoratining yetarli emasligi, xususan, Dj.Stiglisning fikriga ko'ra, 2008-2009 yillarda global moliyaviy iqtisodiy inqirozga olib kelgan 2007 yilda AQSh iqtisodiyotidagi moliyaviy inqirozning asosiy sabablaridan biri hisoblanadi. Germaniya iqtisodiyoti uchun mintaqaviy darajada shakllantiriladigan odatiy korporatsiyalar aksiyalarining jiddiy paketi mintaqaviy hukumatlarga tegishli bo'lgan, hamda bir vaqtning o'zida ham yuridik, ham jismoniy shaxslarga tegishli bo'lgan – qoidaga ko'ra, shu hududning rezidentlari aksiyadorlar sanalgan kompaniyalar hisoblanadi. Bunda Germaniya mintaqaviy hukumat vakillari, qoidaga ko'ra, bu turdagi korporatsiyalarning direktorlar kengashida ham, Kuzatuv kengashida ham ishtirok etadi. Bu esa, uning rivojlanishi ustidan nazoratni amalga oshirishga ham, muayyan hududning iqtisodiy tizimini takomillashtirish yo'nalishidagi investision faoliyat ustuvor yo'nalishini ta'minlashga, ijtimoiy vaziyatning yomonlashuviga yo'l qo'ymaslikka ham imkon beradi. Jismoniy shaxslar uchun esa, davlatning bu turdagi kompaniyalar korporativ boshqaruv tizimidagi ishtirok etishi, korxonalarining nisbatan samarali faoliyat ko'rsatishining qo'shimcha kafolati hisoblanadi va mos keluvchi mintaqalar aholi guruhlarining ijtimoiy farovonlik darajasi bevosita unga bog'liq bo'lib, ular uchun bunday korporatsiyalar ham ish beruvchi, ham dividend va qimmatli qog'ozlar qiymatining o'sishi ko'rinishida qo'shimcha daromad olish manbasi hisoblanadi.

Janubiy Koreya modeli doirasida davlat, qoidaga ko'ra, yangi, birinchi navbatda, innovatsion-sanoat korporativ tuzilmalarining normal rentabellik darajasiga chiqishini ta'minlaydi, shundan keyin esa aksiyalar davlat paketini tashqi investorlarga sotishni amalga oshiriladi. Shu tariqa, Janubiy Koreya modeli doirasida korporativ mexanizmlar norasmiy mexanizmlar bilan almashinadi. Bu esa uzoq muddatli istiqbolda korporatsiyalar rivojlanishida jiddiy risklarga olib kelishi mumkin.

Davlatning korporatsiyalar kapitalida ishtirok etishi borasida Skandinaviya modelini boshqalardan ajratib turadigan asosiy xususiyat korporativ boshqaruv mexanizmi va davlat vakillarining direktorlar Kengashida ishtirok etishi vositasida muayyan aksiyadorlik jamiyatlari va butun milliy iqtisodiyot, uning yetakchi tarmoqlari va hududiy sanoat klasterlarini rivojlantirish strategiyalarining muvofiqligini ta'minlash hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi davlat aktivlarini boshqarish agentligining ma'lumotiga ko'ra, 2020-yilning yanvar-iyun oylarida 462 ta korxonalar va ob'ektlar xususiy lashtirildi. Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, eng ko'p xususiy lashtirilgan ob'ektlar soni Toshkent viloyatida 82 ta (17,8 %), Farg'ona viloyatida – 63 ta (13,6 %), Qashqadaryo viloyatida – 52 ta (11,3%), Jizzax viloyatida

– 51 ta (11,0%), Toshkent shahrida – 34 ta (7,4 %), Samarqand viloyatida – 33 ta (7,1%), Buxoro viloyatida – 25 ta (5,4%) ni tashkil etdi. Umuman, bizning fikrimizcha, davlat ishtirokidagi kompaniyalarda korporativ boshqaruv mahalliy tizimini takomillashtirish jarayonida ko'rib chiqilgan xorijiy modellarning quyidagi elementlaridan foydalanish mumkin:

– ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni boshqarishni mintaqaviy darajada rivojlantirish (Germaniya modeli);

– davlat boshqaruv sohasidagi kadrlarni korporatsiyalar Direktorlar Kengashi va top menejmenti sohasiga tizimli, oshkora va ob'ektiv rotasiya qilish amaliyotini rivojlantirish (Yaponiya modeli);

– korporativ mexanizmlar orqali davlat vakillarining ta'sirini maqsadli yo'naltirilgan tarzda oshirish vositasida korporatsiyalar rivojlanish strategiyasi va tarmoqlar, hududlar faoliyati strategiyalarining muvofiqlik darajasini oshirish (Skandinaviya modeli)

Korporativ boshqaruvning xalqaro tan olingan tamoyillari mavjud bo'lib, O'zbekistonda unga amal qilinishini ta'minlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu o'z navbatida istiqbolda respublikamiz iqtisodiyotida korporativ tashkilotlar faoliyatini yanada rivojlantirish va takomillashtirish asosida milliy iqtisodiyotimizni mustahkamlanishiga va raqobatbardoshligini oshishiga olib keladi.

Insayder modeli ko'proq Germaniya va Yaponiya kompaniyalari uchun xos, ya'ni bu yerda banklar, kredit-moliya muassasalari va boshqa kompaniyalar (masalan, asosiy yetkazib beruvchilar yoki firmaning mijozlari) ko'pincha kompaniya aksiyalari ning egalari hisoblanishadi. Ushbu model autsayder modelidan shunisi bilan farq qiladiki, korporativ moliyalash moliyaviy va savdo aloqalari tufayli kompaniyada uzoq muddatli strategik manfaatlarga ega bo'lgan strategik sarmoyadorlar tomonidan amalga oshiriladi.

Autsayder modeli moliya bozorlarining jadal o'sishiga ko'maklashadi, chunki unda axborot oshkora va teng taqsimlanadi, bunda, ayniqsa, mayda aksiyadorlarni himoyalashga jiddiy e'tibor qaratiladi. Autsayder modeli ko'proq ingliz saksoniya modeli deb ataladi hamda AQSh va Buyuk Britaniyaga xosdir, ya'ni ushbu mamlakatlarda ko'pchilik o'rta va yirik kompaniyalar o'z sarmoyasini katta miqdorda aksiyalar chiqarish hisobidan ko'paytiradi. Korporatsiya aksiyalari paketining maydalanishi ushbu holatda aksiyadorlardan hech biri menejmentning harakatini nazorat qilish imkoniyatiga ega bo'lmasligini anglatadi. Nazorat faqatgina aksiyadorlarning jamoaviy sa'y harakatlari bilan amalga oshiriladi.

Ingliz-amerika modelida korporatsiya faoliyatiga direktorlarning unitar kengashi rahbarlik qiladi. AQShda korporatsiya to'g'risidagi davlat qonunlari direktorlar kengashi a'zolarining boshqarish va kuzatish funksiyalarini ajratmaydi, ular faqat korporatsiyaning umumiy ishi uchun javob beradi. Ijrochi va mustaqil direktorlar (ya'ni, kompaniya manfaatlarini namoyon etuvchi ma'murlar va chetdan taklif etilgan, mustaqil ma'murlar) o'rtasida kengash a'zolarining funksiyalarini taqsimlash to'g'risidagi qaror kompaniya aksiyadorlari tomonidan qabul qilinadi yoki direktorlar kengashining a'zolari va menejerlar tomonidan hal etiladi. Sharqiy Yevropa va sobiq ittifoqning aksariyat mamlakatlarida korporativ boshqaruv tizimining qonunchilik bazasini shakllantirishda ko'proq Germaniya modelidan foydalanildi va direktorlar

kengashining ikki pog'onali tizimi qabul qilindi. O'zbekistonda korporativ boshqaruv tizimi qonuniy jihatdan ko'plab o'tish iqtisodiyotiga asoslangan mamlakatlarda qabul qilingan ikki pog'onali (insayder) modelga asoslanadi (Kuzatuv kengashi va boshqaruv). Biroq, mamlakatda korporativ boshqaruvning hozirgi holati sarmoyadorlar (aksiyadorlar)ning kompaniyani (ayniqsa, xususiy lashtirish natijasida tashkil etilgan aksiyadorlik jamiyatlarini) boshqarishdagi passiv roli bilan tavsiflanadi.

Jahon amaliyoti shundan dalolat bermoqdaki, korporativ boshqarish mexanizmlari davlat tartibga soluvchi organlari, sud organlari, ishbilarmon doiralarning o'zlari tomonidan ishlab chiqilgan ma'lum bir qoidalar, me'yorlar doirasida faoliyat ko'rsatadi. Ushbu qoidalar, me'yorlar va andozalar yig'indisi korporativ boshqaruvning institusional asosini tashkil qiladi. Uning asosiy elementlarini quyidagicha ajratish mumkin: qonuniy huquqlar me'yorlari va qoidalari; ixtiyoriy ravishda qabul qilingan korporativ boshqarish andozalari haqidagi kelishuvlar va uning kompaniyalar darajasida amalga oshirilishini tartibga soluvchi ichki me'yorlar; biznesni yuritishning umumiy qabul qilingan amaliyoti va madaniyati.

Bugungi kunda O'zbekistonda korporativ boshqaruvning milliy modeli shakllanish bosqichida turibdi. Milliy qonun hujjatlarida korporativ boshqaruvning ko'plab umumiy qabul qilingan tamoyillari o'z aksini topgan. Biroq, ularni amalga oshirish amaliyoti va korporativ xulq-atvor an'analari endigina shakllana boshladi. Korporativ xulq-atvor bilan bog'liq ko'plab masalalar qonun doirasiga kirmagan va yuridik xususiyatga ega emas, balki axloqiy xususiyatga ega. Shuning uchun chet el tajribasi hamda korporativ boshqaruv milliy amaliyoti xususiyatlarini hisobga olgan holda korporativ xulq-atvor kodeksini ishlab chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Unda esa korporativ boshqaruv va korporativ madaniyat sohasidagi axloqiy andozalarni shakllantirish uchun asos solingan bo'lishi kerak. Bu ham milliy kompaniyalarning investisiyaviy jozibadorligi oshishiga ko'maklashadi.

Korporativ boshqaruvning mashhur ingliz-amerika modeli bilan yapon-german modeli o'rtasidagi mavjud farqlar menejmentning mavjud maktablari doirasida yuzaga keladi. Agar korporativ boshqaruvning ingliz-amerika modeliga chuqur va tor ixtisoslashuv xos bo'lsa, yapon maktabining asosida universallashtirish yotadi. Kelgusida korporativ nazoratning ta'sirchan milliy modelini shakllantirish uchun ikkala tizim asosiy unsurlarining optimal tarzda uyg'unlashuvi yo'lini faol qidirish tufayli ularning o'zaro chambarchas bog'lanib ketishi kutilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Яушев Р.И. Состояние и проблемы управления государственными пакетами акций корпораций// Корпоративное управление в Узбекистане. Материалы научно-практической конференции.Т.: 2004. С.15.
2. Xamidulin M.B. – Korporativ madaniyat va korporativ boshqaruv-T.: Akademiya, 2007. -224 b
3. Berle A., Means G. The modern Corporation and Private Property – New York: Macmillan, 1932. – 478 p.
4. Madiyorov T.K. Dehqonchilik-sanoat majmuida ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar tizimi va korporativ boshqaruvni joriy etish xususiyatlari: iqt. fan.dok. ... dis. ishi. - T.: 1993

5. Zaynutdinov Sh.N., Rahimova D.N. Korporativ boshqaruv asoslari. – T.: Akademiya, 2007. – 48 b.
6. Jonathan P. Charkham. Keeping Better Company: Corporate Governance Ten Years On. «Oxford University Press», 2005. P.127.
7. Стиглиц Дж. Америка и новый экономический порядок после глобального кризиса. М.: Эксмо, 2011. С.54.
8. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием// Бюллетень науки и практики. №11, 2017 г. Научный журнал. Нижневартовск. С.357-363. (Open Academic Journals Index 0.350).
9. Xankeldieva G.Sh. Jahon moliyaviy -iqtisodiy inqirozi sharoitida korporasiyalar boshqaruvi samaradorligini oshirish masalalari //Iqtisodiyot va ta'lim 2009 y. №3. B.64-67

KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMIDA ICHKI AUDIT XUSUSIYATLARI

Ilxamov Shavkat Islamovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori, DSc.

Annotatsiya

Maqolada korporativ boshqaruv tizimida ichki audit jarayonida auditor hisob tizimini va hisobotni tashkil etishni nazorat qilish, turli ko'rsatkichlarni hisoblashni, soliq stavkalarini, koeffitsientlarini, qonuniy hujjatlarni va turli me'yoriy hujjatlarni, shuningdek, hisob yuritishda turli ko'rsatkichlarni hisoblash amallarini qo'llash xususiyatlari, jumladan, ichki audit jarayonini avtomatlashtirish, me'yoriy-huquqiy axborotlarini kompyuter xotirasida saqlash kabi masalalar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: korporativ boshqaruv, ichki audit, buxgalteriya hisobi, hisob yozuvlari, ichki xo'jalik nazorati, moliyaviy holat, xarajatlar manbai, zaxiralarni aniqlash, boshqarish tizimi

Korporativ boshqaruv uchun xarakterli ichki audit o'tkazish tartibiga ta'sir qiluvchi bir qator o'ziga xos xususiyatlar mavjud.

Bu xususiyatlar quyidagi omillar ta'sirida kelib chiqadi:

- a) hisobotni tayyorlash va hisobni yuritishga javobgar tarmoq ishchilarining yo'qligi yoki cheklanganligi;
- b) bunday iqtisodiy subyekt faoliyatiga yakka boshqaruv yoki mulkdorning har tomonlama ta'siri bo'ladi.

Amaliy ichki audit nomli o'quv qo'llanmada korporativ boshqaruv ichki auditi vaqtida asosiy e'tiborni quyidagi omillarga qaratish mumkinligi e'tirof etilgan:

- a) hisob yozuvlarining muntazam yuritilmasligi, formal talablarga rioya qilinmasligi, buxgalteriya hisobotida kamchiliklar paydo bo'lish havfini oshiradi.
- b) iqtisodiy subyekt rahbarlari audit vaqtida auditorlik xulosasini beruvchilarni, hisobni qayta tiklash, yo'l qo'yilgan xatoliklarni to'g'rilash, buxgalteriya hisobotini tayyorlash kabi ishlarni auditorlik tashkiloti qo'shimcha xizmat tariqasida qilib beradi, deb noto'g'ri fikrlashadi.

i) boshqa subyektlarga qaraganda ishchilar hisobdagi tarkibi, miqdori obyektiv sabablarga ko'ra javobgarlikni ta'minlay olmaydi.

g) korporativ boshqaruvda buxgalteriya hisobini yurituvchi xodimlar bir vaqtning o'zida oson yashirish, musodara qilish, sotish mumkin bo'lgan qimmatliklardan to'g'ridan-to'g'ri foydalanish huquqiga ega bo'ladilar va bu suiste'molliklar kelib chiqishiga imkon yaratadi;

d) agar naqd pulga ko'p miqdorda operatsiyalar bajarsa, shunday holat bo'lishi mumkinki, bunda tushum aks etmaydi (soliq qonunchiligi shartlarini buzish maqsadida), xarajatlar esa oshiriladi (ishlab chiqarish vositalari xarajatlarini shaxsan boshqaruvchi ishchilar tomonidan o'zlashtirish maqsadida);

e) buxgalteriya hisobini yurituvchi ishchilar soni chegaralangan bo'lsa, hisob ma'lumotlarini muntazam tekshirib borish qiyin yoki mumkin emas, bu buxgalteriya hisobotida kamchiliklar va xatoliklar kelib chiqish xavfini oshiradi [1, 130 b].

Korporativ boshqaruv faoliyatiga boshqaruvchining har tomonlama ta'siri shu korxonadagi buxgalteriya hisoboti ishonchliligiga va ichki nazorat tartibiga ijobiy yoki salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Bir tomondan ba'zi hollarda rahbarning nazorati ostida subyekt hisoboti ishonchliligi oshishi mumkin.

Obyektiv sabablarga ko'ra qo'shimcha (muqobil) ichki nazorat vositalari qiyin yoki mumkin bo'lmasa, boshqa tomondan boshqaruvchining ko'p tomonlama ta'sirida umumqo'llaniladigan nazorat ishlari buzilishi mumkin. Qonunchilik buzilish hollari ko'payishi buxgalteriya hisobotida ataylab uyushtirilgan kamchiliklar paydo bo'lishiga sabab bo'ladi.

Yirik xo'jalik subyektlari munosabatlarida qo'llaniladigan ko'pchilik ichki nazorat vositalarini (tashkilot bo'limlari sifatida ichki audit xizmatini tashkil qilish) korporativ boshqaruvga qo'llash maqsadga muvofiq emas. Masalan, kichik ishlab chiqarish subyektlarida buxgalteriya hisobi jarayoni kam sonli odamlar yordamida amalga oshiriladi, ular buxgalteriya hujjatlarini tayyorlash bilan birga ularni saqlash majburiyatini ham bajarishadi. Bundan ko'rinadiki, majburiyatlarni taqsimlash imkoni bo'lmaydi yoki chegaralangan bo'ladi.

Ba'zi hollarda tekshirilayotgan korxonada xodimlari orasida majburiyatlarning etarlicha taqsimlanmaganligi jiddiy boshqaruv nazorati ostida sezilmay ketishi mumkin, bu nazorat mulkdor va boshqaruvchi bir kishi bo'lgan hollarda kuzatiladi. Ya'ni, mulkdor bir vaqtning o'zida boshqaruvchi bo'ladi, u operatsiyalarda o'zi ishtirok etadi va xo'jalik subyekti faoliyatiga taalluqli bilimlarga ega bo'ladi.

Kichik va katta biznes tashkilotlari shtat jadvaliga ichki auditor lavozimini kiritishi yoki outsorsing sharoitida auditor-konsultantlarni jalb qilishi yaxshi samara beradi.

Nazoratning bunday vositalari xususiy tashkilotlar (aksionerlar, paychilar) uchun ayniqsa qulaydir. Bular kapital qo'yishda ishtirok etmaydigan yoki unda kichik payga ega bo'lgan boshqaruvchi tomonidan boshqariladigan tashkilotlardir.

Bizning fikrimizcha, ichki audit ichki xo'jalik nazorati uchun korxonada moliyaviy holati, xarajatlar manbai, zaxiralarni aniqlash, boshqarish tizimini tashxislashga qaratilgan bo'lib, u rahbariyatni korxonada iqtisodining samaradorligini oshirish bo'yicha ko'rsatmalar bilan ta'minlaydi [2, 151 b.].

Ichki audit xizmati korxonaning hisobotini tahlil etadi, kelgusidagi rivojlanish yoʻnalishini aniqlaydi va rahbariyatga qaror qabul qilishda yordam beradi. Nazoratning alohida korxonada miqyosida rejalashtirilishi, hisob, marketing, mahsulotni yaratish ishlarini umumlashgan holda qarashga yordam beradi.

Ichki audit faoliyatini kompyuterlashtirish zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslangan boʻlib, u nafaqat auditni amalga oshirish uchun vaqtni va vositalarni tejashga, balki qoʻlda hisoblab topish murakkab boʻlgan axborotni ham olish imkonini beradi. Bu axborotlar avvalambor korxonada strategiyasi, moliya-xoʻjalik holatini yaxshilash yoʻllari va vositalariga tegishlidir. Kompyuterlashning hisoblash imkoniyatlaridan foydalanish oʻtgan davr axborotlariga asoslanib, hisobot davrida rahbariyat qanday yoʻl tutishi kerakligi, hisobot davri axborotiga asoslanib esa kelgusida qanday harakat qilish kerakligini aniqlash imkoni beradi. Bu axborot korxonada va tashkilotlar rahbariyati tomonidan qabul qilinadigan qarorga obyektiv baho berish uchun asos boʻladi.

“Auditorlik faoliyatini kompyuterlashtirish tizimi quyidagi komponentlardan tashkil topgan boʻladi:

audit jarayonini aks ettiruvchi iqtisodiy matematik, iqtisodiy-tashkiliy va axborot modellaridan;

modellarni amalga oshiruvchi texnik dastur, axborot va boshqa vositalardan.

Kompyuter tizimi funksional va taʼminot qismlaridan iborat boʻladi. Funksional qismi auditni bajarishda ishlatiladigan axborotlar va matematik modellarda, standartlarda, meʼyorlarda va boshqalarda aks etgan usullardan, uslubiyatlardan va koʻrsatmalardan tashkil topgan” [3, 275 b.].

Taʼminot qismi esa audit funksiyasini amalga oshirishga qaratilgan axborot, dastur, texnik va boshqa taʼminotlardan iborat boʻladi.

Kompyuter tizimining funksional qismini kengroq qaraydigan boʻlsak, u funksional quyi tizimlardan va maʼlum belgilar boʻyicha ajratilgan kompleks masalalardan iborat boʻladi, masalan:

audit turi boʻyicha (tashqi, ichki);

audit funksiyasi boʻyicha (nazorat-taftish, baholash-maslahat, maslahat-prognozlash va hokazo);

audit uchastkasi boʻyicha (hisob xodimlari, hisob tizimi, hisobot hujjatlari, maʼmuriyat va hokazo).

Ichki audit xizmati quyidagi ikkita kompleksga boʻlinadi:

«Hujjatlar» (hisob tizimini va hujjatlarni baholash);

«Maslahat berish» (korxonani tashxislash va keyingi davrdagi harakati uchun koʻrsatmalar berish).

«Hujjatlar» kompleksi moliyaviy-xoʻjalik operatsiyalarining buxgalteriya hujjatlari va hisobotlarida toʻgʻri aks ettirilganligini tekshirishga moʻljallangan. Bu kompleks «Personal» va «Hisobot» kompleksi masalalarini ham oʻz ichiga oladi.

«Personal» kompleksi korxonadagi moliyaviy-xoʻjalik hisobi tizimini baholash uchun, shuningdek, hisob xodimlarining qasddan yoki tasodifiy qilgan xatolarini aniqlashga qaratilgan. Kompleksga ikki turdagi masalalar kiradi. Birinchisi, korxonada balansining u yoki bu moddasiga tegishli boʻlgan buxgalteriya hujjatlarini tekshirishga qaratilgan. Shuning uchun auditor xohishiga koʻra hisobdagi maʼlum bir yoʻnalish

tanlab olinadi. Ma'lum modda bo'yicha hisob operatsiyalarini to'g'ri aks ettiradigan hujjatlarining tahlili masala deb yuritiladi. Har bir masala yechimi hujjatlarini quyidagi tartibda tekshirish imkonini beradi:

- birlamchi hujjatlar;
- jurnal-order va yig'ma qaydnomalar;
- bosh kitob;
- korxonalar balansi.

Kompleksning ikkinchi qismi moliyaviy muomalalar auditi uchun mo'ljallangan bo'lib, ular quyidagicha tasniflangan:

- asosiy vositalar auditi;
- valyuta mablag'lari hisobi va hisob-kitob muomalalar auditi;
- korxonalar mablag'lari manbalari auditi;
- ishlab chiqarish xarajatlari va mahsulot tannarxi kalkulyasiyasi auditi;
- mehnat hisobi va ish haqi auditi.

Agar xato aniqlangan bo'lsa, uning sababini aniqlash lozim (qasddanmi, tasodifiy yoki hisob tizimi sababli). Xatoning sababini mutlaq aniq ta'kidlash qiyin. Shuning uchun ishonch koeffitsientlaridan yoki noaniq mantiq nazariyasining ishonch o'lchovlaridan foydalanish mumkin.

Bu koeffitsientlar xatoliklarni 0 dan 1 gacha bo'lgan shkalada baholash imkonini beradi.

Tekshiruv natijalari maxsus fayllarda saqlanadi va tizim ishi oxirida auditorlik xulosasi uchun foydalaniladi.

Kompleksning ishlashi nazorat-maslahat tizimi tamoyiliga asoslangan bo'lib, bu kiritiladigan axborot hajmini keskin kamaytirish imkonini beradi va demak, ishning narxini kamaytiradi, ammo ikkinchi tomondan esa hisob tizimida xatoga yo'l qo'yish xavfini vujudga keltiradi. Buning sababi hisob personali harakatini to'liq emas, tanlab tekshirish ekanligidir.

"Hisobot" kompleksi korxonalar hisobotining to'g'ri tuzilganligi va haqqoniyligini tekshirish masalalarni o'z ichiga oladi.

- Unga asosan quyidagi masalalar kiradi;
- hisobot hujjatlari ko'rsatkichlari mosligini tekshirish;
- hisob-kitobning to'g'riligini tekshirish.

So'nggi masala o'z navbatida auditorni qiziqtiradigan bir nechta quyidagi masalalarga bo'linishi mumkin.

Birinchi masala maxsus test jadvallari, tekshirish qoidalari, standartlar va me'yorlar yordamida yechiladi.

Jadvallar, ko'rsatkichlar, provodkalar, hisob registrlari yozuvlari orasidagi arifmetik va mantiqiy bog'liqliklarni o'z ichiga oladi.

Qoidalar ekspertning bilimi asosida tuziladi va hisob personali harakatini tekshirishdagi auditor bajaradigan ishlar ketma-ketligini aks ettiradi. Standart va me'yorlar audit qilinadigan ko'rsatkichlarning chegaraviy qiymatlarini (soliq stavkalari, kredit foizlari va hokazo) ifodalaydi. Xatoliklar sabablari turlicha bo'lishi mumkin: hisob operatsiyalarni bajarishda yetarlicha e'tibor berilmaganligi, qasddan faktlarni o'zgartirish, yoki hisobning noto'g'ri qo'yilganligi.

Ichki auditda axborot bazasi korxonada tatbiq etilgan hisob quyi tizimlariga tegishli bo'lganligi uchun nafaqat nazorat-maslahat tizimini ishlatish, balki barcha buxgalteriya hujjatlarini to'liq tekshirish mumkin.

Ichki auditda asosiy vazifa ikkinchi kompleksga – “Maslahat berish”ga yuklanadi.

Kompleks quyidagi masalalardan tarkib topgan bo'ladi:

moliyaviy holatini kompleks tashxislash;

rentabellikni tashxislash;

moliyaviy-mulkiy holatni tashxislash [4, 155 b.].

Har bir masala tashxisi ikki bosqichda, ya'ni lokal va umumiy_bosqichlarda bajariladi. Lokal tashxislash ayrim “tor” doiradagi kamchiliklarni aniqlash imkonini bersa, umumiy si butun korxonaga uchun ko'rsatma beradi. Ikkala holda ham ko'rsatmalar qisqa yoki batafsil tarzda bo'lishi mumkin.

Lokal tashxislash iqtisodiy holatini yomonlashtiradigan alohida omillarni aniqlash imkonini beradi va ularni tuzatish yo'llarini ko'rsatadi. Bu bosqichning afzalligi bir tomondan tizimning ishlashidagi nisbatan oddiylik bo'lsa, ikkinchi tomondan natijalarining aniqligidir.

Tahlil shuni ko'rsatadiki, tashqi auditni komp'yuterlashtirish tizimi ichki audit tizimidan funksiyalari hamda axborot manbalari bilan va eng asosiysi foydalanuvchilari bilan farq qiladi. Tashqi auditga mo'ljallangan tizim tekshiriladigan korxonaning umumiy standartlari va qoidalarini hisobga olishi kerak. Bular korxonaga tashqaridan keladi va ma'lum umumiy xususiyatga ega bo'ladi. Bunday muammo tashqi auditni bajaradigan kompyuter tizimining korxonada mavjud bo'lgan dasturlar vositasi muhitiga (operatsion tizimi, servis vositalari va hokazo) mos kelishidir.

Ichki auditni kompyuterlashtirish tizimi esa, aksincha, u aynan ushbu korxonaga uchungina yaratilgan bo'lib, uning hisob xususiyatlarini, moliyaviy va boshqa ko'rsatkichlarini hisoblashni aks ettiradi. Masalan, rentabellik turlicha usullar bilan hisoblanadi, ammo, bu korxonada aniq bir usul qo'llanilishi mumkin. Tashxislash va ko'rsatmalarni berish ham maxsus tarzda amalga oshirilishi mumkin. Bular korxonaning rahbariyati qo'ygan maqsad va masalalarni ifodalaydi.

Ichki audit faoliyatini komp'yuter texnologiyalari asosida tashkil etish faqatgina mablag' va vaqtni tejamasdan, qo'lda olinishi qiyin bo'lgan axborotlarni ham tezkorlik bilan olishga yordam beradi. Bu axborotlar asosan xo'jalik yurituvchi subyektning butun strategiyasini, moliyaviy-xo'jalik faoliyatini yaxshilash yo'llarini aniqlashga taalluqlidir. Kompyuterning hisoblash quvvatidan foydalanish natijasida o'tgan hisobot davri ma'lumotlari asosida hisobot davrida xo'jalik yurituvchi subyekt rahbariyati qanday yo'l tutishi lozim, hamda hisobot davridan keyingi davrda rahbariyat qanday yo'l tutishi kerakligi haqida aytib berish mumkin.

Elektron hisoblash mashinalari hozirgi vaqtda hisob-kitob ishlarini amalga oshirishda qo'llanilishi bilan birga hisob ma'lumotlarini yig'ish, ularni qayta ishlash, jamlama va tahliliy hisob registrlarini tuzish, hisobot shakllarini to'ldirish, auditorlik ishchi hujjatlarini yuritish, auditorlik xulosalari va hisobotlarini to'lg'azish va boshqa bir qancha ishlarni bajarishda keng qo'llanilmoqda. Amaliyotda kompyuterlardan keng foydalanish buxgalteriya hisobi va auditni tashkil qilishning yangi shakllarini vujudga keltiradi.

Hisob tizimi va hisobotni shakllantirishni tashkil etilishini nazorat qilishda auditor turli ko'rsatkichlarni metodik hisoblash tartiblarini, jumladan, soliq stavkalarini, koeffitsientlarni, qonunchilikni va boshqa me'yoriy hujjatlarni bilishni talab etadi. Yana hisobning turli tomonlarida hisoblanadigan ko'rsatkichlar tizimini bilishi lozim. Nazorat muolajalarining tipik shakllarini mavjudligi audit jarayonini avtomatlashtirish imkoniyatini yuzaga keltiradi, bu esa albatta auditorlik tashkilotlarining ish sifati samaradorligini oshirishga imkon tug'diradi. Kompyuterning xotirasida ko'plab me'yoriy-hujjatlarni saqlab qolishi, bir tarafdin auditor imkoniyatlarini kengaytirsa, boshqa tarafdin auditor qo'lida kuchli dastak bo'luvchi maslahat-nazorat tizimini yaratadi.

Jahon amaliyotida auditorlik faoliyatini avtomatlashtirishda dasturlar quyidagi tarkibiy qismlardan iborat bo'lishi lozim:

audit jarayonida aks etuvchi iqtisodiy-matematik, iqtisodiy-tashkiliy va axboriy modellardan;

modellarni shakllantirishni ta'minlovchi texnik, dasturiy, axborot va boshqa vositalar.

Yuqoridagi tarkiblardan kelib chiqib, kompyuterlashgan tizim ikki qismdan funksional va ta'minlovchi qismdan iborat bo'ladi, deyishimiz mumkin. Funksional qismida audit o'tkazish jarayonining axborot va matematik modellarining metodikalari va yo'llari metodik jamlanmasidan tashkil topadi. Ta'minlovchi qismi esa audit funksiyalarini amalga oshirishda zarur bo'luvchi, dasturiy, axboriy, texnik va boshqa to'ldiruvchi qismlardan iborat bo'lishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Axmedjanov K.B., Ilxamov Sh.I., Ahmadjonov A.K. Amaliy ichki audit. O'quv qo'llanma. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, 2022. - 202 b.

2. Ilxamov SH.I. Audit. 1-qism. Darslik. T.: Iqtisodiyot, 2018y.

3. Ilxamov SH.I. Amaliy audit. Darslik. T.: Iqtisodiyot, 2018y.

4. Audit. Darslik. Mualliflar jamoasi. M.Tulaxodjaeva va SH.Ilxamov umumiy tahririda tayyorlangan. T.: Iqtisodiyot, 2018 y.

KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMIDA SHVETSARIYA TAJRIBASI

i.f.n. Djalilov F.A.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Korporativ boshqaruv kafedrasida katta o'qituvchisi

farkhoddjalilov@gmail.com

Saidqulov A.B.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistri

avazbeksaidqulov14@gmail.com

Annotatiya

Ushbu tesizda shvetsariya konfederatsiyasining korporativ boshqaruv tizimi, korporativ boshqaruvni joriy etish va rivojlantirishdagi tajribasi va yondashuvlari, yaqin oraliqdagi qonunchilikdagi o'zgartirishlari tahlili yoritilgan.

Kalit so'zlar: Aksiyadorlik jamiyati, korporativ boshqaruv, Kuzatuv kengashi, direktorlar kengashi, ijroi organi, aksiyadorlar, fond birjasi

Shveytsariyada korporativ boshqaruv tizimi shaffoflik, hisobdorlik va aksiyadorlar huquqlariga urg'u berilganligi bilan alohida ajralib turadi. Shveytsariyadagi korporativ boshqaruv tizimining asosiy xususiyatlari:

1. Huquqiy asos: Shveytsariyada korporativ boshqaruvning huquqiy asoslari, birinchi navbatda, Shveytsariya majburiyatlar kodeksi (CO) va Shveytsariyaning fond birjalari va qimmatli qog'ozlar savdosi to'g'risidagi Federal qonuniga (SESTA) asoslanadi. Ushbu qonunlar korporativ boshqaruv tamoyillari va qoidalari uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

2. Ikki pog'onali direktorlar kengashi tuzilmasi: Shveytsariya korporativ boshqaruv tizimi odatda boshqaruv kengashi (operativ boshqaruv) va kuzatuv kengashidan (strategik nazorat) iborat ikki tomonlama kengash tuzilishiga amal qiladi. Ushbu ikki bosqichli tizim qarorlar qabul qilish va nazorat qilish funksiyalarini ajratish, nazorat va muvozanatni ta'minlashga qaratilgan.

3. Aksiyadorlar huquqlari va himoyasi: Shveytsariya aksiyadorlar huquqlarini himoya qilishga katta ahamiyat beradi. Aksiyadorlar umumiy yig'ilishlarda qatnashish, muhim masalalar bo'yicha ovoz berish, boshqaruv kengashi a'zolarini saylash huquqiga ega. Ishonchli ovoz berish va aksiyadorlarning faolligi ham rag'batlantiriladi.

4. Direktorlar kengashi: Direktorlar kengashi Shveytsariya korporativ boshqaruvida markaziy rol o'ynaydi. U kompaniyaning strategik yo'nalishini belgilash, boshqaruvni nazorat qilish, huquqiy va axloqiy me'yorlarga rioya etilishini ta'minlash uchun javobgardir. Kengashlar odatda ijrochi va mustaqil direktorlardan iborat bo'lib, ularning aksariyati mustaqil direktorlardir. Shuningdek, Shveytsariya kengash mustaqilligiga urg'u beradi. Shveytsariyaning eng yaxshi amaliyot kodeksi kengash a'zolarining ko'pchiligi, shu jumladan rais ham mustaqil direktorlar bo'lishini tavsiya qiladi. Boshqaruv qo'mitalari, masalan, audit, kompensatsiya va nomzodlarni qo'yish qo'mitalari umumiy bo'lib, nazorat va qarorlar qabul qilishning muayyan sohalari uchun mas'uldirlar.

Shveytsariya kompaniyalari korporativ ijtimoiy mas'uliyatni o'zlarining boshqaruv amaliyotlariga tobora ko'proq integratsiya qilmoqdalar. Ko'pgina Shveytsariya kompaniyalari ixtiyoriy ravishda barqarorlik bo'yicha hisobot tizimini qabul qiladi va o'zlarining ekologik, ijtimoiy va boshqaruv (ESG) amaliyotlarini oshkor qiladi.

Shveytsariyaning majburiyatlar kodeksida (CO) belgilangan korporativ qonunchilik Shveytsariya korporativ boshqaruvini tartibga solishning asosiy manbai bo'lib, xususiy va davlat kompaniyalariga nisbatan qo'llaniladi. Kodeks qoidalari shaffoflik, aksiyadorlar huquqlari va kompaniyaning korporativ organlari o'rtasidagi paritet tamoyiliga qaratilgan. Majburiyatlar kodeksi boshqaruv qoidalari ancha liberal bo'lib, kompaniyalarda mustahkam boshqaruv tuzilmasi tuzilishini ta'minlaydi.

SIX Shveytsariya birjasi (SIX) o'zining Listing qoidalarini (SIX-LR) joriy qilgan. Ushbu qoidalar davriy moliyaviy hisobotlar bo'yicha majburiy qoidalar va xususan, barcha SIX ning listing kompaniyalari uchun qo'llaniladigan axborotni oshkor

qilish qoidalari bilan yaxshi boshqaruv uchun asos yaratadi. Unga ko'ra listing kompaniyalari yillik hisobotiga korporativ boshqaruv bo'limini kiritishni talab qiladi. Shuningdek kompaniyalardan direktorlar kengashi yoki boshqaruv kengashi a'zolari tomonidan o'z aksiyalari va tegishli vositalar bo'yicha operatsiyalarni oshkor qilishni talab qiladi.

Bundan tashqari, «Economiesuisse», Shveytsariyaning milliy Shveytsariya korporativ ittifoqi bo'lib biznes hamjamiyatining manfaatlarini ifodalaydi.

Direktorlar kengashi bir yoki bir nechta a'zoldan iborat bo'lishi mumkin. Agar kompaniya turli xil aktsiya toifalarini chiqargan bo'lsa, har bir aktsiya sinfi direktorlar kengashiga kamida bitta vakilni saylashi mumkin. Amalda, direktorlar kengashi bir necha a'zoldan iborat. Kodeksda kengash tarkibi mutaxassisligiga va jinsiga qarab xilma-xil bo'lishini tavsiya qiladi.

Bundan tashqari, Kodeks direktorlar kengashida mustaqil, noijrochi a'zolarning ko'pchilik bo'lishi muhimligini ta'kidlaydi. Kengashning barcha a'zolari bir xil huquq va majburiyatlarga ega. Samaradorlikni ta'minlash uchun Kodeks direktorlar kengashi tarkibi juda katta bo'lmasligini tavsiya qiladi. Kengash kotibini tayinlash majburiy emas. Listingda kompaniyalari uchun vakolat muddati bir yil bilan cheklangan (aksiyadorlarning yillik yig'ilishida boshlanadi va tugaydi). Direktorlar kengashi a'zolari aksiyadorlar yig'ilishi tomonidan saylanadi.

SIX qoidalariga ko'ra, listing kompaniyalari auditdan o'tgan yillik moliyaviy hisobotlarni va auditdan o'tmagan yarim yillik hisoblarni Xalqaro Moliyaviy Hisobot Standartlari yoki AQShning umumiy qabul qilingan buxgalteriya hisobi tamoyillari kabi e'tirof etilgan hisobot standartlariga muvofiq nashr etishlarini talab qilinadi. Korporativ boshqaruv to'g'risidagi hisobotda e'lon qilinishi kerak bo'lgan ma'lumotlar SIX-DCG da bayon etilgan bo'lib, guruh va uning kapital tuzilishi, aksiyadorlar, nazorat qoidalari va mudofaa choralarning o'zgarishi, shuningdek direktorlar kengashi va ijroiya kengashi a'zolari to'g'risidagi ma'lumotlarni, kompensatsiyaning asosiy qoidalari, ulush va opsiyon rejalarini o'z ichiga oladi. Obligatsiyalar kodeksiga muvofiq, listing kompaniyasining direktorlar kengashi, qo'shimcha ravishda, kompensatsiya hisobotini tayyorlashi shart. Direktorlar kengashi yoki ijroiya kengashining amaldagi yoki sobiq a'zolariga bevosita yoki bilvosita to'langan haq to'lash to'g'risidagi ma'lumotlar hisobotda ko'rsatilishi kerak. Evropa Ittifoqidan farqli o'laroq, Shveytsariyadagi listingda bo'lmagan kompaniyalar yillik hisobotlarini e'lon qilishlari shart emas.

Aksiyadorlar ham ma'lumotni oshkor qilish majburiyatlariga ega. Agar shaxs (yakka o'zi yoki boshqalar bilan kelishilgan holda) listing kompaniyasining aksiyalarini to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita sotib olsa yoki tasarruf qilsa va 3, 5, 10, 15, 20, 25, 33,33, 50 yoki 66,66 chegaralaridan biriga erishsa yoki kesib o'tsa(kompaniyaning ovoz berish huquqining foizi) bu shaxs kompaniyaga va SIX fond birjasiga oshkor qilish majburiyatini oladi.

Direktorlar kengashi kompaniyaning yakuniy boshqaruvi uchun javobgardir va kompaniya manfaatlarini ko'zlab harakat qilishi kerak. Kengashning Risk bo'yicha qo'mitasini tashkil etish talabi faqat ayrim moliya institutlari uchun majburiydir. Aksariyat Shveytsariya kompaniyalari Kuzatuv kengashi darajasida mas'uliyatni audit qo'mitasiga taqsimlaydi yoki turli xavf toifalari uchun risk egalarini belgilaydi.

Majburiyatlar kodeksi va Kodeksda direktorlar kengashining ichki nazorat tizimini tashkil etish majburiy etib belgilangan. Kodeksni to'ldirish uchun economiesuisse "Muvofiqlikni samarali boshqarish asoslari" nizomini chop etgan.

Shveysariyaning hushtak chalish borasidagi nuqtai nazari juda ehtiyotkor. Economiesuisse o'zining "Muvofiqlikni samarali boshqarish asoslari" nomli maqolasida xabar berish tizimi muvofiqlikni samarali boshqarishning bir qismini tashkil etishini ta'kidlaydi. Garchi Yevropa Ittifoqi hushtak chalish va hushtak chaluvchilarni himoya qilish bo'yicha maxsus direktivani qabul qilgan bo'lsa-da, Shveysariya qonunchiligida hushtak chalish masalasi alohida belgilanmagan. Bundan tashqari, Shveysariyaning mehnat qonunchiligi hushtak chalish harakati asosli bo'lsa, hushtakchini ishdan bo'shatish yoki boshqa kamsitishlardan himoya qiladi.

Shveysariya kompaniyalari aktsiyadorlari moliyaviy va nomoliyaviy huquqlarga ega. Moliyaviy huquqlar aktsiyadorlar yig'ilishi tomonidan hal qilingan dividendlarni olish huquqini o'z ichiga oladi. Dividendlar faqat bo'sh zaxiralardan taqsimlanishi mumkin. Erkin zahiralarga bir martalik balans foydasi va maxsus ajratilgan zaxiralar kiradi. Jamiyat tugatilgan taqdirda, aktsiyadorlar tugatishdan tushgan mablag'larni olish huquqiga ega.

2023-yil 1-yanvardan kuchga kirgan korporativ qonunning qayta ko'rib chiqilishi texnologiyadan foydalanishni osonlashtirish orqali aktsiyadorlar bilan aloqani yaxshiladi. Masalan, kengash aktsiyadorlarga masofaviy elektron ovoz berishdan foydalanish imkoniyatini taqdim etishi mumkin.

Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, yaqin va o'rta kelajakda kompaniyalar va ularning kengashlarini band qiladigan soha bu Korporativ ijtimoiy ma'suliyat. Ushbu sohadagi o'zgarishlar ham ichki, ham xalqaro miqyosda jadal sur'atlarda.

2024 yildan boshlab yirik listing kompaniyalari va boshqa "jamoaviy kompaniyalar" ekologik jihatlar (ayniqsa, karbonat angidrid gazi maqsadlarida) hamda ijtimoiy masalalar va bandlik masalalari, shuningdek, inson huquqlari va korrupsiyaga qarshi kurash masalalari bo'yicha yillik moliyaviy bo'lmagan hisobotni e'lon qilishi kerak bo'ladi.

Bundan tashqari, Yevropa Ittifoqida mavjudligi yoki savdoga ega Shveysariya kompaniyalari, muayyan shartlar ostida, Yevropa ittifoqi tomonidan 2022-yil noyabr oyida qabul qilingan Korporativ Barqarorlik hisoboti direktivasining hisobot talablariga javob berishi kerak.

Shuni ta'kidlash kerakki, Shveysariya mustahkam korporativ boshqaruv tizimiga ega bo'lsada, ayrim kompaniyalar o'ziga xos huquqiy tuzilmasi, sohasi va hajmiga qarab boshqaruv amaliyotida o'zgarishlarga ega bo'lishi mumkin. Bundan tashqari, Shveysariyadagi korporativ boshqaruvning ayrim jihatlariga Yevropa Ittifoqi (Yevropa Ittifoqi) qoidalari ta'sir qilishi mumkin, chunki Shveysariya Yevropa Ittifoqi bilan yaqin iqtisodiy aloqalarga ega hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] O'rmonov N.T., Ismailov A.R. "Korporativ boshqaruv: prinsiplar, siyosat va amaliyot". – T.: Iqtisodiyot, 2019 y. – 254

[2] Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 151.

[3] З.А. Ашуров, Ф.А. Жалилов, Б.Н. Уринов “Замонавий корпоратив бошқарув (хорижий тажриба)”. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 195

[4] Bob Tricker. The Evolution of Corporate governance. – UK.: Cambridge university press, 2020. – P. 70.

[5]

http://www.economiesuisse.ch/sites/default/files/publications/compliance_e_web.pdf

[6] http://www.six-swiss-exchange.com/shares/companies/sustainability_reporting_en.html

[7] <http://www.ser-ag.com/en/topics/corporate-reporting.html>

KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI

*Yuldasheva Saida Ne'matovna,
Musayeva Jamila Karomatovna
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti,
“Menejment” kafedrasida katta o‘qituvchilari
jmk_1973@mail.ru*

Аннотация

Мақоллада корпоратив бошқарувнинг bugungi kundagi ahamiyati, zarurligi, korxonalar xo‘jalik faoliyatining samaradorligini oshirishdagi roli kengroq yoritilgan. Xorijiy iqtisodchi olimlarning tadqiqotlari hamda izlanishlar natijalarini solishtirish va tahlillar asosida takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: korporativ, investitsiya, boshqarish, harakat, mexanizm, hamkorlik, qoida, vazifa, aksiya, korporatizm, mulk

Korporativ boshqaruvni takomillashtirib borish, ishlab chiqarish jarayoniga investitsiyalar jalb qilish jahon andozalariga talabiga mos keladigan mahsulotlar ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan texnologiyalarni qo‘llash asosida sifatli mahsulotlar ishlab chiqarishni, korporativ boshqaruv sub‘ektlari faoliyatini moliyalashtirish darajasini yuksaltirishni ta‘minlaydi. O‘zbekistonda raqamlashtirish sharoitida korxonalar va tashkilotlarni korporativ boshqaruv tizimini shakllantirish va shu orqali ular faoliyatining samaradorligini oshirish tadbirlari takomillashtirilmoqda. Jumladan, aksiyadorlik jamiyatlarida ikki bo‘g‘inli boshqaruv tashkil etilib, kuzatuv kengashlariga katta huquq va majburiyatlar yuklatildi.[1]. Korporatsiya va birlashmalar o‘zaro harakatlarni tashkillashtirishni va shunga muvofiq vazifalarni taqsimlash mexanizmlari, qoidalari, mehnat jarayonlarini koordinatsiyalashga ehtiyoj tug‘iladi. hamkorlikdagi harakatlarni tashkillashtirish shakllari va usullari jamoat hayotining ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy, siyosiy sohalardagi o‘zgarishlar bilan bog‘liqlikda o‘zgarib boradi[2]. Korporativ boshqaruv kompaniyani to‘g‘ri boshqarishga qaratilgan qoidalar va vazifalardir.

Korporativ boshqaruvning zaruriyati korporatsiya tashkiliy tarkibining murakkabligi, ko‘p qirraligi va mehnat taqsimoti bilan bog‘liq. Zamonaviy korporatsiyalarning o‘ziga xos xususiyati mulkni boshqaruv funksiyasidan ajratish, ishlab chiqarish va kapital egasini boshqarish tizimidan ajratishdir. Boshqaruvchilar

ijrochi va tashkilotchi sifatida korxonaning tashkiliy tarkibini ta'minlash, xodimlar va bo'limlari faoliyatini samarali tashkil qilish, korxonani boshqarish, strategiyasini ishlab chiqarish va amalga oshirish asosida korporatsiyaning samarali faoliyat yuritish va maksimal darajada foyda olish hissa qo'shadi[3]. Korporativ boshqaruv tizimi korporatsiyaga moliyaviy resurslarni qo'ygan investorlarning manfaatlarini himoya qiladigan tashkiliy model sifatida o'rganiladi. Tor ma'noda korporativ boshqaruv menejerlar, direktor va aksiyadorlar o'rtasidagi o'zaro munosabatning investitsiya xatari, baholash, foiz stavkalari va investitsiyalarni nazorat qilishdir. Korporativ boshqaruv keng ma'noda –moliyaviy (aksiyadorlar va kreditorlar), ham moliyaviy bo'lmagan (ishchilar, davlat, korxonalar – sheriklar va boshqalar) investorlar manfaatlarini himoyalashdir.

Jahon amaliyotida korporativ munosabatlarni tartibga solishning boy tajribasi to'plangan. Ko'pgina rivojlangan davlatlarda ishbilarmonlik va hukumat doiralari milliy iqtisodiyotida korporativ boshqaruv jarayonlarini tartibga soluvchi yig'ma qoidalar, maxsus tamoyillarni ishlab chiqdilar va tadbiq etdilar.[4]. Bu yig'ma qoidalar (korporativ xulq-atvor Kodeksi) shunday tamoyillarni aks ettiradiki, ularga korxonalar korporativ boshqaruv sohalarida rioya qilishlari zarurdir. Ular tarkibiga Buyuk Britaniyada moliyaviy axborotlar bo'yicha kengash tomonidan va buxgalteriya xizmatchilari kasaba uyushmalari hamda London birjasi tomonidan 1991 yilda tayyorlangan «Kedberi Kodeksi»ni, 2000 yil yanvarida korporativ boshqaruv bo'yicha Germaniya guruhi tomonidan tayyorlangan «Germaniya korporativ boshqaruvi uchun eng yaxshi amaliyot Kodeksi»ni; fransuz sanoati Milliy Kengash guruhlari tomonidan tayyorlangan «M.Veno raisligidagi korporativ boshqaruv bo'yicha qo'mita tavsiyalari» (1995 va 1999 yillardagi nashrida)ni kiritish mumkin [5].

Korporatsiyada boshqaruv kapital egalari manfaatini ko'zlab amalga oshiriladi, ya'ni yuqori natijalarga erishish maqsadida erishish, samarali boshqarishni tadqiq qilish va tayyorlash, amaliy vazifalarini echish, boshqaruv tizimi funksiyalariga takomillashtirish, bular o'z navbatida uning sifat mezonini sifatida ko'riladi.[6]. Korporativ boshqaruvning investitsiyani jalb qilishda o'z o'rniga ega.[7]

Korporativ boshqaruv tizimining asosiy maqsadi:

- iqtisodiy rivojlanish konsepsiyasining samaradorligini ta'minlash;
- aksiyadorlik jamiyatlari faoligini ta'minlash;
- aksiyadorlar oldida hisobot berish;
- aksiyadorlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish;
- iqtisodiy rivojlanish konsepsiyasining samaradorligini ta'minlash;
- aksiyadorlik jamiyatlari faoligini ta'minlash;
- aksiyadorlar guruhining barcha a'zolariga, teng huquqlilikni ta'minlash;

Barchaga ma'lumki, korporatizm korporativ hamjamiyat mulkiga birgalikda egalik qilish yoki undan shaxsiy yoxud jamiyat manfaatlarini qondirish yo'lida hamkorlik qilish munosabatlaridir. Konsensus esa murosa qilish asosida manfaatlarining nisbiy muvozanatiga erishish imkoniyati, korporatist modelining alohida xususiyatidir. "Korporatsiya" tushunchasi - "korporatizm" so'zining xosilasi bo'lib, umumiy maqsadlarga erishish, birgalikda faoliyat yuritish va mustakil xo'jalik sub'ektini - yuridik shaxsni tashkil qilish uchun birlashgan shaxslar majmuasi, ulushiy mulkchilikni, huquqiy maqom va yollanish asosida ishlaydigan professional

menejerlarning yuqori esheloni qo'lida boshqaruv funksiyalarining jamlanishini nazarda tutgan holda tadbirkorlik faoliyatini tashkil qilishning rivojlangan mamlakatlarda keng tarqalgan shakli hisoblanadi.[8]. Iqtisodchi olimlar va professorlari K.R.Makkonnell va S.L.Bryu fikriga ko'ra, korporatsiya - biznesning huquqiy shakli bo'lib, unga egalik qiluvchi alohida shaxslardan farqlanadi va ajratiladi. Mazkur davlat tomonidan tan olingan yuridik shaxslar resurslar sotib olishi, aktivlarga egalik qilishi, mahsulot ishlab chiqarishi va sotishi, qarz olishi, kredit berishi, sudda da'vogar va javobgar bo'lishi hamda har qanday boshqa turdagi korxonalar bajaradigan barcha funksiyalarni bajarishi mumkin.[9].

Tadqiqotlarda odatda tashqi va ichki korporativ nazorat vositalari o'rganiladi. Xorijlik tadqiqotchilarning ko'pchiligi menejerlar ishini va yirik aksiyadorlarni to'liq nazorat qilib bo'lmasligini etirof etsalarda, biroq, intizomga soluvchi tashqi va ichki korporativ nazorat vositalarining umumiy ta'siri yuqori raxbariyatni, korporatsiya va uning aksiyadorlari manfaatini ko'zlab faoliyat ko'rsatishini ta'minlashga imkon beradi.[10].

Aksiyadorlik munosabatlari subektlarining iqtisodiy manfaatlarini ro'yobga chiqarish va muvofiqlashtirish muammosining markazida mulkchilik munosabatlari yotadi.[11]. Ana shu nuqtai nazardan olganda, mulkchilik munosabatlarini ikki yo'nalishda isloh qilish maqsadga muvofiq: Sub'ektlar manfaatlarini ta'minlash yaxshilanishi bilan bir qatorda mulkning mavjud taqsimlanish samaradorligi oshishiga yordam beradigan institutsional muhitni takomillashtirish, ya'ni:

-ko'pchilik ochiq aksiyadorlik jamiyatlarining aksiyalari savdoga qo'yiladigan likvidli fond bozorini yaratish, shuningdek korxonalar yanada ochiq-oydin ishlashiga erishish va axborotni e'lon qilish tizimini rivojlantirish zarur;

-korxonaning nochorligi, boshqa barcha jixatlaridan tashqari, samarasiz ishlaydigan rahbarlar va mulkdorlarni elakdan o'tkazadigan jiddiy mexanizm ham bo'lmog'i kerak;

-rahbarlarning iqtisodiy javobgarligini joriy etish. Korporativ boshqaruv institutlari yaxshi ishlamayotgan bir sharoitda rahbarlarning o'z boshqaruv faoliyati natijalari uchun iqtisodiy javobgarligini joriy etish menejerlarni samarali ishlashga rag'batlantiruvchi ta'sirchan chora bo'lishi mumkin;

-aktivlarni qoniqarsiz boshqarish xatarlarini o'z zimmasiga oladigan maxsus boshqaruvchi kompaniyalarni tashkil etish;

Reytinglar va baholash tizimini qo'llash.[12].

Tadqiqotlar va axborotlar tahlillaridan kelib chiqib quyidagilar taklif etildi:

<i>Taklif va tadbirlar</i>	<i>natijalar</i>
tashqi va ichki korporativ nazorat vositalarini qo'llash	yuqori raxbariyatni, korporatsiya va uning aksiyadorlari manfaatdorligi ta'minlanadi
mulkchilik munosabatlarini takomillashtirish	Mulk egalarining manfaatdorligi oshib, foydaning o'sishiga olib keladi
rahbarlarning iqtisodiy javobgarligini joriy etish	Samarali ish faoliyati va mehnat taqsimotiga erishiladi

Reyting tizimini joriy etish va keng qo'llash	Sog'lom raqobat sharoiti shakllanadi va samaradorlik ko'rsatkichlarining oshishiga erishiladi
---	---

Shu bilan bir qatorda korporatsiyalardagi korporativ boshqaruv sifatiga doir ma'lumotlarni oshkora tarqatish aksiyadorlar manfaatlarini ko'zlab, boshqarishni yaxshilashning muhim mexanizmidir;

-yuksak darajali menejerlar haqidagi ma'lumotlar bazasini tashkil etish tajribasiz raxbarlarni ajratib olish hamda o'z mahorati va yuksak obro'-e'tiborga egaligini isbot qilgan direktorlarni yuqori lavozimlarga ko'tarish imkonini beradi;

-yuksak darajali menejerlar bilan tuziladigan kontrakt shartlarini moslashuvchan, layoqatli raxbarlar daromadlarini erishilgan natijalarga qarab belgilash imkonini beradigan tarzda ishlab chiqish;

-yirik aksiyadorlarning javobgarligi oshadi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida yirik aksiyadorlarning menejment siyosatiga ta'sir ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan, korxonani to'lovga qobiliyatsizlikka olib boradigan yoki olib borayotgan o'z harakatlari uchun yanada aniq va to'la javobgarligini joriy etish aksiyadorlarning manfaatlarini himoya qilishni yaxshilashi mumkin.[13]. Mulkning taqsimlanishini takomillashtirish, sub'ektlarning manfaatlarini himoya qilish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish nuqtai nazaridan mavjud institutsiyaviy muhitga mos bo'lishiga erishish, ya'ni korxonalarning mulkiy huquqlari yanada samarali taqsimlanishini rag'batlantiradigan yangi tashkiliy-huquqiy shakllarini ishlab chiqish, mulkni taqsimlashning samarali shakllari ishlab chiqilishini davlat tomonidan rag'batlantirish, korporatsiyalarning kapital konsentratsiyalashuviga qaratilgan siyosatini rag'batlantirishni talab etadi [15].

Xulosa, korporativ boshqaruvning o'ziga xos xususiyati korporatsiyani tashkiliy tarkibining murakkabligi, ko'p qirraligi va undagi mehnat taqsimoti bilan bog'liqligidir [14].

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mukhsinov B., Yuldasheva S. Jamila Musaeva International journal of advanced science and technology vol. 29, no. 5, (2020) //issn. – 2005. – Т. 4238. – С. 1922-1926.
2. Musaeva J. K., Elmurodov S. S., Yuldasheva S. N. ROLE OF CURRENCY RELATIONS IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN //Бенефициар. – 2019. – №. 44. – С. 22-25.
3. Мусаева Ж. К. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ КАПИТАЛДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 6.
4. Мусаева Ж. К., Халилова М. А. Қ. КОРХОНАЛАРНИНГ АСОСИЙ КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 200-217.
5. Мусаева Ж. К., Жумаева Д. Х. Особенности анализа основных фондов и инвестиций на предприятиях //Бенефициар. – 2019. – №. 52. – С. 7-10.

6. Мусаева Ж. К. ОЦЕНКА ОСНОВНОГО КАПИТАЛА ПРЕДПРИЯТИЙ И ОСНОВНЫЕ ПУТИ ИХ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ //Журнал Инновации в Экономике. – 2022. – Т. 5. – №. 3.
7. Karomatovna M. J. Efficiency of introducing innovative approaches in higher education in uzbekistan //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 1266-1275.
8. Karomatovna M. J. MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF LIGHT INDUSTRY ENTERPRISES IN UZBEKISTAN IN THE CONDITIONS OF ECONOMIC GLOBALIZATION //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 1434-1441.
9. Мусаева Ж. К., Халилова М. А. РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА //ББК 65.0501 А 43. – 2022. – С. 283.
- 10.. Мусаева Ж. К. РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА //ББК 65.0501 А 43. – 2022. – С. 288.
11. Karomatovna M. J. Economic thoughts in the works of alisher navoi and their role in the development of society //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 1524-1531.
12. Мусаева Ж. К. РОЛЬ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА //Интернаука. – 2019. – №. 9-1. – С. 76-78.
13. Karomatovna M. J. WAYS TO INCREASE THE INVESTMENT POTENTIAL OF THE REGION IN MODERN CONDITIONS //Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595). – 2023. – Т. 3. – №. 2.
14. Musayeva J. K. O ‘ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA AKTIVLARNI BOSHQARISHNING O ‘RNI VA ROLI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 554-564.
15. Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – 546 p.

**KORPORATIV BOSHQARUVNING ZAMONAVIY
MEKANIZIMLARI, JORIY TENDENSIYALARI VA SAMARADORLIGINI
OSHIRISH YO`LLARI**

*Axmedjonov Furkat,
Yo`ldoshev Dilshodbek
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi*

Annatatsiya

Ushbu tezisdagi korporativ boshqaruv hozirgi kunda korxonani boshqarishda samaradorligini ta`minlaydigan muhim mexanizimga aylanib ulgurganligini, zamonaviy standart prinsiplarini va usullarini joriy etish muhim vazifa ekanligi yoritib beriladi.

Kalit soʻzlar: “Korporativ boshqaruv”, jahonda korporativ boshqaruv zamonaviy xususiyatlari, ishlab chiqarish, modernizatsiyalash, koxona

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017-2021 yillarga Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning harakatlar strategiyasi muhimdir. Harakatlar strategiyasining “Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yoʻnalishlari”da aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatini rivojlantirish va samarali boshqarishni tashkil qilish jarayonlariga “korporativ boshqaruvning zamonaviy standartlar prinsiplari va usullarni joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlarning rolini kuchaytirish” muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Korporativ boshqaruv hozirgi kunga kelib korxonalarni boshqarishning nafaqat zamonaviy falsafasiga, balki samaradorlikni taʼminlaydigan muhim texnologiyasiga aylanib ulgurdi. Takomillashgan korporativ boshqaruv natijasida iqtisodiy qoʻshilgan qiymatning (economic value added – EVA) sezilarli darajada koʻpayishi, samaradorlikning ortishi va riskning kamayishi yuz berishi turli empirik tadqiqotlarda oʻz aksini topgan.

Zamonaviy korporativ menejmentning turli yoʻnalishlari va tarkibiy qismlarini ishlab chiqish boʻyicha xorijlik olimlarning fikr-mulohazalari atroflicha oʻrganilgan.

Korporativ boshqaruv boʻyicha tadqiqotlar olib borgan iqtisodchi olim A.Berlining tadqiqotlarida korporatsiyalarni boshqarishda strategiyani tanlash va korxonalar menejmentini rivojlantirish, investitsion faoliyatni boshqarish masalalari tadqiq etilgan.

Mahalliy iqtisodchi olimlardan S.S.Gulyamov, D.N.Rahimova, N.M.Rasulov, M.S.Saidov, D.X.Suyunovlarning tadqiqot ishlari korporativ boshqaruv jarayonlarini ilmiy-nazariy asoslarini yaratishga qaratilgan. Ularning ilmiy izlanishlarida, mulk shakllari transformatsiyasi, korporativ boshqarish modellarini mukammallashtirish, aksiyadorlik korxonalarini rivojlantirish jarayonidagi masalalarda oʻz ifodasini topgan. Jumladan, A.A.Xashimovning tadqiqotlarida mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish sharoitida korporativ tuzilmalarni boshqarishni rivojlantirishning ilmiy- metodologik jihatlariga alohida eʼtibor qaratilgan. R.I.Yaushevning ilmiy izlanishlari integratsion korporativ tuzilmalar va taʼsischilar kapitalida davlat ishtirokidagi korxonalarini boshqarish muammolariga bagʻishlangan. M.B.Xamidulin fond bozorini rivojlanishi, aksiyadorlik jamiyatlarida Kuzatuv kengashining roli va ahamiyati masalalari ustida fikr yuritgan. Oʻzbekistonda aksiyadorlik jamiyatlarini xususiylashtirish masalalari B.Yu.Xodiyev, B.B.Berkinov kabi olimlarning ilmiy tadqiqotlarida oʻz ifodasini topgan.

Korporativ boshqaruvning zamonaviy xususiyatlari mohiyatan ancha keng boʻlib, bir paytning oʻzida tashkilotlardagi turli funksiyalarni, jumladan, menejment, moliya, hisob, biznes huquqi, biznes etikasi va iqtisodiyotini mujassamlashtiradi. Shuningdek, korporativ boshqaruv hisobdorlik, shaffoflik, oshkoralik, ijtimoiy masʼuliyat, halollik (soflik) kabi jihatlarni hamda boshqaruv organlari, aksiyadorlar va manfaatdor tomonlar oʻrtasidagi munosabatlarni qamrab oladi. Bundan tashqari, ushbu xususiyatlar tashkilotlarni samarali boshqarish va nazorat qilish uchun tartib-qoidalar, siyosat, usullar va tarkibiy tuzilmalarni belgilab beradi. Korporativ boshqaruv

xususiyatining bunday keng qamrovliligi bois, bu borada yagona umumqabul qilingan atama mavjud emas.

Jahonda korporativ boshqaruvga bo'lgan munosabat XX asrning 90 yillaridan yanada ortib, korporativ tuzilmalarni shakllantirishga turli darajalarda taraqqiy etgan davlatlar alohida e'tibor qarata boshladilar. Bu davrga kelib, korporativ boshqaruv tamoyillari joriy etilib, xalqaro global transmilliy korporatsiyalar tashkil topdi, korporativ boshqaruv modellari joriy etildi. Xususan, jahon amaliyotida korporativ boshqaruv tizimining o'ziga xos bir-biridan ajralib turadigan 3 ta turi: ingliz-amerika, germaniya va yapon modellari keng qo'llanib kelinmoqda.

Bugungi kunda korporativ boshqaruv sharoitida modernizatsiyalash jarayonlarining nisbatan samarali amalga oshirilishiga imkon yaratuvchi omillar mavjud:

1. Modernizatsiyalash jarayonlarini amalga oshirish uchun taqozo etiluvchi katta hajmdagi moliyaviy mablag'larni jamlash va safarbar etish imkoniyati.

2. Eskirgan texnika va texnologiyani zamonaviy, yangi ishlab chiqarish vositalari bilan bosqichma-bosqich almashtirib borishda korporativ tuzilmaning ichki ishlab chiqarish va texnologik aloqalaridan foydalanish.

3. Tayyor mahsulot ishlab chiqarishning ko'p bosqichli texnologik jarayonlariga ega bo'lgan korporativ tuzilmalarda diversifikatsiyalash imkoniyatlarining kengligi.

4. Ishlab chiqarishni zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan ta'minlash va boshqaruv uslublarining yangi turlarini yaratuvchi ilmiy laboratoriyalar va tajriba konstruktorlik ishlarini moliyalashtirish va ular faoliyatini ta'minlash imkoniyatlarining kengligi va hokazolar.

Shuningdek, xo'jalik faoliyatini korporativ tashkil etish va boshqarishning keng imkoniyatlari korporatsiyalarning ustunliklaridan foydalanishga asoslanib, ularni tuzishning ko'plab variantlaridan foydalangan holda firmalararo munosabatlarni modellashtirish imkonini beradi. Ulardan asosiylari sifatida quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin:

1. Aksiyalarni chiqarish orqali pul mablag'larini jalb etish qobiliyati investorlarning cheklanmagan sonining mablag'larini jamlash imkoniyatini beradi. Bunda investorlarning ma'lum rag'batlantirish (pul mukofoti)ga umid qilishlari va jamiyatni boshqarishda ishtirok etishni ma'lum darajada tanlash imkoniyati yaratiladi.

2. Boshqarilish muammosini hal etish yengillashadi. Tashkiliy rasmiylashtirishning nihoyasiga yetganligi, mas'uliyat va vakolatlarni belgilashdagi reglamentlarning o'rnatilganligi aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruv organlari o'rtasidagi nazorat funksiyasini taqsimlash imkonini beradi.

3. Aksiyadorlar tarkibiga kirish va undan chiqishning soddalashtirilgan tartibi manfaatdor shaxslar rotatsiyasining keng imkoniyatlarini hamda, tegishli ravishda, investitsion taklifning o'ta o'zgaruvchanligi sharoitida yuqori moslashuvchanlikni ta'minlaydi.

4. Cheklangan mas'uliyat tamoyili risklarni kamaytirishga imkon yaratadi. Cheklangan mas'uliyat tamoyilining amal qilishi risklarni aksiyadorlar va boshqaruvchilar o'rtasida taqsimlash orqali yirik korporatsiyalarni tashkil etishni mumkin qilib qo'ydi.

Umuman olganda, yuqorida bildirilgan fikr-mulohazalar asosida quyidagi taklif va xulosalar shakllantirildi:

1. Ishlab chiqarishni modernizatsiyalash serqirra va murakkab jarayondir. U eng avvalo korxonalarda uzoq vaqtlardan buyon foydalanib kelinayotgan, bugungi kunda ham jismoniy, ham ma'naviy jihatdan eskirgan asbobuskunalarni foydalanishdan chiqarilishini taqozo etadi.

2. Korporativ boshqaruv korxonalarida modernizatsiyalash jarayonlarini takomillashtirish maqsadida: 1) modernizatsiyalash va texnik qayta qurollantirish dasturlarini ishlab chiqishda ularga eskirgan jihozlarni bosqichmabosqich muomaladan chiqarib borish bo'yicha chora-tadbir va talablarning kiritilishini ta'minlash; 2) korxonalarda eskirgan texnika va texnologik liniyalarning mavjudligi bo'yicha inventarizatsiya o'tkazilib, ularni bosqichmabosqich chiqarib borish yuzasidan monitoring tashkil etish; 3) korxonada ishlab chiqarish faoliyatiga yangi asbob-uskunalar va texnik jihozlarni muayyan davrda qiymati jihatidan bir tekisda hamda asbob-uskunalarining texnologik jihatidan jarayonlar uzviyligi va izchilligini hisobga olgan holda kiritilishini ta'minlash; 4) mahsulot sifatini oshirish vazifasiga alohida e'tibor qaratish; 5) korxonada asosiy vositalari tarkibidagi optimal proporsiyalarning saqlanishini ta'minlash zarur.

3. Ishlab chiqarishni modernizatsiyalash jarayonlari uzoq muddatli istiqbolda korxonaning iqtisodiy va moliyaviy jihatdan yuksalishiga olib kelsada, ahamiyatli darajadagi sarf-xarajatlarni taqozo etishi sababli joriy natijalarga sezilarli ta'sir ko'rsatishi mumkin. Shunga ko'ra, iqtisodiy manfaatlar uyg'un va mushtarakligini turli darajada ta'minlovchi korxonalarda ushbu jarayonlarga bo'lgan munosabat ham bir-biridan farqlanadi va mazkur farq korporativ korxonalarda ham modernizatsiyalash jarayonlarini amalga oshirishning mavjudligidan darak beradi.

4. Mamlakatimizda keyingi yillarda innovatsion mahsulot, ish va xizmatlarni ishlab chiqarishda keskin o'sish ta'minlagan bo'lishiga qaramasdan bir qator muammolar ham aniqlandi. Xususan, birinchi marta o'zlashtirilgan korxonalarini innovatsion mahsulot, ish va xizmatlar ishlab chiqargan korxonalar sonidagi ulushi kamayish tendensiyasiga ega bo'lmoqda.

5. Korporativ asosda faoliyat olib borayotgan korxonalarda innovatsion faoliyatni barcha bosqichlarini amalga oshirish uchun tizimlashtirilgan qonunchilik bazasini yaratish, innovatsion infratuzimalarning elementlari: texnoparklar, kichik innovatsion korxonalar, texnik platformalar, innovatsion klasterlar faoliyatini tartibga soluvchi me'yoriy-xuquqiy bazani takomillashtirish zarur.

6. O'zbekistonda ishlab chiqarish korxonalarini modernizatsiya qilish va texnik qayta jihozlashni ta'minlashga qaratilgan faol investitsiya siyosatini amalga oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. Korporativ boshqaruv korxonalarining eksport salohiyatini oshirish hamda yangi ish o'rinlarini yaratish ko'p jihatdan samarali investitsion faoliyatni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash mexanizmlari orqali amalga oshirish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutqi // Xalq so‘zi, 2016 yil 15 dekabr, № 247 (6682).
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 4947-son farmonining 1-ilovasi «2017-2021 yillarda O‘zbekiston 52 Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi». www.lex.uz
3. Gulyamov S.S. Zadachi sovershenstvovaniya sistemn korporativnogo upravleniya v Uzbekistane. //Korporativnoye upravleniye v Uzbekistane. Materialn nauchno-prakticheskoy konferensii. T.: 2004. s.143-145;
4. Raximova, Sh.N. Zaynutdinov. Korporativ boshqaruv asoslari. - T.: Akademiya, 2006.- 47b.; Berkinov B.B. Korporativnoye upravleniye: seli i zadachi /Narodnoye slovo 15.05. 2004 g.
5. Rasulov N. M. Korporativ boshqaruvning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish negizida korxonalar rivojlanish samaradorligini oshirish (O‘zbekiston Respublikasi sanoat korxonalari materiallari misolida).08.00.13-“Menejment va marketing” ixtisosligi. I.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. - T., 2010. - 161 b.
6. Saidov M.S. Tabiiy monopoliyalar sohalarida menejmentning zamonaviy usullarini joriy etish masalalari (“O‘zbekenergo” Davlat aksiyadorlik kompaniyasi misolida). Ixtisoslik: 08.00.13 - “Menejment va marketing”. I.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. - T., 2009. - 176 b
7. Xashimov A.A. Korporativ boshkaruv shaklidagi tuzilmalarni rivojlantirish istiqbollari. - T.: Fan, 2003. - 111 b.

KORPORATIV MADANIYAT TAMOYILLARI

Shamuratov Ibrohim Azamat o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talaba

Ibrohimshamuratov472@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu maqolada korporativ madaniyat tamoyillari hamda manfaatdor tomonlar o‘rtasida manfaatlar toqnashuvini oldini olish yollari haqida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zi: madaniyat, etika, me'yor, xulq-atvor, axlogi, kodeks, korrupsiya, idealistik, pragmatik, paternalizm, xarizmatik, xutor xo'jaligi, majoritar aksiyador, minoritar aksiyador.

Korporativ madaniyatni shakllantirish usullarini amalda qo'llash ushbu sohadagi mutaxassislarning nazariy hisob-kitoblaridan sezilarli darajada farq qiladi, chunki har bir kompaniyaning o'ziga xosligi nazariyani amaliy qo'llashda u yoki bu iz qoldiradi.

Tarix shuni o'rgatadiki, eng sog'lom va eng muvaffaqiyatli kompaniyalarda strategiya va menejment nafaqat aksiyadorlar qiymatini hisobga olgan holda belgilanadi va tashkil qilinadi.

Tadqiqotchilar tomonidan qayd etilgan asosiy muammo shundaki, korporativ madaniyatni yuqoridan kelgan buyruqlar bilan o'zgartirib bo'lmaydi. Maqsadli madaniy o'zgarishlar (agar buning iloji bo'lsa) faqat rahbariyat shunday ko'rsatma bergani uchun sodir bo'lmaydi. Bunday holda, na asosiy qadriyatlar deklaratsiyasi, na kun tartibini o'zgartirish, na tashabbuslar kombinatsiyasi yordam bermaydi.

Odatda, tashkilotdagi odamlarning korporativ madaniyatga qiziqishi va uning ijobiy xususiyatlarini maqsadli ravishda rivojlantirish uchun iqtisodiy inqiroz yoki janjal kabi keskin zarba kerak. Har qanday sharoitda ham chuqur madaniy o'zgarishlarni amalga oshirishga urinish qiyin va og'riqli jarayondir.

Manfaatdor shaxslar deganda kompaniya faoliyati ularning manfaatlariga daxldor bo'lgan har ganday guruhlar: aksiyadorlar, menejerlar, hamkorlar, iste'molchilar va hokazo tushuniladi. Manfaatdor shaxslar orasida ular o'rtasida manfaatlari turli yo'nalishga ega obyektiv ziddiyatlar mavjud bolgan uchta asosiy guruh: aksiyadorlar, menejerlar va direktorlar alohida ajratib ko'rsatiladi.

Aksiyadorlar, o'z navbatida, ikki toifaga - majoritar va minoritar aksiyadorlarga ajratilib, ularning manfaatlarini ham o'zaro taqsimlanadi. Majoritar aksiyadorlar, minoritariylardan farqli ravishda, kompaniya rivojlanishining uzoq muddatli istiqbollarga va kichikroq risklarga yo'naltirilgan bo'ladi.

Agar ularning dividend to'lash va foydani kapitallashtirish o'rtasida birini tanlashiga to'g'ri kelsa, ular foydani kapitallashtirishni afzal ko'radi.

Majoritar aksiyadorlar uchun korporativ xulq-atvorning quyidagi tamoyillarini tavsiya etish mumkin.

Minoritariylarning mulkiy manfaatlariga bepisand bo'lmashlik va o'ylab ko'rilgan dividend siyosati yuritish:

- direktorlar Kengashi bilan birgalikda menejerlar faoliyatining chuqur o'ylab chigilgan motivatsiyasini amalga oshirish, bu menejerlar tomonidan suiiste'mol riskini pasaytiradi;

- direktorlar Kengashi professionalligi va faoliyati mustagilligini reja asosida oshirib borish.

Minoritariylar uchun korporativ madaniyat tamoyillari:

- kompaniya manfaatlariga ziyon yetkazgan holda aksiyadorlarning o'z huquqlarini suiiste'mol qilishga yo'l go'yimaslik;

- kompaniya tijorat sirlari gatoriga kiruvchi axborotni oshkor qilmaslik;

- kompaniya direktorlari, menejerlari va yirik aksiyadorlaridan gabul qilingan axloqiy goidalarga amal qilishni talab etish.

Kompaniya direktorlari uchun korporativ madaniyat tamoyillari. Aksiyadorlar va menejerlar o'rtasidagi ziddiyatlarni bartaraf qilish - direktorlarning asosiy vazifasidir.

Buni hal qilish uchun direktorlar Kengashi aksiyadorlardan ham, menejerlardan ham rasman emas, balki haqiqatda alohida ajratilgan va ulardan mustaqil bo'lishi lozim. Direktorlar uchun quyidagi tamoyillarni tavsiya etish mumkin:

- kompaniyada axloqiy goidalar ishlab chiqish va tasdiqlash;

- direktorlar Kengashining faoliyati davomida kompaniyaning barcha manfaatdor shaxslari manfaatlarini hisobga olish;

- kompaniya «shaffof»ligi monitoringini amalga oshirish, jamiyat aksiyadorlari, menejerlar va xodimlar tomonidan gonunchilik talablari, jamiyatning ta'sis va ichki hujjatlariga rioya qilish;

- ogilona dividend siyosati bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish va aksiyadorlarga taqdim etish;

- menejerlar faoliyati samarali motivatsiya tizimini ishlab chiqish;

- aksiyadorlar oldida hisobot berish va ularga kompaniyadagi ishlarning holati haqida to'liq va ishonchli axborot taqdim etish. Kompaniya menejerlari uchun korporativ madaniyat tamoyillari: Menejerlar faqat mulk egalarining pullarini riskka go'yib, o'z mulkini yo'gotish riskiga duch kelmaydi. Ular uchun quyidagilarni tavsiya qilish mumkin:

- o'z vakolatlarini suiiste'mol qilmaslik;

- kompaniya aksiyadorlariga atayin qilingan harakatlar bilan zarar yetkazmaslik;

- kompaniya uchun zarar ko'rish riski yuzaga kelganda kompaniyaning direktorlar Kengashini bundan xabardor qilish;

- kompaniya faoliyatiga direktorlar Kengashi tomonidan ishlab chigilgan axloqiy qoidalarni joriy qilish;

- o'z majburiyatlarini chin ko'ngildan, vijdonan va tashabbuskorlik bilan bajarish;

- direktorlar Kengashiga tegishli tarzda hisobot berish;

- o'z faoliyatida kompaniyaning ta'sis va ichki hujjatlariga, gonunchilik talablariga rioya qilish va kompaniya xodimlaridan ham xuddi shuni talab qilish;

- xodimlarning manfaatlarini himoya qilish, ular uchun munosib mehnat sharoitlari ta'minlash.

Korporativmadaniyat tamoyillari. Kompaniya va uning ragobatchilarning o'zaro aloqalari umumiy axloqiy me'yorlari orasida quyidagilari ajratib ko'rsatish mumkin:

- bir-birini hurmat qilish;

- ragobat kurashi olib borishning noaxloqiy usullaridan voz kechish,;

- savdo va investitsiyalash uchun ochiq bozorlarni rivojlantirishga xizmat qilish. Tovar va xizmatlar ta'minotchilari bilan munosabatlar tamoyillari:

- to'g'ri narx shakllanishi, litsenziyalash;

- keraksiz sud muhokamalarini istisno qilish;

- uzoq muddatli va barqaror munosabatlarni rivojlantirish;

- maxfiy bo'lmagan axborot bilan o'rtoqlashish;

- tuzilganshartnomalar shartlariga muvofiq tolovlarni o'z vaqtida amalga oshirish.

Iste'molchilar bilan munosabatlar tamoyillari:

- iste'molchilarni ularning ehtiyojlari va xohish-istaklariga muvofiq yuqori sifatli tovar va xizmatlar bilan ta'minlash;

- to'g'ri muomala, iste'molchilarga aksiyadorlik jamiyatining tovar va xizmatlari ularning salomatligi, xavfsizligi, atrof-muhitning ahvolini yaxshilash va qo'llab-quvvatlashni kafolatlash;

- aksiyadorlik jamiyatining tovar va xizmatlar iste'molchilarini ularning jinsi, yoshi, irqi va hokazo bo'yicha kamsitmaslik;

- iste'molchilarga taklif etilayotgan tovar va xizmatlarda, jumladan, ularning marketing va reklamasida inson gadr-gimmatiga hurmatni kafolatlash;
- iste'molchilar madaniyati yaxlitligini hurmat qilish.

O'z vaqtida Yaponiya AQSH armiyasi tomonidan egallangani va iqtisodiy tizim to'liq izdan chiqqanbo'lishiga qaramay, iqtisodiyotni o'zgartirishni maqsad qilgan yetakchi arboblari, Yaponiya ijtimoiy madaniyatiga muvofiq bo'lgan holda turli boshqaruvchilik tizimlari moslashtirish ustida ishlay boshladilar.

Yapon modeli deb ataluvchi model hozirgi vagtga kelib birmuncha eskirib qoldi va global iqtisodiyotga muvofiqlashtirish uchun unga o'zgartirishlar kiritish kerak. Biroq, nima bo'lganda ham, o'z paytida yaratilgan boshqaruvchilik tizimlari, 1970 dan 1980-yillargacha bo'lgan oraliqda Yevropaga yetib olish va jahon iqtisodiyotida ikkinchi o'ringa erishishga muvaffaq bolishda ilhom baxsh kuch edi.

Ushbu holda kompaniya va daraxt o'rtasida o'xshatish keltirilgan. Kompaniya poydevori nozik tomonlari to'g'ri tushunilgan madaniyat asosida quriladiki, bunda ratsional dalillardan ko'ra ko'proq ruhiy ishonch omili katta rol o'ynaydi (14-rasm).

Kompaniya madaniyati moliyaviy-xo'jalik faoliyatni va g'anday tadbirlar joriy qilinishini aniqlaydi. Marketing va innovatsiyalar kompaniya konsepsiyasi va uning asosiy siyosatidan keyin amalga oshiriladigan asosiy faoliyat turlaridir.

Avtomobilsozlikda Toyota, Honda, elektronika sohasida Toshiba, Matsushita (Panasonic), Sony yuqori sifatli mahsulot ishlab chiqaradigan kompaniyalar sifatida dong taratdilar. 1950-yillarda bu kompaniyalar kichik korxonalar bo'lib, 1960-1980-yillarda davomida jahon bozoriga sekin-astalik bilan kirib keldi. 1980-yildan 1990-yillar oralig'idagi davr yapon sanoati uchun yo'qotilgan o'n yillik deb hisoblanadi. 90-yillarda yapon iqtisodiyoti pasayishga qarab harakatini davom ettirdi va global iqtisodiyot sharoitiga moslasha olmaganligi bois ko'pchilik kompaniyalar bozordan chiqib ketdi.

Shu bilan birga, ko'pchilik baquvvat kompaniyalar «eski po'stinni tashlash orgali» hatto shu davrda ham o'sishni davom ettirdi. Bu kompaniyalarga o'sish va o'zini saqlab qolishga imkon beruvchi qator omillar mavjud bo'lib, shular jumlasida madaniyat ular uchun asosiy hal qiluvchi omil bo'lib xizmat qildi.

Madaniyat kompaniya shakllanishining o'zagi bo'lib, unidaraxtning ildizlariga qiyoslash mumkin. Ildiz ko'rinmaydi, biroq agar chirik bo'lsa daraxt qulaydi.

Buni faqat hissiyot darajasida anglash mumkin. Madaniyat muhit yoxud iqlimga o'xshaydi. Yapon kompaniyalarining xususiyatlari shundan iboratki, madaniyatga juda katta e'tibor garatiladi.

Yoshi ulug'lik tizimi shunga asoslanadiki, oylik ish haqi xodimning yoshiga va kompaniyadagi ish tajribasiga qarab belgilanadi.

Bir umrga yollash deganda, kompaniya tomonidan xodim uzoq muddatga, masalan, 60 yoshigacha ishga qabul qilinishi tushuniladi. Kompaniyalardagi mehnat uyushmalari tizimida ijrochi direktorlar va boshqaruvchi xodimlardan tashqari barcha xodimlar o'z kasbiy yo'nalishlaridan qat'i nazar kompaniyaning mehnat uyushmasi a'zosi bo'lishlari kerak.

Keyrestu - aksiyador bo'lgan kompaniyalar guruhi bo'lib, doimo axborot almashinish va bir-biriga qulay imkoniyatlar yaratish orqali o'zaro yagindan munosabatlarni saqlab qoladilar.

Qo'llab-quvvatlash tizimida sanoat tarmog'i vazirliklari tomonidan kompaniyalar faoliyati muvofiqlashtiriladi va nazorat qilinadi, me'yoriy va qoida hujjatlari ishlab chiqiladi hamda kompaniyalarni himoya qiladilar va ustunliklarga ega bo'lishlari uchun sharoit yaratadilar.

1945-yilda Yaponiya AQSHarmiyasi nazorati ostida turgani holda AQSH Bosh armiya shtabi nazorati ostida bozor iqtisodiyoti tizimiga o'ta boshladi. Yaponiya xalqi uchun ushbu vaqt tubdan burilishni anglatuvchi va juda muhim bo'ldi.

Urushgacha iqtisodiyot Mitsubishi, Mitsu, Sumimoto va boshqalar kabi bir necha oilaviy guruhlar qo'lida edi. Asosan kichik do'konlar va ishchi jamoalari mavjud edi. Urushdan keyin oilaviy guruhlar bartaraf qilindi, ularning boshliqlari yo'q qilindi.

U paytlarda yapon iqtisodiyoti juda og'ir sharoitda edi, biroq shu bilan birga, vaziyatning bunday o'zgarishi eski tizimdan qutulishga imkon berdi.

Yapon tadbirkorlari o'z kompaniyalarini yangi iqtisodiy tizim sharoitida shakllantira bordilar, yapon jamiyatida chuqur ildiz otgan madaniyat jabhasida ham sezilarli o'zgarishlar bo'lib o'tdi. Yapon jamiyati oilaga asoslanar edi. Fermerlar oqsoqollar rahbariyatiga bo'y- sungani holda katta oila sifatida yashar va ishlar edilar. Geografik joylashishi bo'yicha Yaponiya boshqa davlatlardan dengiz bilan ajratilgan bo'lib, o'ziga xos madaniyatga ega bo'lgan mono millatga asoslanadi.

Shunga garamay, yangi ijtimoiy tizimni korxonalarda joriy qilish ancha oson kechdi.

Ilgarigi tizim oilaviy an'analarga asoslangan bo'lib, unda rahbarga aka sifatida, kompaniya boshlig'iga esa ota sifatida garalar edi. Kompaniya, katta oila sifatida qaralib, unda a'zolar kompaniya faoliyati uchun o'zini bagishlagan hisoblanardilar. Yapon kompaniyalarida ishchi eng muhim resurs sifatida garalar edi.

Gohida ushbu g'oya kompaniya guruhlariga va hatto davlat hamda kompaniya orasidagi munosabatlarga ham tatbiq qilinardi. Ijtimoiy ta'minot, bonuslar, uniforma (kompaniyaning o'z ishchi kiyimi), kompaniya emblemasini taqib yurish, Kayzen kichik faoliyat guruhlarini ana shu madaniyat asosida paydo bo'lgan hodisadir. Biznesda iomonlar o'rtasidagi iliq munosabatlar yapon iqtisodiyotida 1987-yilgacha asosiy o'rin tutgan hodisadir.

Ushbu tizim shubhasiz ravishda kuchli ragobatchilikning oqibati bo'lib, yapon iqtisodiyotini dunyoda ikkinchi o'ringa olib chigardi. Odamlarni o'qitish, yo'llanma berish va ish yuzasidan ko'rsatma berish kerak.

Aks holda ular ishlamaydilar. Agar ularda ishlashga moyillik bo'lmasa, ayrim hollarda jazolash yoki po'pisa qilish ham foydalidir. Inson o'z tabiatiga ko'ra ko'p ishlashga moyildir. Agar ular ko'p ishlashni xohlamasalar demak bunga qandaydir sabab bor.

Odamlar o'z holicha ko'p ishlay oladi deb hisoblaysizmi? Odatda, ikki javob bor «Ha» va «Yo'q». Yaponlar ikkinchi javobni to'g'ri deb hisoblaydilar. Ehtimol bu yuqorida aytib o'tilgan madaniyat ta'siri

ostidadir. Ikkinchi jahon urushidan keyin amerikacha fikr yuritish kirib keldi.

Amerika nuqtayi nazari eskirgan deb hisoblash mumkin. Hozirgi kunda ham ko'pchilik boshqaruvchilar suddi shunday fikrni ma'qul- lamoqdalar.

Biroq odamlar bunday vaziyatda o'zlarini noqulay sezadilar. Agar Yaponiyada qandaydir kuchli yetakchi odamlari o'z yo'riga iga yuritmoqchi (manipulyatsiya)

bo'lsa, odamlar o'zlarini uning orgasidan erga- shayotgandek nomiga tutadilar. Mohiyatan, bu usul juda samarasiz. Yangi madaniyat sifatlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- o'zgarishlarga tayyorlik;
- muhimi sifat va mijozdir;
- innovatsiyalar va marketing;
- baynalminallik;
- aniqlik va t olovga gobiliyatlilik.

Yangi madaniyat o'zgarishlarga juda ham sezuvchan bo'lib, sifat, mijoz, innovatsiyalar, marketing, baynalminallik va ravshanlik, javob- garlik birlamchi ahamiyatga ega. Biz kiyimimizni o'zgartirganimizda eski kostyumimizni yangisiga almashtiramiz, biroq kostyum ostidagi narsa joyida goladi.

Shuningdek, Yaponiya madaniyati o'zgarishsiz va tirikligicha goladi. Sifat xaridor uchun qimmatini doimo saqlab goladigan xislatdir.

Eng yaxshi kompaniyalar nuqsonli tovarlarni sotmaydilar, ular ancha vaqtdan beri ko'p ko'ngilsiz hodisalardan holi bo'lib, doimo o'z mijozlariga quloq tutib keladi.

Innovatsiyalar va marketing hozirgi kunda yapon kompaniyalari kundalik faoliyatiga kirib kelgan. Mazkur tadbirlarni o'tkazmasdan kompaniyalar bozorda omon golishi amri mahol edi.

Baynalminallik o'zi bilan zamonaviy kompaniyalarning yana boshga xususiyatini ifoda etadi. Hattoki, kichik va virik biznesga ham doimo investitsiya qilib turiladi va kelajakda investitsiya jalb qilish bo'yicha rejalari mavjud.

Jahon bozori sharoitida tirik golish uchun kompaniyalar global bozor muhitini sezishlari kerak. Boshqa mamlakat bozoriga chiqishda kompaniyalar madaniyatlardagi farqlar bilan bog'liq muammolarga to'gnash kelmoqdalar, ular yangi madaniyatni o'rganmoqdalar va o'z mijozlari talablariga muvofiq kelish usullarini topmoqdalar. Bozor iqtisodiyotining kelajakda tirik golishi uchun xulqiy omilni saqlab golish muhim bo'lib, uni ravshanlik va javobgarlik orgaligina kafolatlash mumkin.

O'zgarishlar tushunchasi keng ma' noda qo'llanilishi mumkin, ya'ni:

- «O'zgarishlar» global dunyoda asosiy tushuncha;
- ishlab chiqarish tizimidagi o'zgarishlar;
- mahsulotlarning o'zgarishi;
- Tovarlarni bozorda o'tkazishdagi o'zgarishlar;
- logistikani o'zgartirish;
- tashkilotni o'zgartirish va hokazo.

Yurtimizda faoliyat olib borayotgan ko'plab Korporativ boshqaruv tizimiga ega bo'lgan korxonalarining samarali faoliyat yuritishini ta'minlash maqsadida o'z boshqaruv tizimiga korporativ madaniyat tamoyillarini singdirishlari lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] B.Yu.Xodiyev , R.X.Karlibayeva, N.I.Akromovalarning Korporativ Boshqaruv kitobi, Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent-2011, 264-268 b.

[2] A.A.Temirov, U.R.Xalikov, S.B.Maxmudovlarning “Korporativ Boshqaruv Faoliyatini Tahlili va Baholash”, Toshkent- “Innovatsion Rivojlanish Nashriyot-Matbaa Uyi”-2021, 150-151 b.

[3] <https://chrome-effect.ru/uz/decor-and-design/principiy-formirovaniya-korporativnoi-kultury-glava-ii-effektivnaya-korporativnaya-kultura-kak-fakto/>

KORPORATIV MADANIYAT VA UNING KORXONA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDAGI ROLI

i.f.n., dosent M.G. Umarxodjaeva
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Korporativ boshqaruv kafedrası
muyassarkhon.ganievna@gmail.com

Annotatsiya

Hozirgi kunda korxonalar yetakchilari va zamonaviy tadqiqotchilar korxonalarni samarali boshqarishda korporativ madaniyat masalasiga duch kelishadi. Korporativ madaniyat kompaniyaning haqiqatda qanday biznes yuritishini tasvirlaydi, obro' esa tashqi manfaatdor tomonlar buni qanday qabul qilishini anglatadi. Obro'-e'tiborni oqlashdan ko'ra yomonroq obro'ga ega bo'lish bilan bog'liq xarajat bor, yuqori kredit xarajatlardan tortib, sifatsiz ariza beruvchilargacha, shuning uchun kompaniyalar ko'pincha o'z obro'sini omma oldida yaxshilash uchun sarmoya kiritadilar.

Kalit so'zlar: Korporativ madaniyat; strategiya; korxonalar; obro'.

Zamonaviy menejmentda korporativ madaniyat ma'lum bir korxonalar va tashkilotga xos bo'lgan moddiy va ma'naviy qadriyatlar tizimi bo'lib, uning o'ziga xosligini, xatti-harakatlarini va atrof-muhitdagi shaxslarning ular tomonidan kompaniyani idrok etishini aks ettiradi.

Korporativ madaniyat tashkilotning muvaffaqiyati va samaradorligiga bevosita ta'sir qiladi. Ko'plab tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, taniqli gullab-yashnagan kompaniyalar yuqori darajada tashkillashtirilgan korporativ madaniyatga ega bo'lib, ular barcha manfaatdor tomonlar manfaati uchun korporatsiya ruhini rivojlantirishga qaratilgan puxta o'ylangan sa'y-harakatlar natijasida shakllanadi [1].

O'zbekistonda korporativ boshqaruv tizimini rivojlantirishga oid islohotlar, asosan, milliy korporativ boshqaruv tizimida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy qilish, korxonalar va tashkilotlar faoliyatining samaradorligini tubdan oshirish, ularga xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish, ularning ochiqligi va jozibadorligini ta'minlash, korxonalarni strategik boshqarishda korporativ madaniyat rolini kuchaytirish uchun qulay sharoitlar yaratish kabi chora-tadbirlarni amalga oshirishga qaratilmoqda, korporativ boshqaruv tizimidagi tamoyil va yondashuvlarni tubdan o'zgartirish, unga bozor iqtisodiyotiga xos bo'lgan haqiqiy tusni berish borasida katta ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, 2014-yilda yangi tahrirdagi “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish to'g'risida”gi qonun qabul qilindi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 24-apreldagi PF-4720-sonli “Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish

chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni asosida "Korporativ boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar[1]" Dasturi tasdiqlandi hamda unda belgilangan vazifalar va chora-tadbirlar amalga oshirildi. O'zbekistonda korporativ boshqaruvni zamonaviylashtirish doirasida Korporativ boshqaruv kodeksi qabul qilinib, uning tavsiyalari juda ko'plab korxonalarining faoliyatida joriy qilindi[2].

Kompaniya muvaffaqiyati uchun korporativ madaniyat juda muhim, chunki u kompaniyaga o'z xodimlari o'rtasida o'ziga xoslik va birlik hissini saqlab qolishga yordam beradi va barcha uchun ijobiy ish muhitini osonlashtiradi. Kompaniya madaniyati kompaniyaning tuzilishi va boshqarilishi hamda uning xodimlari bir-birlari bilan qanday munosabatda bo'lishlari natijasidir. Kompaniya madaniyatiga ega bo'lishning ahamiyatini e'tibordan chetda qoldirib bo'lmaydi: bu jamoalarning uyg'unligini va motivatsiyasini ta'minlashga yordam beradi, shu bilan birga uning xodimlari o'rtasida o'ziga xoslik va birlik hissini ta'minlaydi. Kompaniyalar o'zlarining korporativ madaniyati haqida ham qayg'urishlari kerak, chunki u xodimlarning ma'naviyati va unumdorligida muhim rol o'ynaydi, bu esa o'z navbatida kompaniyaning daromadiga - ularning samaradorligiga ta'sir qiladi.

Kompaniya madaniyati biznesning nomoddiy, lekin juda muhim qismidir. Bu xodimlarning qanchalik baxtli ekanligini va ular kompaniyada qolishni qanchalik xohlashlarini aniqlaydi[3]. Yaxshi kompaniya madaniyati xodimlarni saqlab qolish va jalb qilish, yangi xodimlarni jalb qilish va barcha ishtirokchilar uchun ijobiy ish muhitini saqlashga yordam beradi.

Kuchli kompaniya madaniyati mijozlar bilan ishonchni mustahkamlashga, shuningdek, brendga sodiqlikni oshirishga yordam beradi. Kompaniyaning madaniyati xodimlarning qoniqishi, ushlab turishi, ma'naviyati va mahsuldorligiga ta'sir qiladi.

Ijobiy kompaniya madaniyati biznesning butun faoliyati davomida e'tiborga olinishi kerak bo'lgan eng muhim narsalardan biridir. Bu xodimlarga ishda qulay va baxtli his qilishlariga yordam beradi. Shuningdek, bu ularning samarali va innovatsion bo'lishiga turtki beradi. Salbiy korporativ madaniyat xodimlarni stress, baxtsiz va samarasiz his qilishlariga olib kelishi mumkin[4]. Agar ular boshliqlari yoki umuman ish muhiti tomonidan yaxshi munosabatda bo'lmasalar, ular hatto yangi ish qidirishni boshlashlari mumkin.

Ijobiy korporativ madaniyatni yaratish xodimlaringiz o'zlarini xavfsiz va qo'llab-quvvatlanayotganini his qilishlari uchun yaxshi ish muhitini yaratishdan boshlanadi. Kompaniyaning madaniyatini tashkilotning barcha boshqaruv darajalarida aks ettirish muhimdir. Hokimiyatdagi odamlar o'rnak bo'lishi kerak. Kuchli kompaniya madaniyatini ham inklyuziv, ham haqiqiy madaniyat sifatida aniqlash mumkin.

Ish joyidagi inklyuzivlik degani, kelib chiqishi, irqi, jinsi yoki ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, har bir kishi ish joyida o'zini xush kelibsiz, qabul qilinadi, hurmat qilinadi va qadrlanadi. Haqiqiy, o'z ishlarida va boshqalar bilan munosabatlarida o'ziga sodiq bo'lgan odamlarni anglatadi.

Brend obro'si - iste'molchilar kompaniyangiz, mahsulot yoki xizmatga qanday qarashlari. Bu iste'molchilar ko'z o'ngida brendni idrok etishdir. Kompaniya mahsulot sifati va mijozlarga xizmat ko'rsatish nuqtai nazaridan qanchalik yaxshi ishlashiga qarab ijobiy yoki salbiy bo'lishi mumkin[5].

Ijobiy brend obro'si - bu iste'molchilar orasida yaxshi obro'ga ega. Brendning obro'sini auditoriya bilan muloqot qilish va ularga kompaniya mahsulotlari yoki xizmatlaridagi o'zgarishlar haqida ma'lumot berish orqali boshqarish mumkin. Brend obro'siga mijozlarga xizmat ko'rsatishdan tortib mahsulot sifatigacha bo'lgan keng ko'lamlil omillar ta'sir qilishi mumkin. Kompaniyalar brend obro'sini qozonish yoki yo'qotishning bir necha yo'li mavjud. Ulardan ba'zilari salbiy obro'ga ega bo'lishi mumkin, natijada yomon sharhlar va baxtsiz mijozlar paydo bo'ladi, ikkinchisi esa salbiy sharhlar orqali.

Yaxshi kompaniya madaniyati brendning obro'siga ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin, ayniqsa yangi xodimlarni jalb qilish va hozirgi xodimlarni saqlab qolish haqida gap ketganda. Kompaniyalar yangi xodimlarni jalb qilish va hozirgi xodimlarni saqlab qolish uchun kuchli kompaniya madaniyati muhimligini tushunib yetmoqda.

Misol uchun, Google kabi kompaniyalar cheksiz ta'til vaqti va moslashuvchan ish soatlari kabi siyosatlarni amalga oshirish orqali am ish, ham hayot muvozanati uchun qulay muhit yaratdilar. Kompaniyaning madaniyatiga ko'pincha uning jamoatchilik bilan aloqalar strategiyasi ta'sir qiladi[6].

Jamoatchilik bilan aloqalar bo'yicha mutaxassislar jamoatchilik bilan muloqot qilish orqali kompaniyalarga ijobiy imidj yaratishga yordam beradi. Shuningdek, ular kompaniyalarga veb-saytlari yoki ijtimoiy media kanallari uchun kontent yaratish orqali o'z imidjini saqlab qolishga harakat qilishadi.

Boshqa tomondan, zaharli kompaniya madaniyati korxonalar brend obro'siga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Buning sababi shundaki, odamlar salbiy madaniyatga ega kompaniyada ishlashni xohlamaydilar va ular boshqa joyga borishadi. BrewDog kompaniyasi shu sababli mashhurlikka erishgan, chunki sobiq xodimlar ijtimoiy tarmoqlarda brend ishlash uchun zaharli joy ekanligini va ko'pchilik u erda ishlaganlarida "qoldiq qo'rquv hissi"ni his qilishdi.

Kompaniya madaniyati xodimlar va nomzodlar uchun tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda, ayniqsa 2020 yildan hozirgi kungacha biz ko'rgan iste'folarning ko'payishi davrida.

Zaharli madaniyat paydo bo'lishining oldini olish usullari quyidagilarni o'z ichiga olishi mumkin: xodimlar nima uchun umidsizlik yoki baxtsiz bo'lishi mumkinligini tushunish, xodimlarning tashvishlarini tinglash va ularni hal qilishga urinish va qo'llab-quvvatlovchi, ochiq, halol va adolatli bo'lish orqali ijobiy ish muhitini yaratish

Korxonalar obro'si - bu ko'p o'lchovli tushunchalar bo'lib, boshqalar kompaniyani qanday qabul qilishini va kompaniyaga qanday qarashni o'z ichiga oladi. Bu obro' ham bozor kuchi, ham raqobatdosh ustunlik manbai bo'lishi mumkin. Kuchli brendlarga ega kompaniyalar marketing yoki reklamaga sarmoya kiritmasdan bozorda raqobatlasha oladi. Kompaniya madaniyati kompaniya obro'sini shakllantirishda ham muhim rol o'ynashi mumkin. Xodimlar o'zlarining ish joylarida kuch va motivatsiyani his qilishlari va ularning ishi muhimligiga ishonishlari muhimdir.

Proaktiv korporativ madaniyat - bu doimiy ravishda rivojlanib boradigan va o'z xodimlarining ehtiyojlariga moslashadigan madaniyat. U brend obro'sini qo'llab-quvvatlaydi, bunda asosiy e'tibor xodimlarni jalb qilish, shaxsiy o'sish va martaba rivojlanishiga qaratilgan. Proaktiv korporativ madaniyatga ega bo'lgan

kompaniyalarda mehnatga jalb qilingan ishchi kuchi va yuqori samarali xodimlarga ega bo'lish ehtimoli ko'proq. Shuningdek, ular mijozlarning qoniqish darajasi yuqori bo'lib, rentabellikni oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ouchi, W.G., Johnson, J. Types of organizational control and their relationship to emotional well-being // Administrative Science Quarterly, 2018, Vol. 24. - pp.293317.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 18 январдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

3. Армстронг М. Практика управления человеческими ресурсами. - СПб: Питер, 2005

4. Камерон К.С., Куинн Р.Э Диагностика и изменение организационной культуры: Пер. с англ./СПб.: Питер, 2001 г. - 311 с.: - Пер. изд.: Diagnosing and changing organizational culture/Cameron K.S., Quinn R.E.. - Reading et al., 2009.

5. Rashid, M.Z.A., Sambasivan, M. and Johari, J. (2003) The Influence of Corporate Culture and Organisational Commitment on Performance. Journal of Management Development, 22, 708-728.

6. Ташходжаев М.М., Бегматова Д.Б. Корпоративная культура. Тошкент-Иқтисодиёт. 2019

KORPORATIV TUZILMALAR FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHDA KORPORATIV BOSHQARUVNING O'RNI

Kenjayeva Umriya Faxritdinovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Korporativ boshqaruv kafedrasida

u.kenjayeva@tsue.uz

Kuchkarov Nodirbek Jasur o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Annotatsiya

Ushbu tezisdagi korporativ tuzilmalar faoliyatida korporativ boshqaruvning o'rni, unga ta'sir etuvchi omillar haqida fikrlar yuritilgan. Shuningdek korporativ tuzilmalar faoliyatini takomillashtirishda samarali korporativ boshqaruv tizimini joriy qilish bo'yicha takliflar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Korporativ boshqaruv, korporativ tuzilmalar, aksiyadorlar, investitsiya, rentabellik, samarali korporativ boshqaruv.

Korporativ boshqaruv butun dunyoda tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda, chunki u kompaniya faoliyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Korporativ boshqaruv kompaniya faoliyati o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganishga qaratilgan tizim bo'lib, korporativ tuzilmalarda tizimni samarali joriy qilinishi jamiyat faoliyatining yaxshilanishiga olib keladi. Ushbu maqsadga erishishda avvalo, boshqaruv qarorlarini

qabul qilish jarayonlarida shaffoflik, hisobdorlik, javobgarlik va adolatlikni ta'minlash korporativ boshqaruv uchun muhimdir.

Korporativ boshqaruv deganda, kompaniyalarda aksiyadorlar qiymatini maksimal darajada oshirish va shu bilan birga boshqa manfaatdor tomonlarning manfaatlarini hisobga olgan holda boshqarilishini ta'minlash uchun o'rnatilgan qoidalar, mexanizmlar va jarayonlar to'plami tushuniladi. Korporativ darajadagi boshqaruv ijtimoiy, tartibga solish va bozor muhiti kontekstida kompaniya maqsadlarini belgilash va kompaniyaning mas'uliyatini ta'minlash uchun qoidalar, nizomlar, siyosat va protseduralar to'plamiga asoslanadi. To'g'ri amalga oshirilganda, u menejmentning barcha sohalarida kompaniya maqsadlariga erishish uchun asos yaratadi. Shuningdek, u aksiyadorlarning muhimligini tan oladi. Aksiyadorlar kompaniya boshqaruvi a'zolarini saylaydilar, kompaniya faoliyatini moliyalashtiradilar va biznes faoliyatida bevosita tasiriga ega bo'lib hisoblanadi. Yaxshi boshqaruv kompaniyaning yaxlitligini, umumiy yo'nalishini, risklarni boshqarishni va muvaffaqiyatni rejalashtirishni ta'minlaydi. Bu, o'z navbatida, kompaniyalarning moliyaviy jihatdan barqaror bo'lishiga va kuchli hamjamiyat, aksiyadorlar va investor munosabatlari va ishonchini o'rnatishga yordam beradi. Yaxshi korporativ boshqaruvni namoyish etish ko'pincha biznes uchun rentabellik kabi muhim hisoblanadi.

Korporativ boshqaruvning kompaniya faoliyatiga ta'siri bo'yicha xorijiy olimlar tomonidan bir qancha tadqiqotlar o'tkazilgan bo'lib, Gompers (2003) "yaxshi boshqariladigan firmalar yomon boshqariladigan firmalarga qaraganda yuqori bozor qiymati va foydaga ega"[1] ekanligini ta'kidlagandi. Shuningdek, korporativ boshqaruvni baholash uchun boshqaruv chora-tadbirlari, jumladan, kengash hajmi, direktorlarning mustaqilligi va aksiyalarga egalik huquqi muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli, samarali korporativ boshqaruv tuzilmalari yaxshi samaradorlikka va yuqori rentabellikka olib keladi.

Bob Tricker 1984-yilda nashr etilgan "Korporativ boshqaruv: Britaniya kompaniyalari va ularning direktorlar kengashlaridagi amaliyotlari, tartiblari va vakolatlari" asarining sarlavhasiga birinchi bo'lib "Korporativ boshqaruv" iborasini kiritgan. Uning ushbu atamaga ta'rifi, hatto o'sha paytda ham aniq edi. "Boshqaruv roli o'z-o'zidan kompaniyani boshqarish bilan bog'liq emas, balki korxonaga umumiy yo'nalish berish, boshqaruv va boshqaruvning ijro etuvchi harakatlarini nazorat qilish va nazorat qilish bilan bog'liq. Korporativ chegaralardan tashqarida manfaatlar tomonidan javobgarlik va tartibga solishning qonuniy talablarini qondirish"[2] degan edi. Shuningdek ko'pchiligimizga korporativ boshqaruv sohasi sifatida tanishtirishga yordam berdigan inson sifatida tarixda qolgan.

Berle va Meansning (1932) Zamonaviy korporatsiya va xususiy mulk haqidagi asarlari "Korporativ boshqaruv" firmalarga egalik qilish va boshqarishni tartibga soluvchi umumiy tizimni tavsiflash uchun ishlatilgan. "Tashkilotlar mulki va nazoratini ajratishga asoslangan korporativ boshqaruvning ushbu an'anaviy ta'rifi ikkita dominant modelni keltirib chiqardi: aktsiyadorlar modeli va manfaatdor tomonlar modeli"[3] deb aytgan edi.

Fama va Jensen (1983) tomonidan olib borilgan yana bir tadqiqot shuni ko'rsatdiki, korporativ boshqaruv agentlik xarajatlarini kamaytirishi, korporativ

maqsadlarga erishish ehtimolini oshirishi va kompaniya faoliyatini yaxshilashi mumkin. Ushbu tadqiqotda mustaqil direktorlar kabi korporativ boshqaruv mexanizmlari menejerlar va aksiyadorlar manfaatlarini moslashtirishi, agentlik xarajatlarini kamaytirishi, bu esa o'z navbatida ish faoliyatini yaxshilashga olib kelishi ta'kidlangan.

Korporativ boshqaruv mexanizmlari kompaniya faoliyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Samarali boshqaruv tuzilmalari kompaniyaning umumiy faoliyatini va moliyaviy barqarorligini yaxshilaydi. Shuningdek, kompaniyalarga agentlik muammolarini kamaytirish va menejerlar va aksiyadorlar manfaatlarini moslashtirish uchun mustahkam boshqaruv tuzilmalarini qabul qilishni tavsiya qiladi. Bu sog'lom raqobatni, ishonchlilikni va investorlarni ushlab turishni kuchaytirishi mumkin.

Korporativ boshqaruv har qanday kompaniyada muhim rol o'ynaydi, chunki u barcha qarorlarni qabul qilish jarayonlarida shaffoflik, hisobdorlik va adolatni ta'minlaydi.

O'zbekistonda davlat tomonidan sanoatlashtirish va markazlashgan iqtisodiy rejalashtirishning uzoq tarixi mavjud. 1991-yilda mustaqillikka erishgandan so'ng, hukumat mamlakat iqtisodiyotini markazlashgan rejali iqtisodiyotdan bozorga yo'naltirilgan iqtisodiyotga aylantirishga qaratilgan qator iqtisodiy islohotlarni boshladi. Davlat korxonalarini xususiylashtirish va xususiy investitsiyalarni rag'batlantirishga qaratilgan qonun va me'yoriy hujjatlarni joriy etish shular jumlasidandir. Mamlakatimizda korporativ boshqaruv qoidalari va me'yorlariga amalda rioya etish darajasi pastligicha qolmoqda. Buning sababi kompaniya rahbariyati va aksiyadorlar o'rtasida xabardorlikning yo'qligi, shuningdek, ijro mexanizmlarining zaifligidir. Noto'g'ri moliyaviy hisobot, manfaatlar to'qnashuvi va mulkchilik tuzilmasi to'g'risida yetarlicha ma'lumot bermaslik kabi umumiy qoidabuzarliklar mavjud. Bu investorlar ishonchining yomonlashishiga va kapital bozorlariga kirishning cheklanishiga olib keldi.

O'zbekistonda korporativ boshqaruvning huquqiy va institutsional asoslari so'nggi yillarda sezilarli o'zgarishlarga duch keldi. 2014-yilda hukumat "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"[4] gi qonunni qabul qildi. Buning natijasida aksiyadorlarning huquqlari mustahkamlanib, kompaniyalar uchun axborotni oshkor qilish talablari yaxshilandi. Shuningdek, qimmatli qog'ozlar bozorini mustaqil tartibga soluvchi Kapital bozorini rivojlantirish agentligini tashkil etilib va qonunchilikka rioya etilishini ta'minlash uchun normativ hujjatlarni ishlab chiqildi. Bundan tashqari, 2015-yilda O'zbekiston Xalqaro moliya korporatsiyasining korporativ boshqaruv bo'yicha ilg'or tajribalarni ilgari surish maqsadida korporativ boshqaruv global tashabbusiga qo'shildi.

Shuningdek, korporativ boshqaruvni isloh qilish, mamlakat aksiyadorlik jamiyatlarning transformatsiya jarayonini jadallashtirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"[5] gi Farmoniga ko'plab vazifalar belgilandi. Bunga ko'ra korporativ qimmatli qog'ozlar bozorida likvidlikni oshirish davlat ulushi mavjud korxonalarda xususiylashtirish jarayonlariga xorijiy investorlar va xalqaro moliya institutlarini jalb qilish, rezidentlar tomonidan chet mamlakatlarda aktivlarni sotib olish va ularni deklaratsiya qilish tartibini belgilashni nazarda tutadi.

Shuningdek, korporativ boshqaruvni optimallashtirish maqsadida ishlab chiqarish va boshqarish jarayonlarini avtomatlashtirish (ERP) tizimlarini joriy etish mamlakatimizdagi aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy-iqtisodiy faoliyati samaradorligini oshiriladi.

Ta'kidlash joizki, samarali korporativ boshqaruv yaxshi samaradorlikka, yuqori rentabellikka olib keladi va aksiyadorning ishonchini oshiradi. Kompaniyalarga uzoq muddatli investitsiyalarni, moliyaviy barqarorlikni va biznesni halol olib borishni rag'batlantirish uchun hamda o'z navbatida tez sur'atrivojlantirishni ta'minlash uchun lozimdir. Korporativ tuzilmalar amaliyotiga samarali korporativ boshqaruvning joriy etilishi, ulardagi mavjud muammolarni o'z vaqtida bartaraf etadi va istiqbolli loyihalarga poydevor qo'yiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] Gompers (2003) states that “well-managed firms are poorly managed firms

[2] Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 151.

[3] Berle and Means. The Modern Corporation and Private Property. Economics Business 2017. – P. 380.

[4] O'zbekiston Respublikasi Qonuni “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida”, O'RQ-370-son bilan 2014 yil 06-mayda tasdiqlangan - <https://lex.uz/docs/-2382409>

[5] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni “2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida” PF-60-son bilan 2022-yil 28-yanvarda tasdiqlangan - <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

KORPORATIV BOSHQARUV MUAMMOLARINI HAL ETISH- RIVOJLANISH MEZONODIR

Maxamatova Nargiza Shuhrat qizi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

rushanarashidovna@gmail.com

Ilmiy rahbar: R.Mamarayimova

Annotatsiya

Tezida muallif tomonidan korporativ boshqaruv modellari xususiyatlari va o'zni, ahamiyati, kompaniyaning strategik qarorlarini qabul qilishda direktorlar kengashining o'zni, shuningdek, hodimlarni tanlashning boshqaruvdagi ahamiyati yoritilgan.

Kalit so'zlar: rivojlanish, korporativ boshqaruv muammolari, milliy model, korporativ munosabat, boshqaruv samaradorligi.

Korporativ boshqaruv sohasidagi asosiy masalalardan biri hozirgi zamon iqtisodiyotida eng maqbul milliy modellarni tanlashdir. Korporativ boshqaruvning milliy modellarini yanada chuqurroq taxlillar asosida o'rganish, korporativ boshqaruvni rivojlantirish uchun zarur bo'lgan asosiy imkoniyatlarni aniqlashga imkon beradi. Turli mamlakatlarda korporatsiyalarni boshqarish tarkibi korporativ

munosabatlarni tartibga soluvchi qonunchilik asoslari, mamlakatda yuzaga keladigan boshqaruv tarkibi kabi omillar bilan belgilanadi. Samarali korporativ boshqaruv huquq va manfaatlarini himoya qilish, adolatlilik, teng ta'minlash kabi darajalari bilan belgilanadi. Korporativ boshqaruv samaradorligi uning tamoyil va me'yorlari darajasi va manfaatdor tomonlar oldidagi korporativ ijtimoiy mas'uliyat bilan belgilanadi.

Korporativ boshqaruvning yuqori samaradorligi nafaqat korporativ munosabatlar ishtirokchilarining ko'nikmalari oshishiga, shu bilan birga kompaniyalarning kelajakdagi rivojlanish istiqbollari xam ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Kompaniya intilishi lozim bo'lgan asosiy ko'rsatkich korporativ boshqaruv samaradorligi hisoblanadi. Samarali korporativ boshqaruvning o'ziga xos jihatlari:

1. shaffoflik,
2. kompaniya faoliyat haqida moliyaviy va boshqa axborotlarning ochiqqligi;
3. menejment faoliyatida ichki nazorat jarayonlari;
4. aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish va ta'minlash;
5. direktorlarning kompaniya strategiyasini belgilash, biznes-rejalar tasdiqlash, boshqa asosiy qarorlar qabul qilish, menejerlar tayinlash, ularning faoliyatini nazorat qilishdir.

Hozirgi raqamli iqtisodiyot sharoitida samarali korporativ boshqaruvni ta'minlash uchun quyidagilarni:

- xalqaro tajribalar va bu tajribalar asosida korporativ boshqaruvning zamonaviy usullarini joriy etib, raqamli iqtisodiyot sharoitiga ko'ra ishlab chiqish va investitsiya, moliyaviy, mehnat resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish;

- aksiyadorlar, investorlar, aksiyadorlik jamiyati boshqaruv organlari va boshqaruv jarayonida rahbariyat va barcha hodimlar manfaatlar to'qnashuvi vujudga kelishi mumkin bo'lgan sohalarda faoliyat yuritish;

- aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun qulay sharoitlarni yaratish;

- aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruv tuzilmasini o'zgartirish, ya'ni eski bo'linmalar va lavozimlarni tugatib, zamonaviy xalqaro standartlarga javob beradigan va raqamli iqtisodiyot uchun yangi bosqichlarini joriy etish;

- sifatli ta'lim, malakali kadrlarni ko'paytirish xorijiy ta'lim muassasalari bilan hamkorlikda boshqaruv kadrlari va aksiyadorlik jamiyatlariga malakali menejerlarni jalb etish lozim.

Ushbu muammolarni hal qilishning asosiy usullari quyidagi chora tadbirlarni o'z ichiga oladi:

- korporativ qonunchilikni takomillashtirish, korporativ munosabatlarni barcha ishtirokchilari manfaatlarini ta'minlash;

- huquqlarini himoya qilish, aksiyadorlar, boshqaruvchilar, kreditorlar manfaatlari va korporativ boshqaruv tamoyillariga qat'iy rioya qilishi;

- aksiyadorlar bilan munosabatlari, aksiyadorlar manfaatlarini ifodalovchi organ sifatida - direktorlar kengashi uzoq muddatli rivojlanish strategiyasini belgilashi va nazorat qilishi;

- raqamli texnologiyalardan foydalanib kompaniya va unung faoliyati to'g'risidagi ma'lumotlari oshkor qilinishi, axborot shaffofligi, korporativ boshqaruv yangi standartlarini rivojlantirish;

-korporativ strategiyalarni belgilab, menejerlar faoliyatini nazorat qilishda, kompaniya faoliyatida samarali boshqaruvni tashkil etishda aksiyadorlik jamiyatlarida innovatsion faoliyatni tashkil etish.

Bozorlar mukammal bo'lmaganda va bozor intizomi zaif bo'lsa, korporativ boshqaruv muammosini hal qilishda davlat tomonidan tartibga solish muhim ahamiyatga ega bo'ladi. Hukumat me'yorlari investorlar uchun huquqiy himoyani ta'minlashi kerak, bu odatda korporativ va qimmatli qog'ozlar to'g'risidagi qonunlarga kiritilgan. Biroq, tegishli rag'batlantirish tuzilmalarini yaratish orqali agentlik muammosini yumshatish va huquqiy himoya qilish xarajatlarini kamaytirish mumkin bo'lgan boshqa mexanizmlar ham mavjud. Bularga mulkchilikning konsentratsiyasi, korporativ nazorat bozori va kreditorlar tomonidan intizom kiradi.

Korporativ mulk huquqi yo'qolganda aksiyadorlar monitoringining zaiflashishiga olib kelishi mumkin. Direktorlar kengashi tashkilotning umumiy strategiyasini ishlab chiqish va yuqori rahbariyat tomonidan ushbu strategik maqsadlarga erishish uchun qabul qilingan qarorlarni nazorat qilib, tashkilotning strategik yo'nalishiga mos keladigan ko'nikma va malakalarga ega bo'lgan shaxslar taqdim etilishi kerak. Bundan tashqari, kengash o'z direktorlarining mustaqilligi bo'yicha aniq ko'rsatmalarni ishlab chiqishi kerak. Yuqori boshqaruv biznes strategiyasini belgilash, kundalik qarorlarni nazorat qilish va bu qarorlar kengash tomonidan belgilangan uzoq muddatli maqsadlar va siyosatlarni qo'llab-quvvatlashini ta'minlash kerak.

Shuni aytish mumkinki, bugungi kunda korporativ boshqaruv barcha mamlakatlarda samarali o'zgarishlarga, bu esa birinchi navbatda korporativ qonunchilikka bog'liq. Korporativ qonunchilik yangi iqtisodiy jarayonlarga, yirik korporativ birlashish, shuningdek davlatlararo biznes jarayonlar miqyosida ham integratsiya va globalashuv jarayonlariga yordam beradi. Hozirgi paytda, mamlakatimizda kompleksli yondashuvga asoslangan va asosiy ustuvorliklarni belgilab beradigan korporativ qonunchilikni rivojlantirish konsepsiyasi ishlab chiqilgan bo'lib, unda yuridik shaxslarni qayta tashkil qilish masalasiga ham alohida e'tibor qaratilgan. Qayta tashkil qilish haqidagi qonunchilikni takomillashtirishda yuridik shaxslarni qayta tashkil qilish masalasiga umumiy qonun qabul qilish zarur. Yuridik shaxslarning tashkiliy-huquqiy shakllarini takomillashtirish korporativ qonunchilikning asosiy muammosi hisoblanadi. Korporativ boshqaruvning konsepsiyasiga asosan kompaniyalar farovonligi o'sishi bilan uning aksiyadorlarning farovonligi ham o'sadi.

Korporativ boshqaruvning rivojlanishi bilan bog'liq quyidagi zamonaviy tendensiyalariga nazorat qiluvchi aksiyadorlar va menejerlarning birlashuvi va tashqi aksiyadorlik moliyalashtirish ehtimolining pastligi samarali korporativ boshqaruvning yo'nalishi sifatida ko'rsatish mumkin.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, korporativ boshqaruv asosida faoliyat olib borayotgan korxonalarda innovatsion boshqaruv faoliyatni amalga oshirish uchun tizimlashtirilgan qonunchilik bazasini yaratish, innovatsion infratuzilmalarni joriy etish, kichik innovatsion boshqaruvdagi korxonalar, innovatsion klaster faoliyatini tartibga soluvchi me'yoriy huquqiy bazani takomillashtirish zarur. Direktorlar va ijrochi menejment oldida turgan muammolardan biri boshqaruv kengashida kompaniya

biznesi haqida ma'lumotga ega bo'lgan tashqi direktorlarni topishdir deb o'ylayman. Mustaqillik obyektivlik, tajriba, idrok va xarakter kuchi fazilatlarini aks ettiradi. Aksariyat biznes faoliyatining texnik murakkabligi va moliyaviy bozorlar va amaliyotlardagi o'zgarishlarning tez sur'atlarini inobatga olgan holda, direktorlarning ushbu bilim va mustaqillikka ega bo'lish zarurati juda muhimdir.

Samarali buxgalteriya tizimlari investorlarga korxonalar qiymatini aniqlash imkonini beradi. Bunda tizimlar xorijiy va mahalliy kapitalni jalb qilishga yordam beradi, shuning uchun butun dunyo bo'ylab buxgalteriya hisobi standartlarini takomillashtirish va uyg'unlashtirish lozim. Korporativ boshqaruv korxonalarining boshqaruv salohiyati oshishi va yangi ish o'rinlarini yaratish ko'p jihatdan samarali investitsion faoliyatga bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. N.T.O'rmonov, A.Ismailov, "Korporativ boshqaruv: prinsiplar, siyosat, amaliyot". O'quv qo'llanma IQTISODIYOT nashriyoti, 2019 yil
2. Marc Georgen. Corporate Governance: A Global Perspective, 1 st Edition 2018 yil
3. Xankeldieva G.SH., Korxonalar korporativ boshqaruv usullarini baxolash taxlil qilish "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali №5 2017 yil
4. Berle A.A., Means G.C. The Modern Corporation and Private Property. Clearing House, Chicago, IL 1992-pp
5. Corporate Governance. Book by Chris A, Mallin 2019.
6. SH.N.Zaynutdinov. Korporativ boshqaruv asoslari - T, Akademiya, 2006

LISTING KOMPANIYALARDA KORPORATIV BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Asqarov Davron

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi
rushanarashidovna@gmail.com*

Ilmiy rahbar: R.Mamarayimova

Annotatsiya

Korporativ boshqaruv zamonaviy biznes boshqaruvining muhim jihati bo'lib, aktsiyadorlar, investorlar va boshqa manfaatdor tomonlarning listing kompaniyalariga ishonchi va ishonchini saqlashda hal qiluvchi rol o'ynaydi. So'nggi yillarda listing kompaniyalarida korporativ boshqaruv mavzusiga, xususan, yaxshi boshqaruv amaliyotlarining muhimligini ta'kidlagan korporativ janjallar va muvaffaqiyatsizliklar nuqtai nazaridan ko'proq e'tibor qaratilmoqda.

Kalit so'zlar: korporativ boshqaruv, listing kompaniyalari, moliya bozorlari, rivojlanayotgan iqtisodiyotlar, direktorlar kengashi, moliyaviy infratuzilma, inson kapitalini rivojlantirish, firma hajmi, kapital tuzilishi, moliyaviy ko'rsatkichlar.

Samarali korporativ boshqaruv listing kompaniyalarining shaffof va axloqiy tarzda ishlashini ta'minlashga yordam beradi, shu bilan birga hisobdorlik va

mas'uliyatli qarorlar qabul qilishga yordam beradi. U kengash tarkibi, boshqaruvchi kompensatsiyalar, aktsiyadorlar huquqlari va ichki nazoratni o'z ichiga olgan bir qator amaliyot va tuzilmalarni o'z ichiga oladi.

Korporativ boshqaruv deganda kompaniyani boshqaradigan va boshqaradigan qoidalar, amaliyotlar va jarayonlar tizimi tushuniladi. Bu kompaniyaning ko'plab manfaatdor tomonlari, masalan, aktsiyadorlar, boshqaruv, mijozlar, etkazib beruvchilar, moliyachilar, hukumat va jamiyat manfaatlarini muvozanatlashni o'z ichiga oladi. Ro'yxatga olingan kompaniyalarda korporativ boshqaruv alohida ahamiyatga ega, chunki ular egalik qilish va faoliyat yuritishning ochiq xususiyatiga ko'ra ko'proq nazorat va qoidalarga bo'ysunadi.

Samarali korporativ boshqaruv kompaniyaning shaffof, axloqiy va mas'uliyatli tarzda ishlashini va uning rahbariyatining o'z harakatlari uchun javobgarligini ta'minlashga yordam beradi. Bu manfaatdor tomonlar bilan ishonchni mustahkamlashga yordam beradi va moliyaviy ko'rsatkichlarning yaxshilanishiga, kapitalga kirishning yaxshilanishiga va huquqiy va obro'ga zarar yetkazish xavfini kamaytirishga olib kelishi mumkin.

Listinglangan kompaniyalarda korporativ boshqaruvning asosiy tarkibiy qismlariga boshqaruv kengashi nazorati, boshqaruvning hisobdorligi, aktsiyadorlarning ishtiroki, risklarni boshqarish, shaffoflik va oshkoralik va axloqiy xulq-atvor kiradi. Direktorlar kengashi boshqaruvni nazorat qilish va yo'l-yo'riq ko'rsatish, kompaniyaning aktsiyadorlar va manfaatdor tomonlar manfaatlarini ko'zlab ishlashini ta'minlash uchun javobgardir. Rahbariyat kompaniyaning strategiyasini amalga oshirish, uning faoliyatini boshqarish va maqsadlariga erishish uchun javobgardir.

Ro'yxatga olingan kompaniyalarda aktsiyadorlarning ishtiroki muhim ahamiyatga ega, chunki aktsiyadorlar kompaniyaning faoliyati va muvaffaqiyatidan manfaatdor. Aktsiyadorlar bilan samarali muloqot va hamkorlik kompaniyaning strategiyalari va qarorlari uchun ishonch va qo'llab-quvvatlashni mustahkamlashga yordam beradi.

Risklarni boshqarish korporativ boshqaruvning muhim jihati hisoblanadi, chunki u kompaniya faoliyatiga yoki moliyaviy ko'rsatkichlariga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan xavflarni aniqlash, baholash va kamaytirishga yordam beradi. Shaffoflik va oshkoralik ham korporativ boshqaruvning muhim tarkibiy qismlari hisoblanadi, chunki ular manfaatdor tomonlar bilan ishonchni mustahkamlashga yordam beradi va ularga asoslangan qarorlar qabul qilish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni taqdim etadi.

Axloqiy xulq-atvor korporativ boshqaruvning muhim tarkibiy qismidir, chunki u kompaniyaning ijtimoiy mas'uliyatli va barqaror ishlashini ta'minlaydi. Bu qonunlar va qoidalarga, shuningdek, halollik, halollik va inson huquqlarini hurmat qilish kabi axloqiy me'yorlar va tamoyillarga rioya qilishni o'z ichiga oladi.

Umuman olganda, listing kompaniyalarida korporativ boshqaruv kompaniya faoliyatiga, shuningdek, manfaatdor tomonlarga va kengroq iqtisodiyotga jiddiy ta'sir ko'rsatadigan muhim mavzudir.

Umuman olganda, listing kompaniyalarida korporativ boshqaruvni o'rganish zamonaviy iqtisodiyotda korxonalar qanday boshqarilishini va boshqarilishini

tushunish, shuningdek, ilg'or tajribalar va takomillashtirish yo'nalishlarini aniqlash uchun zarurdir. Yaxshi boshqaruvni rag'batlantirish orqali biz listing kompaniyalari barcha manfaatdor tomonlar uchun foydali va barqaror iqtisodiy o'sishga hissa qo'shadigan tarzda ishlashini ta'minlashga yordam bera olamiz.

Korporativ boshqaruv har qanday listing kompaniyasining muhim jihati hisoblanadi. U kompaniyani boshqaradigan va boshqaradigan qoidalar, tizimlar va jarayonlar doirasini o'z ichiga oladi. Samarali korporativ boshqaruv amaliyoti kompaniyaga o'z maqsadlariga erishish, aksiyadorlar qiymatini oshirish va obro'sini oshirishga yordam beradi.

Biroq, korporativ boshqaruv muvaffaqiyatsizlikka uchraganda, bu kompaniya va uning manfaatdor tomonlari uchun og'ir oqibatlarga olib kelishi mumkin. Korporativ boshqaruvning yomonligi moliyaviy yo'qotishlarga, huquqiy oqibatlarga, obro'ga putur etkazishga va hatto bankrotlikka olib kelishi mumkin. Shu sababli, listing kompaniyalarida korporativ boshqaruvni doimiy ravishda tekshirish va takomillashtirish zarur.

Bundan tashqari, so'nggi yillarda ro'yxatga olingan kompaniyalarda korporativ boshqaruv mavzusiga korporativ huquqbuzarliklar va janjallarning shov-shuvli holatlari tufayli ko'proq e'tibor qaratilmoqda. Bunday e'tibor natijasida korporativ boshqaruv amaliyotini takomillashtirishga qaratilgan yangi me'yoriy hujjatlar va standartlar joriy etildi.

Umuman olganda, listing kompaniyalarida korporativ boshqaruv murakkab va ko'p qirrali mavzu bo'lib, kompaniya va uning manfaatdor tomonlarining uzoq muddatli muvaffaqiyati va barqarorligini ta'minlash uchun doimiy e'tibor va takomillashtirishni talab qiladi.

Xulosa qilib aytganda, korporativ boshqaruv listing kompaniyalarining muhim jihati hisoblanadi, chunki bu ularning faoliyatida shaffoflik, hisobdorlik va samaradorlikni oshirishga yordam beradi. Samarali korporativ boshqaruv amaliyoti investorlarning ishonchini oshirishga, moliyaviy ko'rsatkichlarni yaxshilashga va xavflarni kamaytirishga olib kelishi mumkin. Biroq, yomon korporativ boshqaruv amaliyoti investorlar o'rtasida ishonch yo'qligi, raqobatbardoshlikning pasayishi va moliyaviy yo'qotishlar kabi turli xil salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Shu sababli, kompaniyalar obro'sini, samaradorligini va uzoq muddatli barqarorligini oshirish uchun yaxshi korporativ boshqaruv amaliyotlariga ustuvor ahamiyat berishlari muhimdir.

Ushbu tadqiqot natijalariga ko'ra, listing kompaniyalariga korporativ boshqaruv bo'yicha ilg'or tajribalarni qo'llash tavsiya etiladi. Bunga kengash nazoratini kuchaytirish, oshkoralik va oshkoralikni oshirish, risklarni boshqarish amaliyotini takomillashtirish, kompaniya va uning manfaatdor tomonlari manfaatlari o'rtasidagi muvofiqlikni ta'minlash orqali erishish mumkin. Bundan tashqari, kompaniyalar axloqiy xulq-atvor va javobgarlikni targ'ib qilish uchun xulq-atvor va axloq kodeksini yaratishi kerak. Bundan tashqari, tartibga soluvchi organlar kuchliroq me'yoriy-huquqiy bazani joriy etishi va kompaniyalarni axloqsiz amaliyotlar bilan shug'ullanishiga yo'l qo'ymaslik uchun rioya qilmaslik uchun qattiqroq jazo choralarini qo'llashi taklif etiladi.

Bundan tashqari, kelgusida olib boriladigan tadqiqotlarda korporativ boshqaruvning turli mamlakatlar va sohalardagi listing kompaniyalarining moliyaviy ko'rsatkichlari va barqarorligiga ta'sirini o'rganishga e'tibor qaratish tavsiya etiladi. Bundan tashqari, keyingi tadqiqotlar yaxshi korporativ boshqaruv amaliyotlarini targ'ib qilishda korporativ boshqaruv kodeksi va qoidalarining samaradorligini va ularning listing kompaniyalari xatti-harakatlariga ta'sirini o'rganishi kerak. Va nihoyat, ro'yxatga olingan kompaniyalarda iqlim o'zgarishi, ijtimoiy mas'uliyat va axloqiy dilemmalar kabi paydo bo'ladigan muammolarni hal qilishda korporativ boshqaruvning rolini o'rganish uchun tadqiqotlar o'tkazilishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Cadbury, A. (1992). Korporativ boshqaruvning moliyaviy jihatlari qo'mitasining hisoboti. Gee Publishing Ltd.
2. OECD. (2004). Korporativ boshqaruv tamoyillari. OECD nashriyoti.
3. Becht, M., Bolton, P. va Roell, A. (2002). Korporativ boshqaruv va nazorat. Moliya iqtisodiyoti bo'yicha qo'llanma, 1, 1-109.
4. Shleifer, A. va Vishny, R. W. (1997). Korporativ boshqaruv bo'yicha so'rov. Moliya jurnali, 52(2), 737-783.
5. Yermak, D. (2006). Kichik direktorlar kengashiga ega kompaniyalarning yuqori bozor bahosi. Journal of Financial Economics, 80(1), 185-211.
6. Fama, E. F. va Jensen, M. C. (1983). Mulkchilik va nazoratni ajratish. Huquq va iqtisodiyot jurnali, 26(2), 301-325.

MAMLAKATIMIZDA KICHIK VA OILAVIY KORXONALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA KORPORATIV BOSHQARUV AMALIYOTINI JORIY QILISH

Karimova Sumaya Abdurasul qizi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Ilmiy rahbar: Kenjayeva U.F.

E-mail: umriyakenjayeva91@gmail.com

Annotatsiya

Tezisdan O'zbekiston sharoitida kichik va oilaviy korxonalar faoliyatini rivojlantirishda korporativ boshqaruv tizimini qay darajada qo'llash mumkinligi va natijada kompaniyalarda qanchalik raqobatbardoshlikning oshishi hamda boshqaruvni joriy etishdagi muhim jihatlarni ko'rib chiqamiz.

Kalit so'zlar: Kichik va oilaviy korxonalar, korporativ boshqaruv, zamonaviy korporativ boshqaruv tizimi.

Rivojlangan mamlakatlar milliy iqtisodiyotining asosiy tarkibiy qismini kichik, o'rta va oilaviy korxonalar tashkil etadi. Albatta, o'z navbatida yirik korxonalar mamlakatning ilmiy-texnikaviy va ishlab chiqarish salohiyatini, tadbirkorlik hayotining eng keng tarqalgan shakllarini belgilaydi. Ular ijtimoiy va iqtisodiy element sifatida mamlakatning barqaror rivojlanishini ta'minlaydi. O'sish dinamikasi,

moslashuvchanlik, innovatsion faollik, yangi ishlab chiqarishlarni tezda yaratish va yangi ish o'rinlarini yaratish qobiliyati kichik va oilaviy korxonalar sektori o'rtasidagi asosiy farqdir. Har qanday davlat iqtisodiyotining asosi kichik va o'rta biznesni rivojlantirishdir. Mamlakatda tadbirkorlik rivojlanmagan ekan, davlatdagi makroiqtisodiy vaziyatning barqarorligi haqida gapirib bo'lmaydi. O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng darhol kichik va oilaviy biznesni rivojlantirishni iqtisodiyotning muhim yo'nalishi sifatida belgiladi. Kichik va oilaviy korxonalar biznesini har tomonlama qo'llab-quvvatlash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi bo'ldi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlardan ko'zlanayotgan asosiy maqsad mulkiy xilma-xillik asosida iqtisodiy faoliyatni yanada jadallashtirish, mulklarni davlat tasarrufidan chiqarib, nodavlat sektorga o'tkazish va shu orqali turli o'z-o'zini boshqaruvchi xususiy iqtisodiy xo'jalik birliklarini vujudga keltirish ekanligi bugungi kunda hech kimga sir emas. Davlatimiz rahbari Shavkat Miromonovich Mirziyoyev 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoning 3-bandida iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlarini belgilab, "Iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag'batlantirishga qaratilgan institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish"[1] lozimligini ta'kidladilar. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan bunday iqtisodiy islohotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan davlat tasarrufidan chiqarilgan mulklarni samarali tarzda qayta harakatga keltirish, qo'shma korxonalar tuzish, korxonalarni aksiyadorlik jamiyatlariga aylantirish, ayniqsa, kichik hamda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga bog'liqdir. Shu asosda davlat tasarrufidagi aksariyat korxonalar va tashkilotlarni aksionerlik jamiyatlariga aylantirish orqali iqtisodiyotning korporativ boshqariluvchi bo'g'inlarini tashkil etishga alohida ahamiyat qaratilmoqda.

Bugungi kunda, korporativ boshqaruv - mulkchilikning hissadorlik shaklining zamonaviy ko'rinishlaridan biri hisoblanadi. Unda bir necha mulkdorlar manfaatlari birlashadi, yagona maqsad doirasida investorlar kapitallari birlashtiriladi. Mamlakat iqtisodiy - huquqiy tizimida mohiyatiga ko'ra kichikroq shartliliklar bilan, aynan aksiyadorlik jamiyatlari jahon xo'jalik va huquqiy amaliyotida umum qabul qilingan korporatsiya tushunchasi bilan tenglashtiriladi.

Korporativ boshqaruvda aynan korporatsiyalar faoliyatini rivojlanish darajasi biznesni iqtisodiy o'sishini, unumdorligini, shug'ullanishlilikini va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Bugungi kunda jahonda korporativ boshqaruv amaliyotida yetuk va zamonaviy tajriba va shakllangan malakalarni o'rganish dolzarb masalalardan hisoblanadi. Jahon amaliyotida korporativ boshqaruvning turli xil modellari mavjud. Har bir davlat o'ziga xos xususiyatlardan kelib chiqib, korporativ boshqaruv modelini shakllantiradi. Jahondagi barcha korporativ boshqaruv modellari uch xil modelga asoslanadi. "Korporativ boshqaruv shunday tushunchaki, o'zida menejerlar, direktorlar kengashi, aksiyadorlar va kompaniyani boshqarish bo'yicha manfaatdor bo'lgan shaxslar o'rtasidagi o'zaro munosabatlari tizimini ifoda etadi. Bunday tizim nafaqat

ta'sislar daromadlariga, balki kompaniyaning kelgusi investitsiyalariga ham ta'sir ko'rsatadi"[2].

Korporativ boshqaruv bo'yicha tadqiqotlar olib borgan iqtisodchi olim A.Berlining tadqiqotlarida "korporatsiyalarni boshqarishda strategiyani tanlash va korxonalar menejmentini rivojlantirish, investitsion faoliyatni boshqarish masalalari"[3] tadqiq etilgan.

Korporativ boshqaruv kodeksining muallifi Ser Edrian Kadberi (1992) "Korporativ boshqaruv– bu kompaniya faoliyatini boshqarish va nazorat qilishni amalga oshirishni ta'minlovchi tizimidir"[3] deb ta'kidlagan.

Korporativ boshqaruvni isloh qilish orqali to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun qulay muhit yaratish, kompaniya samaradorligini oshirish, aksiyadorlik jamiyatlarida ta'minlovchi muassasalar faoliyatining ochiqligi va shaffofligini oshirish, ularning salohiyatli investorlarga, jumladan, chet ellik hamkorlarga jozibadorligini ko'rsatib berish, korporativ boshqaruvning zamonaviy uslublarni joriy etish, korporativ boshqaruv, strategik boshqarishda aksiyadorlarning rolini mustahkamlash, kompaniyalar iqtisodiyotining barqaror o'sishini ta'minlashga xizmat qiladi.

Bugungi kunda mustaqil Markaziy Osiyo davlatlaridan biri bo'lgan O'zbekistonda zamonaviy korporativ boshqaruv tizimini isloh qilish va takomillashtirishga rahbarlik qildi va islohotlar dasturini amalga oshirish natijasida mamlakat korporativ boshqaruv tizimiga sezilarli o'zgarishlar kiritildi. Shunga qaramay, korporativ boshqaruv sohasida global tamoyillarga muvofiq qator o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Ta'kidlash lozimki, O'zbekistonda korporativ boshqaruv islohotlari jadal sur'atlar bilan amalga oshirilayotgan bo'lsa ham, korporativ boshqaruv tizimida bir qator hal etilmagan muammolar yuzaga keldi. Eng asosiy muammo - aksiyadorlik jamiyatlarining aksariyat qismi davlat ulushiga to'g'ri kelib, davlat asosiy aksiyador bo'lib hisoblanadi. Mavjud korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish orqali mahalliy biznes tuzilmalari o'z aksiyalari narxiga qo'shimcha mukofot puli olishni kutishlari mumkin.

"Zamonaviy korporativ boshqaruvni ixtiyoriylik tamoyiliga qat'iy tayanishga nisbatan turli xil fikrlar mavjud. Ammo ko'pchilik ekspertlar, ilg'or korporativ boshqaruv tamoyillari davlat boshqaruv organlari, investorlar tashkilotlari, moliyaviy vositachilar va uyushmalarning sa'y-harakatlarini birlashtirish asosida joriy etilishi kerak, deb hisoblaydilar. Rivojlanayotgan 27 ta davlatlarda korporativ boshqaruv tizimining IHTT tamoyillariga mosligi darajasiga berilgan bahoga ko'ra, O'zbekistonda korporativ boshqaruv tizimi o'rtacha talablarga javob beradi"[4].

"Oilaviy tadbirkorlik oila a'zolari tomonidan tavakkal qilib va o'z mulkiy javobgarligi ostida daromad (foyda) olish maqsadida amalga oshiriladigan tashabbuskorlik faoliyatidir"[5].

Statistika qo'mitasining ma'lumotlariga asosan 2023-yilning 1-may holatiga ko'ra Respublikamizda faoliyat yuritayotgan oilaviy korxonalar jami 47 813 ta ni tashkil etadi.

1-jadval

"Hududlar kesimida faoliyat yuritayotgan oilaviy korxonalar soni"[6]

№ Hududlar OK soni

1	Samarqand viloyati	8 477
2	Farg‘ona viloyati	5 261
3	Xorazm viloyati	4 878
4	Qashqadaryo viloyati	4 642
5	Surxondaryo viloyati	4 302
6	Toshkent viloyati	3 990
7	Navoiy viloyati	3 690
8	Qoraqalpog‘iston Respublikasi	1 996
9	Jizzax viloyati	1 734
10	Andijon viloyati	1 645
11	Namangan viloyati	1 082
12	Sirdaryo viloyati	246

Xususiy yoki oilaviy nazorat ostida bo‘lgan korxonalarni o‘rganish har doim ham oson emas. Ko‘pgina hollarda, ular moliyaviy hisobot talablariga bo‘ysunmaydi va moliyaviy natijalar to‘g‘risida kam ma‘lumot jamoatchilikka yetkaziladi.

Kichik va oilaviy korxonalarda korporativ boshqaruvni yanada rivojlantirib, quyidagi ijobiy natijalarga erishish mumkin:

- korxonaning investitsiya jozibadorligini oshirish;
- faoliyat samaradorligini oshirish;
- bank kreditlarini olish xarajatlarini kamaytirish;
- korxonaning bozor qiymatini oshirish;
- kapital bozorlariga kirishni osonlashtirish;
- kompaniyaning obro'sini yaxshilash.

Bundan tashqari, kichik va oilaviy korxonalarda korporativ boshqaruvning asosiy tamoyillarini joriy etish va faol ravishda qo‘llash bevosita iqtisodiy samara berishi mumkin.

Mamlakatimiz iqtisodiyotida kichik va o‘rta biznes korxonalarining rivojlanishi va raqobatbardoshligini oshirishda korporativ boshqaruv elementlarini joriy qilish, nafaqat korxonalarining moliyaviy barqarorligini oshirishda ko‘makchi bo‘ladi balki, mamlakatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlanishida ham zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 07 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” <https://lex.uz/docs/-3107036>

[2] Urinov B.N., Kenjaeva U.F. KORPORATIV BOSHQARUVNING ILG‘OR AMALIYOTI VA MODELLARI // “Iqtisodiyot va ta‘lim” ilmiy jurnal. № 3/2022.

[3] Adrian Cadbury., Korporativ boshqaruv kodeksi 1992 yil

[4] G20/OECD Principles of Corporate Governance <https://www.oecd.org/daf/ca/Corporate-Governance-Principles-ENG.pdf>

[5] “Oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 2012 yil 26-apreldagi O‘RQ-327-son . Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi <https://lex.uz/docs/-2004956?ONDATE=01.01.2017%2010>

[6] Davlar statistika qo‘mitasi ma‘lumotlariga asosan mualliflar tomonidan tuzildi <https://stat.uz/uz/>

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATLARDA KORPORATIV BOSHQARUV

Jumayeva Go'zal

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti
guzaljumayeva19@gmail.com*

Annotatsiya

Ushbu tesizda mas'uliyati cheklangan jamiyatlarni tashkil etish, korporativ boshqaruvni joriy etish va rivojlantirishda xorij tajribasi va milliy yondashuvlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: Masuliyati cheklangan jamiyat, korporativ boshqaruv, amerika modeli, nemis modeli, o'zbek modeli

Korporatsiyalar singari, mas'uliyati cheklangan jamiyatlar (MChJ) ham tashkiliy tuzilmadir. Korporatsiyadan farqli o'laroq, MChJ uni boshqarish va faoliyat yuritish bo'yicha katta moslashuvchanlikka ega. Ya'ni, agar siz kapitalni jalb qilmoqchi bo'lsangiz, bir nechta tavsiya etilgan ko'rsatmalarga amal qilish oqilona bo'ladi.

MChJning boshqaruv hujjati operatsion shartnoma deb ataladi. Ko'pgina shtatlar MChJdan operatsion shartnomaga ega bo'lishini talab qiladi va har qanday holatda, MChJning ikki yoki undan ortiq a'zosi bo'lsa, operatsion shartnoma juda tavsiya etiladi. Bu egalari o'rtasidagi tushunmovchiliklarni bartaraf etishi mumkin.

Operatsion shartnomasi MChJ a'zolari o'rtasida shaxsiy hujjatdir. U davlatga topshirilmagan. MChJning har bir a'zosi operatsion shartnomani imzolashi kerak, chunki u mohiyatan a'zolar o'rtasidagi shartnomani ifodalaydi.

MChJda qarorlar a'zolar, bir yoki bir nechta menejerlar yoki boshqaruv kengashi tomonidan qabul qilinishi mumkin, ular korporatsiya direktorlar kengashi kabi ishlaydi. Agar MChJ a'zolari tomonidan boshqarilsa, ular odatda ovoz berishadi

Har bir a'zoning kompaniyadagi foiz ulushiga ko'ra. Yig'ilishlar muntazam ravishda o'tkaziladi va qaror qabul qilish jarayonida hamma ishtirok etadi. Bir nuqtada, bu tizim noqulay bo'lishi mumkin, ayniqsa a'zolar ko'p bo'lsa.

Agar qarorlar menejer yoki boshqaruv kengashiga topshirilsa, MChJ a'zolari odatda qaror qabul qilishning barcha jarayonlarida qatnashmaydi. Menejerlar kompaniyani boshqaradi va a'zolar ko'proq passiv rol o'ynaydi. Ushbu tizim odatda a'zolar investor bo'lgan va kompaniya faoliyatida faol rol o'ynashni istamaganda qo'llaniladi.

MChJda korporatsiya kabi ofitserlar bo'lishi mumkin. Agar zobitlar bo'lsa, ular odatda menejerlar tomonidan tayinlanadi yoki operatsion shartnomada belgilanadi va ular kompaniyaning kundalik faoliyati uchun javobgar bo'ladi. Keyin menejerlar korporatsiya direktorlar kengashiga o'xshab, zobitlarning faoliyatini nazorat qiluvchi va a'zolar oldida javob beradigan rol o'ynaydi.

Turli mamlakatlardagi mas'uliyati cheklangan jamiyatning (MChJ) boshqaruv organlari o'ziga xos xususiyatlarga ega. Quyida xorijiy modellar va MChJning o'zbek modelining xususiyatlari keltirilgan.

1. Amerika modeli

Amerika korporatsiyasida aksiyadorlarning umumiy yig'ilishi Germaniya aksiyadorlari yig'ilishiga qaraganda ancha kam vakolatlarga ega. Umumiy huquq tizimi mamlakatlari boshqaruv va nazorat funksiyalarining birlashishi bilan tavsiflanganligi sababli, direktorlar kengashi korporatsiya faoliyati uchun to'liq javobgar bo'ladi va korporatsiyani boshqaradi ("kuzatuv kengashi" atamasi Rossiya va O'zbekiston qonunchiligida mavjud). Direktorlar kengashi korporatsiyaning kollegial ijro etuvchi organi bo'lib, unga boshqa ijro etuvchi organ bo'ysunadi. Va bu organlarning tepasida aksiyadorlarning umumiy yig'ilishi joylashgan. Amerika modeli aslida ikki bosqichli. Hozirgi vaqtda direktorlar kengashi kuchli organ hisoblanadi.

2. Nemis modeli

Boshqarish tizimining nemis modeli uch bo'g'inli hisoblanadi. Aksiyadorlar yig'ilishi va ijroiya organi o'rtasida boshqaruv kengashi (ijroiya organi)ga nisbatan nazorat funksiyasiga ega bo'lgan kuzatuv kengashi mavjud. Bu Romano-Germaniya huquqiy oilasi mamlakatlari aksiyadorlik qonunlarida boshqaruv va nazorat institutlarining ajratilishi bilan bog'liq. Nemis modeli zaif boshqaruv kengashiga ega.

3. Rossiya modeli

Rossiya modeli to'rt yoki uch bosqichli bo'lib, u umumiy yig'ilish, ixtiyoriy kuzatuv kengashi, kollegial boshqaruv kengashi va yagona ijro etuvchi organni o'z ichiga oladi. Kuzatuv kengashining joriy etilishi bilan boshqaruv kengashi va yagona ijroiya organi ustidan nazorat kuchaytirilmoqda. Bu ishtirokchilarga ko'proq moslashuvchanlik berish uchun amalga oshiriladi.

4. O'zbek modeli

MChJdagi boshqaruv organlarining o'zbek modeli ikki darajali yoki uch darajali bo'lishi mumkin.

Ikki darajali boshqaruv organlari:

(1) oliy organ - aksiyadorlar darajasi (bir nechta aksiyadorlar yoki yagona ta'sischining yig'ilishi); va

(2) ijro etuvchi (individual yoki jamoaviy);
yoki

Uch darajali boshqaruv organlari:

(1) oliy organ - aksiyadorlar darajasi (yig'ilish yoki yagona ta'sischi);

(2) vositachi organ - kuzatuv kengashi (ixtiyoriy); va

(3) ijro etuvchi (individual yoki jamoaviy);

4.1. Ijro etuvchi organ

Ijroiya organi - bu bosh direktorning funksiyalarini bajaradigan organ - kompaniyaning kundalik boshqaruv operatsiyalarini amalga oshiradigan haqiqiy boshqaruv organi. Ushbu organ majburiydir. Bu individual yoki jamoaviy bo'lishi mumkin.

4.1.1. Yakka tartibdagi ijro etuvchi organ

Ijroiya organi individual bo'lsa, u barcha ijro funksiyalarini bajaradigan yagona direktor hisoblanadi va boshqa hech qanday organ kundalik ijro etuvchi boshqaruvni amalga oshirmaydi. Ushbu tizim yagona direktor yoki boshqaruvchidan yuqori organ sifatida alohida nazorat organi bo'lishi mumkinligini istisno qilmaydi. Keyin direktor nazorat organiga bo'ysunadi.

Garchi ta'sis hujjatlarida kollegial ijroiya organi a'zolari o'rtasida vakolatlar taqsimlanganligi va hatto kollegial ijroiya organi a'zolaridan birining mustaqil faoliyat yuritishiga imkon beradigan alohida vakolatlariga ega bo'lgan bosh direktor etib tayinlanishi kamdan-kam uchraydi. Biroq, ikkinchisi to'g'ri bo'lmaydi, chunki kollegial ijroiya organi kollektiv qarorlar qabul qilishni nazarda tutadi. Kollektiv ijroiya organining a'zolaridan biri, hammasi yoki bir nechtasi kompaniya nomidan ish yuritish va uchinchi shaxslar oldida vakillik qilish huquqiga ega bo'lib, jamiyatni imzolagan shaxsning vakolatiga ega, shu jumladan bank operatsiyalarida. Ijroiya organi funktsiyalarini yakka tartibda yoki birgalikda bajaruvchi jismoniy shaxs Jamiyat xodimi bo'lishi kerak. Agar ular xorijda rezident bo'lsalar, ishlash uchun ruxsatnoma olishlari va kamida vaqti-vaqti bilan O'zbekistonda bo'lib, kundalik mehnat vazifalarini bajarishlari nazarda tutilgan.

4.1.2. Kollektiv ijroiya organi

Agar kompaniyaning ijro etuvchi organi kollegial organ bo'lsa, uni "boshqaruv", "direktorlik" yoki "direktorlar kengashi" yoki boshqa tarzda atash mumkin. Ijroiya organi kollegial bo'lsa, u barcha qarorlarni ovoz berish yo'li bilan qabul qiladi. Garchi ta'sis hujjatlarida kollegial ijroiya organi a'zolari o'rtasida vakolatlar taqsimlanganligi va hatto kollegial ijroiya organi a'zolaridan birining mustaqil faoliyat yuritishiga imkon beradigan alohida vakolatlariga ega bo'lgan bosh direktor etib tayinlanishi kamdan-kam uchraydi. Biroq, ikkinchisi to'g'ri bo'lmaydi, chunki kollegial ijroiya organi kollektiv qarorlar qabul qilishni nazarda tutadi. Kollektiv ijroiya organining a'zolaridan biri, hammasi yoki bir nechtasi kompaniya nomidan ish yuritish va uchinchi shaxslar oldida vakillik qilish huquqiga ega bo'lib, jamiyatni imzolagan shaxsning vakolatiga ega, shu jumladan bank operatsiyalarida. Ijroiya organi funktsiyalarini yakka tartibda yoki birgalikda bajaruvchi jismoniy shaxs Jamiyat xodimi bo'lishi kerak. Agar ular xorijda rezident bo'lsalar, ishlash uchun ruxsatnoma olishlari va hech bo'lmaganda vaqti-vaqti bilan kundalik mehnat vazifalarini bajarish uchun O'zbekistonda bo'lishlari nazarda tutilgan.

4.1.3. Ijrochi direktorning majburiyatlari (vakolatlari).

Ijrochi direktor quyidagi majburiyatlarga ega:

- jamiyat nomidan ishonchnomasiz ish olib boradi, shu jumladan uning manfaatlarini ifodalaydi va bitimlar tuzadi (shartnomalarni imzolaydi);
- jamiyat nomidan vakillik qilish uchun ishonchnomalar beradi;
- korxonada xodimlari bilan mehnat shartnomalarini tuzadi va bekor qiladi, ularga nisbatan rag'batlantirish choralarini qo'llaydi va ularga nisbatan intizomiy jazo choralarini qo'llaydi;

O'zbekiston qonunchiligi va jamiyat ustavida jamiyat ishtirokchilari umumiy yig'ilishi va jamiyat kuzatuv kengashining vakolatiga kiritilmagan boshqa vakolatlarni amalga oshiradi.

4.2. Nazorat organi

Nazorat organi vositachi organ bo'lib, u kundalik operatsiyalarni va kompaniyaning ijro etuvchi boshqaruvini amalga oshirmaydi, lekin muayyan dasturlarni, siyosatlarni, bitimlar toifalarini (hajmi yoki yo'nalishi bo'yicha) aniqlash kabi yuqori darajadagi ma'lum boshqaruv funktsiyalarini bajaradi, ijro etuvchi organni, ichki boshqaruvni tayinlaydi. auditorlik organi, ma'qullashlar, ruxsatlar beradi va

hokazo. Bunday funktsiyalarning barchasi aksiyadorlar umumiy yig'ilishining vakolatlariga yaqinroqdir. Aslida, kuzatuv kengashi aksiyadorlarning umumiy yig'ilishi tomonidan berilgan vakolatlar doirasida ishlaydi. Nazorat organining a'zolari Jamiyat xodimlari emas, lekin ko'rsatgan xizmatlari uchun haq olishlari mumkin. Nazorat organining a'zolari hech qachon ijroiya organining vakolatlariga ega emaslar va kompaniyani uchinchi shaxslar oldida vakillik qilmaydilar va Kompaniyani imzolagan shaxsning vakolatiga ega emaslar, shu jumladan bank operatsiyalarida. Agar kuzatuv kengashi a'zolari chet el fuqarolari bo'lsa, ularda ishlash uchun ruxsatnoma bo'lishi shart emas.

4.2.1. Kuzatuv kengashining tuzilishi va vakolatlari

Kuzatuv kengashi kompaniyaning kollegial boshqaruv organi hisoblanadi. Barcha qarorlar ovoz berish orqali qabul qilinadi. Tashkilot ustavida kuzatuv kengashini tuzish va uning vakolatlari belgilab qo'yiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, kuzatuv kengashi yagona Ijroiya organi (direktor) huquqlariga ega emas. Xususan, kuzatuv kengashi quyidagi huquqlarga ega emas:

- Jamiyat nomidan ishonchnomasiz ish yuritish, shu jumladan uning manfaatlarini ifodalash va bitimlar tuzish (shartnomalarni imzolash);
- Jamiyat nomidan vakillik qilish uchun ishonchnoma berish;
- Korxonaga xodimlari bilan mehnat shartnomalarini tuzish va bekor qilish, ularga nisbatan rag'batlantirish va intizomiy jazo choralarini qo'llash;
- Qonunda va jamiyat ustavida jamiyat ishtirokchilari umumiy yig'ilishining vakolatiga kiritilmagan boshqa vakolatlarni amalga oshirish.

Bundan tashqari, jamiyatning yagona ijro etuvchi organi (direktori) va kollegial ijroiya organining a'zolari, uning sho'ba va qaramog'idagi xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning boshqaruv organlari, jamiyat tomonidan tashkil etilgan unitar korxonaga rahbari, shuningdek, mehnat shartnomasi bo'yicha ishlayotgan shaxslar. bir xil sho'ba, qaram xo'jalik yurituvchi sub'ektlar va unitar korxonaga jamiyat kuzatuv kengashining a'zosi bo'lishi mumkin emas.

4.2.2. Kuzatuv kengashi a'zosining majburiyatlari

Kuzatuv kengashi a'zosining mas'uliyati O'zbekiston qonunchiligiga muvofiq jamiyat ustavi bilan belgilanadi. Jamiyat ustavida jamiyat kuzatuv kengashi a'zosining majburiyatlariga quyidagilar kiradi:

- jamiyatlarning ijroiya organlarini shakllantirish va ularning vakolatlarini muddatidan oldin tugatish;
- ichki audit xizmatini tashkil etish va uning xodimlarini tayinlash;
- belgilangan hollarda yirik bitimlar tuzish, aksiyadorlarning umumiy yig'ilishini tayyorlash, chaqirish va o'tkazish bilan bog'liq masalalar bo'yicha qarorlar qabul qilish; va
- O'zbekiston qonunchiligida nazarda tutilgan boshqa masalalarni hal etish.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] O'rmonov N.T., Ismailov A.R. "Korporativ boshqaruv: prinsiplar, siyosat va amaliyot". – T.: Iqtisodiyot, 2019 y. – 254

[2] Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 151.

[3] З.А. Ашуров, Ф.А. Жалилов, Б.Н. Уринов “Замонавий корпоратив бошқарув (хорижий тажриба)”. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 195

[4] Bob Tricker. The Evolution of Corporate governance. – UK.: Cambridge university press, 2020. – P. 70.

[5] <https://msd.com.ua/financing-your-small-business/corporate-governance-for-limited-liability-companies/>

[6] <https://www.mycorporation.com/learningcenter/corporation-vs-llc-governance.jsp>

[7] <https://azizovpartners.uz/en/memos/llc-management-organs-in-uzbekistan/>

MILLIY KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH

Zoxidov Muhammadsulton Shavkatbek o'g'li
Andijon davlat universiteti talabasi
muhammadsulton.zahidov@mail.ru

Annotatsiya

O‘zbekistonda korporativ boshqaruv tizimini yuqori darajada tatbiq etish va rivojlangan davlatlarning tajribalaridan milliy korporativ boshqaruv tizimimizni modernizatsiyalash, iqtisodiyotni diversifikatsiyalash sharoitida korporativ boshqaruvni rivojlantirish chora tadbirlarini ishlab chiqish.

Kalit so‘zlar: Korporativ boshqaruv, Korporativ boshqaruv prinsiplari, dividendlar, bazaviy modellar

Ayni paytda jahonda korporativ boshqaruv sohasi jadallik bilan rivojlanib bormoqda. Davlatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlardan ko‘zlangan asosiy maqsad mulkchilikning xilma-xillik asosida iqtisodiy faoliyatini yanada jadallashtirish, mulklarni davlat tasarrufidan chiqarib, xususiy sektorga o‘tkazish va bu orqali turli xususiy iqtisodiy xo‘jaliklarni vujudga keltirish hech kimga sir emas. Davlatimizda amalga oshirilayotgan bunday iqtisodiy-ijtimoiy islohotlarning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan davlat tasarrufidan chiqarilgan mulklarning samarali shaklda qayta rivojlantirish va harakatga keltirish, chet el sherikchiligidagi qo‘shma korxonalar tuzish, korxonalarni aksiyadorlik jamiyatlariga aylantirish, eng asosiysi, kichik hamda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga bog‘liqdir. Shu o‘rinda davlat aktividiga ayrim korxonalar va tashkilotlarni xususiy sektorga berish va aksionerlik jamiyatlariga aylantirish orqali iqtisodiyotning korporativ boshqariluvchi bo‘g‘inlarni tashkil etishga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Keyingi yillarda iqtisodiyotning mutlaqo yangi tarmoqlariga asos solish, ayniqsa, ularni boshqarish uslublarini modernizatsiyalshtirishga ustuvor ahamiyat berilmoqda. Aksionerlik jamiyatlarini rivojlantirish strategiyasi va samarali boshqarish borasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi muhimdir.

Davlatimizda aksiyonerlik jamiyatlariga chet el sarmoyadorlarni jalb qilish, ularning korporativ boshqaruv tizimi, ishlab chiqarishni zamonaviylashtirish, texnik va

texnologik qayta jihozlash, raqobatbardosh mahsulotlar tayyorlash va tashqi bozorga chiqarish jarayonlarida faol ishtirok etishi uchun qulay sharoit yaratish, aksiyadorlik jamiyatlari ustav kapitalidagi davlat aktivlari va ulushlarini qisqartirish orqali davlatning iqtisodiyotdagi ishtirokini kamaytirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

2015 yilda Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti tomonidan "Korporativ boshqaruv prinsiplari" qayta e'lon qilindi. Bunda korporativ boshqaruvning jahon iqtisodiyoti uchun muhimligini ko'rsatuvchi omillardan biridir. Har ikki yilda G20 rivojlangan mamlakatlarning korporativ boshqaruv tamoyillarini qay darajada amalga oshirayotganini monitoring qilish maqsadida, "OECD Corporate Governance Factbook" hisoboti ishlab chiqiladi. Oxirgi e'lon qilingan ma'lumotlarga ko'ra, "2020 yil yakunida global bozor kapitallashuvining 95% korporativ boshqaruv asosidagi 54 ta yirik korxonalar va tashkilotlar xissalariga to'g'ri kelgan. Shuningdek o'sha korxonalarda davlat ulushi 20% bo'lib, ularning bozor kapitallashuvidagi ulushi 13 % tashkil etadi. Xususiy korxonalarining ulushi esa 41% ga teng bo'lgan"

Korporativ korxonalar o'z faoliyati yo'lida turli xil subyektlar bilan iqtisodiy munosabatga kirishadi. Ularning har biri o'zining manfaati va faoliyat xususiyatlari va boshqa tavsiflari bilan bir-biridan tubdan farq qiladi. Umumiy korporativ boshqaruv subyektlari quyidagilar:

- emitent ko'rinishida aksiyadorlik jamiyatlari
- aksiyadorlar, ya'ni investorlar
- korporativ tuzilma menejrlari;
- davlat;
- kreditorlar va boshqa manfaatdor shaxslar

Umumiy holda, iqtisodiy munosabatga kiruvchi birinchi o'rindagi subyektlar bular aksiyadorlar hisoblanadi. Ular mulk egasi sifatida korporatsiya qimmatli qog'ozlarini sotib oladilar va albatta, bundan foyda (dividend) kutadilar. Aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarish, ularning moliyaviy holatini tartibga solish va nazorat qilish har bir korporatsiyaning samarali faoliyat yuritishi uchun muhimdir.

Rivojlangan davlatlar iqtisodiyoti tajribasidan shuni anglashimiz mumkinki, har bir davlatning o'zining milliy iqtisodiyotiga mos ravishda korporativ boshqaruv modellari mavjud. Hozirgi globallashuv davrida rivojlangan davlatlardagi korporativ boshqaruv modellari asos qilib olinadi va o'rganilib kelmoqda. Xususan, "Jahon amaliyotida korporativ boshqaruvning beshta tan olingan bazaviy modellari mavjud. Ular:

- amerika modeli;
- Birlashgan Qirollik modeli;
- Ikki pog'onali kontinental yevropa modeli;
- yapon modeli;
- oilaga tayangan osiyo modeli

Amerika modeli va Birlashgan Qirollik modellari bir-biriga juda o'xshash va ular oldin anglo-amerika modeli deb nomlangan. Uning asosiy xususiyati fond bozoriga kirishning erkinligidir. Bunda jamiyatning ustav kapitaliga kirish va undan chiqish uchun hech qanday baryerlarning yo'qligi, bu model orqali boshqariluvchi korporatsiyalarda xatto eng yirik aksiyadorlarning ulushi umumiy aksiya miqdorining 1-2% oshmasligiga sabab bo'lishi mumkin.

Ikki pog'onali kontinental yevropa modeli asosi nemis modeliga tuzilgan bo'lib, bu modelda boshqaruv ikki pog'onada: boshqaruv va kuzatuv kengashi orqali olib boriladi. Modelning asosiy afzalliklari – uzoq muddatli maqsadlarga e'tibor qaratish, korxonaning yuqori moliyaviy barqarorligi, korxonaning turli ishtirokchilari manfaatlarini ta'minlash.

Korporativ boshqaruvning yapon modeli bir kesishma asosida qimmatli qog'ozlarga egalik qilishga yo'naltirilgan. Bu esa nihoyatda yirik moliya-sanoat korporatsiyalarining paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Moliya va sanoat guruhlarida boshqaruv organi bosh korporatsiya prezidenti yig'ilishi hisoblanadi. Korporatsiya qimmatli qog'ozlariga egalik qiluvchi aksiyonerlar insayderlar hisoblanadi va ularning 70% institutsional investorlar deb hisoblanadi.

Korporatsiyalarning boshqaruvining oilaviy modeliga asoslangan shakli ko'plab davlatlarda keng tarqalgan. Unda oilaviy biznes mamlakat miqyosida biznesning 70 foizidan ortiqroq qismini tashkil etadi, iqtisodiy taraqqiyot va aholini ish bilan ta'minlashda muhim o'qin tutadi. Jahonning eng yirik pul daromadiga ega bo'lgan oilaviy bizneslarning ro'yxati keltirilgan "2021 Family Business Index"da Wal-Mart Stores Inc korporatsiyasi yillik daromadi 559.1 mlrd AQSh dollari bilan birinchi o'rinda turibdi.

Trading economics saytining ma'lumotlari shuni bermoqdaki, AQSH da korporativ foyda 2022 yilning 2 kvartalida 9,1 foizga o'sib, o'tgan davrda 4,9 foizga pasayganidan so'ng 2,62 trillion AQSH dollarini tashkil etib, yangi rekord darajaga erishdi. Korporativ tashkilotlar investitsiya uchun mavjud bo'lgan ichki pullar, inventarizatsiyani baholash bilan sof mablag'lar oqimi 5,8 foizga o'sib, 3,34 trillion dollarni tashkil etdi, sof dividendlar esa 0,2 foizga tushib, 1,47 trillion dollarni tashkil etdi. Shu bilan birga, taqsimlanmagan foyda 23,8 foizga oshib, 1,15 trillion dollarni tashkil etdi.

Bozor iqtisodiyoti davrida aksiyadorlik jamiyatida dividend siyosatini ishlab chiqish korporativ boshqaruvning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Dividend siyosatining asosiy maqsadi mulkdorlar tarafidan foydaning joriy iste'mol qilinishi va uning kelajakdagi o'sishi o'rtasida optimal mutanosiblikni o'rnatishdan iboratdir. Dividend sohasidagi siyosatni kuzatuv kengashi shakllantiradi. Shuni e'tiborga olishimiz lozimki, qimmatli qog'ozlarni xarid qilishdan asosiy maqsad dividend olish hisoblanadi.

Birinchidan keyingi yillardagi milliy korxonalarni isloh etish natijasida korporativ sektor iqtisodiyotidagi umumiy muammolar bevosita mulkdorlar, aksiyadorlar va menejerlar o'rtasidagi manfaatlar qaramagarshiliklarini o'zida ifodalovchi korporativ boshqaruv tizimidagi mavjud muammolarga ham bevosita bog'lig bo'lmoqda. Buni xususiyashtirishdan so'nggi biznes sharoitida "xo'jalik demokratiyasi"ni shakllantirish bilan bog'lig iqtisodiy va huquqiy hamda ijtimoiy muammolar ta' sirida hamon mahalliy aksionerlik korxonalarida yuqori korporativ boshqaruvni shakllanmaganligi bilan izohlash mumkin.

Ikkinchidan bizning fikrimizcha, ayni sharoitda aksariyat yirik aksiyonerlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvni rivojlanib borayotgan bo'lsada, ammo ularni jamiyat hayotiagi ta'sirchanligi sezilarli darajada emasdir. Korporativ boshqaruvni rivojlantirish orqali nafaqat kompaniya nufuzi ko'tarilishiga erishiladi, balki, uning

aksiyanerlari, menedjerlari va mehnat jamoasi a'zolari o'rtasidagi ixtiloflar ham bartaraf etiladi, sog'lom muhitning vujudga kelishi ular taraqqiyotining bosh omiliga aylanadi.

Uchinchidan korporativ boshqaruvning kompleks mexanizmi: korporativ strategiya, korporativ boshqaruvni, moliyaviy va axborot shaffofligi, aksiyanerlar, kreditorlar va boshqa aksiyalar egalari huquqlarini himoya qilish tizimining mavjudligi kabi tarkibiy elementlarni o'z ichiga olib, ularning har biri korporativ boshqaruvning samaradorligi uchun ahamiyatlidir.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, eng keng tarqalgan korporativ biznes shakli va iqtisodiyotda salmoqli o'rniga ega korporatsiyalar AQShda joylashganini ko'rishimiz mumkin. Milliy iqtisodiyotimizda korporativ boshqaruv bilan bog'liq bilimlar va ko'nikmalarning nisbatan kamligi bu sohada ildamlab ketishga to'siq bo'layotgan muammolardan biridir. Shunday ekan, bu borada rivojlangan davlatlar tajribasini o'rganish ayrim muammoli masalalarni hal qilish imkonini yaratadi. Ulardagi boshqaruv ko'rinishi va xalqaro korporativ boshqaruv tamoyillarini o'rganish va ularni iqtisodiyotimizga tatbiq etish bo'yicha chora-tadbirlar joriy etish talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.:Oxford university press,2015. – p.408
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF 60-sonli farmoni “2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”.
3. <https://www.oecd.org/daf/ca/G20-Report-Implementation-Corporate-Governance-Principles-2019.pdf>
4. <https://www.oecd.org/corporate/OECD-Corporate-Governance-Factbook.pdf>
5. <https://familybusinessindex.com/> - intro EY and University of St.Gallen Global Family Business Index
6. United States Corporate Profits - 2022 Data - 2023 Forecast - 1950-2021 Historical (tradingeconomics.com)
7. <https://uza.uz/oz/posts/korporativ-boshqaruv-sohasidagi-xalqaro-hamkorlik-23-02-2016>

MILLIY KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH

Dadamuxamedova Mushtariy Maxmudjon qizi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Turizm va servis kafedrasi assistenti

Annotatsiya

Ushbu maqolada so'nggi o'zgarishlar va joriy islohotlar dasturini amalga oshirishdan kelib chiqqan holda, milliy korporativ boshqaruv tizimini xalqaro standartlar asosida rivojlantirish orqali boshqaruv tizimini iqtisodiyotni diversifikatsiyalash sharoitida korporativ kodeksga mos ravishda yanada

takomillashtirish, hamda aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatida korporativ boshqaruv bo'yicha taklif va tavsiyalarni ishlab chiqishdan iborat.

Kalit so'zlar: *aksiyadorlik jamiyati, mas'uliyati cheklangan jamiyat, tamoyillar, diversifikatsiya, korporativ kodeks, strategik boshqarish.*

Yirik korporativ tuzilmalarning tashkil etilishi XX asrda iqtisodiy rivojlanishning muhim tendensiyasi bo'ldi. Kopnoratsiyalar o'z rivojlanish yo'lida va ularning jamiyat tomonidan qabul qilinishida fan-texnika, iqtisodiyotning rivojlanishi, aholi malakasi, ma'lumot darajasi bilan bog'liq qator bosqichlarni bosib o'tdi. Mazkur bosqichlarning har birida korporatsiyalar vujudga keleshiga har bir mamlakatda yuzaga kelgan korporativ madaniyat katta ta'sir ko'rsatdi. Hozirgi vaqtda korporativ sektorda mahsulot va xizmatlarning asosiy qismi ishlab chiqarilmoqda. Son nisbatiga k.o'ra sanoati rivojlangan mamlakatlarda korporatsiyalar, korporatsiyalarning umumiy sonida katta salmoqqa ega[1].

Yirik sanoat korporatsiyalarining shakllanishi rivojlangan mamlakatlarda turlicha yo'llar bilan kechdi. U G'arbiy Yevropa va AQSHda erkin bozor sharoitida kompaniyalarning qo'shib olinishi va qo'shilishi yo'lidan bordi. Osiyo mamlakatlari (Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya, Tayvan)da ko'p tarmoqli savdo-sanoat birlashmalari davlatning yordami bilan tashkil etildi. Davlat ularga hozir ham iqtisodiy beqarorlik holatlarida yordam ko'rsatib turadi. Hozirgi paytda jahonda xo'jalik subyektlari korporativ integratsiyalashuvining faol jarayoni kechmoqda. Korporativ integratsiyalashuv tadbirkorlikni tashkil etishning nafaqat samarali, balki jahon xo'jaligidagi zamonaviy o'zgarishlarga tez moslashadigan shakli bo'lib qoldi. Bugungi kunda yirik integratsiyalashgan korporativ tuzilmalar iqtisodiyotning turli tarmoq va sektorlarida faoyat ko'rsatmoqda. Shu birga, ular ikkita muhim tendensiya bilan tavsiflanadi[2]:

— sanoat va kredit-moliya muassasalari, korporatsiyalar doirasida integratsiyalashuvi, ya'ni banklar va bank bo'lmagan kredit-moliya muassasalarining korporatsiyalar tarkibidagi ishtiroki;

— transmilliylik, ya'ni chet elda shu'ba kompaniyalar va filiallar tashkil etib, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni amalga oshirgan holda o'z faoliyati sohasini kengaytirishga intilish.

Korporativ boshqaruvning iqtisodiy mohiyati uzoq yillardan buyon o'rganilib kelinmoqda va bu borada tadqiqotchilarning fikrlari xilma-xilligiga guvoh bo'lish mumkin. "Korporativ boshqaruv - korporatsiya mulkdorlarining korporatsiya kapitalini shakllantirishga, undan foyda olish maqsadida yanada samarali foydalanishga hamda olingan daromadlarni korporativ munosabatlarning barcha ishtirokchilari o'rtasida adolatli taqsimlashga qaratilgan strategik muhim qarorlarni belgilash, ta'riflash va qabul qilishga doimiy va real ta'sirini ta'minlashdagi ongli, bevosita ishtirokidir", deb izohlanadi.

Tashkiliy huquqiy shakl sifatida korporatsiyalar barcha mamlakatlarda, jumladan O'zbekistonda ham keng hajmda qo'llanilmaydi. Shu nuqtai nazardan korporatsiyalar, kompaniyalar, aksiyadorlik jamiyatlari, mas'uliyati cheklangan jamiyatlari va boshqalarni umumlashtirgan holda korporativ tuzilma tushunchasi bilan ifodalanadi[3].

Yuqoridagi olimlar va boshqa olimlar tomonidan korporativ boshqaruv tizimining ayrim jihatlari nazariy metodologik asoslari tadqiq qilingan. Biroq, aktsiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimini tatbiq qilish masalasi qamrab olinmaganligini va respublikamizda korporativ boshqaruv samaradorligini oshirish uchun yetarli tadqiqot ishlari mavjud emasligini ko'rsatib turibdi. Korporativ boshqaruvni isloh qilish orqali to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun qulay muhit yaratish, kompaniya samaradorligini oshirish, aktsiyadorlik jamiyatlarida ta'minlovchi muassasalar faoliyatining ochiqligi va shaffofligini oshirish, ularning salohiyatli investorlarga, jumladan, chet ellik hamkorlarga jozibadorligini ko'rsatib berish, korporativ boshqaruvning zamonaviy uslublarni joriy etish, korporativ boshqaruv, strategik boshqarishda aktsiyadorlarning rolini mustahkamlash, kompaniyalar iqtisodiyotining barqaror o'sishini ta'minlashlashga xizmat qilishi kerak[4].

Bugungi kunda mustaqil Markaziy Osiyo davlatlaridan biri bo'lgan O'zbekiston korporativ boshqaruv tizimini isloh qilish va takomillashtirishga rahbarlik qildi va islohotlar dasturini amalga oshirish natijasida mamlakat korporativ boshqaruv tizimiga sezilarli o'zgarishlar kiritildi. Shunga qaramay, korporativ boshqaruv sohasidagi so'nggi o'zgarishlar va yaxshilanishlarga qaramasdan, korporativ boshqaruv amaliyoti korporativ boshqaruvning global tamoyillariga muvofiq amalga oshirilganligini bilmaymiz. Ta'kidlash lozimki, O'zbekistonda korporativ boshqaruv islohotlari jadal sur'atlar bilan amalga oshirilayotgan bo'lsa ham, korporativ boshqaruv tizimida bir qator hal etilmagan muammolar yuzaga keldi[5]. Eng asosiy muammo - davlat asosiy aktsiyador bo'lgan aktsiyadorlik jamiyatlari. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, korporativ boshqaruvni yanada rivojlantirish zarurati, uning yordamida ijobiy natijalarga erishish mumkinligi bilan bog'liq:

- kompaniyaning investitsiya jozibadorligini oshirish;
- moliyaviy resurslarni uzoq muddatli sarmoyalashga tayyor investorlarni jalb qilish;
- faoliyat samaradorligini oshirish;
- bank kreditlarini olish xarajatlarini kamaytirish;
- korxonaning bozor qiymatini oshirish;
- kapital bozorlariga kirishni osonlashtirish;
- kompaniyaning obro'si va obro'sini yaxshilash.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF 60-sonli farmoni "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi".

2. Mirziyoev Sh. "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza, 2017 yil 14 yanvar.

3. O'zbekiston Respublikasi Qonuni №233-I "Aktsiyadorlik jamiyatlari va aktsiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida (yangi tahriri)", 1996 yil 26 aprel. Yangi tahriri O'RQ-370 son bilan 2014 yil 06 mayda tasdiqlangan.

4. Arguden, Y. (2011). Measuring the Effectiveness of Corporate Governance Available from Internet: <http://knowledge.insead.edu/corporate-governanceeffectiveness100415.cfm>.

5. Berle A.A., Means G.C. The Modern Corporation and Private Property. Commerce Clearing House, Chicago, IL, 1992- pp. 68-87

THE IMPACT OF CORPORATE GOVERNANCE ON ECONOMIC AND FINANCIAL PERFORMANCE IN EGYPT: A LITERATURE REVIEW

PhD. Muhammad Eid BALBAA

Tashkent state university of economics

Associate Professor of World Economy Department

m.balbaa@tsue.uz

Abstract

This study examines the impact of corporate governance on economic and financial performance in Egypt. The analysis shows that corporate governance contributes to improving firms' production level, reducing financial risks, and increasing capital. The study makes a scientific and practical contribution to the literature on corporate governance in Egypt.

Keywords

Corporate Governance, Egypt, Financial Performance, Foreign Investment, Transparency, Accountability, Risk Management.

Corporate governance is a crucial aspect of any economy, as it ensures transparency, accountability, and effective management in companies. In recent years, Egypt has made significant efforts to enhance its corporate governance framework, particularly through the implementation of the Egyptian Corporate Governance Code (ECGC). The ECGC was introduced in 2005 by the Egyptian Institute of Directors (EIoD) as a voluntary set of guidelines for listed companies, with the aim of promoting transparency, accountability, and shareholder protection.

Despite the implementation of the ECGC and other corporate governance reforms in Egypt, there is limited empirical evidence on the impact of these initiatives on the country's economic performance. Therefore, the research question of this study is: What is the economic impact of applying corporate governance in Egypt, particularly in terms of financial performance, foreign investment, transparency, accountability, and risk management?

This study employs a quantitative approach and analyzes data from various sources, including financial statements, reports, and academic studies. The findings of the study indicate that companies that comply with the ECGC have higher financial performance than non-compliant companies. Additionally, the implementation of corporate governance reforms in Egypt has attracted increased foreign investment, improved transparency and accountability, and enhanced risk management practices.

These findings are consistent with previous studies on the impact of corporate governance on economic performance (Elsayed and Abdel Fattah, 2019; World Bank, 2020; EIoD, 2021; IMF, 2018).

However, the study also has some limitations. Firstly, the lack of comprehensive data on corporate governance practices in Egypt may limit the generalizability of the findings. Secondly, the impact of corporate governance on non-financial outcomes, such as social and environmental performance, was not analyzed in this study. Nonetheless, this study provides valuable insights for policymakers, investors, and stakeholders in Egypt on the importance of corporate governance in improving economic performance and attracting foreign investment.

Overall, this study contributes to the literature on corporate governance in emerging economies and highlights the need for further research on the impact of corporate governance on non-financial outcomes. The rest of the paper is structured as follows: the next section provides a literature review on corporate governance in Egypt, followed by the methodology section, results, and discussion.

This study utilized a literature review approach to examine the impact of corporate governance on the economic and financial performance of firms in Egypt. The research questions guiding this study were: What is the current status of corporate governance in Egypt? What is the impact of corporate governance on firm performance in Egypt?

The literature review was conducted using various online academic databases, including Google Scholar, ProQuest, and EBSCOhost, as well as relevant reports from international organizations such as the World Bank and the International Monetary Fund. Keywords used in the search included "corporate governance," "Egypt," "firm performance," and "economic impact."

Articles and reports were selected based on their relevance to the research questions and the quality of their methodology and analysis. The articles and reports were analyzed qualitatively to identify key findings, trends, and gaps in the literature.

The limitations of this study include the potential for selection bias in the articles and reports included in the review and the subjectivity of the analysis. Additionally, the study only focuses on the impact of corporate governance on economic and financial performance, and does not examine other potential outcomes, such as social and environmental impacts.

Overall, this study contributes to the literature on corporate governance in Egypt by providing a comprehensive review of the existing literature and identifying areas for future research.

Based on the literature review, it was found that corporate governance in Egypt has undergone significant improvements in recent years, particularly since the adoption of the Egyptian Code of Corporate Governance in 2005. The Code established standards for corporate governance practices in publicly listed companies and was updated in 2018 to address emerging issues and global best practices.

The review also found evidence of a positive correlation between good corporate governance practices and firm performance in Egypt. Several studies have shown that firms with better corporate governance practices tend to have higher financial

performance and lower risk, as well as increased access to financing and better relationships with stakeholders.

However, the review also revealed several challenges facing the implementation and enforcement of corporate governance practices in Egypt. These challenges include weak regulatory frameworks, limited awareness and understanding of corporate governance among stakeholders, and inadequate mechanisms for monitoring and enforcing compliance with corporate governance standards.

Overall, the results suggest that while corporate governance has the potential to positively impact the economic and financial performance of firms in Egypt, more efforts are needed to overcome the challenges and ensure effective implementation and enforcement of corporate governance practices.

The findings of this study suggest that corporate governance plays an important role in promoting economic and financial performance of firms in Egypt. The adoption of the Egyptian Code of Corporate Governance in 2005, and its subsequent updates, has resulted in significant improvements in corporate governance practices in publicly listed companies.

The positive correlation between good corporate governance practices and firm performance in Egypt is consistent with previous research in other countries. The evidence suggests that better corporate governance practices lead to improved financial performance, reduced risk, and increased access to financing. Additionally, stakeholder relationships are enhanced when firms adopt good corporate governance practices, which can lead to greater social legitimacy and a better reputation for the company.

However, the challenges facing the implementation and enforcement of corporate governance practices in Egypt cannot be ignored. Weak regulatory frameworks, limited awareness and understanding of corporate governance, and inadequate mechanisms for monitoring and enforcing compliance with corporate governance standards are major obstacles to the effective implementation of good corporate governance practices.

Moreover, the limitations of this study should be acknowledged. This study only examined the impact of corporate governance on economic and financial performance, and did not explore other potential outcomes, such as social and environmental impacts. Additionally, the literature review approach used in this study may not provide a complete picture of the impact of corporate governance in Egypt, as some relevant studies may have been missed.

In conclusion, this study highlights the importance of corporate governance in promoting economic and financial performance of firms in Egypt. While the evidence suggests that good corporate governance practices lead to improved financial performance and stakeholder relationships, more efforts are needed to overcome the challenges facing the implementation and enforcement of corporate governance practices in Egypt. Future research could explore the impact of corporate governance on social and environmental outcomes, as well as investigate potential strategies for improving the regulatory framework and increasing awareness and understanding of corporate governance among stakeholders.

In summary, this study aimed to explore the impact of corporate governance on economic and financial performance of firms in Egypt. The literature review revealed

that corporate governance practices in Egypt have improved significantly in recent years, with the adoption of the Egyptian Code of Corporate Governance in 2005 and its subsequent updates. The evidence also suggests a positive correlation between good corporate governance practices and firm performance, including improved financial performance, reduced risk, and increased access to financing.

However, the study also identified several challenges facing the implementation and enforcement of corporate governance practices in Egypt, including weak regulatory frameworks, limited awareness and understanding of corporate governance, and inadequate mechanisms for monitoring and enforcing compliance with corporate governance standards.

Therefore, this study recommends that policymakers and stakeholders in Egypt take steps to address these challenges, including improving the regulatory framework, increasing awareness and understanding of corporate governance among stakeholders, and developing effective mechanisms for monitoring and enforcing compliance with corporate governance standards.

In conclusion, corporate governance is an essential aspect of good business practices that can have a positive impact on economic and financial performance. While Egypt has made progress in this area, more work needs to be done to overcome the challenges and ensure the effective implementation and enforcement of corporate governance practices.

References:

1. Elsayed, A., & Abdel Fattah, M. (2019). The impact of corporate governance on financial performance: Evidence from Egypt. *Journal of Accounting and Taxation*, 11(2), 11-20.
2. Egyptian Institute of Directors (2021). Corporate governance in Egypt: The current status and the way forward. Retrieved from <https://www.eiod.org.eg/>
3. Hammad, M. A., & Youssef, M. A. (2018). Corporate governance in emerging markets: Evidence from Egypt. *Corporate Governance*, 18(2), 351-364.
4. Ibrahim, A. A., & Mady, S. S. (2017). Corporate governance in Egypt: An analysis of the status quo and future prospects. *Corporate Governance: The International Journal of Business in Society*, 17(1), 19-34.
5. International Monetary Fund (2018). Egypt: Financial system stability assessment. Retrieved from <https://www.imf.org/en/Publications/CR/Issues/2018/08/29/Egypt-Financial-System-Stability-Assessment-46104>
6. Salem, R., & Touny, A. (2020). Corporate governance and transparency in Egyptian banks: An empirical study. *Journal of Financial Reporting and Accounting*, 18(2), 207-221.
7. World Bank (2020). Investing across borders 2020: Charting a course for economic recovery. Retrieved from <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/34285>

THE ROLE OF FINANCIAL STRATEGY IN ENHANCING CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM

Kholikova Rukhsora Sanjarovna,

Tashkent state university of economics

Phd, Associate Professor of Department of Economy of Branches,

Izzatulloev Bakhodir Ubaydullo ugli

Student of Tashkent state university of economics.

Abstract

In recent years, as a result of extensive reforms implemented in our country, a healthy competitive environment has been formed and the number of competitive companies has been increasing year by year, positively influencing the volume of gross domestic production. In addition to this, the financial and corporate management system of companies located in our country has been growing year by year, attracting foreign and local investments in the leading economic sectors of our country. This article discusses the importance and role of corporate management in companies through their financial strategies.

Key words: corporate governance, financial strategy, transparency, accountability, shareholders, company's profit

In the economic conditions of competition, analyzing the financial situation of companies, determining their profitability and not only for themselves, but also for creditors and investors, is of great importance. Financial analysis performs the task of opening up the company's performance indicators to all interested parties. Financial analysis can show not only the financial condition of the company, but also its various activities and trends.

Companies set clear goals for themselves and determine their achievement strategy. However, relying solely on strategic methods and techniques does not guarantee success in practice, as developing and implementing a strategy does not guarantee achieving the desired results. Developing a company's development strategy begins with identifying its main directions of entrepreneurial activity. Based on this, its implementation forms are determined and a final decision is made. The strategy itself is a detailed plan that outlines every aspect to achieve any goal set by the company.

Teamwork, corporate governance system, analysis and synthesis methods were used in this thesis.

The strategic corporate planning within economic fundamentals and milestones of companies' development has special theoretical and practical importance. In market economics conditions maximizing profits and increasing their financial resources is considered as the main goal of any company. This requires identifying the needs for financial resources, finding sources for them, and developing a financial strategy that explores internal capabilities to increase them. Its development includes several stages such as:

- Expressing the purpose of the company and analyzing its strong and weak sides.

- Evaluating long-term opportunities and develop a growth forecast.
- Developing and optimizing general measures for corporate coverage system.
- Selecting the optimal strategy and implementing the plan for the company's corporate governance system.

Moreover, if we move to financial strategy, it is a part of the economic strategy that contributes to the implementation of the company's overall strategy [1]. The overall structure of investment and credit strategies shapes the company's financial strategy. The development of companies currently depends directly on well-established financial activity, as well as direct credit and corporate governance. The restructuring and formation of corporate governance system by a large number of legal entities leads to actions related to each other, which, in turn, requires that this system determines long-term monitoring, financial and investment strategies.

Once the general financial strategy is developed, specific departments develop investment and credit strategies based on the company's overall strategy and market conditions. These decisions align departmental activities with a common goal while also allowing for adjustments to other business directions at the discretion of management. The purpose of a company's financial strategy is to ensure its financial stability. Therefore, its goals are aligned with both financial and strategic management, expressing long-term directions for financial progress. In addition, developing and implementing a sound financial strategy ensures sustainable benefits from available financial resources, increasing demand for products, maintaining liquidity levels, preserving risk levels.

Choosing a solid analytical basis is essential when selecting a financial strategy for a company. The process of selecting a financially viable corporate strategy relies on analysis after comprehensive research has been completed at all stages in accordance with accepted methods [2].

Learning the process of corporate system in companies involves understanding its individual elements and analyzing the practical tasks involved in implementing them within the framework of the company's financial strategy. Such an approach allows for a more comprehensive decision-making process when formulating a financial strategy for the company. The following are some of its main elements:

1. Gathering information.
2. Taking into account external constraints and opportunities.
3. Conducting internal audits and assessing the impact of the external socio-economic environment on achieving strategic goals.
4. Choosing specific financial strategy.
5. Implementing chosen corporate system to the company.

It is important to note that a company's corporate strategy should not be based lonely, on individual decisions, but rather on a system of decisions that are aimed at achieving a single goal, with each decision reflecting different aspects of the overall strategy. Based on our presented ideas, it can be emphasized that financial decisions in business activities can be divided into two groups: investment decisions and financing decisions [3]. The first group highlights how necessary financial resources can be obtained through various channels to support the company's goals while the second group focuses on how to allocate these resources effectively to solve problems

encountered by the company during its operations. Investment decisions determine what investments are needed to solve issues identified by the company's strategic plan; these will also identify what resources are required for their implementation[4]. Such decisions will guide what projects should be prioritized as well as how they should be evaluated financially, including determining which projects will provide viable and productive results for the company. Once the type of investment appropriate for the project related to the company has been identified, the amount of money necessary to finance the project is determined. If none of the investment options proposed are suitable for the company's goals, then additional financing may not be necessary and any benefits can be distributed among all stakeholders[5].

In conclusion, it is evident that financial strategy plays a critical role in enhancing the corporate governance system of a company. A sound financial strategy can contribute to effective decision-making, risk management, and overall performance of the organization. By aligning financial goals with the company's objectives and values, a well-planned financial strategy can promote transparency, accountability, and ethical behavior within the organization. Furthermore, it can help build trust with stakeholders such as investors, creditors, customers, and employees. Therefore, companies should focus on developing and implementing robust financial strategies that support their corporate governance goals to achieve long-term success in today's highly competitive business environment. Financial strategy is the main part of corporate governance. An effective financial strategy ensures that a company is able to manage its finances effectively, make informed decisions and achieve its goals. The implementation of an effective financial strategy requires alignment with the company's overall objectives, a clear understanding of the market dynamics, and proactive risk management.

Real-life examples of companies that have successfully implemented financial strategies to enhance their corporate governance include Apple Inc. and Amazon.com Inc. Apple implemented a financial strategy that focused on product innovation, cost optimization, and efficient capital allocation. This resulted in the creation of new products such as the iPhone and iPad, cost reduction measures such as outsourcing production to countries with lower labor costs, and efficient capital allocation through share buybacks and dividend payments. Amazon.com Inc. also implemented a successful financial strategy that focused on innovation, customer satisfaction, and risk management. The company invested heavily in new technologies such as cloud computing services, expanded its product offerings beyond books to include music, movies, and electronics, while also managing risks associated with changes in market dynamics. In both cases, the companies' financial strategies were aligned with their overall objectives and enabled them to achieve significant growth while maintaining strong financial health. Overall, an effective financial strategy is crucial for enhancing corporate governance. Companies that implement successful financial strategies are better positioned to manage risks effectively while achieving their goals. By aligning their financial strategies with their overall objectives and proactively managing risks, companies can achieve long-term success in today's dynamic business environment.

References

1. Ashurov Z.A. Improvement of the organizational and economic mechanism of corporate management. Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in Economics. T.: 2019
2. "Financial strategy: Managing the key drivers of value"- Richard A. Brealey and Stewart C. Myers
3. "The impact of Financial Strategy on Corporate Governance : Evidence from Emerging Markets"- a research paper by Naliniprava Tripathy
4. Cadbury A. The Report of the Committee on the Financial Aspects of Corporate Governance (Cadbury Report). –London: Gee Publishing Ltd., 1992
5. Бандурин А., Гуржиев В., Нургалиев Р. Финансовая стратегия корпорации. – М.: Алмаз, 2014

YEVROPA ITTIFOQIDA KORPORATIV BOSHQARUVNING ILG'OR AMALIYOTI VA UNI O'ZBEKISTONGA JORIY ETISH IMKONIYATLARI

Kenjayeva Umriya Faxritdinovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Korporativ boshqaruv kafedrası
u.kenjayeva@tsue.uz

Avazov Shahzod Baxriddin o'g'li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Annotatsiya

Bugungi kunda korporativ boshqaruv biznes yuritishning eng muhim ustunlaridan biri sifatida qaralib, kompaniyalarning shaffof va barqaror tarzda faoliyat yuritishini ta'minlaydigan tizimga aylanib ulgurdi. Xususan, Yevropa Ittifoqi kompaniyalar muvaffaqiyatini ta'minlash va aksiyadorlarning manfaatlarini himoya qilish uchun muhim bo'lgan kuchli korporativ boshqaruv amaliyotiga ega. Ushbu maqolada Yevropa Ittifoqi korporativ boshqaruvining muhim xususiyatlari hamda ularni O'zbekistonga joriy etish orqali shaffof ishbilarmonlik muhitini yaratish imkoniyatlari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: Yevropa Ittifoqi, korporativ boshqaruv, xorijiy tajriba, shaffoflik, strategiya, manfaatdor tomonlar, ijtimoiy mas'uliyat, kompaniya qiymati, axborotni oshkor qilish, rag'batlantirish, investor, iqtisodiy rivojlanish.

Korporativ boshqaruv kompaniyalarning samarali va axloqiy jihatdan uzoq muddatga faoliyat yuritishiga yordam beradigan tizimdir. Yevropa Ittifoqida shaffoflik, hisobdorlik hamda kompaniya va aksiyadorlar o'rtasidagi munosabatlarni yaxshilashga qaratilgan yetuk korporativ boshqaruv reglamenti mavjud. Xususan, Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruv so'nggi o'n yilliklarda muhim bir masalaga aylandi, chunki u iqtisodiy rivojlanish va ijtimoiy farovonlikning asosi sifatida qaralmoqda. Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruv amaliyoti barqaror ishbilarmonlik muhitini yaratish va kompaniyalarning o'z manfaatdor tomonlarini har tomonlama e'tiborga olishini ta'minlashga qaratilgan. Agar O'zbekiston ushbu

amaliyotlarni o'zlashtirsa, bu investitsiyalar va iqtisodiy rivojlanish uchun ishonchli va shaffof ishbilarmonlik muhitini yaratishga yordam berishi mumkin.

Umuman olganda, Yevropa Ittifoqidagi ushbu korporativ boshqaruv amaliyotlari kompaniyalar muvaffaqiyati va manfaatdor tomonlarning ushbu kompaniyalarga bo'lgan ishonchi uchun juda muhimdir. Samarali korporativ boshqaruv tuzilmalari risklarni boshqarishni yaxshilash, shaffoflikni oshirish, korrupsiya va huquqbuzarliklarning oldini olish va korporativ qiymatni oshirishga yordam beradi. So'nggi paytlarda raqamlashtirishga e'tibor qaratilayotgani Yevropa Ittifoqining doimiy o'zgarib turadigan biznes muhitida global miqyosda korporativ boshqaruvda yetakchi rol o'ynashga tayyor ekanligini ko'rsatadi.

Kuchli korporativ boshqaruv amaliyoti Yevropa Ittifoqi kompaniyalari va moliya bozorlarining uzluksiz faoliyat yuritishi uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Korporativ boshqaruvning asosiy maqsadlari aksiyadorlar huquqlarini mustahkamlash, shaffoflikni yaxshilash, javobgarlikni oshirish hamda moliya tizimining yaxlitligini saqlashdan iborat. Natijada, "Yevropa Ittifoqidagi kompaniyalar ma'lum korporativ boshqaruv qoidalariga rioya qilishlari shart va shu bilan yuqori darajadagi mas'uliyatni namoyon etadilar. Bunga misol qilib, hisobot berishning shaffofligini keltirish mumkin, bu esa kompaniyalarni o'z tadbirkorlik faoliyati to'g'risida keng qamrovli hisobotlar yaratish va ularni muntazam nashr etish majburiyatini oladi"[1].

Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruvning ahamiyatini, shuningdek, tartibga solish va nazoratni kuchaytirish zarurligini keltirib chiqargan turli xil nizolar bilan ham ko'rsatib o'tish mumkin. Bunga yirik transmilliy kompaniyalarning soliqqa oid suiiste'mol amaliyotlarining fosh etilishi va banklardagi bozor narxlarini manipulyatsiya qilish bilan bog'liq mojarolar misol bo'la oladi.

Shuningdek, korporativ boshqaruv Yevropa Ittifoqida muhim rol o'ynaydi hamda adolatli va shaffof bozorni yaratish uchun muayyan qoidalar va tartiblarga rioya qilish zarurligini anglatadi. Korporativ boshqaruvni kuchaytirish investorlar va manfaatdor tomonlarning Yevropa Ittifoqi kompaniyalari va bozorlariga bo'lgan ishonchini oshirishga yordam beradi.

Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruvning muhim amaliyotlari sifatida quyidagilarni keltirib o'tishimiz mumkin:

- Alohida kengash va boshqaruv: Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruvning muhim qismi kengash va boshqaruvning ajratilishidir. Kuzatuv kengashi strategiya va qonun-qoidalar uchun mas'uldir, boshqaruv organi esa ushbu strategiya va qonun-qoidalarning realizatsiyasi uchun javobgardir. Ushbu taqsimot aniq struktura va javobgarlik uchun muhimdir.

- Mustaqil qo'mitalar tashkil etish: Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruvning yana bir muhim qismi mustaqil qo'mitalar tashkil etishdir. Ushbu qo'mitalar moliya, muvofiqlik, inson resurslari va atrof-muhit masalalari kabi muayyan sohalarni nazorat qilish uchun javobgardir. Bu kompaniyalarning amaldagi qonunlar va qoidalarga muvofiq ishlashini va axloqiy me'yorlarga rioya qilishini ta'minlaydi.

- Axborotni oshkor qilish: Axborotni oshkor qilish ham Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruvning muhim jihati hisoblanadi. Korxonalar o'z faoliyati, moliyasi va muvofiqligi to'g'risida muntazam hisobotlarni taqdim etishlari shart. Axborotning

oshkor etilishi kompaniyaga nisbatan shaffoflik va ishonchni oshiradi hamda kompaniyani investorlar uchun yanada jozibador qiladi.

- Kompensatsiya va rag'batlantirish: Yevropa Ittifoqidagi yana bir muhim korporativ boshqaruv amaliyoti tegishli kompensatsiya va rag'batlantirish sxemalaridan foydalanish hisoblanadi. Bu rahbariyat va xodimlarning munosib va adolatli tarzda taqdirlanishini hamda biznesni muvaffaqiyatli yuritish uchun rag'batlarning mavjudligini ta'minlaydi.

- Boshqaruv kengashini saylash: Yevropa Ittifoqida aksiyadorlar kengash a'zolarini saylash huquqiga ega. Bu aksiyadorlar va kompaniya o'rtasida mustahkam aloqa o'rnatadi va aksiyadorlar manfaatlari hisobga olinishini ta'minlaydi.

Bu amaliyotlar O'zbekistondagi kompaniyalar uchun ham foydali bo'lishi mumkin. Boshqaruv va menejmentni ajratishni qabul qilish orqali kompaniyalar aniq struktura yaratishi va nazorat mexanizmlarini kuchaytirishi mumkin. Mustaqil qo'mitalar tashkil etish esa kompaniyaning mahalliy qonunlar va xalqaro standartlarga muvofiq ishlashini hamda axloqiy me'yorlarga rioya etishini ta'minlashga yordam beradi. Axborotni oshkor qilish kompaniyaga bo'lgan ishonchni oshirishi va uni investorlar uchun yanada jozibador qilishi mumkin.

Shuningdek, O'zbekistonda korporativ boshqaruvga oid barcha me'yoriy-huquqiy hujjatlar va standartlar samarali bo'lishi va mamlakatning o'ziga xos ehtiyojlariga mos kelishini ta'minlash uchun Yevropa Ittifoqining tajribali boshqaruv kengashi a'zolari va boshqa ekspertlari bilan ishlash orqali ilg'or tajribalarni o'zlashtirish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan, bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 24-martdagi "Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"[2] gi PQ-101-son Qarorida Davlat ishtirokidagi korxonalarda zamonaviy korporativ boshqaruv tizimini joriy qilish, ularning faoliyat samaradorligini oshirish va dividend siyosatini takomillashtirish maqsadida Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki tomonidan jalb etilgan ekspertlar bilan hamkorlikda Davlat ishtirokidagi korxonalar uchun yangilangan Korporativ boshqaruv qoidalari va Axloq kodeksi ishlab chiqilishi belgilangan.

"Yevropa Ittifoqida korporativ boshqaruvning yana bir muhim jihati ekologik va ijtimoiy standartlarni qo'llab-quvvatlashdir. Kompaniyalar nafaqat iqtisodiy jihatdan harakat qilishlari, balki ularning ijtimoiy va ekologik ta'siri uchun javobgarlikni ham o'z zimmalariga olishlari shart. Barqarorlik manfaatlaridan kelib chiqqan holda, kompaniyalar o'zlarining biznes amaliyotlarini ekologiyani asrash va ijtimoiy mas'uliyat maqsadlariga mos kelishini ta'minlashga mas'uldirlar"[3].

Umuman olganda, Yevropa Ittifoqidagi korporativ boshqaruv amaliyotlari O'zbekistondagi kompaniyalar uchun korporativ boshqaruvni yaxshilash va xalqaro standartlarga mos kelishda qo'llanma bo'lib xizmat qilishi mumkin. "Samarali korporativ boshqaruv investorlarning ishonchini oshirishi, huquqbuzarlik va korrupsiya xavfini kamaytirishi va pirovardida kompaniyaning o'sishi va rentabelligini oshirishiga xizmat qiladi. Qat'iy korporativ boshqaruvga amal qiladigan kompaniyalar ko'proq investitsiyalar va umumiy iqtisodiy farovonlikning oshishiga erishishlari mumkin"[4]. Yana bir muhim sabab shundaki, samarali korporativ boshqaruv korrupsiyani kamaytirishga ham yordam beradi. Bunda tizim shaffoflikni yaxshilaydi

va noqonuniy savdo operatsiyalarini yashirishni qiyinlashtiradi. O'zbekistonda korrupsiya bilan bog'liq muammolar hamon saqlanib qolmoqda, uni korporativ boshqaruvni joriy etish orqali kamaytirish mumkin.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, O'zbekistonda Yevropa korporativ boshqaruv amaliyotining joriy etilishi ko'plab afzalliklarga ega. Bu orqali mamalakatimiz imijini yaxshilash hamda xalqaro nufuzli investorlar va tashkilotlarning mamlakatimizga bo'lgan ishonchini oshirishimiz mumkin. Tizimning samarali va maqsadga muvofiq bo'lishini ta'minlash uchun me'yoriy-huquqiy hujjatlarni ishlab chiqish va amalga oshirishda hukumat va biznes vakillari birgalikda ishlashi ham muhim o'rin tutadi. Agarda bu jarayon muvaffaqiyatli kechsa, iqtisodiyotni mustahkamlash, korrupsiyani kamaytirish va mamlakat obro'sini yaxshilashga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bolshakov S. N. Corporate Governance and Social Responsibility in Europe // Corporate governance and innovative economic development of the North: Bulletin of the Research Center of Corporate Law, Management and Venture Capital of Syktyvkar State University. 2018. №1. P. 90-99.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 24-martdagi "Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-101-son Qarori / O'zbekiston Respublikasi qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi (<https://lex.uz/uz/docs/-6417153>)

3. European Confederation of Directors' Associations. "A Guide to Corporate Governance Practices in the European Union". (www.ifc.org)

4. Kenjayeva U.F. O'zbekistonda korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirishning asosiy yo'llari // Monografiya. – T.: Iqtisodiyot, 2023. – 77 b.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЧКИ АУДИТНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошпулатов Фаррух Бахтиёрович

Тошкент Кимё халқаро университети мустақил изланувчиси

Аннотация

Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш ички аудит жараёнида молиявий-хўжалик фаолиятини турли жиҳатларини акс эттирувчи меҳнат унумдорлиги, фонд самарадорлиги, таннарх, ялпи даромад, рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш, ҳар бир кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш ва умумий таъсирини баҳолаш асосида аниқланади. Пировардида корпоратив бошқарувнинг молиявий-хўжалик фаолияти унинг ишончлилиги, барқарорлиги ва истиқболли эканлигидан далолат бериши керак. Юқоридагилар ўз навбатида муаммони ўрганишнинг услуб ва усуллар мажмуасини ўз ичига олади.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, молиявий таҳлил, ички аудит, ташқи аудит, соф активлар рентабеллиги, молиявий ҳолат таҳлили, молиявий ҳолат

аудити, молиявий барқарорлик таҳлили, маълумотлар манбаи, омилли таҳлил, молиявий ҳисобот, активлар ва уларнинг шаклланиш манбалари.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва ички аудитдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Буни корпоратив бошқарувни иқтисодий мустақилликка эга бўлиб, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари учун мулкдорлар, ходимлар, кредиторлар, инвесторлар ва бошқа буюртмачилар олдида тўлиқ масъулиятга эга бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизча, ички аудит тизимида корпоратив бошқарув самарадорлигини аниқлаш, молиявий ҳолатини бошқариш воқеаларнинг ривожланиш йўналишларини аниқлашга имкон беради, бу эса, ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари ва уни амалга оширишга сарфланадиган харажатлар ўртасида шаклланадиган салбий таъсирни камайтиришга қаратилган тўғри, самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига олиб келади.

Юқорида қайд этилган жиҳатлар ички аудит тизимида корпоратив бошқарувнинг молиявий ҳолатини баҳолаш бўйича таҳлилий амалларни бажариш, молиявий ҳолатни яхшилашнинг ички резервларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради.

Б.А.Ҳасанов молиявий ҳолат таҳлилинини учта босқичда амалга оширишни таклиф этади: 1) олдиндан баҳолаш ва таҳлилни режалаштириш; 2) ички назорат тизими ва таҳлил ҳолатини баҳолаш; 3) мустақил аудиторлик тестларини ўтказиш, аудиторлик хулосаларини тузиш [1, Б.18].

А.Д.Шеремет “Корпоратив бошқарувнинг молиявий ҳолати маблағларни (активларни) ва уларни шакллантириш манбаларини (ўзлик капитали ва мажбуриятлар, яъни пассивларни) жойлаштириш ва улардан фойдаланиш билан белгиланади” [2, Б.144] деб ёзади.

Т.Ш. Шагиясов, З.А. Сагдиллаева, Б.В. Файзиевларнинг фикрича “Корпоратив бошқарувнинг молиявий ҳолати, бу – унинг қарз мажбуриятларини қоплай олиш лаёқатини акс эттирадиган жами кўрсаткичларидир” [3, Б.139]. Ушбу жумла мазмуни корпоратив бошқарувнинг фақат қарз мажбуриятинини қоплай олиш доирасида чегараланиб қолмоқда.

Е.Ергешев эса “Хўжаликнинг молиявий ҳолати унинг айланма маблағлар билан таъминланганлигида, барча турдаги маблағлари тўғри жойлаштирилиши ва улардан талаб даражасида фойдаланишида, давлат бюджети, банклар, товар етказиб берувчилар, бошқа ташкилот ва корпоратив бошқарувлар ишчилари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳолатида ўз аксини топади” [4, Б.163] деб ўз фикрини билдиради. Бу ерда хўжалик фаолиятини узлуксиз юритиш жиҳати тўлиқ ва равшан очиб берилмаганлиги кўзга ташланади.

Биз муаллифларнинг таҳлилий ишларини ташкилий босқичларга бўлиш лозимлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда, таклиф этилаётган босқичлар таҳлилий ишнинг ташқи аудиторлар томонидан олиб борилиши учун мос келади, ушбу вазиятда бизни корпоратив бошқарувнинг молиявий ҳолатини ички фойдаланувчилар томонидан ички аудит жараёнида таҳлил қилишдаги таҳлилий

амаллар қизиқтиради. Шу муносабат билан молиявий ҳолат таҳлилида қуйидаги тўртта босқични ажратиш таклиф этилади: 1) таҳлил объектлари ва субъектларини белгилаш, тадқиқотнинг ташкилий шакллари таниш ва турли ижрочилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш; 2) таҳлилий иш дастурини ишлаб чиқиш, уни ахборот ва услубий таъминоти; 3) олинган натижаларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва расмийлаштириш; 4) молиявий барқарорликни таҳлил қилиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Фикримизча, ишончлилик корпоратив бошқарувнинг узлуксизлигини ва унинг тўлов мажбуриятларини қоплай олишини билдиради. Иқтисодий адабиётлардаги турли ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин. “Молиявий-хўжалик фаолияти корпоратив бошқарувнинг муайян вақтдаги барқарорлиги фаолиятини узлуксиз юритиш ва қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда қоплаш учун молиявий ресурслар билан таъминлаганлик лаёқатлилигининг акс эттирилишидир”.

17 та акциядорлик жамиятлари номидан “давлат” сўзи чиқариб ташланди, яъни олдин давлат акциядорлик компанияси деб номланган барча ташкилотлар акциядорлик жамияти деб қайта номланди, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган раҳбар танлови тўғрисидаги қоида акциядорлик жамиятлари уставларига киритилди, Германия ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланди, замонавий менежерларни тайёрлаш ва ўқитиш мақсадида Олий бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилиб, Европа менеджмент ва технологиялар мактаби (Германия) билан биргаликда 160 раҳбар ўқитилди ва 80 таси Германиянинг йирик компанияларида тажриба орттирди, давлат улуши мавжуд корхоналарда ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолашга талаблар тасдиқланди, “Корпоратив ахборот ягона Интернет портали” яратилди.

Бундан ташқари, иккинчи ҳужжат бу Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш стратегияси бўлиб, унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида” ва “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари лойиҳасини ишлаб чиқиш, давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш мезонларини (табiiй монополия, стратегик манфаат соҳасида фаолият юритадиган ва бошқ.) белгилаш, ҳар йили ушбу мезонлардан келиб чиқиб, “сот ёки тушунтир” тамойилини жорий этиш, давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан тижорат ва нотижорат мақсадларни белгилаш, давлат иштирокидаги корхоналар ва нодавлат юридик шахслар учун тенг шароит яратиш, жумладан барча давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига айлантириш, давлатнинг мулкдор (акциядор, иштирокчи, муассис) ва тартибга солувчи функцияларини ажратиш ва бошқа бир қатор амалиёт чора-тадбирлар белгиланди.

Шу билан бирга, иқтисодий глобаллашув ва бугунги кун шароитида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамияти фаолияти давомийлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича Раҳбарлик тамойиллари да рискларни бошқариш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилиш белгиланган бўлиб, илҳор хорижий тажрибада корхона фаолияти давомийлигини таъминлашга қаратилган бир қатор механизмлар, жумладан Корхона фаолияти давомийлигини ривожлантириш (Business Continuity Management) тизими мавжуд.

1950 йилда Эдвард Деминг томонидан илгари сурилган Деминг цикли (Deming cycle) ҳозирги кундаги Корхона фаолияти давомийлигини ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Деминг цикли 4 қисмдан (Plan, Do, Check, Act) иборат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини доимий такомиллаштириб туриш учун ишлаб чиқилган.

1970 йилларга келиб, дунё бўйлаб бизнес операциялари кескин равишда компьютерлаштирила бошланди. Компютерлаштирилган бизнес операциялари тез-тез техник носозликлар, маълумотлар йўқотилишига сабаб бўлди, натижада “BCM”ни ривожлантиришга бўлган талаб янада ортди.

Корхона фаолияти давомийлиги корхонанинг ўз бизнес фаолиятини кутилмаган фалокат ёки ҳодиса сабаб жиддий зарар кўришидан сақлаб қолиш қобилияти бўлиб, мазкур механизмни жорий этиш инструменти бўлиб режалаштириш ҳисобланади.

Корхона фаолияти давомийлигини режалаштириш (business continuity planning (BCP) – компаниянинг потенциал таҳдидларни олдини олиш

ва тиклаш тизимини яратиш режаси ҳисобланиб, корхона/ташкилот томонидан ўз бизнес фаолиятдан келиб чиқиб ишлаб чиқилади ва одатда йилда бир марта тест (симуляция) дан ўтказилади. BCP моҳияти жихатидан суғуртага яқин ва харажатли бўлиб, менежерлар одатда уни корхонага тадбиқ қилишни унчалик ҳам хуш кўришмайди.

Корхона фаолияти давомийлиги режаси корхонанинг фаолиятига зарар етказадиган табиий (зилзила, тайфун, эпидемик касаллик) ва инсон омили билан содир бўладиган (киберхужум, террористик ҳаракат) ҳодиса/фалокатлар содир бўлган пайтда, корхонанинг асосий бизнес фаолияти ва кунлик операцияларини тезлик билан тиклаш ва кутилмаган моддий зарарларни юмшатиш имконини беради.

Халқаро тажрибада корхона фаолияти давомийлиги ҳукумат ёки нодавлат ташкилотлар, стандартлаштириш ташкилотлари (мисол учун ISO) орқали тартибга солинади. Одатда стратегик аҳамиятга эга соҳаларда (нефт, газ, энергетика, телекоммуникация, транспорт) фаолият юритаётган корхоналар учун КФДни режалаштириш ва уни узлуксиз янгилаб бориш мажбурий ҳисобланади.

КФДни тартибга солиш учун Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан халқаро стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, Россия, Қозоғистон, Буюк Британия ва бошқа кўплаб давлатлар ўз миллий стандартларини ишлаб чиқишган.

АҚШда 2001 йил 11 сентябрда юз берган воқеалар КФД режасини тузиш нақадар аҳамиятлилигини исботлади, ва натижада дунё бўйлаб кўплаб молиявий институтлар, корхона ва ташкилотлар ўз КФД менежментини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Шунингдек, АҚШда маълум бир корхонада ўз фаолиятига салбий таъсир қиладиган кутилмаган ҳодиса содир бўлганда, бошқалар билан тажриба алмашиш мақсадида уни оммага ошкор қилиш (disruption disclose) белгиланди.

Амалиётда бир қатор ҳолатларда мазкур механизм ўзининг ижобий натижасини берган. Жумладан, Хюстонда (АҚШ) содир бўлган кучли тўфон

сабабли, Капкейк ошхонасининг истемолчиларига хизмат кўрсатадиган бино-иншоотлари буткул вайрон бўлган. Бироқ, олдиндан тайёрланган КФД режасига асосан, ошхона эгаси ўз истемолчилари билан ижтимоий тармоқда доимий алоқада бўлиб турган. Истемолчиларга ошхона тез орада қайта очилишини ва ошхонанинг янги манзили қаерда бўлишини хабар берган ҳолда, ўз истемолчиларини сақлаб қолган ва ошхона тезлик билан савдони қайта тиклаган.

Ўрганилган хорижий тажриба шундан далолат берадики, республикамизда фаолият кўрсатаётган давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларининг кўпчилиги стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги учун уларнинг фаолиятига корхона фаолияти давомийлигини режалаштириш тизимини жорий этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Бунда, корхона фаолияти давомийлигини режасида ВСРни тузишдан мақсад, асосий вазифалар, тузишга асос, уни тарқатиш рўйхати, муқобил сайт режаси (Alternate Site Plan), алоқа режаси (Communications Plan), бизнесга таъсирни таҳлил қилиш (Business impact analysis), қайта тиклаш гуруҳи (Recovery team) ва ВСР ни тестдан ўтказиш масалаларини киритиш таклиф этилади.

Умуман олганда, ВСРни республикамизда фаолият кўрсатаётган давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари фаолиятига жорий қилиш улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони //www.lex.uz

2. Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сон қарори//lex.uz

3. Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарори//lex.uz

4. OECD (2016), OECD Guidelines on Corporate Governance of State-Owned Enterprises, 2015 Edition: (Russian version) OECD Publishing, Paris.

5. ISO 22300:2018 Security and resilience – Vocabulary; ISO 22301:2019 Security and resilience – Business continuity management systems – Requirements; ISO 22313:2013 Security and resilience - Business continuity management systems - Guidance on the use of ISO 22301; ISO/TS 22315:2015 Societal security – Business continuity management systems – Guidelines for business impact analysis (BIA); ISO/PAS 22399:2007 Guideline for incident preparedness and operational continuity management (withdrawn); ISO/IEC 24762:2008 Guidelines for information and communications technology disaster recovery services; ISO/IEC 27001:2013 (formerly BS 7799-2:2002) Information technology — Security techniques — Information security management systems — Requirements, ISO/IEC 27002:2013

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТУТГАН РОЛИ

Маматов Баҳромжон Шавкат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, PhD.

mamatov-bahrom@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзуга доир илмий қарашлари шунингдек, давлат мулкани хусусийлаштиришнинг институционал асослари ва тенденциялари тадқиқ қилинган, давлат мулкани хусусийлаштиришга инвесторларни жалб қилишнинг амалдаги механизмини баҳолаш орқали мавжуд муаммолар тизимлаштирилган ҳолда хусусий капитал жалб қилиш орқали давлат активларини самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида илмий хулосалар келтирилган

Калит сўзлар: Акция, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти, капитал жалб қилиш, давлат иштирокидаги корхоналар, давлат активларини хусусийлаштириш, фонд бозори.

Сингапур 90-йилларнинг ўрталарида дунёнинг энг ривожланган 10 та давлатлари қаторига кирган бўлса, 60-йилларнинг бошларида мамлакатнинг ривожланиш даражаси жуда паст даражада бўлган. 1960 йилда Сингапурда жон бошига ЯИМ 2530 долларни, 1995 йилда эса 21 652 долларни ташкил этди. Ўртача иқтисодий ўсиш суръати йилига 8 фоизни ташкил этган ҳолда, ўртача умр кўриш 65 ёшдан 76 ёшгача кўтарилди. Катта миқдордаги табиий ресурсларга бой бўлмаган ушбу мамлакат ўсиш динамикасининг асосий сабаблари тўғри йўлга қўйилган савдо сиёсати, Трансмиллий компанияларда чет эл сармоясини жалб қилишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати, шунингдек, олиб борилаётган саноат сиёсати ва самарали иқтисодий бошқарувдир. Сингапурнинг саноат сиёсати учта стратегик мақсадни амалга оширишни ўз ичига олди:

- 1) минтақада халқаро иқтисодий фаолиятда етакчи давлатга айланиш;
- 2) ахборот технологияларини ривожлантириш ва қўллашда етакчилик;
- 3) иқтисодиётни минтақалаштириш

Одатда хусусийлаштириш давлат корхоналарини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш ёки мамлакат иқтисодиётига солиқ босимини пасайтириш учун ташқи капитални жалб қилиш мақсадида амалга оширилади. Сингапурга келсак, тўғри йўлга қўйилган саноат ва иқтисодий сиёсат туфайли хусусийлаштириш мақсадлари тубдан фарқ қилди. Тўғри танланган таркибий ислохотларга қаратилган сиёсат Сингапурни импортга қарам бўлган мамлакатлар қаторидан янги инновацион тармоқлар ва умуман олганда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга асосланган юқори технологияли ишлаб чиқариш

ривожланган иқтисодиётга айлантирди. Натижада 1960-1990 йилларда иқтисодий ўсишнинг ўртача суръати 8% га етди ва давлат корхоналарининг фаолияти юқори самарадорлик ва инвестицияларнинг қайтарилиши билан ажралиб турди. Давлат мулкисининг катта қисми икки турдаги ташкилотлардан иборат эди: давлат улуши иштирокидаги корхоналар ва давлат қўмитаси назорати остидаги ташкилотлар.

Тўлиқ ёки кўпчилик улуши давлатга тегишли бўлган, давлат улуши иштирокидаги корхоналар хусусий сектордан кўп фарқланмаган. 1990 йилда Сингапур Статистика қўмитасининг ҳисоб-китобларига кўра, давлат улуши иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 500 тани ташкил этган, улардан 142 таси давлат улуши мажоритар (50%+1) бўлган. Корхоналарнинг тугатилиб кетиш ҳавфининг мавжудлиги ва давлат ёрдамидан фойдаланишнинг имкони йўқлиги, иқтисодий фойдани бош мақсад сифатида кўриб, мустақил қарорлар қабул қилишга ундайди.

Бунинг яққол намунаси 1990-ларда содир бўлган СингТел телекоммуникация компаниясининг қисман хусусийлаштирилишидир. Компаниянинг улушини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда, СингТел Жанубий минтақада етакчи ўринни эгаллаган ҳолда йиллик даромади 1 миллиард АҚШ долларни ташкил этарди. Сингапур ҳукумати бирламчи IPOда телекоммуникация компаниясида давлат улушини камайтириш орқали, бир қатор мақсадларга эришди:

- 1) компаниянинг мослашувчанлигини ошириш ва уни глобаллаштириш;
- 2) тижоратлаштириш ва рақобатбардошликни ошириш;
- 3) Сингапур фонд биржасини ривожлантириш;
- 4) телекоммуникация саноатини эркинлаштириш.

1993 йил кузида СингТел IPOга қўйилди. Давлатнинг 11 фоиз акциялари савдога чиқарилди, қолган қисми Темасек холдинг назорати остида қолди. Ушбу савдо Сингапур фонд биржаси тарихидаги энг йирик IPOбитими эди. Сотиш учун акциялар 3 турга бўлинди: А ва В - аҳолининг фаровонлигини ошириш ва иқтисодий бошқарувда янада фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида аҳолига имтиёзли нархда (нархнинг 50 фоизи) сотилади; С - хорижий инвесторларга сотиш учун мўлжалланганди. 1996 йилда фонд биржасида иккиламчи оммавий акцияларни жойлаштириш савдоси амалга оширилди, бу эса компаниядаги давлат улушини 82 фоизга туширишга олиб келди. 2000 йилда Сингапурда телекоммуникация бозорининг тўлиқ либераллашуви рўй берди ва СингТел табиий монополияни тўхтатди. 2001 йилда Австралиядagi иккинчи энг йирик телекоммуникацион компания Оптус сотиб олинди. Шу билан бирга, компания минтақа бозорларига (Индонезия, Филиппин, Ҳиндистон, Бангладеш), шунингдек турли хил инновацион компаниялар ва йўналишларга инвестициялар киритди. Натижада, СингТелга 2015 йилда нафақат Сингапур бозорини бошқаришни, балки жаҳон бозорида 20 та энг катта иштирокчилардан бири бўлишга имкон берди, «2019 йилда 17.37 млрд АҚШ доллари миқдорида даромад кўради». Хусусийлаштиришни аниқ ва пухта режалаштирилган ривожланиш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш иқтисодиётга нафақат ташқи

капитал олиб келиши, балки, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозордаги ўрнини мустаҳкамлаши мумкин

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Маматов Бахромжон Шавкат ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, PhD.
mamatov-bahrom@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Хитойнинг давлат секторини ислоҳ қилиш йўллари келтирилган. Давлат компанияларини сотишга эмас, балки рақобатбардошлик ва бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кетма кетлиги ўрганилган. Ўзбекистонда давлат улуши мавжуд корхоналарга хусусий капиал жалб қилиш орқали самарадорликни ошириш йўллари тўғрисида илмий хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат улуши, капитал самарадорлиги, активлар самарадорлиги, инвестициявий жозибадорлик.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси унда яратилган инвестиция муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инвестиция муҳитининг қулайлиги инвестиция фаолиятининг ривожланиши, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишнинг кўлами, йўналишлари ва самарадорлигига таъсир қилади. Шунинг учун, юқори инвестиция жалб қилиш меъёрига эга бўлган мамлакатлар, бошқа шарт-шароитлар бир хиллиги ҳолда, одатда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлмоқдалар.

Хусусий секторнинг мавжуд бўлиши бозорда молиявий рағбат учун рақобат шаклланишини таъминласа, давлат сектори кўпчилик ҳолларда иқтисодий мақсадларга эришишни ўзининг бош мақсади сифатида кўрмайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, давлат сектори ишлаб чиқаришни максимал даражада ошириш ва ресурсларни самарали тарзда тақсимлаш учун етарли даражадаги юқори мотивация эга бўлмайди, бу эса ҳукуматнинг кўп харажатли, кам даромадли корхоналарни бошқаришга сабаб бўлади.

Хусусийлаштириш тўғридан-тўғри иқтисодий мақсадларнинг сиёсий мақсадлардан устун бўлишига йўналтирилади, бу бозор иқтисодиётини ривожлантиришга олиб келади. Хусусийлаштириш орқали ҳукуматнинг иқтисодиётдаги ўрни қисқаради, шунинг учун ҳукуматнинг иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли камроқ бўлади.

Давлат тасарруфидан чиқариш давлатга иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш имконини берадиган иқтисодий механизмлардир. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий омили мулкни бошқариш самарадорлиги ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида, иқтисодиётнинг истиқболли ва юқори технологияларга асосланган тармоқларидаги давлат корхоналарига хорижий инвестицияларни

жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда жаҳон инвестициялар бозорларига кучли интеграциялашувни таминлаш, хорижий инвестицион банклар ва фондлар билан инвестициявий йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамда, халқаро фонд бозорларидан мамлакатга портфел инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш муаммолари ва давлат активларини тўғридан-тўғри хорижий инвесторларга сотиш афзалликлари белгилаб берилган.

Эллиот ва Склар томонидан нашр этилган илмий ишларида, хусусий корхоналар давлат корхоналарига қараганда самаралироқ, чунки хўжалик юритиши жиҳатидан тежамли, меҳнат унумдорлиги юқори ва қонунчилик чекловлари кам бўлади деган назария илгари сурилган. Хусусийлаштириш тарафдори бўлган Савас хусусийлаштиришнинг турли хил усулларидан тўғри фойдаланишни намоён этиш этувчи хусусийлаштириш назарияси, амалиётини ва хизматларни алтернатив равишда тақдим этиш механизмларини тавсифлайди²⁰.

Бозор иқтисодиётидаги давлатнинг институционал ёндошувдаги ролини ўрганишда Ж.Стиглицнинг хизматлари катта аҳамиятга эга бўлиб, унда «бозор камчиликлари»ни аниқлаган иқтисодиётнинг давлатдаги тутиш мотивлари ўрганилган.²¹

Марказий осий мамлакатлари орасида давлат корхоналари орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш Тожикистонлик олим Р.Б. Бердиев томонидан ўрганилган бўлиб, Р.Б. Бердиев фонд бозорлари ривожланмаганлигини давлат улуши мавжуд корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилишда асосий тўсқинлик қилувчи фактор сифатида кўради²².

Тарихда мамлакат, давлат секторини ислоҳ қилиш туфайли нафақат кўшимча молиялаштиришни жалб қилиш, балки янада самарали бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш орқали иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ўтишга қодир бўлганига бир қатор мисоллар мавжуд. Ижобий ўзгаришларга эришган давлатлар орасида Хитой, Сербия, Венгрия ва Полшани ажратиб кўрсатиш мумкин. Бошқа томондан, Россияда давлат секторининг сотилиши хусусийлаштиришнинг бундай усулда амалга оширилмаслиги кераклигининг намунаси.

Хитойнинг давлат секторини ислоҳ қилиш йўллари Шарқий Европа тажрибасидан сифат жиҳатидан фарқ қилди. Дастлаб, Хитойда давлат компанияларини сотишга эмас, балки рақобатбардошлик ва бошқарув самарадорлигини оширишга эътибор қаратилди. Бу жараённи уч босқичга амалга оширди:

1. 1978-1983. Давлат компанияларининг автономлигини (мустақиллигини) ошириш ва молиявий марказсизлаштириш.

²⁰Sclar, Elliot, 2000. Вы не всегда получаете то, за что платите: экономика приватизации. Ithaca, Нью-Йорк: Издательство Корнелльского университета.

²¹Андрефф В. Российская приватизация: подходы и последствия. Вопросы экономики № 6, 2004; Россия – 2015 / Под ред. акад. Л.И. Абалкина. М.: ММВБ, 2000; Сажина М.А. Научные основы экономической политики государства: Учебник. М.: НОРМА, 2001;

²² Бердиев Р.Б. Роль приватизации в привлечении иностранных инвестиций (на материалах Республики Таджикистан): дис. – Таджикский государственный аграрный университет, 2006. - С. 135.

Асосий ғоя давлат секторида ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун рағбатларни кучайтириш эди. 1978 йил октябр ойида Сичуан провинцияси ҳукумати танланган 6 корхонада автономияни кенгайтириш бўйича эксперимент лойиҳани бошлади. Ушбу корхоналарда маркетинг, инновацион ривожланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилаш, режадагидан ортиқча даромадларни тасарруф этиш имконияти берилди. Келгусида тушган маблағлар учта йўналишда тақсимланиши мумкин эди: ижтимоий фаровонликни ошириш, инвестиция киритиш ва ходимларга бонусларни тўлаш. «Тажрибавий амалиётда қатнашаётган корхоналар сони 6 тадан 1979 йилда 4,200 тагача ўсди ва 1980 йилда деярли 10000 тага етди ва ўз ичига ўрта ва йирик корхоналарни қамраб олди»²³.

1980 йилдан бошлаб фискал номарказсизлаштириш босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Шу пайтгача фискал даромадларнинг катта қисми маҳаллий ҳокимият томонидан тўпланган ва юқори бюджетларга юборилган. Кейинчалик марказий ҳокимият провинцияларнинг эҳтиёжлари учун маблағларнинг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органларига қайтарарди.

2. 1984-1991. Икки томонлама нархлар тизими ва “шартномавий мажбуриятлар тизими».

Давлат корхоналарининг автономлигини ошириш мақсадида 1984 йилда икки томонлама нархлар тизими (режали ва бозор) жорий этилди. Шундай қилиб, бир томондан, давлат компаниялари сотиш, фойда ва маҳсулдорликни ошириш бўйича белгиланган режаларни бажаришлари керак эди. Бошқа томондан, режалаштирилган маҳсулотларни сотиш учун бозор механизмларидан фойдаланиш имконияти юзага келди.

3. 1992-1996 йиллар. Бозор иқтисодиётини шакллантиришга ва акциядорлик жамиятларини шаклланиришга йўналтириш.

Дэн Сяопин расмий равишда Хитой иқтисодиётида бозор механизмларини яратишга эътибор қаратишни эълон қилди. Шунини таъкидлаш керакки, айрим сиёсий сабабларга кўра улар «хусусийлаштириш» атамасини ишлатмасликка ҳаракат қилишди ва хусусийлаштириш атамасини "иқтисодий тизимни ўзгартириш" билан алмаштиришди. 1993 йилда давлат корхоналарининг капитал таркибини диверсификация қилиш механизми қабул қилинди ва шу орқали хусусий инвесторга мулкдорлардан бири бўлишга имконият яратилди²⁴.

1995 йилда Хитой ҳукумати «Катталарни сақлаб, кичикларга йўл беринг»²⁵ деган ислохот дастурини эълон қилди. Асосий мақсад давлат секторини ислох қилиш ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини камайтириш эди. Асосий ғоя шундан иборат эдики, давлат назорати фақат стратегик соҳалардаги йирик давлат корхоналари устидан сақланиши керак.

²³Tsui, A. S., Bian, Y., & Cheng, L. K. H. (2006). China's domestic private firms: Multidisciplinary perspectives on management and performance. MESHARPE.

²⁴Wang S. S., Jiang L. Location of trade, ownership restrictions, and market illiquidity: Examining Chinese A-and H-shares //Journal of Banking & Finance. – 2004. – Т. 28. – №. 6. – С. 1273-1297.

²⁵Wu J. Market socialism and Chinese economic reform //A paper submitted to the IES's Round Table on "Market and Socialism Reconsidered". Available at bm. usk. hk. – 2004.

1990-1991 йилларда Шанхай ва Шензжен биржалари очилди²⁶, кейинчалик улар хусусийлаштириш бўйича амалга оширилган битимларнинг асосий савдо майдонларига айланди.

Хитойда акцияларнинг 4 асосий тури ажратиб кўрсатилган. Жисмоний шахслар учун сотишга мўлжалланган акциялар (А-акциялар) фақат хитой юанига сотилган. 1993 йилда қабул қилинган «Корхоналар тўғрисида» ги қонунга биноан, А-акциялари IPOга кирган компаниянинг эмиссия қилинган барча акцияларининг камида 25 фоизини ташкил қилиши керак эди (яъни компаниянинг камида тўртдан бир қисми маҳаллий мулк эгаларига тегишли бўлиши керак). Ўз навбатида, хорижий инвесторлар учун мўлжалланган Аакциялари (Гонконг долларларида Макао, Гонконг ва Тайван резидентлари томонидан сотилган) ҳамда Н ва Н-акцияларга (Гонконг ва Нью-Йорк биржаларида сотилган) бўлинган. Хитой компанияларининг чет эл инвесторлар учун мўлжалланган акциялари (В-, Н- ва Н-тип) А туридаги акциялар нархига чегирма билан хорижий инвесторларга сотилган²⁷.

Умуман олганда, «акцияларни сотиш орқали хусусийлаштириш, капитал таркибини сезиларли даражада диверсификациялаш ва Хитой иқтисодиётидаги давлатнинг ролини 78% дан 30% гача камайтириш имконини берди. 4000 га яқин давлатнинг ўрта ва кичик корхоналари қайта тузилди. Гао ва Меггинсон ҳисоб-китобларига кўра, қисман хусусийлаштириш натижасида Хитой 566 миллиард АҚШ долларига яқин маблағни қўлга киритди»²⁸.

Хитойда давлат секторини қайта қуриш, бир томондан, иқтисодий ўсишнинг ўзига хос манбасига айланди, аммо бошқа томондан, меҳнат бозорида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Лийнинг томонидан ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига кўра «1998 йилдан 2004 йилгача ўтказилган ислохотлар натижасида давлат корхоналарида ишловчиларнинг қарийб 60% қисқарган. Ушбу даврда давлат ва коммунал мулк корхоналаридаги пасайишларнинг умумий сони қарийб 30 миллион кишини ташкил этди»²⁹.

Хитой ҳукумати менежмент амалиётида ривожланган мамлакатлардан сезиларли даражада ортда қолаётганини аниқ билган ва менежмент соҳасидаги Ғарб тажрибаси ва билимларини қабул қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларида хусусийлаштириш жараёнларини тугаллаш, банк капиталини оширишга акциялар дивидендига қизиқадиган хорижий портфель инвесторларни жалб қилиш учун, аввал тижорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичларини кўтариш керак.

Давлат улуши юқори бўлган банклардаги мавжуд менежментдан ушбу вазифанинг бажарилишини кутиш қийин. Шунинг учун, ушбу ҳолда ҳам Хитой

²⁶Tian L. Government shareholding and the value of China's modern firms. – 2001.

²⁷Sun Q., Tong W. H. S. China share issue privatization: the extent of its success //Journal of financial economics. – 2003. – Т. 70. – №. 2. – С. 183-222.

²⁸Huang Y., Kalirajan K. P. Enterprise reform and technical efficiency of China's state-owned enterprises //Applied economics. – 1998. – Т. 30. – №. 5. – С. 585-592..

²⁹Van Quan N., Giao V. C. E-government and State Governance in the Morden Time //VNU Journal of Science: Legal Studies. – 2019. – Т. 35. – №. 3.

тажрибасидан келиб чиққан ҳолда банклар устидан самарали ташқи бошқарувни ташкиллаштириш учун хусусийлаштирилиши лозим бўлган банклардаги давлат акциялар пакети халқаро молия институтларига ишончли бошқарувга берилиши мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Халқаро молия институтлари зиммасига тижорат банки капитал рентабеллигининг кўтарилиши масъулияти юкланиши учун унга корпоратив бошқарув усуллари доирасида кенг ваколатлар берилиши лозим. Бундай ёндашув давлат улуши юқори бўлган корхоналарга ҳам қўлланилиши мумкин. Уларнинг хорижий инвесторлар назарида инвестицион жозибadorлигининг ошишига сабабчи бўлиши мумкин экан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sclar, Elliot, 2000. Вы не всегда получаете то, за что платите: экономика приватизации. Ithaca, Нью-Йорк: Издательство Корнелльского университета.

2. Savas, ES 1987. Приватизация: ключ к лучшему правительству . Чатем, штат Нью-Джерси: Чатем Хаус.

3. Андрефф В. Российская приватизация: подходы и последствия. Вопросы экономики № 6, 2004; Россия – 2015 / Под ред. акад. Л.И. Абалкина. М.: ММВБ, 2000; Сажина М.А. Научные основы экономической политики государства: Учебник. М.: НОРМА, 2001;

4. Бердиев Р.Б. Роль приватизации в привлечении иностранных инвестиций (на материалах Республики Таджикистан): дис. – Таджикский государственный аграрный университет, 2006. - С. 135.

5. С.Э. Элмирзаев, Б.Ш. Маматов Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув - Иқтисодиёт ва таълим №1. 2020;

6. Mikhail Khamidulin, Dilfuza Rakhimova, Shakhlo Abdullaeva, Muyassarhon Ganieva, and Bahramjon Mamatov. Successful privatization of state property: factors and their impact on efficiency.

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РОЛИ

Хайдаров Бахтиёр Халимович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчи
b.khaydarov1@gmail.com*

Аннотация

Мақолада давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларининг иқтисодиётдаги роли юзасидан чет эл олимларининг қарашлари, республикада фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг иқтисодиётдаги ўрни кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари, корпоратив бошқарув, ялпи ички маҳсулот, стратегик соҳалар

Кўплаб мамлакатларда стратегик аҳамиятга эга коммунал, транспорт, энергетика ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган давлат улуши мавжуд

акциядорлик жамиятларининг фаолияти фуқароларнинг кундалик ҳаётига ва иқтисодиётнинг ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Жаҳон банки [1] маълумотларига кўра, давлат корхоналари COVID-19 пандемиясидан олдин муҳим роль ўйнаган ва пандемиядан кейинги даврда ҳам шундай бўлади. Давлат корхоналари сўнгги йигирма йил ичида энг йирик ва энг тез ривожланаётган трансмиллий компаниялардан бўлди. Халқаро валюта жамғармаси[2] тадқиқоти шуни кўрсатдики, сўнгги 10 йил ичида дунёнинг энг йирик корпорациялари орасида давлат корхоналарининг аҳамияти икки баравар ошган: уларнинг активлари 45 триллион АҚШ доллари миқдорида ҳозирда жами глобал ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизини ташкил этади.

Бир қатор чет эл профессор олимлари томонидан давлат улуши мавжуд корхоналарнинг иқтисодиётдаги роли тадқиқ этилган бўлиб, жумладан, Ж. Жонсон, К. Шоулз ва Р.Уиттингтонларнинг[3] хулосасига кўра, давлат иштирокидаги корпорацияларнинг асосий функцияси бўлиб, миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг стратегик устуворликларини корпоратив механизмлар орқали амалга ошириш ҳисобланади.

Р.Кловиен, Э.Гимзаускиен ва Д.Мисиунаслар [4] Болтиқбўйи мамлакатларидаги давлат иштирокидаги корхоналар энергия, сув, жамоат транспорти, алоқа, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий хизматлар каби давлат хизматларининг асосий субъектлари сифатида тан олган. Муаллифлар томонидан давлат иштирокидаги корхоналар мамлакат ялпи ички маҳсулотига сезиларли ҳисса қўшишини ҳисобга олиб, уларнинг фаолиятини тўғри баҳолаш тизими зарурлигини таъкидланган.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш ва унинг ҳолатини баҳолаб бориш жуда муҳим ҳисобланади.

Л.Путтерман ва Х.Донг [5] томонидан олиб борилган тадқиқотда Хитойда давлат корхоналарининг иқтисодиётдаги роли ўрганилган бўлиб, уларнинг хулосасига кўра, давлат корхоналари иқтисодий ўтиш даврида кенг кўламли бандликни таъминлагани, ижтимоий барқарорлик ва умумий фаровонликни оширгани қайд этилган.

Худди шундай К.Нақви ва Э.Гинтинг [6] хулосасига кўра, давлат корхоналари энергия, транспорт, сув ва табиий ресурсларни ўрганиш каби кўплаб соҳаларда муҳим инфратузилма ва давлат хизматларини тақдим этишда катта ҳисса қўшади.

Юқорида номлари келтирилган хорижий олимлар томонидан аҳоли учун зарур, хусусий сектор учун норентабел бўлган, таянч хизматларни кўрсатишда давлат иштирокидаги корхоналарнинг роли муҳим эканлигини эътироф этишган.

Ф.Нита, С.Тегух [7] томонидан Индонезиядаги давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли ўрганилиб, улар корхоналарнинг давлат даромадидаги ҳиссаси 24 фоизни, давлат корхоналарининг даромад, соф фойда ва капитал ҳажми бўйича иқтисодиётга қўшадиган ҳиссаси нисбатан пастлигини таъкидлаб, тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, кўплаб давлат корхоналари ҳали самарали ишламаганлиги қайд этилган.

А.Адеми ва Б.Аккерс [8] томонидан давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётга потенциал муҳим ҳиссасига қарамай, улар кўпинча корпоратив бошқарув билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келишини кўрсатиб ўтишган.

Папенфуб [9] ўз ишида давлат корхоналарида корпоратив бошқарув муаммолари кўлами хусусий корпоратив тузилмаларга қараганда юқори эканлигини таъкидлаб ўтган.

А.Якимовнинг фикрига кўра, давлатнинг иштирокидаги корпорацияларнинг ролини куйидагича тавсифлайди: “давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари давлат назорати ва иқтисодиётнинг турли тармоқларини стратегик ривожлантириш устуворликларини таъминлаш функцияларини корпоратив механизмлар орқали амалга оширади, давлат бюджети даромадларининг маълум қисмини дивидендли даромад ҳисобидан шаклланишига кўмаклашади” [10].

Номлари юқорида зикр этилган иқтисодчи олимлар давлат иштирокидаги корхоналарнинг асосий функцияларидан бири сифатида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини корпоратив механизмлар орқали амалга ошириш ҳамда уларда корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш зарурлигини эътироф этишади.

Республикада фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари ва уларнинг иқтисодиётдаги ролини баҳолаш учун дастлаб уларнинг сони ва улардаги давлат улуши миқдорини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Акциядорлик жамиятларининг сони ва уларнинг акциялари³⁰

Т/р		2002	2005	2008	2011	2014	2017	2020	2022	2002 й.га нисбатан
1.	АЖ сони	4 716	2 114	1 826	1 309	1 090	606	599	628	13%
2.	Давлат улуши мавжуд АЖ	2 660	293	465	427	395	177	254	223	8%
2.1	Умумий АЖ сонига нисбатан	56,4	13,9	25,5	32,6	36,24	29,2	42,4	35,5	-20,9
3.	Акциялар номинал қиймати, трлн сўм	1,9	2,8	4,5	7,6	12,7	48,6	149,5	166,7	8 773%
3.1	давлат улуши, фоизда	46,1	36,4	51	49,3	56,3	79,1	85,3	80,7	34,6

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари сони 2002 йилнинг бошида 2 660 та ёки акциядорлик жамиятлари умумий сонидан 56,4 фоизни (акциялар умумий номинал қийматидан 46,1 фоиз) ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб улар сони жиҳатдан 12 баробардан зиёдроқ камайган бўлсада, акцияларнинг умумий номинал қийматига нисбатан 34,6 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

³⁰ Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотлари асосида шакллантирилди.

Мазкур давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига 183 минг 705 нафар шахс иш билан банд³¹, ушбу жамиятларнинг 149 таси давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этса, 74 тасида 50 фоиздан кам ҳисобланади. Масалан, “Жондор пахта тозалаш” АЖ (0,16 фоиз), “Намангандонмахсулотлари” АЖ (0,52 фоиз), “Гарантбанк” АТБ (0,01 фоиз), “Трак Уо‘ли” АТБ (0,1 фоиз) ва бошқалар.

Халқаро тажриба шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларининг листингга киритилиши мазкур жамиятларда корпоратив бошқарув нисбатан юқори даражада йўлга қўйилганидан ва юқори талабларга жавоб беришидан далолат беради.

Республикамизда қимматли қоғозлари “Тошкент” РФБ листингга киритилган жамиятлар таҳлил қилинганда, листингга киритилган жамиятларнинг кўпчилигида давлат улуши мавжудлиги аниқланди. Жумладан, давлат улуши назорат пакетидан, яъни 50 фоиздан кам бўлган “Товар хом ашё биржаси” АЖ (давлат улуши 26 фоиз) уч йилдан бери листингни энг юқори тоифасига киритилган.

2-жадвал

**“Тошкент” РФБда листингга киритилган
қимматли қоғозлар эмитентлари³²**

Т/р	Листингга киритилган	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2022 йилнинг 2019 йилга нисбатан
1	Қимматли қоғозлар сони	112	144	136	107	95
1.1	шундан давлат улуши мавжуд жамиятлар қимматли қоғозлари	73	89	72	60	82,2
2.	Давлат улуши мавжуд жамиятлар қимматли қоғозларнинг умумий листингга киритилганга нисбатан, фоизда	65,2	61,8	52,9	56,1	

2019 йил якуни бўйича листингга жами 112 та қимматли қоғозлар киритилган бўлса, шундан 73 тасининг ёки 65 фоизининг эмитенти давлат улуши мавжуд корхона ҳисобланади. 2019 йил якунига нисбатан 2022 йил якуни бўйича листингга киритилган қимматли қоғозлар сони 5 фоизга давлат улуши мавжуд корхоналар қимматли қоғозлари сони 18 фоизга камайган. Давлат улуши мавжуд жамиятларга тегишли қимматли қоғозлар сонининг камайишини амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари ва хусусий секторнинг фонд бозорига қизиқиши ортиши билан изохлаш мумкин.

³¹ Статистика агентлиги маълумот (www.stat.uz)

³² “Тошкент” РФБ сайти (www.uzse.uz) маълумотлари асосида шакллантирилди.

**“Тошкент” РФБда амалга оширилган
битимлар ҳажми³³**

Т/р	Кўрсаткичлар	2020й.	2021й.	2022й.	2022 йил 2020 йилга нисбатан, фоизда
1	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар ҳажми, млрд сўмда	504,4	1 145,4	4 705,7	932,9
1.1	шундан давлат улуши мавжуд жамиятлар қимматли қоғозлари иштирокида, млрд сўмда	128,1	275,2	374,6	292,4
1.2	шундан давлат улуши мавжуд жамиятлар қимматли қоғозлари иштирокида, фоизда	25,4	24,0	8,0	
2.	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар сони	35 784	71 182	80 650	225,4
2.1	шундан давлат улуши мавжуд жамиятлар қимматли қоғозлари иштирокида, млрд сўмда	29 970	57 664	64 805	216,2
2.2	шундан давлат улуши мавжуд жамиятлар қимматли қоғозлари иштирокида, фоизда	83,7	81,0	80,3	

“Тошкент” РФБда амалга оширилган битимлар ҳажми ва сони таҳлили натижасида, давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлари билан амалга оширилган битимлар ҳажми тегишлича 2020 йилда 25,4 фоиз, 2021 йилда 24,0 фоиз ва 2022 йилда 8,0 фоизни ташкил этган бўлсада, битимлар сони деярли ўзгармаган (2020 йилда 83,7 фоиз, 2021 йилда 81 фоиз, 2022 йилда 80,3 фоиз). Фонд бозори ривожланган мамлакатларда асосий эътибор битимлар сонига қаратилишини инобатга олиб, республикамизда котировка учун асос ҳисобланган асосий нархлар давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлари ҳисобига шаклланаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу албатта, фикримизча, яхши тенденция, сабаби давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларида миноритар акциядорлар қанча кўп бўлса, уларнинг фаолияти очиклиги ва шаффофлиги шунча юқори даражада таъминланади.

Экспертларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида давлат иштирокидаги корхоналарнинг улуши 55 фоизни ташкил этади. Россияда бу кўрсаткич 35 фоиз, Сингапурда 15 фоиз, ривожланган мамлакатларда ўртача кўрсаткич – 20-25 фоиз³⁴.

Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларининг иқтисодиётдаги улуши юқори деган хулосага келган ҳолда, уларни босқичма-босқич қисқартириш ва стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат ихтиёрида қоладиган жамиятларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

³³ “Тошкент” РФБ сайти (www.uzse.uz) маълумотлари асосида шакллантирилди.

³⁴ <https://www.spot.uz/ru/2020/03/17/business-vs-gov/>

Фойдаланилган адабиётлар

1. Building SOE Crisis Management And Resilience Emerging Practices and Lessons Learned during the COVID-19 Crisis, 2022, World Bank Group, Page 3
2. <https://www.imf.org/en/Blogs/Articles/2020/05/07/blog-state-owned-enterprises-in-the-time-of-covid-19>
3. Джонсон Дж., Шоулз К., Уиттингтон Р. Корпоративная стратегия. Теория и практика. – М.: Вильямс, 2007. – С. 71.
4. Kloviene Ruta, Edita Gimzauskiene and Dalius Misiunas. 2015. The Significance of SOEs Performance Measurement as Policy Instrument in Baltic Countries. *Procedia - Social and Behavioral Sciences* 213: 286–92.
5. Putterman, Louis, and Xiao-Yuan Dong. 2000. China's State-Owned Enterprises: Their Role, Job Creation, and Efficiency in Long-Term Perspective. *Modern China* 26(4): 403–47.
6. Naqvi K, Ginting E. 2020. State Owned Enterprises and Economic Development in Asia. ADB Publication: Reforms, Opportunities, And Challenges For State Owned Enterprises, Chapter 1: 1-44
7. Nita Ferdiana, Teguh Sugiyarto 2022: State-Owned Enterprises (SOEs): The Role in Economic Development and The Determinant of Its Performance, *Jurnal Ekonomi dan Kebijakan Pembangunan* 11(2): 91-107
8. Adeyemi Adebayo and Barry Ackers, 2022: Insights on Corporate Governance Practices of State-Owned Enterprises (SOEs). *Journal of Accounting and Investment* Vol. 23 No. 1, January 2022
9. Papenfuß, U. (2020). Corporate governance of state-owned enterprises: Conceptualization, challenges and perspectives for the public corporate governance field. In Bernier, L., Florio, M., & Bance, P. (Eds.), *The Routledge Handbook of State-Owned Enterprises (1st ed.)*
10. Якимов А.В. Корпорации с государственным участием//Инвестиции и инновации в промышленности. – 2014. – № 7. – С. 12.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫМИ АКТИВАМИ И ВОЗМОЖНОСТИ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Нуралиев Рустам Тургунович

к.э.н., заведующий отделом

*Центра исследования проблем приватизации
и управления государственными активами*

E-mail: nuraliev2306@mail.ru

Аннотация

Учитывая возрастающую в последнее время роль и значение управления государственными активами, нами проведена аналитическая работа, что показала, насколько управление государственными активами имеют существенное значение в экономике любой страны. Были изучены опыт некоторых зарубежных стран в управлении государственными активами, методы и подходы по его управлению, сделаны выводы и предложения.

Ключевые слова: государственные активы, рыночные отношения, государственные предприятия, зарубежный опыт, приватизация, корпоративное управление, наблюдательный совет, ОЭСР.

Вопросы управления государственными активами и пути дальнейшего совершенствования, методы и принципы его преобразования в другие формы собственности, во всех странах рассматривались в первоочередном порядке с целью создания рыночных отношений в своей экономике.

Однако в каждой отдельно взятой стране при управлении и преобразовании государственного имущества имеются свои отличия и особенности. В мире существуют страны с высоким уровнем развития рыночных отношений, такие как США, Великобритания, Япония, Италия, Франция, Германия и Канада и в этих странах государственный сектор экономики в большей или меньшей степени присутствуют в зависимости от необходимости их сохранения.

Сторонники госсектора экономики указывают, что он позволяет создавать естественные монополии (электро-, газо-, водоснабжение и т. д.), обеспечивать национальную безопасность (оборонный сектор), общественные услуги (почта, образование, наука и т. д.), преодолевать отрицательные внешние эффекты (экологические и др.), способствует достижению социальной справедливости, что проявляется в перераспределении национального богатства [1].

Государственные активы имеют существенное значение в экономике любой страны. Несомненно, они являются неотъемлемой частью государства, его опорным звеном в системе хозяйственных отношений. Они обладают уникальными свойствами, с помощью которых практически неограниченно удовлетворяются основные общественные потребности, и экономика функционирует в согласии с национальными экономическими интересами. Именно с их помощью решаются сложные макроэкономические проблемы, осуществляются крупные инвестиционные программы, обеспечиваются условия для непрерывного процесса воспроизводства национального капитала.

В целях более эффективного управления государствами активами такие объекты публичной собственности (государственная и коллективная собственность) в некоторых странах Организации Экономического Сотрудничества и Развития (ОЭСР) группируются согласно их сферам деятельности. Затем в рамках каждой сферы деятельности они ранжируются согласно важности социальных задач, которые выполняют данные предприятия. Доля владения государством собственности в государственных предприятиях зависит от степени важности принятия решения по таким предприятиям.

В целом больше половины государственных предприятий в странах ОЭСР (их 36) полностью принадлежат государству, в 20 % государственных предприятиях государство имеет преобладающую долю собственности [2].

В Германии, к примеру, государство владеет предприятиями полностью или частично согласно решениям Бундестага Германии, Бюджетного Комитета и Комитета по аудиту, а также на основе рекомендаций и предписаний Федерального суда аудиторов. Одновременно существует коллективная

собственность на некоторые объекты. Такие предприятия могут принять правовую форму в виде акционерных обществ и товариществ с ограниченной ответственностью, а также иные формы коллективной собственности. Законодательство Германии запрещает участие федеральных властей в качестве акционеров в Открытых торговых ассоциациях и в Партнерствах с ограниченным владением доли.

В Швеции большинство государственных предприятий зарегистрировано в качестве акционерных обществ и товариществ с ограниченной ответственностью, и они действуют согласно закону «О предприятиях». Одновременно существуют Управление аэропортами и Национальная энергетическая система, функционирующие как государственные предприятия в рамках отдельных законодательных актов. Права собственности сконцентрированы в одном или нескольких госорганах и холдингах. Этот орган коммерчески ориентирован и профессионален, организован в качестве поставщика общественных услуг, подотчетен вышестоящим государственным органам. Интересы государства как собственника реализовываются через механизмы корпоративного управления, в том числе назначение совета директоров, утверждение стратегий развития, планов развития (бизнес-планов), одобрения инвестиций, финансовых инструментов, ключевых фигур управления, через систему найма и оплаты труда работников, дивидендную политику и другое [3].

В Великобритании государственные предприятия имеют три вида правовой формы: а) компании с ограниченной ответственностью и акционерные общества, работающие согласно закону «О предприятиях»; б) корпорации, учрежденные на основании особого акта Парламента; в) торговые фонды, которые также являются исполнительными органами различных министерств. Деятельность данных торговых фондов регулируется отдельными законами по категориям государственных предприятий [4].

Система контроля объектов государственной собственности за рубежом является всеобъемлющей и охватывает не только контроль использования бюджетных средств, но и деятельность объектов государственной собственности.

Исследования показывают, что наличие государственных предприятий считается необходимым в случаях, когда:

- существует необходимость содержать низкорентабельные или капиталоемкие, но жизненно важные для общества производства и предприятия, не выгодные для частного сектора (инфраструктура, экологические предприятия, некоторые виды наукоемких производств и тому подобное);
- государство стремится контролировать те отрасли, которые оно считает важными для экономики или обороны страны [5].

В целом в мире организационно-правовая форма акционерного общества признана более эффективной для компаний, действующих в рыночных условиях. Они позволяют государству быть полноценным участником рыночных отношений, сформировать механизм воспроизводства и использования госсобственности, иметь дополнительный доход от продажи акций. При этом

сохраняют контроль над предприятием, увеличивают капитал за счет дополнительных эмиссий, расширяют возможности слияния и концентрации, привлекают долговое финансирование без переноса обязательств на другие активы государства, имеют дополнительные механизмы контроля и оценки эффективности деятельности [6].

Мировой опыт свидетельствует о множестве задач, решаемых с помощью приватизации предприятий. Сюда можно отнести повышение рентабельности предприятий, сокращение правительственных расходов, увеличение поступлений в бюджет, ликвидацию внутренней и внешней задолженности, борьбу с монополизмом, расширение рынка капиталов, увеличение инвестиционного спроса населения, привлечение работников к участию в капитале компании, что в итоге приведет к повышению эффективности управления государственными активами. В соответствии с ними будет проведена оптимизация структуры государственной собственности, активизирована работа по приватизации и ограничению участия государства в тех сферах, где сегодня представлен частный сектор.

Таким образом, опыт управления государственными активами различных странах показал важность государственной собственности. Правительства многих развитых стран все еще сохраняют контроль над государственной собственностью.

Вместе с этим необходимо отметить, что приватизация государственной собственности - это очень серьезное и ответственное мероприятие, может иметь как положительные, так и отрицательные результаты.

Во многих странах (Европа, США, Китай) большинство активов продавалось иностранным инвесторам, которые принесли с собой новые технологии и управленческие модели. Причем им продавалась не часть предприятия, а пакет акций целиком. Другой, куда более важный связующий фактор — это хорошая институциональная среда, которая обеспечивала права собственности и их полноценную защиту, помогла демонополизировать отрасли экономики и поддерживать их справедливое регулирование.

Вместе с этим имеется и отрицательная сторона приватизации государственного имущества, например в 90-х годах многие латиноамериканские страны стремились приватизировать телекоммуникационные активы и авиакомпании. Распродажа последних уже через два года показала негативный эффект, а примерно то же произошло и с телекоммуникационным сектором все вышло иначе. На волне бума интернет-компаний эти активы пользовались высоким спросом, из-за чего их стоимость безосновательно завышалась. Первое время частным управленцам удавалось повысить операционные и финансовые результаты компаний, но из-за системного кризиса в интернет отрасли и череды банкротств компаний по всему миру достижения быстро сошли на нет.

Анализируя состояние управления государственными активами в различных странах, положительные и отрицательные последствия приватизации, зарубежный опыт управления государственными активами дает несколько основных выводов для применения их в Узбекистане.

1. Необходимо организовать управление сравнительно малым количеством больших по размеру государственных предприятий, то есть сохранить государственный контроль над деятельностью крупных предприятий.

2. Организовать слияния и объединения схожих предприятий, приватизацию малых предприятий. Так, успешный опыт управления имеется в Швеции. При этом необходимо обратить внимание на системную организацию управления государственными предприятиями после их приватизации или преобразования в другие формы собственности. Это касается предприятий, как сказано выше крупных и важных для экономики страны госпредприятий.

3. Уполномоченному государственному органу нужно ежегодно контролировать выполнение целей и задач предприятий после их приватизации или преобразования и проводить мониторинг и оценку достижения этих целей (виды и масштабы деятельности, экспорт и импорт, привлечение инвестиций, доход и ожидаемые дивиденды, соглашения с поставщиками и работниками, соответствие требованиям уполномоченного органа и другое).

4. Интересы государства как собственника необходимо реализовывать через механизмы корпоративного управления, в том числе назначение совета директоров, утверждение стратегий развития, планов развития (бизнес-планов), одобрения инвестиций, финансовых инструментов, ключевых фигур управления, систему найма и оплаты труда работников, дивидендную политику и другое. Такой эффективный опыт имеется в Швеции.

Таким образом, изучение международного опыта управления государственными активами свидетельствует о наличии различных подходов к управлению ими в разных странах. При этом считали бы необходимым при выборе конкретной модели обращать внимание на соответствии особенностей модели специфике национальной экономики Узбекистана.

Использованная литература

1. Как повысить эффективность управления государственными организациями? М.М. Ковалев, А.А. Авдонин. Белорусский государственный университет, пр. Независимости, 4, 220030, г. Минск, Беларусь.

2. Сотрудничество России и ОЭСР // Мировая экономика и международные экономические отношения. Тарлецкая Л. — 2011. — № 10. — С. 268.

3. О Регулирование коллективных инвестиций в странах ОЭСР // Мировая экономика и международные экономические отношения. Хмыз — 2003. — № 10. — С.

4. Официальный сайт ОЭСР. — Электронный ресурс. Режим доступа: www.oecd.org.

5. Функционирование предприятий государственной и частной формы собственности // Таймановские чтения: материалы междунар. науч.-практ. конф. ЗКГУ. — Уральск, 2013.

Yaponiyada **SOFTBANK** deb nomlanadigan juda katta investitsion kompaniya mavjud va o'zining venchur fondiga ega. Uning egasi yaponiyalik investor Masayoshi Son hisoblanadi. U fondga biznesmenlarda katta miqdorda mablag'larni jalb qilgan holda startaplarga pul tikadi va yangi loyihalarni kash etadi. Softbank ma'lumotlariga ko'ra uning har yigirmatadan bitta loyihasi muvaffaqiyatli bo'ladi va qolgan muvaffaqiyatsiz 19 ta loyihaning zararini qoplab, foydaga chiqadi. Uning eng muvaffaqiyatli loyihalaridan biri Alibaba Group hisoblanadi. U vaqtda Alibaba Groupga 25mln\$ miqdorida investitsiya kiritgan. Bugungi kunda bu kompaniyaning kapitalizatsiyasi 500mlrd \$ dan ortiq hisoblanadi va bu kompaniya 2014-yilgacha o'tkazilgan tarixdagi eng yirik IPO hisobladi. Shunda bu kompaniya IPO orqali 25mlrd \$ lik aksiyalar sotgan va IPO dan keyin kompaniya 250mlrd \$ ga baholangan. Investitsiyaning kuchi shundaki bugungi kunda Alibaba Group Softbankning o'zidan ham yirik korporatsiya hisoblanadi va bu orqali Masayoshi Son kiritgan investitsiyasi darajasida doimiy foyda olib kelmoqda.

Korporativ boshqaruvning ham Yapon modelida korporatsiyalarning yirik ulushiga Investitsion banklar egalik qiladi. Ular kompaniyalarni kredit orqali emas balki investitsiya orqali moliyalashtiradi va har doim korporatsiyalarning o'ziga tegishli ulushini doimiy o'zida saqlab keladi. Bugungi kunda Yaponiya iqtisodiyoti eng

kuchli 10 davlatlar qatoriga kiradi hamda investitsion loyihalar, robototexnika, suniy intellekt va startaplar mamlakati hisoblanadi. Buning barchasi investitsion faoliyat to'g'ri yo'lga qo'yilgani uchun va ilm fan loyihalariga asosan investitsiyalariga mablag'lar yo'naltirilganligi evaziga bo'lmoqda.

Largest venture capital in the world

1. Sequoia Capital
2. Andresson Horowitz
3. Accel Partners
4. Kleiner Perkins
5. Benchmark Capital
6. Index Ventures
7. Greylock Partners
8. Founders Fund
9. 500 Startups
10. New Enterprise Associates

MDH davlatlarida ham bugungi kunda brokerlik kompaniyalari, investitsion banklar mavjud. Rossiyada Tinkoffbank, Gruziyada TBC bank, Qozog'istonda Freedom finance bor. Freedom finaceda O'zbekiston va Xorijiy kompaniyalar aksiyalarini sotib olsa bo'ladi. Tinkoffbank asosan bugungi kunda cryptovalyutalar va ularni ishlab chiquvchi loyihalarga pul tikadi. Cryptoindustriya bugungi kunda eng tez o'sayotgan industriya hisoblanadi. TBC ham bir qancha IT loyihalarga investitsiya kirgizgan, shuningdek O'zbekistonda Payme loyahasining 5mln \$ lik ulushini sotib olgan. Payme loyihasi ham bugungi kunda muvaffaqiyatli bo'lib kelayotgan loyiha hisoblanadi va investorlariga katta foyda olib kelmoqda. Bizning davlatda ham investitsion banklar tashkil qilinishi kerak hamda startaplar va yangi loyihalar investitsiyalar orqali moliyalashtirib borilishi zarur. Shunda iqtisodiyot tez rivojlanada va O'zbekistonning rivojlangan davlatlar qatoriga qo'shilishi tezlashadi.

Kapital bozori faoliyatini rivojlantirish uchun bir qancha omillar mavjud. Buning uchun alohida heyj fondlar va investitsion banklar tashkil qilinishi kerak va ular o'z fondlariga ega bo'lishi kerak. Tijorat banklari ham fond bozorlariga chiqishi kerak. Fond bozori rivojlanishi kerak va banklarning bunda ishtirokini kuchaytirish kerak. Banklar investitsion faoliyat bilan shug'ullanishi uchun ularning o'zi moliyaviy jihatdan kuchli va mustaqil bo'lishi kerak. Banklar mustaqil holda va zamon talablariga to'la javob beradigan holda faoliyatini tashkil qilishi kerak. Banklarning investitsion faoliyati kredit faoliyatidan ancha ustun bo'lishi kerak. Banklarning xalqaro miqyosda rivojlanishini taminlaydigan asosiy omil mavjud. Bu banklarning xorijiy fond bozorlariga chiqishi hamda IPO o'tkazishi hisoblanadi. Banklar moliyaviy jihatdan ustun bo'lishi uchun bu bosqichlardan o'tishi kerak. Xorijiy fond bozorlarida listingdan o'tish va IPO o'tkazish oson jarayon emas. Buning uchun har bir davlatning o'zining listing talablari va to'lovi mavjud. London fond bozori yoki New York fond bozorlari ma'lum bir listing talablari, to'lovlar, adolatli va shaffof faoliyatni talab qiladi. Banklarimiz manashu talablarga javob bergan holda kelajakda xalqaro fond bozorlariga chiqishi mumkin. Fond bozorlari va IPO jarayonlari investitsiyalar jalb qilishning eng foydali usuli hisoblanadi. Yuqorida Softbank va Alibaba Group kompaniyalari misolida investitsiya va IPO ning kuchi haqida aytili. Manashu

faoliyatni yo'lga qo'ya oladigan kompaniyalar kelajakda muvaffaqiyatli bo'ladi. Bizning banklarimiz ham shu bosqichlarni amalga oshirgan holda yangi loyihalarni va startaplarni moliyalashtirishi mumkin hamda iqtisodiyotga katta foyda keltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. lex.uz
2. wikipedia.org
3. softbank.jp
4. alibabagroup.com
5. Google

MAMLAKATIMIZDA INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHDA XALQARO MOLIYA INSTITUTLARINING O'RNINI

M.Siddiqov

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Ilmiy rahbar: Q.Chinqulov

Investitsiya, iqtisodiy taraqqiyotning yirik shakllaridan biri hisoblanadi. Bu shuhratli so'zning ma'nosi aslida egulikka kirmasdan o'z o'rnini topgan. Investitsiyalar, moliya rivojlantirish va iqtisodiy rivojlanishga yordam berishdir. Yaxshi xodimlar, yaxshi mahsulotlar va xavfsiz yuridik muomallar - shu bo'limda investitsiyalar uchun kerakli sharoitlardan faqat ba'zilari hisoblanadi. Investitsiya bilan bir qatorda, loyihalarni moliyalashtirish ham o'z o'rniga ega. Bu yo'nalishda jamg'arma tizimining ahamiyati juda katta.

Investitsiya loyihalari ko'plab turli xil sohalardan tashkil topishi mumkin, masalan, yuqori tezlikda uzayda qonun qo'yish loyihasi, yuqori sifatli mahsulot ishlab chiqarish uchun yangi zavodni qurish loyihasi, yangi foydali moddalar ochilishini ta'minlovchi loyiha va hokazo. Ularning barchasi amalga oshirish uchun, moliya rivojlantirishning yuqori darajadagi mutaxassislarining o'zlariga kerak.

Moliyalashtirish jarayonida, investitsiya loyihalarining tushuntirilishi, qo'llanilishi va bajarilishi zarur. Bunday loyihalar asosan, ishlab chiqarish va tayyorlashning barcha bosqichlarini o'z ichiga oladi. Ularning bajarilishi, loyihalarni amalga oshirishda o'tkaziladigan ishlar, moliyalashtirish jarayoni va bu jarayonning takomillashtirilishi, bozor rivojlanishi va hokazo haqida ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish lozim.

Bunda Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi yordam beradi. Bu jamg'arma, loyihalarni baholash, qo'llanishga olib kelish va moliyalashtirishning asosiy ko'rsatkichlarini tahlil qilishda hamda loyihalarni bajarish jarayonini kuzatib borishda katta hissa qo'shadi.

Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi o'zining yuqori darajadagi mutaxassislarini yig'ib olib, loyihalarni amalga oshirish jarayonini bajarishni boshqarish, moliyalashtirish jarayonini ko'rsatish, loyihalarni bajarish natijalarini baholash va takomillashtirish uchun tahlil qilish, moliyalashtirishga qo'llanishga olib kelishni rejalashtirish, bozor rivojlanishini prognozlash va shunga o'xshash ishlar bilan shug'ullanadi.

Investitsiya loyihalarni moliyalashtirishda Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasining o'рни juda muhimdir. Bu tashkilot, o'z kasb-hunariga ega mutaxassislar tomonidan loyihalarni samarali va samimiylilik bilan tahlil qilish, baholash va ularni amalga oshirishda yordam beradi. Bu bilan birga, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, moliyalashtirishning muhim tashkil etuvchilaridan biri sifatida hisoblanadi.

Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, investitsiya loyihalari va moliyalashtirishning kerakli miqdorlarini ta'minlash uchun banklar va boshqa moliyaviy tashkilotlar bilan ham ishlaydi. Ushbu yordam bilan, investitsiya loyihalari moliyalashtirishning kerakli resurslarini ta'minlashda qiyinliklarga duch kelmasligi mumkin. Bundan tashqari, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, investitsiya loyihalarining samarali amalga oshirilishiga ham yordam beradi.

Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, loyihalar va investitsiyalar sohasidagi rivojlanishni ham ta'minlashga yordam beradi. Bu tashkilot, investitsiya loyihalari va moliyalashtirish jarayonining eng yaxshi vaqti va yo'nalishlarini aniqlaydi va ularni o'z kasb-hunariga ega mutaxassislar yordamida amalga oshiradi.

Investitsiya loyihalari, kompaniyalar va boshqa tashkilotlar uchun juda muhimdir. Ular, bizning moliyalashtirishning muhim tashkil etuvchilaridan biri bo'lgan Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasidan yordam olishlari mumkin. Bu jamg'arma, investitsiya loyihalarini yaxshi tahlil qilish, baholash va ularni amalga oshirishda yordam beradi. Ular, investitsiya loyihalarining samarali amalga oshirilishini ta'minlash uchun kerakli moliyalashtirish miqdorlarini ta'minlashda ham yordam beradi.

Investitsiya loyihalari, bizning iqtisodiyotimizning rivojlanishida juda muhim o'рни bor. Ularni amalga oshirishda, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi bilan ishlash, loyihalarni moliyalashtirish jarayonida yo'l harakatini aniqlash va loyihalarni samarali ravishda amalga oshirishda juda muhimdir. Shuningdek, moliyalashtirish va investitsiya sohasidagi yangiliklarni ham nazorat qilish, ularning yanada rivojlanishiga o'z hissamizni qo'shishga imkon beradi.

Jamiyatimizda investitsiyalar va moliyalashtirishning muhim ahamiyati oshib ketmoqda. Investitsiya loyihalari va moliyalashtirish jarayonida amalga oshiriladigan qarorlarimiz va harakatlarimiz, bizning iqtisodiyotimiz va jamiyatimizning yanada rivojlanishida muhim o'rin o'ynaydi.

Investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning yanada rivojlanishi uchun shu kabi tashkil etuvchilarning boshqarilishiga yordam beradi. Ularga o'z muvofiqlarini topishda va investitsiya loyihalarini samarali ravishda amalga oshirishda qo'llanadigan zaruriy ko'rsatkichlar beriladi.

Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda bir nechta xizmatlar ko'rsatadi. Ularning o'zgaruvchan sifati, o'zlashtirilishi va boshqarilishi loyihalar hamda moliyalashtirishni aniqlashda juda muhimdir. Ularning foydali samarali vaqtida yuzaga kelishini taminlash uchun shu kabi xizmatlar katta yordam beradi.

Natijada, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, investitsiya loyihalarini moliyalashtirish jarayonida katta yordam beradi. Ularning bizga beradigan xizmatlari, ko'rsatkichlari va innovatsion yondashuvlari, bizning investitsiya loyihalarimizni

samarali ravishda moliyalashtirishni ta'minlaydi va ularning muvaffaqiyatli amalga oshirilishiga yordam beradi. Shuningdek, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasining yuqori sifatli xizmatlari, bizning investitsiya loyihalarimizni boshqarish va ulardan olingan foydani ko'rsatishda ham yordam beradi. Investitsiya loyihalarini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi bilan hamkorlik katta ehtimollik bilan samarali natijalarga olib keladi. Investitsiya loyihalarni moliyalashtirishda Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasining o'rni juda muhimdir. Bu jamg'arma, bizning investitsiya loyihalarimizni rivojlantirishda, ularning amalga oshirilishida, ulardan olingan foydalarini hisoblashda va ulardan moliyalashtirishda yordam beradi. Ularning xizmatlari va ko'rsatkichlari, bizning investitsiya loyihalarimizni moliyalashtirish va ulardan olingan foydaning maksimal darajada bo'lishini ta'minlaydi.

Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, bizning investitsiya loyihalarimizni maqsad va mazmuni bo'yicha tahlil qilishda ham yordam beradi. Ularning xizmatlari, bizning investitsiya loyihalarimizni qulaylik va samarali ravishda boshqarish imkonini ta'minlaydi. Ularning ko'rsatkichlari, investitsiya loyihalarimizni moliyalashtirish jarayonida foydali savollar va kamchiliklarni aniqlashda yordam beradi.

Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, investitsiya loyihalarimizni moliyalashtirish jarayonida xizmat ko'rsatishni kengaytirishni ham rejalashtiradi. Ularning innovatsion yondashuvlari, bizning investitsiya loyihalarimizni yanada rivojlantirishga yordam beradi va ularning muvaffaqiyatli amalga oshirilishiga olib keladi. Natijada, Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi, investitsiya loyihalarimizni samarali ravishda moliyalashtirish uchun kerakli xizmatlarni taqdim etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 iyundagi "Xalqaro moliya institutlari va donor mamlakatlar ishtirokidagi investitsiya loyihalarini boshqarish mexanizmini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3796-sonli qarori.

2. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. // uza.uz. 16.01.2017

3. Миркин Я. М. Рынок ценных бумаг: учеб. пособие. М., 2002. –с. 56-57.

4. Шарп У. и др. Инвестиции. Пер. с англ. – М. ИНФРА-М, 2001. – С. 9-10

MECHANISMS OF INCREASING THE ROLE OF INSTITUTIONAL BASIS IN INCREASING THE EFFICIENCY OF COMMERCIAL BANKS

Mirhaydarova Mahira Mirakbar qizi
independent researcher
Tashkent state university of economics
m.mirkhaydarova@mail.ru

Abstract

The article presents practical proposals and recommendations for improving the efficiency of banks' activities in the context of institutional changes in the system of commercial banks.

Key words: banking system, commercial banks, institutional framework, interbank competition, efficiency.

Commercial banks are very important in the process of supporting all branches and sectors of the economy through lending and managing money circulation. The level of development of the economy depends to a large extent on the extent to which commercial banks are able to fulfill the tasks assigned to them. As the head of state Sh.Mirziyoev has emphasized, there are still many problems that need to be solved in this regard. For example, "due to the influx of private and foreign capital into the banking system, we are gradually reducing the share of state banks. This will serve to improve the competitive environment in the industry, improve the activity of commercial banks, the quality and culture of lending in all aspects. Also, the development of financial markets, including the stock market, should be one of our main goals in the new economic environment. By introducing new financial instruments and issuing bonds, it is necessary to further expand the scope of banking services, develop the banking system based on advanced information technologies" [1].

In the conditions where digital and innovative technologies are rapidly entering the banking practice, it is necessary for commercial banks to prepare and conduct appropriate activities in order to fulfill the above-mentioned tasks at the level of demand. The result of the necessary actions is closely related to the extent to which commercial banks' activities are organized rationally and efficiently. For the same reason, there is a need to evaluate the efficiency of commercial banks.

Therefore, evaluating the efficiency of commercial banks in the new economic conditions and improving it in the conditions of interbank competition are important scientific and practical issues.

The process of ensuring that the results of the economic reforms implemented in our country are at the required level requires the creation of an objective evaluation system of commercial banks' efficiency. A positive solution to this problem will have a positive effect on increasing the solvency and liquidity of banks. On this basis, an economic basis will be created for further increasing the possibilities of banks to financially support the economy.

It is appropriate to pay special attention to issues such as financial difficulties caused by the coronavirus pandemic that began in 2020 and the restrictions introduced due to it, including an increase in the share of problem loans, an increase in credit risks, and a sharp drop in demand for certain bank services.

The procedure for determining the rating of commercial banks is determined as follows:

- bank activity is analyzed, all key indicators are calculated and all positive and negative aspects of the bank are determined;
- creditworthiness is determined based on the rating scale and threshold indicators.

Rating - without relying on statistical data, requires the study of specific aspects of indicators with their risk factors [3]. The bank's rating is determined by a rating agency specializing in banking. In this case, the operating banking institution works on

the basis of the agreement with the rating agency and performs the task of protecting the negative sides of the bank [4].

The most important elements for determining the rating of commercial banks are the reliability and objectivity of the provided information. Determining the bank rating is carried out by independent rating agencies, which determines the need for commercial banks to ensure their transparency in the market when conducting banking business.




Figure 1. Approaches to determining the rating in world practice [2].

In the conditions of increasing healthy competition between banks, the system of evaluating the effectiveness of their activity becomes important in the sustainable development of commercial banks.

A new approach to assessing the efficiency of commercial banks and researching issues of its improvement based on the new requirements of interbank competition allows:

- in the conditions of interbank competition, the theoretical views on the essence and importance of the effectiveness of commercial banking activities are summarized, the effectiveness of commercial banking activities is defined as "the competitive results of activities that express the improvement of the well-being of business owners, the creation and increase of bank value in the regime of compliance with banking legislation and prudential norms of regulation" is given and based on this, the scientific apparatus of this concept is filled and expanded;

- in the process of taking appropriate measures in time to prevent the bankruptcy of a commercial bank, a comprehensive classification of commercial banks is proposed, taking into account the identification of the author's parameter "efficiency of activity", which is of practical importance in the regulatory activities of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan and from the point of view of owners and investors;

- a methodology for assessing the efficiency of commercial banks, including calculating the efficiency of commercial banks, based on integrated indicators, will be developed.

References

1. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoev to the Oliy Majlis, December 28, 2018. "People's Word", December 29, 2018.
2. Ermatov M.K. Problems of improving bank control and audit. "Economy-Finance" 2005, p. 41.
3. Spyros Pagratisa, Marco Stringab. Modeling Bank Senior Unsecured Ratings: A Reasoned Structured Approach to Bank Credit Assessment//International Journal of Central Banking/ June 2009.
4. Morgan, D. (2002). 'Rating banks: risk and uncertainty in an opaque industry', The American Economic Review, 92, 874-888.

MOLIYA SEKTORI TASHKILOTLARIDA KORPORATIV BOSHQARUVNI XALQARO TAMOYILLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

Kenjayeva Umriya Faxritdinovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Korporativ boshqaruv kafedrasida

u.kenjayeva@tsue.uz

Xoliqov Nozir Nozim o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Annotatsiya

Tezisdagi moliya sektori tashkilotlarida, xususan tijorat banklarida korporativ boshqaruvning xalqaro tamoyillari asosida boshqaruvni tashkil etish, hamda tijorat banklarini xalqaro standartlarga javob berishini taminlash yo'llari haqida fikr yuritilgan. Xalqaro standartlarga mos kelishini taminlash orqali xorijiy investitsiyalar jalb etish va bank moliyaviy aktivlarini likvidligini nazorat qilish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

***Kalit so'zlar:** Korporativ boshqaruv, Tijorat banklari, Korporativ boshqaruvning xalqaro tamoyillari, moliyaviy aktivlar, investitsiya jozibadorligi, Korporativ boshqaruvning milliy standartlari.*

XX asrda dunyoda menejmentning mohiyatida katta o'sish kuzatildi va ushbu jarayon XXI asrda ham jadal rivojlanmoqda. Bundan tashqari menejment va korporativ boshqaruv tushunchalari mohiyati jihatidan o'xshash bo'lsada vazifalari har xil ekanligi o'z tasdig'ini topmoqda. Dunyo olimlari korporativ boshqaruv haqida shunday fikrlarni aytib o'tgan: "Korporativ boshqaruv eski tushuncha faqat ibora yangi"³⁶. Haqiqatda ham inson paydo bo'lgandan to hozirgi davrgacha qabila, urug, hudud, millat va mamlakatlarda doimo boshqaruvchi bo'lgan. Yillar davomida ushbu

³⁶ Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices.

boshqaruv jarayonlari korporativ boshqaruv negizida shakllanib kelgan. Hozirgi jadal rivojlanayotgan zamonda kompaniyalarni boshqarishda korporativ boshqaruv muhim o'rin tutadi.

Moliya sektori tashkilotlari uchun korporativ boshqaruvni xalqaro standartlar asosida tashkil etish esa undanda muhim hisoblanadi. Xalqaro standartlar asosida tashkil etilgan korporativ boshqaruv kompaniyaning ishonchligini va investitsiya jozibadorligini oshirishga juda katta yordam beradi. Ishonchli kompaniyaga xalqaro moliya tashkilotlari, xorijiy banklar, xorijiy investorlar va boshqa investitsiya manbalari investitsiya kiritishi mumkin bo'adi.

O'zbekiston Respublikasining 05.11.2019-yildagi O'RQ-580 sonli "Bank va banklar faoliyati to'g'risida"gi qonunida O'zbekiston Respublikasida tijorat banklari Aksiyadorlik jamiyati (AJ) shaklida tashkil etilishi belgilab qo'yilgan. Aynan shu qonun imzolanmasidan oldin Tashqi Iqtisodiy Faoliyat Milliy Banki Davlat Unitar korxonasi (DUK) shaklida bo'lgan. Bizga ma'lumki Aksiyadorlik Jamiyatlari korporativ boshqaruvning asosiy bo'gini bo'lib xizmat qiladi. Xuddi shunday sug'urta tashkilotlari ham Aksiyadorlik Jamiyatlari shaklida tashkil etiladi.

Moliya sektori tashkilotlari misolida biz Tijorat banklarini ko'rib chiqamiz. O'zbekiston Respublikasida Tijorat banklari avvalo Shveysariyaning Bazal shahrida tashkil etilgan Bazal qo'mitasi (Basel Committee on Banking Supervision (BCBS) standartlari asosida boshqaruv va ijroiya organlari ishini tashkil qiladi.

Avvalo barcha xalqaro tashkilotlar tomonidan berilgan barcha tavsiyalarning har birida uchraydigan va hammasi uchun bir xil dolzarb bo'lgan axborot oshkorligi va boshqaruv va quyi bo'g'inlarning har birida shaffolik tamoyillarini ko'rib chiqamiz.

Bazel qo'mitasining oshkorlik tamoyollarida banklarda "Komplayens nazorat" tizimi joriy etilishi belgilab qo'yilgan. Komplayens nazorat kompaniyada har xil korrupsion risklar va korrupsion holatlarni oldini olish uchun muhim o'rin tutadi. O'z o'rnida tijorat banklarida komplayens nazorat bo'limlari, komplayens nazorat departamentlari va sho'balari tashkil etilgan. Qo'mita tavsiyalari asosida "Whistleblowing"ni rag'batlantirish va ularning huquqlarini himoyalash tizimlari yo'lga qo'yilgan. Whistleblowing (ing. – hushtak chalish) – kompaniyadagi har xil korrupsiyaviy holatlar haqida yuqori turuvchi organga murojaat qilgan shaxs hisoblanadi. Ushbu xodimlarni huquq va erkinliklarini himoya qilish va rag'batlantirish yo'lga qo'yilgan.

Bundan tashqari Yevropa Taraqqiyot va Tiklanish banki tomonidan ishlab chiqilgan tamoyillarning yettinchi tamoyili quyidagicha: "Korporativ boshqaruv tizimi aniq va tasdiqlangan axborotni barcha manfaatdor tomonlarga o'z vaqtida oshkor etilishini ta'minlashi lozim"³⁷. Ushbu tavsiyaga amal qilish esa o'z o'rnida kompaniyaning aksiyadorlari, affillangan shaxslari, boshqaruv organlari hamda xodimlar uchun kerakli ma'lumotlar e'lon qilinishi orqali axborot shaffofligi taminlanadi.

O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlarida ham aynan oshkorlik va shaffolik tamoyillariga alohida to'xtalib o'tilgan. Kompaniyaga tegishli ma'lumotlar qay tartibga kimlarga qaysi muddatda oshkor qilinishi aniq bayon qilib o'tilgan. Shu

³⁷ Z.A. Ashurov, F.A. Jalilov, B.N. Urinov Zamonaviy korporativ boshqaruv

bilan birga aksiyadorlik jamiyatlari uchun amal qiladigan har bir jamiyatning nizomi yani ustavi bo'lishi belgilab qo'yilgan. Jamiyat ustavida kompaniya haqida kerakli yo'riqnoma va ma'lumotlar belgilab qo'yiladi. Shundan ayrim misollar keltiramiz: [Jamiyat kuzatuv kengashining son tarkibi jamiyat ustavi bilan belgilanadi, bunda kuzatuv kengashi tarkibiga kiritiladigan mustaqil a'zolar soni alohida ko'rsatilishi kerak].³⁸ Ushbu turdagi tartiblar xorij tajribasi asosida hamda Korporativ boshqaruvning milliy standartlari asosida shakllantirilgan.

Tijorat banklari korporativ boshqaruvning xalqaro standartlari bilan bir qatorda moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga javob beradigan tizimni ham yo'lga qo'yishi kerak bo'ladi. Hozirda Korporativ boshqaruv yaxshi yo'lga qo'yilgan va kelajakda bundanda yaxshi natijalarga erishilishi kutilmoqda. Ammo investorlar kompaniyaning faqatgina korporativ boshqaruvini emas, moliyaviy aktivlar holatini, sof foydasini va sof foydaning jami aktivlar yoki pul aylanmasiga nisbatini ham inobatga oladi. Buning uchun moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga murojaat qilinadi. Agar kompaniya ushbu standartlar asosida hisobotlarini yuritsa, har bir investor uchun o'z hisobotlarini xalqaro standartlarga o'girishiga hojat qolmaydi va o'z hisobotlarini to'g'ridan to'g'ri investorga yoki xalqaro moliya tashkilotlariga taqdim etadi. Shu bilan birga bunday turdagi hisobotlarni korxonaning rasmiy saytlarida yoki sahifalarida e'lon qilish orqali ham korxonada ish samaradorligini boshqalarga yetkazishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasida chet el banklarining vakolatxonalari mavjud bo'lib, ushbu banklar chet eldagi banklarning filiallari emas. Bunga asos qilib "Bank va banklar faoliyati to'g'risida"gi qonunni ko'ratish mumkin. Ushbu qonunda chet el banklarining filiallarini O'zbekiston Respublikasida ochishga yo'l qo'yilmasligi belgilab qo'yilgan. Agar ushbu banklar hamda O'zbekistondagi xususiy va Davlat ishtirokidagi banklar xalqaro hisobot standartlariga o'tsa ular o'zaro hamda chet el bilan ma'lumot almashishi osonlashadi. Albatta bu borada "Bank siri" oshkor etilishiga yo'l qo'yilmaydi.

Hozirda arab mamlakatlarining investitsiya qudrati kuchligini hisobga oladigan bo'lsak, har bir bank o'z tarkibida Islom moliyasi asosida ishlaydigan bo'lim joriy etishi yuqoridagi davlatlar bilan hamkorlikka keng yo'l ochadi. Islom moliyasi asosida ishlaydigan bo'lim ochish uchun yangi resurs yangi kadrlar kerak bo'ladi. Negaki Islom moliyasi boshqa bir tizim va ushbu tizimdagi mablag'lar boshqa pul manbalar orqali tashkil etilishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Korporativ boshqaruvni xalqaro normalar asosida tashkil etish orqali biz mamalakatga tashqi investitsiya jalb qilishimiz, mamlakat hududida samarali korporativ boshqaruv tashkil etish orqali milliy iqtisodiyotni rivojlantirishimiz mumkin bo'ladi. Mamlakat iqtisodiyotini jadal rivojlantirish rivojlanayotgan mamalakatlar qatoridan rivojlangan mamalakatlar qatoriga chiqish bizning oldimizdagi ustuvor vazifa hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan qabul qilingan "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmonida belgilab qo'yilgan uchinchi ustuvor yo'nalish -

³⁸ O'RQ-814. "Korporativ boshqaruv tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"

“milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘shish sur‘atlarini ta‘minlash”³⁹ ekanligi bu masalaning qanchalik dolzarbligini ko‘rsatadi. Bunda biz ko‘zlagan natijaga erishish uchun mamlakatimiz rivojlanishida xalqaro normalar asosida tashkil etilgan samarali korporativ boshqaruvni tashkil etish va yuritish shart va zarur hisoblanadi.

Mamlakat rivojlangan sari tashqi savdo aloqalari va tashqi iqtisodiy aloqalar yanada rivojlana boradi. Bu o‘z o‘rnida mamlakat miqsoyida va xalqaro tashkilotlar hamda xorijiy mamlakatlar bilan pul bilan bog‘liq aloqalar hajmi oshishiga olib keladi. O‘z o‘rnida esa moliya sektori kompaniyalari uchun juda katta masuliyat talab qiladi. Chunki mahsulot va xizmatlar o‘z o‘rnida va o‘z vaqtida bajarilishi va bitimlar muddati kechikmasligi uchun moliya sektori korxonalari aniq va tezlikda ishlashlari va ushbu zanjirni uzilib qolmasligi uchun xizmaty qilishi zarur. Hozirgi biz tashkil etgan va yanada rivojlantirishda davom etayotgan korporativ boshqaruvning milliy standartlari ushbu sohada uzilish va kamchiliklar keltirib chiqarishga also yo‘l qo‘ymaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 151.

[2] Z.A. Ashurov, F.A. Jalilov, B.N. Urinov Zamonaviy korporativ boshqaruv (xorijiy tajriba). – T.: Iqtisodiyot, 2021. –195 s

[3] O‘zbekiston Respublikasining 18.01.2023 yildagi O‘RQ-814-sonli Qonuni “Korporativ boshqaruv tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” - <https://lex.uz/uz/docs/-6362296>

[4] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi PF-60-sonli Farmoni “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” - <https://lex.uz/docs/5841063>

[5] Toshkent Respublika fond birjasining rasmiy sayti – www.uzse.uz ma‘lumotlariga asosan muallifkar tomonidan ishlab chiqildi

[6] Hilmer, Frederick G. (1993) Strictly Boardroom – Improving Governance to Enhance Business Performance. Business Library <https://librariesaustralia.nla.gov.au>

[7] Ziwei Zhang, Hu Fu, Shiqi Xie, Javier Cifuentes-Faura, Urinov Bobur Nasilloevich, Role of green finance and regional environmental efficiency in China, Renewable Energy, 2023, ISSN 0960-1481, <https://doi.org/10.1016/j.renene.2023.05.076>.

³⁹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”

MOLIYA SEKTORIDA KORPORATIV BOSHQARUV

Nazirova Maftuna Salimovna
Buxoro davlat universiteti magistri
ilhomovabdoqodir@gmail.ru

Annotatsiya

Korporativ boshqaruv bugungi kunda mamlakat iqtisodiy rivojlanishida asosiy rol o'ynaydi. Shu munosabat bilan ushbu tezisda asosan korporativ boshqaruv konsepsiyasi va uning qo'llanilishi hamda O'zbekistonda korporativ boshqaruv tuzilmasi, shuningdek boshqaruvning nazariy asoslari va modeli mavzusiga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: Korporativ boshqaruv, korporativ boshqaruv modeli, korporativ boshqaruv tizimi

O'zbekistonda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy tizimini barcha tarmoq va sohalarda rivojlantirishga qaratilgan. Ayniqsa yangi zamonaviy boshqaruv usullarini joriy etish muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Ushbu tezisda O'zbekistondagi moliyaviy sektorning asosiy tarkibiy qismlari hisoblangan bank sektori va fond bozori kabilarning tizimli ahamiyati va iqtisodiy rivojlanishi haqida ma'lumot berilgan. Bundan tashqari, korporativ boshqaruv va uning asosiy va huquqiy rivojlanish jarayonlari ya'ni korporativ boshqaruv nazariyalari, modellari va mexanizmlari mahalliy va xalqaro miqyosda keng muhokama qilinadi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng, 1991 yildan boshlab O'zbekiston bank sektorini rivojlantirishda fond bozori juda muhim rol o'ynadi. Xuddi shunday, moliya sektorlarining, asosan, bank sektori va fond bozorining hal qiluvchi roli moliya sektori rivojlanishini jadallashtirish, natijada iqtisodiyotni yuksaltirishga e'tibor qaratildi. Shu nuqtai nazardan mamlakatimizda faoliyat yuritayotga kompaniyalar va barcha mulkchilik shakldagi korxonalarda korporativ boshqaruvning ilg'or usullarini joriy etish, uning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi samaradorligini oshirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biridir.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida umuman boshqarish tizimini rivojlantirish hozirda mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini belgilab beradigan asosiy omillardan biri bo'lmoqda. Mamlakat korporativ sektorini joriy etish va rivojlantirish standartlariga o'tishni taqazo etadi. Mamlakatimizdagi mavjud milliy korporativ boshqaruv mexanizmi shakllanishini takomillashtirish maqsadga muvofiqdir. Bu esa korporativ boshqaruv tushunchasini chuqur ilmiy-uslubiy jihatdan uning mazmun-mohiyatini milliy xususiyatlarini inobatga olgan holda kengroq yoritish va takomillashtirish zarurligini anglatadi.

O'zbekiston Sobiq Ittifoq mamlakatlari orasida markazlashgan rejali iqtisodiyotidan bozor iqtisodiyotiga o'tish davrida o'zining iqtisodiy modelini tanlagan o'n beshta davlatdan biridir. Bunda iqtisodiy islohotlarning asosiy maqsadi inson manfaatlariga va tanlangan ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotiga qaratilgan. Bundan tashqari, O'zbekistonda mustaqillik yilidan boshlab moliya sohasi va uni rivojlantirishga, asosan, iqtisodiyotning lokomotivi bo'lgan bank sektoriga katta e'tibor qaratildi. Shunisi e'tiborga loyiqki, O'zbekistonda bank sohasini rivojlantirish

bosqichlarining asosiysidan biri 1995 yildan boshlab yangi muhim qonunlar va bank islohotlariga asoslangan ikki bosqichli bank tizimini barpo etishdan boshlandi. Bu yangi bank tizimining birinchi bo'g'ini hisoblangan O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki asosida ikkinchi darajali tijorat banklari ustidan nazoratni amalga oshirgan holda shakllantirildi. O'zbekiston iqtisodiyotidagi moliyaviy islohot jarayonlarini tahlil qilib, O'zbekiston moliya sektori rivojlanishining to'rtta asosiy bosqichini ajratib ko'rsatish mumkin:

Birinchi bosqich: 1991-1997 yillarda O'zbekistonda moliya sektorini isloh qilish doirasida ikkita asosiy me'yoriy hujjat, jumladan "O'zbekiston Markaziy banki to'g'risida"gi va "Bank va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlar ishlab chiqildi..

Ikkinchi bosqich: 1998 yildan boshlab 2001 yilgacha O'zbekiston hukumati tomonidan har tomonlama erkinlashtirish siyosati davom etgan. Ushbu siyosatning asosiy ustuvor yo'nalishlari qatoriga davlat banklarini xususiylashtirish orqali davlat aralashuvini qisqartirish, ushbu banklarning bunday intervensiyadan huquqiy himoyasini kuchaytirish va xorijiy banklarning mamlakatga kirishini liberallashtirish kiradi.

Uchinchi bosqich: 2002 yildan 2017 yilgacha bo'lgan davrni o'z ichiga olgan bu bosqichda bir qator samarali moliyaviy islohotlar va korporativ boshqaruv siyosati amalga oshirildi. 2002 yilda hukumat tomonidan olib borilgan asosiy siyosatlardan biri – qattiq pul-kredit siyosati – o'zbek valyutasini barqarorlashtirish, shuningdek, iqtisodiyotdagi inflyatsiya darajasini pasaytirish orqali mahalliy va xorijiy kompaniyalarni qo'llab-quvvatlash.

To'rtinchi bosqich: 2017-yilda boshlangan bank sektorida valyuta siyosatini keng ko'lamda liberallashtirishni nazarda tutadi. Ushbu siyosatda yangi kurs siyosati faqat bozor mexanizmlaridan foydalangan holda milliy valyutaning xorijiy valyutalarga nisbatan kursini belgilashdan iborat edi. Bundan tashqari, ushbu davr bank sektorining yangi davri deb nomlanadi va davlat mulki bo'lgan tijorat banklarini o'zgartirish va xususiylashtirish jarayonini tugatish, qonunchilik bazasini takomillashtirish, bank nazorati bo'yicha Bazel III ning yangi standartlarini joriy etish nuqtai nazaridan sektorni qayta qurish, xalqaro moliyaviy hisobot standartlari va boshqalar. Eng muhimi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining yangi qabul qilingan "2020-2025-yillarda O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida"gi farmoniga asosan bank tizimi samaradorligini oshirish va moliya bozorida teng raqobat sharoitlarini yaratish, shuningdek, korporativ boshqaruvni takomillashtirish va bank tizimida xalqaro amaliy tajribaga ega menejerlarni jalb qilish kabi moliyaviy islohotlarni amalga oshirish zaruriyatini belgilab beradi. Albatta, O'zbekiston bank tizimining yangi davrida ushbu maqsadlarni amalga oshirishda Markaziy bank muhim rol o'ynaydi.

O'zbekiston Markaziy bankining asosiy maqsadi milliy valyuta – so'mning mahalliy va xalqaro miqyosda barqarorligini ta'minlashdan iborat. O'tgan davr mobaynida Markaziy bank o'zbek valyutasining asosiy xorijiy valyutalarga nisbatan uzoq muddatli barqarorlashuviga erishish maqsadida ko'plab samarali moliyaviy islohotlar va siyosatni qabul qildi. Darhaqiqat, bu yangi mamlakat uchun odatda oson ish emas yangi. Ayni paytda so'mning real ayirboshlash kursi indeksi 2017-yildan buyon eksport qiluvchilarni asosan bank moliyalashtirish orqali O'zbekistonda ishlab

chiqarilayotgan mahsulot va xizmatlarni xorijiy mamlakatlardagi asosiy savdo sherigiga nisbatan arzonlashtirish uchun qo'llab-quvvatlash bo'yicha barqarorlashmoqda.

Markaziy bankning asosiy vazifalari quyidagi vazifalardan iborat:

- mamlakatning pul-kredit va valyuta siyosatini amalga oshirish;
- O'zbekistonda samarali to'lov tizimini joriy etish;
- bank va nobank moliya tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash va tartibga solish;
- O'zbekiston Moliya vazirligi bilan birgalikda davlat byudjetining kassa xizmatlarini tartibga solish;
- davlat oltin-valyuta zaxiralarini boshqarish va boshqalar.

O'zbekiston bank tizimida eng muhim siyosatlardan biri pul-kredit siyosati hisoblanadi. Pul-kredit siyosatining uchta vositasi mavjud bo'lib, ulardan birinchisi qayta moliyalash stavkasi (foiz stavkasi) bo'lib, 2023-yilda 15 foizga teng bo'ldi. Ushbu belgilangan stavkadan foydalanishning makro va mikro maqsadlari bor. Makro maqsadlar uchun Markaziy bank odatda ushbu sur'at yordamida iqtisodiyotdagi inflyatsiyani tartibga soladi va maqsadli darajada ushlab turadi. Mikro maqsadda barcha tijorat banklari o'z faoliyatida kreditlash va depozit stavkalarini belgilashda ushbu qat'iy belgilangan stavkadan muhim vosita sifatida foydalanadilar.

Ikkinchi monetar vosita - majburiy zahiralar 1992 yildan boshlab qo'llanila boshlandi.

Hozirgi vaqtda ushbu pul vositasi milliy va xorijiy valyutadagi bank depozitlari uchun mos ravishda 4% va 14% stavkalari bilan qo'llaniladi. Ushbu majburiy zaxira koeffitsienti mamlakatning qarz olish va foiz stavkalariga ta'sir ko'rsatish uchun banklar uchun kredit berish uchun mavjud bo'lgan mablag'lar miqdorini o'zgartirish orqali qo'llaniladi. Biroq Markaziy bank odatda ushbu zaxiralangan depozitlar bo'yicha foizlarni to'lamaydi, bu banklarning rentabelligiga ozgina salbiy ta'sir ko'rsatdi. Aksariyat xorijiy mamlakatlarda Markaziy banklar kamdan-kam hollarda rezerv talablarini oshiradilar, chunki bu ortiqcha zahiralar past bo'lgan banklar uchun zudlik bilan likvidlik muammosini keltirib chiqaradi; ular odatda pul-kredit siyosatini amalga oshirish uchun ochiq bozor operatsiyalaridan (davlat tomonidan chiqarilgan obligatsiyalarni sotib olish va sotish) foydalanishni afzal ko'radilar.

Hozirgi kunda ushbu "Toshkent Respublika Fond Birjasi" aksiyadorlik jamiyatida (TRFB) o'z kapitalini moliyalashtirish orqali banklarning kapitallashuv darajasini oshirish uchun amalda keng foydalanilmoqda.

Hozirgi vaqtda O'zbekiston tijorat banklarini mulkchilik tuzilishiga ko'ra to'rt toifaga bo'lish mumkin³:

- ❖ davlat banklari
- ❖ davlat va aksiyadorlik mulkiga ega bo'lgan aksiyadorlik banklari
- ❖ xususiy mulkka ega xususiy banklar.
- ❖ xorijiy mulkka ega xorijiy banklar.


O'zbekistonda 31 ta litsenziyalangan to'rt turdagi banklar, jumladan, 2 ta davlat banki, 15 ta aksiyadorlik banki, shulardan 11 tasi davlat ulushidagi banklar, 4 ta xorijiy banklar va 10 ta xususiy banklar, 883 ta shahar va tuman filiallari, 1115 dan ortiq xizmat ko'rsatish shoxobchalari va mini -banklar, 1384 ta o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish

shoxobchalari barcha shahar va tumanlarda faoliyat ko'rsatmoqda. Hozirgi kunda barcha tijorat banklari operatsion harajatlarni kamaytirish va tashkiliy tuzilmasini takomillashtirishni nazarda tutuvchi zamonaviy axborot texnologiyalari tizimlarini joriy etish orqali o'z faoliyatini va moliyaviy mustahkamligini oshirish yo'lida katta qadamlar qo'ymoqda, shu bilan birga o'z faoliyatiga xorijiy tajriba va korporativ boshqaruv amaliyotini joriy etish orqali chakana va ulgurji bank xizmatlari ko'rsatish ko'lamini kengaytirmoqda. Ta'kidlanishicha, bank sektori moliyaviy barqarorlik ko'rsatkichi bo'lishi bilan birga, banklar hukmron bo'lgan har qanday iqtisodiyotda iqtisodiy rivojlanishga olib keladigan moliyaviy rivojlanishni jadallashtirishda asosiy rol o'ynaydi. Bundan tashqari, bank sektori va fond bozori mablag'lar va resurslarni o'tkazish va taqsimlash amalga oshiriladigan moliya bozorining asosiy ajralmas qismi hisoblanadi. Oxirgi tadqiqotlarda moliya sektorida banklar va fond bozori o'zaro to'ldiruvchi va o'rinbosarligi ta'kidlangan. Har ikkala tizimning oraliq jamg'armalari va investitsiyalar uchun mablag'lari tufayli ularni moliya bozorida bir-birini almashtiruvchi yoki to'ldiruvchi sifatida ko'rish mumkin.

Oxirgi paytlarda "Toshkent" Respublika fond birjasi (TRF) ham anchagina o'zgarishlarni boshdan kechirdi, siyosatchilar tomonidan ko'rilgan sa'y-harakatlar O'zbekiston moliya bozoriga mahalliy va xorijiy investorlarning ishonchini qozonishda muvaffaqiyatli yordam berdi. Ma'lumki, fond bozori iqtisodiyotdagi uzoq muddatli investitsiya loyihalarini moliyalashtirish uchun asosan listing banklari mahalliy va xorijiy kapitalni ko'proq jalb etishi mumkin bo'lgan bozor sifatida qaraladi. Hozirgi vaqtda bank sektori iqtisodiyotning boshqa tarmoqlariga qaraganda fond bozorida faolroq ishtirok etmoqda(1-rasm qarang.).

IQTISODIYOT TARMOQLARI BO'YICHA SAVDO HAJMINING ulushi

"Toshkent" Respublika fond birjasi



O'zbekiston iqtisodiyoti banklar ustunlik qiladigan iqtisodiyot bo'lganligi sababli, uning rivojlanishi ko'p jihatdan TRSEda ro'yxatga olingan banklar va O'zbekiston moliya sektoriga listingga kirmagan banklardan olinadigan bank sektorining hissasiga tayanadi. Ushbu 1-rasmga ko'ra, listing banklarining YaIMdagi ulushi 2020-2023 yillar mobaynida keskin o'sib bormoqda, biroq O'zbekistonda listingga kirmagan banklarning ulushi yalpi ichki mahsulot hajmida pasayib bormoqda.

Har qanday iqtisodiyotda korporativ boshqaruvning ahamiyati tufayli milliy va xalqaro adabiyotlarda korporativ boshqaruv masalalari bo'yicha turli xil tadqiqotlar mavjud: kontseptual, empirik, normativ va boshqalar. Shunga qaramay, korporativ boshqaruv mavzusidagi o'zbek adabiyoti tadqiqoti xalqarolarga nisbatan kam rivojlangan, ayniqsa, moliyaviy sektorda korporativ boshqaruv sohasida. Ko'rib chiqilgan adabiyotlar natijalari shuni ko'rsatadiki, faqat bir nechta tadqiqotlarda korporativ boshqaruvning faqat kontseptual va me'yoriy jihatlari ko'rib chiqilgan. O'zbekiston. Afsuski, hozircha hech bir muallif O'zbekiston sharoitida korporativ boshqaruvning moliyaviy sektor orqali iqtisodiy o'sishga ta'sirini o'rganmagan. Korporativ boshqaruv bo'yicha dastlabki tadqiqot Broadman H. (1999) tomonidan "Markaziy Osiyoda raqobat, korporativ boshqaruv va tartibga solish: O'zbekistonning tarkibiy islohot muammolari" mavzusida o'tkazildi. Ushbu hujjat hukumat va biznes o'rtasida biroz bo'linish, noto'g'ri belgilangan korporativ boshqaruv tizimi, firma faoliyati bo'yicha zaif intizom mavjudligini ko'rsatadi.

Bundan tashqari, O'zbekistonda korporativ boshqaruvni rag'batlantirish va institutlarini kuchaytirish hamda samarali korporativ boshqaruv bo'yicha xorijiy amaliyotni joriy etish bo'yicha ayrim siyosiy takliflar mavjud. Yana bir dastlabki ish Akimov A. (2001) tomonidan qisman kapital bozorining huquqiy asoslari va korporativ boshqaruv mexanizmlarining O'zbekistonda moliya tizimini rivojlantirishdagi roliga bag'ishlangan.

Bundan tashqari, o'zbek tadqiqotchilari O'zbekiston misolida korporativ boshqaruvning ayrim xususiyatlariga ham to'xtalib o'tishga harakat qildilar. Jumladan, M. Vohidov (2004) O'zbekistonda korporativ boshqaruvning rivojlanishi kapitalning samarali taqsimlanishi va moliya bozorlarining rivojlanishiga, mamlakatga xorijiy investitsiyalar oqimining jadallashuviga ijobiy ta'sir ko'rsatayotganini ta'kidladi.

Kurtbedinov E. (2009) ta'kidlashicha, uning tadqiqoti O'zbekistonda korporativ boshqaruvni tartibga solishga bag'ishlangan va uni boshqa o'tish davri mamlakatlari amaliyoti bilan solishtirgan. Bundan tashqari, Ashurov Z. (2010, 2015, 2017) o'z asarlarida korporativ boshqaruv muammolarini baholash, korporativ boshqaruv mexanizmlari va tamoyillari, korporativ boshqaruvni rivojlantirishdagi konseptual muammolarning mavjudligi hamda korporativ boshqaruvning ta'sirini keng muhokama qilishga harakat qildi. O'zbekistonda fond bozori faoliyatining rivojlanishi. Xuddi shunday, Rasulov N., Amonboyev M. (2016) o'z maqolalarida korporativ boshqaruv kontseptsiyasi va uning O'zbekiston misolida qo'llanilishiga e'tibor qaratadi. Bundan tashqari, ular korporativ boshqaruv muammolari bilan bog'liq mavjudlik nazariyalarini hamda rivojlangan mamlakatlar, jumladan, Germaniya, AQSh va Buyuk Britaniyaning korporativ boshqaruv tamoyillarini qo'llash bo'yicha xorijiy tajribalarni o'rganadilar. Bundan tashqari, ular, shuningdek, banklarda yaxshi korporativ boshqaruv iqtisodiyotning mustahkamligi va doimiy barqarorligida muhim

rol o'ynashini ta'kidlaydilar, bu esa har bir mamlakatda umumiy jamoatchilik manfaatlariga olib keladi. Darhaqiqat, aksariyat mualliflar va tadqiqotchilar korporativ boshqaruv va iqtisodiy o'sish o'rtasida kuchli va ijobiy bog'liqlik mavjudligiga rozi bo'lishadi. Biroq, ayniqsa, O'zbekistonda korporativ boshqaruv va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi munosabatlarga oid nazariy va empirik tadqiqotlar hali ham yetarli emas. Bundan tashqari, bank sohasida korporativ boshqaruv asoslari, shuningdek, samarali korporativ boshqaruv mexanizmlari va ularning iqtisodiy o'sish va rivojlanishga ta'sirini o'rganish O'zbekiston misolida haligacha o'rganilmagan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //Xalq so'zi, 23- dekabr 2019 yil.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz./ Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi.(2016-yil 14-dekabr kuni).
3. [Making Public in a Privatized World David A. McDonald](#) London, United Kingdom ZED-BOOKS-LTD 2016 Paperback
4. Mamarasulov U.M. Iqtisodiyot va bozor munosabatlari. - T.: «Navruz», 2016.
5. Кузнецова А.И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход. М.: Кой Книга, 2016.

PUL MABLAG'LARI HISOBOTLARINI TUZISHDA BIZNES QIYMATNI YARATISH

Yusupov Xasan Bektoshevich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, magistr

Annotatsiya

Pul oqimi to'g'risidagi hisobot ma'lumotlari asosida tashkilotning pul oqimlarini tahlil qilish tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Hisobotning axborot ahamiyati kompaniyaning potentsial muammolarini va iqtisodiy xavflarini aniqlashga imkon beradigan birinchi ko'rsatkichlardan biri bo'lgan pul oqimlari ekanligi bilan bog'liq. Milliy va xorijiy buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlarining bir qismi sifatida pul oqimi to'g'risidagi hisobotning axborot ahamiyatini va pozitsiyasini baholashga qaratilgan.

Kalit so'zlar: pul oqimlari, pul oqimi hisoboti, pul oqimlarini aks ettirish usullari, axborotni oshkor qilish, muqobil ko'rsatkichlar, moliyaviy hisobot.

Mamlakatimizda iqtisodiyotni modernizatsiya qilishga bosqichma-bosqich o'tish har bir tarmoq iqtisodiyotini jadal rivojlantirish, investitsiyalardan foydalanish samaradorligini oshirishga bog'liq bo'ladi. Investitsiyalarni bozor iqtisodiyotiga moslashtirish investitsion siyosatni ham tubdan o'zgartirishni talab qilmoqda. Shu bilan birga investitsion siyosatni amalga oshirish chog'ida bozor munosabatlariga mos dastaklardan foydalanishni, ya'ni investitsion jarayon ishtirokchilarining huquq va

majburiyatlarini belgilashni, mamlakatda investorlar uchun to'laqonli raqobatni ta'minlashni, moddiy va intellektual boyliklarni boshqarishda batamom erkin harakatlarni amalga oshirishni taqozo etmoqda.

Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot investitsiyalarni tahlil qilish uchun zarur bo'lgan eng muhim hujjatdir. Ushbu hisobotga moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobotga qaraganda chiqarilgan qarorlar va taxminlar kamroq ta'sir qiladi.

Doimiy o'zgaruvchan iqtisodiy voqeliklar tufayli tashkilotning moliyaviy holatini ushbu o'zgarishlarga eng sezgir ko'rsatkichlardan biri sifatida pul oqimlari to'g'risidagi hisobotni tahlil qilish va o'rganishga asta-sekin o'tilmoqda.

Hozirgi davrda investitsion kompaniyalari uchun pul oqimi to'g'risidagi hisobotning foydali ma'lumotlarini ahamiyatini oshirish, baholash va uni takomillashtirish yo'nalishlarini aniqlash maqsadida amalga oshirilgan ko'plab professional tadqiqotlar mavjud. Investitsiyalarning naqadar katta ahamiyatga egaligini Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev quyidagi nutqidan ham anglab olish mumkin: “jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, mamlakat o'z iqtisodiyotining barqaror o'sishiga erishdi, bu esa faol investitsiya siyosatini olib bormoqda.

Shuning uchun investitsiyalar iqtisodiyotning harakatlantiruvchi kuchi bo'lib, o'zbek tilida, iqtisodiyotning yuragi, agar shunday deb aytsak, hech qanday mubolag'a bo'lmaydi. Investitsiya, yangi texnologiyalar, turli soha va tarmoqlarda ilg'or tajribalar bilan bir qatorda, yuqori malakali mutaxassislar viloyatlarga keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi” deb atagan.

Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi farmonida investitsiyalash uchun quyidagi ustuvor yo'nalishlar belgilangan: xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, jumladan, yetakchi xalqaro va xorijiy moliya institutlari bilan aloqalarni kengaytirish, tashqi qarzlarning puxta o'ylangan siyosatini davom ettirish, undan samarali foydalanish.

“Investitsiya” atamasi lotin tilidagi “Invest” so'zidan kelib chiqqan bo'lib, “qo'yish”, “mablag'ni safarbar etish” ma'nosini bildiradi. Aksariyat hollarda “Investitsiya” tushunchasi iqtisodiy va boshqa faoliyat ob'ektlariga kiritiladigan moddiy va nomoddiy ne'matlar hamda ularga doir huquqlar tarzida tariflanadi.

Mamlakat iqtisodiyotida investitsiyalarning ahamiyati to'g'risida fikr yuritadigan bo'lsak, bu o'rinda “Investitsiya” tushunchasining moliyaviy, mulkiy va intellektual qadriyatlarini takror ishlab chiqarishning inikosi bo'lmish dastlabki va asosiy tushuncha bo'lib maydonga chiqishini unutmazlik kerak.

Zamonaviy iqtisodiy sharoitda har bir xo'jalik yurituvchi sub'ektning faoliyati uning faoliyati natijalaridan manfaatdor bo'lgan bozor munosabatlari ishtirokchilari (tashkilotlar va shaxslar) ning keng doirasi ye'tiboridir. Mulkdorlar kapitalning rentabelligini oshirish, firma pozitsiyasining barqarorligini ta'minlash maqsadida moliyaviy hisobotlarni tahlil qiladilar. Kreditorlar va investorlar kreditlar va depozitlar bo'yicha risklarni kamaytirish uchun moliyaviy hisobotlarni tahlil qiladilar. Qabul qilingan qarorlarning sifati asosan ularning analitik asoslash sifatiga bog'liq bo'ladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalar iqtisodiy tizimning mustaqil yeleменти sifatida biznes, turli darajadagi byudjetlar, kapital yegallari va boshqa sub'ektlar bilan

o'zaro hamkorlik qiladi, bu jarayonda ular bilan moliyaviy munosabatlar paydo bo'ladi. Shu munosabat bilan firmaning moliyaviy boshqaruvi, ya'ni tashkilotning taktik va strategik maqsadlariga yerishish uchun moliyaviy resurslarni tartibga solish tamoyillari, ko'rinishlari va usullarini ishlab chiqish zarurati paydo bo'ladi.

Korxonaning holatini baholashning asosiy vositasi tahlil qilinadigan ob'ektning ichki va tashqi munosabatlarini ob'ektiv baholash imkonini beradigan tahlil bo'lib xizmat qiladi: uning to'lov qobiliyatini, samaradorligi va rentabelligini, rivojlanish istiqbollari tavsiflash, so'ngra uning natijalari bo'yicha qarorlar qabul qilish.

Shuning uchun, pul oqimi tahlili korxonaga boshqarish uchun dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

Hisobot pul mablag'larini hisobga olish ma'lumotlari asosida tuziladi va hisobot davrining boshida va oxirida qolgan qoldiqlarni hisobga olgan holda pul oqimlari to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. Pul oqimlari to'g'risidagi ma'lumotlar hisobotda joriy, investitsiya va moliyaviy faoliyat bo'yicha taqdim etiladi.

Tashkilotlarning moliyaviy hisobot ko'rsatkichlarini shakllantirish tartibi to'g'risidagi uslubiy tavsiyalar hisobot tuzish maqsadida tushuntirildi:

- hozirgi faoliyat asosiy maqsad sifatida foyda olish yoki faoliyati predmeti va maqsadlariga muvofiq, deb tushuniladi, ya'ni sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish, qurilish ishlari, qishloq xo'jaligi, tovarlar sotish, umumiy ovqatlanish xizmatlari ko'rsatish, mol-mulkni ijaraga berish va boshqalar;

- investitsiya faoliyati yer, binolar va boshqa ko'chmas mulk, asbob-uskunalar, nomoddiy aktivlar va boshqa uzoq muddatli aktivlar, shuningdek, ularni sotish sotib qachon tashkilotning kapital qo'yilmalar bilan bog'liq tashkilot faoliyati tushuniladi; boshqa tashkilotlarga uzoq muddatli moliyaviy investitsiyalarni amalga oshirishda, obligatsiyalarni va boshqa uzoq muddatli qimmatli qog'ozlarni chiqarish;

- moliyaviy faoliyat qisqa muddatli moliyaviy investitsiyalar amalga oshirish bilan bog'liq tashkilot faoliyati, obligatsiyalar va boshqa qisqa muddatli qimmatli qog'ozlar chiqarish, 12 oygacha muddatga ilgari sotib qimmatli qog'ozlar tasarruf tushuniladi.

Pul oqimi to'g'risidagi hisobotni tuzishdan maqsad tashqi foydalanuvchilarning keng doirasiga kerakli ma'lumotlarni taqdim yetishdan iborat. Moliyaviy hisobot foydalanuvchilari miqdori cheklangan, ammo foydali, tashkilotning pul kapitalining holati va harakati haqidagi ma'lumotlarga ega bo'lishni nazarda tutadi, ular boshqa hisobot shakllarining ko'rsatkichlari bilan birgalikda:

- tashkilotning pul aylanmasining hajmini aks ettiradi;
- tashkilotning mulkdorlarga bo'lgan majburiyatlari qanday bajarilganligi aniqlanadi;

- pul mablag'lari va tashkilotning sof foydasi o'rtasidagi farqlarning sabablari va miqdorini aniqlash imkonini beradi;

- qarz majburiyatlarini bajarish jarayonini nazorat qilish va qarzning asosiy miqdorini to'lash uchun zarur zahiralarni yaratish imkonini beradi.

Pul mablag'lari oqimi to'g'risidagi hisobotni tuzishda tashkilot standart jadval shaklida indikatorlarning belgilangan formatini va asosiy kitobda aks ettirilgan ko'rsatkichlarni, yordamchi buxgalteriya registrlarini "kassa", "hisob-kitob hisoblari", "valyuta hisoblari", "banklardagi maxsus hisoblar" va boshqa hisobot ko'rsatkichlari

texnik tomonga qisqartiriladi.

Tadqiqot maqsadlari uchun biznesning qiymatini baholash va investitsion qarorlar qabul qilish asosida qiymat yaratishning asosiy moliyaviy drayverlari tizimlashtirildi

Qiymat yaratishning moliyaviy drayverlari an'anaviy ravishda model yordamida investitsiya tahlilida ishlatiladigan ko'rsatkichlardir, ular orasida birinchi navbatda operatsion faoliyatdan sof pul oqimi va erkin pul oqimi ko'rsatkichlari ta'kidlanishi kerak.

Biznes qiymati erkin pul oqimlari va kapitalning o'rtacha qiymati bilan shakllantiriladi hamda ular operatsion foyda, sof kapitaldagi o'zgarishlar, soliq to'lovlari, kapital qo'yilmalar va amortizatsiya ajratmalari orqali o'zaro hisob-kitob ishlari amalga oshiriladi.

Pul oqimlarini tahlil qilish va prognozlash investitsiya qarorlarini asoslashning eng muhim vositasi bo'lib, ko'rsatkichlarning o'zi moliyaviy modellarni ishlab chiqishning asosiy elementlari sifatida ishlatiladi.

O'tkazilgan o'rganishlar shuni ko'rsatdiki, tashkilotlarda pul oqimi ko'rsatkichlarini shakllantirish uslubiyotiga bir qator ob'ektiv va sub'ektiv omillar ta'sir ko'rsatadi ya'ni jumladan moliyaviy hisobot standartlari talablari, buxgalteriya siyosatini tanlash, korporativ boshqaruv tizimi, biznes modelining o'ziga xos xususiyatlari, kapital yetkazib beruvchilarning talablari, direktorlar Kengashining mustaqilligi, kompaniyaning ichki nazorat va audit tizimining samaradorligi va boshqalar.

Xulosa qiladigan bo'lsak, pul oqimi to'g'risidagi hisobot ko'rsatkichlari bilan bir qatorda investorlar va kompaniyalar o'zlari tashqi foydalanuvchilarga tashkilotning qiymat yaratish qobiliyatini ochib beradigan ma'lumotlarni taqdim etishga imkon beradigan muqobil ko'rsatkichlardan faol foydalanadilar.

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINING HOZIRGI HOLATI VA ISTIQBOLLARI

Jomurodov Hasan Dilmurod o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

hjomurodov9@gmail.com

Ilmiy rahbar: dots. Shomansurova Z.A

Annotatsiya

Ushbu ilmiy maqolada fond bozorining O'zbekistondagi hozirgi holati haqida, shuningdek xorij va mahalliy bozordagi bo'layotgan o'zgarishlar va tendensiyalar tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: "Toshkent" RFB, marketmaker, SPAC, fond bozori, manfaatdor tomon (stakeholder), UCI indeksi, ESG

Barchaga ma'lumki, fond bozori bo'sh turgan pul mablag'larni to'plash, ularni mavjud infratuzilma orqali kapitalga aylantirish, so'ngra uni ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish jarayonlari ishtirokchilari (banklar, korxonalar, firmalar, shu bilan

birga mamlakat aholisi) o'rtasida taqsimlash munosabatlarini, qimmatli qog'ozlar, shu jumladan aksiyalar hamda obligatsiyalar bilan oldi-sotdi operatsiyalarini olib boradi. "Qimmatli qog'ozlar bozorining ishtirokchilari, bular emitentlar, investorlar, investitsiya muassasalari, shuningdek, ularning birlashmalari (uyushmalari), fond birjalari (birjalarning fond bo'limlari), davlat tomonidan vakil etilgan qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini nazorat qilish idoralaridan iborat. Fond bozorining barcha ishtirokchilarini professional, noprofessional hamda davlat tomonidan tartibga solish va nazorat qilish idoralariga bo'lish mumkin.

Fond birjasi birja oldi-sotdisi vaqtida bitimlar tuzish, bitimlarni tekshirib ko'rish va ular yuzasidan hisob-kitob qilish tartibini mustaqil ravishda ishlab chiqadi va tasdiqlaydi. Fond birjalari va fond bo'limlari O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi bilan kelishib olingan qimmatli qog'ozlar muomalasi bitimlarini amalga oshirish nizomlari va ichki qoidalari, fond birjasi ustavi (fond bo'limi to'g'risidagi Nizom) asosida ish tutadilar. Fond birjasida amallarni uning a'zolarigina amalga oshira oladilar. "Fond birjasi faoliyatining pul ta'minoti:

- fond birjasi aksiyalari va paylarini sotish;
- fond birjasidagi brokerlik o'rinlarini sotish;
- fond birjasi a'zolari muntazam to'lab boradigan a'zolik badallari;
- birja bitimlarini ro'yxatdan o'tkazishda olinadigan yig'imgilar;
- qimmatli qog'ozlar muomalasida vositachilik haqi;
- birja ustavida nazarda tutilgan axborot xizmati va boshqa oid xizmatlar ko'rsatishdan keladigan daromadlar hisobidan amalga oshirilishi mumkin"[1].

Yuqorida fond birjasining asosiy mazmuni va pul manbalari haqida tanishib chiqqan bo'lsak, endi fond birjasi hozirgi paytga asosiy ko'rsatkichlari bilan tanishib chiqsak. 2022 yil 26 noyabr holatiga ko'ra, O'zbekiston Respublikasida aksiyadorlik jamiyatlari umumiy soni **631** ta tashkil etib, hududlar kesimida tahlil qilinganda quyidagi holatni ko'rish mumkin. 2022 yil 1 iyul holatiga jamiyatlar tomonidan jami **165,549 trln.** so'mlik hajmda aksiyalar emissiya qilingan bo'lib, har bir jamiyat bir dona aksiyasining o'rtacha nominal qiymati **1 755,29** so'mni tashkil etadi. Emitentlar tomonidan emissiya qilingan aksiyalar soni **13,3 trln.** dona bo'lib eng yuqori ulushi bank sektoriga to'g'ri keladi. Joriy yilning 1 iyul holatiga **33 ta** aksiyadorlik tijorat banklari tomonidan **57,5 trln.** so'mlik nominal qiymatga ega bo'lgan jami **3,4 trln.** dona aksiyalar emissiya qilingan. Emissiya qilingan aksiyalarning qiymat jihatidan umumiy hajmining yuqori ulushi "O'zmilliybank" AJga (22,1 foiz) to'g'ri keladi. Emissiya qilingan aksiyalarning soni jihatidan esa eng yuqori ulush "Ipoteka bank" ATIBga (87,5 foiz) to'g'ri keladi. Shuningdek, 12 ta emitent tomonidan chiqarilgan **770,9 mlrd.** so'm umumiy miqdoriga ega 368 ming dona korporativ obligatsiyalar hisobi olib borilmoqda.

2022 yil I yarim yil davomida aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlarning jami miqdori **12,8 trln.** so'm bo'lib, **2,2 trln.** dona aksiyalar emissiyasi O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan davlat ro'yxatidan o'tkazildi

O'zbekiston qimmatli qog'ozlar bozorida 2022 yilning I yarim yilligida savdo aylanmasining umumiy hajmi jami **12,6458 trln.** so'mni tashkil qildi va bitimlar

hajmining **73 foizi**, qimmatli qog'ozlarning uyushmagan bozoriga, 26 foizi fond birjasiga va 1 foizi "Elsis savdo" AJ ulushiga to'g'ri keldi. Bitimlar soni bo'yicha umumiy bozor aylanmasi 46 293 taga yetdi va **351,5 mlrd.** dona qimmatli qog'ozlar bilan bitimlar amalga oshirildi.

"Toshkent Respublika fond birjasi faoliyatida 2022 yilning I yarim yilligida sezilarli jonlanish kuzatilib, savdo aylanmasining umumiy hajmi **3 347,1 mlrd.** so'mni tashkil qildi. Mazkur davrda fond birjasida qimmatli qog'ozlar bilan amalga oshirilgan bitimlar soni **41 450** tani tashkil etgan holda, joriy yilning birinchi yarim yili davomida birja savdolari orqali 101 ta aksiyadorlik jamiyatining 5 518 mln. dona qimmatli qog'ozlari bilan birja bitimlari amalga oshirildi. Jumladan, "Artel Electronics" MChJning 30 mlrd. so'mlik, "O'zmetkombinat" AJning 98 mln. so'mlik va "Chust RIR mikro kredit tashkilot" MChJning 436 mln. so'mlik obligatsiyalari savdosi amalga oshirildi. Fond birjasi savdo aylanmasida so'nggi oylarda katta darajada o'sish kuzatilmoqda, biroq qimmatli qog'ozlarga bo'lgan talab va takliflarning uyushgan bozorda jamlanishi yetarli darajada emas. Bu esa, o'z navbatida qimmatli qog'ozlarning yuqori likvidligini oshirish imkoniyatini bermaydi"[2].

O'zbekiston qimmatli qog'ozlar bozorining 2021 yil I yarim yilligidagi savdo aylanmasining umumiy hajmi 5 362,4 mlrd. so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2022 yilning mazkur davrida savdo aylanmasi jami 12 645,8 mlrd. so'mni tashkil etdi, ya'ni savdolar 2 barobardan ortig'iga oshgan. E'tiborlisi, agar 2021 yil I yarim yilligida savdo aylanmasining faqatgina 16 foizi "Toshkent" fond birjasi orqali amalga oshirilgan bo'lsa, 2022 yilning shu davrdagi bitimlar hajmining 26 foizi "Toshkent" fond birjasiga to'g'ri keldi. Bu ko'rsatkich albatta fond birjasi savdo aylanmasida so'nggi davrda katta darajada o'sish borligini ko'rsatadi.

Fond birjasining bugungi kundagi asosiy maqsadlaridan biri – respublikamizdagi moliyaviy barqaror va likvidli aksiyadorlik jamiyatlarini listingga jalb qilishdir. Aksiyadorlik jamiyatlarining rasmiy birja listingiga kiritilishi bu – ushbu jamiyatlarning ma'lum darajada ishonchliligidan va moliyaviy barqarorligidan darak beradi hamda ular to'g'risidagi axborotlarning doimiy oshkor qilinib borilishi esa investorlarning investitsiya kiritishga bo'lgan ishonchini oshiradi.

Bundan tashqari, aksiyadorlik jamiyatlarining fond birjasi listingiga kiritilishi, ularning xalqaro fond bozorlariga integratsiyalashuvida keng imkoniyatlar yaratadi, ya'ni xorijiy investorlar birinchi navbatda listingga kirgan kompaniyalar aksiyalarini afzal deb hisoblaydilar. Chet el fond birjalari esa asosan o'z mamlakati fond birjasi listingiga kirgan aksiyadorlik kompaniyalariga tegishli qimmatli qog'ozlarnigina savdoga chiqaradilar.

Aksiyadorlik jamiyatlarini birja listingiga jalb qilish maqsadida "Toshkent" Respublika fond birjasi tomonidan amaldagi listing jarayonlari tartibiga tegishli o'zgartirishlar kiritildi, ya'ni aksiyadorlik jamiyatlarini listing kiritish jarayoni soddalashtirildi va listing to'lovlari miqdori qayta ko'rib chiqildi.

"Shuning natijasida, hozirga kelib birja listingiga kirgan korxonalar soni ko'paymoqda. 2022 yil 1 noyabr holati bo'yicha birja listingi tartib taomilidan **107** ta aksiyadorlik jamiyati muvaffaqiyatli o'tgan. Shundan, 11 ta aksiyadorlik jamiyatining qimmatli qog'ozlari 2022 yilning I yarim yil davomida birja kotirovkalash varag'iga kiritildi. Listing kompaniyalari tarkibiga tijorat banklari, sug'urta kompaniyalari, neft

va gaz sanoati, agrosanoat kompleksi, energetika va metallurgiya tarmog'i, qurilish mollari ishlab chiqaruvchi hamda boshqa bir qator sohalarda faoliyat yurituvchi aksiyadorlik jamiyatlari kiritilgan. Bugungi kunda birja kotirovkalash varag'idagi aksiyadorlik jamiyatlarining 1 tasi "Premium" toifa, 67 tasi "Standart" toifa, 35 tasi "Tranzit" toifa hamda 4 tasi "Bond" toifaga mansubdir.

O'zbekiston Fond bozorida UCI indeksi eng asosiylaridan biri hisoblanadi. Bu indeks "Toshkent" respublikasi fond birjasi tarafidan ishlab chiqilgan bo'lib, listinga kiritilgan barcha aksiyalar asosida hisoblanadi. 2022-yil 18 apreldan (1 211,62) 2022-yil 22-aprel (737,56) sanasigacha indeks (474,06) 39,13 foizga pasaygan. Bu yerda o'zgarishlarga asosiy sabab sifatida "O'zmetkombinat" AJning aksiyalari narxining ta'sirini ko'rsatish mumkin. Emitent 15 aprel sanasida o'zining oddiy va imtiyozli aksiyalarini 1/10 nisbatda ko'paytirilishi ortidan kapitalizatsiya hajmi 68 196,3 mlrd. so'mga yetdi va shu kungi umumiy birja kapitallashuvining 44,84 foizini qayd etdi. Bu hodisa tabiiyki indeksga o'z ta'sirini ko'rsatdi va 18-apreldan - 22-aprelgacha emitentning oddiy aksiyalarining narxi 149 500,00 so'mdan 15 002,00 so'mgacha, imtiyozli aksiyalarining narxi esa 46 125,33 so'mdan 4 800,00 so'mga pasaydi. UCI indeksining o'zgarishiga savdo hajmi va soniga emas, emitentning bozor kapitallashuviga (narx o'zgarishiga) uzviy bog'liq va narx o'zgarishi o'z-o'zidan indeksning tebranuvchanligiga olib keladi"[3].

"Hozirgi global dunyoda fond bozorida bo'layotgan o'zgarishlar va tendensiyalarni bir tadqiq etsak. Hozirgi paytda eng rivojlangan tendensiya **ommaviy bozorlarni demokratlashtirishdir**. Yanvar oyida Reddit'ning WallStreetBets'dagi bir guruh chakana savdogarlar (professional bo'lmagan treyderlar) bozordagi to'polonga tenglashtirilgan bir qancha ommaviy savdo kompaniyalari narxlariga keskin ta'sir ko'rsatdi. Ushbu epizodlar xedj-fondlar va professional investorlar uchun qimmatga tushdi - ularning aksariyati bir xil aksiyalarga qarshi tikish - milliardlab dollarlar va bozor amaliyoti va barqarorligi haqida savollar tug'dirdi. Tarixan, fond bozorlariga kirish juda qiyin bo'lib, faqat brokerlar va moliyaviy maslahatchilar yordamida o'z aktivlarini boshqarish uchun vaqt, pul va resurslarga ega bo'lgan firma yoki shaxslar uchun mavjud edi. Bugungi kunda bozor ma'lumotlarini onlayn rejimda osongina olish mumkin va yangi texnologiyalar savdo xarajatlarini va bozorga kirish uchun boshqa to'siqlarni sezilarli darajada kamaytirdi. Bu shuni anglatadiki, ko'proq odamlar istalgan vaqtda, istalgan joyda savdo qilishlari mumkin. Misol uchun, 2021 yilda chakana investorlar AQSH birja savdolari hajmining taxminan 23 foizini tashkil etadi, bu 2010 yildagidan ikki baravar ko'p. Bozorga kengroq kirish - bu ijobiy holat, ammo bu xavf-xatarsiz emas. Bu bozor va institutsional barqarorlik, investorlar uchun kafolatlar haqida muhim savollarni tug'diradi, shuningdek, moliyaviy ta'lim yetishmasligi natijasida kapitalning yo'qotilishiga olib kelishi mumkin"[4].

Insonlarda bu bozorga nisbatan **Yangi boylik yaratish imkoniyati** sifatida qarash hissi kengroq yoyilmoqda. Xususiy bozor investitsiya imkoniyatlari, o'zlarining likvidliroq daromadlari bilan tarixan faqat institutsional va akkreditatsiyalangan investorlar uchun mavjud bo'lgan. Ushbu eksklyuziv kirish investorlar tomonidan qabul qilingan murakkablik darajasi va risklarni boshqarish tajribasiga asoslangan edi. Bugungi kunda chakana investorlarga kapitalni muqobil xususiy bozorlarga yo'naltirish imkonini beruvchi yangi mahsulotlar ishlab chiqilmoqda va bu yerda

yanada institutsional investorlar uchun ushbu mahsulotlarni savdosiga ishtirok etishda muammolar mavjud. Va bu yangi mahsulotlarga nisbatan odamlar an'anaviy aksiyalar va obligatsiyalarga investitsiya qilish qaraganda xavf-xatarlar haqida ogoh bo'lishlari kerak.

“Keyingi tendensiya **davlat va xususiy bozorlarning eroziyasi**. Global miqyosda har qachongidan ham ko'proq kompaniyalar ommaga oshkor bo'lmoqda, ammo Qo'shma Shtatlarda biz kompaniyalar uzoqroq xususiy bo'lib qolishlarini va boshqa korxonalar esa ommaviydan xususiy sektorga o'tishni afzal ko'rishyabdi. Ushbu tendensiya oshkoralik talablari va davlat kompaniyalari faoliyatini tartibga soluvchi nazoratning kuchayishi, shuningdek, investorlarning xususiy kompaniyalarni moliyalashtirish istagi bilan kuchaymoqda. Shuningdek, kompaniyalar kapitalni jalb qilish va qimmatli qog'ozlar bozoriga ta'sir qilishni kamaytirishning boshqa variantlarini ham o'rganmoqda. So'nggi paytlarda biz an'anaviy ommaviy taklifga (IPO) muqobil sifatida ixtisoslashgan sotib olish kompaniyalari SPAC (maxsus maqsadli sotib olish platformasi) bozorida ancha ijobiy o'sishni ko'rib turibmiz”[5].

Ma'lumotlar va kiberxavfsizlik bilan bog'liq tashvishlar. Kapital bozorlaridagi jarayonlar tobora raqamli tus olmoqda, chunki bozor ishtirokchilari tranzaksiyalarning tezroq bajarilishini va axborotdan uzluksiz foydalanishni talab qilmoqdalar. Ushbu texnologiyalar sanoatdagi o'zgarishlarni tezlashtirmoqda, biroq ayni paytda kiberxavfsizlik va ma'lumotlarni himoya qilish bo'yicha xavotirlarni kuchaytirmoqda. Ma'lumotlar o'zining aktivlari sinfiga aylanib bormoqda, ma'lumotlarni boshqarish infratuzilmasi an'anaviy moliyaviy kompaniyalar uchun asosiy o'sish sohasidir. Tashkilotlar tezkorlik va o'sishni rag'batlantirish uchun tahlillardan foydalanish yo'llarini faol ravishda izlamoqda. Biroq, kompaniyalar xavfni kamaytiradigan holda ma'lumotlardan tezroq foydalanishdan foyda ko'rgan holda qanday qilib xavfsiz innovatsiyalar qilishlari mumkinligi haqida savollar qolmoqda.

ESG atrofidagi shaffoflik. Hozirgi paytga kelib ESG moliya kompaniyalari uchun ustuvor vazifalardan biri bo'lib kelmoqda. Sarmoyadorlar, investorlar va korporatsiyalar nol balans va manfaatdor tomonlar kapitalizmiga o'tishni qo'llab-quvvatlashda o'z rollarini, shu jumladan izchil ESG hisobot standartlarini qabul qilishni yoqlaganlarida, barqaror investitsiyalarni qo'llab-quvvatlash uchun qanday bozor tuzilmalari va vositalari kerakligi haqida muhim savollar kelib chiqmoqda.

Yuqoridagi tadqiq etilgan masalalar bo'yicha quyidagilarni taklif sifatida kiritamiz:

- Birinchi tavsiya hisob-kitoblarni takomillashtirishdir. Bitimlarni joylashtirish va hisob-kitob qilish tartibini soddalashtirish likvidlikni oshirishi kerak. Qog'ozbozlik jarayonlarini qisqartirish kerak har qanday amaliyotda. Hozirgi paytda dunyoning aksariyat davlatlarida savdoni tasdiqlash va hal qilish uchun, shuningdek brokerlik hisob raqami ochish uchun jismoniy qog'oz amaliyotidan foydalanmaydi;

- Fond-bozorida qiziqishni yanada ortirish uchun resident va norezident bo'lishidan qat'iiy nazar dunyoning istalgan nuqtasidan masofadan brokerlik hisob raqami ochish imkoniyatini yaratish;

- Rivojlangan bozor amaliyotlarini o'zimizga qo'llagan holda, marketmaker tajribasi yanada samarali foydalanish buning uchun qo'lay bo'lgan infratuzilma va ortiqcha risklarni kamaytirish imkoniyatini yaratib berish regulyator

tomonidan. Marketmaker bozorda likvidlikni oshirib beradigan eng muhim ishtirokchilardan biridir. Shuningdek, bozordagi minimum va maksimum narxga qo'yiladigan cheklovni ham qaytadan ko'rib chiqish va erkinlashtirish siyosatini olib borish.

- Xorij tajribasiga mutanosib ravishda, "Toshkent" RFB alternativ daromad manbalari shakllantirish orqali (misol uchun: treyderlar uchun muhim bo'lgan ma'lumotlarni pullik asosda xizmat ko'rsatish, yoki pullik o'quv kurslari tashkil qilish orqali) birjada savdolaridagi ustama miqdorini bosqichma-bosqich 0 stavkaga tushirish;

- Fond bozori hamda kapital bozori haqidagi ma'lumotlarni (choraklik, yillik) dunyoning eng yaxshi moliyaviy jurnallariga (Bloomberg, Financial Market) chiqarish orqali chet el investorlarini va birja ishtirokchilarini O'zbekiston bozoriga qiziqishini ortirish;

- Birja savdolarining professional ishtirokchilari xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlarini yaxshilash va ommaviy tele-dasturlarda investitsiya haqidagi asos tushunchalarni jamiyatga yetkazish, va bu orqali jamiyat moliyaviy salohiyatini ko'tarish hamda birja savdolariga qiziqishni ortirish;

- Bozordagi kapital miqdorini oshirish va tranzaksiyalar miqdorini oshirish uchun Davlat Suveren Fondlariga hamda Banklarga investitsion faoliyatni amalga oshirish qulay shart-sharoitlarini yaritib berish;

- Investorlarni talab-takliflarini o'rgangan holda, uyushmagan bozordagi savdo amaliyotlarini "Toshkent" RFB platformasida amalga oshirish imkoniyatlarini ko'rib chiqish.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] "Toshkent" Respublika Fond birjasining samarali faoliyat ko'ratishini ta'minlash va qimmatli qog'ozlar bozori infrastrukturasi rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi" qonun <https://lex.uz/docs/-749986>

[2] "Toshkent Respublikasi Fond Birjasi" rasmiy veb saytidagi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi <https://uzse.uz/>

[3] O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya Vazirligi rasmiy ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi <https://mf.uz/>

[4] Capital Markets in Developing Countries The State of Play <https://milkeninstitute.org/sites/default/files/reports-pdf/Capital-Markets-in-Developing-Countries2.pdf>

[5] Jahon Banki ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi <https://www.worldbank.org/en/news/speech/2020/02/10/capital-market-driven-development-and-the-role-of-the-world-bank-group>

THE IMPORTANCE OF CORPORATE FINANCE IN EFFECTIVE CASH FLOW MANAGEMENT

Foziljonov Ibrohimjon Sotvoldikhuja ugli

Tashkent state university of economics

Deputy Dean of the Corporate Governance Faculty, Ph.D.

ifoziljonov@tsue.uz

Abstract

In this article, the importance of corporate finance in the effective management of cash flows of joint-stock companies, modern methods of cash flow forecasting are explained in detail. Accounting for the time factor in corporate financial relations is carried out using discounting and growth methods based on interest calculation techniques. The essence of these methods reflects the determination of the amount of money required for different periods in the present or future.

Key words: corporate finance, cash flow forecasting, joint stock company, free cash flow, discounted cash flow, time value of money, interest rate.

Corporate finance means financial relations related to the creation of a commercial organization and the activities of the established commercial organization through the voluntary pooling of their property by legal entities and individuals and is an independent area of the financial system. It is in this area of finance that the main part of the income distributed to various sectors of the economy is formed, and these incomes serve as the main source of economic development and social development. In this case, the income of enterprises is distributed to self-financing, obligations to employees and the state, and other directions. Based on the above, we can see the emergence of corporate finance as a central link of the financial system, and we must emphasize that the effective organization of corporate finance requires constant attention in the socio-economic development of society. In the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, tasks such as "developing the stock market as an alternative source for the deployment of free resources of the population", "achieving the initial placement of shares of individual national enterprises in prestigious foreign stock exchanges (IPO), ensuring their access to the foreign capital market" also increases the importance of corporate finance.

It is no exaggeration to say that corporate finance serves as the basis of the international financial system today. In such a case, the effective organization of corporate finance in our country will increase the economic development of our country, as well as increase the process of international economic integration.

Today, joint stock companies are widely using modern methods in forecasting cash flows. Calculating cash flow indicators and forecasting them is one of the most important elements in running a business. Several indicators should be taken into account in joint-stock companies when forecasting cash flows. In particular, it is necessary to make a forecast taking into account free cash flows and discounted cash flows of joint-stock companies.

In general, researchers and analysts perform cash flow forecasting by calculating the expected cash flows from joint stock companies and the present value of their future

income-producing assets. Many aspects of assessing the financial condition of joint-stock companies depend on its prospects. When forecasting cash flows of joint-stock companies, it is necessary to take into account cash flows from capital, cash flows from assets and cash flows from creditors. It is also important for companies to consider the risks associated with the factors influencing cash flow forecasting. The method of discounted cash flows takes into account the influence of factors affecting joint-stock companies' cash flow forecasting.

The concept of time-value of money is one of the fundamental foundations of corporate finance. According to this concept, the money we own at different times has different values. Moreover, in business and in our daily lives, the time of possession of money has a large effect on the amount of money. For example, the national currency is worth more today than it was some time ago. That is, it can be used to satisfy current consumption or put as an investment to get additional income in the future. After a certain time, in order to have the required amount of funds, the administration of the enterprise will have to direct the available funds right now. When making a decision, it is necessary to evaluate future cash flows based on the present value (PV) of funds. To estimate the current value and future value of funds, financiers use a special method of discounting cash flows.

In the market economy, the time factor plays an important role in the process of financial transactions. Based on this, the following idea, which is considered the golden rule of business, was formed: The amount of money received today is higher than the equivalent amount of money received tomorrow.

Accounting for the time factor in corporate financial relations is carried out using discounting and growth methods based on interest calculation techniques. The essence of these methods reflects the determination of the amount of money required for different periods in the present or in the future. In this process, the rate of interest is used as a measure of increasing value. In a narrow sense, the interest rate reflects the amount paid for the use of borrowed funds. But in corporate financial relations, this concept is interpreted more broadly. That is, the interest rate is reflected in:

- as a means of determining the level of profitability, which is calculated as the ratio of the profit received from the operations carried out to the amount of invested funds and is reflected in percentages or unit shares;
- as an alternative value of capital.

The concept of growth refers to the process of increasing the initial amount as a result of interest calculation. The economic meaning of the growth method is to determine the amount of money that can be received or can be received as a result of operations in addition to the initial amount. In other words, the growth method allows you to determine the future value of the present value (PV) based on the specified interest rate r for certain n times. The r rate used in this is sometimes called the growth rate. The concept of discounting reflects the determination of the amount of money that is required to be placed in order to receive (own) a certain fixed amount in the future in the process of investing funds. In the economic sense, the amount of PV obtained by discounting is determined by the future value of the FV determined at the moment.

Today, the processes of reducing the state's share in joint-stock companies in Uzbekistan are at the stage of development, and based on our research, we can see that

there are some problems related to cash flows of joint-stock companies, in particular, cash flow forecasting. In our view, the following are the main problems:

1. Not using the method of determining discounted cash flows when forecasting the cash flows of joint-stock companies in Uzbekistan.

2. Not using the method of free cash flows to determine the cash flows of joint stock companies in Uzbekistan.

3. Non-wide use of cash flow efficiency coefficients of joint stock companies in Uzbekistan.

4. The absence of coefficients related to the profitability of joint-stock companies in our country.

The first problem is that in our country, we can clearly see that the discounted cash flow method is not used in forecasting the cash flows of joint-stock companies. In developed countries, in particular, joint-stock companies whose financial statements have moved to international standards, cash flows are forecasted using the discounted method of cash flows. In particular, when forecasting the cash flow of joint-stock companies, we should do the following:

- first, choose the forecasting period of the joint-stock company;

- secondly, retrospective analysis of the income from the sale of products and the cost of products of the joint-stock company;

- thirdly, to forecast and analyze the costs of the joint-stock company;

- fourth, forecasting and analysis of investments of joint-stock companies;

- fifth, calculating the amount of cash flows for each year selected for the forecast period of joint-stock companies;

- sixth, to determine and analyze the discount rate for joint-stock companies;

- seventh, to determine the current value of cash flows of joint-stock companies during the forecast period.

Unfortunately, when forecasting cash flows of joint-stock companies in our country, the above indicators are hardly taken into account. There is a procedure and guidance for forecasting the cash flow of joint-stock companies. In our opinion, the forecasting of cash flows of joint-stock companies is appropriate if it is carried out in the order of table 1.

Table 1 shows what we need to determine in the first step and what we need to determine in the last step when forecasting the cash flows of joint stock companies. In general, joint-stock companies in our country prepare only a cash flow report, and based on this report, the company's cash flow situation is determined.

Table 1

The procedure for forecasting discounted cash flows of Joint-Stock Companies⁴⁰.

On the first stage	
<p>The share of the revenue from the sale of the product is forecasted, taking into account the growth of the revenue from the sale of the product compared to the previous year.</p>	$R = \frac{C}{P} - 1$ <p>here: R– increase in revenue from product sales; C– income from product sales in the current year; P– income from sales of products of the previous year in the current year.</p>
On the second stage	
<p>Determine the operating margin</p>	$OM = \frac{GP}{IPS}$ <p>here: OM – Operating margin; GP – gross profit. IPS - of income from product sales</p>
On the third stage	
<p>Determine the net income from the main activity</p>	$IMA = GP(1 - tax\ rate)$ <p>here: IMA– net income from the main activity; The tax rate - the ratio of the income from the sale of the product to the taxes paid.</p>
On the fourth stage	

⁷² Prepared by the author

Determine the free cash flow	$SFC = PBT \times (1 - \text{tax rate}) + AA - CCA - NWC$ <p>Here: SFC - sum of free cash flows; PBT – amount of profit before tax; AA – the amount of changes in the amount of depreciation of assets; CCE– amount of change in capital expenditure; NWC - change in net working capital. This is determined based on the following calculations: $(M_i + D_i - K_i) - (M_0 + D_0 - K_0)$; here: M – inventory; D - receivables; K - creditor debt. Index of indicators for the current year is marked with i, index of indicators for the previous year is marked with 0</p>
	On the fifth stage
Determine discount rate	$DR = C_B(1 - \text{tax rate}) \times C_{CS} + C_P \times C_{PC} + C_O \times C_{OC}$ <p>C_B- the cost of the Joint-Stock Company to the borrowed capital; Tax rate – income tax rate of a joint-stock company; C_{SC}- share of the debt capital of a joint-stock company in the total capital; C_P- the value of preferred shares of a joint-stock company; C_{PC} - share of preferred shares of a joint-stock company in total capital; C_O- the value of ordinary shares of a joint-stock company; C_{OC}- the share of ordinary shares of a joint-stock company in the total capital.</p>

However, in developed countries, determining and forecasting the cash flow of joint-stock companies, cash flow forecasting is carried out based on the stages in table 1.

In particular, at the first stage, the forecast of income from the sale of products of joint-stock companies is carried out. The increase in the company's revenue from the sale of products is determined by dividing the revenue from the sale of products of the current year by the revenue from the sale of products of the previous year, and subtracting one from the resulting number. At the second stage, the operating margin of the joint-stock company is determined, that is, it is determined by dividing the current year's gross profit by the revenue from product sales. Earnings before interest and taxes (EBIT) are determined by multiplying the operating margin by the current year's sales revenue. Earnings before interest and taxes (EBIT) minus corporation tax is used to determine net operating profit after taxes. In the fourth step, net operating profit after taxes is added to the amount of the change in the amount of depreciation of assets, and the amount of the change in capital expenditures and the change in net

working capital are subtracted to determine the free cash flow of the joint-stock company.

In determining the net working capital, the change in the inventory of the joint-stock company is added to the change in the receivables, and the amount of the change in the payables is subtracted from the resulting equity. At the fifth stage, the discount rate is determined by the average weighted cost of capital method. The present value of the free cash flows is calculated after the discount rate is determined. The use of the discounted cash flow method for joint-stock companies provides an opportunity to determine the discount rate using the weighted average cost of capital method when forecasting the discounted cash flow of the company, and to calculate the income before interest and taxes through the operating margin when evaluating the cash flow. It also makes it possible to forecast the income and expenses of the company and to determine the terminal value of the joint-stock company and the value of the company. Determining the income of a joint-stock company before taxes and interest expenses serves to attract investors to the joint-stock company and assess business risk.

In conclusion, it can be said that using the free cash flow method in joint-stock companies makes it possible to estimate the amount of the company's net investment funds through changes in capital costs, working capital and depreciation costs. As a result, it is possible to forecast capital expenditure, working capital and operating expenses in a joint-stock company, as well as to determine the internal value of the company, the discount rate of cash flows. Also, by using the method of discounted cash flows in assessing the dividend paying ability of the joint-stock company, it will be possible to estimate future cash flows in present value.

References

1. Dechow, P., Kothari, S., Watts, R.L., 1998. The relation between earnings and cash flows. *J. Account. Econ.* 25, 133–168.
2. Cheng, C., Hollie, D., 2008. Do core and non-core cash flows from operations persist differentially in predicting future cash flows? *Rev. Quant. Finance Account.* 31, 29–53.
3. Orpurt, S., Zang, Y., 2009. Do direct cash flow disclosures help predict future operating cash flows and earnings? *Account. Rev.* 84, 893–935.
4. Badertscher, B.A., Phillips, J.D., Pincus, M., Rego, S.O., 2009. Earnings management strategies and the trade-off between tax benefits and detection risk: to conform or not to conform? *Account. Rev.* 84, 63–97.
5. Elmirzaev S. *Corporate finance. Textbook.* - T.: Economy-Finance, 2019, 371 p.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TIJORAT BANKLARI AMALIYOTIDAGI MUAMMOLAR

Nigmatova Munisa Saidali qizi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi
nigmatovamunisa199@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu maqolada bank tizimidagi qator yangiliklar, tijorat banklarining bugungi kundagi muammolari, ekspertlarning taklif va xulosalari keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: tijorat banklari, raqamli bank, fintech, depozit bazasi, ustav kapitali

Hozirgi shiddat bilan rivojlanayotgan iqtisodiy jarayonlarda bank faoliyatining ahamiyati yuqoridir. Bejizga tijorat banklariga nisbatan 'iqtisodiyotning qon tomiri' iborasi ishlatilmaydi. Shu bilan birga rivojlanayotgan O'zbekiston Respublikasida tijorat banklari xalqaro standartlarga mos kelishi iqtisodiy tizimning talabidir. Bugungi kunda bank tizimida qator yangi qonunlar yaratilayotganligi va amalga oshirilayotganligini ko'rishimiz mumkin. Xususan, xalqaro standartlarga muvofiq keladigan va moliyaviy sohaga xorijiy investitsiyalar kiritish uchun jozibador huquqiy muhitni yaratadigan O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi, "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi, "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi hamda "To'lovlar va to'lov tizimlari to'g'risida"gi yangilangan qonunlari qabul qilindi. "2020-2025- yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi" amalda borayotgani bu tizimda qator qulayliklarga yo'l ochmoqda.

Kenjayev M.G'. Ernazarov N. S.larning "Bank hisobi, tahlil va audit" darsligida keltirilganidek- "Banklar faoliyatini izchil, chuqur va ilmiy asoslangan ravishda uzluksiz tahlil etib borish, ular faoliyatining barqarorligini ta'minlash muhim iqtisodiy masalalardan bir bo'lib qolaveradi va ulkan ahamiyat kasb etadi".

Hozirgi kunga kelib yangilangan konsitutsiyamizning 41-moddasida "bank mijoz haqidagi ma'lumotlarni uchinchi shaxsga oshkor qilmasligi" bosh qonun bilan ta'minlanganligi bank tizimimizdagi mijozning xavfsizligini ta'minlash uchun muhim qadam sanaladi. Biroq bu tizimda qator kamchiliklar ham mavjuddir.

O'zbekiston bank sohasidagi muammolar ekspertlar tomonidan o'rganilanda, asosiy muammolar sifatida sohada davlat ulushining yuqoriligi, to'lov kartalaridan foydalanish imkoniyatlarining cheklanganligi keltirilgan. Hozirgi kunda 33 ta bank, jumladan davlat ulushi mavjud bo'lgan 12 ta bank iste'molchilarga xizmat ko'rsatib kelmoqda. Iqtisodiyotga ajratilgan kreditlarning 85%i davlat ulushi mavjud banklar hissasiga to'g'ri keladi.

Tijorat banklari tomonidan mijozlarga xizmat ko'rsatuvchi bank filiallari soni 876 taga, mini-banklar 4177 taga yetdi.

Ekspertlarning tahliliga ko'ra, sohadagi asosiy muammo va kamchiliklar quyidagilar:

bank sohasida davlat ulushining yuqoriligi (bank aktivlarining 80% davlat ulushi mavjud banklarga tegishli);

infratuzilmaning yetarli darajada rivojlanmaganligi sababli to'lov kartalaridan foydalanish imkoniyatlarining cheklanganligi va bankomatlar sonining Sharqiy Yevropa va Markaziy Osiyo davlatlaridagi o'rtacha ko'rsatkichdan pastligi (har 100 000 kishiga 48 ta bankomat);

kreditlashda jismoniy shaxslarni qamrab olish darajasining pastligi (kreditlarning faqat 19%i jismoniy shaxslarning ulushiga to'g'ri keladi, dunyo mamlakatlarida esa o'rtacha 40%).

Shu bilan birga kreditlarning asosiy salmog'i davlat dasturlari asosida berilayotganligi, kredit ko'lamlarining diversifikatsiya darajasining pastligi, jami kreditlar salmog'ida imtiyozli kreditlar ulushining ko'pligi, mamlakatda inflatsiya riskining yuqoriligi, banklar depozit bazasining barqaror emasligi, foiz stavkalari va ajratilgan kreditlar orasidagi ijobiy bog'liqlik kuchsiz ekanligi, zamonaviy bank kredit xizmat turlarining rivojlanmaganligi, bank faoliyatining asosiy qismi faqat kredit va depozit operatsiyalaridan iborat bo'lib qolganligi, tizimda innovatsiyaning kamligi tijorat banklari faoliyatining asosiy kamchiliklaridir.

- Muammolarni bartaraf etish uchun ekspertlar raqamli bank va fintech kompaniyalari kirishiga yanada ko'proq imkoniyat yaratish, hamda banklarda xizmat ko'rsatish shoxobchalarini kengaytirish kerakligini qayd etishgan.

Shuningdek muammoning yechimi sifatida bank xizmatlari ko'rsatishning muqobil usullarini joriy etish bilan iste'molchilarga qulaylik yaratish va bank xizmati tranzaksiya vaqti, narxini kamaytirish hamda mijozlar uchun firibgarlik xavfini kamaytirish takliflarini berilgan.

Mutaxassislarning fikriga ko'ra, raqamli bank va fintech kompaniyalari sonini oshirish, online banking xizmatlarini takomillashtirish yo'llari bilan moliyaviy xizmatlar sohasini yanada rivojlantirishga erishish mumkin. Natijada qo'shimcha ish o'rinlarini yaratish, bandlikni oshirish, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish bilan birga kambag'allikni qisqartirish imkoniyati yaratiladi.

Shu bilan birga xalqaro banklar tizimini o'rganish va amaliyotda qo'llash, xalqaro hamkorlik munosabatlarini kengaytirish va kadrlar almashinuv jarayoniga asosiy e'tiborni qaratish, xodimlar malakasini oshirish tizimda ijobiy o'zgarishlarga olib keladi. O'z navbatida bank boshqaruv tizimidagi aksionerlar yig'ilishida o'z xodimlariga ham qisman bo'lsada ulush berish xodimlar ishining samaradorligiga olib kelgan bo'lar edi.

Bugungi kunda "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunga kiritilgan o'zgarishlarda tijorat banklar ustav kapitaliga qo'yilgan talab 2023-yil 1-sentyabrdan 200 mlrd so'mni, 2025-yil 1-yanvardan esa 500 mlrd so'mga oshirilayotganligi banklar depozit bazasining barqarorligini ta'minlaydi. Shuning bilan birga hozirgi kunda sohadagi 14 ta bankda islom darchalarini ochishga qaratilgan ishlar ham bank tizimida mijozlar ishonchi uchun asosiy omil bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1) *Kenjayev M. G'. Ernazarov N. S. "Bank hisobi, tahlil va audit" Darslik Toshkent-2019*

2) <https://www.spot.uz/oz/2022/07/05/banks1/sayti>

3) F-5992-сон 12.05.2020. 2020-2025-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida <https://lex.uz/ru/docs/-4811025>

4) "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonun

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мўминов Шерали Шавкатович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Ш.С.Егамбердиев

Аннотация

Тезисда муаллиф томонидан акциядорлик жамиятларида молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилиш механизмлари, уларнинг турлари, амалга ошириш механизмларининг таҳлили ёритилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятларида молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишни такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар баён қилинган

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, молиявий ҳолат, молиявий стратегия, стратегик таҳлил, қарорлар қабул қилиш, маълумотларни йиғиш, ташиқи чекловлар, ички текширув, икки ёқлама назорат.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Самарасиз бошқарув усулларида фойдаланиш уларни иқтисодий ночорлик ҳолатига олиб келиши мумкин. Акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда, унинг молиявий аҳволи, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун молиявий-хўжалик назорати ҳамда таҳлили лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлагандек, "Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши фаолияти давр талабига жавоб бермаяпти. Буни очик тан олиш керак. Шу муносабат билан текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтиш ва унинг назоратини Бош прокуратурага юклаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман... назорат қилувчи органлар раҳбарлари ҳар ойда намунали, фаол тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиб, уларни қийнаётган муаммоларни эшитиш, қонуний фаолиятига тўсқинлик қилаётган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриб бориши талаб этилади"[1].

Акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатининг назорат қилиш молия-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганишни назарда тутати. Ушбу таҳлил жараёни учун аниқлаб олинган мақсади назорат ва таҳлилнинг йўналиши, батафсиллик даражаси, таҳлил жараёнида фойдаланилган маълумотлар, назорат

ва таҳлил амалларининг қўлланиши кабиларга таъсир кўрсатади. Акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолати таҳлилининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда таҳлилий амаллар танланади Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятларининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш механизмларини тадқиқ этиш заруриятини юзага чиқаради.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати ва инвестицион жозибадорлиги билан қизиқувчи субъектларнинг ахборотга бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш учун янада кўпроқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳар бир ахборотдан фойдаланувчининг қизиқишидан келиб чиқиб у ёки бу кўрсаткичларни баҳолаш асосида бошқарув, инвестицион ва молиявий қарорларни қабул қилишга асос бўладиган хулосаларга эга бўлиш мумкин.

Демак, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш шароитида компанияларнинг инвестицион жозибадорлиги ва уларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга талаб янада ортади. Бундай ахборот самарали бошқарув, инвестицион ва молиявий қарорлар қабул қилишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Компаниялар молиявий ҳолати ва инвестицион жозибадорлигини комплекс назорат қилиш ва баҳолаш услубларини такомиллаштириш асосида бошқарув қарорларининг самарадорлиги ортиб, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланади.

Компаниялар молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар ичида давлат бюджетига тушумларнинг ўз вақти тўғри ҳисобланиш ва тўланишини бўйича назорат муҳим ҳисобланади.

Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) - солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдан иборат текширув ҳисобланади. “Давлат молия назорати молия тизими барча бўғинлари ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиши устидан назорат бўлиб, давлат томонидан амалга оширилади ва ижтимоий характерга эгадир. Молиявий назоратни амалга оширишда давлатнинг асосий назорат органлари иштирок этади, корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолияти зарур ҳолларда текширилади ҳамда уларни фаолияти қандай даражада эканлиги аниқланади” [5].

Акциядорлик жамиятларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши мумкин, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жинойтлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жинойтларга қарши курашиш Департаменти томонидан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятларининг молиявий фаолияти устидан мажбурий (ташқи) назорат қонун асосида амалга оширилади. Булар, масалан, асосан ташқи, мустақил назоратчилар томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларига, бюджет ресурсларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратга, корхона ва ташкилотларнинг молия-

бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларини мажбурий аудиторлик тасдиқланишига ва ҳ.к.ларга тегишли бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ кўмитаси ва уларнинг қуйи органлари алоҳида ўрин тутади. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий эҳтиёжлар билан белгиланади. Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молиявий режалар ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади.

Солиқ назорати солиқ солиш субъектлари ва объектлари ҳисобини юритиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир. У давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар ҳисобини юритиш, солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчилар ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади. Давлат солиқ кўмитасининг молиявий назорат соҳасидаги асосий вазифаси солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади.

Компаниялар фаолиятида давлат назорат органларининг бевосита иштирокисиз амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турлари мавжуд. Буларга молиявий назоратнинг нодавлат турлари- ички корпоратив назорат, тижорат банклар томонидан эса керакли ҳолатларда мижоз-ташкилотлар устидан назорат, аудиторлик назоратлари ташкил қилади.

Ички молиявий назорат корпорациялар ўзининг иқтисодий хизматлари, яъни бухгалтерия, молия бўлими, молиявий менежмент хизматлари ва бошқалар томонидан ўз корхонаси, филиаллари ва шуъба тузилмаларининг молиявий фаолияти устидан назорат амалга оширилади. Ички назорат хизматлари доимий равишда пул маблағларини ишлатилишининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги кузатади, режалаштирган молиявий натижалар билан ҳақиқий молиявий натижалар қиёслаб, таҳлил қилади, инвестицион лойиҳаларнинг натижаларига молиявий баҳо беради, корхонанинг молиявий ҳолатини назорат қилади.

Ички аудит хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашнинг энг қулай воситаларидан бири бўлиб, у, ўз навбатида, корхонанинг рақобат жиҳатдан устунлигини таъминлаши мумкин. Ички аудит – корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимида муҳим функция, айниқса – йирик корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотлар учун. У корхона фаолиятининг барча соҳаларини чуқур ўрганиш, хатарни баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этиш имконини беради ва шу билан бизнес-жараёнларни яхшилашга кўмаклашади. Ички аудит хизмати корхонанинг

кузатув кенгаши томонидан ташкил этилади ва унинг ходимлари у томондан тайинланади ҳамда кузатув кенгашига ҳисобот беради.

“Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” низом активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди, шунингдек активларининг баланс қиймати БҲМнинг 100 минг қаррасидан кўпроқ бўлган акциядорлик жамиятларида бўлиши шарт [2].

Ички аудитга бўлган эҳтиёж йирик корхоналарда раҳбарият қуйи бошқарув тузилмасининг кундалик ва умуман корхона фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланмаганлигида намоён бўлади. Бинобарин, “акциядорлик жамиятларида раҳбариятнинг юқори бўғини корхонани кундалик фаолиятини назорати билан шуғулланмайди, бунинг оқибатида энг қуйи бўғиндаги ёки қуйи бўғин менежерларининг ҳисоботларини ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун йўғиладиган унинг фаолияти ҳақидаги ахборотга эҳтиёж сезилади” [3].

Ички аудит ушбу фаолият ҳақида ахборот беради ва менежерлар ахборотининг тўғрилигини тасдиқлайди. Ички аудит асосан ресурслар йўқотилишининг олдини олиш ва корхона ичида керакли ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур.

Компанияларда ички аудитга нисбатан қизиқишнинг ортиб боришига қатор омиллар сабаб бўлади.

1. Ички аудит ҳозирги шароитда фойдаланиш мумкин бўлган, лекин айни пайтда етарлича баҳоланмаган кам сонли ресурслардан бири ҳисобланиб, улардан тўғри фойдаланиш компаниянинг самарадорлигини ошириши мумкин.


2. Ташқи аудит институти жаҳонда содир бўлаётган молиявий иқтисодий инқироз, корпоратив тортишув ва жанжаллар, улар оқибатида ҳатто йирик фирмалар ҳам банкротга учраши мумкин бўлган жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин, деб ҳисоблашга асос беради.

3. Компанияда ҳозирда ички аудит унинг ажралмас бўғинларидан бирига айланиб бораётган яхши корпоратив бошқарувнинг йўлга қўйилиши потенциал инвестор ва кредиторлар учун компаниянинг инвестицион жозибadorлигини оширувчи ижобий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда эса ички аудитнинг зарурияти келтирилган.

Ташқи аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга биноан акциядорлик жамиятлари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак [5].

Аудиторлик хизматларини кўрсатаётганда текширилаётган корхонанинг бевосита иштироки ва унинг ресурсларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Ресурсларнинг чекланганлиги аудитнинг самарадорлигига салбий таъсир қилади, қўшимча ажратилган ресурслар эса самарадорликни оширади.



1-расм. Компанияларда ички аудитнинг зарурияти *

Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

Ташқи аудит ўтказиш жадвали аудит текширувнинг таъсирчан инструменти бўлиб ҳисобланади. Амалиётда у шартномага киритилмайди, ёки номигагина ёзиб қўйилади. Аудит ўтказиш жадвали самарали инструмент бўлиши учун, у:

- аудитнинг айрим таомилларини аниқлаштириш ва деталлаштириш лозим, умумлаштирилган ҳолда тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги;
- аудит ўтказишда аудит таомилларнинг тутатиш жойига эътибор қаратиш керак, чунки олдинги таомил тугамасдан кейингиси бошланмаслиги;
- параллел таомилларни алоҳида ажратиш; белгиланган ишларни бажариш учун аниқ саналарни белгилаш; назорат нуқталарини аниқланиши шарт [4].

Аудит ўтказиш жадвали фақат аудиторлар учун учун тузилмайди, балки мижоз учун ҳам тузилади. Томонлар аудит ўтказиш жадвалига риоя қилиши аудит ўтказишнинг самарадорлигини таъминлайдиган омил ҳисобланади. Аудит ўтказиш жадвалининг асосий жиҳати бўлиб, аудиторга молиявий ҳисоботни текшириш учун тақдим қилиш муддати ҳисобланади.

Маълумки, 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги барча акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ҳисобот тайёрлашлари белгиланган. Шу сабабли ҳам тайёрланган ҳисобот аудити тез ва самарали ўтказилиши учун мижоз қўидагиларни тайёрлаши керак:

-МҲХС бўйича молиявий ҳисобот драфтини (дастлабки варианты) тайёрлаш. Драфтда солиштириш мақсадида олдинги ҳисобот даври учун тақдим қилинган маълумотлар, олдинги ҳисобот йили учун аудиторлик текширувидан ўтказилган ҳисоботга мос келиши шарт;

-барча ҳисоб-китоблар, трансформация, консолидация доир файлллар. Молиявий ҳисоботдаги маълумотлар ўзаро боғлиқ бўлиши шарт.

Фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақида тахмин қилиниши молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг асосий принцидир. Ушбу тахмин шуни англатадики, компания

якин келажакда ўз бизнесини давом эттиради ва корхонани тугатишга зарурияти ёки ниятларининг йўқлиги, қонун ёки меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фаолиятни тўхтатиш ёхуд кредиторлардан ҳимоя сўраш нияти ҳам йўқлигини аниқлатади. Фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги тахминнинг етарлиги ёки йўқлигини баҳолашда раҳбарият ҳисобот санасидан кейинги қадамда ўн икки ой камраб олган, келажак тўғрисида мавжуд бўлган барча маълумотларни кўриб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 29.12.2018.
2. Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига илова.
3. Илхомов Ш. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит ва унинг самарадорлигини баҳолаш хусусиятлари // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" № 1, 2019.
4. Суюнов Д. Акциядорлик жамиятларини ривожлантиришга замонавий назорат тизимини жорий қилиш йўллари // "Халқаро молия ва ҳисоб", № 3, 2020 й.
5. Темиров А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари // "Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДИУ, 2020, 120-123 б.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ КАПИТАЛ БОЗОРИДАГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Норбоев Дилхушбек Нуриддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси

dilkhushbek_norboev@tsue.uz

Хамзаев Азизбек Нематович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

aziz1984x@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимиз акциядорлик жамиятларининг капитал бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш йўллари, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, инвестиция, қимматли қоғоз, корпоратив қимматли қоғоз, давлат қимматли қоғозлари, акциялар, эмитент

Капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар чиқарилишини кўпайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг фонд бозоридаги иштирокини ошириш мақсад қилиб олинган. Капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 трлн сўмга етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратиш. Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш. Мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш. Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш...” [1] белгилаб қўйилган.

Шунингдек, бугунги кунда тижорат банклари муҳим молиявий институт сифатида бўш пул маблағларини маълум шартлар асосида жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолиятининг самарали ташкил этилганлиги юқори келтирилган жиҳатларнинг тўлиқ шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Бундай шароитда иқтисодиётни глобал пендемия инқирозидан катта талофатларсиз олиб чиқишдаги асосий омил сифатида мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш талаб этилади. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш иқтисодиётнинг ҳар қандай даври ва босқичида доимо бош таянчи бўлиб қолаверади. Бу эса, ўз навбатида, чекланган ресурслар ва чекланган вақт шароитида улардан энг самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш, барча имкониятларни ўз вақтида ва тўлиқ ишга солиш заруриятини оширади ҳамда илмий асосда тадқиқ қилиш зарурлигини юзага келтиради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганишнинг айрим назарий-концептуал жиҳатларини ишлаб чиқишда маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ҳамда назариялар илгари сурилган.

Жумладан, проф. Ҳ.Марковицнинг назариясига кўра, йўл қўйиладиган хатоликлардан бири шундаки, инвестор ҳар доим даромадлиликнинг мақбул даражаси шароитида кам рискни таъминлайдиган ёки рискнинг мақбул даражаси шароитида юқори даромадни таъминлайдиган портфелни таъминлайди. Ушбу хатога йўл қўймаслик учун инвестор шундай портфелни танлаши керакки, бунда кутилаётган даромад риск ошмасдан туриб ошиши мумкин эмас ёки аксинча, риск кутилаётган даромад камаймасдан туриб камаймаслиги керак [2]. Яна бир гуруҳ олимлар проф. Ю.Морозкин ва доц. Е.Свистуноваларнинг фикрига кўра, фонд бозори конъюнктурасини динамик ўзгариши шароитида оптимал қимматли

қоғозлар портфелини шакллантириш ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди. Бундай шароитда тижорат банкига қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришнинг такомиллашган стратегиясини шакллантириш зарур бўлади. Бошқарув фонд бозоридаги ҳолатлар тўғрисида хулосалар шакллантириш имконини берадиган у ёки бу омилларни мониторинг қилиш асосида қимматли қоғозлар портфелига тузатиш киритиш имконини беради. Бу эса, инвестициялаш стратегияси ва портфелнинг таркиби бўйича замонавий ва аниқ қарорларни қабул қилиш учун имконият яратади [3]. Шунингдек, доц. М.Чекулаевнинг фикрига кўра, жалб қилинган маблағларнинг қиймати, яъни уларга тўланадиган фоизларнинг ставкалари “колл” опционларнинг премияси миқдорига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, бунда ушбу омилнинг таъсирини чекланганлигини ҳисобга олиш зарур, яъни портфелда опцион позициясининг унча катта бўлмаган улуши ҳам фоиз ставкалари даражасини ўзгартира олади [4]. Проф. Е.Жуковнинг хулосасига кўра, техник таҳлилни амалга оширишда шунга эътибор қаратиш керакки, баҳолар динамикасига ташқи омиллар таъсир кўрсатади ва биржа курсининг тебраниши маълум қонуниятларга бўйсунган бўлиб, улар барқарор мазмунга эга бўлиши лозим. Аниқланган қонуниятлар асосида биржа курсининг келгусидаги тебраниши, бошқа омилларни таъсири ҳисобга олинган ҳолда, прогноз қилинади [5].

Жаҳон амалиётида тижорат банклари инвестиция фаолияти ўз активларини диверсификация қилиш мақсадади қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, қўшимча даромад олиш ва банк ликвидлигини сақлашдан иборат бўлмоқда [6].

Капитал бозори мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий институтлардан биридир. Мустақилликни қўлга киритганидан сўнг замонавий бозор муносабатларини ривожлантиришни мақсад қилган Ўзбекистонда фонд бозорини шакллантириш эҳтиёжи юзага келиб, ҳозирги кунда у ўз иштирокчиларига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган барқарор фаолият юритувчи институтга айланди [7].

Номлари юқорида зикр этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида инфляция ва девальвация даражаси нисбатан юқори бўлган шароитда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинмаган.

Мақолада илмий абстракциялаш, грухлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция услубларидан фойдаланилди. Хусусан, қиёсий таққослаш усулида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.


Ҳозирги кунда мамлакатимиз акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан оладиган даромадлари дивидендлар ва фоизлар шаклида бўлиб, улар банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тижорат банкларининг улушли тарзда иштироки инвестициялари дивиденд кўринишида даромад олинишини таъминласа, уларнинг облигациялар, имтиёзли акциялар, депозит ва

жамғарма сертификатларига қилинган инвестициялари фоиз кўринишида даромад олишларини таъминлайди. Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти банк ўз маблағлари, жалб қилинган ва қарз олинган маблағларни тўғридан-тўғри инвестицияларга ёки портфел инвестицияларга йўналтириш шаклида олиб боради. Мамлакатимиздаги тижорат банклари инвестиция фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, инвестиция учун маблағ жамғариш; инвестицион кредитлар ажратиш; қимматли қоғозларга, улушларига инвестициялар киритиш ҳисобланади. Тижорат банкларнинг инвестиция фаолияти бу – иқтисодий муносабатларни амалга ошириши тизимининг капитал бозорида воситачилик операцияларидир.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестиция фаолияти даромад келтириш нуқтаи назаридан банк даромадлари таркибида кредит фоизидан кейинги иккинчи муҳим манба ҳисобланади ва банк жами даромадлари таркибида сезиларли ўрин тутади. Бунда банкнинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш жараёни, унинг инвестиция сифати ва инвесторнинг манфаатларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирилиши ва йўналтирилишига катта аҳамият берилади.

Саноат Қурилиш Банкнинг умумий акривларининг таркиби куйидаги таркибий тузилишга эга (1-расм)

Унга кўра 2020 йил якунларига нисбатан 2022 йилда дебиторлик қарзлари умумий активларига нисбатан 39.0% дан 42.6% га ошган, нақд ва нақд пул кўринишдаги маблағлар эса 2019 йилга нисбатан 2022 йилга мос равишда 5.6% дан 7.1%га ошди.



1-расм. “Sanoat Qurilish Bank” АЖ нинг активларидаги нақд пуллар, дебиторлик қарзлари ва бошқа активларининг таркиби⁴¹

Бугунги кунда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолиятини ривожлантиришнинг яна бир устун томони шундаки, банк активларини қимматли қоғозлар билан бойитган ҳолда унинг умумий молиявий рискинни пасайтириш мумкин. Шунингдек, инвестицион активлар ҳажми ошиб бориши билан инвестиция рисклари даражаси ҳам ошиб боради. Бироқ, банкларнинг инвестиция портфелини диверсификация қилиш орқали

⁴¹ Иқтисодий адабиётларни ўрганиш жараёнида муаллиф томонидан томонидан ишлаб чиқилди.

инвестиция билан боғлиқ рискларни пасайтириш мумкин. Инвестиция портфелини диверсификация қилиш банкларнинг инвестиция портфелида турли хил кўпдан-кўп қимматли қоғозларнинг мавжудлигига эришишни билдиради. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд. Булар қимматли қоғозларнинг турлари, муддати бўйича диверсификация қилиш, қимматли қоғозларнинг эмитентлари бўйича диверсификация қилиш ва бошқалар.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш жараёни, унинг инвестиция фаолиятининг сифати ва инвесторнинг манфаатларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирилиши ва йуналтирилиши лозим. Портфелни бошқаришда қўлланиладиган методлар ва техник имкониятлар портфелни бошқариш усулларини ўзида намоён этган ҳолда актив ва пассив моделларига булинади. Актив модели портфелнинг инвестицион мақсадларига жавоб берадиган инструментларини синчковлик билан кузатиб боришни ва тезда қўлга киритишни, ҳамда портфелга кирувчи фонд инструментларининг таркибини тез ўзгаришини кўзлайди. Пассив модели эса узок муддатга мўлжалланган, олдиндан риск даражаси аниқланган яхши диверсификацияланган портфелларни яратишни кўзлайди.

Тижорат банки учун юқорида баён қилинган имкониятлардан фойдаланиш жами активларининг рентабеллиги ва ликвидлигини оширишга олиб келар эди. Бироқ, Ўзбекистон банк секторида ушбу соҳада ҳали сезиларли ютуқларга эришилмаганини кўрамыз. Охириги бир ярим йилнинг ўзида Ўзбекистон барча кредит ташкилотларининг жами инвестициялари ва бошқа қимматли қоғозлар ҳажмининг улари жами активлардаги улуши барқарор ўсиш динамикасига эга бўлмоқда (2-расм). Бироқ, якуний натижа (5,2 фоиз) жаҳон амалиётидаги кўрсаткичлардан анча паст бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасига чет элдан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф ҳажми 2,0 млрд. долларни ташкил қилди (1,7 млрд. доллар 2020 йилда). Портфель инвестициялари бўйича соф мажбуриятлар 2,0 млрд. долларга ўсиб давлат (895,3 млн. доллар) ҳамда бошқа секторлар (1,1 млрд. доллар) томонидан халқаро бозорларда қарз инструментларини евробондларни) жойлаштириш билан изоҳланади.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари томонидан акциялар эмиссия қилиш билан бир қаторда корпоратив облигацияларни ҳам эмиссия қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корпоратив облигациялар - акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар томонидан чиқариладиган облигациялардир.

**2021 йил биринчи чорагида мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари
томонидан эмиссия қилинган корпоратив облигациялар сони ва эмиссия
ҳажми тўғрисида маълумот⁴²**

№	Эмитентлар номи	Облигациялар сони (млн. дона)	Чиқарилган облигациялар ҳажми (млрд. сўм)
1	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” АТБ	0,15	60,00
2	“Asia Alliance bank” АТБ	0,05	45,18
3	“Kapitalbank” АТБ	0,05	50,00
4	“Ўзавтосаноат” АК	0,05	50,00
5	“IMKON FINANS” микрокредит ташкилоти АЖ	0,004	4,00
6	“First developing group” МЧЖ	0,005	5,13
7	“MIND ASIA” МЧЖ	0,013	126,00
8	“CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOTI” МЧЖ	0,002	2,00
9	“AKFA MEDLINE” МЧЖ	0,021	211,00
10	“UZREPORT” ахборот агентлиги МЧЖ	0,001	30,00
	Жами	0,341	583,30

Корпоратив облигациялар очик ёки ёпиқ обуна орқали чиқарилиши мумкин. Уларнинг асосий фарқи шундаки, очик обуна бўлган тақдирда, қимматли қоғозларни жойлаштириш чексиз кўп инвесторлар ўртасида, ёпиқ обуна билан эса олдиндан маълум бўлган чекланган инвесторлар орасида амалга оширилади.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки мамлакатимиз тижорат банклари, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлари томонидан жами 0,341 миллион дона корпоратив облигациялар чиқарилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 583,30 миллиард сўмни ташкил қилган. Корпоратив облигациялар чиқаришда масъулияти чекланган жамиятларнинг улуши юқори эканлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигацияларга нисбатан акциялар эмиссия қилиш амалиёти кўпроқ амалга оширилиб келинмоқда.

Бизга маълумки кўпгина сабабларга кўра тадбиркорлар камдан-кам ҳолларда корпоратив облигацияларни қарз ҳисобидан молиялаштиришнинг рақобатдош усули деб билишади. Шу билан бирга, корпоратив облигацияларни чиқаришда қарз олувчи компаниянинг ўзи фойиз ставкасини ва эмиссия

⁴² www.deponet.uz – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

муддатини белгилайди. Бу компанияга кўпроқ имкониятлар беради, қарзни янада мослашувчан қилади.

Корпоратив облигациялар очик ёки ёпиқ обуна орқали чиқарилиши мумкин. Уларнинг асосий фарқи шундаки, очик обуна бўлган тақдирда, қимматли қоғозларни жойлаштириш чексиз кўп инвесторлар ўртасида, ёпиқ обуна билан эса - олдиндан маълум бўлган чекланган инвесторлар орасида бўлади.

Шундай қилиб, қарз олувчи компания ўз мақсадларидан келиб чиқиб, потенциал инвесторларни олдиндан танлаши мумкин. Ёпиқ обунани танлаш облигациялар эмитентини оммавий эълон ва реклама кампаниясидан халос қилиши ва шу билан харажатларни камайтириши мумкин. Очик ва ёпиқ обуналар учун корпоратив облигацияларни чиқариш жараёни фарқ қилади. Облигацияларни очик обуна орқали чиқариш учун қарз олувчига аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисобот ва рейтинг баллари керак бўлади. Бундан ташқари, компания сўнги молиявий йилда рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг ижобий кўрсаткичларини намоиш этган бўлиши керак.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш жаҳон хўжалигининг барқарорлигига эришишга ҳамда молия бозори соҳасидаги муносабатларнинг узлуксизлигини таъминлашга ёрдам беради.

Иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида мамлакатимиз иқтисодиётида мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш тизимини яратиш долзарб аҳамият касб этаётганини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини ривожлантиришда илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш орқали фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

2. Миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимлари, кўникмалари ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Андеррайтерларга акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида акциялар тақсимланадиган инвесторларни танлаш, шунингдек, инвесторларга IPO ва SPO доирасида харид қилинган акцияларни сотиш тақиқланадиган муддатни белгилаш ҳуқуқини зарур.

4. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, уларни молиявий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капитал бозори ҳамда молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ташаббусларни ҳамжиҳатликда амалга оширган ҳолда мутасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш молия бозори ўрнининг янада ошишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ – 60 сонли Фармони.
2. Markowitz, H. 'Portfolio Selection/ The Journal of Finance, 1952 – №7. – P. 77- 91.
3. Морозкин Ю.Н, Свистунова Е.С. Управление портфелем ценных бумаг в коммерческом банке//Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2011. – №6. – С. 138.
4. Чекулаев М. Загадки и тайны опционной торговли. М.: ИК Аналитика, 2001. – С. 10.
5. Жуков Е. Ф. Рынок ценных бумаг: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. — 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА. - 567 с.,
6. Леонтьев В.Е, Бочаров В.В, Радковская Н.П. Инвестиции — М.: Юрайт, 2014, 127-131 с.
7. Ҳайдаров Ў.А. “Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда фонд бозорларининг таъсири”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил.
8. <https://sqb.uz/uz/for-investors/reports-and-presentations-uz/>

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ РИСКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Норов Акмал Рузидаматович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Банк иши ва инвестициялар кафедраси профессори в.б., DSc

a.norov@tsue.uz

Аннотация

Мақолада лойиҳавий молиялаштиришда юзага келадиган рискларини бошқаришнинг механизмлари, назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Рискларни бошқаришнинг жорий ҳолати таҳлил этилиб, тижорат банклари амалиётида янада ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, риск, рискларни бошқариш, риск-бошқаруви, сифат кўрсаткичлари.

Бугунги кунда дунёда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, шунингдек халқаро ва маҳаллий бозорларда рақобатнинг кескинлашуви шароитида тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, мавжуд бўлган муаммолар, рискларни бошқаришда қўлланиладиган механизмларни такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни

самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги [1], «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2] фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги [3] янги таҳрирдаги қонуни, ҳамда «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [4] қарори қабул қилинди ва маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур чора-тадбирлар доирасида иқтисодий жиҳатдан асослантирилган лойиҳавий молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда мамлакатни ривожлантириш давлат дастурлари ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди.

Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимиз банк тизими жами кредит портфелида инвестицион кредитларнинг янада ўсаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради ва долзарблигини оширади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгунга қадар аксарият тижорат банкларининг давлат мулки асосида ташкил қилинганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини асосан давлат корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширганлиги сабабли банкларда риск муаммоси муҳим тарзда юзага келмаган. Замонавий банк мустақил банк тизимининг шаклланиши, банк тизимида хусусий ва акциядорлик тижорат банкларининг ташкил этилиши банклар фаолиятини халқаро миқёсда интеграциялашувига кенг йўл очиб берди. Бу эса, банк операциялари ва хизматлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар хусусан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган банк рисклари омилига алоҳида эътибор қаратиш заруратини келтириб чиқарди.

1-расм

Асосий капиталга инвестицияларнинг асосий фондлар турлари бўйича таркиби

млрд. сўм

Асосий фондлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами	195927,3	210195,1	239552,6
Тура-жой бинолари	20621,9	23200,8	29851,0
Нотура-жой бинолари	33408,1	38172,7	50894,5
Бошқа иншоотлар	23148,7	27039,0	30290,6
Ерни яхшилаш	127,3	285,9	277,1
Машина ва ускуналар, жами:	107305,8	110493,8	113863,9
Транспорт ускуналари	16588,2	12415,2	14574,5

Ахборот, компьютер ва телекоммуникация (АКТ) ускуналари	3194,8	7347,0	5325,6
Бошқа машина ва ускуналар	87522,7	90731,6	93963,8
Бир неча марта маҳсулот берувчи, хайвонлар ресурслари	2418,9	2843,0	3656,8
Бир неча марта маҳсулот берувчи дарахтлар, қишлоқ хўжалик экин ва кўчатлар ресурслари	372,0	880,7	838,6
Ноишлаб чиқариш активларга мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар	198,1	225,0	138,2
Компютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базалари	28,7	25,2	98,6
Кўнгилочар, адабий ва бадиий асарларнинг асл нусхалари	3,7	1,6	0,8
Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар	5,9	86,5	30,8
Фойдали қазилмалар захираларини разведка қилиш ва баҳолаш	763,7	26,7	96,4
Бошқа интеллектуал мулк маҳсулотлари	330,1	229,0	292,3

Иқтисодийни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, энергия тежамкорлигига эга янги технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда. Хусусан, охириги йилларда асосий капиталга инвестицияларнинг асосий фондлар турлари таркиби бўйича таҳлилин кўриб чиқамиз (1-расм) [5].

Тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Инвестицион лойиҳаларга ажратилаётган молиявий маблағлар мақсадли сарфланишини доимий равишда таҳлил ва мониторинг қилиб бориш, лойиҳа ишга тушурилгандан сўнг тушумларни ўз муддатида амалга ошириш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларга йўл қўймаслик чораларини мунтазам кўриб бориш.

- Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш маблағларидан самарали фойдаланиш устидан дастлабки назоратни тўғри ва мукамал амалга ошириш, бу жараёнда биринчи навбатда, унинг мавжуд молиявий ҳолатига, ушбу соҳадаги билим ва тажрибаларига ҳамда лойиҳа сифат кўрсаткичи ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда рисклар ва уларни бошқариш механизмлари кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарали йўлга қўйилиши тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш, унинг

натижасида тижорат банкларининг фоизли даромадлари даражасини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони. ҚХММБ: 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сон фармони. ҚХММБ: 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598 қонуни. 25.12.2019 й. ҚХММБ: 03/19/598/4221-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3796-сонли қарори. 22.06.2018 й. ҚХММБ: 07/18/3796/1379-сон.

5. 11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти <https://stat.uz/uz/#> (www.stat.uz)

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Норов Акмал Рузимамамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Банк иши ва инвестициялар кафедраси профессори в.б., DSc

a.norov@tsue.uz

Бердиев Акрам Ўктамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Банк иши ва инвестициялар кафедраси катта ўқитувчиси, илмий тадқиқотчи

a.berdiyev@tsue.uz

Норов Акбар Рузимамамович

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат

харидларини рақамлаштириш бўлими бошлиғи

a.norov@mail.ru

Аннотация

Мақолада инвестиция фаолиятини молиялаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини таҳлили ва уларни такомиллаштириш масалалари юзасидан хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицияларни молиялаштириш, инвестиция сиёсати, инвестиция муҳити, инвестиция фаолияти, инвестицион фаоллик сифат кўрсаткичлари.

Мамлакатимизда кейинги даврда иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва ҳудудий корхоналарнинг инновацион фаолиятини жадаллаштириш, давлат мулки улушининг салмоғи камайиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида нодавлат сектори ҳиссасининг ошиш тенденцияси таъминланди. Натижада давлат бюджети даромадлари шаклланишида молиявий манбалари таркиби кўпайди, капитал маблағларининг мараказлашган тақсмотидан инвестиция фаолиятининг марказлашмаган бозор субъектларини шакллантириш механизмларини ривожлантириш, давлатнинг инвестиция сиёсати асосида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, янги хизматларга ҳамда иш жойларига бўлган талабини имкон қадар юқори даражада таъминлашга имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон** «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги [1] **фармони** қабул қилинди. Бундан ташқари, 2019 йил 25 декабрда «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги [2] янги таҳрирдаги қонуни ҳамда мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва белгиланган вазифаларни амалга оширилишида муайян даражада хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакати Ўзбекистонга барқарор тарзда инвестиция киритмоқда. Улар иқтисодиётимизнинг асосан металлургия, энергетика, кимё саноати, электротехника, машинасозлик, енгил саноат тамоқларида фаолият юритаяпти.

Тижорат банклари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича улушини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда саноат ҳамда жисмоний шахсларга ажратилган инвестицион маблағлар ҳажми юқори салмоққа эга эканлигини кўриш мумкин бўлади (1-диаграмма) [3].


Маълумотлардан кўринадики, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 31 фоизи ёки 51,3 трлн. сўми саноатга йўналтирилган. Шунингдек, бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: жисмоний шахсларга ажратилган инвестициялар ҳажми умумий киритилган инвестицияларнинг 24 фоизини ёки 40,5 трлн. сўмни ташкил этган.

Бугунги кунда тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқларига инвестицион маблағларни йўналтириш фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда йиллик инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни молиялаштириш, иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтириш, республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш

ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш инвестицион фаолиятни молиявий бошқариш механизмини таъминлайди.

1-диаграмма

Тижорат банклари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимоти. 2022 йил ҳолатига, фоизда



Инвестицион фаолиятни молиявий бошқариш механизмини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Инвестиция лойиҳаларига ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфланишини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, инвестицияларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини кенг жалб этиш, мамлакатга янги лойиҳалар ва қўшма корхоналар ташкил этиш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари келишини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштириб олгунига қадар барча турдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан имтиёз ва преференцияларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

- Инвестицион фаолиятни молиявий бошқариш маблағлардан самарали фойдаланиш устидан дастлабки назоратни тўғри ва мукамал амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолият йўналишларини инновациялар асосида мустақил ва эркин белгилаш муаммолари бозор муносабатларига мос ҳолда ҳал этилиши ва сифат кўрсаткичлари ҳолатига алоҳида эътибор бериш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони. ҚХММБ: 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598 қонуни. 25.12.2019 й. ҚХММБ: 03/19/598/4221-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти <https://cbu.uz/oz/statistics/> (www.cbu.uz)

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти <https://uza.uz/posts/448928> (www.uza.uz)

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ОРГАНИЗАЦИЯХ ФИНАНСОВОГО СЕКТОРА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Отабоев Нодирбек Ойбек угли

*Ассистент кафедры цифровой экономики и информационных технологий
Ташкентский государственный экономический университет
n.otaboyev@tsue.uz*

Аннотация

Внедрение цифровых технологий в организации финансового сектора может улучшить корпоративное управление и повысить эффективность бизнес-процессов. Это достигается за счет автоматизации задач, повышения прозрачности и точности данных, а также улучшения коммуникации между сотрудниками и клиентами. Кроме того, цифровые технологии могут обеспечить лучшую защиту конфиденциальной информации и улучшить контроль за рисками.

Ключевые слова: Совершенствование , корпоративное управление, организации финансового сектора, цифровые технологии, автоматизация.

Совершенствование корпоративного управления является важной задачей для любой организации, включая организации финансового сектора. Эффективное корпоративное управление помогает организациям достигать своих целей и обеспечивает устойчивый рост. Международные принципы корпоративного управления (Corporate Governance Principles) разработаны ОЭСР и представляют собой набор рекомендаций и принципов, которые могут быть использованы организациями для совершенствования своего корпоративного управления.

Некоторые из основных принципов включают:

1. **Транспарентность:** организации должны обеспечивать своевременную и точную информацию о своей деятельности и финансовых результатах, чтобы заинтересованные стороны могли принимать информированные решения.

2. **Ответственность:** руководство организации должно нести ответственность за свои действия и решения, а также за результаты деятельности организации.

3. **Равноправие акционеров:** акционеры должны иметь равные права и возможности влиять на решения организации.

4. Независимость директоров: директора организации должны быть независимыми и не иметь конфликта интересов.

5. Эффективность совета директоров: совет директоров должен быть эффективным и иметь необходимые навыки и знания для принятия важных решений.

Организации финансового сектора могут использовать эти принципы для совершенствования своего корпоративного управления. Например, они могут обеспечить большую прозрачность в своей деятельности, чтобы уменьшить риски для своих клиентов и акционеров. Они также могут обеспечить независимость директоров и эффективность совета директоров, чтобы улучшить принятие решений и управление рисками. Кроме того, организации финансового сектора могут рассмотреть использование других международных стандартов и рекомендаций, таких как Basel III и MiFID II, для совершенствования своих процессов и соблюдения регулирующих требований. Basel III - это набор рекомендаций по управлению капиталом и ликвидностью банков, разработанный Базельским комитетом по банковскому надзору. Банки могут использовать эти рекомендации для улучшения своей финансовой устойчивости и снижения рисков. MiFID II - это директива Европейского союза, которая регулирует инвестиционные услуги и продукты. Организации финансового сектора, которые предоставляют инвестиционные услуги, должны соблюдать требования этой директивы, чтобы защитить интересы своих клиентов. Кроме того, организации финансового сектора могут рассмотреть использование лучших практик, таких как управление рисками и устойчивость бизнеса, для улучшения своего корпоративного управления. Управление рисками поможет организациям финансового сектора уменьшить возможные убытки, связанные с рисками, такими как кредитный, рыночный, операционный и репутационный риски. Устойчивость бизнеса обеспечит долгосрочную устойчивость организации финансового сектора и ее способность адаптироваться к изменяющимся условиям рынка. В целом, совершенствование корпоративного управления в организациях финансового сектора на основе международных принципов поможет им обеспечить устойчивый рост и достижение своих целей, а также улучшить защиту интересов и безопасность своих клиентов и акционеров.

Совершенствование корпоративного управления в организациях финансового сектора может быть улучшено с использованием цифровых технологий. Это позволяет повысить эффективность и прозрачность управления, снизить риски и обеспечить безопасность данных. Ниже приведены несколько примеров, как использование цифровых технологий может помочь улучшить корпоративное управление в организациях финансового сектора:

1. Внедрение блокчейн-технологий для улучшения прозрачности и безопасности данных. Блокчейн-технология позволяет создавать цепочки блоков информации, которые невозможно изменить без согласия всех участников. Это позволяет повысить прозрачность операций и сделать их более безопасными, что особенно важно для финансовых организаций, которые работают с крупными объемами конфиденциальной информации.

2. Использование ИИ (искусственного интеллекта) и машинного обучения для анализа данных и прогнозирования рисков. ИИ и машинное обучение могут помочь организациям финансового сектора анализировать большие объемы данных и выявлять риски, связанные с финансовыми операциями, что позволяет предотвращать возможные проблемы и повышать эффективность управления.

3. Создание электронных платформ для взаимодействия с клиентами и управления финансовыми операциями. Электронные платформы могут улучшить процесс взаимодействия между клиентами и финансовыми организациями, обеспечивая быстрый и удобный доступ к финансовым услугам. Кроме того, они могут помочь улучшить процессы управления финансовыми операциями, такими как расчеты и переводы.

4. Использование цифровых платформ для управления акциями и голосованиями акционеров. Цифровые платформы могут упростить процесс голосования акционеров и повысить их участие в управлении компанией. Они также могут улучшить процессы управления акциями, такие как регистрация, торговля и хранение акций, что позволит сократить затраты на управление акциями и повысить прозрачность и надежность процессов.

Использование цифровых подписей для обеспечения безопасности и подлинности документов. Цифровые подписи позволяют удостовериться подлинность документов и повысить безопасность их передачи и хранения. Это особенно важно для финансовых организаций, которые работают с конфиденциальными документами, такими как договоры и соглашения. Развитие кибербезопасности и защиты от кибератак. Финансовые организации являются приоритетными целями для киберпреступников, поэтому безопасность данных и защита от кибератак являются основополагающими аспектами управления. Цифровые технологии, такие как машинное обучение и анализ больших данных, могут помочь обнаруживать потенциальные угрозы и предотвращать кибератаки. Использование цифровых технологий может помочь финансовым организациям улучшить корпоративное управление, повысить эффективность и прозрачность операций, снизить риски и обеспечить безопасность данных. Однако, внедрение цифровых технологий требует значительных инвестиций и изменений в процессах управления, поэтому компании должны тщательно оценить свои потребности и возможности, прежде чем принимать решение о внедрении этих технологий.

Использованные литературы

1. https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_economy
2. <http://xs.uz/uzkr/post/davlatimiz-rahbari-2030-jilgacha-raqamli-ozbekiston-2030-dasturini-amalga-oshirishni-taklif-etdi>
3. Gulyamov, S.S. va b. (2019). Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. -T.: Iqtisod-Moliya. 396 b.
4. Ayupov, R.X., Baltabaeva, G.R. (2018). Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va

rivojlanish istiqbollari. –T: Fan va texnologiya. 172 b.

5. <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>

6. <https://www.hse.ru/>

7. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). Digital economy report 2019.

8. <file:///C:/Users/user/Downloads/global-top-100-companies-2019.pdf>

СУВЕРЕН ФОНДЛАР ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

Садиқова Нозимахон Омонуллохоновна

ТМИ магистри

Nn.sa@mail.ru

Аннотация

Жамғарма ёрдам бериш ва ёрдам олишга бўлган эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган ресурсларни яратувчи ва амалга оширувчи восита ҳисобланади. Жамғарма ўзининг уставида белгиланган мақсадларда тўпланган маблағларни тақсимлаш мақсадида тузилган юридик мақомга эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Оддий тилда айтганда жамғарма (фонд) қайсидир маънода йиғиш воситасидир. Ушбу мақолада фондлар (жамғармалар) ҳақида умумий маълумотлар, республикамиздаги ва жаҳондаги йирик суверен фондлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Фонд, суверен, суверенд фондлар, иқтисодиёт, молиявий ёрдам, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, инвестиция, тадбиркорлик, модернизация.

Фондлар ҳозирги даврдаги кенг тарқалган молиявий ёрдам кўрсатувчи иқтисодиётнинг тармоғи сифатида ривожланган. Жамғармалар фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, касалликларни даволашда кўмаклашиш, таълим олиш ва истеъдодларни ривожлантиришга хизмат қилади. Давлат миқёсида оладиган бўлсак жамғармалар мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Суверен фонд (миллий фаровонлик фонди) молиявий активлари акциялар, облигациялар, мулклар, қимматбаҳо металлар ва бошқа молиявий воситалардан иборат булган давлат инвестиция фондларидир. Кўпгина суверен фондлар мамлакатнинг экспорт операцияларидан тушган тушумлар орқали молиялаштирилади. Энг катта машҳур жамғарма сифатида Ногвегия Давлат пенсия жамғармасини эътироф этиш мумкин.

Тадқиқотчилар давлат суверен фондларини шакиллантиришнинг бир неча босқичлари борлигини таъкидлашади. Улардан бири иқтисодчи Руслан Ибраев⁴³ ривожланишнинг уч босқичи борлигин такидлайди. Улар 1953-60 йиллар, 1961-90 йиллар ва учинчи босқич 2000 йилдан бошланиб то ҳозирги кунгача бўлган даврни ичига олади.

⁴³ <https://ria.ru/20210603/blagosostoyanie-1735494319.html>

П.А. Левчаевнинг “Внебюджетные фонды” асарида нодавлат фондларнинг теоретик, методологик ва бюджетдан ташқари фондларнинг амалий асослари очиб берилган.⁴⁴

М.В. Данилина 2020 йилда чоп эттирган “Суверен фондлар мамалакат иқтисодий хавфсизлиги механизми” номли ўқув қўлланмасида асосий эътиборни суверен жамғармалар томонидан активларни тўғри тақсимлашнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат бюджетига нефт ва газ орқали тушадиган тушумларни барқарорлаштиришга қаратиш келтирилган. Шу билан биргаликда юқорида келтирилган йўналишлар бўйича хорижий тажрибалар таҳлил қилинган⁴⁵.

Тижорат самарадорлиги - у ёки бу дастур ёки лойиҳанинг молиявий харажатларни қоплашни ифодаласа, бюджет самарадорлиги – қўйилган мақсадни амалга ошириш учун бюджет даромадлари харажатларидан юқори бўлишини ифодалайди. Ижтимоий самарадорлик эса – жамиятнинг қўйган ижтимоий мақсадлари ва манфаатларини қондириш учун ижтимоий неъматлар яратишнинг унумдорлигини ифодалайди.

Натижадорлик суверен фондларни ташкил қилишдан аввал, қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражасини ифодалайди. Натижадорликни ўлчаш учун “ҳисоб-китоб баҳолаш нуқтаси”ни уларсиз аниқлаш имкони бўлмайдиган аниқ режалар ва мақсадлар белгиланиши лозим. Ўз навбатида бошқарув самарадорлиги ва натижадорлиги – бир-бири билан боғлиқ эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз лозим. Хусусан, бошқарув натижадорлигига эришиб, бироқ самарадорлик эса бошқарув харажатларининг ўсиши туфайли пасайиб кетиши мумкин. Бошқарув харажатлари турли жиҳатларда кўриб чиқилиши мумкин:

➤ хомашё билан боғлиқ бўлмаган бюджет тақчиллигининг кескин кўтарилиши ёки хомашё нархининг пасайиш тенденциясида суверен фондлар даромадлари пасайиши билан боғлиқ бюджет хавфсизлигининг пасайиши;

➤ суверен фондлари маблағларини жойлаштириш самарадорлиги кўзда тутилган бўлса, бошқарув харажатларининг доимий ўсиб бориши.

Илк маротаба суверен фонд атамаси 2005 йилда Андрю Розановнинг мақоласида иқтисодий термин сифатида ишлатилган⁴⁶.

Бутун дунёда йигирмадан ортиқ суверен фондлар фаолиятини олиб бориб келмоқда. Улардан энг йириклари молиялаштириш манбааси нефт бўлиб, Араб давлатларига тўғри келади.

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 май кунидаги “Ўзбекистон

⁴⁴ П.А. Левчаев «Внебюджетные фонды» НИЦ ИНФРА-М. 2021й.

⁴⁵ Данилина М.В. “Суверенные фонды как механизм обеспечения экономической безопасности страны” Русайнс. 2020й.

⁴⁶ «Who holds the wealth of nations» Central Banking Journal май 2005 йил, 4-сон

Республикасининг тикланиш ва тарққиёт жамғармаси ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3751-сонли Фармони имзоланиди. Мазкур фармонга асосан, ташкил этилган жамғарма шу кунга қадар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ташкилот юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлиб, бевосита Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бўйсунди ва унинг муассиси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади.

Тикланиш ва тарққиёт жамғармаси ўз фаолияти давомида, ишлаб чиқариш

ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини, биринчи навбатда истиқболли лекин ривожланмаган ҳудудларда шакиллантириш, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини модернизация ва ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик миллий ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштиради, бундан ташқари Республиканинг халқаро алоқа тармоғига интеграциялашуви учун шарт шароитлар яратиш, халқаро транспорт йўлакларига ва жаҳон бозорларига энг қисқа муддатларда чиқишини таъминлашни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тарққиёт жамғармаси халқаро молия институтлари, республика ва хорижий давлатларнинг кредит ташкилотлари билан биргаликда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

Ташкилотининг энг йирик лойиҳаларидан баъзиларини кўриб чиқамиз:

✓ Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш тўлалигича тугатилган. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 30 декабрдаги № ПҚ-2709-сон қарори асосида амалга оширилган. Лойиҳанинг асосий мақсади, Фарғона водийси истеъмолчиларини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ёқилғи ресурсларини тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланишдан иборат эди. Лойиҳани амалга оширишда чел эллик мутахассислар ҳам жалб этилган бўлиб, Япониянинг “MITSUBISHI CORPORATION” ва “MITSUBISHI HITACHI POWER SYSTEMS” компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган ГТ (газ турбинаси) ва БТ (буғ турбинаси) асосий ускуналари ўрнатилган.

✓ Тахиатош иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестицион лойиҳасининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги №ПҚ-3264 сон қарори асосида амалга оширилган. Лойиҳанинг асосий мақсади, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ёқилғи ресурсларини тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланишдан иборат бўлган. Лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 300 миллион АҚШ доллари Осиё тараққиёт банкнинг инвестиция маблағлари, 230,7 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Тикланиш ва тарққиёт жамғармасининг кредит маблағлари, 27,3 миллион АҚШ доллар ўз маблағлари ва 120,2 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани қўллаб-қувватлашдаги улуши ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари президент фармонлари асосида Сурғул кони негизида Устюрт газакимёкомплексини ташкил этишда иштирок этган. Ушбу комплекс 2015 йилдан бугунги кунга қадарн фаолият кўрсатиб келмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, уни 19 та халқаро банк ва молия институтлари, жумладан Hermes, China Development Bank (Хитой тараққиёт банки), Korean Export-Import Bank (Корея экспорт-импорт банки), K-Sure ва ADB (Осиё тараққиёт банки)дан иборат консорциум молиялаштирган. Лойиҳа “Project Finance International” журнали томонидан “Энг яхши газ-кимё йўналиши бўйича энг яхши битим” мукофоти ҳамда “Euromoney” журналининг “Йилнинг нефт-кимё битими” номинациялари ғолиби бўлган.

Мамлакатимизда ягона булган миллий “Uzbekistan Airways” АЖ авиакомпаниясига тегишли 2 та Dreamliner фонд томонидан молиялаштирилган. Ушбу самолётлар бошқа самолётларга нисбатан, 13 600 километрлик масофани 30 фоизга кам сарф харажат эвазига босиб ўтиш имкониятига эга.

Жаҳон бозорида ва мамлакатимиздаги фондлар фаолиятини ўрганиш якунида шуни хулоса сифатида айтиш мумкинки, фондлар барча мамлакатлари сингари мамлакатимиз иқтисодининг, ижтимоий ахволнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга ва молия бозорининг ривожланишида ажралмас давлат бюджети кўмакчиси сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари суверен фондларни ташкил қилиш бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси қўлида тўпланиб қолаётган бўш пул маблағлари, мамлакатимиздаги мавжуд юқори инвестицион манбаалар (арзон хомашё ва табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги юқори имкониятлар, иқтисодий-ижтимоий сиёсат) инobatга олиб, иқтисодиётга инвестицияларни кенг ва самарали жалб қилишнинг дунё тажрибасидан келиб чиқиб энг синалган жамоавий инвестициялашнинг энг самарали тури бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 11 майдаги ПФ-3751 сонли “Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тарққиёт жамғармаси ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
2. LEX.uz интернет портали.
3. Wikipedia.org
4. Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли кенгаши. Султонбоева М.Б. “Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари”
5. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил. Жуманиёзов И.Т. “Суверен фондлар фаолият самарадарлигини баҳолаш мезонлари”
6. П.А. Левчаев «Внебюджетные фонды» НИЦ ИНФРА-М. 2021й.
7. Данилина М.В. “Суверенные фонды как механизм обеспечения экономической безопасности страны” Русайнс. 2020й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Хасанова Хуснорахон Фахриддиновна
Phd., катта ўқитувчи, ТМИ
xusnora4843@gmail.com

Аннотация

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғриси»даги ПҚ-4611-сон қарори Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш муаммоси кўп йиллардан буён мавжуд бўлиб, бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган. Электр энергетикасига барқарор ишончни сақлаб қолиш ва инвестицияларни жалб қилиш учун нафақат кўп сонли инвестиция лойиҳаларини тузиш, балки молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ тайёрлаш бўйича зарур механизмни ҳам яратиш лозим.

Калит сўзлар. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, инвестиция, МҲХСга мувофиқ, инвестицияларни жалб қилиш, консолидацион молиявий ҳисобот

Ўзбекистон Республикасида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш, шу жумладан, консолидациялашган гуруҳ таркибини белгилаш тартиби куйидаги рўйхатда келтирилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни (янги таҳрирда);
- 2) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-387-сон Қонуни (янги таҳрирда);
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори;
- 4) МҲХС (IFRS) 10 «Консолидациялашган молиявий ҳисобот»;
- 5) МҲХС (IAS) 28 «Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар»;
- 6) МҲХС (IFRS) 3 «Бизнес бирлашувлари»;
- 7) МҲХС (IFRS) 11 «Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар»;
- 8) МҲХС (IFRS) 12 «Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш».

Бизнингча, консолидациялашган молиявий ҳисобот ўзида бирлашган бош, шўъба, таъсир остидаги ташкилот ва қўшма назорат қилинадиган корхоналар шахслар гуруҳининг ҳисобот топшириш санасига мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳамда ҳисобот даври ҳолатига молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг маълум қоидалар бўйича бирлашган тизимини ифодалайди.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот- бу бош корхона ва унинг шўба корхоналарининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатлари, пул маблағлари оқимлари ягона иқтисодий фаолият субъектининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатлари, пул маблағлари оқимлари сифатида тақдим этиладиган компаниялар гуруҳининг молиявий ҳисоботидир. Айнан шундай таъриф МХХС (IFRS) 10 «Консолидациялашган молиявий ҳисобот»да келтирилган[1].

Юқорида биз консолидациялашган молиявий ҳисоботда инвестициялар ҳисобининг баъзи қисмларини кўрдик.

Қуйида эса хорижий олимларнинг фикрлари билан танишамиз.

Л.П.Краснов, Н.Г.Большаков, Л.Г.Кузнецов, С.И.Пучков, О.Б.Лихачев каби россиялик муаллифларнинг тадқиқотларида асосан чет элда консолидациялашган ҳисоботлар тузилмаслиги ва уларда «инвестициялар ҳисоби» ҳисобга олинмаслиги тўғрисида эслатма бор эди. Шунингдек, уларнинг ишларида назария, услуб ва услубиётнинг кўплаб саволлари ёритилмаган, консолидациялашган ҳисоботни тузиш саволлари эса юзаки кўриб чиқилган.

Бугунги кунда энергетика йўналишидаги акциядорлик компанияларида назария, услубиёт ва ҳисобот таъминотини ташкиллаштириш саволлари таҳлил қилинмасдан қолмоқда, консолидациялашган ҳисоботнинг предмети, вазифалари, тақдим этиш мазмунининг илмий асоси йўқ.

Авваламбор, консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг тавсифланишига, унинг маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишларида тушунилишига, консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг фарқлари билан аниқ қарор қабул қилинишига эътибор қаратиш зарур.

Илк бора консолидациялашган ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг тизимостиси сифатида профессор В.С.Плотников томонидан ажратилган, у буни қуйидагича ифодалаган: «Биз яна бир «консолидациялашган ҳисобот» тушунчасини тадбиқ этамиз, бироқ консолидациялашган ҳисоботни ҳисоботнинг алоҳида тури сифатида эмас, балки молиявий ҳисоботнинг бир бўлими сифатида қараймиз»[2].

Иқтисодчи олимлар С.И.Пучкова ва В.Д.Новодворский томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот ишлаб чиқилган, шунингдек, консолидациялашган ҳисоботларга таърифлар берилган ва уларнинг қоидаларини келтириб ўтишган. Бу муаллифлар биринчилардан бўлиб «бирлаштирилган» ва «консолидациялашган» ҳисоботларни синонимлар деб ҳисоблаш нотўғрилигини таъкидлаб ўтишган[3].

Консолидация қоидаларини кўриб чиқишга В.В.Палий ўзининг «Консолидациялашган ҳисобот: корхоналарнинг бирлашиши билан боғлиқ операциялар ҳисоби» номли ишида катта эътибор қаратган. Хусусан, «бош корхона ва шўба корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар сони бўйича баланс тўлови»ни кўриб чиққан.

Иқтисодчи олим Л.З.Шнейдман ўзининг «Йиғма бухгалтерия ҳисоботи» китобида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишга доир кўпгина масалаларни ёритиб берган. Л.З.Шнейдман «гуруҳ», «йиғма ҳисобот» каби ибораларга тўхталиб ўтган. Халқаро стандартлар асосида ташкилотларнинг

консолидациясини ҳисобга олиш йўллариغا эътибор қаратган. Аммо олим ўз изланишларида консолидациянинг «биргаликда фаолият юритадиган» ёки «биргаликда назорат қилинадиган жамиятлар» сифатида тадқиқ этмаган[4].

О.В. Бурлакова консолидациялашган молиявий ҳисоботни «ўзида бирлашган бош, шўъба, таъсир остидаги ташкилотларга ва биргаликда назорат қилинадиган ташкилотлар сифатида фаолият олиб бораётган юридик шахслар гуруҳининг ҳисобот топшириш санасига мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳамда ҳисобот даврига молиявий натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг маълум қоидалар бўйича бирлашган тизими» сифатида таърифлайди[5].

З.М. Алиев ўзининг илмий тадқиқотида қуйидагича таъкидлайди: «МХХС Кенгаши ўзининг қарорини шу билан изоҳлайдики, ҳисобот (шу жумладан, консолидациялашган молиявий ҳисобот) асосли иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар, яъни компания (компаниялар гуруҳи)нинг молиявий ҳолати, фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларда кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириши шарт. Бундан ташқари, агар фаолияти гуруҳ ичидаги бошқа компаниялар фаолиятидан ажралиб турадиган компаниянинг молиявий кўрсаткичлари сезиларли даражада катта бўлса, бундай компаниянинг консолидация периметридан чиқарилиши молиявий ҳисобот фойдаланувчилари томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, яъни бунинг оқибати – консолидациялашган молиявий ҳисобот мақсадларининг бузилиши бўлиши мумкин»[6].

В.М. Голиковнинг фикрича, консолидациялашган молиявий ҳисобот ўзининг ҳажми, таркиби, мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан мулкдорлар сони чекланган, бошқарув тизими содда, фаолияти ҳажми тор бўлган яқка ташкилотларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботига нисбатан анча кенг тушунча. Консолидациялашган ҳисобот кўп ҳолларда трансмиллий характер касб этади ва айнан шунинг учун уни халқаро даражада тартибга солиш талаб этилади[7].

Е.Ю. Волкова ўз илмий ишида консолидациялашган ҳисобот – бу халқаро стандартлар тамойиллари, талаблари, тахминлари асосида гуруҳ аъзоларининг молиявий ва номолиявий маълумотларини бирлаштириш ёрдамида шакллантирилган, молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни очиқлайдиган ва корхоналарнинг консолидациялашган гуруҳини ягона хўжалик субъекти сифатида тасаввур қилиш имконини берадиган молиявий ҳисобот эканлигини таъкидлайди[8].

Иқтисодчи олим О.Собиров таъкидлашича, республикамиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларни (МХХС) талаблар даражасида юритиш иқтисодиётга хорижий инвестициялар олиб кириш ҳажмининг ошишига олиб келади[9].

«Молиявий ҳисобот» тушунчаси бухгалтерия ҳисоботи маълумотларини ҳам ўз ичига олади. Консолидациялашган молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоботининг гуруҳ, хўжалик субъектлари назорат муносабатларига асосланган фаолиятининг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини тавсифлаш учун мўлжалланган бир тури сифатида баҳоланади.

Бизнингча, илмий тадқиқотларда консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантириш бўйича кўплаб амалий масалалар ҳали очиклигича қолмоқда ёки кўриб чиқилмаган, жумладан, энергетика тармоғида инвестицияларни ҳисобга олиш хусусиятлари ҳам етарлича тадқиқ этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз инвестициялар ҳисобини энергетика соҳасидаги жуда катта ва долзарб масала сифатида баҳолаймиз. Консолидациялашган молиявий ҳисоботда консолидациянинг барча усуллари аниқ-равшан акс этирилиши лозим. Ва албатта, МҲХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботда инвестицияларни ҳисобга олишда ишлатиладиган ҳисобларни ёддан чиқариш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://fin-accounting.ru/ifrs/ifrs10>. МСФО (IFRS) 10 Consolidated Financial Statements. Консолидированная финансовая отчетность.

2. Плотников, В.С., Шестакова, В.В. Финансовый и управленческий учет в холдингах / В.С. Плотников, В.В. Шестакова. - М.: ИД ФБК - ПРЕСС, 2004. - с. 336., с. 98.

3. Медведева Наталья Владимировна. «Консолидированная отчетность в организациях нефтегазовой отрасли». 2009 г.

4. <https://base.garant.ru/989516/>. Как пользоваться международными стандартами финансовой отчетности. Л.З.Шнейдман, «Бухгалтерский учет», №11. 2001 г.

5. О.В. Бурлакова «Современные методологические проблемы консолидированного учета». -М.: Бухгалтерский учет. -2008.-С.368.

6. З.М.Алиев . «Формирование консолидированной финансовой отчетности холдингов в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности». Автореферат. -2011.-С.4.

7. Голиков Виктор Михайлович. «Организация и методика аудита консолидированной финансовой отчетности, составленной в соответствии с МСФО». Автореферат. 2007 г. С.15.

8. В.Е Юрьевна. «Формирование и анализ консолидированной финансовой отчетности группы компаний». Автореферат.2010. стр.10.

9. О.Собиров. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий журнали. № 3, июнь, 2021 йил. ISSN: 2181-1016.

ФОНД БОЗОРИ МЕХАНИЗМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМДАГИ РОЛИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Хўжамуродов Асқаржон Жалолович
Тошкент кимё-технология институти
“Саноат иқтисодиёти ва менежменти” кафедраси мудури,
иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
asqar_86@mail.ru

Аннотация

Мақолада фонд бозорини тартибга солишнинг назарий ва услубий асослари, унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли кўриб чиқилган, фонд бозорининг асосий воситаларидан фойдаланишнинг муаммоли томонлари кўрсатилган ҳолда тавсифланган, фонд бозорини ривожлантиришнинг ташқи шароитлари таҳлил қилиниб, миллий иқтисодиётда фонд бозори механизмининг ривожланиш хусусиятлари аниқланган. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти ҳолатининг ҳозирги босқичига хос бўлган фонд бозори ресурсларини жалб қилиш тузилмасига эътибор қаратилиб, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: *миллий иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, барқарор ривожланиш, фонд бозори, қимматли қоғозлар, бозор тузилмаси тартибга солиш, асосий воситалар, фонд бозорини ривожлантириш, ташқи шароитлар, фонд бозори механизми, бозор ресурслари.*

Ҳозирги жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини тўла ишга тушириш, фонд биржасида акциялар қийматини мунтазам эълон қилиб бориш, аҳолини аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилишни ошириш, акцияларнинг ҳақиқий қимматли қоғозга айлантириш ҳамда муҳим даромад манбаи бўлиши таъминланмаганлиги, фонд бозори инфратузилмаси фаолияти самарали йўлга қўйилмаганлиги фонд бозорини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим»[1] лигига катта урғу берилган.

Мақолани тайёрлашда, мамлакатимиз ва хорижлик етакчи иқтисодчи-олимларнинг илмий асарларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва асарлари, республикада фонд бозори инфратузилмасини ривожлантириш тамойиллари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли вазирликларнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари ва кўрсатмалари назарий, услубий асос қилиб олинган.


Фонд бозори муаммоларини инобатга олган ҳолда, унинг ривожланишини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериб, бу масалани ўрганиш доирасида, бозор

имкониятларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ва қатор амалий таклифларни бериш имконияти яратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мақоладаги асосий ғоялар ва натижалар фонд бозори фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган йўлланмаларни ишлаб чиқишда услубий асос ҳисобланиб, муаллифнинг тавсиялари ҳозирги замон фонд бозори тамойиллари ва бошқа бозор воситалари уни шаклланган ва такомиллашган ривожланишга етказиш бўйича назарий ва амалий қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

Фонд бозорининг табиати ўзига хос товар – қимматли қоғозлар чиқариши ва муомалага киритиши бўйича бозор қатнашчилари ўртасидаги жами иқтисодий муносабатларда ифодаланиб, ўзаро ишлаб чиқариши кучлари ва ишлаб чиқариши муносабатлари тарзида намоён бўлади. Фонд бозори тизимли хусусиятга эга бўлиб, у қимматли қоғозлар бозорга берилган тавсифда ўз аксини топган ва унга кўра, фонд бозори “...юксак даражада яхлик ва тугалланган технологик цикллардан иборат мураккаб ташкилий-иқтисодий циклдир”[3]. Қимматли қоғозлар бозорининг самарали фаолият юритиши барча таркибий элементлар, шу жумладан инфратузилманинг ривожланиш даражаси ва сифатига боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, қимматли қоғозлар бозорининг асосий функциясини қуйидагилардан иборат деб билиш амалиётда қабул қилинган. Булар, омонатлар – инвестициялар – иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган тизимдир ва унинг элементлари, яъни субъектлари ва объектлари инвестиция ресурсларини қайта тақсимланишини, инвестиция капиталидан имкон қадар самарали фойдаланилишини ва бозор талаби нуқтаи назаридан энг оптимал ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаси шаклланишини таъминлайди.

Шуни қайд қилиш лозимки, фонд бозори бошқа турдаги бозорлардан, авваламбор, унда муомалада бўладиган ўзига хос товар билан ажралиб туради, бу – қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозлар алоҳида тур ресурсларга (кўчмас мулк, ер, товарлар, пуллар ва ҳ.к.) бўлган эгалик ҳуқуқини ифодалайди, норматив-ҳуқуқий талабларга мувофиқ ҳужжат кўринишида расмийлаштирилади ва ўз нархига эга. Демак, ҳар бир ресурснинг турига мос турдаги қимматли қоғоз бор бўлиб, шу ресурсга эгалик ҳуқуқининг тасдиғи ҳисобланади. Фонд бозорининг иқтисодий тизимнинг бошқа бозорлари билан ўзаро алоқаси ва уларнинг иқтисодий тизимдаги ролини белгилайдиган ўзига хос функциялари 1-расмда ўз аксини топган.

Кўплаб бир турдаги молия инструментлари фонд бозорининг кичик тизимларини (акциялар бозори, муддатли бозор ва ҳ.к.) ташкил этади ва бу тизимлар белгиланган тартиб асосида ишлайди. Қимматли қоғозларнинг муайян турлари пайдо бўлиши бозорда уларга хизмат кўрсатадиган ихтисослашган институтлар пайдо бўлишига олиб келади. Фонд бозор тизими ўзини-ўзи ташкиллаштириши натижасида тизимнинг ўз ичида тузилмаларнинг иерархия даражалари вужудга келади, оқибатда кўплаб элементлар ичидан гуруҳлар ажралиб чиқадики, бозор капиталлашувининг асосий қисми шу гуруҳларга тўғри келади. ачилар ва бозорга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган инфратузилма ташкилотлари.



1-расм. Фонд бозорининг иқтисодий тизимнинг бошқа бозорлари билан ўзаро алоқаси[2]

Қатор мамлакатларда “брокерлар-дилерлар” ёки “ҳисоб-китоб-клиринг марказлари” ва ҳоказолар иш юритади. Бироқ, бу ташкилотлар қандай номланиши муҳим эмас. Муайян ташкилотларнинг номи эмас, фаолият тури (брокерлик, дилерлик, ҳисоб-китоб, депозитар, биржа ва ҳ.к.) тўғрисида гапириш тўғри бўлади. Бу фаолият турларининг маълум бир тури ёки бир нечтаси билан турли юридик шахслар шуғулланиши мумкин.

Ўзбекистон республикаси қонунчилигида қуйидаги терминлардан фойдаланилади: дилерлик фаолияти – дилер, брокерлик фаолияти – брокер, савдони ташкил этиш фаолияти – савдо ташкилотчиси ва фонд бозори, депозитар фаолият – марказий депозитарий, реестр юритиш фаолияти – регистратор, қимматли қоғозлар бўйича клиринг фаолияти – клиринг маркази, қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб фаолияти – ҳисоб-китоб маркази [4]. Бунда, битта юридик шахс бир неча турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин, албатта, маълум чекловлар билан. Ўзбекистон фонд бозорида турлича номаланадиган, аммо юқорида тилга олинган фаолият турларини бир нечтасини бирлаштирган ҳолда амалга оширадиган ташкилотлар мавжуд.

Фонд бозори тизимига қуйидагича тавсиф бериш мумкин: моддий, очик, жадал, мураккаб, ўзини ўзи ташкил этадиган. Фонд бозорининг муҳит билан ўзаро таъсирлашуви ўрганилар экан, шуни хулоса қилиш мумкинки, мазкур тизим нормал ишлаши учун, ёпиқ бўлмаслиги лозим, яъни пул ва ахборот узлуксиз ҳаракатда бўлиши учун тизим ва ташқи муҳит ўртасида доимий алмашув юз бериб туриши керак.

Бозорнинг ҳудудга қараб бўлиниши пул капиталини етказиб бериш ва истеъмол қилиш бўйича муайян ёпиқ оборотнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Хусусан, минтақачилик инфратузилмаси шаклланмаган, мамлакат доирасида эътироф этилган савдо марказлари йўқ қимматли қоғозлар бозорига хос. Бирламчи бозорда жойлаштирилган қимматли қоғозларнинг муомаласи

давом этадиган иккиламчи бозорнинг асосий вазифаси ликвидлиликни таъминлашдан иборат. Шу тариқа омонатларни инвестицияларга айлантириш механизми самарали ишлаши учун шароит яратилади. Иккиламчи фонд бозорининг учта асосий ташкилий тури мавжуд: ташкиллаштирилган – бу биржа ва ташкиллаштирилмаган – биржадан ташқари ва муқобил (интерфаол) тури ва улар ҳам, ўз навбатида, турли ташкилий шаклларга эга.

Пул бозорининг қимматли қоғозлари (айланиш муддати 1 йилдан кам бўлган) юқори ликвидлилик ва курс баҳоси сезиларли ўзгармаслиги билан ажралиб туради ва миллий фонд бозори шароитида ишончли инвестицияга айланади. Мазкур сегмент қатнашчиларининг асосий мақсади – вақтинча эркин ресурслар ёрдамида фойда олиш ёки пул маблағларига бўлган қисқа муддатли эҳтиёжни қондиришдан иборат. Капиталлар бозорининг қимматли қоғозлари муайян муддатда пул маблағларига эга инвесторлар, шунингдек улушли воситалар бозорининг стратегик инвесторларида қизиқиш уйғотади[7].

Омонатларни инвестицияга айлантириш учун фонд бозорининг механизми самарали ишлаши керак бўлади. Фонд бозори механизмнинг трансформациялаш хусусияти кўп қиррали ва бозорнинг турли жиҳатларида: тузилмавий, функционал, генезис жиҳатларида намоён бўлади. Ушбу жиҳатларнинг ҳар бирида трансформация муайян ташкиллаштириш ва тартибга солиш, ҳаракат ва фаолият юритиш, ўсиш ва ривожланиш муносабатларини ўз ичига олади.

Муаллифнинг фикрича, юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, фонд бозори – бу субъектларнинг қимматли қоғозлар муомаласи доирасидаги муносабатлари тизими бўлиб, бу тизим фонд инфратузилмасининг фаолияти ёрдамида инвестиция ресурсларини қайта тақсимлаш функциясини бажаради ва бозор иқтисодиётининг барқарорлиги ва бутунлигини таъминлайди.

Фонд бозорининг тузилмаси унинг *моделли* билан белгиланади, шу боис дунёда мавжуд фонд бозори моделларини қиёсий таҳлил қиламиз ва уларнинг Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори тузилмаси шаклланишига қанчалик таъсир қилишини кўриб чиқамиз.

Дунёда ривожланган фонд бозорларининг иккита асосий модели шаклланган: Америка модели (банкдан ташқари) ва Германия модели (банк). Бу моделлар бир-биридан бозорда банк институтларининг қанташиши, инфратузилмаси ва бозорда муаомалада бўлган қимматли қоғозлар тури билан фарқ қилади.

Америка модели банкларни қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятга яқинлаштирмаслик принципига асосланган бўлиб, бозорнинг асосий операторлари вазифасини йирик брокерлик компаниялари ёки MorganStanley, Goldman Sachs, Merrill Lynch, Credit Suisse First Boston каби инвестицион банклар бажаради. Германия моделида эса, аксинча, фонд бозорида универсал тижорат банклар кенг кўламда иштирок этади. Шу икки моделга риоя қиладиган миллий фонд бозорларининг тақсимоти қуйидаги кўринишга эга: фонд бозори ривожланган мамлакатларнинг 40 фоизи банкдан ташқари моделга амал қилади, банк модели 10-15 фоиз мамлакатларда ривожланган. Қолган мамлакатларда банкларга кўпроқ ёки камроқ урғу берилган аралаш модель шаклланган.

Мазкур моделларнинг юзага келиши – дунё фонд бозорларини тартибга

солиш концепцияси ва сиёсати натижасидир. Хусусан, 1929 йилдаги Америка фонд бозори инқирозидан ва ундан кейин давом этган АҚШ иқтисодиёти стагнациясидан сўнг универсал тижорат банклари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириши чекланган. Тижорат банк иши (депозитларни жалб қилиш ва кредит бериш) ҳамда инвестиция банк фаолияти (қимматли қоғозлар эмиссиясини тайёрлаш, қайта сотиш учун уларни сотиб олиш, андеррайтинг ва ҳ.к.) қонун асосида АҚШ, Канада ва бир неча Европа давлатларида алоҳида ажратилган.

Германия модели бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида (Австрия, Германия, Франция, Швейцария) ва Японияда иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даврида ўрнашиб қолган. Маршалл режаси асосида АҚШ томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш Европа давлатларининг банкларини тиклаш орқали амалга оширилган, бу банклар ривожланиши учун кучли туртки бўлган. Банкларнинг саноат капиталида иштирок этиши учун ҳеч қандай чеклов бўлмаган, натижада банклар фонд бозорининг асосий қатнашчиларига айланганлар.

Ривожланган сайин ушбу икки моделнинг тузилмаси ўзгариб борган. Бинобарин, Америка моделида турли институтлар кўплаб ривожланган бўлиб, улар у ёки бу тарзда қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи муомаласида иштирок этади. Фонд бозорини тартибга солувчи органларнинг тузилмаси ҳам фарқ қилади: банк моделида фонд бозорини мамлакатнинг Марказий банки ва Молия вазирлиги, банкдан ташқари тизимда – мустақил тартибга солувчи орган (масалан, АҚШда Қимматли қоғозлар бозори бўйича комиссия) тартибга солади.

Фонд бозоридаги мулкка эгаллик ҳуқуқининг тузилиши ҳамда улушли ва қарзли қимматли қоғозлар бозорининг нисбатидаги фарқни моделлар ўртасидаги принципиал фарқ деб аташ мумкин: Америка модели парчаланган акциядорлик капиталига ва акцияларга чакана инвестицияларнинг оммавийлигига асосланган. Бу моделда акциялар бозори қарз мажбуриятларидан устунлик қилади; Германия моделида, аксинча, қарз мажбуриятлари бозори ва йирик акция пакетлари эгалари устунлик қилади. Моделлар ўртасидаги фарқ фонд бозорлари объектларининг тузилмасида ҳам намоён бўлади: Америка моделида акцияларнинг асосий тури – эгасининг номи ёзилган сертификатлар; Германия моделида – кўрсатувчига пул тўланадиган акциялар.

Фонд бозорларининг моделларини қиёсий таҳлил қилиш дунё тажрибасидан Ўзбекистон фонд бозорини ташкил этишда фойдаланиш нуқтаи назаридан жуда муҳим. Масалан, инфратузилмани яратишда модель инфратузилманинг тузилмасига ҳам таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Хусусан, фонд бозорининг моделига қараб эмитентларга хизмат кўрсатадиган (қимматли қоғозларни рўйхатга олиш, трансферти, улар бўйича тўловларни амалга ошириш ва ҳ.к.) депозитарий ва клиринг тармоғи банк ёки банкдан ташқари хусусиятга эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон фонд бозори шаклланган ва ўзини ўзи ташкил этадиган, ҳар қандай бозор сингари давлат томонидан тартибга солинишга, рақобат курашида қўллаб-қувватланишга ва амалга оширилаётган

операцияларнинг қонунийлиги таъминланишига муҳтож бўлган мураккаб тизим сифатида ишлаяпти дейиш мумкин.

Ўзбекистон фонд бозорининг модели келажакда ривожланишига ўтиш ва ривожланаётган иқтисодийларнинг кўпчилигига хос бўлган мавжуд мулкчилик тузилмаси ўз таъсирини ўтказди. Бу тузилмада парчаланган ва чакана Америка модели эмас йирик корпоратив мулкдорлар устунлик қилади. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон фонд бозорига хос хусусиятлар ичида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин: акциядорлик капиталлари йирик ва назорат пакетларида жамланиши (60-70%); назорат қилувчи акциядорларнинг улуши ўсиши; бозорда акциядорлик капиталларининг кичик қисмигина айланиши; акциялар бозорида талаб ва таклиф улгуржи тузилмага эгаллиги; аҳоли ташкиллаштирилган акциялар бозоридан узилиб қолганлиги. Бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори, асосан, қарз хусусиятига эга, акциялар бозори эса ҳозир ҳам, келажакда ҳам ҳажм ва ликвидлилик борасида чекланган бўлади.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб шуни қайд қиламизки:

ҳозирги Ўзбекистоннинг иқтисодийтини модернизация қилиш жараёнида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштиришда фонд бозори инфратузилмаси сифатидаги фаолиятини кенгайтириш, бозорни ривожлантиришда инфратузилма фаолиятини самарадорлигини ошириш, рискларни бошқариш, давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, институционал инвесторларнинг ролини ошириш имконияти юзага келиши қайд қилинди.

фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган янги методологик ёндашувни қўллашда фойдаланилади. Таклиф этилган методологик воситаларни кенг қўллаш орқали фонд бозорида қимматли қоғозлар савдо ҳажмини оширишнинг ва бу борада ривожланиш дастурлари ҳамда ахборот баъзаларини шакллантириш учун асос сифатида хизмат қилиши кўрсатиб берилди. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон фонд бозор фаолияти ривожланишининг концептуал асослари, метод ва моделларини такомиллаштиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Республика фонд биржасининг халқаро бозорлардаги нуфузини ошириш, унда ўз мавқеини ўстиришнинг стратегик мақсадларини аниқлаш, булар асосида фонд бозори субъектларининг истиқболли дастурини шакллантириш ва прогнозлашда фойдаланиш жараёнларига эътибор қаратилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр. <http://www.uza.uz>
2. Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок. М.:Перспектива.-1995.-С.13.
3. Рубцов Б.Б. Современные фондовые рынки. -М.: Альпина Бизнес Букс, 2006.-382 с.
4. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2015 йил 3 июн ЎРҚ-387-сон.
5. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Методологические основы и приоритеты

стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане, Автореферат дисс...доктора. экон. наук. -Ташкент, БФА, 2011

6. Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. – М.: Юристъ, 2005.- 687 с

7. Mishkin, Frederic S. The economics of money, banking, and financial markets/ Columbia University.-1989.-P47.

8. Khujamurodov A. Peculiarities of corporate strategy and risk prevention in joint stock companies //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.

IV-SHU'BA. O'ZBEKISTON KORXONALARIDA CSR (KORPORATIV IJTIMOYIY MAS'ULIYAT), ESG (EKOLOGIK, IJTIMOYIY VA KORPORATIV BOSHQARUV MEZONLARI) VA SDG (BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI) TAMOYILLARINI JORIY QILISH

CORPORATE SOCIAL RESPONSIBILITY IN TOURISM: A COMPREHENSIVE EXPLORATION OF MOTIVATIONS, STRATEGIES, CHALLENGES, AND IMPACTS

Nurmukhammad Oppokkhonov

Senior Lecturer of Tashkent state university of economics

Abstract

Corporate Social Responsibility (CSR) has emerged as a critical component of sustainable development in the tourism industry. As the tourism sector faces increasing scrutiny regarding its environmental and social impacts, organizations are recognizing the importance of integrating responsible practices into their operations. This wide-ranging research article aims to provide a comprehensive exploration of CSR in tourism. It delves into the motivations driving CSR adoption, analyzes various strategies employed by tourism organizations, examines the challenges faced in implementing CSR initiatives, and evaluates the wide-ranging impacts of CSR on stakeholders and destinations. The findings of this study contribute to the understanding of CSR's significance in tourism and provide practical insights for industry practitioners, policymakers, and researchers.

Keywords: CSR, tourism industry, social responsibility governance, corporate governance

This research article aims to provide a comprehensive understanding of CSR in the tourism industry, highlighting its motivations, strategies, challenges, outcomes, and stakeholder perspectives. By examining the current landscape of CSR initiatives in tourism, this article seeks to contribute to the development of sustainable and responsible practices within the industry. Ultimately, the integration of CSR principles can lead to enhanced social, environmental, and economic outcomes, ensuring the long-term viability and success of the tourism sector.

Mobin Fatma, Zillur Rahman, Imran Khan (2016) have developed a new scale to measure consumer perception of corporate social responsibility (CSR) activities in the tourism industry. A qualitative research has been carried out and then this study

contributes to literature by offering a comprehensive framework based on a sustainable development approach for measuring consumer perception of CSR activities.

Willya Achmad and Yulianah (2022) explain the relationship between Corporate Social Responsibility in the hospitality industry, the benefits and innovation of good practice, and the achievement of long-term goals. It has been consolidated the most remarkable industry experiences to be utilized internationally with a strategic approach and without regard to the size of the enterprise involved.

Fang Deng and Chunbo Zhou (2022) found that most previous research on corporate governance mechanisms in tourism was conducted in developed regions and mostly used quantitative research methods. Shareholder governance, board governance, executive compensation incentives, social responsibility governance, reputation themes and corporate governance provisions received more academic attention than the themes of organizational structure governance and information disclosure.

Danielle Lyssimachou and Pawel Bilinski (2022) examine which corporate social responsibility dimensions affect H&T firms' ability to attract institutional equity capital providers. They document that firms with better social and governance performance have higher institutional ownership, particularly by investors focused on long-term growth and value creation, such as dedicated institutional investors, domestic investors and block holders.

Corporate Social Responsibility (CSR) initiatives in the tourism industry have significant impacts on various stakeholders and destinations. The following section examines the positive effects of CSR implementation on different actors involved in tourism and the overall well-being of destinations.

Environmental Impacts CSR initiatives focused on environmental sustainability have profound effects on the natural surroundings of tourism destinations. These impacts include:

- Biodiversity Conservation and Habitat Preservation Tourism organizations that embrace CSR commit to preserving and protecting the biodiversity and natural habitats of destinations. Through sustainable practices, such as minimizing pollution and preserving ecosystems, CSR contributes to the conservation of endangered species and fragile ecosystems.

- Climate Change Mitigation and Adaptation CSR initiatives address climate change challenges by promoting sustainable tourism practices that reduce greenhouse gas emissions, support renewable energy sources, and enhance energy efficiency. By minimizing the carbon footprint, CSR contributes to global efforts to mitigate climate change and adapt to its impacts.

- Environmental Education and Awareness CSR initiatives often involve educational programs and awareness campaigns focused on environmental issues. By raising awareness among tourists, local communities, and industry stakeholders, CSR contributes to increased environmental consciousness, responsible behavior, and the conservation of natural resources.

Social Impacts CSR initiatives in the tourism industry have significant social impacts, positively affecting local communities, cultural heritage, and social well-being. Some of these impacts include:

- Improved Quality of Life for Local Communities CSR initiatives that prioritize community engagement and empowerment lead to improved living conditions for local residents. This can be achieved through initiatives such as job creation, skills development, and capacity building programs that enhance the socio-economic opportunities and well-being of local communities.

- Enhanced Cultural Preservation and Authenticity CSR initiatives promote the preservation of cultural heritage, traditions, and indigenous knowledge. By supporting cultural initiatives and respecting local customs, CSR contributes to the authenticity of tourism experiences and safeguards the cultural identity of host communities.

- Empowerment and Social Inclusion CSR initiatives often focus on empowering marginalized groups, such as women, indigenous communities, and disadvantaged individuals. By providing economic opportunities, promoting fair employment practices, and fostering social inclusion, CSR contributes to reducing poverty, inequality, and social exclusion within destinations.

Economic Impacts CSR initiatives in tourism also generate positive economic impacts for stakeholders and destinations. These impacts include:

- Enhanced Competitiveness and Market Positioning Tourism organizations that prioritize CSR gain a competitive advantage by differentiating themselves as responsible and sustainable operators. This can attract environmentally and socially conscious tourists, leading to increased market share and improved financial performance.

- Local Economic Development and Employment Generation CSR initiatives often emphasize supporting local businesses, sourcing products and services from local suppliers, and stimulating local economies. By investing in local supply chains and creating employment opportunities, CSR contributes to economic development and poverty reduction within tourism destinations.

Corporate Social Responsibility (CSR) has gained significant recognition in the tourism industry as a means to address the environmental, social, and economic impacts associated with tourism activities. However, implementing CSR initiatives in the tourism sector is not without challenges. This literature review aims to provide an in-depth exploration of the existing research on CSR and its challenges in the tourism industry. It examines the key challenges faced by organizations in implementing CSR practices, identifies the factors contributing to these challenges, and highlights potential strategies to overcome them. By synthesizing the findings from previous studies, this review contributes to a better understanding of the complexities surrounding CSR implementation in the tourism sector.

This comprehensive research article provides a wide-ranging examination of CSR in the tourism industry, covering motivations, strategies, challenges, and impacts. By exploring the multi-dimensional aspects of CSR, this study contributes to a deeper understanding of its significance in promoting sustainability, responsible practices, and positive social and environmental impacts in tourism. The insights and recommendations presented here can inform the development of effective CSR strategies, foster collaboration among stakeholders, and guide policymakers in creating supportive regulatory frameworks, ultimately ensuring the long-term viability and positive contributions of the tourism sector to society and the environment.

References

1. Achmad, W., & Yulianah, Y. (2022). Corporate social responsibility of the hospitality industry in realizing sustainable tourism development. *Enrichment: Journal of Management*, 12(2), 1610-1616.
2. Deng, F., & Zhou, C. (2022). Sustainable Development of Corporate Governance in the Hospitality and Tourism Industry: The Evolution and the Future. *Sustainability*, 14(7), 4286.
3. Lyssimachou, D., & Bilinski, P. (2022). Does corporate social responsibility affect the institutional ownership of firms in the hospitality and tourism industry?. *Tourism Economics*, 13548166211069899.

ESG-ТРАНСФОРМАЦИЯ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ

Назарбаев Рамазан Азатович

студент, Ташкентский государственный экономический университет

Научный руководитель: Батирбекова Аида Маккамовна

e-mail: aida_0686@mail.ru

Аннотация

Данная статья посвящена теме устойчивого развития на железнодорожном транспорте, которое является балансом между экономическим, социальным и экологическим развитием страны. Она подчеркивает, что для достижения устойчивого развития на железнодорожном транспорте необходим сбалансированный подход к экономическому росту отрасли, который учитывает экологические и социальные аспекты. Важным инструментом для достижения этой цели являются ESG-критерии (Environmental, Social and Governance), которые позволяют оценить, насколько железнодорожные компании учитывают экологические, социальные и управленческие аспекты в своей деятельности.

Ключевые слова: устойчивое развитие, ESG, железнодорожный транспорт, экологические критерии, биоразнообразие, социальные критерии, образование, культура управленческие критерии, инновация.

Устойчивое развитие является одной из наиболее актуальных тем в современном мире. Оно представляет собой баланс между экономическим, социальным и экологическим развитием, обеспечивая удовлетворение потребностей текущего поколения, не ущемляя возможности будущих поколений удовлетворять свои потребности. [1]

Одним из ключевых факторов устойчивого развития на железнодорожном транспорте является экономический рост отраслей экономики. Однако, экономический рост может приводить к негативным последствиям для окружающей среды и социальной справедливости. Поэтому, достижение устойчивого развития требует сбалансированного подхода к экономическому росту, учитывающего экологические и социальные аспекты.

И ключом для достижения желанных показателей на пути устойчивого развития являются ESG - Environmental, Social and Governance (Экологические, Социальные и Управленческие) критерии. ESG критерии позволяют оценить,

насколько компания учитывает экологические, социальные и управленческие аспекты в своей деятельности. Исследования показывают, что компании, которые учитывают ESG критерии, имеют более высокие финансовые показатели и более устойчивые бизнес-модели. [2]

Экологические критерии устойчивого развития могут включать следующие аспекты:

- сохранение природных ресурсов: это включает в себя использование ресурсов таким образом, чтобы они были доступны для будущих поколений. Это может означать сокращение использования не возобновляемых ресурсов, таких как нефть и газ, и использование возобновляемых ресурсов, таких как солнечная и ветровая энергия.

- сохранение биоразнообразия: это включает в себя сохранение разнообразия живых организмов и экосистем, которые обеспечивают экологическую стабильность. Это может означать защиту природных зон и заповедников, а также устранение угроз, которые могут повредить биоразнообразию, такие как загрязнение окружающей среды и изменение климата.

- снижение выбросов и загрязнения: это включает в себя снижение выбросов вредных веществ, которые могут повредить окружающую среду и здоровье людей. Это может означать использование более чистых технологий и материалов, а также уменьшение объемов отходов и их переработку.

- сохранение здоровья человека: это включает в себя защиту здоровья людей от воздействия окружающей среды. Это может означать улучшение качества воды и воздуха, а также защиту от опасных веществ, таких как радиация и токсичные вещества.

Социальные критерии устойчивого развития могут включать следующие аспекты:

- равенство и социальная справедливость: это включает в себя обеспечение равных возможностей и прав для всех членов общества. Это может означать борьбу с неравенством и дискриминацией, а также уважение прав меньшинств и защиту их интересов.

- здравоохранение и благосостояние: это включает в себя обеспечение доступа к качественной медицинской помощи и социальным услугам, таким как жилье, питание и образование. Это может означать развитие социальной инфраструктуры и систем социальной защиты.

- образование и культура: это включает в себя доступ к образованию и культурным ценностям. Это может означать развитие системы образования и культурных институтов, а также поддержку местных культурных традиций.

- трудовые отношения: это включает в себя обеспечение справедливых условий труда и защиты прав работников. Это может означать борьбу с детским трудом, защиту прав женщин и меньшинств, а также улучшение условий труда

- участие и управление: это включает в себя участие граждан в процессе принятия решений и управления обществом. Это может означать развитие демократических институтов и участие граждан в общественной жизни.

Управленческие критерии устойчивого развития — это набор методов и стратегий, которые позволяют организациям и государствам управлять своими ресурсами и процессами таким образом, чтобы обеспечить устойчивость их развития в долгосрочной перспективе.

Вот несколько управленческих критериев, которые могут способствовать устойчивому развитию:

- стратегическое планирование: организация должна иметь долгосрочную стратегию, которая определяет цели и задачи, необходимые для достижения устойчивого развития.

- управление рисками: организации должны уметь оценивать и управлять рисками, связанными с их деятельностью, включая экологические, социальные и экономические риски.

- принципы устойчивости: организации должны придерживаться принципов устойчивого развития, таких как бережное использование ресурсов, минимизация отходов и эффективное использование энергии.

- социальная ответственность: организации должны быть ответственными перед обществом и окружающей средой, в которой они действуют, и учитывать интересы всех заинтересованных сторон.

- инновации: организации должны поощрять инновации и развивать новые технологии, которые могут способствовать устойчивому развитию.

- управление качеством: организации должны стремиться к постоянному улучшению качества своей продукции или услуг, учитывая при этом потребности и ограничения окружающей среды.

2. *Daimler Group.* Global miqyosdagi avtomobil konserni sifatida Daimler ham katta ijtimoiy mas'uliyatga ega. Shuning uchun Daimlarning korporativ ijtimoiy mas'uliyat chora-tadbirlari juda murakkab va global ta'sirga ega deyish mumkin:

a) Xodimlarga nisbatan majburiyat va ixtiyoriy ishlar: “ProCent” tashabbus loyihasi orqali Daimler ham xodimlar tomonidan xayriya qilingan har bir sent uchun bir sent xayriya qiladi. Shunday qilib, “ProCent” bolalar ta'limini, sog'liqni saqlash

sohasidagi infratuzilmani hamda boshqa ijtimoiy loyihalarni (masalan, uysizlar uchun “GoBanyo” dush avtobusi loyihasi yoki G'arbiy Afrikadagi Silly hamjamiyatida kasbiy ta'lim uchun “FOCUS” loyihasi) qo'llab-quvvatlaydi. Shuningdek, “Day of Caring” (G'amxo'rlik kuni) va “auf Augenhöhe” xayriya kampaniyasi kabi boshqa ijtimoiy loyihalar ham Daimler tomonidan qo'llab-quvvatlanadi.

b) Global tarzda: Bundan tashqari, Daimler butun dunyo bo'ylab yordam loyihalarini ishga tushirgan va yoki shunga o'xshash loyihalarni xayriya orqali qo'llab-quvvatlaydi. Bunga misol qilib, Kongodagi oilalar mustaqilligi uchun “Bon Pasteur” notijorat tashkilotini keltirish mumkin.

Shu o'rinda korporativ ijtimoiy mas'uliyatning afzalliklari va kamchiliklari haqida ham to'xtalib o'tishim joizdir. Tabiiyki, har bir kompaniya korporativ ijtimoiy mas'uliyatga turlicha yondashadi va buning natijasida ba'zi kamchiliklar ham kelib chiqishi mumkin. Hozirgi kunda kompaniyalar o'z jamiyatining farovon kelajagiga hech qanday hissa qo'shmasligi deyarli imkonsiz. Shuning uchun har bir kompaniya individual afzalliklar va kamchiliklarni bir-biriga bog'lab, qaysi chora-tadbirlar o'zi uchun eng ahamiyatli ekanligini baholay olishi kerak.

Korporativ ijtimoiy mas'uliyatning afzalliklari sifatida brend imijining yaxshilanishi, mijozlarning uzoq muddatga qolishi, yuqori savdo hajmi, mamnun xodimlar, samarali kadrlar siyosati, investorlarning oson jalb qilinishi hamda yuqori rentabellik kabi elementlarni keltirish mumkin bo'lsa, kamchiliklari sifatida esa ba'zi paytdagi yuqori xarajatlar (masalan, malaka oshirish va treninglar uchun), maqsadlarga ba'zan erishib bo'lmasligi (bu esa demotivatsiyaga olib kelishi mumkin), ijtimoiy loyihalar uchun xarajatlarning oshishi, ba'zan xodimlarni asosiy vazifalaridan chalg'itishi kabi holatlarni sanab o'tish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, korporativ ijtimoiy mas'uliyatning asosiy maqsadi iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik manfaatlarni uyg'unlashtirishga qaratilgan barqaror biznes amaliyotini yaratishdir.

Rivojlanayotgan davlat sifatida O'zbekiston ham korporativ ijtimoiy mas'uliyat bo'yicha sa'y-harakatlarini kuchaytirishi kerak deb hisoblaymiz. Korporativ ijtimoiy mas'uliyat siyosati va dasturlarini rivojlantirish mamlakatimizdagi ijtimoiy, iqtisodiy va ekologik sharoitlarni yaxshilash bilan bir qatorda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga yordam beradi.

Biroq, O'zbekistonda korporativ ijtimoiy mas'uliyatni rivojlantirishda ba'zi to'siqlar mavjud. Masalan, mehnat va inson huquqlarini hurmat qilish, ekologik ma'uliyatni oshirish va kompaniya tomonidan korporativ ijtimoiy mas'uliyat strategiyasini yuritish nuqtai nazaridan hali ko'p muammolar mavjud. O'zbekistondagi yana bir asosiy muammo bu korporativ ijtimoiy mas'uliyat boshqaruvi uchun institutsional asosning yo'qligidir.

O'zbekistonda korporativ ijtimoiy mas'uliyat mexanizmlarini samarali amalga oshirish uchun kompaniyalar, davlat organlari va nodavlat notijorat tashkilotlarining yaqin hamkorlikda ishlashi muhim ahamiyatga ega. O'zbekiston hukumati kompaniyalar uchun korporativ ijtimoiy mas'uliyat monitoringini tizimlashtirishni joriy etishi kerak. Bunda kompaniyalar tomonidan korporativ ijtimoiy mas'uliyat ko'rsatmalariga rioya etilishini ta'minlovchi nazorat organlari hamda monitoring mexanizmlarini joriy etish ham muhim rol o'ynaydi.

Natijada O‘zbekistonda korporativ ijtimoiy mas’uliyatning samarali amaliyotini joriy etish orqali iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va mustahkamlanishiga erishish mumkin. Korporativ ijtimoiy mas’uliyat tashabbuslari mahalliy korxonalarni ishlab chiqarish va sotishda qo‘llab-quvvatlashga, atrof-muhit sharoitlarini yaxshilashga va ijtimoiy imtiyozlar yaratishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1]. European Confederation of Directors’ Associations. “A Guide to Corporate Governance Practices in the European Union”. Elektron manba: (www.ifc.org)

[2]. “Was bedeutet Corporate Social Responsibility?”
<https://factorialhr.de/blog/csr/#:~:text=Der%20Begriff%20umfasst%20s%C3%A4mtliche%20soziale,auch%20die%20Unternehmensf%C3%BChrung%20mit%20ein>

[3]. “Corporate Social Responsibility (CSR): Maßnahmen & Beispiele”.
<https://blog.hubspot.de/sales/corporate-social-responsibility#:~:text=CSR%2DMA%C3%9Fnahmen%20f%C3%BCr%20die%20Umwelt&text=Nutzung%20erneuerbarer%20Energien,Kurze%20Transportwege%20und%20Lieferketten>

[4]. Bolshakov S. N. Corporate Governance and Social Responsibility in Europe // Corporate governance and innovative economic development of the North: Bulletin of the Research Center of Corporate Law, Management and Venture Capital of Syktyvkar State University. 2018. №1. P. 90-99.

[5]. Z.A. Ashurov “Korporativ ijtimoiy ma’suliyat”. – T.: Innovatsion rivojlanish nashriot-matbaa uyi, 2022. –164 s

[6]. Ziwei Zhang, Hu Fu, Shiqi Xie, Javier Cifuentes-Faura, Urinov Bobur Nasilloevich, Role of green finance and regional environmental efficiency in China, Renewable Energy, 2023, ISSN 0960-1481, <https://doi.org/10.1016/j.renene.2023.05.076>.

ВНЕДРЕНИЕ ПРИНЦИПОВ ESG НА СТРОИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Сайфуллаева Мадина Исматовна

докторант Ташкентского государственного экономического университета

madina.sayfullaeva@gmail.com

Аннотация

Статья освещает сущность и основные принципы действия принципов ESG, данные критерии (environmental, social and governance) стали важными инструментами для улучшения экологических и социальных условий и повышения устойчивости предприятий. Особо уделяется внимание применению принципов ESG в строительстве, которое имеет значительный эффект для компаний и всего общества.

Ключевые слова. Принципы ESG, строительство, экологические условия, социальных условий, корпоративная ответственность.

Современное общество сталкивается с серьезными экологическими проблемами, которые становятся все более острой. Рост населения, изменения климата, опустынивание, загрязнение воды и воздуха и другие экологические проблемы ставят под угрозу жизненно необходимую инфраструктуру и экономическое развитие.

Критерии ESG (environmental, social and governance) стали важными инструментами для улучшения экологических и социальных условий и повышения устойчивости предприятий. В последнее время в сфере строительства также все большее внимание уделяется применению принципов ESG, чтобы сократить негативное воздействие строительных работ на окружающую среду и обеспечить устойчивое развитие строительной сферы в целом.

ESG – это совокупность характеристик управления компанией, при котором достигается вовлечение данной компании в решение социальных проблем, включая проблемы реализации «зеленой экономики», проблемы снижения социального неравенства, непрозрачности бизнеса, низкой социальной ответственности.



Рисунок 1. Взаимосвязь факторов ESG.

Критерии ESG включают в себя следующие характеристики:

1. Экологические критерии ESG

Одной из главных задач строительной компании в настоящее время является сокращение экологического следа от строительных работ. Не выбирая подход к строительству, любая строительная компания должна являться ответственным игроком на рынке, включая экологически чистые материалы при строительстве зданий и инфраструктуры, а также рациональное использование энергии.

Если взглянуть на всех игроков, вовлеченных в строительные работы - от развития проекта до строительства и эксплуатации, компаниям необходимо экологически сфокусироваться на использовании водных и энергетических ресурсов, материалов и процессов, которые не вызывают загрязнения окружающей среды и не влияют на здоровье человека.

Определение наиболее уязвимых экосистем, расположенных рядом с местом строительства, является первым шагом обеспечения экологической безопасности. Далее необходимо разработать стратегию рационального использования ресурсов и управления отходами, проанализировать возможности для генерации чистой энергии.

2. Социальные критерии ESG

Как часть общества, строительные компании должны быть ответственными за социальное благосостояние. Обеспечение безопасности работников и местных жителей, а также фокус на устойчивых результатах, является основной задачей ответственных компаний.

Строительная компания также должна демонстрировать честность и справедливость в своих деловых практиках, чтобы конкурировать на рынке. В частности, компания должна соблюдать правила и договоренности о труде, защищать права и привлекать представителей местного сообщества. Для этих целей могут быть проведены программы социальной ответственности.

Кроме того, многие компании сейчас ориентированы на соответствие международным стандартам управления, чтобы гарантировать социальное и экологическое развитие предприятия.

3. Корпоративные критерии ESG

Такие программы довольно сложны в реализации и адаптированные к местным условиям. Однако запуск корпоративной программы социальной ответственности подразумевает, что компания обладает ясными целями и описывает основные направления деятельности. В результате компания сможет доказать свою ответственность по отношению к долгосрочному успеху истории.

К середине 2019 года в мире количество компаний, придерживающихся указанных ESG-принципов, в 50 с лишним странах достигло 2 5001.

Таблица 1.

Критерии входящие в структуру ESG

Критерии ESG		
Экологические критерии ESG	Социальные критерии ESG	Корпоративные критерии ESG
<ul style="list-style-type: none"> - оценку экологической политики компании; - влияния деятельности компании на атмосферу; - влияние на водную среду; - влияние на почву; 	<ul style="list-style-type: none"> - оценку политики компании в области корпоративной социальной ответственности; - оплату труда сотрудников; 	<ul style="list-style-type: none"> - оценку деловой репутации, - стратегию развития, - эффективность Совета директоров, - деятельность исполнительных органов,

<ul style="list-style-type: none"> - обращение с утилизацией отходов; - использование компанией в своем управлении показателей, для оценки влияния деятельности компании на окружающую среду; - наличие в компании плана по снижению негативного влияния на окружающую среду; - наличие «зеленых проектов» в кредитном портфеле (рейтинга деятельности банков). 	<ul style="list-style-type: none"> - социальную защищенность и профессиональное развитие сотрудников; - текучесть кадров; - охрану труда и производственную безопасность; - работу с клиентами; - наличие плана по улучшению социально значимых показателей. 	<ul style="list-style-type: none"> - наличие системы управления рисками, - степень прозрачности (прозрачности) информации, - защиту прав собственников.
---	---	--

Применение принципов ESG в строительстве имеет значительное количество преимуществ для компаний и всего общества. Ожидаемые положительные результаты от применения критериев ESG в строительстве:

1. Сокращение экологического следа строительства и повышение использования возобновляемых источников энергии:

- Оптимизация правил планирования и строительства должна являться частью финансовых договоренностей;

- Дальнейшее сокращение экологического следа строительства и использование чистых энергоресурсов более приоритетно при финансовой поддержке строительства. Такой подход повышает ответственность за окружающую среду и улучшает экологический статус городов и деревень в целом;

- Снижение рисков для здоровья людей;

- При строительстве зданий и инфраструктуры здоровье людей также должно признаваться важным фактором. Внедрение мероприятий по предотвращению загрязнения воздуха, воды и других видов окружающей среды избавляет от здоровья и жизни в связи с опасностью контакта с загрязненными веществами.

2. Улучшение социальной результативности:

- Социальные принципы ESG могут помочь компаниям удерживать таланты, усиливать бренд и повышать имидж. Дадим немного примеры: компания исправно выплачивает должные зарплаты вовремя, а также гарантирует социальную поддержку - в этом случае работник мучительно ищет другие ответственные вакансии.

- Компании также могут использовать данные критерии для своего благополучия, что обеспечивает компетентную конкуренцию в конкурентной среде. Оценка социальных, экологических и корпоративных мероприятий в

рамках ESG может помочь компаниям выявить уязвимые места и разработать стратегию развития.

3. Организация лучших отношений к инвесторам

Наконец, применение критериев ESG может помочь компаниям лучше построить отношения с инвесторами и завоевать доверие новых инвесторов. Компания, которая ясно показывает, что следует ESG критериям, будет привлекать больше инвестиций, чтобы расти при сохранении устойчивого благосостояния.

Таким образом, автор делает вывод, что ESG критерии могут помочь строительным компаниям внедрить практики, направленные на увеличение экономического и экологического благосостояния. Это может оказаться длинным процессом, но в конечном итоге приведет к устойчивому и устойчивому развитию строительной сферы в стране. Ответственность за экологическую и социальную природу нашей деятельности лежит на нас всех, и только соответствующее применение стандартов ESG может гарантировать преодоление глобальных экологических вызовов.

Список использованной литературы

1. Что такое ESG, и почему это актуально для вашего бизнеса / Calltouch Blog // [электронный ресурс] — <https://blog.calltouch.ru/chto-takoe-esg-i-pochemu-eto-aktualno-dlya-vashego-biznesa/>
2. Report «ESG and corporate financial effectiveness: Display of a picture of the world» [Electronic resource]. — Mode of access : https://institutional.dws.com/content/_media/K15090 .
3. Хаирова Д. Р., Сайфуллаева М. И. Оценка экспортного потенциала цементной промышленности Узбекистана //Иновационная экономика. – 2014. – С. 206-208.
4. Rimovna K. D., Ismatovna S. M. INNOVATIVE MARKETING SOLUTIONS AND THEIR EFFICIENCY IN DETERMINING THE MARKET CAPACITY OF CONSTRUCTION PRODUCTS //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2022. – Т. 1. – №. 25.10. – С. 52-57.
5. Хаирова Динара Римовна, Сайфуллаева Мадина Исмаатовна ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ЦЕМЕНТНОЙ ИНДУСТРИИ В УЗБЕКИСТАНЕ // Бюллетень науки и практики. 2021. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tendentsii-razvitiya-tsementnoy-industrii-v-uzbekistane> (дата обращения: 09.03.2023).
6. Сайфуллаева, М., & Хаирова, Д. (2023). КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ В СТРОИТЕЛЬНОЙ ИНДУСТРИИ: ТЕНДЕНЦИИ, ПРОБЛЕМЫ И ОСОБЕННОСТИ. *Economics and Education*, 24(2), 115–120. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a18

КОРПОРАТИВНАЯ СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ КАК ОПОРА РАЗВИТИЯ КОРПОРАТИВНЫХ СТРУКТУР В УСЛОВИЯХ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

Рахмедова Мадинахон Нусрат кизи

Р

финансы и ценные бумаги»

Ташкентского финансового института

и о доцент кафедры «Корпоративные

Президентом Шавкатом Мирзиёевым на торжественной церемонии, посвященной 29-й годовщине независимости Республики Узбекистан было сказано следующее: «...Сегодня, когда в полную силу реализуется мощный потенциал нашего народа, в Узбекистане закладывается фундамент новой эпохи Возрождения - третьего Ренессанса. Ведь сегодняшний Узбекистан - это не

в
ч
е
р
а
ш
н
и
й
у
з
б
е

к В нашей стране хорошо развиваются такие направления как и «Корпоративное управление» и «Корпоративное право» в деятельности акционерных обществах. Но, такое направление как «Корпоративная социальная ответственность» начала внедряться в деятельность отечественного бизнеса относительно недавно. Из этого следует, что данная направленность окажет положительное влияние в эффективности работы корпоративных структур нашей страны.

н Основоположником теории КСО считается профессор Иллинойского университета США Говард Боуэн. В 1953 году он опубликовал монографию и «Социальная ответственность бизнесмена», в которой определил корпоративную социальную ответственность как «обязательства бизнесменов проводить такую политику, чтобы ее выполнение было направлено на деятельность, желательную с точки зрения целей и ценностей всего общества».

о Сегодня ключевые принципы КСО принято включать в концепцию устойчивого развития компаний — сбалансированного развития одновременно в трех аспектах: экологическом, социальном и корпоративном (ESG —

ж

е

⁴⁷ <https://president.uz/ru/lists/view/5696>

⁴⁸ <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

е

т

о

т

Современный прогрессивный бизнес отражает три основные характеристики (E, S, G), которые определяют экологическую/социальную политику и корпоративное управление компании. Их используют, чтобы повысить лояльность общества, улучшить расположение к бренду.

Концепция устойчивого развития ESG включает три стандарта:



Р

На основе отчетов крупных международных компаний с 2014 года формируются и ежегодные ESG-индексы «Ответственность и открытость» и «Вектор устойчивого развития». Для составления первого анализируется нефинансовая отчетность компаний, для второго — рассчитываются 12 показателей: производительность труда, безопасность, оплата труда и социальная поддержка персонала, текучесть кадров, обучение персонала, выбросы в атмосферу, энергопотребление и энергоэффективность, водопотребление и сбросы в водные источники, обращение с отходами, социальные инвестиции, вовлеченность высшего руководства в управление в области устойчивого развития, целенаправленность деятельности в этой области.

Для полноценного развития этой области важны заинтересованность инвесторов в компаниях с сильным ESG-профилем, развитие модели ответственного потребления, экономия на операционных издержках, привлечение талантливых сотрудников, возможность участия в производственно-сбытовой цепочке крупных компаний. В то же время барьерами служат ограниченность финансовых ресурсов, дефицит человеческого потенциала, необязательность прохождения ESG-сертификации, отсутствие единообразия в подходах к ESG, неочевидность возврата финансовых вложений в ESG.

о

А также, с учетом имеющихся практик для активного масштабирования не хватает партнерских проектов. Совместная реализация проектов в городах и регионах, когда объединяются компании, находящиеся на разной стадии корпоративной зрелости, позволит не только расширить имеющиеся практики, но и создавать новые программы по всем принципам разнообразия и инклюзии.

н

ы

⁴⁹ Рисунок подготовлен автором с использованием экономической литературы.

Тенденция к социальной ориентированности, экологичности и прозрачности корпоративного управления становится руководством к действию. Компании, которые используют инструменты устойчивого развития, смогут легко адаптироваться к экономике будущего. ESG охватывает глобальный интерес мирового сообщества к развитию социальных решений и усилению мер по защите окружающей среды. Изменения затрагивают политику каждого государства, компаний, которые хотят соответствовать новым стандартам. Потребители, партнеры, акционеры отдают предпочтение брендам с высоким уровнем социальной, экологической и финансовой ответственности. Использование ESG дает дополнительное конкурентное преимущество, обеспечивает устойчивое развитие бизнеса и доверие общества к бренду.

V-SHU'BA.

“INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM” YILIDA MAMLAKATNI RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY – IJTIMOIIY MASALALARI

“INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM” YILIDA MAMLAKAT TARAQQIYOTINING IQTISODIY VA IJTIMOIIY MASALALARI

*To'raboyev Islomjon Ilhomjon o'g'li,
Zokirov Farrux Furqatjon o'g'li
Andijon davlat universiteti talabalari
toraboyevi0@gmail.com
farruxzokirovfz21@gmail.com*

Annotatsiya

Yurtimizda hozirgi paytda inson qadri qadirlanmoqda, shuningdek ta'lim sifatini oshirish uchun ko'p ishlar amalga oshirilmoqda. Ko'plab imkoniyatlar yaratilmoqda, mamlakatimizda ta'lim va tarbiyani yetarli darajada yetkazish yoshlarga bilim ko'nikmalardan iboratdir.

Kalit so'zlar: Ta'lim, odob-axloq, tabiya, inson qadri, yoshlar, insonga e'tibor

Avvalambor mamlakatimizda 2023-yil “Insonga e'tibor –sifatli ta'lim” deb prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan e'lon qilindi. Va shu yerda bir fikr yangraydi: Shu yurtda yashayotgan har bir insonning tinch va baxtli hayot kechirishi, uning sog'lig'i joyida bo'lishi, yaxshi ta'lim olishi, oilasini tebratishi uchun qanday sharoit kerak bo'lsa, hammasini yaratib berishga harakat qilyapmiz va bu yo'ldan aslo to'xtamaymiz.

Ta'lim sifatini oshirish – Yangi O'zbekiston taraqqiyotining yakkayu yagona to'g'ri yo'lidir.

Ko'rib turibmizki hozirgi paytda mamlakatimizda inson qadri ulug'lanib kelmoqda va butun dunyoni o'ziga qaratmoqda. Shundan kelib chiqadigon bo'lsak yurtimizdagi bu o'zgarish va islohatlar natijasini berib kelmoqda. Oldingi davrlardan o'laroq hozirgi davrda hamma narsa inson qadri uchun amalga oshirilmoqda. Yurtimizda insonga e'tibor va sifatli ta'lim sohasidagi muammolarga o'zimzning fikrlarni bildirib o'tsak.

Insonlarga qaratilayotgan e'tibor ularning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga olib keladi. Prezidentimizning ijtimoiy sohani rivojlantirish uchun 2023-yildagi dasturida 2024 yil 1 yanvardan boshlab pensionerga hisoblangan, lekin o'z vaqtida olinmagan pensiyani to'lash muddati 12 oydan 24 oyga uzaytiriladi.⁵⁰

⁵⁰ <https://review.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>

2023 yil 1 apreldan boshlab nogironlik idoralararo elektron ma'lumotlar almashinuvi asosida nogironlik belgilari aniq ko'rinib turgan, anatomik nuqsonlari bo'lgan, shuningdek, noxush klinik prognozga ega kasalliklar va asoratlarda fuqarolarning ishtirokisiz belgilanadi.

“Yangi O‘zbekiston” massivlarini rivojlantirish va aholining uy-joyga bo‘lgan talabini qondirish maqsadida 2023 yilda “Yangi O‘zbekiston” massivlari va 161 ta boshqa massivlarda yangi uy-joylar qurishning hajmlarini 1,6 baravarga oshirish nazarda tutilmoqda.

Tashabbusli byudjet amaliyotini hamda mahallalarning moliyaviy mustaqilligini kengaytirish maqsadida:

- 2023 yilda jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish uchun Davlat byudjetidan 8 trln so‘m, shundan “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari uchun 4 trln so‘m yo‘naltiriladi;
- 2023 yilda mahallalar infratuzilmasini rivojlantirish bo‘yicha loyihalar dasturlari doirasida amalga oshiriladigan tadbirlarni moliyalashtirish uchun Davlat byudjetidan 4 trln so‘m ajratiladi.

Ko‘rib turibmizki qilinayotgan ishlarni salmog‘i yo‘q. Bizning fikrimizcha insonga e‘tibor har doim shu masalalar bilan o‘rinlidir. Insonga e‘tibor, insonning qizqishlari, o‘zaro munosabatlari va ijtimoiy ahamiyati bilan bog‘liqdir. Bu insonning o‘ziga, oilasiga, do‘stlariga va jamoatga qulaylik ko‘rsatishga va ularning rivojlanishiga olib keladi.

Shu bilan teng ravishda sifatli ta‘limni ijtimoiy-iqtisodiy taraflarini dasturda ko‘rsak: Ta‘lim sifatini oshirish, sohani ilg‘or xorijiy tajriba asosida isloh qilish maqsadida:

- 2023 yil 1 sentyabrdan boshlab har bir tuman (shahar)ning bittadan umumiy o‘rta ta‘lim muassasasida o‘quvchilarni ikkita xorijiy til va bitta kasb-hunarga o‘rgatish amaliyoti bosqichma-bosqich yo‘lga qo‘yiladi;
- 2023/2024 o‘quv yilidan boshlab quyidagilar amaliyotga kiritiladi:
 - umumiy o‘rta ta‘lim muassasalarining 1-4-sinflarida o‘quvchilarni ilg‘or xorijiy tajriba asosida ishlab chiqilgan darsliklar bo‘yicha o‘qitish;
 - 5-9-sinflarda o‘quvchilarga umumta‘lim fanlaridan tayanch bilimlar berish;
 - 10-11-sinf o‘quvchilarining qiziqish va qobiliyatiga mos bo‘lgan ixtisoslashgan dasturlar asosida bilim berish.

2023/2024 o‘quv yilidan boshlab respublikaning barcha viloyatlari va Toshkent shahrida boshlang‘ich sinf o‘quvchilari bepul ovqat bilan ta‘minlanadi.

2023/2024 o‘quv yilidan boshlab davlat grantlari kollej va texnikumlarning dual ta‘lim shakli bo‘yicha ham ajratiladi.⁵¹

Yana bir masala, o‘qituvchilarni yurtimizdagi qadrini qanchalik yuksaltirsak shunchalik kelajak avlod bilimli va o‘z ishini usatasi bo‘ladi.

Bunda ham e‘tibor beradigan bo‘lsak ta‘limni rivojlantirish bu kelajakni ta‘minlash bilan barobar hisoblandadi. Ta‘lim zo‘r bo‘lsa millatning kelajagi yorqin ravishda bo‘ladi deb hisoblaymiz.

⁵¹ https://uza.uz/uz/posts/2022-2026-yillarga-molzhallangan-yangi-ozbekistonning-taraqkiyot-strategiyasini-insonga-etibor-va-sifatli-talim-yilida-amalga-oshirishga-oid-davlat-dasturi-togrisida_458521

Ta'lim sohasiga ham o'zimizning kuzatishlarimiz natijasida ko'plab qarashlarga ega bo'ldik.

1. O'qish va o'rganish: Boshlang'ich sifatini oshirish uchun, ilmiy kitoblar yoki onlayn ma'lumotlar o'qib tushuntirish kerak. Bu, ta'limning yaxshi bir qismidir.

2. Amaliy mashg'ulotlar: Sifatni oshirish uchun amaliy mashg'ulotlarni bajarish kerak, bu kabi yo'llar orqali o'zini sinab ko'rishingiz mumkin.

3. Tashqi intizom: Ta'lim sifatini oshirish uchun tashqi intizomning muhim ahamiyati bor. Bu, shaxsiy tarzda qabul qiluvchi tomonidan kuzatuvchi yoki mentorlikni olishni tashkillashtirishi mumkin.

4. Ozoddan ko'ra ustoz bilan ishlash: Sifatni oshirish uchun bir ozodlik holatida ishlash muhimdir, shuningdek ustoz bilan ham ishlash kerak.

5. Izohlash: Ta'lim sifatini oshirishda boshqa odamlarning fikrlari va mulohazalari juda muhimdir. Izohlash orqali yangi fikrlar va yondashuvlar topilishi mumkin.

6. Mustaqil ish: Mustaqil ish yaxshi ta'lim tizimining asosiy qismidir. Bu sizga endi nima bilasiz, nima bilmasangiz ham mustaqil ish orqali o'rganganingizni sinab ko'rishga imkon beradi.

7. Sabr va istiqomatlilik: Ta'lim sifatini oshirish uzluksiz sabr va istiqomatlilik talab qiladi. Yangi narsalarni o'rganishda xatoga tushish va qayta urinish kerak boladi, shuning uchun sabrli va istiqomatli bo'lish kerak.

8. Ta'limga muhtojlikni tanishish: Sifatni oshirish uchun ta'limga muhtojlikni tanishingiz kerak. Bu sizga nima bilasiz, nima bilmasangiz ham mustaqil ish orqali o'rganganingizni sinab ko'rishga imkon beradi.

9. Maqsadlarga erishish: Ta'limga muhtojlikni aniqlashdan so'ng, maqsadlarga erishish uchun bir rejalashtiruvchi yo'l belgilashingiz kerak. Bu sizning ta'lim jarayonida qaysi bosqichda ekanligingiz haqida tushuntirishi mumkin.

Shu maqsadlar bilan ta'limni olib boradigon bo'lsak ta'lim sifatimiz yanada oshisshi mumkin.

Mamlakatimizda yangi davr boshlanmoqda buni har bir fuqaro his qilishi lozim. Bizning maqsadimiz yurtimizda bo'layotgan islohatlarni insonlarni ongiga singdirib ularga o'z huquq-erkinliklari, ularga qilinayotgan e'tibor tushunchalarini yetkazib berishdan iboratdir.

Hurmatli ustozlar, har bir erishilayotgan natija ostida ustozlar turadi. Yurtimizda o'qituvchilarni qadri baland bo'lasa ta'lim sifati bundanda yuqori bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. <https://president.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти

2. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchilari uchun uslubiy qo'llanma.: qo'llanma / S.Xafizov, T.Arslonov, Sh.Jumanov, A.Halimov, B.Aminov, M.Zohidova. – Toshkent: Zarvaraq nashriyoti. 2022

3. https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/insonga_etibor_va_sifatli_talim_yilida_nimalar_belgilangan

4. <https://review.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>

“INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM” YILIDA INVESTITSİYALARNI JALB ETISH JOZIBADORLIGI

Bauyetdinov Majit Janizaqovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Moliya kafedrası dotsenti, iqtisod fanlari bo'yicha filozofiya doktori (Phd),

Djumaniyazov Ubbiniyaz Ismayl uli

Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar institute tayanch

doktoranti

ubbiniyaz@mail.ru

Annotatsiya

Ushbu tezisda joriy yilda investitsiyalarni jalb etish jozibadorligi hamda dolzarb vazifalar qayd etilgan.

Kalit so'zlar: investitsiya, qishloq xo'jaligi investitsiyalar, suv resurslari, forum

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 28-fevraldagi PF-27-sonli 2022-2026 yillarda mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida farmoni qabul qilingan. Mazkur dasturning 26 maqsadida: Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSH dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralarni ko'rish to'g'risida aks etgan.

Davlat dasturining 72-bandida Davlat organlari va investorlar o'rtasida tuzilgan investitsiya shartnomalaridagi investitsiya majburiyatlarini elektron tarzda ro'yxatga olish tizimini ishlab chiqish.

73-bandta Respublikaning sanoat va ishlab chiqarish salohiyatini oshirish, iqtisodiyot tarmoqlariga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni kengaytirish orqali hududlarda yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish ifoda etilgan. Amalga oshirish mexanizmi sifatida 11 mlrd dollarlik xorijiy investitsiya o'zlashtirilishi buning evaziga 304 ta yirik ishlab chiqarish obyektlari va quvvatlarini ishga tushirish orqali 48,7 mingta yangi ish o'rinlarini tashkil etish ko'zda tutilgan.

74-bandida hududlarning investitsiya jozibadorligi har tomonlama baholash va hududlar o'rtasida investitsiyalarni jalb etishda sog'lom raqobatni shakllantirish uchun investitsiya standarti tizimi va investitsiya muhiti reytingini amaliyotga joriy etish hamda Toshkent shahrida II Toshkent xalqaro investitsiya Forumini o'tkazish belgilangan.[1]

Prezident Shavkat Mirziyoyev 27 fevral investitsiyalarni jalb qilish va sanoatni rivojlantirish masalalari yuzasidan yig'ilish o'tkazildi.

So'nggi yillarda barcha tarmoqlardagi dasturlarga 31 milliard dollarlik to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar jalb qilindi. Natijada o'tgan 5 yilda sanoat 1,4 barobar, eksport 1,5 barobarga oshdi.

Kelgusi 5 yilda iqtisodiyot barqaror o‘sishi uchun sanoatni yana 1,5 barobarga oshirish, eksportni 30 milliard dollarga yetkazish maqsad qilib qo‘yilgan. Buning uchun 120 milliard dollar sarmoya, jumladan, 70 milliard dollar xorijiy investitsiya zarur.

Yig‘ilishda jahon moliya bozorlaridagi vaziyatdan kelib chiqib, soha oldidagi muhim vazifalar ko‘rsatib o‘tildi.

Joriy yilda 11 milliard dollarlik to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni o‘zlashtirish, yirik investorlar bilan manzilli ishlash bo‘yicha vazifalar belgilandi. Investitsiyalarni jalb qilishda iqtisodiy diplomatiyani va chet eldagi diplomatik vakolatxonalar ishtirokini kuchaytirish muhimligi qayd etildi.

Yil yakunigacha 304 ta yirik va 3 mingta hududiy loyiha ishga tushirilishi rejalashtirilgan. Ularning natijasida qo‘shimcha 10 trillion so‘mlik mahsulotlar ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yiladi.[2]

Barchangizga ma‘lumki joriy yilning 27-28 aprelida II Toshkent xalqaro investitsiya forumi bo‘lib o‘tdi. Forum doirasida “Suv resurslarini kompleks boshqarish: qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirish, Markaziy Osiyoda oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash” mavzuida panel munozarasi o‘tkazildi.

Mutaxassislarining fikricha, 2040-2050 yillarga kelib suv resurslariga talab ortib borishi jahon iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarga olib kelishi muqarrar. Jahon meteorologiya tashkiloti hisobotiga ko‘ra, 2050 yilga borib Yer yuzida 5 milliarddan ortiq odam u yoki bu darajada suv tanqisligini boshdan kechiradi. Panel sessiya ishtirokchilari suv tanqisligi qishloq xo‘jaligi va umuman iqtisodiyotni rivojlantirish uchun jiddiy muammoga aylanishi mumkinligini ta‘kidladilar.

Ekspertlar Markaziy Osiyoda qishloq xo‘jaligining barqaror rivojlanishi va oziq-ovqat xavfsizligi uchun suv resurslarini kompleks boshqarishning ahamiyatini muhokama qildilar. Shuningdek, suv resurslarini kompleks boshqarish mexanizmlarini samarali joriy etish bo‘yicha ko‘riladigan chora-tadbirlar ham muhokama qilindi.

O‘zbekiston suv xo‘jaligi vaziri o‘rinbosari Azimjon Nazarov suv resurslarining 80 foizi boshqa mamlakatlardan oqib kelishi, atigi 20 foizi mamlakatimizda hosil bo‘lishini ta‘kidladi. Bundan 30-40 yil avval yaratilgan infratuzilma esa jiddiy modernizatsiyani talab qiladi. Suv resurslari bilan ta‘minlanishning kamayishi, yangi obyektlar sonining ko‘payishi natijasida aholi soni o‘sib bormoqda, bu esa suv resurslarining yangi miqdori va sifatini talab qiladi. Bizning hisob-kitoblarga ko‘ra, 2030 yilga borib bizga 7 milliard kub metr suv yetishmaydi. Suvdan oqilona foydalanish zarur.

Boston Consulting Group boshqaruvchi direktori va hamkori Igor Alekseev buni quyidagi takliflar bilan tasdiqlaydi:

“Agar O‘zbekistonda suvni tejash bo‘yicha barcha tashabbuslarni to‘plash, taxminan 19 milliard dollar sarmoya talab etiladi. Shundan 4 mlrd. nasos stansiyalari va 6 mlrd.ga yaqini xo‘jalik subyektlariga suv tejovchi texnologiyalarni joriy etish uchun subsidiyalar uchun ketadi. Moliya vazirligi va Suv xo‘jaligi vazirliklari bilan birgalikda ushbu kanallar funksiyasini baholagan holda kanallar tizimining modelini ishlab chiqdik. Eng muhimi esa - ma‘lum bir hududda suvni iqtisodiy ta‘minlash tizimini ishlab chiqish.

Respublika hududlarida suv resurslarining qo'shimcha hajmlarini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar ustuvor bo'lishi kerak. Bular yangi to'g'onlar va yangi suv omborlari.

Panel sessiya ishtirokchilari bunday mexanizmlarni amalga oshirish uchun to'g'ri huquqiy va institutsional shart-sharoitlar yaratish muhimligini ta'kidladilar. Tadbirda qishloq xo'jaligining barqaror rivojlanishini ta'minlaydigan chora-tadbirlar ham muhokama qilindi. Mutaxassislar suv resurslaridan foydalanishni yaxshilash, qishloq xo'jaligida suvdan foydalanish texnologiyalari va usullarini takomillashtirish zarurligini ta'kidladilar.

Panel sessiya forumning muhim qismiga, ekspertlar va Markaziy Osiyoda suv resurslarini boshqarish bilan shug'ullanuvchi davlat organlari vakillari o'rtasida tajriba va bilim almashish uchun ajoyib platformaga aylandi. Tadbir viloyatda agrar tarmoqni barqaror rivojlantirish va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga xizmat qiladigan yangi g'oya va tavsiyalar ishlab chiqish imkonini berdi.

Shuningdek forum doirasida "Qishloq xo'jaligi uchun sifatli investitsiyalar" mavzusida davra suhbatlari zarur ko'rsatmalar, takliflar va fikr-mulohazalarga boy bo'ldi.

Zamonaviy qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish jarayoniga innovatsion texnologiyalarini keng joriy etishni taqozo etmoqda. Shu bois mamlakatlar ilmiy-texnikaviy taraqqiyotga, ishlab chiqarish quvvatlarini modernizatsiya qilishga va kadrlar tayyorlashga katta miqdorda investitsiya jalb etmoqda. Mazkur sohaga yo'naltirilayotgan investitsiyalar qishloq aholisining turmush darajasini oshirish, yangi ish o'rinlari yaratish va qishloqda ekologik vaziyatni yaxshilashga qaratilgan. O'zbekiston qishloq xo'jaligi yerlaridan imkon qadar samarali foydalanish uchun qanday choralar ko'rishi kerak? Mazkur davrada mana shu masalalar muhokama qilindi.

– So'nggi yillarda O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasida katta o'zgarishlar yuz berdi, – deydi Aziz Voitov. – Xususan, 2 yilda 4000 dan ortiq tadbirkorlarga 200 ming gektar yerlar bo'lib berildi, kichik fermerlarni qo'llab-quvvatlash maqsadida 30 turdan ortiq subsidiyalar ajratildi. Ilgari yerni taqsimlash jarayoni mahalliy hokimiyatlar orqali amalga oshirilgan bo'lsa, hozirda bu ish ochiq portal orqali onlayn tarzda amalga oshirilmoqda. Mamlakatimiz iqlim sharoitini hisobga olsak, bizga bugun suv tejovchi texnologiyalar juda ham zarur. Aynan mana shunday texnologiyalarni olib kelish uchun ham tadbirkorlarga subsidiya mablag'lari ajratilmoqda. So'nggi yillarda paxta to'qimachilik klasterlari borasida ham manfaatga erishdik, ilgari bu borada ham muammolar ko'p bo'lgan. Bolalar mehnati va majburiy mehnatdan ozod etilgani ham jahon hamjamiyatida imidjimizni yaxshilashga hissa qo'shdi. Fermer xo'jaliklari va paxta to'qimachilik klasterlari bilan dehqonchilikda xosildorlik oshirilmoqda. Shu maqsadlarda 5 yilda 5 milliard dollar investitsiya kiritildi.

Davra suhbatlari davomida Yevropa Ittifoqining O'zbekistondagi elchisi Charlotta Adriaen xonim mehnat bozoriga kirib kelayotgan yosh fermerlarni, kichik fermer xo'jaliklarini rivojlantirish, ularning bilim va malakasini, ma'lumotlilik darajasini oshirish kerakligi haqida so'zladi.

– So'nggi yillarda O'zbekiston qishloq xo'jaligi sohasida liberallashtirish ko'zga tashlanyapti, – deydi Charlotta Adriaen. – Har bir kichik tadbirkorga ham imkoniyat berilyapti. Birinchi navbatda yetishtirilayotgan oziq-ovqat sifatini yaxshilashga, jahon

bozorida bu mahsulotlar o'z o'rniga ega bo'lishga erishish zarur. Hozirda kichik fermerlardan ham yaxshi loyihalar chiqyapti, biz ularni qo'llab-quvvatlash bilan birga, investorlar va ular orasida ko'prik bo'lishimiz kerak.

O'zbekiston issiq iqlim sharoiti kuchayib borayotganini ta'kidlar ekan MDH va Turkiya tijorat direktori Sergey Stefanov shunday dedi:

– 2030-yilda O'zbekistonda suv oqimi 25 foizga qisqaradi, bu degani hosildorlik ham shunchaga qisqaradi. Tomchilab sug'orish texnologiyasi suvni tejaydi. Bu sug'orish bo'yicha yangi texnologiyalarni olib kirish, ular bilan ishlash ko'nikmasini oshirish, fermerlar va ishchilar malakasi, salohiyatini rivojlantirishni taqazo etadi. Har bir davlatning o'z brend mahsuloti bo'ladi, men O'zbekiston pomidorini brend deb hisoblayman, Moskvadagi biror do'konga kirib har xil mamlakatlardan kelgan pomidorlar turgan joyda O'zbekistondan keltirilganining bozori “chaqqon” ekanini ko'rasiz. Yerni yaxshi saqlash, suvdan oqilona foydalanish, yangi texnologiyalar va raqamlashtirish jarayonini yo'lga qo'yib, jahon bozoriga mana shunday brend mahsulotlarning turini ko'paytirish va talab darajasiga qarab yetkazib berishga erishish mumkin.[3]

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 28-fevraldagi PF-27-sonli Farmoni
2. <https://joqargikenes.uz/oz/15947.html>
3. O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi
Miit.uz internet sahifasidagi ma'lumotlar asosida

“YASHIL IQTISODIYOT”NI JORIY ETISH O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA TA’SIRI, O‘RNI VA ROLI

*Quybaqova Mohiniso Zokirjon qizi,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi
mkuybakova@mail.ru*

Annotatsiya

Ushbu maqolada so'nggi yillarda O'zbekiston iqtisodiyotining baqqraror rivojlanishi uchun turli bo'limlar, tarmoqlari va sohalari o'rtasida o'zaro mutanosiblikni taminlashda “Yashil iqtisodiyot”ning o'rni va roli hamda bu borada mamlakatimizda bugungi kunda olib borilayotgan ishlar to'g'risida ma'lumotlar keltirib o'tilgan. Ekologiya va iqtisodiyotning o'zaro ta'siri, iqtisodiy ta'sir, atrof-muhit va tadqiqot natijalari bo'yicha faoliyat muhokama qilinadi. Ekologik xavflarni sezilarli darajada kamaytirish uchun iqtisodiyotda davlat ishtiroki yomonlashishi va mamlakatda ishlab chiqarishdan keladigan zararlarning oldini olish hamda “yashil iqtisodiyot”ning afzalliklari ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: “Yashil” iqtisodiyot, muqobil energiya, “Yashil iqtisodiyot” konsepsiyasi, atrof-muhit, iqtisodiy o'sish.

Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash uchun barcha sohalarda “yashil iqtisodiyot” texnologiyalarini faol joriy etish 2022-

2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi vazifalari doirasidagi maqsadlardan biri[1]. Shu nuqtai nazardan qaraganda, O'zbekistonda "yashil iqtisodiyot"ga o'tish Strategiyasini amalga oshirishning ustuvor yo'nalishlari etib iqtisodiyotning bazaviy tarmoqlarida energiya samaradorligini oshirish, energiya resurslari iste'molini diversifikatsiyalash va qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish, iqlim o'zgarishi oqibatlariga moslashish va ularni yumshatish, tabiiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish va tabiiy ekotizimlarni asrash, "yashil" iqtisodiyotni qo'llab-quvvatlashning moliyaviy va nomoliyaviy mexanizmlarini ishlab chiqishlar belgilangan.

Avvalambor "yashil iqtisodiyot" tushunchasiga to'xtalib o'tsak, ilmiy tadqiqotlarda "Yashil iqtisodiyot" tushunchasi ilk marotaba 1989-yilda[2] qo'llanilganligiga qaramasdan uning mohiyati hozirga qadar turlicha talqin etiladi. Ayrim manbalarda "Yashil iqtisodiyot" mamlakat tabiatini yaxshilashga ko'maklashuvchi iqtisodiyotning yangi tarmoqlari sifatida tadqiq qilinsa, ba'zi tadqiqotlarda "Yashil iqtisodiyot" tabiatga yordam beruvchi va foyda keltiruvchi yangi texnologiyalar, ekotizimlar sifatida o'rganiladi, uchinchi guruh tadqiqotlarda esa "Yashil iqtisodiyot" – bu ekologik toza mahsulotlar yaratishga yo'naltirilgan rivojlanishning yangi bosqichiga o'tish, uning asosini sof yoki "Yashil" texnologiyalar tashkil etadi deyiladi. "Yashil iqtisodiyot" tushunchasining keng tarqalgan, nisbatan to'liq ta'rifi BMTning Atrof-muhiti muhofaza qilish dasturi (UNEP) tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, "Yashil iqtisodiyot" – bu "odamlar farovonligi va ijtimoiy tengligining yaxshilanishi, ekologik risklar va ekologik taqchilliklarni sezilarli darajada kamaytirish"ga olib keluvchi iqtisodiyotdir[3]. Mazkur tushunchaning mohiyatini yoritib berishda umumqabul qilingan yondashuvlar mavjud emasligi "Yashil iqtisodiyot" konsepsiyasi hali shakllanish bosqichida ekanligidan dalolat beradi.

Ushbu konsepsiya iqtisodiyot tarmoqlari, "Yashil iqtisodiyot" nazaryasi, tamoyillari yoki "yashil iqtisodiyot" siyosatiga nisbatan ham qo'llanilishi mumkin. "Yashil iqtisodiyot" konsepsiyasining asosiy maqsadi barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlash va investitsiyalarni oshirish bilan bir vaqtda atrof muhit muhofazasi va ijtimoiy integratsiya sifatini yaxshilash hisoblanadi[4]. Shu nuqtai nazardan qaraganda, mazkur maqsadga erishish uchun davlat va xususiy investitsiyalarni barqaror rivojlanishning ekologik va ijtimoiy omillarga keng miqyosda yo'naltirish zarur bo'ladi. "Yashil iqtisodiyot"ning maqsadi tabiiy resurslardan oqilona foydalangan salbiy ekologik ta'sirlarni nisbatan kamaytirgan holda barqaror iqtisodiy o'sishga erishishdir. "Yashil iqtisodiyot" haqida so'z borar ekan, uni atrof-muhit bilan uzviy bog'liq ekanligini unutmasligimiz lozim, aynan ekologiyaning tobora yomonlashib borishi butun insoniyatni ushbu global muammoning yechimini topishga undaydi. "Agar biz atrof-muhitga zarar yetkazmagan holda, "Yashil iqtisodiyot" o'sishiga o'z hissamizni qo'shsak, dunyo bo'ylab quyosh energiyasiga yo'naltirilgan investitsiyalarning ajoyib o'zgarishlari qanchalik ko'p narsalarga erishishimiz mumkinligini ko'rsatib bermoqda", deydi BMTning Atrof-muhit bo'yicha rahbari Erik Zolhaym.

Xalqaro hamjamiyatda "yashil iqtisodiyot" Strategiyasiga insoniyat rivojlanishiga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatuvchi ekologik, energetik, oziq-ovqat va iqtisodiy muammolarni hal etishga qaratilgan asosiy yechim sifatida qaralmoqda.

O'zbekistonning iqlim o'zgarishi bo'yicha Parij bitimiga qo'shilishi munosabati bilan issiqxona gazlarini qisqartirish va atrof-muhitga salbiy ta'sirni kamaytirish bilan bog'liq bo'lgan majburiyatlarni zimmasiga oldi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar strategiyasi doirasida 2019 yil uchun qabul qilingan davlat dasturining 250-bandida mazkur Strategiya ishlab chiqish ko'zda tutilgan[5].

"Yashil iqtisodiyot" konsepsiyasi tarafdorlari amaldagi iqtisodiy tizim aholi turmush darajasining yaxshilanishida muayyan ijobiy natijalarga olib kelganligiga qaramasdan takomil emas, deya hisoblashadi. Ekologiyaning buzilishi (iqlim, o'zgarishi, cho'llanish, bio xilma-xillikning yo'qotilishi), tabiiy kapitalning tugab borayotganligi, kambag'allik miqyosining ortib borishi, chuchuk suv oziq-ovqat, energiyaning yetishmasligi, odamlar va mamlakatlar o'rtasida tengsizlik kabi muammolar amaldagi iqtisodiy tizimning mukammal emasligi sabablidir.

Zamonaviy ekologiyaning bosh maqsadlaridan biri bo'lgan qayta tiklanish xususiyatiga ega manbalar va atrof-muhitga zararli bo'lgan chiqindilardan oqilona foydalangan holda olinadigan biogazlardan mamlakat iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishida keng foydalanishdir. Qayta tiklanuvchi energiya – bu atrof-muhit energiya oqimidan olinadigan energiya manbaidir. Bularga quyosh, shamol, suv, resurslari, geotermal manbalar, sanoat va munitsipal, qishloq xo'jalik chiqindilaridan olingan biogaz kiradi. Muqobil energiya manbalari shaharlarda birlamchi uglevodorodlar resurslarini tejash, mamlakat energetika xavfsizligini ta'minlashda katta rol o'ynaydi.

Sanoatda va binolarda energiya tejankor texnologiyalardan foydalanish, transport tizimini rivojlantirish "Yashil iqtisodiyot" shakillanishida muhim o'ringa ega. Ushbu choralar nafaqat energiya sarfini kamaytirish orqali atrof muhitga zararli chiqindilar chiqarilishini kamaytiradi va energiyaga sarflanayotgan xarajatlar qisqarishiga olib keladi. Atmosferaga uglerod chiqarishda sanoatdan keyingi o'rinda turuvchi transport tizimida elektromobillar ishlab chiqarish (ularga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilmani rivojlantirish), jamoat transportini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Chiqindilarni qayta ishlash ularning ekologiyaga salbiy ta'sirini kamaytiradi, resurslarni tejash, mahsulot tannarxini kamaytirish, ish o'rinlarini yaratish imkonini beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, chuqur qayta o'ylab chiqilgan takliflar quyidagilardan iborat:

- 1) investitsiyaviy loyihalarning jozibadorligini oshirgan holda ishlab chiqish;
- 2) mamlakatimizga kiritilayotgan sarmoyalar tarkibida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning salmog'ini oshirish;
- 3) xususiy mulkchilik va tadbirkorlikni yanada rivojlantirish;
- 4) eksportga mo'ljallangan, chuqur qayta ishlangan tovar va mahsulotlarni ishlab chiqarishni rag'batlantirish;
- 5) soliq, bank-moliya tizimini chuqur qayta isloh qilish, samarasiz kredit va subsidiyalardan voz kechish;

- 6) mavjud resurslardan oqilonava samarali foydalanishni yo'lga qo'yish;
- 7) "yashil" energiyadan keng foydalanish bo'yicha hukumat va hududiy hokimliklar qarorlarini qabul qilish;
- 8) aholi va davlat energiya iste'molida energiya tezamor texnologiyalarni qo'llash bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqish;
- 9) "yashil" uy va binolar qurish bo'yicha amaliy taklif va ishlanmalar ishlab chiqish.

Xulosa qilib aytganda, kelajakda iqtisodiyot taraqqiyotini innovatsion texnologiyalarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Bu yo'nalishda esa muqobil energiya manbalaridan foydalanish alohida ahamiyatga ega. Demak, davlatimiz rahbarining yangi qarori asosida bu borada boshlangan ishlar miqyoslari yanada kengayadi, samaradorligi esa ortaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] Prezidentning 02.12.2022 yildagi «2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasining «yashil» iqtisodiyotga o'tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-436-son qarori <https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda yangi/uzbekiston qanday qilib yashil iqtisodietga utadi>

[2] Blueprint for a green economy: David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp

[3] Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др: ЮНЕП/ГридАрендаль, 2011. С. 17

[4] Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др: ЮНЕП/ГридАрендаль, 2011. С. 20

[5] <https://lex.uz/docs/-4168749?ONDATE=18.01.2019%2000>

AGROSANOAT KORXONALARIDA TOK KO'CHATLARNI INTENSIV YETISHTIRISH USULLARINING IQTISODIY SAMARADORLIGI

Xidirova Rushana Rustam qizi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi

m.xidirova@tsue.uz

Annotatsiya

Bugungi kunda dunyoning yalpi uzum ishlab chiqarish bo'yicha yetakchi o'rinlarini egallab kelayotgan Xitoy, Italiya, AQSH va Fransiya kabi davlatlarda sanoat tokzorlari barpo qilish uchun viruslardan holi sog'lomlashtirilgan, yuqori mahsuldor, fillokseraga bardoshli sertifikatlangan ko'chatlarini yetkazib berish dolzarb vazifa hisoblanadi.

Kalit so'zlar. Tok ko'chatlari, fitosanitar, intensiv texnologiyalar, mikroqalamcha biotexnologik usul.

Qator davlatlarda tok ko'chatlari hanuzgacha sanoat tokzorlaridan olingan qalamchalardan yetishtirilgan sifatsiz ko'chatlar hisobiga qondirilmoqda. Bunday ko'chatlar bilan barpo qilingan tokzorlar hamma vaqt ham yuqori va barqaror hosil olish imkonini beravermaydi. Shu bois, sog'lomlashtirilgan tok ko'chatlari yetishtirish imkonini beruvchi sog'lom ona tokzorlar barpo etish, birlamchi ekish materiali – qalamchalar tayyorlanadigan ona tokzorlarning fitosanitar holatini yaxshilash, biotexnologik usulda in vitro sharoitida ko'chat olish, shuningdek noyob va qimmatli tok navlarini ko'paytirishning intensiv texnologiyalarini ishlab chiqishga alohida e'tibor berilmoqda.

Mamlakatimizda bugungi shiddat bilan rivojlanib borayotgan raqamli iqtisodiyot sharoitida iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalariga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) keng foydalanish muhim o'rin ahamiyat kasb etmoqda.

Respublikamizda iqtisodiy, ijtimoiy, xalq xo'jaligi va boshqa sohalarda korporativ boshqarishga AKTlari qo'llanilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 17 fevraldagi "Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-4996-son [1] qarori qabul qilindi.

«Raqamli O'zbekiston — 2030» Strategiyasiga muvofiq hamda sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish va ularni mamlakatimizda keng qo'llash, raqamli ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini va ularning yuqori sifatini ta'minlash, ushbu sohada malakali kadrlar tayyorlash uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida aholi manfaatlari yo'lida davlat xizmatlari ko'rsatish sifatini yaxshilash, shuningdek, ma'lumotlarni qayta ishlashda davlat organlarining samaradorligini oshirish uchun sun'iy intellekt (SI) texnologiyalaridan keng foydalanish hamda mahalliy korxonalar va mutaxassislarning SI sohasidagi axborot resurslari va bilimlardan foydalanish imkoniyatini ta'minlash, shuningdek, zarur ta'lim muhitini rivojlantirish kabi vazifalar belgilangan.

Mazkur vazifalarni samarali amalga oshirish, jumladan, korxonada boshqaruvi uchu SI texnologiyalari orqali reklama faoliyatini samarali tashkil etish bugungi kunning muhim masalalaridan biri hisoblanadi.



1-rasm. Web-saytni yaratish blok-sxemasi

Reklama nuqtai nazaridan web-sayt, bu maqsadli muloqot doirasining bitta yoki bir nechta segmenti bilan o'zaro aloqa o'rnatish uchun axborot bloklari va vositalari to'plamidir. Unda qanday axborot taqdim etiladi, qaysi vositalardan foydalaniladi, ular o'zaro qanday aloqada bo'ladi — bularning barchasi tanlab olingan biznes modeli, uzoq muddatli va qisqa muddatli vazifalarga, shuningdek, maqsadli muloqot doirasi turiga va u bilan u yoki bu usulda muloqot qilish imkoniyatiga bog'liq bo'ladi.

Birinchi bosqich — maqsadlar va ularga erishish yo'llarini aniqlash, marketing tadqiqotlari o'tkazish, zarur tadbirlar rejasini ishlab chiqish. Bu bosqich asosiy ahamiyatga ega, chunki unda olingan ma'lumotlar va ular asosida qabul qilingan qarorlarga butun tizimni qurish samaradorligi va uning yashovchanligi bog'liq bo'ladi.

Keyingi bosqich web-saytni ishga tushirish hisoblanadi. Bu bosqichda serverni joylashtirish uchun joy tanlash, Internet xizmatlari ta'minotchisini tanlash, server dizayni va strukturasi ishlab chiqish, uni dastlabki axborotlar bilan to'ldirish masalalari hal etilishi, korxonaning mavjud axborot tizimi bilan birlashtirish masalalari ko'rib chiqilishi lozim[2, 3]. Sinov tariqasida tekshirib ko'rilgandan so'ng web-server Internetda joylashtirilishi mumkin.

1-rasmda web-sayt yaratishning umumiy blok-sxemasi keltirilgan bo'lib, u to'rtta asosiy bosqichni qamrab oladi.

Uning menyu qismi quyidagi bo'limlardan tashkil topgan:

- bosh sahifa;
- mahsulotlar;
- guruhlar;
- kompaniya haqida;
- kompaniya haqida fikrlar;
- Manzil va aloqa.

Shundan so'ng saytga foydalanuvchilarni ma'suliyati cheklangan jamiyatning hozirgi va potensial mijozlarini jalb qilish masalasini hal etish talab qilinadi. Shu sababli keyingi bosqich foydalanuvchilarni serverga jalb qilish bo'yicha chora-tadbirlar majmuini o'tkazish hisoblanadi. Mazkur bosqich Internetdagi barcha reklama vositalaridan bannerlarda joylashtirishdan tortib to telekonferensiyalarda qatnashish va jo'natmalar ro'yxatidan foydalanishgacha foydalanishni nazarda tutadi.

Ko'rsatilgan uchta bosqichni yakunlovchi to'rtinchi bosqichda olingan natijalarni oldindan belgilangan ko'rsatkichlar bo'yicha rejalashtirilgan natijalar bilan taqqoslash asosida xulosa chiqariladi.

Internetdan foydalanib biznes yuritishga to'g'ri yondashilgan holatda u takomillashib va rivojlanib boradi [4]. Masalan, birinchi natijalar olingandan so'ng umumiy maqsad va vazifalarga o'zgartirish kiritish mumkin bo'lib, bu marketing dasturining birinchi bosqichi masalalarini qayta ko'rib chiqishga olib kelishi mumkin. Yakuniy foydalanuvchi nuqtai nazaridan sayt dizayni muvaffaqiyatsiz bo'lib chiqishi yoki tashrif buyuruvchilarning soni kamligi natijasida web-server samaradorligi past bo'lgan hollarda mos keluvchi o'zgartirishlar kiritish uchun ikkinchi yoki uchinchi bosqichga qaytish zarur.

Dastlabki rejalariga sezilarli o'zgarishlarni Internet muhitining o'zi ham kiritishi mumkin bo'lib, uning rivojlanish yuqori dinamikasi qo'llanuvchi usul va vositalarni muntazam takomillashtirib borishni talab qiladi. Shunday qilib, web-server asosida marketing dasturini yaratish Internetning rivojlanishi bilan birga harakatlanuvchi integratsion jarayon hisoblanadi.

Biznes modellari har qanday web-saytning faoliyat ko'rsatishi va rivojlanishi, aniqroq aytadigan bo'lsak, web-saytga asoslangan holda Internetdan tijorat faoliyatida foydalanish ma'lum bir biznes modeliga asoslanishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 17 fevraldagi "Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-4996-son qarori <https://lex.uz/docs/5297046>

2. Alimov R.X., Xodiyev B.YU., Alimov Q.A. va boshqalar. Milliy iqtisodda axborot tizimlari va texnologiyalari. O'quv qo'llanma. / S.S. Gulomovning umumiy tahriri ostida. – T.: Sharq, 2004. – 320 b.

3. Bagiyev G.L., Tarasevich V.M., Ann X. Marketing. ucheb. - SPb.: Piter, 2008. - 736s. 2 ekz.

4. Begalov B.A., Musaliyev A.A. Informatcionno-kommunikatsionnye

KORXONA BOSHQARUVIDA ZAMONAVIY AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASH JARAYONLARI

Abdullayev Munis Kurbonovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari kafedrası mudiri, PhD, dotsent

m.abdullayev@tsue.uz

Ortikov Uchqun Toshbotirovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti

Annotatsiya

Ushbu maqolada bugungi kunda shiddat bilan rivojlanib borayotgan raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonada boshqaruvida raqamli texnologiyalar orqali reklama faoliyatini samarali tashkil etish jarayonlari ko‘rib chiqilgan. Reklama faoliyatini sayt yaratishdan boshlab, dastlabki rejalar sezilarli o‘zgarishlar kiritish hamda biznes modellarini qo‘llash ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, reklama faoliyati, sun‘iy intellekt.

Bugungi kunda foyda har qanday tijorat tashkiloti faoliyatining asosiy maqsadi hisoblanadi. Foyda olish istagi tadbirkorni o‘z biznesini ochishga, yangi ish o‘rinlari, yangi qadriyatlar yaratishga, yangi mahsulot va xizmatlar ishlab chiqarishga majbur qiladi. Doimiy ravishda tobora murakkab biznes muammolarini hal qilib, tadbirkor rivojlanadi, shaxsiy samaradorligini oshiradi va shaxsiy o‘shish bilan shug‘ullanadi. Shu bilan birga, u doimo oldinga intilishi, o‘z tashkilotining rivojlanishiga sarmoya kiritishi va u yerda hech qachon to‘xtab qolmasligi kerak.

Biznesni rivojlantirish bevosita tashkilotni boshqarish samaradorligiga bog‘liq. Shuning uchun tashkilotni boshqarish jarayonini avtomatlashtirish tashkilot rahbarlari birinchi navbatda hal qilishi kerak bo‘lgan muhim vazifalardan biridir. “Oddiy biznes” biznes-jarayonlarini avtomatlashtirish tizimini joriy etish ushbu muammoni hal qiladi, shuningdek, menejerga tashkilotni boshqarish bo‘yicha o‘z ishida ko‘plab xatolar va muvaffaqiyatsizliklardan qochishga yordam beradi.

Biznes-jarayonlarini avtomatlashtirish xodimlarning jamoaviy ishlashi samaradorligini sezilarli darajada oshiradi, bu borada menejer kelishilgan muddatda yuqori sifatli natijalarga erishadi. Shuningdek, xodimlar yagona axborot makonida hujjatlar bilan ishlash, hamkasblar va mijozlar bilan zamonaviy biznes aloqa vositalaridan foydalangan holda muloqot qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. “Oddiy biznes” biznes-jarayonlarini avtomatlashtirish tizimi yordamida tashkilot mavjud mijozlarning sodiqligini oshirish va o‘z foydasini oshirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Agar menejer o‘z biznesining uzoq muddatli rentabelligini ta‘minlashni istasa va buning uchun uning rivojlanishiga sarmoya kiritrsa, uning foyda olish istagi to‘liq

oqlanadi. Shu sababli ham bugungi kunda tashkilot faoliyatida zamonaviy AKTlardan foydalanish orqali ish jarayonlarini tashkil etish muhim sanaladi [1].


Bugungi kunda raqobatbardosh bozor sharoitida har bir kompaniya doimiy o'zgarib turadigan bozor sharoitlariga, tashqi omillarga, yangi xizmatlar va texnologiyalarga iqtisodiy jihatdan tez moslasha olishi kerak.

Ayni paytda AKTlari turli institutlar va umuman davlatning ish uslubini tubdan o'zgartirishi mumkin. AKTlarining integratsiyalashuvi iqtisodiyotning an'anaviy tarmoqlarini takomillashtirishga, yangi tarmoqlar, xizmatlar va mahsulotlarni o'zlashtirishga, shuningdek, doimiy ravishda paydo bo'ladigan ehtiyojlarni qondirishga olib keladi. Bunday texnologiyalar korxonada ham, umuman bozor iqtisodiyoti darajasida ham yuqori sifatli natijalar beradigan biznesni boshqarishning yangi usullarini yaratish vositasidir.

Har qanday korxonada (yoki tashkilot) mavjudligi uchun korxonada tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar bozorda talabga ega bo'lishi va ushbu mahsulotlarni ishlab chiqarish hamda sotish korxonaning o'zi uchun samarali bo'lishi kerak [2, 3].

Nazorat vazifasi. O'z maqsadlariga erishish uchun tashkilotni boshqarish kerak. Menejmentning vazifasi - tashkilot guruhi a'zolari tomonidan maqsadlarga erishish uchun haqiqiy ishlarni samarali va samarali bajarish.

Menejment - bu tashkilotning maqsadlarini shakllantirish va amalga oshirish uchun zarur bo'lgan rejalashtirish, tashkil etish, rag'batlantirish va nazorat qilish jarayoni (1-rasm).



1-rasm. Jarayonni doimiy nazorat qilish⁶⁷

Rejalashtirish. Kelajak deyarli har doim noaniq va shuning uchun rejalashtirish doimiy ravishda amalga oshirilishi kerak. Rejalashtirish yordamida menejerlar samaradorlikka erishish uchun tashkilotning barcha a'zolarining harakatlariga yagona yo'nalish beradi. Rejalashtirishning asosi korxonaning hozirgi vaqtda joylashgan pozitsiyasini aniqlashdan iborat, aks holda rejalashtirish haqiqati endi haqiqiy bo'lishi mumkin emas. Amaliyot shuni ko'rsatadiki, bu ko'pincha MDHda korxonalarni boshqarishda muammo bo'lib, uning hozirgi holati bir necha oylar (haftalar, kunlar) keyin ma'lum bo'ladi, bunda hech narsani tuzatish deyarli mumkin emas.

⁶⁷ Tadqiqotlar asosida muallif ishlanmasi

Tashkilot. Bu ularga yuklangan vazifalarni bajarish va ularga tegishli vakolatlar berish maqsadida ayrim tashkiliy tuzilmalarni yaratishdir. Bu alohida mutaxassislar va ular uchun tashkil etilgan ish joylari, shuningdek, butun korxonalar bo‘lishi mumkin. Ushbu kitob nuqtai nazaridan, biz ushbu funksiyani alohida mutaxassislarning ishini tashkil etish va ular bilan ishlashlari kerak bo‘lgan ma’lumotlar oqimi sifatida ko‘rib chiqamiz.

Motivasiya. Bu xodimlarga (bo‘linmalarga) haq evaziga yuklangan vazifalarni samarali bajarish, ularning ehtiyojlarini qondirishga hissa qo‘shishdir. Xodimning o‘ziga ishonib topshirilgan ishni bajarishdan ma’naviy qoniqish olishi muhim omil hisoblanadi.

Boshqaruv. Bu rejalashtirilgan ko‘rsatkichlarni bajarishda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan og‘ishlarni tuzatish yoki rejalashtirilgan ko‘rsatkichlarning o‘zini tuzatish uchun ma’lum vaqt davrlarida erishilgan natijani o‘lchashdir [4].

Vladimir Pikuza (2010) tomonidan olib borilgan tadqiqot natijalariga asoslanib, biz individual korxonalar boshqaruv jarayonlarini amalga oshirishni avtomatlashtirishda xarajatlarni minimallashtirish imkoniyatini ko‘rib chiqamiz.

Boshqarishni avtomatlashtirish prinsipi. Korxonalar boshqaruvini avtomatlashtirish faqat bitta maqsadga ega - boshqaruvchi tomonidan to‘g‘ri tashkiliy qarorni o‘z vaqtida qabul qilish, uni amalga oshirish va nazorat qilish, uning asosida keyingi qaror qabul qilinadi. Qaror qabul qilishning muhim omillari quyidagilardir: ishonchli ma’lumotlarni to‘plash va tahlil qilish, voqealarni yanada rivojlantirishning muqobil variantlarini tayyorlash, qaror qabul qilishning o‘zi, uni amalga oshirishni tashkil etish, amalga oshirilishini monitoring qilish, natijani tahlil qilish, tuzatish.

Korxonani avtomatlashtirish bosqichlari. Korxonalar o‘z rivojlanishida quyidagi bosqichlardan o‘tishi mumkin:

– yaratish jarayoni, biznesni umumiy boshqarish kalkulyator yordamida amalga oshirilganda. Kompyuterlar faqat ofis mahsulotlari bilan jihozlangan va ofis ishlari uchun ko‘proq kerak bo‘ladi: shartnomalar, xatlar, to‘lov topshiriqlari va boshqalarni chop etish;

– mahalliy buxgalteriya dasturi zarur bo‘lganda korxonalar ma’lum darajaga yetdi, hujjat aylanishi ko‘paydi va qo‘shimcha resurslarni talab qiladi, lekin faoliyatni tahlil qilish va rejalashtirish hali ham eski uslublar yordamida amalga oshiriladi va ko‘proq pul hisob-kitoblarga asoslanadi;

– korxonalar boshqarib bo‘lmaydigan holga keladi, tarmoq buxgalteriya dasturi joriy etilmoqda, xodimlar aylanmasi bilan to‘lib-toshgan, «patchvork» avtomatlashtirish ildiz ota boshlaydi, turli bo‘limlar tomonidan taqdim etilgan hisobotlarning noaniqligi va uzoq vaqt tayyorlanishi tufayli tahlil qilish va rejalashtirish jarayoni qiyinlashadi;

– korxonalar boshqaruvi (MDH) uchun qimmat korporativ axborot tizimini joriy etish. Doimiy o‘zgaruvchan ichki va tashqi muhit tufayli MDHni amalga oshirish (modernizatsiya qilish) jarayoni o‘nlab yillar davom etishi mumkin.

Inson omili. Korxonaning ushbu bosqichlarning barchasini bosib o‘tishi inson omili bilan bog‘liq bo‘lib, u rahbar yoki ijrochi bo‘lishidan qat’i nazar, ma’lum bir shaxsning o‘zidan o‘tadigan axborot oqimlarini idrok etish va qayta ishlash qobiliyati bilan bog‘liq.

Masalan, menejer AKT bo‘limi oldiga KATda ma’lum bir joriy vaziyatni tahlil qilish uchun zarur bo‘lgan moliyaviy hisobotlar tizimini yaratish vazifasini qo‘yadi. Biroz vaqt o‘tgach, vazifa bajarildi, ma’lum bo‘ldiki, muhit allaqachon o‘zgargan (yoki menejer vazifani noto‘g‘ri qo‘ygan), hisobotlar eskirgan, dastlabki qaror noto‘g‘ri bo‘lib chiqqan va KATning navbatdagi modernizatsiyasi talab qilinadi. Bu qimmat va cheksiz davom etishi mumkin.

Agar menejer zarur operativ hisobotlarni va moliya bo‘limiga parallel ravishda tayyorlash vazifasini topshirgan bo‘lsa, unda asosiy dasturiy ta’minot yordamida ularni shakllantirish jarayonida yuklangan vazifada xatolar topilishi mumkin va bu hisobotlar ta’sir qiladi hamda davriy hisobotlarni yaratish uchun KATni yangilash xarajatlari samarasiz bo‘lib chiqishi mumkin.

Shunday qilib, biz nostandart hisobotlarni tayyorlash jarayonini tashkil qilishda nafaqat KATni, balki ishni tez va samarali bajarishga yordam beradigan turli xil axborot vositalaridan foydalanish mumkin degan xulosaga kelishimiz mumkin. Muhim omil - bu qanchalik tez va samarali? Bu allaqachon aniq mutaxassislariga, ularning axborot texnologiyalari va ularni qo‘llash imkoniyatlariga bog‘liq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Axborot texnologiyalari / M. Aripov, B. Begalov, U.Begimqulov, M. Mamarajabov. - T.: Noshir, 2009. – 368 b.

2. G‘ulomov S.S., Begalov B.A. Iqtisodiy informatika. Darslik. – T.: O‘zbekiston, 2010. – 722 b.

3. Abdullayev M.K. Kompaniya boshqaruvida axborot tizimlaridan samarali foydalanish yo‘llari. “Iqtisodiyot va ta’lim” jurnali, № 3 son, 2016 yil, 10-14-betlar.

4. Abdullayev M.K. Kompaniyada korporativ axborot tizimlarini samarali tatbiq etish. “O‘zbekiston Respublikasida korporativ boshqaruv va raqobat muhitini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusidagi respublika ilmiy amaliy anjumanining ilmiy maqola va tezislari to‘plami. 2017 yil, 12 may, Toshkent, TDIU, 88-90-betlar.

KORXONALARDA MAHSULOTLARNI SOTISH HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

dots. Bayjanov Sarsengaliy
Qoraqalpoq davlat universiteti.

dots. Abishov Muxammed

Qoraqalpoq davlat universiteti.

magistrant Djumabaeva Nurzada

Qoraqalpoq davlat universiteti,

[*muxammedabishov@gmail.com*](mailto:muxammedabishov@gmail.com)

[*nunaa346@gmail.com*](mailto:nunaa346@gmail.com)

Annotatsiya

Maqolada korxonalarida moliyaviy-xo‘jalik faoliyati samaradorligini ifodalovchi ko‘rsatkichlarning mahsulotlarni sotish hisobi va tahlilining ayrim dolzarb

jihatlari tadqiq qilish. Korxonada iqtisodiy va moliyaviy potentsiali samaradorligini aniqlash uchun natija ko'rsatkichini iqtisodiy yoki moliyaviy potentsialini aniqlash.

Kalit so'zlar: ko'rsatkichini iqtisodiy yoki moliyaviy potentsiali, samaradorlik ko'rsatkichlari, daromadlar, foyda va ko'rsatkichlar tahlili.

Iqtisodiy taraqqiyotning ikki yirik omili mavjud. Birinchisi ekstensiv, ikkinchisi intensiv omillardir. Bu omillar o'zaro bog'liq omillar hisoblanadi. Shundan kelib chiqib samaradorlik kategoriyasiga alohida to'xtalish maqsadga muvofiqdir, chunki samaradorlik evaziga jamiyatning barcha talablari qondirilishi mumkin. Shunday qilib samaradorlik bu iqtisodiy taraqqiyotning asosiy omili sifatida namoyon bo'ladi, chunki ushbu ko'rsatkich zamirida taraqqiyotning intensiv omili mujassamlashgan bo'ladi.

Demak, korxonada iqtisodiy va moliyaviy potentsiali samaradorligini aniqlash uchun natija ko'rsatkichini iqtisodiy yoki moliyaviy potentsialning o'rtacha qiymatiga bo'lish yo'li bilan aniqlanadi:

Natija, Samaradorlik = Iqtisodiy yoki moliyaviy potentsial

Amaliyotda iqtisodiy yoki moliyaviy potentsiali samaradorligini aniqlash uchun ko'rsatkichlar sistemasidan foydalanish maqsadga muvofiq, chunki natijani, ta'kidlanganidek bitta ko'rsatkich bilan ifodalash qiyin. Shu tufayli korxonada iqtisodiy yoki moliyaviy potentsiali samaradorligini aniqlash uchun quyidagi ko'rsatkichlar tizimidan foydalanishni tavsiya qilamiz:

1. Ish hajmining iqtisodiy yoki moliyaviy potentsialga nisbati, ya'ni shu potentsiallarning natijaviyligi (samaradorligi);
2. Foydaning iqtisodiy yoki moliyaviy potentsialga nisbati, ya'ni ushbu potentsiallarning rentabelligi;
3. Daromadning iqtisodiy yoki moliyaviy potentsialga nisbati, ya'ni ushbu potentsiallarning daromadliligi.

Iqtisodiy potentsialning ham, moliyaviy potentsialning ham bir qancha qismlardan iboratligini inobatga oladigan bo'lsak ushbu umumlashgan ko'rsatkichlarni yana alohida ko'rsatkichlarga bo'lib ifodalash ham mumkin. Masalan, iqtisodiy potentsial tarkibiga asosiy vositalar, aylanma mablag'lar, nomoddiy faollar va mehnat potentsiali kiradi. Moliyaviy potentsial esa o'z mablag'lari va chetdan jalb qilingan mablag'larni o'z ichiga oladi.

Ushbu ko'rsatkichlarni inobatga oladigan bo'lsak, albatta, samaradorlik ko'rsatkichlarini ifodalash uchun birqancha formulalardan foydalanish mumkin. Bunda natija suratiga yozilsa, maxrajiga shunga mos ravishda potentsiallarning tegishli turlari yoziladi. Masalan, moliyaviy potentsial samaradorligini alohida o'z mablag'lari (U_m) va chetdan jalb qilingan mablag'lar (Ch_{jm}) bo'yicha ham hisoblash mumkin. Bu holda yana quyidagi ikkita formula kelib chiqadi:

$$U_{ms} = \frac{Q}{U_m} \quad Ch_{jjm} = \frac{Q}{Ch_{jm}}$$

Iqtisodiy va moliyaviy potentsial rentabelligi ham potentsillar samaradorligini ifodalovchi eng muhim ko'rsatkichlardan biridir. Ularning miqdori 100 so'm iqtisodiy yoki moliyaviy potentsialga to'g'ri keladigan foyda so'mmasi bilan ifodalanadi. Ushbu ko'rsatkichni (M_{pr}) aniqlash uchun foyda so'mmasini (F) iqtisodiy yoki moliyaviy

potentsialning o'rtacha yillik qiymatiga (I_p , M_p) bo'lish kifoya, ya'ni buning uchun quyidagi formulani tavsiya qilish mumkin:

$$I_{pr} = \frac{F \times 100\%}{I_p} \quad Ch_{jms} = \frac{F \times 100\%}{M_p}$$

Agar moliyaviy potentsialning ikki qismdan iborat ekanligini inobatga oladigan bo'lsak ushbu rentabellik quyidagi ko'rsatkichlar sistemasidan iborat bo'ladi. Masalan moliyaviy potentsial rentabelligini alohida o'z mablag'lari (O_{mr}) va chetdan jalb qilingan mablag'lar (Ch_{jm}) bo'yicha ham aniqlash mumkin. Bu uchun quyidagi formulalardan foydalaniladi:

$$O_{mr} = \frac{F \times 100\%}{O_m} \quad Ch_{jmj} = \frac{F \times 100\%}{Ch_{jm}}$$

Bu borada olimlardan I.T.Abdukarimov, V.V.Kavalev, A.D.Sheremet, R.Sayfulin va M.K.Pardaev, I.O.Volojin, V.V.Ergashboev kabilar ancha tadqiqotlar olib borganlar. Shu tufayli ushbu mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan ko'rsatkichlar tizimidan foydalanishni va uni takomillashtirishni maqsadga muvofiq deb hisobladik, chunki bu ko'rsatkichlar O'zbekiston iqtisodiyotining o'ziga xos xususiyatlarini inobatga olgan holda yoritilgan bo'lishi lozim. Bu esa o'z navbatida ba'zi aniqliklarni kiritishni taqoza qiladi.

Iqtisodiy potentsial samaradorligini tahlil qilish uchun eng avvalo uni ifodalovchi ko'rsatkichlarni aniqlash lozim. Buni amalga oshirish uchun quyidagi jadvalni tavsiya qilamiz.

1-jadval

«ABC» korxonasi iqtisodiy potentsial samaradorligini ifodalovchi ko'rsatkichlar tizimining 2021-2022 yillardagi hisob-kitobi

Ko'rsatkichlar	2021 y.	2022 y.	Farqi	
			Summada (+, -)	O'zgarish sur'ati %da
1. Tovar oboroti, ming so'm	58739,4	67114,9	+8375,5	114,3
2. Yalpi daromad, ming so'm	13541,2	19851,3	+6310,1	146,3
3. Foyda, ming so'm	2897,3	4351,3	+1354,0	150,2
4. Iqtisodiy potentsialning o'rtacha yillik qiymati, ming so'm	77876,9	81231,4	+3354,5	104,3
5. 1 so'm iqtisodiy potentsialga to'g'ri keladigan:				
tovar aylanmasi, so'm foyda,	75,43	82,62	+7,19	109,5
so'm yalpi daromad, so'm	3,72	5,37	+1,65	144,4
	17,39	24,44	+7,05	140,5

1-jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, iqtisodiy potentsial samaradorligini barcha ko'rsatkichlari hisobot yilida o'tgan yilga nisbatan oshgan. Eng yuqori ushbu sur'ati uning rentabelligini tashkil qiladi. Ushbu ko'rsatkichning miqdori 144,4 % bo'lgan bir paytda uning natijaviyligi 109,5 %, daromadliligi esa 140,5 %. Bu

ko'rsatkichlar shuni ifodalaydiki umuman olganda samaradorlik oshgan. Bunday tahlilni bitta korxonada miqyosida o'tkazish mumkin.

Biroq amaliyotda har bir korxonada nisbatan mustaqil bo'lgani bilan u ishlab chiqaruvchi yoki savdo jarayonida bir-biri bilan o'zviy aloqada. Bundan tashqari bozor munosabatlari erkin raqobat maydonini vujudga keltiradi. Bu esa o'z navbatida bir-biri bilan bog'liq korxonalarini assotsiatsiya, kontsern, kompaniya kabi uyushmalar birlashib faoliyat ko'rsatishni taqoz qiladi. Bunday sharoitda bitta uyushmaga kirgan korxonalarining iqtisodiy taqdiri ma'lum darajada bir-biriga bog'liq bo'ladi. Shu tufayli ularning faoliyatini muntazam ravishda solishtirib borishga to'g'ri keladi. Bunday sharoitda ko'rsatkichlar sistemasidan foydalanish biroz qiyinchilikni tug'diradi, chunki bir ko'rsatkich bo'yicha ikkinchi korxonada yaxshi natijaga erishgan bo'lsa, ikkinchi ko'rsatkich bo'yicha ikkinchi korxonada yaxshi natijaga erishgan bo'lishi mumkin. Bunday holatda qaysi korxonada ishini yaxshi deb baholash qiyin. Shu tufayli keltirilgan ko'rsatkichlar sistemasidan yagona kompleks ko'rsatkichni aniqlash lozimligini bir qancha olimlar ancha paytdan buyon isbotlab kelmoqdalar. Bular jumlasiga A.D.Sheremet, M.I.Bakanov, I.T.Abdukarimov, D.Q.Qudbiev, M.Q.Pardaev, R.Sayfulin, S.M.Shapigo'zov kabilarni kiritish mumkin.

Savdo foydasi tarkibiga tovarlarni sotishdan tushgan yalpi foyda, asosiy savdo faoliyati foydasi, umumxo'jalik foydasi, tasodifiy foyda, soliq to'langunga qadar foyda, sof foyda, taqsimlangan foyda kabilarni kiritish mumkin. Savdo foydasining ushbu turlari asosida jamiyat, mehnat jamoasi va har bir xodimning iqtisodiy manfaatlarining mushtarakligini qanday qilib taminlash muammolarining echimi ko'rsatilgan.

Foyda olish harqanday mehnat jarayonining natijasi hisoblanadi. Shu bois, jamiyatning, alohida olingan korxonalarining va tadbirkorning foyda olishga bo'lgan manfaatdorligi ob'ektiv zarurat hisoblanadi.

Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitlarida foydani taqsimlash uning bajaradigan vazifalarini chuqur va har tomonlama tahlil qilishga bog'liq. Shu bois, tadqiqot ishida foydaning bajaradigan vazifalarining ishlash jarayoni amaliy ma'lumotlar asosida tahlil qilingan.

Iqtisodiy tahlilning muhim vazifalaridan biri – moliyaviy natijalarni ifodalovchi ko'rsatkichlarni aniqlash va ularni hisob-kitob qilish usullarini ishlab chiqishdan iborat.

Moliyaviy tahlilga oid iqtisodiy adabiyotlarni o'rganishlar ko'rsatdiki, savdo tashkilotlarining moliyaviy natijalarini ifodalovchi ko'rsatkichlar tizimi, aniqlash yo'llari va o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillarni tahlil qilish usullariga bag'ishlangan ilmiy ishlar bozor iqtisodiyotiga o'tish davrida O'zbekiston amaliyotida qo'llanilayotgan «Harajatlar tarkibi to'g'risida» Nizomga asosan etarli darajada yoritilmagan. Masalan, 2010 yili chop etilgan E.E.Ergeshevning [1] darsligida foyda miqdorining o'zgarishiga ta'sir qiluvchi uchta omilning ta'sirini hisob-kitob qilish usuli quyidagicha ko'rsatilgan:

- tovar aylanmasi hajmining o'zgarishi;
- yalpi daromad darajasining o'zgarishi;
- muomala harajatlari darajasining o'zgarishi.

Xorijiy iqtisodchi olimlarning savdo korxonalarini iqtisodiy tahlil qilishga bag'ishlangan ishlarida moliyaviy natijalarni ifodalovchi ko'rsatkichlar tizimi va ularni aniqlash usullari o'rganilmagan. Chunonchi, iqtisodchi olim M.S.Abryutinaning [2] o'quv qo'llanmasida «yalpi foyda bu – savdo ustamasi, savdo ustamasi esa hali daromad emas, chunki savdo ustamasidan muomala harajatlari ayirilsagina daromad hosil bo'ladi», deyilgan fikriga qo'shilmaymiz. Bu erda muallif ikki mustaqil toifa – foyda bilan daromadni almashtirib yuborgan. Yalpi daromad tovarlarning har ikki sotuv bahosi o'rtasidagi farq sifatida tarkib topadi.

Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida savdo korxonalarini faoliyatini tahlil qilishga bag'ishlangan V.A.Chernovning [3] darsligida faqat tovarlarni sotishdan tushgan foydaning o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillar tahlili berilgan.

Yuqorida qayd qilingan savdo korxonalarining moliyaviy natijalarini tadqiq etishga bag'ishlangan adabiyotlarda faqat tovarlarni sotishdan kelgan foydaning o'zgarishiga ta'sir qiluvchi omillarni tahlil qilish bilan cheklanganlik ko'zatiladi.

«Harajatlarni tarkibi to'g'risida»gi Nizomga asosan foydani turlari bo'yicha tahlil qilish usullari ishlab chiqilmagan. Shu sababli, ushbu ishda umumiy uslubiy taklif va tavsiyalarga yondashilgan holda, ilk bora savdo sohasining o'ziga xos xususiyatlar inobatga olinib, uning moliyaviy natijalarini ifodalovchi ko'rsatkichlarni hisoblash, baholash va tahlil qilish usullari ishlab chiqildi.

Xususan, korxonalarda tovarlarni sotishdan olingan yalpi foydani yalpi daromaddan faqat sotish harajatlarini chegirish orqali, asosiy faoliyatdan ko'rilgan foydani yalpi foydadan ma'muriy harajatlarni, asosiy faoliyatdan ko'rilgan boshqa harajatalarni, kekusida soliqqa tortiladigan bazadan chiqariladigan hisobot davri harajatlarini ayirish va asosiy faoliyatning boshqa daromadlarini qo'shish orqali aniqlashni tavsiya qilamiz. Ushbu tavsiyamizga «Harajatlarni tarkibi to'g'risida»gi Nizomda harajatlarni tasniflashning aniq ko'rsatilmaganligi asos bo'la oladi. Ushbu tasnifga ko'ra, muomala harajatlari davr harajatlari tarkibiga kiritilgan. Bu esa, ularni baholash va hajmini aniqlash imkonini bermagan. Muomala harajatlari va davr harajatlari ikki xil mustaqil iqtisodiy toifa bo'lib, mohiyati jihatdan bir-biridan farq qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Yergeshev Ye.E. Iqtisodiy va moliyaviy tahlil. – Toshkent, 2010. – 126 b.
2. Abryutina M.S. Ekonomicheskii analiz torgovoy deyatelnosti. – Moskva, 2000. – s. 95.
3. Chernov V.A. Ekonomicheskii analiz: torgovlya, obshestvennoe pitanie, turisticheskii biznes. Moskva, 2017. – s. 444.

MA'LUMOTLAR VIZUALIZATSIYA QILISH VA BOSHQARUV PANELI DIZAYNI


Tursunov Olimboy Panjiboy o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

olimtursunov02@gmail.com

Kalit so'zlar: Boshqaruv paneli dizayni, ma'lumotlar vizualizatsiya qilish va boshqaruv paneli dizayni vizualizatsiya, klaster vizualizatsiya, tahlil, graf, stat, model, diagramma, nat, animatsiya, 3D vizualizatsiya.

Business Intelligence (BI) - bu ma'lumotlarni amaliy tushunchalarga aylantirish amaliyoti bo'lib, yuqorida batafsil bo'xtalib o'tdik. Uning yordamida amalga oshirish mumkin bo'lgan tushunchalar biznes rahbarlariga biznes samaradorligini oshirish uchun aniq choralar ko'rish imkonini beradi.



1-rasm. Ish jarayonlarining tavsifi

Biznes intellekt jarayonlari ma'lumotlarni to'plash, modellar yaratish, so'rovlar bilan ma'lumotlarni tahlil qilish, diagrammalar kabi ma'lumotlar vizualizatsiyasini yaratish va biznes qarorlarini qabul qiluvchilar tomonidan foydalaniladigan hisobotlarni ishlab chiqarishni o'z ichiga oladi (3.1-rasm). BI jarayonlari ham operasion, ham strategik qarorlar uchun qo'llanilishi mumkin.

- **Ma'lumotlarni to'plash.** Ma'lumotlar ombori tarkibini qaror qabul qilishga turtki bo'ladigan ma'lumotlarga aylantirish murakkab jarayon bo'lib, uni to'rtta asosiy bosqichga ajratish mumkin:

- **Ma'lumotlarni tanlash.** Ma'lumotlar ombori turli xil ma'lumotlarni o'z ichiga oladi, lekin ularning hammasi ham ma'lumotlarni qidirish maqsadiga erishish uchun kerak bo'lmaydi. Ma'lumotni qazib olish jarayonida birinchi qadam foydalaniladigan ma'lumotlar turlarini tanlashdir. Masalan, marketing ma'lumotlar bazalarida mijozlarning xaridlarini tavsiflovchi ma'lumotlar, demografik ma'lumotlar, turmush tarzi ma'lumotlari, aholini ro'yxatga olish va davlat moliyaviy ma'lumotlari va boshqalar mavjud. Mahsulotlarni do'konning javonlariga qanday joylashtirishni aniqlash uchun marketing bo'yicha menejer faqat xaridorlarning xaridlari haqidagi ma'lumotlarni demografik ma'lumotlar bilan birlashtirishi kerak. Tanlangan ma'lumotlar turlari bir nechta jadvallar bo'ylab tartibga solinishi mumkin. Ma'lumotlarni tanlash bosqichining bir qismi sifatida jadvallarni birlashtirish IBMs DataJoiner kabi dasturlar yordamida amalga oshirilishi kerak bo'lishi mumkin. Bundan tashqari, kerakli ma'lumotlar bazasi jadvallarini tanlagandan keyin ham foydali ma'lumotlarni aniqlash uchun har doim ham butun jadval tarkibidagi axborotni qazib


olish kerak emas. Muayyan sharoitlarda va ma'lumotlarni qazib olish operatsiyalarining ayrim turlari uchun, masalan, tasniflash yoki bashorat qilish modelini yaratishda, nisbatan arzonroq usul – avval jadvalni tanlab olish va keyin namunani qazib olish yetarli bo'lishi mumkin.

Ma'lumotlarni o'zgartirish. Ma'lumotlar bazasining kerakli jadvallari tanlab olingandan va qazib olinadigan ma'lumotlar aniqlangandan so'ng, odatda ma'lumotlarga ma'lum transformatsiyalarni amalga oshirish kerak bo'ladi. O'zgartirishlar turi bajarilgan ma'lumotlarni qidirish operatsiyasi turiga va foydalanilgan ma'lumotlarni qazib olish texnikasiga qarab belgilanadi. Transformatsiyalar ma'lumotlarning bir turini boshqasiga o'tkazishdan tortib, masalan, nominal qiymatlarni neyron tarmoq tomonidan qayta ishlanishi uchun raqamli qiymatlarga aylantirish, yangi atributlarni, ya'ni olingan atributlarni aniqlashgacha o'zgaradi. Yangi atributlar bir yoki bir nechta ma'lumotlar bazasi atributlarining qiymatlariga matematik yoki mantiqiy operatorlarni qo'llash orqali aniqlanadi. Masalan, atribut qiymatlarining natural logarifmini olish yoki ikkita atributning nisbatini belgilash. Tanlangan ma'lumotlarni o'zgartirish uchun IBM ning Query Management Facility (QMF) yoki Intelligent Decision Server kabi mahsulotlardan foydalanish mumkin.

Ma'lumotlarni ajratib olish. O'zgartirilgan ma'lumotlar keyinchalik kerakli turdagi ma'lumotni olishga harakat qilish uchun bir yoki bir nechta texnikadan foydalangan holda qazib olinadi. Masalan, jurnal obunachisi o'z obunasini uzaytirish yoki uzaytira olmasligini bashorat qiladigan aniq, ramziy tasniflash modelini ishlab chiqish uchun avval obunachilar ma'lumotlar bazasini segmentlarga bo'lish uchun klasterlashdan foydalanish kerak, so'ngra har bir kerakli klaster uchun tasniflash modelini avtomatik ravishda yaratish uchun qoida induksiyasini qo'llash kerak. Muayyan ma'lumotlar to'plamini qazib olishda, ombordan qo'shimcha ma'lumotlarga kirish va/yoki dastlab tanlangan ma'lumotlarga qo'shimcha o'zgartirishlar kiritish kerak bo'lishi mumkin.

Natija talqini. Keyin olingan ma'lumotlar oxirgi foydalanuvchining qarorlarini qo'llab-quvvatlash maqsadiga qarab tahlil qilinadi va eng yaxshi ma'lumotlar aniqlanadi va qaror qabul qiluvchiga qarorlarni qo'llab-quvvatlash tizimi orqali taqdim etiladi. Shuning uchun natijalarni talqin qilishning maqsadi nafaqat ma'lumotlarni qazib olish operatsiyasining natijasini vizual (grafik yoki mantiqiy) ko'rsatish, balki qaror qabul qiluvchiga qarorlarni qo'llab-quvvatlash tizimi orqali taqdim etiladigan ma'lumotlarni filtrlashdir. Misol uchun, agar ma'lumotlarni qidirish maqsadi tasniflash modelini ishlab chiqish bo'lsa, natijalarni sharhlash bosqichida olingan modelning mustahkamligi o'zaro tekshirish kabi o'rnatilgan test usullaridan biri yordamida tekshiriladi. Agar sharhlangan natijalar qoniqarli bo'lmasa, ma'lumotlarni qidirish bosqichini takrorlash yoki boshqa bosqichlarni takrorlash kerak bo'lishi mumkin. Bu ma'lumotlarni qazib olish orqali olingan ma'lumotlar oxir-oqibat tushunarli bo'lishi kerakligining sabablaridan biridir. Muayyan operatsiyani bajarayotganda, ko'pincha ilgari amalga oshirilgan ma'lumotlarni qidirish operatsiyalarini qayta ko'rib chiqish zarurligini topadi. Misol uchun, transformatsiya natijalarini ko'rsatgandan so'ng, qo'shimcha ma'lumotlarni tanlash kerak bo'lishi mumkin, bu holda ma'lumotlarni tanlash bosqichi takrorlanadi. Turli ma'lumotlarni qazib olish operatsiyalari o'rtasida

tegishli qayta aloqa bosqichlari bilan ma'lumotlarni qazib olish jarayoni 2-rasmda ko'rsatilgan.




2-rasm. Turli ma'lumotlarni olish operatsiyalari o'rtasida tegishli qayta aloqa bosqichlari bilan ma'lumotlarni tahlil qilib olish jarayoni

1. Modellar yaratish. Bu, birinchi navbatda, avtomatik modellarni ishlab chiqish usullarining ko'payishi tufayli eng ko'p qo'llaniladigan jarayon hisoblanadi. Ushbu jarayondan maqsad tarixiy ma'lumotlarni, ya'ni o'tmish haqidagi ma'lumotlarni aks ettiruvchi ma'lumotlar bazasi tarkibidan kelajakdagi xatti-harakatlarni bashorat qila oladigan modelni avtomatik ravishda yaratish uchun foydalanishdir. Misol uchun, moliyaviy tahlilchi ma'lum bir aktivning investisiya daromadini bashorat qilishdan manfaatdor bo'lishi mumkin, shunda u uni o'zi yaratayotgan portfelga qo'shish yoki qo'shmaslikni aniqlashi mumkin. Marketing bo'yicha menejer ma'lum bir iste'molchi qiziqtirgan mahsulot brendini o'zgartiradimi yoki yo'qligini bashorat qilishdan manfaatdor bo'lishi mumkin. Model yaratish an'anaviy ravishda statistik usullardan foydalangan holda amalga oshiriladi. Ushbu qadamda ma'lumotlarni qazib olish texnikasining qo'shilgan qiymati ularning tushunarli va tushuntirilishi mumkin bo'lgan modellarni yaratish qobiliyatidadir, chunki ko'plab ma'lumotlarni qazib olish modellashtirish usullari modellarni "If...then..." qoidalari to'plami sifatida ifodalaydi.

2. Ma'lumotlarni tahlil qilish. Modellashtirish operatsiyasining maqsadi ma'lumotlar bazasi tarkibini tavsiflovchi umumlashtirilgan tavsifni yaratish bo'lsa, ma'lumotlarni tahlil qilishning maqsadi ma'lumotlar bazasidagi yozuvlar o'rtasidagi munosabatlarni o'rnatishdir. Masalan, chakana savdo menejeri odatda qanday mahsulotlar birgalikda sotilishini aniqlashdan manfaatdor. Ya'ni, masalan erkaklar ko'ylaklari bo'yinbog' va erkaklar atirlari bilan birga sotiladi, shunda u do'konga qanday narsalarni sotib olishni o'zi hal qiladi. U bo'yinbog' va atirlar sotib olishni xohlashi mumkin va u bu narsalarni qanday joylashtirishni hal qilishi kerak bo'ladi. Ya'ni, do'konning erkaklar ko'ylaklari bo'limi yaqinida bo'yinbog' va atirlar


qo'yilishi kerak. Bog'lanishni tahlil qilish nisbatan yangi operatsiya bo'lib, uni keng miqyosda qo'llash va avtomatlashtirish faqat yaqinda ishlab chiqilgan ma'lumotlarni qazib olish texnikasi orqali mumkin bo'ldi.

3. Ma'lumotlar vizualizatsiyasini yaratish. Ma'lumotlarni tahlil qilish usullariga vizualizatsiyaning turli shakllarini qo'shish kerak, ular ma'lumotni avtomatik ravishda chiqarib olmasa ham, foydalanuvchiga ma'lumotlarda yashiringan naqshlarni aniqlashda, shuningdek, boshqa usullar bilan olingan ma'lumotlarni yaxshiroq tushunishda yordam beradi. Vizualizatsiya tahlilchilarga ma'lumotlar bazasidagi ma'lumotlarning vizual xulosalarini taqdim etadi. Bundan tashqari, boshqa ma'lumotlarni qidirish usullari yordamida olingan ma'lumotni tushunish usuli sifatida ham foydalanish mumkin. Ma'lumotlar bazalaridagi raqamlarning satrlari va ustunlarini skanerlash orqali aniqlash qiyin bo'lgan xususiyatlar ko'pincha grafik jihatdan ko'rib chiqilganda aniq bo'ladi. Ma'lumotni qazib olish foydalanuvchiga ko'rsatiladigan ma'lumotlar turini, shuningdek, ishlatiladigan vizualizatsiya usulini tez va oson o'zgartirishga imkon beradigan interaktiv vizualizatsiya usullaridan foydalanishni talab qiladi (masalan, gistogramma displeydan tarqalish diagrammasi yoki Parallelga o'zgartirish). Vizualizatsiya ma'lumotlarning nisbatan kichik to'plamiga tegishli bo'lgan hodisalarni payqash uchun ayniqsa foydalidir va shuning uchun statistik testlardan foydalanilganda qolgan ma'lumotlar tomonidan "g'arq bo'lib ketadi", chunki bu testlar odatda global xususiyatlarni tekshiradi. Vizualizatsiyadan foydalanishning afzalligi shundaki, tahlilchi g'ayrioddiy yoki qiziqarli narsani payqash uchun qanday turdagi hodisani qidirayotganini bilishi shart emas. Misol uchun, statistik testlar bilan tahlilchi juda aniq savollarni berishi kerak, masalan, "ma'lumotlar ushbu shartga mos keladimi?". Ko'pincha, tahlilchi misollar to'plami yoki atribut haqida g'ayrioddiy yoki o'ziga xos narsalarni kashf qilishni xohlaydi. Biroq, u juda chuqur yo'naltirilgan savollarni berishi kerak, masalan, "tarqatish noto'g'rimi?" yoki "bu qiymatlar to'plami Puasson taqsimotiga mos keladimi?". Garchi ma'lumotlarning ma'lum bir tarzda g'ayrioddiylikini aniqlash uchun faqat testlar mavjud bo'lsa-da, hech bir umumiy statistik test "ushbu misollar to'plamida g'ayrioddiy narsa bormi?" dyegan savolga javob bera olmaydi. Vizualizatsiya buni qoplaydi; odamlar vizual tarzda ko'rsatilgan ma'lumotlardagi hodisalarni aniq payqashadi, chunki ular g'ayrioddiy bo'lib ko'rinib turadi. Ma'lumotni qazib olish natijasini tahlil qilishi yoki sharhlashi kerak bo'lgan oxirgi foydalanuvchining mahorat darajasiga qarab, buni hisobga olish uchun yakuniy vizualizatsiya usulini qo'llash kerak. 39-rasmda klasterlash jarayoniga misol keltirilgan. Ko'rinib turibdiki, bunday natija keyingi talqin qilish uchun juda malakali tahlilchiga taqdim etilishi kerak.



3 – rasm. Klaster vizualizasiya

Keyingi rasmda (3.4-rasm) qaror daraxtining natijalari keltirilgan. Klasterlash vizualizasiyasiga nisbatan qaror daraxti tushunishga osonroq, ammo oxirgi foydalanuvchi tomonidan qaror qabul qilish uchun ancha murakkablik qiladi.




4-rasm. Qaror daraxti

Agar, masalan, ma'lumotlarni qidirish jarayonining natijasi tezkor qarorlar qabul qilish uchun ishlatilsa, boshqa vizualizasiya usullari qo'llanilishi kerak. Muayyan chegaralar asosida qaror qabul qilish uchun svetofordan foydalanish oddiy texnikadir. Yashil svetofor qiymat diapazonda ekanligini ko'rsatish uchun ishlatiladi, sariq qiymatga biroz e'tibor berish kerakligini, qizil esa harakat qilish kerakligini bildiradi.

Ma'lumotlarni vizualizasiya qilish ko'plab fanlar tomonidan vizual aloqaning zamonaviy ekvivalenti sifatida qaraladi. U ma'lumotlarning vizual tasvirini yaratish va

o'rganishni o'z ichiga oladi, ya'ni "ba'zi bir sxematik shaklda mavhumlashtirilgan ma'lumotlar, shu jumladan ma'lumotlar birliklari uchun atributlar yoki o'zgaruvchilar".

Ma'lumotlarni vizualizasiya qilishning asosiy maqsadi statistik grafikalar, syujetlar va axborot grafiklari orqali ma'lumotlarni aniq va samarali tarzda etkazishdir. Raqamli ma'lumotlar miqdoriy xabarni vizual ravishda etkazish uchun nuqtalar, chiziqlar yoki chiziqlar yordamida kodlangan bo'lishi mumkin. Samarali vizualizasiya foydalanuvchilarga ma'lumotlar va dalillarni tahlil qilish va fikr yuritishga yordam beradi. Bu murakkab ma'lumotlarni yanada qulayroq, tushunarli va foydalanishga yaroqli qiladi. Foydalanuvchilar o'ziga xos tahliliy vazifalarga ega bo'lishi mumkin, masalan, taqqoslash yoki sababni tushunish va grafikning dizayn printsiipi (ya'ni, taqqoslashni ko'rsatish yoki sababni ko'rsatish) vazifani bajaradi. Jadvallar odatda foydalanuvchilar ma'lum bir o'lchovni qidiradigan joyda ishlatiladi, har xil turdagi diagrammalar esa bir yoki bir nechta o'zgaruvchilar uchun ma'lumotlardagi naqsh yoki munosabatlarni ko'rsatish uchun ishlatiladi. Ma'lumotlarni vizualizasiya qilish ham san'at, ham fandır. Ba'zilar uni tavsiflovchi statistikaning bir tarmog'i sifatida ko'rishadi, lekin boshqalar tomonidan asosli nazariyani ishlab chiqish vositasi sifatida qaraladi. Ma'lumotni yaratish tezligi oshdi. Internet faoliyati va atrof-muhitdagi sensorlar sonining ko'payishi natijasida yaratilgan ma'lumotlar, masalan, sun'iy yo'ldoshlar "Big Data" (Katta ma'lumotlar) deb nomlanadi. Ushbu ma'lumotlarni qayta ishlash, tahlil qilish va uzatish ma'lumotlarni vizualizasiya qilish uchun turli xil axloqiy va analitik muammolarni keltirib chiqaradi. Ushbu muammoni hal qilishda yordam berish uchun ma'lumotlar fanlari sohasi va ma'lumotlar olimlari deb nomlangan amaliyotchilar paydo bo'ldi.



5-rasm. Ma'lumotlarni vizualizasiya qilish ma'lumotlarni tahlil qilish va foydalanuvchilarga taqdim etish bosqichlaridan biridir.

Ma'lumotni vizualizasiya qilish - bu ma'lumotlar yoki ma'lumotlarni grafikadagi vizual ob'yektlar (masalan, nuqtalar, chiziqlar yoki chiziqlar) sifatida kodlash orqali uzatish uchun ishlatiladigan usullarni anglatadi. Maqsad foydalanuvchilarga ma'lumotni aniq va samarali etkazishdir. Bu ma'lumotlarni tahlil qilish yoki ma'lumotlar fanidagi qadamlardan biridir. Fridman (2008) fikriga ko'ra,

"ma'lumotni vizualizasiya qilishning asosiy maqsadi - grafik vositalar orqali ma'lumotlarni aniq va samarali tarzda etkazishdir. Bu ma'lumotlarni vizualizasiya qilish funktsional bo'lishi uchun zerikarli ko'rinishi yoki chiroyli ko'rinishi uchun juda murakkab ko'rinishi kerak degani emas. G'oyalarni samarali etkazish uchun estetik shakl va funktsionallik yonma-yon borishi kerak, bu esa juda siyrak va murakkab ma'lumotlar to'plamiga uning asosiy jihatlarini yanada intuitiv tarzda etkazish orqali tushuncha beradi. Biroq, dizaynerlar ko'pincha shakl va funksiya o'rtasidagi muvozanatga erisha olmaydilar, ular asosiy maqsadi - ma'lumotni uzatish uchun xizmat qilmaydigan ajoyib ma'lumotlar vizualizasiyasini yaratadilar.

Axborotni uzatish bilan cheklanib qolmasdan, yaxshi ishlab chiqilgan ma'lumotlarni vizualizasiya qilish ham ma'lumotlarni yaxshiroq tushunishning bir usuli hisoblanadi (ma'lumotlarga asoslangan tadqiqot nuqtai nazaridan), chunki u tendentsiyalarni aniqlashga, tushunchalarni amalga oshirishga, manbalarni o'rganishga va hikoyalar aytib berishga yordam beradi. Ma'lumotlarni vizualizasiya qilish axborot grafikasi, axborotni vizualizasiya qilish, ilmiy vizualizasiya, tadqiqot ma'lumotlarini tahlil qilish va statistik grafika bilan chambarchas bog'liq. Yangi ming yillikda ma'lumotlarni vizuallashtirish tadqiqot, o'qitish va rivojlantirishning faol sohasiga aylandi.

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, ma'lumotlarni vizualizasiya qilish - bu ma'lumotlar va ma'lumotlarning grafik tasviridir. Diagrammalar, grafiklar va xaritalar kabi vizual elementlardan foydalangan holda, ma'lumotlarni vizualizasiya qilish vositalari ma'lumotlardagi tendentsiyalarni, chegaralarni va istiqbollarni ko'rish va tushunishning qulay usulini taqdim etadi.

Katta ma'lumotlar (Big Data) dunyosida ma'lumotlarni vizualizasiya qilish vositalari va texnologiyalari katta hajmdagi ma'lumotlarni tahlil qilish va ma'lumotlarga asoslangan qarorlar qabul qilish uchun zarurdir.

Ko'zlarimiz ranglar va naqshlarga qaratiladi. Biz tezda qizilni ko'kdan, kvadratni doiradan ajratib olamiz. Bizning madaniyatimiz vizualdir, jumladan, san'at va reklamadan tortib, televizor va filmlargacha. Ma'lumotni vizualizasiya qilish bizning qiziqishimizni o'ziga tortadigan va xabarga e'tibor qaratadigan vizual san'atning yana bir shaklidir. Biz diagrammani ko'rganimizda, biz tezda tendentsiyalar va istiqbollarni ko'ramiz. Agar biror narsani ko'ra olsak, uni tezda o'z fikrimiz va aqlimizga olamiz. Agar katta hajmdagi ma'lumotlar jadvaliga qaragan bo'lsangiz va uni visual ko'rinishdagisi bilan taqqoslasangiz, vizualizasiya qanchalik samaraliroq ekanligini bilasiz.

"Big Data" asri yuqori tezlikda boshlangani sababli, vizualizasiya har kuni ishlab chiqariladigan trillionlab ma'lumotlar qatorini anglash uchun tobora asosiy vosita hisoblanadi. Ma'lumotni vizualizasiya qilish ma'lumotlarni tushunish uchun qulayroq shaklga aylantirish, istiqbollar va istisnolarni ta'kidlash orqali qarorlar qabul qilishga yordam beradi. Yaxshi vizualizasiya ma'lumotlardan qaror qabul qilishga xalaqit beruvchi shovqinni olib tashlaydigan va foydali ma'lumotlarga urg'u berib ko'rsatadi. Biroq, bu shunchaki grafikani chiroyli qilish uchun bezash yoki infografikaning "ma'lumot" qismiga ta'kid qilish kabi oson emas. Ma'lumotni samarali vizualizasiya qilish - bu shakl va funksiya o'rtasidagi nozik muvozanatlash harakatidir. Eng oddiy grafik har qanday xabarni ushlash uchun juda zerikarli bo'lishi yoki kuchli fikrni aytib

berishi mumkin; eng ajoyib vizualizasiya to'g'ri xabarni yetkazishda mutlaqo muvaffaqiyatsiz bo'lishi mumkin yoki u juda ko'p ma'lumot berib chalkashliklarga olib kelishi mumkin. Ma'lumotlar va vizual tasvirlar birgalikda tahlil qilinishi kerak.

Bugungi kunda ma'lumotni tushunarli tahlil qilishdan foyda ko'rmaydigan professional sanoat sohasini topish qiyin. Har bir fan, texnologiya, muhandislik va matematika sohalari ma'lumotlarni tushunishdan foyda ko'radi - hukumat, moliya, marketing, tarix, iste'mol tovarlari, xizmat ko'rsatish sohalari, ta'lim, sport va boshqalar. Biz har doim ma'lumotlarni vizualizasiya qilish haqida fikr yurisak, shubhasiz, amaliy, real hayot ilovalari mavjudligini ta'kidlashimiz joiz. Vizualizasiya juda sermahsul bo'lganligi sababli, u rivojlantirish uchun eng foydali professional ko'nikmalardan biridir. O'z fikrlaringizni ma'lumotlarni vizualizasiya qilib beruvchi dasturlarning asboblar panelida yoki slayd panelida vizual tarzda qanchalik yaxshi yetkazsangiz, bu ma'lumotlardan shunchalik yaxshi foydalana olasiz. Ko'nikmalar to'plamlari ma'lumotlarga asoslangan dunyoga moslashish uchun o'zgarib bormoqda. Mutaxassislar uchun qaror qabul qilish maqsadida ma'lumotlardan foydalanish va ma'lumotlar qachon, kim, nima, qachon, qayerda va qanday qilib ma'lumot berishi haqida hikoya qilish uchun vizual vositalardan foydalanishi tobora qimmatlidir. An'anaviy ta'lim odatda ijodiy hikoya qilish va texnik tahlil o'rtasida aniq chiziq tortsa-da, zamonaviy professional dunyo ma'lumotlar vizualizasiyasi tahlil va vizual hikoyaning o'rtasida joylashgan ikkalasini kesib o'ta oladiganlarni ham qadrlaydi.

Amaliyotda O'zbekistondagi "Korzinka" supermarketlar tarmog'ining marketing yutuqlarida aynan ma'lumotlar omborining vizualizasiya qilinishi natijasida istiqbollarni belgilash va qarorlar qabul qilishida juda ko'p misollar keltirsak bo'ladi. Misol uchun eng ko'p sotiladigan mahsulotlar va eng kam sotilayotgan mahsulotlarning visual ko'rinishi supermarket marketing bo'limida quyidagi qarorlarga olib kelgan: grill mahsulotining sotilish hajmi juda katta, ammo pamidor soklarining sotilishi juda past. Bunday vaziyatda pamidor soklarini grill sotib oluvchilarga aksiya sifatida bepul taklif qilib, uning tannarxini grillning odatiy narxini ko'tarib qo'yish orqali chiqarib olish hamda mahsulotning yaroqlilik muddati tugamasidan sotishga erishish orqali maksimal foyda olishni ta'minlashdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Fundamentals of Business Intelligence (Data-Centric Systems and Applications) 2015th Edition by Wilfried Grossmann (Author), Stefanie Rinderle-Ma (Author).

2. "Business Intelligence – Grundlagen und praktische Anwendungen: Eine Einführung in die IT" by Hans-Georg Kemper and Henning Baars.

3. David Loshin Morgan, Kaufman, "Business Intelligence: The Savvy Manager's Guide", Second Edition, 2012

4. Sharda, R., Delen, D. y Turban, E. (2014). Business Intelligence, A Managerial Perspective on Analytics. Boston: Pearson

5. Efraim Turban, Ramesh Sharda, Dursun Delen, "Decision Support and Business Intelligence Systems", 9th Edition, Pearson 2011

6. Bekmuradov A.Sh., Musaliyev A.A., Xashimxodjayev Sh.I. “Axborot biznesi”: O‘quv qo‘llanma. – T.: «IQTISODIYOT», 2019. – 160 b.).

MAMLAKATNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHIDA TO‘G‘RIDAN-TO‘G‘RI XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISHNING AHAMIYATI VA INVESTITSION MUHIT TA‘SIRI

Hayitova Anora Zafarovna

Jahon iqtisodiyoti va Diplomatika universiteti magistri

abcd3463@gmail.com

Annotatsiya

Mamlakat iqtisodiyotining ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning ahamiyati oshib bormoqda. Maqolada iqtisodiyotning tarkibiy o‘zgarishlarini yanada chuqurlashtirish maqsadida yetakchi sohalarga investitsiya, jumladan chet el investitsiyalarini jalb qilish zaruriyati o‘rganilgan bo‘lib, so‘nggi yillardagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish dinamikasi tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: xorijiy investitsiyalar, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar, investitsiya dasturi, kapital, modernizatsiyalash, investor.

Respublikamizda olib borilayotgan keng ko‘lamli investitsion islohotlar natijasi o‘laroq mamlakat investitsiya muhiti yanada yaxshilanmoqda, ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash ishlari olib borilmoqda hamda rekonstruksiya qilinmoqda, ortiqcha ishchi kuchi mavjud hududlarimizda yangi ish o‘rinlari tashkil etilmoqda. Bu o‘z navbatida xorijiy investitsiyalar, shuningdek, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda o‘zining ijobiy samarasini beradi. Chet el kapitalini jalb qilish niyatida ekanmiz, biz avvalo, bozor iqtisodiyoti islohotlarini yanada chuqurlashtirishimiz, investitsion muhitni bundanda yaxshilashimiz, respublikamiz investitsion jozibadorligini oshirishimiz, shuningdek, xorijiy investorlar uchun ishonchli huquqiy himoya va kafolatlarni ta‘minlashga alohida e‘tibor qaratishimiz lozim.

To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshiradi, uning jahon iqtisodiy tizimiga integratsiyalashuvida va tashqi savdo aylanmasi hajmining o‘shishida, eksport salohiyatining yanada rivojlanishida o‘z ijobiy ta‘sirini ko‘rsatadi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyaning o‘zi bu xorijiy kapitalning uzoq muddatli kiritilishi bo‘lib, investor tashkil qilayotgan firma aksiyalari yoki aksioner kapitaliga to‘la ega bo‘lish yoki kamida 10 foizi xo‘jalik faoliyatining ta‘sirchan nazorat qilinishini ta‘minlaydi (1-rasm). [1]

To‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar takibiga:

- ishlab chiqarish (asosiy va aylanma) fondlari, ularni kengaytirish, qayta qurish va qayta qurollantirishga qo‘tiladigan iqtisodiy resurslar;
- ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma xarajatlari (bino va inshootlar, uy-joylar);
- pul qiymatiga ega bo‘lgan nomoddiy aktivlar (qimmatli qog‘ozlar, patentlar, texnik va texnologik yangiliklar, loyihalar va boshqa intellektual mulk obyektlari) kiritiladi. [2]

**To`g`ridan-to`g`ri
xorijiy investitsiyalar**

Investorga investitsiya kiritilayotgan obyekt ustidan nazorat qilish huquqini beruvchi ishlab chiqarishga sarflangan uzoq muddatli xorijiy qo`yilmalar

Asosiy xususiyati

Pirovard maqsadi foyda ko`rinishida daromad olishga qaratilgan tadbirkorlik kapitalining ustuvor shakli

Keng tarqalgan shakli

Xususiy kapitalga asoslangan to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalar

Amalga oshirish asoslari

- a) xorijiy investorning investitsiya kiritilayotgan obyekt ustidan to`liq egalik qilishi;
- b) xorijiy investor tomonidan investitsiya kiritilayotgan obyekt ustav kapitalining 10% dan kam bo`lmagan qismi ustidan nazorat o`rnatishi;
- v) xorijiy investorning investitsiya kiritilayotgan obyektini boshqarishda samarali qatnashishi.

1-rasm. To`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalar xususiyatlari

Xalqaro investitsiya bozorida faol ishtirok etayotgan mamlakatlar tajribasi shuni ko`rsatdiki, milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalar boshqa turdagi investitsiyalarga qaraganda qator ustuvor jihatlari bilan ajralib turadi. To`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb etish orqali iqtisodiyotimiz quyidagi imkoniyatlarga ega bo`ladi:

- ishlab chiqarish miqdorini kengaytirish hamda ishlab chiqarishda eksportga mo`ljallangan mahsulotlar hajmini oshirish;
- ishlab chiqarishga zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy etib, eksportga mo`ljallangan mahsulotlarni ishlab chiqarishni rivojlantirish;
- texnik bazani modernizatsiya qilish, yuqori texnika va texnologiyalardan hamda ilmiy-texnik salohiyatdan yuqori darjada samarali foydalanish;
- xususiylashtirish imkoniyatlarining kengayishi orqali kichik va o`rta biznesning rivojlanishiga zamin yaratish;
- korxonalarining eskirgan ishlab chiqarish quvvatlarini, moddiy-texnika bazasini yangilash va texnik qayta kurollantirish;

- to'lov balansini yaxshilash, buning natijasida esa milliy valyuta kursi qadrini oshirish;
- tabiiy resurslarni qayta ishlovchi korxonalarni barpo etish;
- xalqaro bozorda o'z o'rniga ega bo'lgan raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish, xizmatlar ko'rsatish hamda intellektual faoliyatga taalluqli bo'lgan sohalarni kengaytirish va raqobatni kuchaytirish;
- sarmoyalarni qishoq xo'jaligiga yo'naltirish orqali, sohada ishlab chiqarishni oshirish;
- respublikaning ortiqcha ishchi kuchi mavjud hududlarida yangi ish joylarini tashkil etish orqali ishsizlikni kamaytirish;
- va boshqalar


Yuqorida keltirilgan imkoniyatlardan ko'rinib turibdiki investitsiyalar, avvalo, ustuvor tarmoqlarga, ya'ni neft va kimyo sanoati, transport, energetika, qurilish, telekommunikatsiya tarmoqlariga, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishga va ularni keng qayta ishlashga qaratilishi lozim. Shuni ham yodda tutish kerakki, xorijiy investorlar asosan iqtisodiy barqaror, shu bilan birga, investitsiya siyosati yaxshi olib borilayotgan mamlakatlarga o'z e'tiborlarini qaratishadi. Investitsiya siyosati iqtisodiyot samaradorligining oshishi, mahsulot va milliy daromad o'sishining ta'minlanishi bilan bog'liq bo'lgan sarmoya oqimining eng ustuvor yo'nalishlarini belgilaydi va olib borilayotgan islohotlarning samarali ijrosini ta'minlashda muhim o'rin tutadi. Investitsiya muhitiga salbiy ta'sir etuvchi omillar bo'lib siyosiy noaniqlik, soliqlarning yuqoriligi, makroiqtisodiy beqarorlik, korrupsiya va nomukammal huquqiy tartibga solish kabilar xizmat qiladi. Mamlakat ijobiy investitsiya imidjiga ega bo'lishi uchun o'zining jozibador investitsiya muhiti, real sektorida mavjud investitsion imkoniyatlari, e'tibortalab loyihalari, ko'plab potensial investorlari va shu kabi ko'plab investitsion ko'rsatkichlari to'g'risida xalqaro investitsiya bozori ishtirokchilariga ma'lumot berib borishi lozim.

Shuningdek, o'tgan yillar sarhisobini yurtsak, birgina 2020-yilning o'zida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning 22,1 %i tabiiy gaz ishlab chiqarish sohasidagi loyihalarni amalga oshirishga, 22,5 %i boshqa metall bo'lmagan mineral mahsulotlarni ishlab chiqarish, 9,3 %i qurilish ishlariga yo'naltirilgan. Shu bilan birga, eksport salohiyati yuqori bo'lgan mashinasozlik, elektrotexnika, metallurgiya, kimyo va farmatsevtika tarmoqlarida asosiy kapitalni shakllantirish uchun to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarning darajasi pastligicha qolganligi qayd etilgan. Buning sababi esa yuqoridagi sohalarda qulay investitsiya muhitining yaratilmaganligi, xususan, raqobat muhiti, xususiy mulk dahlsizligi, moliya bozorlari, ishlab chiqarish va bozor infratuzilmasida tizimli muammolarning mavjudligi bilan izohlanadi.

Davlatimiz tomonidan investitsiya siyosatini amalga oshirish maqsadida har yili investitsiya dasturlari qabul qilinadi. Bunda iqtisodiyotning tarkibiy o'zgarishlarini yanada chuqurlashtirish, yetakchi sohalarga investitsiya, jumladan chet el investitsiyalari jalb qilish, korxonalar investitsion faoliyatini rivojlantirish, modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash ishlarini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan investitsiyalarni, eng avvalo, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish ko'zda tutiladi. Shuningdek, investitsiya dasturi jalb

qilingan investitsiya va kreditlardan samarali foydalanish, iqtisodiyotimizning barqaror va bir tekis rivojlanishini ta'minlash, investitsiyaning moliyalashtirish manbalarini aniq belgilab olish kabilarni o'zida aks ettiradi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining 2023-2025-yillarga mo'ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qaroriga asosan markazlashgan va markazlamagan investitsiyalarni o'zlashtirishning yig'ma maqsadli ko'rsatkichlari belgilab berilgan. Bunda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya va kreditlarning kelgusi 3 yillikda 401,5 trln. so'm miqdorda bo'lishi prognoz qilindi. Shundan, 2023-yilda eng ko'p mablag' yangi qurilish (jamiga nisbatan 51,6%) ga yo'naltirish maqsad qilingan bo'lib, modernizatsiya va rekonstruksiya (8,2%) va boshqa yo'nalishlarga (40,2%) jami hisobda 55 436,3 million dollar to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya va kreditlar jalb qilingan holda amalga oshiriladigan investitsiya loyihalarining manzilli ro'yxati tasqilangan. [3]

Bugungi iqtisodiy globallashuv, investitsiya resurslarini qo'lga kiritish uchun kurash kechayotgan sharoitda mamlakatimiz yirik chet el investitsiya va kreditlarini keng ko'lamda jalb qilayotgan davlatlar orasida o'z o'rniga ega. Bunga sabab bo'lib mamlakatimizning oqilona investitsiya siyosati hamda samarali investitsiya dasturlarining ishlab chiqilganligi, jozibador investitsiya muhitiga egaligi, investitsiya imidjining yaxshiligi va shu kabilar hisoblanadi. 2018-2022-yillar mobaynida mamlakatimizda olib borilayotgan oqilona investitsiya siyosati natijasida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning, jumladan to'g'ridan-to'g'ri chet el investitsiyalarining o'sish sur'atlari qayd etilmoqda. Jumladan, oxirgi besh yillikdagi eng yuqori ko'rsatkich 2022-yilga to'g'ri kelib, iqtisodiyotimizga asosiy kapitalga jalb qilingan jami investitsiyalar hajmi 269,9 trln. so'mni, uning tarkibidagi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalari esa 37 trln. so'mni tashkil qilgan (2-rasm). [4]



2-rasm. O'zbekistonda asosiy kapitalga kiritilgan jami investitsiyalar hamda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmining o'zgarish dinamikasi (trln. so'm)

Qo'shimcha kapital jalb qilish, ishlab chiqarish va kapital samaradorligini oshirish, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, yangi ish o'rinlari tashkil etish va

ishchilar malakasini oshirish, samarali menejmentni tashkil qilish orqali ichki bozorni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning, asosan, to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalarning o`rni beqiyosdir. Demak, to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiya va kreditlarning tahlili orqali quyidagi xulosa va takliflarni ishlab chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- qulay investitsiya muhitini yaratish, investitsiya imidjini yaxshilash maqsadida investorlar uchun, investitsiya faoliyatini olib borish uchun qonun ustuvorligini ta`minlash, ishlab chiqarish va bozor infratuzilmasida tizimli muammolarni bartaraf etish hamda raqobat muhitini yaxshilash;
- investitsiyalarni keng ko`lamda jalb qilish maqsadida mamlakatimizning kam rivojlangan hududlarida infratuzilmalarini rivojlantirish dasturlari bajarilishi yuzasidan davlat monitoringini o`rnatish. Bunda, ayniqsa, telekommunikatsiya va mehmonxona xo`jaligi sohalarini rivojlantirishga alohida e`tibor berish maqsadga muvofiqdir;
- to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalarning yuqori texnologiyali va inson kapitaliga faol yo`naltirish. Mamlakatda yuqori darajadagi inklyuziv o`shishga erishish va kambag`allik darajasini qisqartirish kabi maqsadlarga erishish uchun ham chet el kapitalini ijtimoiy samara beradigan sohalarga yo`naltirish masalalariga alohida urg`u berish lozim.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, chet el kapitalini jalb etmay turib, mamlakatga investitsiyalar oqimini yo`naltirmay turib rivojlanib bo`lmaydi. Shu nuqtai nazarda, mamlakatimizda chet el investitsiyalarini, jumladan to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish borasida faol investitsion siyosat olib borilmoqda, investitsiya dasturlari ishlab chiqilmoqda, chet el investorlari huquqlari kafolatlanmoqda. Bu esa, o`z navbatida, chet el sarmoyadorlarining e`tiborini tortish bilan birgalikda mamlakatimiz tomon yo`naltirilayotgan xorijiy investitsiyalar hajmining ortishiga, o`zlashtirilayotgan investitsiyalarning tarkibida to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiya va kreditlar ulushi o`shishiga xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O`quv qo`llanma. –T.: “Moliya”. 2010-yil, 19-bet.
2. Mamatov B.S., Xujamkulov D.Y., Nubekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. –T.: “Iqtisod-Moliya”. 2014-yil, 120-bet.
3. <https://www.lex.uz> (O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma`lumotlari milliy bazasi)
4. <https://www.stat.uz> (O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi rasmiy sayti).
5. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-459 sonli “O`zbekiston Respublikasining 2023-2025-yillarga mo`ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi Qarori

MEHNAT BOZORIDA YOSHLARNING ISH BILAN BANDLIGINI TA'MINLASH.

Xuvaydullayeva Iroda Xusniddin qizi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil tadqiqotchisi
xuvaydullayevairoda@mail.ru

Annotatsiya

Aholini ish bilan ta'minlash inson ijtimoiy rivojlanishining eng muhim jihatlaridan biri bo'lib, u mehnat masalalari bilan bog'liq muammolarni hamda mehnatga bo'lgan taklif va talablarni qondirish yo'llarini ochib beradi. Shuning uchun bugungi kunda yoshlarni bandligini ta'minlash maqsadida mamlakatimiz yangi loyihalarni amalga oshirmoqda.

Kalit so'zlar: yoshlar bandligi, milliy iqtisodiyot, mehnat bozori, ishsizlik, yangi ish o'rinlari.

Iqtisodiy taraqqiyot va inson salohiyatini rivojlantirishda aholini ish bilan bandligi muhim omil hisoblanadi. Aholini ish bilan bandligini ta'minlash uning takror ishlab chiqarilishi uchun zarur shartdir. Chunki kishilarning turmush darajasi, iqtisodiyot sohalari va tarmoqlari uchun kadrlar tanlash, tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish, ishga joylashtirish, ishsizlarni moddiy va psixologik jihatdan qo'llab-quvvatlash uchun qilinadigan sarflar aholini ish bilan ta'minlanishiga bog'liqdir. Shuning uchun aholini ish bilan bandligini ta'minlashning ijtimoiy-iqtisodiy va tashkiliy jihatlarini tadqiq etish bugungi kundagi ijtimoiy-iqtisodiy muammo sifatida alohida ahamiyatga egadir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 19.01.2022 yildagi PQ-92-sonli qarorida "Yoshlar bilan ishlashning yangicha boshqaruv mexanizmlarini joriy etish, ular bilan ishlashning vertikal tizimini yaratish, yoshlar muammolarini bevosita mahallalarda hal etish, ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy va tarbiyaviy ishlarning samaradorligini yanada oshirish maqsadida:⁶⁸

3. mahallalarda yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, milliy xalq o'yinlari va sport turlarini yoshlar orasida ommalashtirish, besh muhim tashabbus loyihalari, yoshlar festivallari va boshqa madaniy-ma'rifiy tadbirlarni amalga oshirish;

4. yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish, iqtidori, iste'dodi va tashabbuslarini rag'batlantirish hamda hayotda o'z o'rnini topishlariga ko'maklashish, deb PQ belgilandi.

Yoshlarga Prezidentimiz tomonidan berilayotgan yuksak e'tiborni biz "Vazirlar Mahkamasining 07.06.2022 yildagi "2022-2023 yillarda O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish dasturini tasdiqlash to'g'risida"gi 310-son qarori qabul qilindi.⁶⁹ Unda Prezidentning 2021 yil 13 iyuldagi PF-6260-son⁷⁰

⁶⁸ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 19.01.2022 yildagi PQ-92-sonli qarori.

⁶⁹ Yoshlarga Prezidentimiz tomonidan berilayotgan yuksak e'tiborni biz "Vazirlar Mahkamasining 07.06.2022 yildagi qarori

⁷⁰ https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/2022-2023_yillarda_eshlarga_oid_davlat_siyosatini_amalga_oshirish_dasturi_tasdiqlandi

Farmoniga muvofiq yoshlar tomonidan ko'tarilgan taklif va tashabbuslar, muammo hamda masalalar yechimi yuzasidan har yili "Yoshlar kuni" arafasida hukumatning dasturi, shuningdek, Qoraqalpog'iston Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar, tuman va shahar hokimliklarining alohida hududiy dasturlari qabul qilinadi. Mazkur dasturlar yoshlarning bilim va kasb-hunar egallashi, ular uchun munosib ish va turmush sharoitini yaratish, bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlardan iborat bo'ladi" ko'rishimiz mumkin.

Akademik Q.Abdurahmonov tomonidan "...ish bilan bandlikning eng kam deganda to'rt ijtimoiy jihatini hisobga olish lozimligini, ish bilan bandlikning insonning Konstitutsiyada belgilab berilgan eng muhim huquqi – mehnat huquqi bilan mustahkam bog'liqligi, turmush darajasi va munosib hayot kechirish shart-sharoitlarini shakllantirishda ish bilan bandlik hal qiluvchi rol o'ynaydi. Aynan ish bilan bandlik mehnat faolligini oshirish, mehnatga qobiliyatli fuqarolar va ular oilalarining turmush darajasini oshirishning eng muhim kafolati, har kimning va umuman, jamiyat farovonligining negizi bo'lgan yuqori unumli mehnatning yangi omilini shakllantirish, aynan mehnat faoliyati insonni o'zgartiradi, uning kasbiy imkoniyatlarini ochib beradi va ko'paytiradi, shaxsning rivojlanishini rag'batlantiradi"⁷¹, iqtisodchi olimlardan I.M.Aliev, N.A.Gorelov, L.O.Ilinalar ushbu tushunchaga: "Ish bilan bandlik ijtimoiy-iqtisodiy hodisa sifatida fuqarolarning shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq hamda mehnatdan daromad (ish haqi) keltiruvchi ijtimoiy foydali mehnat sifatida namoyon bo'lishi mumkin"⁷¹ deb takidlangan.

Bugungi yoshlar eng bilimli avloddir. Biroq, ular mehnat bozoriga kirish va uni saqlab qolishda qiyinchiliklarga duch kelishmoqda. Ularning ko'pchiligi uchun ishga o'tish muammoli. Yoshlarning ish bilan ta'minlanishi iqtisodiyotning umumiy ahvoli va mamlakatdagi umumiy bandlik holati bilan bog'liq. Shu bilan birga, ularga yoshlarning ta'lim va ko'nikmalari, bu ko'nikmalarning mehnat bozoriga mosligi, yoshlarga ushbu ko'nikmalarni qo'llash va ulardan foydalanish imkoniyatlari ham ta'sir qiladi. Ushbu omillar o'rtasidagi nomuvofiqlik ishsizlik davrlari yoki past malakali va xavfli ish bilan bog'liq bo'lgan uzoq vaqt ish qidirishga olib kelishi mumkin. Bu esa yoshlarning o'zlariga, shuningdek, o'z mamlakatlari iqtisodiyoti va jamiyatlariga katta muammo bo'ladi.

Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va barqaror rivojlantirish istiqbollari xususiy sektorlarda asosiy ish o'rinlarini ta'minlovchi sifatida yoshlar uchun yangi va yaxshi ish o'rinlarini topishda muhim rol o'ynaydi. Shu munosabat bilan ko'plab mamlakatlarda alohida kompaniyalar yoki ish beruvchilar uyushmalarining mahalliy va milliy darajadagi tashabbuslari gullab-yashnamoqda. Bu tashabbuslar ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va institutsional kontekstga, yoshlarni ish bilan ta'minlash masalalariga, ma'lum bir mamlakatdagi biznes hamjamiyatining ehtiyojlari va imkoniyatlariga qarab turlicha bo'lishi shart. Biroq, umuman olganda, ular

2.Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 257

⁷¹ Экономика труда: учебник /И.М.Алиев,Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012. с.

kompaniyalar va ish beruvchilar yoshlar bandligiga e'tiborni kuchaytirayotganidan dalolat beradi.

Ushbu eng yaxshi amaliyot qo'llanma menejerlar va ish beruvchilar uchun mo'ljallangan. Bu yosh ishchilarni yollash va inklyuziv va qo'llab-quvvatlovchi ish muhitini yaratishda istiqbolli yondashuvni qo'llashning afzalliklarini tushuntiradi. Maktabdan ishga o'tish katta qadamdir. Oldinga fikrlaydigan ish beruvchilar yosh ishchilarning ish kuchiga o'tishlari va ishda ijobiy ishtirok etishlariga yordam berish muhimligini tushunishadi. Bu korxonalar biznes va uning xodimlarining ehtiyojlarini qondiradigan amaliy, qo'llab-quvvatlovchi va moslashtirilgan siyosatlarni amalga oshiradilar. Har bir ish joyi yosh ishchilarni yollashda ilg'or yondashuvdan foydalanishi mumkin.

Amalga oshirilgan tadqiqot natijalari asosida mehnat bozorida ijtimoiy mehnat munosabatlarida yoshlarni ish bilan bandligini ta'minlash bo'yicha quyidagi takliflar shakllantirildi:

6. Xalqaro tajribalar asosida mehnat bozorida ehtiyojlari asosida yosh kadrlarni tayyorlash tarkibini takomillashtirishga xizmat qiladigan ko'nikmalarni aniqlash va baholash tizimini ishlab chiqish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

7. Ta'lim muassasalarida malakali yosh kadrlarni tayyorlash, ilg'or tajriba va zamonaviy texnologiyalar asosida ularning malakasini oshirib boorish lozim.

8. Bilim, malaka va ko'nikmalarning samarali almashinuvini ta'minlaydigan milliy axborot va maslahat xizmatlari tarmog'ini rivojlantirish kerak.

9. Mehnat bozorida ilmiy izlanishlar olib borayotgan, yosh kadrlar tayyorlayotgan barcha turdagi davlat ilmiy-tadqiqot va oliy ta'lim muassasalarining o'zaro hamkorligini ta'minlash zarur.

10. Mehnat bozori ehtiyoji asosida mutaxassislarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish ishlarini samarali tashkil etish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan yangi o'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli farmoni. www.lex.uz
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Aholi bandligini ta'minlash bo'yicha olib borilayotgan ishlar natijadorligi va samaradorligini oshirishda mahalliy ijro hokimiyati va iqtisodiy kompleksning hududiy organlari rahbarlarining shaxsiy mas'uliyatini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-2960-sonli Qarori.2019 yil 6 may.www.lex.uz
3. Abdurahmonov Q.X, Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi.-T.: "FAN VA TEXNOLOGIYA", 2017, 536 b
4. https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/2022-2023_yillarda_eshlarga_oid_davlat_siesatini_amalga_oshirish_dasturi_tasdiqlandi
5. https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/2022-2023_yillarda_eshlarga_oid_davlat_siesatini_amalga_oshirish_dasturi_tasdiqlandi

MODELING BUSINESS PROCESSES IN MODERN BUSINESS INTELLIGENCE

Tursunov Olimboy Panjiboy o'g'li

student of Tashkent state university of economics

[*olimtursunov02@gmail.com*](mailto:olimtursunov02@gmail.com)

Abstract

This article discusses various methods of modeling business processes. Methodologies of modeling business processes, diagrams of information flows in business processes and selection and diagrams of alternatives occurring in the process were created. Types, models and sets of business processes were discussed.

Keywords: Business processes, business intelligence (BI) concept, business intelligence services, Business Intelligence (BI) architecture, data warehouse, business intelligence systems, Integrated information, modeling

Modeling of the company's business processes can be done in different ways. Special attention should be paid to object-oriented and functional approaches. Within the framework of the functional approach, the main structuring element is the function (movement), and the object-oriented approach is the object. At the entrance and exit of each, objects of different origin are indicated: material and information types, as well as used resources, organizational units. As part of the functional modeling methodology, structural diagrams of business processes and information flows are drawn up, a sequence of functions is shown, in which the selection of specific process alternatives is more complicated and there are no object interaction schemes. Functional modeling of business processes has important advantages - visibility and clarity at different levels of abstraction. This is especially important at the stage of introducing the created business processes to the company departments.

In the object-oriented approach, the modeling of business processes is built according to the following scheme: first, classes of objects are distinguished, and then the actions in which the objects must participate are determined. Objects can be active, that is, actions (organizational units, certain performers, information subsystems) and passive, actions are performed on them (we are talking about equipment, documents, materials). Object-oriented modeling of business processes reflects the objects, functions and events through which certain processes are performed. The object-oriented approach has a number of advantages, the main of which is the more precise definition of operations on objects, which leads to a reasonable solution to the problem of the appropriateness of their existence. We will also pay attention to the minus of the method. Specific processes for decision makers are less visible. But thanks to modern software products, it is very easy to present functional diagrams of objects. Complex business process modeling methodologies show the most promise. For example, thanks to ARIS technology, it is possible to choose the most optimal models according to the analysis goals.

Practical methods of modeling business processes

Now we can note the tendency to combine different methods of systems modeling and analysis. This manifests itself when creating integrated tools for

modeling business processes. One of them is a product of the German company IDS Scheer called ARIS - Integrated Information System Architecture. The ARIS system includes a set of tools that allow analysis and modeling of the company's work. The system is based on different modeling methods, which together reflect different views of the studied environment. The same model can be created using several methods. For this, experts with different levels of theoretical knowledge can use it for their own purposes and configure it to interact with systems with specific characteristics. The ARIS system supports 4 types of models that represent various objects of the studied system: To create the above-described types of models, they use their own ARIS modeling methods, as well as various well-known methods and languages - ERM, UML, OMT and they use others. When modeling business processes, first of all, each direction of the company's activity is considered separately. After all the aspects are developed, an integrated model is created that reflects all the relationships of the different parties with each other. In ARIS, models are diagrams consisting of various objects - "functions", "events", "structural units", "documents", etc. All kinds of relationships are established between objects. At the same time, each ob The project has its own attributes that allow you to enter additional information about it. Attribute values can be used in simulation or cost analysis. The main business model of ARIS is eEPC (extended event-driven process chain - event-driven business extended model of the process chain). In fact, it extends the capabilities of IDEF0, IDEF3 and DFD, it has its own advantages and disadvantages. Using a sufficient number of objects connected to each other by various types of links allows you to significantly increase the size of the model and make it makes it less readable. In EEPS, a business process is a flow of sequential activities (functions, procedures, activities) arranged in chronological order. In eEPC, the exact duration of the procedures is not clearly indicated, as a result of which situations may arise when one performer has to solve two tasks at the same time during the development of models. The logical symbols used in the simulation help to show the branching and linking of the process. To find out how long processes take, you need to use other description tools, for example, Gantt charts in the MS Project system.

Views of business intelligence on business processes

Event View: Focuses on events in a business process that are timestamped to start, timestamped to end, and, if necessary, timestamped to resume activity after interruption.

□ State view: in addition to the occurrence of events, the values of attributes measured in connection with events in the state view are called state variables.

□ Cross-sectional view: In this case, we study the history of many processes at a given reference time. Typically, this view considers information about events as well as values of state variables and summarizes information about processes to make decisions.

In the form of the event, the main attention is paid to the rules that determine the partial order of business processes in accordance with production prospects. This ordering of events determines the perspective of the management flow of the business process.




Figure 1. Data time

Figure 1 shows the recording of four events e_1 ... e_4 at the corresponding time stamps t_1 ; ...; t_4 specifies the partial order between these events. Note that in some cases, it is very difficult to accurately record the start and end events for an activity. For example, in medical manuals, it is often difficult to determine the onset of a disease, and we only have information about the time of diagnosis.

The last comment brings us to the second view of the business process, which emphasizes the results of the process activities. These results shift the focus from the business process to the relevant process entities. These entities can be customers, delivered goods or services, or a network of business partners.

Understanding the behavior of the subjects of this process is based on measurements called measurement variables. This concept suggests looking at the business process as a dynamic system. Obviously, the values of state variables change over time, either due to specific business processes or due to inherent variability of process entities. Consider, for example, the state of a person's health as measured by some medical parameter, or the change in the quality of a product due to aging. Understanding business change states as trajectories of such state variables is henceforth referred to as state views of the business process. Figure 1b shows four states of a single state variable, s_1 ; ...; s_4 received by the system at four points in time, i.e. t_1 ; ...; t_4 . Different bar heights represent different values of state variables, for example, if a patient is febrile, the height of the corresponding bar represents the temperature at a given time. The state view is sometimes blurred with the event view, because usually we need a business process to record or change the values of variables. For example, business applications need a customer account verification activity to retrieve the customer's financial status.

Event view and state view result in a data structure for observed instances, often referred to as transient data or timed data. A third perspective begins with the

observation that in most applications our primary interest lies in the sum of business process instances at a given point in time. Such meetings can be obtained from the event view or from the state view. About event views, we can consider the different activity instances that occurred during a given observation period, the total running time of those activities, or the resources consumed by those instances. From a state perspective, an assemblage can refer to the average state value for each instance over a period of observation or to the actual state of states. We call this view the business process view. The idea behind business process visualization is illustrated in Figure 1c. Note that looking at the states is taken at some time of T.

References

1. Fundamentals of Business Intelligence (Data-Centric Systems and Applications) 2015th Edition by Wilfried Grossmann (Author), Stefanie Rinderle-Ma (Author).
2. "Business Intelligence - Grundlagen und praktische Anwendungen: Eine Einführung in die IT" by Hans-Georg Kemper and Henning Baars.
3. David Loshin Morgan, Kaufman, "Business Intelligence: The Savvy Manager's Guide", Second Edition, 2012
4. Sharda, R., Delen, D. and Turban, E. (2014). Business Intelligence, A Managerial Perspective on Analytics. Boston: Pearson
5. fraim Turban, Ramesh Sharda, Dursun Delen, "Decision Support and Business Intelligence Systems", 9th Edition, Pearson 2011
6. Bekmuradov A.Sh., Musaliyev A.A., Khashimkhodzhayev Sh.I. "Information business": Study guide. - T.: "ECONOMY", 2019. - 160 p.).

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA “YASHIL IQTISODIYOT”NI JORIY ETISHNIG IJOBIY TA’SIRI VA AHAMIYATI

Xidirova Marg‘uba Rustamovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Korporativ boshqaruv kafedrasida katta o‘qituvchisi, PhD

m.xidirova@tsue.uz

Quybaqova Mohiniso Zokirjon qizi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistri

mkuybakova@mail.ru

Annotatsiya

Ushbu maqolada so‘nggi yillarda O‘zbekiston iqtisodiyotining baqqraror rivojlanishi uchun turli bo‘limlar, tarmoqlari va sohalari o‘rtasida o‘zaro mutanosiblikni taminlashda “Yashil iqtisodiyot”ning o‘rni va roli hamda bu borada mamlakatimizda bugungi kunda olib borilayotgan ishlar to‘g‘risida ma‘lumotlar keltirib o‘tilgan. Ekologiya va iqtisodiyotning o‘zaro ta‘siri, iqtisodiy ta‘sir, atrof-muhit va tadqiqot natijalari bo‘yicha faoliyat muhokama qilinadi. Ekologik xavflarni sezilarli darajada kamaytirish uchun iqtisodiyotda davlat ishtiroki yomonlashishi va mamlakatda ishlab chiqarishdan keladigan zararlarning oldini olish hamda “yashil iqtisodiyot”ning afzalliklari ta‘kidlangan.

Kalit sozlar: “Yashil” iqtisodiyot, muqobil energiya, “Yashil iqtisodiyot” konsepsiyasi, atrof-muhit, iqtisodiy o‘shish.

Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘shish sur‘atlarini ta‘minlash uchun barcha sohalarida “yashil” iqtisodiyot texnologiyalarini faol joriy etish 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi vazifalari doirasidagi maqsadlardan biri[1]. Shu nuqtai nazardan qaraganda, O‘zbekistonda "yashil" iqtisodiyotga o‘tish Strategiyasini amalga oshirishning ustuvor yo‘nalishlari etib iqtisodiyotning bazaviy tarmoqlarida energiya samaradorligini oshirish, energiya resurslari iste‘molini diversifikatsiyalash va qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish, iqlim o‘zgarishi oqibatlariga moslashish va ularni yumshatish, tabiiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish va tabiiy ekotizimlarni asrash, "yashil" iqtisodiyotni qo‘llab-quvvatlashning moliyaviy va nomoliyaviy mexanizmlarini ishlab chiqishlar belgilangan.

Avvalambor “yashil iqtisodiyot” tushunchasiga to‘xtalib o‘tsak, ilmiy tadqiqotlarda “Yashil iqtisodiyot” tushunchasi ilk marotaba 1989-yilda[2] qo‘llanilganligiga qaramasdan uning mohiyati hozirga qadar turlicha talqin etiladi. Ayrim manbalarda

“Yashil iqtisodiyot” mamlakat tabiatini yaxshilashga ko‘maklashuvchi iqtisodiyotning yangi tarmoqlari sifatida tadqiq qilinsa, ba’zi tadqiqotlarda “Yashil iqtisodiyot” tabiatga yordam beruvchi va foyda keltiruvchi yangi texnologiyalar, ekotizimlarsifatida o‘rganiladi, uchinchi guruh tadqiqotlarda esa “Yashil iqtisodiyot” – bu ekologik toza mahsulotlar yaratishga yo‘naltirilgan rivojlanishning yangi bosqichiga o‘tish, uning asosini sof yoki “Yashil” texnologiyalar tashkil etadi deyiladi. “Yashil iqtisodiyot” tushunchasining keng tarqalgan, nisbatan to‘liq ta‘rifi BMTning Atrof-muhiti muhofaza qilish dasturi (UNEP) tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, “Yashil iqtisodiyot” – bu “odamlar varovonligi va ijtimoiy tengligining yaxshilanishi, ekologik risklar va ekologik taqchilliklarni sezilarli darajada kamaytirish”ga olib keluvchi iqtisodiyotdir[3]. Mazkur tushunchaning mohiyatini yoritib berishda umumqabul qilingan yondashuvlar mavjud emasligi “Yashil iqtisodiyot” konsepsiyasi hali shakllanish bosqichida ekanligidan dalolat beradi.

Ushbu konsepsiya iqtisodiyot tarmoqlari, “Yashil iqtisodiyot” nazaryasi, tamoyillari yoki “yashil iqtisodiyot” siyosatiga nisbatan ham qo‘llanilishi mumkin. “Yashil iqtisodiyot” konsepsiyasining asosiy maqsadi barqaror iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash va investitsiyalarni oshirish bilan bir vaqtda atrof muhit muhofazasi va ijtimoiy integratsiya sifatini yaxshilash hisoblanadi[4]. Shu nuqtai nazardan qaraganda, mazkur maqsadga erishish uchun davlat va xususiy investitsiyalarni barqaror rivojlanishning ekologik va ijtimoiy omillarga keng miqyosda yo‘naltirish zarur bo‘ladi. “Yashil iqtisodiyot”ning maqsadi tabiiy resurslardan oqilona foydalangan salbiy ekologik ta‘sirlarni nisbatan kamaytirgan holda barqaror iqtisodiy o‘shishga erishishdir. “Yashil iqtisodiyot” haqida so‘z borar ekan, uni atrof-muhit bilan uzviy bog‘liq ekanligini unutmasligimiz lozim, aynan ekologiyaning tobora yomonlashib borishi butun insoniyatni ushbu global muammoning yechimini topishga undaydi. “Agar biz atrof-muhitga zarar yetkazmagan holda, “Yashil iqtisodiyot” o‘shishiga o‘z hissamizni qo‘shsak, dunyo bo‘ylab quyosh energiyasiga yo‘naltirilgan

investitsiyalarning ajoyib o'zgarishlari qanchalik ko'p narsalarga erishishimiz mumkinligini ko'rsatib bermoqda", deydi BMTning Atrof-muhit bo'yicha rahbari Erik Zolhaym.

Xalqaro hamjamiyatda "yashil iqtisodiyot" Strategiyasiga insoniyat rivojlanishiga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatuvchi ekologik, energetik, oziq-ovqat va iqtisodiy muammolarni hal etishga qaratilgan asosiy yechim sifatida qaralmoqda.

O'zbekistonning iqlim o'zgarishi bo'yicha Parij bitimiga qo'shilishi munosabati bilan issiqxona gazlarini qisqartirish va atrof-muhitga salbiy ta'sirni kamaytirish bilan bog'liq bo'lgan majburiyatlarni zimmasiga oldi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar strategiyasi doirasida 2019 yil uchun qabul qilingan davlat dasturining 250-bandida mazkur Strategiya ishlab chiqish ko'zda tutilgan[5].

"Yashil iqtisodiyot" konsepsiyasi tarafdorlari amaldagi iqtisodiy tizim aholi turmush darajasining yaxshilanishida muayyan ijobiy natijalarga olib kelganligiga qaramasdan takomil emas, deya hisoblashadi. Ekologiyaning buzilishi (iqlim, o'zgarishi, cho'llanish, bio xilma-xillikning yo'qotilishi), tabiiy kapitalning tugab borayotganligi, kambag'allik miqyosining ortib borishi, chuchuk suv oziq-ovqat, energiyaning yetishmasligi, odamlar va mamlakatlar o'rtasida tengsizlik kabi muammolar amaldagi iqtisodiy tizimning mukammal emasligi sabablidir.

Zamonaviy ekologiyaning bosh maqsadlaridan biri bo'lgan qayta tiklanish xususiyatiga ega manbalar va atrof-muhitga zararli bo'lgan chiqindilardan oqilona foydalangan holda olinadigan biogazlardan mamlakat iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishida keng foydalanishdir. Qayta tiklanuvchi energiya – bu atrof-muhit energiya oqimidan olinadigan energiya manbaidir. Bularga quyosh, shamol, suv, resurslari, geotermal manbalar, sanoat va munitsipal, qishloq xo'jalik chiqindilaridan olingan biogaz kiradi. Muqobil energiya manbalari shaharlarda birlamchi uglevodorodlar resurslarni tejash, mamlakat energetika xavfsizligini ta'minlashda katta rol o'ynaydi.

Sanoatda va binolarda energiya tejamkor texnologiyalardan foydalanish, transport tizimini rivojlantirish "Yashil iqtisodiyot" shakllanishida muhim o'ringa ega. Ushbu choralar nafaqat energiya sarfini kamaytirish orqali atrof muhitga zararli chiqindilar chiqarilishini kamaytiradi va energiyaga sarflanayotgan xarajatlar qisqarishiga olib keladi. Atmosferaga uglerod chiqarishda sanoatdan keyingi o'rinda turuvchi transport tizimida elektromobillar ishlab chiqarish (ularga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilmani rivojlantirish), jamoat transportini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Chiqindilarni qayta ishlash ularning ekologiyaga salbiy ta'sirini kamaytiradi, resurslarni tejash, mahsulot tannarxini kamaytirish, ish o'rinlarini yaratish imkonini beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, chuqur qayta o'ylab chiqilgan takliflar quyidagilardan iborat:

- 1) investitsiyaviy loyihalarning jozibadorligini oshirgan holda ishlab chiqish;
- 2) mamlakatimizga kiritilayotgan sarmoyalar tarkibida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning salmog'ini oshirish;
- 3) xususiy mulkchilik va tadbirkorlikni yanada rivojlantirish;
- 4) eksportga mo'ljallangan, chuqur qayta ishlangan tovar va mahsulotlarni ishlab chiqarishni rag'batlantirish;

5) soliq, bank-moliya tizimini chuqur qayta isloh qilish, samarasiz kredit va subsidiyalardan voz kechish;

6) mavjud resurslardan oqilonava samarali foydalanishni yo'lga qo'yish;

7) "yashil" energiyadan keng foydalanish bo'yicha hukumat va hududiy hokimliklar qarorlarini qabul qilish;

8) aholi va davlat energiya iste'molida energiya tezamor texnologiyalarni qo'llash bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqish;

9) "yashil" uy va binolar qurish bo'yicha amaliy taklif va ishlanmalar ishlab chiqish.

Xulosa qilib aytganda, kelajakda iqtisodiyot taraqqiyotini innovatsion texnologiyalarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Bu yo'nalishda esa muqobil energiya manbalaridan foydalanish alohida ahamiyatga ega. Demak, davlatimiz rahbarining yangi qarori asosida bu borada boshlangan ishlar miqyoslari yanada kengayadi, samaradorligi esa ortaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1]__Prezidentning 02.12.2022 yildagi «2030 yilgacha O'zbekiston Respublikasining «yashil» iqtisodiyotga o'tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida»gi [PQ-436-son qarori](https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/uzbekiston_qanday_qilib_yashil_iqtisodiyotga_utadi)
https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/uzbekiston_qanday_qilib_yashil_iqtisodiyotga_utadi

[2] Blueprint for a green economy: David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp

[3] Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др: ЮНЕП/ГридАрендаль,2011. С. 17

[4] Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др: ЮНЕП/ГридАрендаль,2011. С. 20

[5] <https://lex.uz/docs/-4168749?ONDATE=18.01.2019%2000>

O'ZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING RIVOJLANISHI

To'xtasheva Hilola Amrillo qizi,
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti magistranti
hilolatukhtasheva@gmail.com

Ilmiy rahbar: Zakirova Sayora Alimovna
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
o'qituvchisi, iqtisodiy fanlar nomzodi, Dotsent
Sayora.6262@mail.ru

Annotatsiya

O'zbekiston Respublikasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish dolzarb masalalardan biridir. Yalpi ichki mahsulotda tarmoq ulushini oshirish masalalari, soha rivojidadagi to'siq va cheklovlar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash mexanizmi, xorijiy mamlakatlar tajribasi o'rganildi. Bu borada kichik biznesning iqtisodiyotdagi o'rnini va rolini

oshirish, import o'rnini bosuvchi mahsulotlar turini kengaytirish, tez moslashuvchi, tez o'zgarib borayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining ishlab chiqarish zanjirini yaratish hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Kalit so'zlar: Biznes, tadbirkor, mahalliyashtirish dasturlari, harakatlar strategiyasi, YaIM, innovatsiyalar, hamkorlik aloqalari, axborot platformasi, yangi texnika va texnologiyalar, integratsiya, diversifikatsiya.

Mamlakatlar iqtisodiyotidagi ijobiy o'zgarishlarning asosi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning jadal rivojlanish darajasiga bog'liq. "Mamlakatimiz iqtisodiyotida xususiy mulkning roli va o'rnini tubdan oshirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish yo'lidagi to'siq va cheklovlarni bartaraf etish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirish, yalpi ichki mahsulotda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushini oshirish maqsadida, eksportga yo'naltirilgan tayyor mahsulot ishlab chiqarish hajmini yanada oshirishga qaratilgan keng iqtisodiy islohotlar amalga oshirilmoqda. O'zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi har yili ko'proq talab qilinadi. Davlat tomonidan kichik biznesni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish uchun bir qator qo'shimcha imkoniyatlar yaratilgan. Bunda, kichik biznesni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirishni ta'minlash maqsadida, oliy ta'lim muassasalarida "Biznes va tadbirkorlik" yo'nalishlari ochilgan. Bu yo'nalishlar orqali talabalarga biznesni boshqarish, moliyaviy hisob-kitob, marketing, korxonaning tashkiliy tuzilishi, xodimlarni tanlash va boshqarish, mahsulotni sotish va boshqa ko'plab mavzular o'qitiladi. Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kichik biznesni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni bilan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish maqsadida bir nechta qo'shimcha imkoniyatlar yaratilgan. Bundan tashqari quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilsa, mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlanishiga imkon yaratilgan bo'lar edi:

Birinchi navbatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining huquq va manfaatlarini himoya qilish, ushbu soha rivoji uchun yanada keng yo'l ochib berish maqsadida mavjud normativ-huquqiy bazani tanqidiy nuqtai nazardan qayta ko'rib chiqish, yangi qonun hujjatlarini qabul qilish lozim.

Ikkinchi ustuvor yo'nalish - kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyati uchun yanada qulay muhit yaratishdan iborat. Ma'lumki, so'ngi yillarda tadbirkorlik sohasida o'z ishini ochish uchun ruxsat olish, soliq, moliya va statistika organlariga hisobot topshirish masalalarini tartibga solish bo'yicha ancha ishlar qilindi va qilinmoqda. Ayni paytda kichik biznes subyektlarining energiya, gaz, suv va kanalizasiya, issiqlik ta'minoti va boshqa shu kabi muhandislik-kommunikasiya tarmoqlariga ulanishi yoki ularni qurishda ishtirok etishi uchun ruxsat olish tartib-qoidalarini soddalashtirish masalasi bo'yicha ham qo'shimcha chora-tadbirlar belgilanishi zarur.

Uchinchi muhim masala kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi uchun soliq va boshqa to'lovlar borasida qulaylik va yengilliklar yaratish bilan bog'liqdir.

To'rtinchidan, kichik biznes subyektlariga ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va texnologik yangilash uchun o'rta va uzoq muddatga mo'ljallangan kreditlar berish tizimini yanada takomillashtirish, mavjud muammolarning yechimi bo'yicha amaliy chora-tadbirlar ishlab chiqish zarur.

Beshinchidan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining tashqi iqtisodiy faoliyat sohasida ishtirok etishi, ularning eksport salohiyatini oshirish, mintaq va jahon bozorlariga chiqishini kengaytirish muammosini hal etishga jiddiy ahamiyat qaratish lozim.

Oltinchidan, yuqori texnologiyalarni talab etadigan iqtisodiyot tarmoqlarida innovatsion texnologiyalarga asoslangan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga keng yo'l ochib berish zarur. Ushbu soha nafaqat milliy iqtisodiyotning o'sish sur'atlarini jadallashtirish, balki bugungi kun uchun dolzarb hisoblangan aholini ish bilan ta'minlash va turmush darajasini oshirish masalalarini hal etishda ham yetakchi o'rin tutmoqda. Lekin shu bilan birga, bu borada ayrim muammolarga ham duch kelinmoqdaki, buning asosiy sababi kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatini boshlayotgan shaxslarning ishini nimadan boshlamoq kerakligi, uni qanday tashkil etish zarurligi va boshqarish sirlari haqida to'la tasavvurga ega emasligidadir. Mamlakatimizning strategik yo'nalishi jamiyat va fan oldidan ishlab chiqarishning barqaror rivojlanishini, xo'jalik boshqaruvini tubdan o'zgartirishni, xo'jalik yuritishning yangi usullarini izlash va uni kundalik hayotga tatbiq etishni ta'minlaydigan yangi iqtisodiy munosabatlar va g'oyalarni rivojlantirishni taqozo etmoqda. Buning uchun:

- moddiy ishlab chiqarish sohasiga tadbirkor va bilimli kishilarni ko'proq jalb etish va menejerlar, marketing, tadbirkorlik va bozor iqtisodiyoti bo'yicha keng ko'lamli chora-tadbirlarni amalga oshirish, turli mutaxassislariga har tomonlama bilim berish;

- hozirgi bozor iqtisodiyoti va raqobat muhitida raqobatbardosh ishlab chiqarish jarayonlarini shakllantirish muammolarini hal qiladigan yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash;

- mulkning ko'pchiligini rad etish; mulkchilikning turli shakllarini joriy etish va mahsulotlarni joylarda qayta ishlovchi kichik korxonalar tashkil etishni jadallashtirish;

- xususiy mulkdan kengroq foydalanish, xususiy yordamchi xo'jalikni rivojlantirish va qo'shma korxonalar qurishga o'tish;

- Xorijiy davlatlar bilan aloqalarni mustahkamlash va moliya-kredit, soliq va bank faoliyatini takomillashtirish va h.k. orqali bozor iqtisodiyoti sohasida davlat siyosatini boshqarish va ularning kapitalidan samarali foydalanish usullarini takomillashtirish.

Keyingi yillarda., zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida ko'pgina mamlakatlarda yirik korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar nisbatan ixcham bo'lib, kichik korxonalar to'liq ishlab chiqarishga erishdi. Keyingi yillarda yirik korxonalar soni qisqardi, kichik korxonalar soni keskin o'sdi. Binobarin, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish bozor iqtisodiyoti talablariga tez moslashib, innovatsiyalarga tez moslashib, bozor dinamikasi va bozor o'zgarishlariga moslashib, uning rivojlanishining asosi bo'lmoqda. Biznes - bu inglizcha so'z bo'lib tadbirkorlik faoliyati bo'lib, tadbirkorlik faoliyatiga erishish yoki boshqacha aytganda, odamlarga foyda keltirishni maqsad qiladi. "Tadbirkorlik" tushunchasi XVIII asrda shakllangan bo'lsa-da, uning rivojlanishi bizning davrimizda ham davom etmoqda. Tadbirkorlik faoliyatining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va rivojlanishi A.Smit, A.Turgo, P.Samuelsan, R.Xizrix, I.Shumpeterlar asarlarida atroflicha o'rganilgan.

Tadbirkorlikni rivojlantirishning nazariy va amaliy muammolari MDH mamlakatlari olimlari A.I.Arhipov, E.Forisov, A.V.Busigin, Yu.M.Osipova, M.A.Sajina va boshqalar tomonidan o'rganilgan. Wollening "Biznes entsiklopediyasi" kitobida u shunday deydi: "Tadbirkor - bu yangi ish, uni amalga oshirish va qandaydir ajoyib ishlarni qilish usuli". R.Xeyzrix va M.Piters: "Tadbirkor, ishbilarmon deganda biznes yuritishga qodir, buyuk ishlarga qodir, dadil, aldab, shunday qiladiki, odam tushuniladi". O'zbekistonda kichik korxonalar tashkil etish orqali mustaqil tadbirkorlar shakllandi. Kichik biznes sub'ektlari bozor iqtisodiyotining turli makroiqtisodiy sharoitlari va talablariga moslasha olganligi sababli ular ustuvor ahamiyatga ega. Iqtisodiyotning turli tarmoqlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish milliy iqtisodiyot barqarorligini ta'minlashning muhim makroiqtisodiy omillaridan biridir. So'nggi yillarda kichik biznesning o'sishini ularning mamlakat yalpi ichki mahsulotiga qo'shayotgan hissasi ortib borayotgani bilan izohlash mumkin. Mamlakatimizda rivojlangan davlatlar tajribasi asosida kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Ushbu qonun erkin raqobat uchun raqobatni kuchaytirish, turli mulkchilik shakllarini jahon andozalari darajasida qaror toptirishda muhim ahamiyatga ega. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari o'z faoliyatini yanada oshirish, jumladan, ishlab chiqarish hajmi va jahon bozorida raqobatbardoshligini ta'minlash, tashqi bozorlarni o'rganish, xorijiy hamkorlar topishi zarur. Iqtisodiy islohot jarayonini kichik biznes sub'ektlarining keng doirasi bilan qiyoslab, iste'molning hozirgi xilma-xilligi, chakana savdo shoxobchalari keng turdagi iste'mol tovarlari bilan to'ldirilganligini taqqoslab, kichik tadbirkorlik sub'ektlarining keng qamrovliligini ko'rsatadi. O'shandan buyon milliy iqtisodiyotda, xususan, yalpi ichki mahsulotda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi ortib bormoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik har yili mamlakatimiz iqtisodiyotida mustahkam o'rin tutayotgani buning dalilidir. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan viloyatda mahalliy ehtiyojlarni to'liq qondirish va ishlab chiqargan mahsulotlarni eksport qilish bo'yicha alohida tarmoqni rivojlantirish bo'yicha strategiya va "yo'l xaritalari" ishlab chiqilib, hayotga tatbiq etilmoqda. Bu jarayonlarning barchasi iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun mustahkam poydevor bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 20-oktabrdagi "2030-yilgacha barqaror rivojlanish sohasida Milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 841-son qarori.

2. N.T. Po'latov. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi o'rni va ahamiyati. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 2, 2017 yil

3. A.Boboev. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning hozirgi holati. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 2, 2017 yil

4. Sh.N.Oxunova. Mamlakatda barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali № 4, 2017 yil.

O'ZBEKISTONDA TA'LIM MUASSASALARIGA BERILAYOTGAN E'TIBOR VA TALABALARNI ILMIY FAOLIYATGA YO'NALTIRISH

Ataxanova Dilnura

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Xidirova Marg'uba Rustamovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Korporativ boshqaruv kafedrasida katta o'qituvchisi, PhD

m.xidirova@tsue.uz

Annotatsiya

Ushbu maqolada bugungi kunda yangi O'zbekistonda ta'lim berilayotgan e'tibor hamda talabalarning ilmiy faoliyatini tashkillashtirish uslublari tashkil etishda ilmiy ishlarning ahamiyati ko'rsatib o'tilgan. Talabalarni ilmiy faoliyatga yo'naltirish usuli sifatida ilmiy jamoatchilikka o'zini ko'rsatishga, ilmiy muhokamada, davra suhbatlarida tajriba orttirishga yordam berishi ta'kidlab o'tilgan.

Kalit so'zlar: *Ilmiy tadqiqot, ijodiy faoliyat, pedagogik texnologiya, Ilmiy ishlar, ilmiy yondashuv, metodik usul.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasida ta'limga alohida to'xtalib ta'lim sifatini oshirish – Yangi O'zbekiston taraqqiyotining yakkayu yagona to'g'ri yo'lidir deb takidlagani ta'limga davlat tomonidan alohida e'tibor qaralishini ko'ramiz. Yusuf Xos Hojib bobomiz aytganlaridek:

“Zakovat bor joyda ulug'lik bo'ladi,

Bilim bor joyda buyuklik bo'ladi”.

Shuning uchun ushbu sohada boshlagan islohotlarimizni davom ettirishimiz, ta'lim dargohlariga borib, o'qituvchi va murabbiylar bilan ko'proq muloqot qilib, o'quv-tarbiya ishlari sifatini oshirish bo'yicha ular qo'ygan masalalarni birgalikda hal etishimiz kerak. 2023 yilga yurtimizda “Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili”, deb nom berishni taklif qilaman deb ta'kidladi. Prezident parlamentga murojaatnomasida ta'lim masalasiga alohida urg'u qaratdi. Bu albatta o'sib kelayotgan yoshlarda ilmga bo'lgan qiziqishlarga keng yo'l ochildi desak mubolag'a bo'lmaydi.

«Ta'lim sifatini oshirish – Yangi O'zbekiston taraqqiyotining yakkayu yagona to'g'ri yo'lidir! Ushbu sohada boshlagan islohotlarimizni davom ettirishimiz, ta'lim dargohlariga borib, o'qituvchi va murabbiylar bilan ko'proq muloqot qilib, sifatni oshirish bo'yicha ular qo'ygan masalalarni birgalikda hal qilishimiz kerak deb ta'kidlab o'tkanlari bejiz emas bu bilan O'zbekistonning kelajagini ta'lim bilan qurishimizga yaqol misol bo'la oladi deb o'ylaymiz. Shu yurtda yashayotgan har bir insonning tinch va baxtli hayot kechirishi, uning sog'ligi joyida bo'lishi, yaxshi ta'lim olishi, oilasini tebratishi uchun qanday sharoit kerak bo'lsa, hammasini yaratib berishga harakat qilyapmiz va bu yo'ldan aslo to'xtamaymiz. Biz Yangi O'zbekistonni “ijtimoiy davlat” tamoyili asosida qurishni maqsad qilyapmiz. Buni Konstitutsiyada mustahkamlashimiz kerak.

Bugungi kunda oliy ta'lim muassasalari talabalarini yangicha tafakkurga ega, ijodiy fikrlovchi, yuksak ma'naviyatli qilib tarbiyalash o'quv muassasalarimiz oldida turgan eng dolzarb muammolar sirasiga kiradi. Bunday muammolarni hal etish ko'p jihatdan ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llaniladigan samarali usullar, vositalar va ularni shakllantirish yo'llariga ham bog'liq. Demak, ta'lim muassasalarida yoshlarni mustaqil ishlash faolligini boshqarishda professor-pedagog tomonidan ta'lim-tarbiya jarayonini uzluksiz ravishda barcha bosqichlarda amalga oshirishlariga bog'liq, deyish mumkin. Buning uchun ta'lim dargohlarida mustaqil ishlashga o'rganish tarbiyasini shakllantirishni dolzarb vazifa qilib qo'yimoq lozim. Pedagogik ta'limtarbiya tizimida har bir fan talaba-yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda ma'lum maqsadlar uchun o'z ta'sirini o'tkazadi. Talabalarni axloq qoidalari, fanlar bo'yicha bilimlarni baholash mezonlari, ichki tartib-qoidalari va nizomlari bilan belgilanadi. O'zbekistonda davlatning bu sohadagi siyosati va Ta'limni isloh qilish Konsepsiyasi O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan 1997 yil 29 avgustda qabul qilingan «Ta'lim to'g'risida»gi yangi tahrirdagi Qonun hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturida o'z aksini topdi. Ta'limning muhim tarkibiy qismi bo'lgan ilmiy tadqiqot inson dunyoqarashini o'zgartirish, nazariy g'oyalarni amaliyot bilan uyg'unlashtirish, jamiyat taraqqiyotini ilgarilashiga ta'sir qiluvchi omildir. Talabalarning ijodiy kuchlari va qobiliyatlarini yuzaga chiqaruvchi ilmiy faoliyat jarayonini takomillashtirish ularni yetuk mutaxassis sifatida shakllanishiga yordam beradi. Bu esa ilmiy tadqiqot faoliyatini tashkil qilish usullarini tahlil etish zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Talabalarning ilmiy tadqiqotini tashkil qilish masalalarini o'rganishda tarixiylik va mantiqiylik, analiz va sintez, umumlashtirish, taqqoslash kabi mantiqiy usullardan foydalanilgan.

O'zbekistonda "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunning yangi tahriri qabul qilinishi, fan, ta'lim va ishlab chiqarishning mutanosibligini ta'minlash mexanizmlaridan samarali foydalanishga e'tiborni kuchayib borayotganligi, mutlaqo yangicha mazmun va shakldagi Prezident maktablari, Ijod maktablari, yangi oliy o'quv yurtlari, nufuzli xorijiy universitetlarning filiallari, yetakchi xorijiy universitetlar bilan hamkorlikda qo'shma ta'lim dasturi bo'yicha kadrlar tayyorlash yo'lga qo'yildi. Oliy ta'limni 2030 yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasida bo'lajak mutaxassislarning o'z yo'nalishlarida tadqiqotchilik ko'nikma va malakalarga ega bo'lishi oliy ta'limni rivojlantirishning strategik vazifalari qatorida keltirilgan. V.V.Krayevskiy ilmiy tadqiqotlarni "tizimli, maqsadga muvofiq" hodisa sifatida ta'kidlaydi. Ijodning maxsus shakli bo'lgan ilmiy tadqiqot jarayoni o'ziga xos metodologik xarakterga ega. U subektning borliq hodisalarini qay darajada bilishida namoyon bo'ladi. Ilmiytadqiqot jarayonida subekt obektga faol, izchil ta'sir ko'rsatadi, yangilikni yaratadi yoki kashf etadi. Talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlariga yo'naltirish ikki yo'nalishda amalga oshirilishi mumkin: birinchisi, bevosita dars jarayonida: seminar, amaliy mashg'ulot darslarida muammoli darslarni tashkil etish, muammoli vazifalarni qo'yib, ularni yechishga undash, talabalarning mutaxassisligi yoki biror fan doirasida o'quv loyiha larini yaratishga erishish; – ikkinchisi, darsning mantiqiy davomi bo'lib, darsdan tashqari vaqtda o'quv-tadqiqot faoliyatini amalga oshirish: mustaqil ish, referat, kurs ishi, ilmiy, o'quv-tadqiqot ish larini bajarish, olimpiada va ko'rgazmalarda o'z chiqishlari va konferensiyalarda ilmiy maqolalari bilan ishtirok etish kerak. Qolaversa

konferensiyalar talabalarni ilmiy tadqiqot ishiga yo'naltirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ilmiy ishlar - (inglizchada academic conference) bu ilmiy faoliyatni tashkil etish shakli bo'lib, unda olimlar, tadqiqotchilar, talabalar o'z ishlarini taqdim etadilar va muhokama qiladilar. Konferensiyalar va boshqa ilmiy forumlarda qatnashish tadqiqotchi, talabalarga tadqiqotchiga ilmiy jamoatchilikka o'zini ko'rsatishga, ilmiy muhokamada, bahslarda tajriba orttirishga, nutqini charxlashga, ilmiy seminar va dissertatsiya himoyalari jarayonida nutq so'zlash va savollarga javob berishga tayyorgarlik ko'rishga yordam beradi. Shuningdek o'z ilmiy izlanishlarini ommalashtirish imkonini beradi. Yodda tutish kerakki, konferensiyalar va boshqa ilmiy forumlar, bu ma'lum bir fan sohasidagi masalalarni muhokama qilish, muammoni hal qilish yo'llarini birgalikda izlashdan iborat bo'lgan tadbiridir. Konferensiyalar turli shakllarda o'tkazilishi mumkin: jamoat hisobotlarni tinglash va ularni muhokama qilish uchun ma'lum bir joyda va ma'lum bir vaqtda yig'ilishadi; talabalar o'z ishlarini portalga joylashtiradilar, munozara masofadan turib ham amalga oshirilishini ko'rishimiz mumkin. Ilmiy ishlarga tayyorgarlik ko'rish talabalar uchun foydalidir, chunki talaba tadqiqot mavzusiga chuqurroq kirib boradi, yangi bilimlarni oladi. Turli shahar va ta'lim muassasalarida talabalar uchun ilmiy-amaliy konferensiya dasturi farq qilishi mumkin, ammo tadbirni tashkil etishning ma'lum tartibi mavjud, ular quyidagilardan iborat: kirish qismi, tadbirni ochish; konferensiya ishtirokchilarini tabriklash; ilmiy dokladlar; munozaralarning seksiya ya'ni bo'limlarga bo'lingan holda o'tkazilishi va shu asosda umumiy xulosa va takliflar beriladi. Har bir ma'ruzachiga uning ma'ruzasi uchun yarim soatgacha vaqt beriladi. Oxirgi ishtirokchining nutqidan so'ng, bo'limda munozara o'tkaziladi.

Barcha bo'limlarning ish natijalariga ko'ra umumiy natija sarhisob qilinadi. Ko'pincha ilmiy ishlarlar dasturlarida ekskursiyalar ham mavjud bo'ladi.

Shuni ta'kidlash lozimki, Ilmiy ishlarda qatnashish talabalarga ko'p imkoniyatlar beradi. Birinchidan, katta auditoriya, olimlar oldida ma'ruza qilish va o'z nuqtai nazarini himoya qilish tajribasiga ega bo'lishadi, ikkinchidan, muntazam nutqlar jarayonida talaba notiqlik qobiliyatlarni rivojlantira oladi, uchinchidan, xatolarni tuzatish, to'rtinchidan, savol-javoblar jarayonida noaniqliklar yoki shubhali fikrlarni ko'rsatiladi, beshinchidan, talaba tadqiqotda yo'l qo'yilgan kamchiliklarni aniqlash va tuzatish imkoniyatiga ega bo'ladi, oltinchidan, ommaviy tadbirlarda hamfikrlar orasida yangi do'stlar orttirishi mumkin, yettinchidan, kelajakda foydali bo'ladigan foydali hamkorlik va aloqalarga ega bo'lishi, shuningdek, tijoriy shartnomalar tuzish ham mumkin.

Ilmiy-amaliy konferensiyalar Ilmiy ishlardan farqli ravishda amaliy vazifalarni muhokama qilishga qaratilgan. Bunday anjumanlar talabalarga nazariyani amalda qo'llashni o'rganishga yordam beradi. Yosh tadqiqotchilarning ilmiy anjumanlarda ishtirok etishi ularning ishlari kengroq auditoriyaga yetib borishga erishiladi. Bu talabalarni nutqini yanada puxta ishlashga, ularning notiqlik qobiliyatlari charxlanishga olib keladi. Anjuman davomida talaba o'z ishini umumiy ilmiy jihatdan ko'ra oladi va o'zi uchun tegishli xulosalar chiqaradi. Oliy ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan an'anaviy talabalar konferensiyalari g'oyat muhim ahamiyatga ega. Shu orqali talabalarning ilmiy faoliyatga bo'lgan qiziqishi, layoqati aniqlanadi, talabalarning ilmga bo'lgan ishtiyoqi ortadi. "Ilmiy-tadqiqot faoliyati insonga o'z-o'zini anglash,

o‘z-o‘zini baholashga amaliy yordam beradi, ya’ni agar inson haqiqiy olim bo‘lishni istasa, o‘zining ehtiros va intilishlarini boshqarishi, oqilona, samarali va optimal qarorlar qabul qilishi, ezgulikka xizmat qiladigan evristik faoliyat bilan mashg‘ul bo‘lishi lozim. Bunday faoliyatning natijasi kashf qilish, yaratuvchanlik sifatida namoyon bo‘ladi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, oliy ta’lim sohasida davlat siyosatini amalga oshirish uchun bizning fikrimizcha, birinchidan, fan, ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish ta’lim sohasidagi innovatsiyalar va davlatning yoshlar masalasida faol siyosati hamda unga tayangan holda amalga oshirilgan islohotlar sezilarli natijalarni bermoqda; ikkinchidan, mamlakatimiz oliy ta’lim tizimini isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlarini yanada rivojlantirish, bunda oliy o‘quv yurtlarida qamrov darajasini kengaytirish hamda ta’lim sifatini oshirish, raqamli texnologiyalar va ta’lim platformalarini joriy etish, yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish, innovatsion tuzilmalarni shakllantirish, ilmiy tadqiqotlar natijalarini tijoratlashtirish, xalqaro e’tirofga erishish hamda boshqa ko‘plab aniq yo‘nalishlarni xorijiy tajribalar asosida qayta ko‘rib chiqish lozim. Uchinchidan, ayniqsa, ta’lim tizimidagi mavjud imkoniyatlarni saqlab qolgan holda, milliy ta’lim-tarbiya tizimiga asos solinib ta’lim sohasida yangilanish jarayoni boshlab yuborildi. Bu esa mamlakatimizda yuqori malakali milliy kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirishga xizmat qilayotganidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni Ta’lim to‘g‘risida. qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020 y., 03/20/637/1313-son)
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-son farmoni.// O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. Ilm-fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida (qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.10.2020 y., 06/20/6097/1431-son).
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. Ta’lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida (qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 07.11.2020 y., 07/20/4884/1484-son)
5. Бассейн Е.Ю. Творчество и эмпатий. // М. 1987, 2, с.54-66.
6. Байлюк В.В. Научная деятельность студентов: системный анализ. Издатель: ИНФРА-МВид издания: монографии. 2020.С.236

OBLIGATSIYALARNING YANGI O'ZBEKISTONDAGI ISTIQBOLLARI

Eshtemirov To'lqin Jovli o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

iamtulkinjovliyevic@gmail.com

Annatotsiya

Obligatsiyalarning turlari, baxolash va ularning o'ziga xos xususiyatlari ko'rib chiqildi. Mamlakatda obligatsiya chiqargan kompaniyalar tilga olindi. Qimmatli qog'ozlarga oid qonunchiligimizdagi hujjatlar ustida fikr olib borildi.

Kalit so'zlar: Obligatsiya, davlat, iqtisodiyot, investor, emissiya, qimmatli qog'ozlar, savdo maydonlari

Ma'lumki, mamlakatimiz o'zining o'sish su'ratlarini jadal davom ettirmoqda, birgina iqtisodiyot tarmog'iga e'tibor qaratadigan bo'lsak, qator iqtisodiy indekslarda sezilarli natija, samaradorlikni ko'rishimiz mumkin.

Erishilgan yutuqlarimiz zamirida esa oldimizga belgilab olgan oliy maqsadlarimiz yotadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" farmonida "milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash" deb belgilangan vazifalar bajarilishi ta'minlanayotganligini bilishimiz mumkin. Milliy bozor shakllantirishda ham bu vazifa bajarilishi ta'minlanishi kerak nazarimda. Mamlakatimizni rivojlantirishning Taraqqiyot strategiyasida eng ko'p urg'u berilgan jihatlardan biri bu "inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish" albatta davlatimizning iqtisodiy salohiyati qudratli darajaga yetsa inson manfaatlariga xizmat qiladi shubhasiz.

Mamlakatimizda iqtisodiyot, moliya va bank tarmoqlari doirasida qator o'zgarishlar yangi qonun loyihalari, yangiliklar amalga oshirilmoqda, lekin iqtisodiyotimizning eng og'riqli nuqtalaridan biri hisoblanadigan fond bozori, uning savdo maydonchali bo'lib hisoblanadigan aksiya, obligatsiyalar ommabop ko'rinishga kelib ulgurgani yo'q. Aslida fond bozori kabi tushunchalar yuqorida sanaganlarimiz iqtisodiyot, moliya va banklar bir qatorda tilga olinishi kerak.

Mamlakatimizda fond bozori faoliyatini, savdo maydonlarini to'g'ri tashkil etishda samarali chora tadbirlar, qonun loyihalari imzolanib amaliyotga joriy etilayotganligi jumladan bildirgan fikrimizni isbotlovchi O'zbekiston Respublikasining "“Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonuniga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish haqida” qonuni misol sifatida keltirib o'tishimiz mumkin. Unga ko'ra korporativ va infratuzilma obligatsiyalarini chiqarish “emitentning bunday obligatsiyalar chiqarish to'g'risida qaror qabul qilingan sanadagi o'z kapitali miqdori doirasida. Agar korporativ obligatsiyalar summasi emitentning o'z kapitali miqdoridan oshsa, emitent oshgan summa uchun ta'minot berishi shart” kabi shartlarga amal qilishi kerak. Korporativ obligatsiyalar chiqaruvchi emitent yuqoridagi shartga qo'shimcha tarzda “investorlarga tegishli mablag'larning emitentlar tomonidan to'lanishi bo'yicha to'lov

agentlari vazifasini bajaruvchi tijorat banklari ishtirokida chiqariladi” bo’ysunishi lozim.

Amaliyotga tatbiq etilgan qonun va hujjatlardan yana bir misol keltiradigan bo’lsak, O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Emissiyaviy qimmatli qog’ozlar chiqarilishini davlat ro’yxatidan o’tkazish, avval davlat ro’yxatidan o’tkazilgan qimmatli qog’ozlar chiqarilishiga o’zgartirishlar va (yoki) qo’shimchalar kiritish, avval davlat ro’yxatidan o’tkazilgan qimmatli qog’ozlar chiqarilishini bekor qilish bo’yicha davlat xizmatlarini ko’rsatishning ma’muriy reglamentini tasdiqlash to’g’risida” qarori ham qimmatli qog’ozlar, fond bozoriga bag’ishlangan normativ hujjat hisoblanadi. Uning maqsadi “Mazkur Ma’muriy reglament O’zbekiston Respublikasi hududida emissiyaviy qimmatli qog’ozlar chiqarilishini davlat ro’yxatidan o’tkazish, avval davlat ro’yxatidan o’tkazilgan qimmatli qog’ozlar chiqarilishiga o’zgartirishlar va (yoki) qo’shimchalar kiritish hamda avval davlat ro’yxatidan o’tkazilgan qimmatli qog’ozlar chiqarilishini bekor qilish bo’yicha davlat xizmatlarini (keyingi o’rinlarda — davlat xizmatlari) ko’rsatish tartibini belgilaydi” hamda “Ushbu Ma’muriy reglament talablari davlat qimmatli qog’ozlariga nisbatan tatbiq qilinmaydi” quyidagichadir.

Mavzu yuzasidan xalqaro adabiyotlar ustidan tahlil amalga oshirildi, natijada xorij Artur J. Keoun, Jon D. Martin, J. Uilliyam Petty professor-olimlari ham muallifligida chop etilgan “Moliya asoslari-Moliyaviy menejment mantiqi va amaliyoti” kitobida yuqorida tilga olingan olimlar obligatsiyalarni turlarga bo’lishgan va ajratilgan barcha turlarini izohlar orqali yoritilgan ushbu qo’llanmada, binobarin, subordinatsiya qilingan qarzlar, ipoteka obligatsiyalari, yevroobligatsiyalar va konvertatsiya qilingan obligatsiyalar kabilarga ajratilgan. Unda yuritilgan “subordinatsiyalangan obligatsiya talablari faqat da’volardan kiyin qanoatlantiriladi”, “Ipoteka obligatsiyasi - ko’chmas mulk garovi bilan ta’minlangan obligatsiya”, “Yevroobligatsiyalar boshqa turdagi qimmatli qog’ozlar emas. Bu oddiy qimmatli qog’ozlar, obligatsiya valyutasi denominatsiya qilingan. Bir mamlakatdan boshqa bir mamlakatda chiqarilgan obligatsiyalardir. Masalan, AQSh kompaniyasi tomonidan Yevropa yoki Osiyoda chiqarilgan obligatsiya hisoblanadi. Kreditorga asosiy qismi va foizlar AQSh dollarida to’lanadigan bo’lsa yevroobligatsiya hisoblanadi.”, “Konvertatsiya qilinadigan obligatsiyalar - bu oldindan belgilangan narxda firmaning aksiyalariga aylantirilishi mumkin bo’lgan qarz qimmatli qog’ozlari.” ushbu kitob mualliflari shu tarzda fikr yuritishadi.

Iqtisodiyotimiz rivojlanishi jadalligini ta’minlash, davlatimizning asosiy vazifasi sifatida qaraladi. Iqtisodiyot mamlakatning yuragi, banklar esa, uning qon tomiridir qabilada fikr yuritishadi. Agar shunday tasavurda fikr yuritsak, qimmatli qog’ozlar bozori, aksiya va obligatsiya savdo maydonlari haqida ham huddi shu kabi mulohaza yuritilishi kerak. Iqtisodiyotimizda muhim pozitsiyaga ega bo’lishi kerak. Hozirgi kunda buni amalga oshirish uchun sohada juda ko’p yangiliklar amalga oshirildi. Jumladan, Respublika Fond bozori raisligiga sobiq Gruzuya Markaziy qimmatli qog’ozlar depozitariysi Kuzatuv Kengashining raisi Georgi Otarovich Paresishvilini tayinlashdi. Ko’zlangan maqsad milliy bozorimizning chet tajribasi bilan uyg’unlashuvi, kadrlar malakasini oshirish kabilarga xizmat qiladi. Undan tashqari Respublika Fond Birjasining egalik ulushining 25 foizi Koreyaga tegishli ekanligiga

e'tibor qaratadigan bo'lsak, 2012 yil qabul qilingan ushbu qaror milliy fond birjamiz uchun zomonaviy texnik jihozlar bilan ta'minlanishiga xizmat qilgan.

Mamlakatimizda "Ma'suliyati Cheklangan Jamiyat" shaklida faoliyat yurituvchi subyektlar ham obligatsiya joylashtirish imkoniyatiga ega. Qonunchiligimiz bunga monelik qilmaydi. Hozirgi kunda Respublika fond birjasida obligatsiyalar joylashtirgan kompaniyalar mavjud ulardan "artel" va "biznes finans mikromoliya tashkiloti" M.CH.J lardir.

Qonunchiligimizda imzolangan normativ hujjatlar obligatsiya savdo maydonlari, umuman emitentlar uchun tor doirada erkinlarga ega ekanliklari. Ushbu tarmoq iqtisodiyotda eng muhim ro'l o'ynashi faol pozitsiyaga ega bo'lish davri yetib kelganligini anglatmoqda. Qonunlar orqali imkon qadar erkinlik berilsa, ushbu tarmoq aytish mumkin bo'lsa "gullashiga guvoh bo'lamiz. Obligatsiya kompaniyaning foaliyati uchun ayniqsa, inqiroz yoqasiga kelib qolgan kompaniyalar faoliyati uchun muhim ahamiyat kasb etadi. O'zini inqirozdan qutqaradi, sodda qilib aytadigan bo'lsak faoliyat yurituvchi sohasi qamrovini kengaytiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" farmonida "milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi, PF-60-son.

2. "“Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonuniga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish haqida” O'zbekiston Respublikasi Qonuni, 03.06.2015 yildagi, O'RQ-378-son.

3. "Emissiyaviy qimmatli qog'ozlar chiqarilishini davlat ro'yxatidan o'tkazish, avval davlat ro'yxatidan o'tkazilgan qimmatli qog'ozlar chiqarilishiga o'zgartirishlar va (yoki) qo'shimchalar kiritish, avval davlat ro'yxatidan o'tkazilgan qimmatli qog'ozlar chiqarilishini bekor qilish bo'yicha davlat xizmatlarini ko'rsatishning ma'muriy reglamentini tasdiqlash to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 06.10.2022 yildagi 572-son.

4. "Moliya asoslari-Moliyaviy menejment mantiqi va amaliyoti" kitobi, Artur J. Keoun, Jon D. Martin, J. Uilliyam Petty.

OLIY TA'LIM TIZIMI SIFATINI OSHIRISHDA MENEJMENT FUNKSIYALARINING O'RNI

Alimova Ruxsora Xamzayevna
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti
"Menejment" kafedrasida o'qituvchi-stajor
[*ruxsora_alimova@mail.ru*](mailto:ruxsora_alimova@mail.ru)

Annotatsiya

Mazkur maqolada oliy ta'lim tizimi sifatini oshirishda menejment funksiyalaridan foydalanish holati o'rganilgan, tahlil qilingan va oliy ta'lim tizimi sifatini oshirish yo'llari takliflari keltirilgan.

Kalit soʻzlar: Oliy taʼlim tizimi, sifatli taʼlim, menejment funksiyalari, sifat menejmenti, oliy taʼlim tizimini innovatsion boshqarish

Yangi Oʻzbekistonni qurishda oliy taʼlimni tizimli isloh qilishning ustuvor yoʻnalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak maʼnaviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga koʻtarish, oliy taʼlim tizimi samaradorligini oshirish, oliy taʼlimni modernizatsiya qilish, ilgʻor taʼlim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish dolzarb masala qatorida oʻz aksini topmoqda.

Taʼlim va tarbiya eng noyob kapital sifatida qadrlanayotgan bugungi sharoitda taʼlim natijalarini baholash samaradorligini oshirish va usullarini takomillashtirish mexanizmlarini joriy etish orqali barcha insonlar uchun sifatli taʼlim olish imkoniyatlari yaratilmoqda. Mamlakatimizda taʼlim-tarbiya sohasiga davlat siyosati darajasida alohida eʼtibor qaratilib kelinmoqda. Bu esa oʻz navbatida kadrlar tayyorlash sohasi oldiga taʼlim muassasalari faoliyati samaradorligini zamonaviy talablar asosida oshirish vazifasini qoʻymoqda.

Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha «Harakatlar strategiyasi»da «Oliy taʼlim muassasalari faoliyatining sifatini oshirish, ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni ragʻbatlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarni amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish»⁷² boʻyicha ustuvor vazifalar belgilangan. Bu esa, oliy taʼlim tizimi samaradorligini oshirishda menejment funksiyalaridan samarali foydalanishni taqozo etadi.

Taʼlim sifati taʼlim tizimi va taʼlim muassasasi faoliyatining shaxsiy, ijtimoiy va meʼyoriy talablarining real erishish mumkin boʻlgan natijalari bilan tavsiflanadi. Taʼlim muassasasida sifat menejmentini tashkil etish murakkab jarayonlardan biri hisoblanib, oliy taʼlim muassasasida oʻtilayotgan fanlarning nazariy yoki amaliy xususiyatga ega boʻlishidan qatʼiy nazar, doimo oʻzgarish va yangilanishda boʻladi.

Taʼlim sifatining eng muhim tavsiflari quyidagilardan iborat:

- Bilimlar hajmi kasbiy faoliyatni amalga oshirishga muvofiq kelishi lozim. Bunda bilimlar miqdori olingan axborot miqdori emasligini tushunish kerak.
- Bilimlar tuzilishi turli tipdagi bilimlar bilan fan va faoliyatning turli sohalariga mansublik nisbatini ifodalaydi. Bilimlarning unumdorligi va amaliy qimmatlari ularning uygʻunligiga bogʻliq boʻladi.
- Professional fikrlash uslubi bilimlarni boshqarish qobiliyatini aks ettiradi. Koʻpincha talabalar oʻz olgan bilimlarini amaliy faoliyat vazifalari bilan bogʻlay olmaydilar. Bu yerda fikrlash uslubi oʻz taʼsirini koʻrsatadi.

Sifat nazoratining mashhur usullaridan biri **Isikava** usulidir. Isikava diagrammasi 5M ga asoslanadi. 5M quyidagicha tavsiflanadi:

- 1. Man (inson) – inson omili bilan bogʻliq omillar.
- 2. Machines (jihazlar) – mashina va jihozlar bilan bogʻliq omillar.
- 3. Materials (materiallar) – materiallar bilan bogʻliq omillar.
- 4. Methods (usullar) – jarayonlarni tashkil qilish usullari.

⁷² Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «Oʻzbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boʻyicha Harakatlar strategiyasi toʻgʻrisida»gi PF-4947-son Farmoni // Oʻzbekiston Respublikasi Qonun hujjatlar toʻplami. – T., 2017. –37 b.

➤ 5. Measurements (o'lchovlar) – o'lchov bilan bog'liq omillar.

Yuqoridagi 5 ta omil Isikava chizmasining asosi bo'lib, oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatiga ta'sir qilayotgan omillar chizmasini Isikava usulida ko'rsatish mumkin:



Isikava sxemasidan ko'rinadiki, 5 ta sabab bo'yicha ta'lim sifatiga eng ko'p ta'sir etuvchi omillardan biri inson omili bo'lib, u ta'lim sifatiga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatadi. Qolgan omillar inson omili vositasida ta'lim jarayonlari sifatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Qolgan omillar ichida usullar ham ta'lim sifatiga tashkillashtirish jihatidan sezilarli darajada ta'sir etadi.

Ta'lim sifatiga salbiy ta'sir etayotgan ushbu muammolarni bartaraf etish aniq mexanizmga asoslangan bo'lishi lozim. Xususan, Oliy ta'lim tizimi sifatini oshirishda menejment funksiyalarining o'rni bo'yicha olib borilgan tadqiqot natijasida quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Ta'lim sifatini boshqarish, ta'lim tizimi boshqaruv faoliyatini tashkil etish hamda ta'lim tizimi samaradorligini oshirish ko'pgina mutaxassislar tomonidan talqin etilgan. Ta'lim tizimi samaradorligini oshirishda menejment funksiyalarini mohiyatini va ta'lim tizimida ulardan foydalanish maqsadga muvofiq.

2. Ta'lim tizimi sifati, eng avvalo, yuksak malakali rahbar kadrlar faoliyati bilan belgilanadi. Aynan oliy ta'lim tizimi samaradorligini oshirishda rahbarlarning samarali boshqaruv faoliyati va funksiyalarini o'rganish lozim. Bugungi kunda ta'lim tarbiyaning samarasi va ta'sirchanligi boshqaruv tizimida faoliyat yuritayotgan rahbarlarning ma'suliyatliligiga, qobiliyatliligiga, ishonchliligiga, pedagogik mahorati, kompetentligiga, pedagogik muloqati, samimiyligi, adolatparvarligi ta'lim tizimiga qay tarzda yondashishiga bog'liqdir.

3. Oliy ta'lim muassasasini samarali boshqarish ta'lim tizimi sifatini oshirishga xizmat qiladi, bu esa o'z navbatida menejment funksiyalaridan samarali foydalanishga bevosita bog'liqdir. Ta'lim tashkilotini boshqarish ta'lim tashkilotining maqsadlarini aniqlash va ularga erishish uchun bir-biriga bog'langan jarayonlarga asoslangan o'zaro bog'liq boshqaruv funksiyalarini amalga oshirishning yagona uzluksiz jarayoni sifatida

qaralishi kerak. Bu funksiyalardan birortasining qoniqarsiz ishlashi muqarrar ravishda butun boshqaruv tizimining noto‘g‘ri ishlashiga olib keladi.

4. Oliy ta‘lim tizimi strukturasi ta‘lim tashkilotining o‘ziga xos xususiyatlari, ko‘rsatiladigan ta‘lim xizmatlari, talabalar soni, oliy ta‘lim muassasasining xalqaro ta‘lim loyihalarida qatnashish darajasi va o‘zining ilmiy-tadqiqot faoliyati hajmi hamda boshqalar asosida shakllanadi.

5. Oliy ta‘lim tizimi boshqaruv strukturasi tahlil qilish orqali oliy ta‘lim muassasasida har bir bo‘lim va xodimning boshqaruv funksiyalari aniqlab olinadi. Boshqaruv funksiyalari xodimning egallab turgan lavozimi vakolatlari doirasida belgilab beriladi va amalga oshiriladi. Oliy ta‘lim muassasasining davlat ta‘lim standartini mutaxassislik yo‘nalishlari bo‘yicha bajarilishini, kadrlar tayyorlash sifati davlat tomonidan tayinlangan organ oliy ta‘lim boshqarmasi tomonidan nazorat qilinadi.

Yangi bilimga asoslangan iqtisodiyot sharoitida oliy ta‘lim tizimini innovatsion boshqarish konsepsiyasi orqali ta‘lim tizimi sifatini oshirish imkoniyati yanada kengayadi. Bu esa, bugungi shiddatli o‘zgarishlar davrida eng dolzarb muammolardan biridir. O‘zbekiston Respublikasida ta‘lim tizimi sifatini oshirishda innovatsion faoliyat rivojlanishi va innovatsiyalarni boshqarish muammolarining metodologik asoslarini zamonaviy talablarga asoslangan holda ishlab chiqish zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-son Farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlar to‘plami. – T., 2017. – 37 b.

2. Aziza HAMIDOVA, Oliy ta‘lim tizimida ta‘lim jarayoni sifatini boshqarish samaradorligini oshirish// “Biznes daily media” jurnali, - T.: 2015, 7-son

3. Ahlidinov R.Sh. Ta‘limni boshqarish. – Toshkent: Sharq, 2003.

4. <http://www.pedagog.uz>

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARINI QAYTA ISHLASH KORXONALARI IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH

*Ortiqov Ulug‘bek Akrombek o‘g‘li
O‘qituvchi, Toshkent moliya instituti*

Annotatsiya

Ushbu maqolada mamlakatimizdagi oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini klaster tizimi asosida iqtisodiy samaradorligini oshirish hamda takomillashtirish masalalari muhokama qilingan. Shuningdek, qishloq xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha iqtisodiy ko‘rsatkichlar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: klaster, oziq-ovqat mahsulotlari, iqtisodiy samardorlik, qayta ishlash, innovatsiya, texnologiya, takomillashtirish.

Mamlakatimizda pandemiya oqibatlaridan so‘ng, aholi tomonidan kundan-kunga oziq-ovqat mahsulotlarini iste‘mol qilishga bo‘lgan talab keskin darajada ortib

bormoqda. Bugungi kunda dunyo miqyosida aholining kundalik xaridlarini eng asosiy qismini iste'mol uchun mo'ljallangan birlamchi mahsulot sifatida oziq-ovqat mahsulotlari egallaydi. Shuning, uchun ham mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlashga mo'ljallangan korxonalarini qayta ishlash

imkoniyatlarini yanada takomillashtirish hamda ularni iqtisodiy samaradorligini oshirish zamon talabi hisoblanadi.

Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirish bevosita zamonaviy klaster tizimini rivojlantirishga bog'liqdir. Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini yanada takomillashtirish borasida mamlakatimizda Muhtaram, Prezidentimiz tomonidan yangi islohotlar amalga oshirib kelinmoqda.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5853-son Farmoni qabul qilindi.

Farmonga ko'ra, oziq-ovqat mahsulotlarini ko'paytirish va qayta ishlashga qaratilgan bir qator ustuvor vazifalar belgilab berilgan:

oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta'minlash va iste'mol ratsionini yaxshilash, talab etiladigan miqdordagi oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirishni nazarda tutuvchi oziq-ovqat xavfsizligi davlat siyosatini ishlab chiqish va joriy etish;

qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat tarmog'ini modernizatsiyalash, diversifikatsiya qilish va barqaror o'sishini qo'llab-quvvatlash uchun xususiy investitsiya kapitali oqimini ko'paytirishni nazarda tutuvchi sohada davlat ishtirokini kamaytirish va investitsiyaviy jozibadorlikni oshirish mexanizmlarini joriy qilish [1] kabi muhim bo'lgan vazifalar keltirib o'tilgan.

Qolaversa, bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotining jadal taraqqiyotini ta'minlash uchun tarkibiy islohotlarni amalga oshirish, yetakchi tarmoqlarni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Aks holda nafaqat iqtisodiyotimiz rivojini, balki milliy taraqqiyotning yuksak sur'atlarini ham ta'minlab bo'lmaydi.[2]

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib aytish mumkinki, klaster tizimi asosida oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirish masalasi bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotini barqaror darajada rivojlantirishdagi ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi.

Mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarining hozirgi holati, zamonaviy klaster tizimi asosida yangi innovatsion o'zgarishlarni amalga oshirish sur'atlarini yanada jadalashtirishni talab etmoqda. Iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, samarali klaster tizimi asosida innovatsion yondoshuvlarni amalga oshirish mamlakatimizdagi oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini yuqori darajada oshirishni ta'minlaydi.

Iqtisodiyotning innovatsion shakllanishi korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirishga qaratilgan zamonaviy yondoshuvlar hisobiga yuz beradi, bu yesa o'z navbatida mamlakat iqtisodiyotini o'sishiga, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlashni rivojlantirishga, xarajatlarni tejalishiga hamda aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan

to'liq ta'minlashga sabab bo'ladi.

Bundan ko'rinadiki, mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirish hamda klaster tizimidan samarali foydalanish korxonalariga yangi imkoniyatlarni yaratib beradi. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, bugungi kunda mamlakatimizdagi oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida ham bir qator kamchiliklar mavjud, jumladan:

oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida klaster tizimidan samarali foydalanish bo'yicha aniq tizim shakllanmagan. Masalan, Germaniya davlatida oziq-ovqat sanoatining zamonaviy innovatsion klaster tizimi mavjud bo'lib, yuqori darajadagi ko'rsatkichlarga ega, bizda esa oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida klaster tizimi innovatsion jihatdan yuqori darajada rivojlanish ko'rsatkichiga ega emas;

mahsulotni saralash, qadoqlash, qayta ishlash va eksport qilish bo'yicha agrologistika markazlari tashkil etilishiga qaramasdan, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida klaster tizimini rivijlanmayotganligi, faqatgina bir

tomonlama qayta ishlash ikmoniyati bilan cheklanib qolinayotganligi iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlarini yuqori darajada emasligini ko'rsatadi;

oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash va klaster tizimida rivojlantirish bo'yicha kichik korxonalarni tashkil etilmayotganligi, faqatgina yirik korxonalar faoliyati bilan cheklanib qolinganligi natijasida tizimli hamkorlik yo'lga qo'yilmaganligi hamda tarmog'ni monopollashuviga olib kelmoqda;

oziq-ovqat mahsulotlari bo'yicha klaster tizimida mahsulot yetishtiruvchilar, qayta ishlovchilar va boshqa yirik korxonalar o'rtasidagi o'zaro tashkiliy-iqtisodiy va huquqiy munosabatlarning yetarli darajada mukammal emasligi va uni takomillashtirish zarurligi hal qilinishi lozim bo'lgan eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Xususan, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiya orqali rivojlantirish quyidagi jadvalda ko'rsatib o'tilgan iqtisodiy ko'rsatkichlarga erishishini ta'minlaydi.

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, Qishloq xo'jaligida 117,3 trln so'mlik (14 mlrd AQSh doll.) qo'shilgan qiymat yaratilgan bo'lsa, uni yillik o'sishi 2021 yilda 3 foizga, 2025, 2030 yillarda esa 5 foizdan kam bo'lmagan holatda o'stirish ko'zda tutilgan.

2018 yilda qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat mahsulotlarining eksporti hajmi 2,3 mlrd. AQSh dollarini tashkil etgan bo'lsa, 2021 yilda uni 3,5 mlrd. AQSh dollari, 2025 yilda 10 mlrd. AQSh dollari, 2030 yilda esa 20 mlrd. AQSh dollariga yetkazish rejalashtirilgan.

O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini amalga oshirish natijasida erishiladigan asosiy ko‘rsatkichlar va indikatorlar

T/r	Ko‘rsatkichlar nomi	Asos (2018 y.)	2021 yilga maqsad	2025 yilga maqsad	2030 yilga maqsad
1.	Qishloq xo‘jaligida qo‘shilgan qiymatning yillik o‘sishi	117,3 trln so‘m (14 mlrd AQSh doll.)	3 foiz	5 foiz	5 foiz
2.	Qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat tarmog‘ida ish o‘rinlari sonining o‘sishi: Qishloq xo‘jaligi, Oziq-ovqat sanoati, To‘qimachilik sanoati	3 671 300 91 420 140 200	2 foiz 3 foiz 3 foiz	1 foiz 4 foiz 4 foiz	1 foiz 5 foiz 5 foiz
3.	Qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat mahsulotlarining eksporti hajmining oshishi	2,3 mlrd AQSh doll.	3,5 mlrd AQSh doll.	10 mlrd AQSh doll.	20 mlrd AQSh doll.
4.	Aholi o‘rtasida to‘yib ovqatlanmaydiganlar ulushi	6,3 foiz	5 foiz	3 foiz	0
5.	Qishloq xo‘jaligida mehnat unumdorligini oshirish (bir nafar ishchiga bir yilda dollarda)	3 960 AQSh doll.	4 300 AQSh doll.	5 200 AQSh doll.	6 500 AQSh doll.
6.	Qishloq xo‘jaligidagi issiqhona gaz chiqindilarini kamaytirish	15 740 gigagramm (2016 yil)	10 foiz	30 foiz	50 foiz

Bundan tashqari, 2030 yilgacha bo‘lgan oraliqda aholi o‘rtasida to‘yib ovqatlanmaydiganlar ulushi 2018 yilgi 6,3 foizdan, 2030 yilda 0 foizga pasaytirish, qishloq xo‘jaligida mehnat unumdorligini oshirish natijasida 2018 yilgi bir nafar ishchiga bir yilda to‘g‘ri keladigan 3 960 AQSh dollarni, 2030 yilda 6 500 AQSh dollariga yetkazish belgilab qo‘yilgan.

Yuqorida keltirib o‘tilgan jadvalda, qishloq xo‘jaligi strategiyasini 2020- 2030 yillarda rivojlantirish orqali ko‘plab iqtisodiy tarmoqlarni rivojlantirish nazarda tutilgan. Jumladan, strategiyani rivojlanishi qishloq xo‘jaligi va qayta ishlash

⁷³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853-sonli [Farmoni](#). 2019 yil 23 oktyabr.

sohalarida klaster tizimini rivojlanishiga, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini esa yuqori darajada iqtisodiy samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirish yo'llari quyidagi bir qator omillarga bog'liqdir.

Birinchi, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida zamonaviy klaster tizimini joriy etish;

Ikkinchi, iqtisodiy samaradorlikni oshirishda innovatsion yondoshuvlar va rivojlangan davlatlarning zamonaviy tajribalardan samarali foydalanish;

Uchinchi, xarajatlarni minimallashtirish hamda resurs-tejamkor texnologiyalarni tatbiq etish;

To'rtinchi, iqtisodiy ko'rsatkichlarni tahlil qilishda zamonaviy KPI baholash dasturlaridan oqilona foydalanish;

Beshinchi, qayta ishlash imkoniyatlarini oshirish hamda korxonalar o'rtasida o'zaro hamkorlikni ta'minlash;

Oltinchi, zamonaviy kadrlar siyosatini yuritish va mahsulot sifatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni tatbiq etish muhim omillar sanaladi.

Qolaversa, 2020-2030 yillarga mo'ljallangan qishloq xo'jaligini rivojlantirish strategiyada ham oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirishga qaratilgan ko'plab aniq vazifalar ko'rsatib o'tilgan bo'lib, ulardan samarali foydalanish va amaliyotga tatbiq etish maqsadga muvofiqdir.

Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirishda quyidagi tamoyillar muhim hisoblanadi. Jumladan:

oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy samaradorligini oshirishda zamonaviy klaster tizimini amaliyotga tatbiq etish orqali xarajatlarni minimallashtirish;

xorijiy davlatlar tajribasidagi innovatsion yangiliklarni keng joriy qilish orqali oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini iqtisodiy barqarorligini ta'minlash;

oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini o'rtasida tashkiliy- iqtisodiy munosabatlarni muvofiqlashtirishda barcha ishlab chiqarish, qayta ishlash

va sotish bosqichlarda teng adolatli o'zaro foydalilik tamoyillariga asoslangan yaxlit hamkorlik tizimini joriy etish;

oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalariga imtiyozli dasturlarni keng joriy etish bo'yicha asoslangan takliflarni qonun hujjatlariga kiritishdan iboratdir.

Yuqorida keltirilgan tavsiyalarni amaliyotga joriy etilishi natijasida, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida iqtisodiy samaradorlikni oshirishga qaratilgan yangi imkoniyatlarni joriy etilishi va yuqori darajada iqtisodiy o'sishiga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5853-sonli [Farmoni](#). 2019 yil 23 oktyab.

2. Mirziyoev Sh.M. "Yangi O'zbekiston strategiyasi". – T.: "O'zbekiston" nashriyoti, 2021. - 464 b.

3. Иванова Екатерина Викторовна “Формирование и развитие агропродовольственных кластеров в условиях политики импортозамещения” Диссертация, Мичуринск-2018.

4. Карпичев Евгений Владимирович “Механизмы управления инновационной кооперацией субъектов промышленных кластеров” Диссертация, Санкт-Петербург-2019.

5. И.С. Очилов, Б.К. Абдумунинов. Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №2, март-апрель, 2019.

PARRANDACHILIK TARMOG'INI MOLIYAVIY QO'LLAB- QUVVATLASHNI TAKOMILLASHTIRISH

Erkinxojiyev.I.I

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

“Iqtisodiyot” kafedراسи assistenti

Annotatsiya


Agrar sohada muhim tarmog'laridan biri bu parrandachilikdir. Ushbu yo'nalishdan ham jadal ishlar amalga oshirilmoqda. Oziq-ovqat xavfsizligini barqaror ta'minlashda parrandachilikni rivojlantirish alohida ahamiyatga egadir.

Mamlakatimizda parrandachilik sohasini rivojlantirish va eksportga mo'ljallangan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish va turlarini kengaytirish, shuningdek aholini mahalliy ishlab chiqarilgan sifatli va arzon parrandachilik mahsulotlari bilan ta'minlash bo'yicha izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Parrandachilik chorvachilikning tez daromad beradigan sohalaridan biri bo'lib, aholini parhez go'sht va tuxum mahsulotlari bilan ta'minlash imkonini beradi. Mamlakatimizning barcha tuman va viloyatlarida parrandachilik xo'jaliklari harakati rivojlanmoqda. Shu sababli, yetishtirilayotgan yalpi parranda mahsulotlarining 75-80 foizi shu xo'jaliklar hissasiga to'g'ri kelmoqda.

Respublikada jami yetishtirilgan chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari tarkibida eng katta ulush Samarqand (11,7 %), Toshkent (11,4 %), Qashqadaryo (11,3 %) va Buxoro (9,4 %) viloyatlariga to'g'ri kelmoqda. Yetishtirilgan chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari o'sish sur'atini hududlar kesimida tahlil qilganimizda yuqori o'sish sur'atlari Andijon viloyatida (103,6 %), Qoraqalpog'iston Respublikasida (103,3 %) va Jizzax viloyatida (103,1 %) qayd etildi. Parrandalar bosh sonini xo'jalik toifalari bo'yicha tahlil qilar ekanmiz, eng katta hajmi 50 935,0 ming bosh dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklarida qayd etilganligini ta'kidlash lozim. 2022-yilning 1-iyul holatiga parrandalar bosh soni 2021-yilning mos davri bilan solishtirganda 104,4 % ni tashkil etdi. 2021-yilning mos davri bilan solishtirganda fermer xo'jaliklarida 29,5 %, dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklarida 0,6 % va qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarda 2,3 % o'sish qayd etildi. 2022-yil 1-iyul holatiga parrandalar bosh soni to'g'risidagi ma'lumotlarni xo'jalik toifalari bo'yicha tahlil qilar ekanmiz, parrandalar bosh sonining 14,1 % i fermer xo'jaliklari hissasiga, 58,4 % dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklariga, 27,5 %

qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarga to'g'ri kelishini qayd etib o'tish lozim [1].

- General Motors - 1908 йили 13-ойлик инқироз вақтида бошқа автомобил ишлаб чиқарувчиларни сотиб олган.

Ҳар бир инсон Google, Amazon, Facebook ва Apple - "Катта GAFA тўртлиги" ҳақида эшитган. Хитойда, бу Baidu, Alibaba ва Tencent - "Катта ВАТ учлиги"дир. Бу компанияларни нима ўзаро бирлаштиради? Улар барча мижозлар хатти-ҳаракатини кузатиб боришади ва уларга кейин нима таклиф этишни рақамларда тушунишади. Ҳозирги даврда В2МЕ деган йўналиш (маъноси - айнан керак бўлган вақтда (just-in-time) индивидуал таклиф берувчи бизнес-модел) тез ривожланмоқда. Яъни шахсан мен учун индивидуал ёндашув, индивидуал таклиф беришдир. Ҳиссиёт - мижознинг содиқлигининг энг муҳим омилдир. Бугунги кунда нафақат креатив, инновацион маҳсулотни яратиш, балки мижознинг эртага нима исташини олдиндан билиш ва уни бозорда биринчи бўлиб таклиф қилиш муҳим аҳамиятга эга. Норози мижозлар (тадқиқотлар бор йўғи 8% мижоз хизматни кутилган даражада олишини исботлаган) - энг зўр маълумот манбаи бўлиб, бизнесни уларни кўзи билан ўрганиш муҳимдир.

2021 йили 2019 йилга нисбатан банкрот корхоналар сони ўртача 35% ошиши кузатилди. Қўйидаги расмда ушбу кўрсаткични мамлакатлар кесимида кўриш мумкин.



3 - расм. 2019 - 2021 йилларда банкрот корхоналар сонининг ўзгариш динамикаси. (таққослама кўрсаткичлар, % ларда) [4].

Гарвард ва Стэнфорд университети олимлари тадбиркорлик сўзини таърифлашда анча баҳслашишган. Натижада қўйидаги таърифни икки университет тадқиқотчилари бир овоздан маъқуллашган: - Тадбиркорлик - бу ўзингизда ЕТАРЛИ РЕСУРС БЎЛМАГАН ҳолда имкониятлар сари интилишдир. Агар ғояни амалга ошириш учун ресурс етарли бўлса - бу Lego холос. Бизнес муваффақиятли бўлиши учун доимо изланиш муҳитини яратиш керак, экспериментлар ўтказиш (масалан, Twitter кунига 600-та эксперимент ўтказди), фокус, доимий ўлчаш (ўлчанмайдиган жараённи назорат қилиш қийин) каби тамойилларга асосланиши керак. Тадбиркорлик - бу фақат бизнес эмас. Бу аввалам бор фикрлашдир. Тадбиркорона фикрлашнинг асосий ўлчовларидан бири-ўйин қодаларини бузишни хоҳлаш ҳисобланади. “Агар миллиард топмоқчи бўлсангиз - ихтиро қилинг; миллион топиш учун - яхшиланг [5]-деб бежиз айтилмаган. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз бизнеслар биринчи навбатда бизнес эгасининг ғояни севиб қолиши, унга ишқибоз бўлишида ўзаро фарқланади.

Юртимизда мутахассислар тайёрлаш муаммосини ҳал қилмасдан туриб иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланишига умид қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирги даврда инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши юқори малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги ҳолатига дуч келмоқда. Бу етишмовчилик юқорида айтилганлардан ташқари, мамлакатимиз таълим тизимидаги яна бир қанча салбий факторларга боғлиқ. Таълим тизимини иқтисодиёмизнинг реал сектори билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда ривожлангирсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги таълим тизими ёш авлоднинг муваффақиятли келажаги учун зарур бўлган юмшоқ маҳоратларни (soft skill) ўргатишни ўз ичига қамраб олиши керак. Ривожланган soft skill ларсиз муваффақиятли CEO ва тадбиркорлар бўлмайди. Бундай лавозимларда hard skill ларнинг ўзи етарли эмас. Ўзбекистонда таълим тизимида юмшоқ кўникмаларни (soft skill) киритиш бўйича баъзи тавсиялар қуйида келтирилган:

—хатарларни (рискларни) ўз зиммасига олиш ва муваффақиятсизликлардан ўрганиш: муваффақиятсизликлардан қочиб қутулиш ва ҳар доим ҳаётда муваффақиятли бўлиш мумкин эмас. Шу сабабли ёш авлод учун ҳар бир муваффақиятсизликдан сабоқ олиш ва ҳаётда давом этиш жуда муҳимдир. Улар таваккал қилишдан қўрқмасликлари керак ва муаммоларга дуч келган ҳолатда тегишли сабоқларни олишни ўрганишлари лозим. Хато қилмайдиганлар ҳаётда ўсмайдилар. Расмий таълим тизими шундай йўлга қўйилиши керакки, бу ўқувчиларни таваккал қилишга ундайдиган, уларни хато ва камчиликлари учун жазоламайдиган бўлиши лозим. Инсоннинг ақл-идроқи ўсиши ва ҳаётдаги юксалиши орттирган тажрибалари орқали бўлади;

—ҳақиқий бизнеслар билан алоқа ўрнатиш: бизга маълумки, мактаб ва университет ўқитувчиларининг аксарияти корпоратив ва бизнес тажрибасига эга эмас. Шунинг учун улар ўқитишлари мумкин бўлган нарсалар бу расмий таълим ва китоблардан олган назарий билимларидир. Бироқ корпоратив иш мактабларда ўргатиладиган билимлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун мактаблар ва университетларни ҳақиқий бизнес дунёси билан боғлаш тавсия этилади. Бу ерда ҳақиқий иш тажрибасига эга бўлган одамлар талабаларга реал ҳаётий мисоллар билан маърузалар ўқишлари мумкин. Агар расмий таълим яхши тажрибага эга бўлган ишбилармон тадбиркорлар билан талабалар учун мураббийлик ва менторлик дастурлари ўрнатилса, бу ёшларда лидерлик, инноваторлик ва тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришга тубдан ёрдам беради;

—онгни тўғри дастурлаш: муваффақият учун ёшларнинг онгини ривожлантириш ва дастурлаш жуда муҳимдир. Ҳаётий мисоллар шунини кўрсатадики, хавфдан қочиш учун дастурлаштирилган одамлар “Мен буни қила олмайман” ёки “Мен бунга қодир эмасман”, дейишади. Аммо “Мен буни қандай қила оламан?” ёки “Нима қилсам бунинг уддасидан чиқаман?” деган саволлар билан ёшлар онгини тўғри йўлга солишлари мумкин. Чунки баёнот онгни ёпади, савол эса онгни ўйлашга ва ҳаракат қилишга очиб беради. Тадбиркорларимизнинг онгини ошириш лозим. Мошина турганда югириб тезроқ борамиз деб ўйлаш нотўғри. Кўп ёшлар пул топиш учунгина тадбиркорлик билан шуғулланадилар. Катта компанияларнинг асосчилари тез пул топиш эмас, балки дунёни ўзгартиришни хоҳлаганлари учун пайдо бўлишади;

—гуруҳларда ишлашни ўрганиш: бизнинг ҳозирги таълим тизимимиз ёшларга фақатгина ўзига таяниб ишлашни ўргатади. Ҳатто баҳолаш тестлари ҳам ўқувчи ва талабаларнинг ўз билимларини баҳолашга қаратилган ва бундай тизим ўзига қарамликни келтириб чиқаради. Аммо реал ҳаётда барчамиз бир-биримизга тобемиз ва бир киши ўз кучи билан кўп нарсага эриша олмайди. Шунинг учун таълим тизими ёшларда бошқалар билан ишлаш ва мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантириш учун индивидуал эмас, балки гуруҳда ишлаш тизимларини жорий қилиши лозим. Бу жамоавий руҳни ошириш ва ҳаётда муҳим бўлган бир-бирига боғлиқлик ҳиссини ривожлантиришга ёрдам беради;

—молиявий саводхонлик: бугунги дунёда молиявий саводхонлик шахсий, оилавий ва бизнес бюджети ва молиясини бошқаришдаги энг муҳим маҳоратлардан биридир. Таълим тизимида ёшлар ўзларининг шахсий маблағларини тежаш, сарфлаш ва инвестиция қилиш нуқтаи назаридан самарали

бошқариш усулларини ўрганишлари керак. Қарз ва солиқ саводхонлиги ёшларнинг келажакда ўз бизнесларини очишда ва бошқаришда муҳим рол ўйнайди. Ёш авлодга табиий ва ижтимоий фанларни ўргатиш муҳим бўлса-да, уларга бугунги кунда бизнес, давлат ва корпоратив ишларнинг муҳим талаби бўлган юмшоқ маҳоратларни ва қобилиятларни ўргатиш ҳам жуда муҳимдир.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги замонавий илмий маълумотлар талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши жуда ҳам паст даражада. Шунинг учун энг биринчи навбатда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириган инновацион фаолият турларига молиявий ва ташкилий ёрдам берилиши лозим. Назаримизда, бу ёрдам сиёсий бўлиши керак. Тадбиркор учун, халқ учун кимнингдир ҳақлиги муҳим эмас, тадбиркорлар ҳозирги шартли комфорт ҳолатидан ноқулай, ёқимсиз муҳитга ўтаётганини ҳукумат теран ҳис қилиши керак.

Ушбу жуда ҳам долзарб муаммоларни ҳал қилиш борасида ислохотлар вақтинчалик эмас, балки узоқ муддатли эканлигини англаб, тиришқоқлик ва сабр-чидам билан узлуксиз олиб борилиши зарур. Ўзбекистон сингари ривожланаётган мамлакатлар дунёвий технологик янгиликларни қабул қилувчи сифатида ҳаракат қилишлари лозим. Бу эса республикамизнинг инновацион ривожланиш йўли ривожланган давлатлардаги энг янги технологияларни ўзлаштириб, ички шароитларни ҳисобга олган ҳолда республикага трансфер қилиш эканлигини англади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/08/20/survey/> (20.08.2020.)
2. CNBC, The Balance. Statista.
3. <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance>
4. <https://www.visualcapitalist.com/top-100-most-valuable-brands-in-2021/>
5. Олег Тиньков. «Как стать бизнесменом» (2012).

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА СПОРТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Юлдошев Улғубек Асқар ўғли

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт
университети таянч докторанти
u.yuldoshevtsue@gmail.com*

Аннотация

Ушбу мақолада спорт соҳасида давлат ва хусусий сектор ўртасида давлат-хусусий шериклик асосида бошқарув механизмини шакллантириш, соҳани молиялаштириш ҳамда соҳада ҳамкорликнинг истиқболи сифатида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдаги қаратилган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: бошқарув, давлат-хусусий шериклик, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, жисмоний тарбия ва спорт, молиялаштириш.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик давлат тизимининг бир қисми сифатида, яъни ҳамкорлик орқали шерикларнинг афзалликларини максимал даражада ошириш орқали эишилган иқтисодий ривожланиш воситаси сифатида кўриб чиқилмоқда. Бунда давлат тараққиёти жараёни давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида инновацион ишланмаларни илгари суриш орқали амалга ошириладиган кенг кўламли ишларнинг натижаларини ижтимоий йўналишларнинг ижтимоий фойдалилиги муҳим рол ўйнайди. Давлат-хусусий шериклик янги мақсадларни, фаолиятни шакллантириш, шериклар ўртасида тармоқ тажрибасини алмашиш, иштирокчиларнинг технологик ва бошқарув ўзгаришларига тезроқ мослашиш реакциясини шакллантиришнинг мослашувчан механизмларини ўз ичига олади.

Спорт соҳасида замонавий бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири унинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Самарадорликни оширишнинг ҳақиқий имконияти бошқарув тизимида содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолашда жуда муҳимдир. Спорт соҳасида бошқарув жараёнининг субъективлиги туфайли максимал самарадорликка эришиш жуда қийин, аммо уни яхшилашда давлат-хусусий шерикликдан яъни давлат ва бизнес ўртасидаги муҳим стратегик ҳамкорлик шакли сифатида фойдаланиш ижобий фойда беради. Шунини ҳам айтиш жоизки, бугунги кунда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш инфратузилмасини (энергетика, сув хўжалиги, йўллар, таълим, тиббиёт муассасалари ва бошқа) соҳаларда жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда спорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг салоҳиятидан анча кам фойдаланилади, буни ижтимоий-иқтисодий тизимнинг инфратузилма тармоқларига ҳам киритиш мумкин.

Спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 184-сонли Қарорлари қабул қилинганлиги давлат билан хусусий шериклар ўртасидаги ҳар қандай муносабатларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни жойларда бартараф этишда хусусий сектор билан давлат секторини ижтимоий – иқтисодий ҳамкорлигида янги лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Ушбу қарорга асосан, спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси - давлат, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техник аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муҳим инвестициявий, инновацион, инфратузилмавий ва бошқа тадбирлар мажмуи деб таърифланган [1].


Спорт соҳасини давлат томонидан молиялаштириш эҳтиёжларини тўлиқ қопламайди. Шунинг учун хусусий сектор томонидан инвестициялар талаб қилинади. Бундан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг тегишли механизмини амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклиги - бу илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир. Дунё мамлакатларида

мавжуд давлат ва хусусий шериклик муносабатларининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари, тамойиллари, ривожланиш тарихи, ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва уни мамлакатимизда ривожлантириш олдимизга қўйилган вазифалардан биридир. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мамлакатимизда кундан кунга тараққий этиб бораётганлиги бу соҳада қилинаётган илмий тадқиқотларнинг долзарблигини ифодалайди.

Россиялик олим А. Цепелеванинг докторлик илмий ишида 2012 йил Лондонда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида “Спорт соҳасидаги давлат-хусусий шерикликнинг энг ёрқин намуналаридан” бири сифатида эътироф этади [2].

Е. Галиева ва А. Магденко томонидан берилган таърифда, Давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш ва унинг турли шаклларини қўллаш учун жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини қонун ҳужжатларида акс эттириш зарур [3].

Мамлакатимиз Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд.доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган [4].



1-расм. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари сони

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жорий йилда мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда экология ва сув хўжалиги соҳаларининг улуши кўплигини кўришимиз мумкин. Бошқа соҳалар жумладан, автомобил йўллари, логистика, спорт, авиация, туризм, маданият, чиқиндиларни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида амалга ошириш назарда тутилган.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалар туфайли соҳаларга хорижий тажриба ва технологиялар ҳам кириб келмоқда. Давлат-хусусий шерикликни

ривожлантириш мақсадида, ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибаси, муваффақиятли ишбилармонлик муҳити, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва аҳамиятли жуда муҳимлигини инобатга олиб, уни ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашимиз керак.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд бўлган бўш ер майдонларида давлат-хусусий шериклик шарти асосида куриладиган ва фойдаланиладиган хизмат турлари:

- ❖ Спорт майдончалари ва иншоотлари;
- ❖ Спорт кийимлари ва жиҳозлари дўконлар;
- ❖ Фитнес марказлари;
- ❖ Меҳмонхона бинолари;
- ❖ Хизмат кўрсатиш шаҳобчалари;
- ❖ Бошқа хизматлар.

Давлат-хусусий шериклик механизми – давлат ва муниципал ҳокимиятларнинг лойиҳаларни молиялаштиришдаги чекланган имкониятларини енгиб ўтиш, баъзи рискларни хусусий секторга топшириш, тақдим этилаётган ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ва давлат инфратузилмаси объектларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун хусусий секторнинг бошқарув кўникмалари ва тажрибасидан фойдаланиш имконини беради.

Давлат-хусусий шериклик механизми ВОТ (куриш, ишлатиш, узатиш) имтиёзларда асосий молиялаштириш усули сифатида ишлатилади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини концессия асосида амалга ошириш доирасида спорт мажмуаси хусусий шерикга топширилиши мумкин. Бундай ҳолда, лойиҳанинг рентабеллигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$R = \frac{Pr_{com} + Pr_{soc}}{I}$$

бу ерда: **R** - рентабеллик, **Pr_{com}**, **Pr_{soc}** - тижорат ва ижтимоий ташрифлардан олинган фойда; **I** - лойиҳага инвестициялар.

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги шартноманинг мақбул шаклларида бири ҳаёт цикли шартномаси (LCC) ҳисобланади. Бунда биринчи хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан объектни лойиҳалаштирадиган ва яратадиган, сўнгра белгиланган параметрларга мувофиқ объектни сақлаш учун давлатдан тўловларни оладиган шартнома. Инвестиция босқичи бўйича ҳамкор харажатлар “капитал grant” томонидан бартараф этилиши мумкин. Давлат-хусусий шериклик соҳасида DBFM (лойиҳалаш, куриш, молиялаштириш, сақлаш) ва DBFO (лойиҳалаш, куриш, молиялаштириш, бошқариш) каби давлат-хусусий шериклик моделлари ҳаёт цикли шартномасини (LCC) молиялаштириш моделига мос келади. Бунда ушбу схемани қўллаган ҳолда, лойиҳанинг рентабеллиги қуйидагича ҳисобланади [5].

$$R = \frac{D * n}{I}$$

бу ерда: **R** - рентабеллик, **D** - ижара тўлови кўринишидаги даромад; **n** - лойиҳани амалга ошириш; **I** - лойиҳага инвестициялар.

Давлат-хусусий шерикликда консессия ва ҳаёт цикли шартномасининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, бунда шартноманинг иккинчиси афзаллиги очиб беради. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги шартномаларининг афзалликлардан бири шундаки, жисмоний тарбия ва спорт иншоотларини тўғри сақлаш шартларига кўра, хусусий шерикнинг инвестиция даромадлари ҳосил бўлган трафикка боғлиқ эмас ва фойда этишмаслиги давлат томонидан хизмат тўловлари туфайли қопланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан, спорт соҳасида ҳамкорлик учун давлат-хусусий шериклик асосида бошқарув механизмидан шакллантириш илмий тадқиқотлар нуқтаи назаридан ҳам амалий нуқтаи назаридан ҳам жуда долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз; иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг ҳозирги ҳолати, жисмоний тарбия ва спорт ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча шакллари табиати, роли, ўрни шу жумладан давлат-хусусий шериклик шаклида белгилашда муҳим аҳамиятга эга; учинчидан, давлат-хусусий шерикликнинг ривожланиши барқарор ўсиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда давлат ва бизнеснинг умумий манфаатларининг сабаби ва натижаси, жамиятда аҳоли саломатлигини яхшилаш кафолати ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 184-сонли қарори. www.lex.uz

2. Цепелева А.Д. Совершенствование механизма государственно-частного партнерства в сфере услуг физической культуры и спорта: дис. ... канд. экон. наук. СПб., 2015. С. 70.

3. Галиева Е.Б, Магденко А.Д. Правовое регулирование государственно-частного партнерства в сфере спорта на региональном уровне / Журнал Спорт: экономика, право, управление. 2019. № 2. С. 17-19.

4. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги www.pppd.uz сайти маълумотлари. <https://www.pppda.uz/10897>

5. Schepalina A.N. (2015). The profitability of PPP projects in the sphere of physical culture and sports. Siberian financial school, №6 (113), 41-43.

ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЁЖИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ

Жамалова Гулнора Гуломовна

Ташкентский государственный экономический университет

jamalova.gulnora64@gmail.com

Айматова Фаридо Хуразовна

Ташкентский государственный экономический университет

faridochca@mail.ru

Аннотация

В данной статье рассмотрены вопросы воспитания совершенной личности в демократическом государстве, дальнейшей демократизации и

либерализации страны, воспитания нравственно зрелой молодежи в социально-экономической сфере.

Изучена роль непрерывного образования в обеспечении духовной зрелости молодежи нашей страны и повышении правовой культуры, вопросы воспитания нравственно зрелых, всесторонне развитых людей в социально-экономической сфере, также рассмотрены вопросы повышения правовой культуры и расширения мировоззрения.

Ключевые слова: *правовое демократическое государство, демократизации и либерализации страны, нравственно-устойчивая молодёжь, экономические реформы, политическая и правовая культура.*

Конечная цель реформ, осуществляемых сегодня в нашей стране - построение правового демократического государства, гражданского общества, воспитание совершенной личности. Как отметил глава нашего государства, успех реформ напрямую зависит от скорости наших усилий по дальнейшей демократизации и либерализации страны, общественно-политической активности наших граждан, высокого уровня их политической и правовой культуры.

Зрелая профессиональная молодежь, способная взять на себя ответственность за завтрашний день и развитие нашей страны, является мощной силой, прилагающей усилия для развития нашей страны. Повышение политической и правовой культуры играет важную роль в воспитании молодежи в духе патриотизма и гуманизма. Формирование правовой культуры молодежи означает заботу об ее культурном, духовном, физическом и умственном развитии.

В нашей стране с первых лет независимости особое внимание уделяется воспитанию молодежи. Тот факт, что защита прав молодежи поднялась до уровня государственной политики, является ярким тому подтверждением. Конституция Республики Узбекистан, принятые законы «Об образовании», «Об основах государственной политики в отношении молодежи в Республике Узбекистан», «Национальная программа подготовки кадров», «О гарантиях прав ребенка», «О защите инвалидов в Республике Узбекистан», «Школа ряда мероприятий по повышению политической и правовой культуры молодежи в государственных программах развития образования», «Комплексная программа совершенствования правового воспитания молодежи», «Год молодежи», «Год крепкой семьи», **«Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»**, «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения» и другие нормативно-правовые документы.

Главной целью политики нашего государства является создание достойных условий жизни для всех проживающих в нашей стране, укрепление нашей мирной жизни.

Благодаря независимости идея формирования духовности гражданского общества, которая помогает демократическим ценностям глубоко укорениться в мышлении и политическом поведении членов нашего общества, служит

прекрасной основой для повышения политической и правовой культуры нашего народа. Сегодня в нашей стране создаются все условия для тех, кто признает свои права, самостоятельно реагирует на происходящие вокруг события, формирует свои личные интересы в гармонии с интересами страны. Повышение правосознания и правовой культуры в обществе является одним из важных условий обеспечения верховенства закона и укрепления законности.

За последние годы в стране проведена значимая работа по коренному реформированию национальной системы права, формированию в обществе правовой культуры и подготовке квалифицированных юридических кадров.

Вместе с тем сохраняется ряд проблем и недостатков, препятствующих формированию уважительного отношения к правам и свободам человека, повышению правосознания и правовой культуры населения, уровня правовой грамотности граждан в обществе.

В частности, осуществляется системная и взаимосвязанная работа по повышению нравственной культуры, прежде всего в сфере образования и воспитания. Долгие годы данный вопрос воспринимался как задача только правоохранительных и других отдельных государственных органов, при этом не обеспечивалось должное участие семьи, махали и других институтов гражданского общества. Высокая правовая культура является основой демократического общества и показателем зрелости правовой системы» показывает, насколько актуален этот вопрос на сегодняшний день.

В построении развитого правового демократического государства и гражданского общества важно, чтобы молодежь обладала широкими знаниями и кругозором. Для формирования у молодежи высокой духовности и нравственности необходимо с детства прививать уважение к традициям и обычаям нашего народа, воспитывать ее в духе гармоничного сочетания национальных и общечеловеческих ценностей, повышать интеллектуальный потенциал.

В настоящее время особенно важно оказывать юношам и девушкам всемерную и постоянную помощь в получении более полной и достоверной информации о происходящих в нашей стране демократических реформах и преобразованиях посредством разъяснения сути действующих законодательных актов. По данным социологов, сегодня примерно более 60 процента населения Узбекистана составляют молодые люди в возрасте до 30 лет. И потому воспитание полноценной, всесторонне развитой и свободно мыслящей личности является одной из актуальнейших задач. В целях повышения политической грамотности молодежи, осознания ею сути демократических реформ, общественно-политических и экономических процессов нижней палатой парламента в девяти областях республики в рамках молодежного фестиваля «Мы - сыны великой Родины!» реализован проект «Депутат и молодежь». В ходе этих мероприятий молодежь была ознакомлена с сутью и значением Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, в которой обоснована верность модели поэтапного развития нашей страны и необходимость дальнейшего следования по этому пути.

В повышении политической и правовой культуры молодежи проведение семинаров, круглых столов и других политико-культурных и просветительских мероприятий по различным темам общественно-политических процессов, проблем и угроз в мире играет важную роль в расширении их мировоззрения и повышении их политическое мышление.

Поскольку развитие нашей страны находится в руках молодежи, на что следует обратить больше внимания, чтобы обеспечить всестороннюю и нравственную зрелость молодежи, повысить ее правовую культуру?

- обеспечение системности на всех этапах непрерывного образования;
- воспитать молодежь нравственно зрелыми людьми, устойчивыми в социальных и экономических сферах;
- воспитание мировоззрения молодежи в духе современных требований за счет повышения качества и эффективности образования.

Правовая культура является одной из составляющих общечеловеческой культуры. Ее рост происходит через совершенствование и знание законодательства, имеющее непосредственное отношение к жизни и деятельности людей. По мере роста политического самосознания, правовой культуры и политической активности людей необходимо постепенно передавать государственные задачи негосударственным организациям и органам самоуправления граждан. Это напрямую направлено на решение задач углубления демократических реформ, реализуемых в нашей стране, формирования основ гражданского общества. В нашей стране действуют такие национальные правозащитные институты, как Уполномоченный по правам человека, Национальный центр по правам человека, Общественный центр «Общественное мнение», Институт мониторинга действующего законодательства и ряд других организаций.

Повышение правовой культуры членов нашего общества, повышение их политической активности будет происходить за счет достижения желаемых результатов политических реформ, реализуемых сегодня в обществе, и той степени, в которой эти реформы поддерживаются гражданами общества. Гарантией развития служит уникальное социальное сотрудничество государства и общества.

Одним из актуальных вопросов являются экономические реформы, направленные на развитие предпринимательства и укрепление его нормативно-правовой базы в условиях экономической либерализации. Не будет преувеличением сказать, что управление бизнесом, который требует небольших инвестиций, может быть быстро модернизирован и может хорошо адаптироваться к изменяющимся требованиям рынка, стало потребностью часа. Малый бизнес является важнейшим сектором, наполняющим рынок необходимыми товарами и услугами и определяющим структурную основу экономики.

В нашей стране предпринимательство издавна свойственно нашему народу и имеет высокий статус в обществе. В частности, Амир Темур очень ценил в своем царстве предпринимателей и мужественных людей: «Я видел, что один человек с твердой решимостью, предприниматель, трезвый, воин, смелый,

честолюбивый человек лучше тысячи беспечных, беспечных людей. «Один человек с большим опытом может дать работу тысячам людей».

С этой точки зрения, сегодня проводится большая работа, чтобы сделать день более предпринимательским, особенно для того, чтобы всячески помочь молодежи реализовать свои бизнес-идеи. В Узбекистане сформирована прочная законодательная и правовая база для развития предпринимательства, которая регулярно совершенствуется. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы государственной защиты законных интересов бизнеса и дальнейшему развитию предпринимательской деятельности» предусматривает развитие предпринимательской деятельности и защиту законных интересов бизнеса, а также как коренное улучшение деятельности Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан. В указе определены важнейшие задачи Торгово-промышленной палаты, такие как защита прав предпринимателей, улучшение деловой и инвестиционной среды, поддержка предпринимательской деятельности, взаимное сотрудничество с государственными органами, образование и обучение субъектов предпринимательства, привлечение внешнеэкономической деятельности и инвестиций.

На основании решений от 7 июня 2018 г. о реализации программы «Каждая семья – предприниматель» № ПП-3777 и от 14 июля 2018 г. «О мерах по совершенствованию и повышению эффективности работы по обеспечению занятости населению» № УП-3856 льготные кредиты предоставляются населению и субъектам хозяйствования, изъявившим желание заниматься определенной трудовой деятельностью, направленной на получение дохода и расширение своей деятельности, по ставке 8 процентов годовых, с льготным периодом от 3 до 6 месяцев на срок не более 3 лет. В связи с этим с 1 января 2020 года создана возможность выдачи кредитов по ставке рефинансирования Центрального банка Республики Узбекистан через АТ Халк Банк, Микрокредит банк и Агробанк.

Молодежь также является большой силой в развитии экономики страны. В нашей республике работает около 230 тысяч молодых предпринимателей, фермеров, квалифицированных мастеров. Государство создает необходимые условия для их дальнейшего расширения. Только в рамках программы «Молодежь – наше будущее» было выделено более 1 трлн 630 млрд сумов льготных кредитов около 8 тыс. бизнес-проектов представителей молодого поколения, в результате чего создано около 40 тыс. новых рабочих мест. созданный. «Молодые предприниматели» и «Молодые работники» приобретают все большее значение в поддержке предпринимательства нового поколения. Молодые люди, получившие предпринимательские навыки, начинают свою самостоятельную деятельность. В сельской местности в результате реализации проекта «Каждой молодежи по гектару» около 65 тысяч молодых фермеров было выделено более 54 тысяч гектаров земли.

Кроме того, принято постановление президента в целях привлечения молодежи и женщин к предпринимательской деятельности и развития предпринимательства. Основные направления поддержки населения, особенно

молодежи и женщин, а также представителей бизнес-сектора в реализации задач, указанных в постановлении Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию системы привлечения населения к предпринимательству и развитию предпринимательства» от 13 октября 2020 года № ПП - 4862 служит. В частности, решение предусматривает широкое вовлечение населения, особенно молодежи и женщин, в предпринимательство, совершенствование системы микрофинансирования, внедрение системы государственной поддержки предпринимательства, координацию со стороны единой государственной организации.

Положительный результат всех реформ, проводимых в Узбекистане по сей день, основан на том, что отношения между государством и обществом подняты на уровень гражданского общества, а правовые знания наших граждан основывается на том, что повышается уровень политической культуры, и что такая деятельность основана на уважении Конституции и других правовых норм, связанных с такими аспектами, как всегда чувство ответственности за стабильность общества.

И так, известно, что правовая культура, как и правовое образование, является важным комплексным компонентом механизма правовой социализации личности - процесса усвоения, принятия и реализации субъектами правовых ценностей общества, идей, переживаний, чувств и эмоций людей, правовых оценок, норм и моделей поведения.

Сложность, многогранность и комплексность проблемы правового образования являются причиной того, что некоторые его аспекты разработаны не в достаточной мере. Сегодня существуют различные подходы к формированию правовой культуры через образование, разнообразные концепции правового и патриотического воспитания, системы демократического гражданского образования и т.д. [3, с. 4-5].

Эффективность формирования гражданского общества зависит от уровня и качества правовой образованности молодежи и учащихся при помощи правовых дисциплин, что, в свою очередь, утверждает предположение о том, что среди многообразия внешних и внутренних условий для формирования правообразованной личности необходимы:

- опора на различные виды и организационные формы правообразовательной деятельности, что позволит молодежи овладеть высокой правовой культурой и занять достойное положение субъекта социальной действительности в обществе;

- разработка и систематические обновления учебных методик и программ по правовому образованию для достижения высокого уровня правовой культуры и формирования гражданского общества;

- создание в школьных и студенческих сообществах демократического микроклимата, который способствовал бы повышению уровня правового образования подрастающего поколения;

- широкое использование региональных традиций и компонентов правового образования граждан.

Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О коренном совершенствовании системы повышения правосознания и правовой культуры в обществе», от 09.01.2019 г. № УП -5618
2. О.Усаров. Правовая культура молодежи - основа демократического общества. Народное слово, 25 октября 2012 года.
3. Я.В. Зубова. Правовое образование в развитии правовой культуры формирующегося гражданского общества в современной России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора социологических наук. Майкоп 2010.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Бердиев Ж.К.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, катта ўқитувчиси

Шермухамедов А.К.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, катта ўқитувчиси

a.shermuxamedov@tsue.uz

Аннотация

Мақолада инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида давлатнинг уй хўжалиги, уни ошириш йўллари, уй хўжаликлари томонидан бажариладиган асосий функцияларни хусусий тадбиркорлик фаолияти шакллари тўғрисида манбалар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, уй хўжалиги, инновацион, функция.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат қатор масалаларни ечишга тўғри келади, шулардан энг асосийларидан бири уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади. Оила иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш ва товар ва хизматларни тақсимлашда бош омил ҳисобланади. Уй хўжаликларида тадбиркорлик юритиш кичик бизнеснинг норасмий шакли бўлиб, улар бозор иқтисодиёти шароитида барқарорлик элементи бўлиб ҳисобланади ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда катализатор вазифасини бажаради. Оила ишчи кучини қайта тиклаш, оилавий бизнес юритиш, уй хўжалигини бошқариш каби турли муаммоларни ечишга ёрдам беради. Уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш далаатнинг ижтимоий вазифаларидан четлашиб, унинг маблағларни кўпроқ инвестицион фаолиятга йўналтиришни назарда тутди. 2023 йилда энг йирик 10 та компаниялар ва тижорат банклари акциялари аҳоли учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилади. Унинг хабарида Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Бугун кўнглимдаги битта ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман.

Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Бу чинакам Халқ “Ай-Пи-О” (IPO) си бўлишига ишонаман”, дейди давлат раҳбари ".^[75]

Ҳозиргача фаолият қилиб келаётган энг қадимий компаниялар ҳам айнан оилавий компаниялар ҳисобланади. Масалан, “Конго Гуми” Япония қурилиш фирмаси, мехмонхона бизнесида 1000 йилдан ортиқ хизмат қилиб келаётган япониялик Хоши оиласи, Францияда узумчилик билан шуғулланиб келаётган Де Гулэн оиласи ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин. Оилавий тадбиркорлик туфайли кичик савдо расталари, магазинлар, устахоналардан бутун дунёга машхур фирмалар шаклланган, мисол учун Oral-B, Siemens, Adidas, Samsung Electronics ва бошқалар.

Ҳар бир мамлакат бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат аҳолисининг моддий фаровонлигини оширишни бош мақсад қилиб кўяр экан, буни амалга ошириш учун турли йўллар ва усуллар воситасида амалга оширади. Бунинг натижасида синалган йўллар ва усуллар ҳам баъзан сезиларли натижа бермай қолиши мумкин. Ҳозирги инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодиёт ҳар бир мамлакат фуқаросини тинимсиз ҳаракат ва изланишда бўлишини талаб қилади. Шунинг учун Республикаимизнинг кўпчилиги аҳолиси томорқа хўжалигига эга бўла туриб, ундан на натурал хўжалик учун ва на товар хўжалиги учун фойдаланмоқда. Инновацион иқтисодиётда ҳар бир инсон ўз моддий фаровонлигини ошириш учун ўзи курашмоғи лозим. Бу масаланинг иккинчи ижтимоий аҳамияти ҳам бор бўлиб, унда аҳолининг жисмоний ҳаракат қилиши туфайли соғлиги яхшиланиши, қон айланиши тезлашиши, атроф-муҳитнинг яхшиланиши, тозалик ва озодаликка урганиш, қилган ишидан роҳатланиш, келажак авлодга ўрнак бўлиш каби масалалар ҳам ётади. Лекин аҳоли айрим табақа вакилларининг лоқайд ва эътиборсизлиги туфайли имкониятларимизни тўлақонли амалга ошириш имкони бўлмайдди. Ҳар бир инсон инновацион иқтисодиёт ўтиш шароитида тушуниши лозим бўлган асосий амаллар бор. Булар: моддий фаровонликни ошириш учун барча имкониятлардан самарали ва максимал фойдаланши лозим, бир фаолият билан чекланмай бир неча фаолият орқали оила даромадини ошириш керак, хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўз имкониятлари чегарасини билиши, уни ишлатиш, фойдалаш доирасини ва ундан келадиган даромад миқдори, уни кўпайтириш омиллари англаши лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга оид белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, энг аввало, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши билан

⁷⁵ <https://sputniknews-uz.com/20221220/shavkat-mirziyoev-30885939.html>

аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам мазмун-моҳиятига кўра, ер ресурсларини самарали бошқаришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир. **Республикамиз бўйича аҳоли ихтиёрида экин экса бўладиган 445 минг гектар ер мавжуд бўлиб. 2017 йил ушбу майдонларда томорқа эгалари томонидан 4 миллион 684 минг тоннадан зиёдроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, 8 триллион 467 миллиард сўм даромад кўрилган. Бу йил эса ўтган йилгига нисбатан 2 миллион тонна кўп, яъни 6 миллион 691 минг тонна ҳосил олиш кутилаяпти. Аммо ўтказилган таҳлилларга қараганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда 4,5 миллиондан ортиқ хонадонлар бўлса, уларнинг 124 минг 474 таси томорқасидан самарасиз фойдаланмоқда. Аҳолининг томорқаларидан унумли фойдаланишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 291-моддасига асосан якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинлари экилмаган ёки уни ободонлаштирилмаган ҳолларда 3 баробар миқдорда ер солиғи тўланишини белгилловчи қўшимчалар киритилди.**

Уй хўжалиги миллий ҳисоб тизимининг муҳим иқтисодий категорияси қаторига киради. У ишчи кучига бўлган тақлифни, моддий бойликлар ва хизматларга бўлган талабни шакллантиради. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликларининг иқтисодий фаолиятини хусусий тадбиркорлик фаолияти шакли сифатида баҳолаш мумкин. Шунга кўра бугунги кунда миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари томонидан бажариладиган асосий функцияларни хусусий тадбиркорлик фаолияти шакллари сифатида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Маиший – хўжалик функцияси: анъанавий уй юмушлари: овқат тайёрлаш, хоналарни йиғиштириш, болаларга қараш, кир ювиш, оёқ кийими, уй-рўзғор буюмлари, мебель, уйни таъмирлаш каби ишлар миллий ҳисоблар тизимига кўра ёлланма ходимлар ёки ихтисослашган ташкилотлар томонидан пуллик хизматлар кўринишида бажарилиши мумкин;

2. Истеъмол функцияси (товарлар ва хизматларнинг яқуний истеъмоли);

3. Жамғариш функцияси (жамғармаларни шакллантириш); 4. Ишлаб чиқариш функцияси (оилавий бизнес билан шуғулланиш). Буларга:

- якка тартибдаги меҳнат фаолияти, яъни уй шароитида тикувчилик, мебель ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш, турли хил маиший хизматларни кўрсатиш;

- индивидуал – оилавий савдо, яъни ишлаб чиқарилган товарларни сотиш ва савдо-сотиқ билан шуғулланиш;

- аграр фаолият, яъни уй хўжалигига тегишли ер майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш.

Уй хўжаликларининг ушбу фаолият турлари бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлик фаолияти шакллари сифатида қараш мумкин.

Бу турдаги хусусий тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожлантириш миллий иқтисодиётда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши, унинг потенциални кенгайтиши, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ўсишини ифода этади.

Уй хўжаликлари жамғармалари иқтисодиётни ривожланишига сезиларли даражада таъсир этиши мумкин. Хўжаликлар ўзларига юклатилган меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, инсон капиталини жамғариш ва жамғармаларни реал иқтисодий секторга инвестициялаш каби функцияларни қанчалик даражада самарали бажарса, шунга мос равишда энг минимал йўқотишлар билан иқтисодий инқироздан чиқишга, унинг барқарорлигига ва иқтисодий ўсиш имкониятларига эга бўлади.

Уй хўжаликларининг иқтисодий функцияси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ялпи ишлаб чиқаришда иштирок этиш;
- уй хўжалигини бошқариш (юритиш);
- оила бюджетини шакллантириш;
- истеъмол фаолиятини шакллантириш (тартибга солиш);
- оила мулкни жамғариш ва меърос қолдириш;
- болаларни жисмоний ва иқтисодий меҳнат қилишга тарбиялаш.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги янги иқтисодий муносабатлар негизида кам ривожланмоқда. Унинг имкониятларидан кам фойдаланилмоқда ва уй хўжаликларининг талабларига мос келмаяпти. Бунинг олдини олиш ва уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун мотивни уйғотиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Уй хўжаликларида хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш, унда янги фаолият шакллари ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда қатор молиявий, маъмурий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2750-сонли Қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари бўлган уй хўжаликларида давлат хизматлари кўрсатиш механизмлари янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу Республикада уй хўжаликларида хусусий тадбиркорлик фаоллигини оширишни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шунингдек, уй хўжаликларида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги бу соҳада махсус илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Республикада уй хўжаликлари фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишни мақсадга мувофиқдир:

- инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликлари билан давлат ўртасидаги мавжуд ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмларни тадқиқ этиш. Уй хўжаликларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибалари ва унда мавжуд илмий назарияларни ўрганиш.

Улардаги мавжуд илғор тажрибалар, илмий назарий ёндашувлар, усуллар ва хўжалик механизмларни танлаб олиш;

- уй хўжаликлари билан давлат ўртасидаги ташкилий-иқтисодий ва молиявий муносабатларни модернизациялаш, илмий-техник, технологик ва ижтимоий-иқтисодий, молиявий характердаги инновацияларни ривожлантириш ва уларни амалиётга тадбиқ этишнинг институционал ва бозор механизмлари ишлаб чиқиш шарт;

- уй хўжалиklarининг хаёт фаолиятини ва иқтисодий хулқини ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мослашиш даврида уй хўжалиklarини трансформациялашуви омилларини таҳлил этиш. Уй хўжаликлари билан давлат ўртасидаги ташкилий-иқтисодий ва молиявий характердаги инновацияларни жорий этиш ҳисобига унда хусусий тадбиркорлик фаолияти шакллари ва йўналишларини ривожлантириш. Уй хўжалиklarида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш унинг самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, тежамкорликни оширишнинг янги ташкилий-иқтисодий хўжалик механизмларини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш керак.

- уй хўжалиklarида давлат томонидан хусусий тадбиркорлик шакллари ва йўналишларини ривожлантириш бўйича мавжуд ташкилий-иқтисодий ва молиявий муносабатларни такомиллаштириш ҳисобига улар ўртасида янги ташкилий-иқтисодий ва молиявий хўжалик механизмини шакллантириш. Ушбу ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмни назарий ва амалий жиҳатдан асослаш ва уни амалиётга тадбиқ этиш тамойиллари ишлаб чиқиш. Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида уй хўжалиklarида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига миллий иқтисодиётда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ва аҳоли турмуш фаровонлигини ўсишига олиб келувчи янги ташкилий-иқтисодий ва молиявий хўжалик механизмини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш. Ўзбекистон Республикасини инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжалиklarида хусусий тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг 2018-2030 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқиш. Дастурни амалиётга жорий этишнинг илмий назарий ва амалий асослари яратиш ва амалиётга жорий этиш тамойиллари ва тажрибалари ўрганиш. Дастурни амалиётга жорий этишнинг илмий-назарий, амалий асослари, тамойиллари яратиш, институционал ва бозор механизмлари ишлаб чиқиш. Дастурни амалиётга жорий этиш тамойиллари ва тажрибалари умумлаштириш зарур;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2750-сонли Қарорига асосан тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмлари янада такомиллаштириш;

Юқорида қайд этиб ўтилган ишлар амалга оширилса, уй хўжалиklarида илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-молиявий характердаги инновацияларни жорий этиш ҳисобига уй хўжалиklarида хусусий тадбиркорлик

шакллари ва йўналишлари ривожланади. Уй хўжаликларида хусусий тадбиркорликни ривожланишини давлат томонидан кўллаб қувватловчи янги инновацион ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлар ишлаб чиқилади. Бу стратегияни амалиётга жорий этиш натижасида меҳнат ва истеъмол маҳсулотлари бозорини ривожланиши, ялпи талабни шаклланишида ва миллий иқтисодиётга жалб этилаётган ялпи инвестицияларни ўсишида ўз ифодасини топади.

Уй хўжаликларида хусусий тадбиркорлик шакллари ва йўналишларини ривожлантириш натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги уни озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ва сифати яхшиланади. Иқтисодиётда бандлик муаммосини ҳал этади. Бу миллий иқтисодиётда тўла аҳоли бандлигини таъминлаш, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини 15-18% га ошириш имкониятлари яратилади. Бу миллий иқтисодиёт бўйича қўшимча 17-18,5 млрд сўм қўшимча товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шермухамедов А.К. Введение в корпоративное управление: Учебное пособие. - "Innovatsion rivojlanish nashriyoti - matbaa uyi" 2022. – 366 с.
2. Бурков В.Н., Дорохин В.В., Тихомиров Е.Ф. Финансовый менеджмент: Управление финансами предприятия. Учебное пособие. М.: Academia, 2013
3. Темиров А. А. Дивидендлар ва дивиденд сиёсати: Учебное пособие. – ТОШКЕНТ. ТГЭУ 2021. –160 с.
4. Shermuxamedov A. Необходимость цифровой оценки акций компании в пандемическом состоянии //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.
5. Muxtorxon Tashxodjayev, Muyassar Umarxodjayeva, Akmal Shermuxamedov, Kayumova Mekhribonu. Корпортив маданият: Учебное пособие. - "Innovatsion rivojlanish nashriyoti - matbaa uyi" 2022. – 221 с.
6. Shermuxamedov, Akmal. "МЕХАНИЗМ УПРАВЛЕНИЯ КЛАСТЕРАМИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ." Архив научных исследований (2021).
7. З.А. Ашуров. Современное корпоративное управление (Зарубежный опыт) Учебное пособие. – "Innovatsion rivojlanish nashriyoti - matbaa uyi", Ташкент. 2021. –161 с.
8. Д.Н.Хусанов, А.Ж.Хўжамурадов, Б.Н.Уринов. Биржалар ва стратегиялар: Учебное пособие. – ТОШКЕНТ. ТГЭУ 2021. –232 с.
9. Ф.А.Джалилов. Хулқ атвор иқтисодиёти: Учебное пособие.- "Innovatsion rivojlanish nashriyoti - matbaa uyi", 2022. – 124 с.
10. Shermukhamedov A. K. Factors Affecting the Cluster Management Mechanism Agriculture //Экономика и финансы (УКРАИНА). – 2018. – №. 9. – С. 132-136.
11. <https://sputniknews-uz.com/20221220/shavkat-mirziyoev-30885939.html>

“ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ” ЙИЛИДА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Файзиева Дилафруз Шухратовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Корпоратив бошқарув кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кундаги иқтисодий ўсиш тушунчасининг моҳияти ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва миллий даромаднинг кўпайиши изоҳланган. Ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсиш ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва функционаллаштириш кўрсатилган.

Калит сўзлар: Иқтисодий таҳлил, аҳолининг турмуш даражаси, меҳнатга лаёқатли ёш, иқтисодий ўсиш, ижтимоий-демографик хусусиятлар.

Бозор иқтисодиётида, жамият талабини тўла тўқис кондира оладиган ва ишлаб чиқариш кучлари юқори даражада ривожланган, билимлар асосида иқтисодиётни бошқариш натижасида иқтисодий ўсишга эришиш талаб қилинади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш ва прогнозлаш назарий ва амалий жиҳатдан 2 хил бўлади: моддий, омилли ва нархли; миллий даромадни истеъмолга ва жамғаришга тақсимланиш нуқтаи назардан[1]. Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этилиши иқтисодий ўсишга олиб келади, у мамлакат иқтисодиёти даражасида миллий даромадлар кўринишида ёки якуний ялпи маҳсулот кўринишида кўриб чиқиш қулай бўлиб ҳисобланади.

Аҳолининг турмуш сифатини яхшилашда, ҳам иқтисодий ўсишда доимий иш билан бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш каби масалалар устувор аҳамият касб этмоқда. “Ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир” [2]. Бу вазифаларни ҳал этишда: меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган меҳнат қилаётган шахсни ижтимоий эҳтиёжманд қатлам вакиллари таркибига киритиш, иқтисодиёт тармоқлари, соҳалари ва ижтимоий-демографик хусусиятлари, бандлик жараёни давомийлигини ошириш, аҳолини иш билан бандлик даражасининг ошиб бориш шароитида демографик жараёнларни прогнозлашнинг аниқлик даражасини ошириш каби йўналишларда тадқиқот ишларини чуқур-лаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кундаги глобал пандемия шароитида мамлакатларнинг олдида турган энг муҳим устувор вазифаларидан бири иқтисодиётда фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади [3]. Бу эса аҳолининг иш билан бандлиги даражасини янада ошириш асосида аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини пандемиядан

олдинги меъёрларда сақлаб қолиш, ўз иш ўринларини йўқотаётган аҳоли қатламларини иш билан бандлик даражасини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг норасмий секторидаги аҳолининг иш билан бандлигини ҳисобга олишда белгиланган муддатдаги даромад миқдори ва қонуний жиҳатдан тақиқланмаган фаолият тури сифатида киритилиши лозим. Чунки белгиланган давр мобайнида норасмий секторда иш билан банд бўлган шахсларнинг оладиган даромади энг кам ойлик иш ҳақидан ёки истеъмол савотчаси миқдоридан кам бўлганда ушбу шахсга нисбатан банд бўлиш атамасини қўллаш ноўринлигини айтиш мумкин. Бугунги пандемия шароитида иқтисодиётнинг норасмий секторида банд[4]. бўлган шахслар меҳнат фаолиятини ва уларнинг даромадларини қонунийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур секторда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ва даромад топаётган шахслар учун бошланғич давр учун имтиёзли дарвлар ташкил этиш ва кейинги муддатда босқичма-босқич ушбу сектор вакиллари манфаатларини ҳисобга олинган ҳолда расмий секторга ўтказиш чора-тадбирларини амалда жорий этиш лозим[5]. Айрим ҳудудларнинг демографик ривожланиш динамикасини моделлаштиришда иқтисодий ўсиш ва аҳоли географияси доирасида тўпланган ёндашувлари ва тажрибасидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий ўсиш турлари фуқароларга ўзининг ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланиш иқтисодий ўсиш турлари келтирилган шу жумладан, ҳақ тўланадиган ишни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш бўйича таъриф келтирилган. Иқтисодий ўсишга эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, ялпи ички маҳсулот таркибий компонентларининг оптимал нисбатини таъминлаш, иқтисодий ўсиш моделларидан энг мақбулларини танлаш каби муҳим масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнларни макроиқтисодий таҳлил қилиш ва методологик жиҳатдан такомиллаштириш, бу бўйича амалий тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишини тезлаштиради. Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини ёки бошқача айтганимизда, ҳақиқий ва потенциал ЯИМ ҳажмининг ошишини билдиради. Иқтисодий ўсиш бу гуруҳга қуйидаги омиллари киритилади: табиий ресурслар сони ва сифати; меҳнат ресурслари сони ва сифати; асосий капитал ҳажми; технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш; жамиятда тадбиркорлик малакаларининг ривожланиши даражасидир. Иқтисодий ўсишнинг талаб ва тақсимот омиллари бозорнинг монополлашуви даражасини пасайиши; иқтисодиётдаги солиқ муҳити; кредит-банк тизими самарадорлиги; истеъмол, инвестиция ва давлат харажатларининг ўсиши; экспорт ҳажмининг ўсиши; иқтисодиётда ишлаб чиқариш ресурсларини қайта тақсимлаш имкониятлари; даромадларни тақсимлашнинг шаклланган тизими[6].

Фуқароларга ўзининг ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланиш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш бўйича мутлақ ҳуқуқ тегишлидир. Ушбу

жараёнларнинг натижаси ҳудуд иқтисодиётида янги иш ўринлари яратилишини ва мавжуд иш ўринларининг сақланишини рағбатлантиришдан иборат бўлиб, бу аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга олиб келади[7].

Маълумки, демографик ва иқтисодий ўсишнинг турли хил вариантлари ва унинг вақт ўтиши билан ўзгариши иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилдир. Иқтисодий ўсиш демографик ўсишнинг биринчи ва охирги босқичларида, яъни энг ёш ва кекса аҳоли гуруҳлари сони максимал қийматига етганда секинлашади. "Демографик дивидендлар" фақат ўрта босқичда ва фақат бир марта пайдо бўлади. Узок муддатли истиқболда туғилишнинг паст даражаси қариялар сонининг нисбатан кўпайишига олиб келади, бу эса қарамлик коэффициенти оширади (пенсия ёшидагиларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар умумий сонидаги улуши), "Демографик дивидендлар"ни иқтисодиёт ва жамият томонидан бир хил тарзда қўлга киритаолишмайди[8]. Иқтисодий фаол аҳолининг юқори маҳсулдорлигини таъминлаш учун самарали сиёсат, яъни меҳнат бозорида мослашувчанликни жорий этиш, жамғарма ва инвестициялар миқдори, шунингдек, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизими учун имтиёзлар бериш бениҳоя муҳим ҳисобланади[9].

Меҳнат ресурсларининг иқтисодий аҳволи бу демографик ривожланиш ва аҳолини иш билан бандлигини тартибга солишда меҳнат ресурслари турли гуруҳларининг иқтисодий аҳволини эътиборга олиш керак. Ўз навбатида, объектив сабабларга кўра ҳар доим ҳам имкони бўлмайдиган иш ҳақини оширишдан ташқари ходимларнинг иқтисодий аҳволини оптималлаштириш механизмлари сифатида ходимнинг профессионал ривожланишига, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва техник-ташкилий меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлардан фойдаланиш зарур. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот каби тармоқларда пенсияга чиқиш ёшини узайтириш асосида иш билан бандлик давомийлигини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://studfile.net/preview/16404678/page:22/>
2. Безработица в Европе: кто заплатит за карантин. ru.euronews.com
3. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотлари. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/-dcomm/-publ/documents/publication/wcms_734455.pdf
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги "Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5975-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4776669>.
5. Неустойчивая занятость в Российской Федерации: теория и методология выявления, оценивание и вектор сокращения: научная монография / коллектив авторов; гл. науч. ред. В.Н. Бобков; редкол.: И.В. Новикова.
6. Экономика труда. В 2 ч. Часть 1 : учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / И. М. Алиев, Н. А. Горелов, Л. О. Ильина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2016. — 74 с.
7. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/13_Kholbekova.pdf

8. Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 262-264 б.

9. 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642-сонли қарори.

“ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ” ЙИЛИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Яхшибоева Лайло Абдусатторовна

Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети

Молия ва бизнес таҳлил кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу тезисда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: сиёсий ва ижтимоий, турмуш қуриш, зўравонликни тугатиш, гендер тенглик, сифатли таълим, иқтисодий фаоллик.

Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида кўламли ишлар олиб бориляпти.

Ҳозирги кундаги асосий мақсадлардан бири қизларнинг ўзини ўзи қадрлаш, ўз ҳуқуқларини талаб қилиш ва қарор қабул қилишда ҳисса қўшишдир.

Бунда эрта турмуш қуриш, оиладаги зўравонликни тугатиш ва таълим, иш имконияти ва маошларда гендер тенглигини талаб қилиш билан боғлиқдир. Шунингдек биз оилаларга ҳомийлик қилишнинг асосий манбаи бўлган кўплаб ваколатли аёлларни кўришимиз мумкин. Уларга ёрдам бериш ва оилалари учун қилаётган ишларини давом эттиришга ундаш учун барча эътиборни қаратиш керак.

Таъкидлаш жоизки, **“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги [1] Президентимизнинг қарорида хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасини ташкил этиш вазифаси белгиланган. Унга кўра, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга

мухтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифалари аниқ кўрсатилган.

Мамлакатда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак даражадаги маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бу борадаги ислоҳотлар республикамизнинг чекка ҳудудларига етиб бориши ва хотин-қизлар давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳимоясида эканини билиши зарур[2].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид вазифалар ишлаб чиқилди.

Бу борада қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чоратадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва у қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади, шу билан бирга, уларнинг бир қисми[3] БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган.

Айниқса, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонун кўп йиллик муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Ушбу қонун оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш, уларга бошпаналар ажратиш, ишонч телефонлари ва нафақат жисмоний зўравонлик, балки психологик босим ёки иқтисодий жиноятлар бўйича мажбурий [4] жавобгарликка тортиш орқали аёлларни ҳимоя қилиш учун асосдир. Бундай чоралар, хусусан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари томонидан узоқ вақт давомида тавсия қилиб келинган.

Хулоса қилиб айтганда хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашда қуйидаги асосий босқичлар:

1. Ҳар бир аёл ўз ҳақ ҳуқуқларини билиши.
2. Иқтисодий фаоллиги.
3. Соғлом турмуш тарзига эга бўлиши.
4. Жамият ва давлат тарафидан қўллаб қувватланиши
5. Сифатли таълимга эга бўлиши

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш жамият ривожидида муҳим бўлган ижтимоий ҳамда иқтисодий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилаётганини айтиш жоиз..

Адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/docs/5899498>
2. Сатиб-Алдиев К.А Ҳарбий педагогика. 2014. Ўқув қўлланма 179.

3. <https://lex.uz/docs/4872355?ONDATE2=21.04.2022&action=compare>

4. Г.Н. Ахунова, Л.В. Голиш, Д.М. Файзуллаева. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Ўқув услубий қўлланма/ Замонавий таълим технология серияси. – Т.: 2009. 155 б.

КЎЧМАС МУЛК СОҲАСИДА БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ

Караев Мансур Юлдашевич

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази катта илмий ходими

Аннотация

Кўчмас мулк замонавий дунёда ҳар бир инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади ва унинг юқори аҳамиятини ортиқча баҳолаш мумкин эмас: бу ҳам аҳоли учун уй-жой мавжудлиги, корпорациялар ва корхоналар учун энг қулай шароитларда самарали фаолият юритиш имконияти. Мақолада жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида кўчмас мулкни баҳолаш усуллари ва ёндашувлари, шунингдек баҳолаш фаолиятини амалга оширишда кузатиладиган тамойиллар тавсифланган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк, баҳолаш, қиймат, усуллар, тадқиқот, иштирокчилар, бозор.

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг ривожланиши кўчмас ва кўчар мулкнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқлар қийматини баҳолаш бўйича янги фаолият турининг шаклланишига олиб келди. Баҳолаш фаолияти иқтисодиётни ислох қилиш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг ажралмас қисмига айланди. Кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини, усуллари мулк турларини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш баҳолаш фаолиятини нафақат бозор инфратузилмасининг амалий тармоғи сифатида, балки амалий иқтисод фанининг илмий-услубий йўналиши сифатида тушуниш имконини беради.

Республикада кўчмас мулкни баҳолаш хизматларига бўлган талаб бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки кунлариданоқ пайдо бўлди. Давлат кўчмас мулкни хусусийлаштиришнинг кенгайиши, корхоналар устав сармоясига киритиладиган кўчмас мулкнинг кўпайиши, кўчмас мулкни гарови остида кредитлашнинг ривожланиши ва биринчи навбатда мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган кўчмас мулк билан бажариладиган бошқа фуқаролик-ҳуқуқий операциялар баҳолаш тузулмаларининг мажбурий тарзда иштироки билан амалга оширилади [1].

Асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланадиган кўчмас мулкни ҳар доим олди-сотди, ўзлаштириш, фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этиш объектлари тоифасига киритиш мумкин бўлган. Албатта, кўчмас мулк объектини мулкка ўтказиш билан боғлиқ қарорни қабул қилишдан олдин, одатда, уни баҳолаш амалга оширилади.

Халқаро стандартларга мувофиқ, баҳолаш фаолияти дейилганда кўплаб

объектларни муайян санадаги ягона усул ва мезонлардан фойдаланган ҳолда баҳолаш, шунингдек олинган натижаларни статистик тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш амалиёти тушунилади. Бундан кўзланган мақсад энг тўғри бозор нархини аниқлаш учун кўчмас мулк объектларининг ўртача статистик қийматини билиб олишдан иборат [2].

Ҳар бир давлат кўчмас мулкни баҳолаш жараёнини назорат қилади. Бунинг учун алоҳида тизим яратилиб, уни шакллантиришда ва механизмларини ишлаб чиқишда баҳоловчилар ҳам, ўзаро боғлиқ соҳалар мутахассислари ҳам иштирок этади.

Баҳолашнинг учта асосий ёндашуви мавжуд: харажатли, қийсий ва даромадли.

Усулларнинг аксарияти айнан қийсий ёндашув тамойилларига асосланади, яъни бунда бошланғич маълумот сифатида баҳоланаётган объектларга ўхшаш кўчмас мулк объектлари бўйича сотиш, талаб ёки таклиф нархларидан фойдаланилади [3].

Ҳозирги вақтда баҳолаш фаолиятида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:

1) нарх – бу баҳоланаётган объектга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган объектларни сотиб олиш учун қилиниши мумкин бўлган пул харажатлари миқдори;

2) харажатлар – баҳоланаётган объектни яратиш жараёнида юзага келадиган чиқимлар;

3) қиймат – харидор томонидан ушбу объектга бўлган эгалик ҳуқуқининг унга ўтиши учун компенсация сифатида тўланадиган пул маблағлари миқдори.

Қиймат икки шаклда ифодаланиши мумкин:

- истеъмол қиймати (баҳоланган объектнинг хусусиятлари тўпламини унинг истеъмолчи учун фойдалилиги, муҳимлиги нуқтаи назаридан тавсифлайди);

- алмаштириш қиймати (объектнинг бошқа маҳсулотлар, хизматлар учун алмашадиган бўла олишини тавсифлайди).

Баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган асосий принципларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Фойдалилик принципи, унга кўра энг катта қиймат билан кўрсаткичлари кўчмас мулк объекти харидорининг эҳтиёжларига максимал даражада мос келадиган объектлар тавсифланади.

Алмаштириш принципи, унга кўра, агар бозорда бир нечта ўхшаш вариантлар мавжуд бўлса, харидорни кўпроқ энг паст нархли таклиф қизиқтиради.

Кутиш принципи, унга кўра харидор кўрадиган фойдани, шунингдек кўчмас мулкнинг харидор учун қулайлигини ва у оладиган даромадни ҳисобга олиш назарда тутилади.

Шунингдек, мувозанатлилик ва ҳисса принципларига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Мувозанатлилик принципи шуни назарда тутадик, кўчмас мулк объекти учун истеъмол талаби нуқтаи назаридан муваффақиятга фақат объект истеъмолчиларнинг барча баҳолаш мезонлари бўйича минимал талабларини

қондирган тақдирдагина эришиш мумкин.

Ҳисса принципи кўчмас мулк объектининг фойдалилиги (ва ўз навбатида унинг қиймати) ҳар бири ўз аҳамиятлилик коэффицентига эга бўлган омиллар тўплами билан аниқланишини назарда тутди.

Бундан ташқари бўлиш принципи ҳам мавжуд. Унинг моҳияти қуйидагича: кўчмас мулкнинг таркибий қисмлари, шунингдек унга бўлган ҳуқуқлар манфаатдор томонлар учун максимал фойда келтирадиган тарзда бўлиниши мумкин. Бўлиш қуйидаги жиҳатларда ўзини намоён бўлиши мумкин:

- мулк ҳуқуқлари бўйича;
- эгаллик қилиш ҳуқуқлари бўйича [4].

Бозор иқтисодиётининг бошқа барча тармоқларида бўлгани каби, кўчмас мулк объектининг нархи ҳам объектга бўлган истеъмол бозоридаги мавжуд талаб кўрсаткичларига бевосита боғлиқ. Аммо бу кўчмас мулкнинг қийматига таъсир қилувчи ягона омил эмас: бу ерда рақобат ҳам алоҳида аҳамиятга эга, айнан унинг натижасида сотувчилар потенциал харидорларнинг манфаатдорлигини таъминлаш учун тўғри нарх сиёсатини олиб боришга мажбур.

Ўтган йилларда амалга оширилган кўчмас мулк объектларини баҳолаш фаолияти уни республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш моделининг ўзига хос хусусиятлари ва хорижий мамлакатларда баҳолаш ишларининг кўп йиллик тажрибасини инобатга олувчи мустақам услубий асосда ривожлантириш зарурлигини тақазо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Ходиев Б.Ю. Кўчмас мулкни баҳолаш: ўқув қўлланма/ С.С.Ғуломов таҳрири остида. –Т: «Фан», 2005. -165 б.

2. Асаул А.Н. Оценка объектов недвижимости [Текст]: учебник / В.Н.Старинский, М.А.Асаул, Е.В.Грахова/ Под ред. А.Н.Асаула. - М.: Проспект. 2018. - 384 с.

3.Иванова Е.И. Оценка стоимости недвижимости [Текст]: учебник / Е.И.Иванова. - М.: Кнорус, 2021.-344 с.

4. Оценка недвижимости [Текст]: Учебник / Под ред. А.Г.Грязновой. М.А.Федотовой. - М.: Финансы и статистика, 2019. - 528 с.

МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЎҚИТИШ ВА ЎРГАТИШНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Шахобиннова Малоҳат Зайнилобиддин қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
dildorau411@gmail.com


Аннотация

Мақолада мактаб таълимини ташкил қилишда ўқитиш ва ўргатишнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи тадқиқ этилган. Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш ва олиб борилиши бошқичлари асосланган. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилишнинг асосий шартлари келтирилган.

Калим сўзлар: ўқитиш, ўргатиш, мустақил иш, маслаҳат, назорат, баҳолаш, натижа, таҳлил, рефлексив, лойиҳа, тадқиқот, топшириқ.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилган бўлиб, бу борадаги энг катта соҳалардан бири таълимдир. Таълим сифатини оширишда мактаб таълимини ташкил қилишда ўқитиш ва ўргатишнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишнинг ўрни катта.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш ҳамда таълим муҳитини шакллантиришдан иборат.



1-Расм. Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилишда ўқитиш ва ўргатишнинг ўзаро боғлиқлиги

Ўқитиш фаолияти ва ўқувчининг ўзаро боғлиқлик фаолияти, қуйидаги расмда келтирилганидек, ўқитувчи томонидан ўқувчининг фаолиятини кузатиб боришини тақазо қилади(1-расм).

Мазкур чизма ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш ва олиб борилиши босқичларини ўзида акс эттиради.

Жумладан, тайёргарлик босқичи ўқитувчи томонидан қуйидагиларни ўз ичига олади:

1-қадам. Янги бўлимлар киритиш ҳисобига, ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш: мустақил иш мавзулари, мустақил ишни назорат қилиш, мустақил иш учун топшириқлар намуналари.

2-қадам. Ўқувчиларнинг умумий ва касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий мақсадларига мос келадиган, ўқув ишлари турларини ажратиб олиш.

3-қадам. Мустақил иш учун топшириқларни ишлаб чиқиш.

4-қадам. Мустақил ишни бажариш давомида таълим олувчилар тўплаши лозим бўлган балларнинг йиғиндиси ва соатлар миқдорини ҳисоблаб чиқиш.

5-қадам. Ўқувчиларга танлаш имконини бериш учун ўқитишнинг шакли, усуллари ва воситалари кўрсатилган технологик картани ишлаб чиқиш.

6-қадам. Фан бўйича ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқиш ва таълим муҳитини лойиҳалаштириш.

Мақсадни қўйиш ва режалаштириш босқичи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг режаларини мувофиқлаштириб олиш бўйича ишларни амалга оширишни ўз ичига олади. Ўқитувчи ўз фаолиятини режалаштириш мақсадида ўқувчиларга фан бўйича мустақил ишнинг технологик харитасини беради. Ўқувчи ўқув ишларининг турларини танлайди, фанга нисбатан қўйиладиган талаблар билан, жумладан мустақил ишни бажаришга нисбатан қўйиладиган талаблар билан танишади.

Маслаҳат бериш босқичи ўқувчиларнинг мустақил ишининг боришини кузатишда жуда муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маслаҳатчи, эксперт, тьютор ва модератор вазифасини бажаради. Айнан, мана шу босқичда ўқувчини педагогик қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади. Тажриба шуни кўрсатадики, маслаҳат бериш ўқувчининг информацион, технологик , психологик ва бошқа тушунчалари бўйича сўровлари асосида бўлиши керак.

Кўпинча, ўқитувчи эксперт сифатида ёки лойиҳалаш бўйича маслаҳат беради. Аммо, ҳар доим ҳам маслаҳат кутилган натижани беравермайди, бунда ўқитувчи томонидан ҳал этилиши лозим бўлган махсус муаммолар ва ўқитувчи бажарадиган айрим функциялари ҳам талаб қилинади. Айрим ўқувчиларга ёрдам керак бўлади, бу эса ўқитувчидан тьюторлик функциясини бажаришини талаб қилади, айрим ўқувчилар эса ўз фаолиятини, гуруҳда ишлаш фаолиятини ташкил этиш кўникмаларига эга бўлмайдилар, бундай ҳолатларда ўқитувчи модераторлик функциясини бажаради[1].

Назорат-баҳолаш босқичи, ўз ичига нафақат ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини баҳолашни, балки ўзаро баҳолаш ва ўқувчининг ўзи томонидан баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш турли миқёсда ўтказилиши мумкин: технологик харита асосида топшириқларнинг бажарилишини комплекс баҳолаш, рефлексив кундалик юритиш, лойиҳа ва тадқиқот ишларини ҳимоя қилиш ва ҳ.к.

Назорат-баҳолаш босқичи рефлексив босқич билан ҳам бирга келиб қолиши мумкин. Ўқитувчи шуни ёдидан чиқармаслиги лозим-ки, ҳар қандай турдаги мустақил ишни бажариш, таълим олувчилар томонидан куйидаги босқичларни босиб ўтишларини талаб қилади:

1-қадам. Мустақил ишнинг мақсадини аниқлаб олиш.

2-қадам. Англаш лозим бўлган (муаммоли ёки амалий) вазифани аниқлаштириб олиш.

3-қадам. Қўйилган ёки танланган вазифани бажариш бўйича мустақил ишни бажаришга тайёрлик даражасига ўқувчининг ўзи томонидан баҳо бериш.

4-қадам. Масалани ечишга имкон берадиган (уни ечиш йўллари ва воситаларини танлаш) фаолиятнинг адекват усуллари танлаш.

5-қадам. Муаммони ечиш бўйича мустақил ишни режалаштириш (мустақил равишда ёки ўқитувчи ёрдамида).

6-қадам. Мустақил ишни бажариш дастурини амалга ошириш.

7-қадам. Мустақил ишнинг бажарилганлиги бўйича ўз-ўзини назорат қилиш, эришилган натижаларни баҳолаш.

8-қадам. Шахсий ўқув фаолияти рефлексияси.

Мазкур босқичларнинг ҳар бирида фаолият рефлексияси зарур, бу эса ўқувчиларнинг ҳар томонлама билишини ривожлантиради ва уларни ўқитиш субъекти ўрнига қўяди.

Тахлил қилиш босқичи, ўқувчи ва ўқитувчи тизимли рефлексия фаолиятини олиб боришганида, яқунловчи босқич ҳисобланади. Ўқувчи қуйидаги саволларга жавоб берар экан, рефлексияни амалга оширади:

1. Ўқув фаолиятини амалга оширишда нима олинди ва нимага эришиб бўлмади. Нима учун, нима ҳалақит қилди?

2. Қандай умумий ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга эришилди? Менинг лаёқатсизлигим нималарда кўринади? Буни тузатиш мумкинми?

3. Мазкур фанга қандай ўқув ва шахсий муваффақиятлар қўшилган?

4. Ўз салоҳиятини мустақил ошириш бўйича яна нималар қилиш зарур? Ўзининг шахсий ва касбий даражасини қандай қилиб ошириш мумкин? Мустақил таълим бўйича қандай фаолият турлари мазкур фан бўйича менинг шахсий ва касбий даражамни оширишга имкон беради?

Ўқитувчи олинган натижаларни тахлил қилади, хулосалар чиқаради, ўқув топшириқларига тузатишлар киритади, ўқувчининг касбий кўникмаларини оширишга нима қаратилмаган бўлса, олиб ташлайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олувчи, ўқувчиларнинг мустақил ишини кузатишга киришади:

зарурий ресурсларни ўзига қамрав олувчи таълим муҳитини режалаштириш, тузиб чиқиш;

ўқувчиларнинг мустақил иш режаларини келишиш, тасдиқлаш (топшириқларнинг турлари ва мавзулари, натижаларни тақдим этиш муддатлари, топшириқларни бажариш мезонлари, технологик харитани ишлаб чиқиш);

ўқувчиларнинг таълим бўйича сўровларига маслаҳатлар бериш;

ўқувчиларнинг мустақил ишини баҳолаш ва рефлексиялаш учун педагогик шарт-шароитларни яратиш;

ўқувчиларнинг мустақил ишини шахсий педагогик қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.

Фикримизча, мазкур ҳолат бўйича маълумотлар асосида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишни модель кўринишида тавсифлаш мумкин.

Маълумки, таълим жараёнига мазкур моделнинг жорий этилиши ўқитувчиларга ўқувчининг фаолиятини янада тизимлироқ ташкил этиш имконини беради, ўқувчини эса касбий кўникмаларни ҳосил қилишга ва узлуксиз таълимга ундайди[2].

Фикримизча, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилишда қуйидаги шартларга риоя қилиниши керак:

ўқувчи томонидан шахсий-йўналтирилган таълим жараёнини амалга ошириш, шунингдек шахсий ҳаракатланиш йўналишларини танлаш имкониятининг мавжуд бўлиши;

ўқувчиларнинг мустақил ишларини баҳолашнинг жамғарма тизимини ўз ичига олувчи кредит-синов тизимидан фойланиш;

ўқувчиларнинг ўқув ва шахсий муваффақиятларини баҳолашни тизимли ташкил этиш;

технологиянинг зарурий босқичи сифатида ўқувчиларнинг мустақил ишини қўйиш ва ҳамкорликда режалаштириш;

ўқувчиларнинг мустақил ишининг ахборот-услубий таъминоти.

Ўқувчиларнинг мустақил ишини қўйидаги шаклларда ташкил этиш мумкин:

ўқувчиларнинг мустақил ишига ажратилган соатларга асосланиб, уларнинг мустақил иши шахсий режаларини келишиб олиш;

режани ишлаб чиқишда ёки топшириқ дастурини бажаришда ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳатлар (шахсий ёки гуруҳли) бериш;

топшириқнинг мазмуни ва уни бажариш бўйича йўриқнома бериш;

топшириқ бажарилиши боришининг оралиқ назорати ўтказиш;

таълим жараёнида ўқувчини кузатиб борилиши (топшириқни ўқитувчи ёрдамида бажариш);

уйга берилган топшириқларни бажариш, жумладан, маъруза ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

топшириқни бажарилиш натижаларини баҳолаш (синф соатлари чегарасида).

Ўқитувчи мустақил ишнинг мазмунини аниқлайди, тегишли ўқув-услубий таъминотни яратади, ўқувчиларни бажарилган топшириқлар рефлексиясига киритади, топшириқларнинг бажарилиш натижаларини баҳолайди.

Фикримизча, ўқувчиларнинг мустақил иши ўқитувчининг тақвимий режасида ўз аксини топган бўлиши, ҳамда мавзулар бўйича тақвимий режада ўқитувчи томонидан ўқув дастуридаги ўқувчи мустақил ўзлаштириши лозим бўлган мавзулар, топшириқларнинг турлари, топшириқларни бажариш муддатлари ҳамда мустақил ишни баҳолаш мезонлари акс эттирилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ergashev B, Ismailova Z, D. Khimmataliev, M. Khashimova, M. Baybaeva. Integrative approach to designing the content of secondary specialized vocational education // Revista de Ciencias Humanas y Sociales ISSN 1012-1587/ISSNe: 2477-9385. Orción, Año 36, Regular No.91 (2020): Pp. 25-41

2. Шуткина Ж.А. Организационно-педагогические условия формирования конкурентоспособности выпускников негосударственного вуза: Автореф. дис. к. пед. Наук. – Нижний Новгород, 2008. – 22 С.

МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ РИВОЖИНИ ҲУДУДИЙ БАҲОЛАШ

Жумаева Мухлиса Абдугани қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

muxlisa.rahmatova.88@mail.ru

Аннотация


Мамлакатимизда сўнгги йилларда аёллар тадбиркорлигига эътибор кескин кучайганига қарамай мазкур мавзуга доир илмий асосланган таҳлиллар бироз суст ривожланмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мавжуд аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичлари маъмурий-худудий бирликлар кесимида статистик маълумотлар асосида баҳоланди ва гуруҳларга бўлинди.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, Кичик тадбиркорлик, аёллар тадбиркорлиги, баҳолаш, гуруҳлаш

Мамлакатда хотин-қизлар тадбиркорлиги учун яратилган қўллаб-қувватлаш имконият ва имтиёзларга қарамай, 2020 йилда аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги индекси (WBL) бўйича жаҳонда 139 ўринни эгаллади[1]. Ваҳоланки, тадбиркор хотин-қизлар бутун дунё бўйича фаол ўсаётган тадбиркорларнинг учдан бирини ташкил этади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси”[2]да “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” номли 69-мақсад таркибида “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш....” вазифаси белгилаб берилди. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар аҳолининг турмуши яхшиланишига, гендер тенглиги таъминланишига ва албатта, тараққиётнинг жадаллашишига улкан хисса қўшади. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда минтақалар ўзига хослигини ҳисобга олиш чора-тадбирларнинг самарадорлиги ошишига хизмат қилади. Шу муносабат билан мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда мавжуд аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичларини маъмурий-худудий бирликлар кесимида статистик маълумотлар асосида баҳолашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

2021 йилда аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 2017 йилга нисбатан Ўзбекистон бўйича 81,8 фоизга ошган бўлсада, бу кўрсаткич вилоятлар бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, Навоий вилояти 2,5 баробардан зиёд ўсиш қайд этди, Андижон ва Тошкент шаҳрида эса аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 5 йил ичида мос равишда 37 % ва 47,2 %га ошган. Шунингдек, 2021 йилда Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 2017 йилдагига нисбатан камида 2 карра кўп аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритмоқда экан. Миқдор жиҳатдан эса Тошкент шаҳри 9 минг 764 та, Тошкент вилояти 4 минг 760 та ва Самарқанд 2 минг 974 нафар аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритиши билан республикада етакчилик қилади. Ҳудудлардаги аёллар эгаллик қилаётган юридик шахслар сонидан ҳам шу учлик олдинги сафларда турибди (1-расм).

2021 йил ҳолатида аёллар раҳбарлигидаги юридик шахсларнинг умумий сонига нисбатан аёллар бошчилигидаги юридик шахслар ҳамда кичик корхона ва микрофирмалар сонига энг катта тафовут Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида кузатилган. Бундан юридик шахсларнинг энг кам миқдори Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, ҳар бирида қарийб 2мингтадан мазкур фаолият тури қайд этилган.



1-расм. 2021 йилда аёллар раҳбарлигидаги юридик шахслар сони, вилоятлар кесимида

Ўзбекистонда 2021 йил якуни бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши %, аёллар эгалик қилаётган фирмалар улушининг умумий фирмалар сонига улуши эса %ни ташкил этган. Маълумки, Ўзбекистон 14 та маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат. Эндиликда ушбу ҳудудлар бўйича тадбиркорлик ЯХМда қандай ўринга эга ва бунда илмий тадқиқот объектимиз бўлган аёллар тадбиркорлиги қанчалик муҳим роль ўйнаётганини таҳлил қиламиз.

1-жадвал. 2021 йил якуни бўйича вилоятлар кўрсаткичлари

Вилоятлар	Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯХМдаги улуши, % да	Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши, %
Қорақалпоғистон Рес.	56,4	43,8
Андижон	71,8	30,5
Бухоро	75,4	34,5
Жиззах	81,2	55,2
Қашқадарё	69	33,7
Навоий	27,1	46,9
Наманган	73,5	55,6
Самарқанд	73,4	47,5
Сурхондарё	77,3	55,8

Сирдарё	69,2	24,4
Тошкент	46,8	43,5
Фарғона	69,9	14,2
Хоразм	73,9	42,7
Тошкент ш.	48,1	28,4

Юқоридаги тасвирларда мамлакатдаги ҳар бир ҳудуднинг аёллар томонидан юритиладиган тадбиркорлик салоҳиятини кўриб чиқиш учун мавжуд омиллар ичида иккитаси танлаб олинган. Бунда “Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯХМдаги улуши” ҳудудда кичик бизнес қанчалик вазнга эгаллигини ифодаласа ва “Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши” эса бу вазнда аёлларнинг ўрни қандайлигини ифодалайди. Маълумот учун, 2021 йил якунида аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши республика миқёсида 38,0%ни қайд этган.

Натижалар асосида вилоятларни 4та тегишли ривожланганлик даражасига бўлди. Маълум бўлдики, иқтисодиётдаги тадбиркор аёлларнинг ўрни бўйича Жиззах, Наманган ва Сурхондарё энг илғор вилоятлар учлигини ташкил қилди. Бу ерларда кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 73%+ ва аёлларнинг фирма эгаллигидаги хиссаси 55%+ ни ташкил қилди. Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё ҳам умумий маънода ижобий натижа кўрсатиб ушбу категориядан жой олган. Яъни ушбу ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 69%дан ортиқ, Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши эса мос равишда 47,5%, 42,7%, 33,7% ҳамда 34,5%ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши бўйича илғор бўлмасда, аёллар эгалик қилаётган фирмалар улушида ўртачадан юқори натижа кўрсатган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилоятлари бўлиб, уларда аёл тадбиркорлар фаоллиги ёмон эмас, яъни 43%дан ортиқ тадбиркорлар аёллардир. Аммо ҳудуд иқтисодида йирик саноат ривожланиб бораётгани боис, кичик тадбиркорлик улуши жиҳатдан бошқа вилоятлардан ортда турибди. Андижон, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари эса аксинча натижа кўрсатган бўлиб, бу ерларда КБХТ иқтисодиётдаги ўрни 69фоиздан баланд бўлсада, аёл жинс вакиллари тадбиркорликда 1/3 қисмидан кам улушга эгалик қилишмоқда. Ҳаттоки, Фарғона вилоятида аёллар эгалик қилаётган фирмаларнинг барча фирмалар сонидagi улуши 14,2%ни ташкил қилиши билан ажралиб турибди.

Тошкент шаҳри эса таҳлилда икки тарафлама кам хиссалар билан энг салбий натижа кўрсатди. Пойтахтда тадбиркор аёллар бошчилигидаги фирмалар улуши водий кўрсаткичидан юқори бўлган бўлсада, аксарият вилоятлардан паст – 28,4%. Шунингдек ЯХМдаги кичик бизнеснинг улуши ҳам 48,1 % бўлиб, вилоятлар ичида фақат Навоий кўрсаткичидан юқори. Тошкент шаҳри кичик тадбиркорлик субъектлари сони жиҳатидан йиллар давомида илғор ҳудуд бўлиб келган бўлсада, мазкур таҳлилда кўрсатган натижаси тадқиқотчилар учун янгилик бўлди дея оламиз. Демак, Тошкент шаҳри тадбиркор аёлларининг иқтисодиётдаги ўрни биз ўйлагандек етакчи ўринларда эмаслиги келгусида ҳудуд ўзига хосликларидан келиб чиқиб чора кўриш заруратини исботламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон// <https://lex.uz/docs/5841063>
2. World Bank. 2020. Women, Business and the Law 2020. Washington, DC: World Bank. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32639> License: CC BY 3.0 IGO.
3. Thébaud S. Passing up the job: the role of gendered organizations and families in the entrepreneurial career process // Entrepreneurship Theory and Practice. – 2016. – № 2. – p. 269-287.
4. Семенова Ю.А. О социальном механизме оптимизации женского предпринимательства // известия саратовского университета. Новая серия. Серия: Социология. Политология. 2013. N 13(1). С 33-35
5. www.stat.uz сайти маълумотлари

МАМЛАКАТИМИЗДА РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Жураева Фарангиз

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри

Аннотация

Ушбу мақолада реал секторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштиришда имтиёзларнинг белгиланиши ёритилган. Ҳамда мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шароитида давлат иштирокидаги реал сектори корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали, тактик режалаштиришни амалга ошириш бир йилдан беш йилгача муддатни ўз ичига олиб, бунда асосий эътибор жорий даврда маълум бир стратегик вазифани бажаришга қаратилган.

Калит сўзи: реал сектор, бозор иқтисодиёти, стратегик вазифа, молия бозорлари, пул ресурслари, молиявий ресурслар, хусусий тадбиркорлик.

Давлат иштирокидаги реал сектори корхоналарни молиявий ресурсларини бошқариш стратегик режалаштиришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотларда унда сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда[1]. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Халқаро миқёсда молия бозорларини пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хомашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир

жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда[2].

Реал секторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштиришда имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айти пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда. Шу ўринда, тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Реал секторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштириш банк тизимининг хусусиятлари қуйидагиларга доимий амал қилиш орқали юқори натижага эришиш мумкин:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини узлуксиз давом этишига замин яратади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий томондан қўллаб-қувватлайди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришдан олдин уларни ўрганиш ва фаолиятини баҳолаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда уларнинг бизнес-режасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўсишини таҳлил қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш ва тўловга лаёқатлигини баҳолаш.

“Қўйилган мақсадга кичик ва ўрта бизнес фаолиятини легаллаштириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан уларнинг даромадларини энг аввало саноат ва хизматлар соҳаларида ошириш орқали эришилади, бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳаларда меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келди. 2017 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хусусан солиққа тортиш механизми, йирик бизнес билан ҳамкорлик ва кооперацион алоқаларни ривожлантириш бўйича қатор чоралар амалга оширилди[3].

Шунингдек бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишига ички ва ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Республикамиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилона инвестиция сиёсатида кўп жиҳатдан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларни молиялаштириш манбаи тарзида банк кредитининг роли, асосан, жамғармаларнинг ўсиш суръатлари, пул, валюта ҳамда капитал бозорларининг ҳолати билан аниқланади ва белгиланади. Молиявий воситачиликда рақобат муҳитининг мавжудлиги ва умуман Марказий банкнинг пул-кредит, фоиз сиёсати ва банк институтлари стратегияси аниқловчи омиллар сифатида қаралади. Молиявий бозорларнинг асосий роли турли жамғармалар ҳосил қилиб, инвестицияларни ишлаб чиқаришга йўналтиришдир[4].

Молиявий бозорсиз корхоналар ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши зарур бўлади ва бу ҳолат уларнинг ривожланиш имкониятларини чегаралаб қўяди. Молиявий бозорда муҳим ресурслардан бири банк кредитидир[5]. Бунда қарз олувчи учун ссуда капиталига бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланувчи фоиз ставкасининг даражаси, депозит бўйича фоиз ставкалари миқдори, мамлакатдаги инфляция даражаси кабилар муҳим саналади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир, чунки буларни ҳаммасини амалга ошириш йирик молиявий имкониятларни талаб этади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга инвестицион кредитлар бериш билан изоҳланади.

Инвестицион кредитлаш – ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ёки модернизациялаш, қурилиш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтиришдир. Мазкур кредит турини беришнинг асоси корхонада мавжуд бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг янада самарали босқичига ўтишга мўлжалланган инвестиция дастури ҳисобланади. Инвестицион кредитларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан улар бўйича манфаатдор бўлган кредит ташкилотлари кузатув олиб боришади. Молиявий муассасалар инвестицион кредитларни ўз вақтида сўндириш мақсадида ўз мижозларига молиявий ҳисоб-китобларни юритишда амалий ёрдам беради ҳамда кредитларнинг ишлатилиши устидан назорат қилиб корхоналарнинг инвестицион дастурларида иштирок этади.

Оддий кредитдан асосий фарқи инвестицион кредитлаш фақат мақсадли берилади. Кейинги фарқи шундаки, инвестицион кредитлар узоқ муддатли бўлади. Бу каби кредитларни 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга олиш мумкин. Бу инвестиция дастурини амалга ошириш ва қўзланган натижага эришиш учун етарли муддат ҳисобланади. Инвестицион кредитлашда маблағларни қайтариш манбаси бу лойиҳани амалга оширишдан олинган даромад ҳисобланади. Маълумки, инвестицион кредитлаш оддий кредитлашга нисбатан рисклилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли унга қўйилган талаб ҳам юқори бўлади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки мамлакатимизда, хусусан, реал сектор тармоқларида инвестиция фаолиятини ривожлантириш давлатнинг устувор сиёсатига айлантирилган бўлиб, унинг таъминотига эришиш мақсадида соҳага инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлат улушидаги реал сектор корхоналарида молиявий бошқарув негизида ўлароқ, асосий масштабга эга давлат корхоналарини трансформация қилишни жадаллаштириш, хусусийлаштириш, шунингдек иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, таркибий тузилмаларни қайта ташкил этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. – Т.: ТДИУ, 2018 йил 6 июнь.

2. Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. – Т.: ТДИУ, 2018 йил 28 декабрь.

3 Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш – барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. – Т.: ТДИУ, 2017 йил 16 апрель.

4. <https://lex.uz/docs/4106617?ONDATE=25.06.2021>

5. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Khonkeldiyeva.pdf>

МАМЛАКАТНИНГ ТУРИЗМ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ РОЛИ

*Маткабулова Дилором Халилulloева
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, PhD.*

Туризм соҳаси субъектларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётига таъсир этаётган омиллар бўйича ўтказилган таҳлилларга кўра республикамизда туризм соҳасидаги инвестицияларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу борадаги ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги ҳисобланади. Корпоратив молияда капиталнинг реал баҳоси маблағларни жалб қилиш учун сарф қилинадиган вақт ва риск омилларини ҳам ўз ичига олади [1].

Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳалари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири – бу инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш амалиётини такомиллашмаганлигидир.

Инвестиция лойиҳалари тўла қувватда ишламаслиги уларнинг техник-иқтисодий асосномасида кўрсатилган кўрсаткичлар билан ҳақиқатдаги кўрсаткичлар ўртасида жиддий фарқланишларни юзага келишига олиб келади. Бундай ҳолатнинг юзага келишининг асосий сабаб бўлиб, маркетинг тадқиқотларини сифатли олиб борилмаганлиги ҳисобланади.


Дунё туризм индустриясида рўй бераётган ўзгариш ва ривожланишларга ҳамоҳанг равишда ҳамда мавжуд имконият ва салоҳиятлар асосида Ўзбекистонда экспорт ҳажмини оширишда туризм индустриясининг иштирокини оширишга доир чора-табирларни таҳлил қилиш натижалари қуйидаги имкониятларни тақдим этди:

- UNWTOнинг таъкидлашича, саёҳат чекловлари, айниқса, оғир бўлган Осиё-Тинч океани минтақасида пандемия туризмга энг катта зарар етказди. Бу ерга келганлар сони 2020 йилда 300 млн.га ёки 84 фоизга камайди. Яқин Шарқ ва Африкада пасайиш 74 фоиз, Европада 70 фоизга камайди. Шу билан бирга, саёҳатлар сонининг 2019 йил билан таққослаганда энг катта пасайиши Европа қитъасида қайд этилган – 500 млн.киши. Америкада чет эллик сайёҳлар келишининг камайиши 69%ни ташкил этди [2];

- Ўзбекистонда 2021 йилда экспорт ҳажми 15,1 млрд. АҚШ долларини

ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,4 млрд. АҚШ долларига камайди. 2022 йилда эса экспорт ҳажми 7,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,8 млрд. АҚШ долларига ошди. Бироқ, шу даврда туризм хизматлари экспорти 44,7 млн. АҚШ долларига камайиб, 158,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди [4];

- Ўзбекистонда коронавирус пандемияси бошланган даврдан буён барча соҳалар каби туризм соҳасини ҳам тиклаш ва ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг амалий натижалари соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга доир кўплаб имтиёз ва преференцияларнинг тақдим этилаётганлиги, қулай инфратузилма яратиш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича мақсадли дастурларнинг амалга оширилаётганлиги, хусусан, “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”нинг қабул қилиниб, самарали ижроси устидан қатъий назорат таъминланганлиги яқин истиқболда туризм индустриясининг янада янги қирралар билан ривож топиши ҳамда туризм хизматлари экспортининг сезиларли даражада ўсиб боришига хизмат қилади.



	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
■ Фоиш ҳисобида	24%	24%	27%	37%	41%	40%	46%	44%
■ Кредит қўйилмалари	34,5	42,7	53,4	110,6	167,4	211,6	276,9	326,4
■ ЯИМ	144,9	176,5	199,3	302,5	406,6	529,4	602,2	734,6

1-расм. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), тижорат банклари кредитлари миқдори ва даражаси [8], трлн.сўм

2021 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 734,6 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2020 йил билан қиёслаганда 21,9 фоиз ўсишга эришган [4]. ЯИМ киши бошига 20,9 млн. сўмни ташкил қилди. 2014-2021 йилларда, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан жорий йилда

17 фоизга ошиб, 2021 йил ҳолатига 326,4 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 44 фоизни ташкил этди. Халқаро тажрибани кузатилса, мамлакат ЯИМга нисбатан Австралияда 190 фоиздан, Нидерландияда 279 фоиздан, Буюк Британияда 170 фоиздан ва АҚШда 150 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этган. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатимизда ажратилаётган кредитлар ҳақиқатан кенг қулоч ёйиб, пулга талаб ошмоқда аммо халқаро тажрибалар таҳлиliga кўра, бугунги кунда кредит билан таъминланиш даражаси етарли даражада эмаслигидан далолат беради (1-расм).

Тараққий этган мамлакатларнинг тижорат банклари депозитларининг етарлилиги таъминланган бўлиб, талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи, одатда, 30 фоиздан ошмайди. Бунинг устига, мазкур банкларнинг жорий ликвидлилиги, асосан Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади. Масалан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига, Бэнк оф Америка активларининг умумий ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг салмоғи 11,1 фоизни ташкил этди [6].

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзарб муаммолар аниқланди:

- туризм соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини заифлиги;

- инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш амалиётини такомиллашмаганлиги;

- туризм соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятини ривожланмаганлиги.

Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш жараёнидаги асосий рискларни (молиявий рисклар, лойиҳа ташаббускорлари билан боғлиқ рисклар ва лойиҳани амалга ошириш рисклари) бошқаришни такомиллаштириш ва туризм хизматлари экспортининг инфратузилмасини яхшилаш йўли билан туризмни экспортдаги улушини ошириш лозим.

2. Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётининг самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли дастурларни молиялаштириш, инновацион инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган субъектларга молиявий имтиёзлар бериш, туризмни ривожлантиришга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотларни молиялаштириш мақсадида бериладиган давлат грантлари миқдорини кўпайтириш лозим.

3. Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида кредитлашнинг мавжуд шаклларида (кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, синдицияли кредитлаш, алоҳида ссуда ҳисобрақамидан бир маротабали кредитлаш) комплекс фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Modigliani F., Miller M. The Cost of Capital, Corporate Finance, and the Theory of Investment // American Economic Review, v. 48. (1958).
2. chrome-extension://efaidnbmninnibpcapjpcglclefindmkaj/viewer.html?pd
3. <https://www.tohology.com/hospitality/industry/economic-impact-of-travel-tourism/>
4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари. // www.stat.uz
5. <https://www.fdiintelligence.com/article/80019?>
6. World Bank Group. <https://data.worldbank.org/indicator/fb.ast.nper.zs>
7. Bank of America. Annual Report. 2021. www.bankofamerica.com
8. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

ПРАВИЛЬНОЕ ИЗМЕРЕНИЕ ПРОЦЕССОВ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА - ПУТЬ К УЛУЧШЕНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ

Юсупова Дилдора Тураджановна

*доцент Ташкентского государственного экономического университета
dildorayusupova58@mail.ru*

Аннотация

В статье исследуются вопросы корректного измерения процессов системы менеджмента качества. Рассмотрены процедуры построения процесса на предприятии и пути улучшения экономических показателей предприятий.

Ключевые слова: ИСО, система, менеджмент, качество, методы, мониторинг, измерения, процессы, лабораторный, измерительный, регистрационный, социологический, экспертный

Правительством страны было принято стратегическое решение о необходимости внедрения систем управления качеством по стандарту серии ИСО 9001. В целях повышения конкурентоспособности отечественной продукции и услуг на внешних и внутренних рынках, увеличения экспортного потенциала страны Кабинетом Министров Республики Узбекистан принято постановление «О дополнительных мерах по внедрению на предприятиях систем управления качеством, соответствующих международным стандартам». В соответствии с постановлением предусмотрено обязательное внедрение систем менеджмента качества на определенных предприятиях, в основном экспортоориентированных».

При внедрении системы менеджмента качества в соответствии с требованиями международного стандарта серии ИСО 9001 многие организации сталкиваются с трудностями при выборе подходящих методов мониторинга и измерения процессов системы менеджмента качества. Мониторинг и измерение процессов необходим для того, чтобы продемонстрировать способность процессов достигать запланированных результатов и обеспечить соответствие системы

менеджмента качества требованиям международного стандарта серии ИСО 9001.

Управление процессами, положенное в основу стандартов серии ИСО 9001:2015 требует подробного рассмотрения процедуры построения процесса на предприятии.

Для реализации процессного подхода организационной системе необходимо переориентироваться с функционального управления на управление результатами, совокупность которых должна обеспечить повышение эффективности и конкурентоспособности предприятия.

Процесс системы менеджмента качества может быть оценен по следующим группам характеристик: результативность процесса: степень достижение запланированного (на определенный срок) результата процесса и вероятность достижения поставленной цели; эффективность процесса: стоимость (затраты, связанные с выполнением процесса) и время, затраченное на процесс; дополнительные характеристики процесса: воздействие на окружающую среду, потенциальные риски для персонала и др.

Существует много методов мониторинга и измерения процессов системы менеджмента качества. Наиболее распространенные методы измерения процессов представлены в таблице 1.

Таблица 1.

Методы мониторинга (измерения) процесса

Инструментальный (лабораторный, измерительный)	С помощью контрольного или измерительного оборудования
Регистрационный	Наблюдение и подсчет чисел определенных событий, случаев, предметов или затрат.
Социологический	Сбор и анализ мнений: анкетирование, устный опрос
Экспертный	Оценки специалистов - экспертов
Расчетный (статистический)	Математическая обработка массивов данных или выборок с использованием теории вероятности и математической статистики.

Самым объективным и точным является инструментальный метод. Но он обычно применяется только для основных производственных процессов, в результате которых производится материальная продукция. Достоинством этого метода является получение легко воспроизводимые числовые значения показателей качества, которые выражаются в конкретных единицах: граммах, литрах, ньютонах. Недостатки: сложность и длительность некоторых измерений, необходимость специальной подготовки персонала, приобретение сложного, часто дорогостоящего оборудования.

Регистрационным методом определяют, например, количество отказов за определенный период эксплуатации, количество дефектных изделий в партии. Недостаток: трудоемкость и в ряде случаев длительность проведения наблюдений.

Социологический метод позволяет получить информацию о ключевых показателях результата процесса от его потребителей. Данный метод удобно использовать для вспомогательных процессов, потребителями которых являются сотрудники этой же организации.

При отсутствии возможности (или экономической целесообразности) использования двух вышеуказанных методов применяют метод оценки результатов процесса экспертами.

Расчетный метод применяется для представления обобщенных результатов измерений предыдущими методами на всех уровнях измерения процесса.

Комплексный метод оценки уровня качества продукции основан на использовании обобщенного показателя ее качества.

В настоящее время руководителей организаций, где внедрено или внедряется система менеджмента качества, интересует вопрос о достижении результативности процессов и системы в целом. На наш взгляд, для получения обоснованных данных, подтверждающих результативности процессов системы менеджмента качества нужно применить наиболее подходящий метод мониторинга и измерений на основе анализа группы характеристик процесса. Ведь правильная оценка даст правильный результат, который необходим для принятия управленческих решений, направленных на улучшение экономических показателей и увеличение объемов реализации, затрат на обнаружение и исправление дефектов, внешние и внутренние потери, повышение конкурентоспособность продукции и услуг.

Использованная литература

1. Tashpulatov M.M., Sharipov K.A. Quality philosophy in product quality management (Tutorial). - Т.: FTRMQ - ТТПУ - "Science and Technology Center", 2013, - 437 p. (This book is available in PDF version at the university IRC).
2. Yoldoshev N.Q., Yusupova D.T. Quality management. Study guide.-Т.: TDIU, 2019. -270 p. (This book is available in PDF version at the university IRC).
3. R.O. Ismatov. Quality management system in the enterprise. Study guide.- Namangan: Namangan Engineering Construction Institute, 2020. - 264b. (This book is available in PDF version at the university IRC).

«ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ»НИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ⁷⁶

Фаниев Уткир Фуломиддинович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри
Илмий раҳбар: доц. О.Кулжанов

Ташкилотнинг пул оқимлари тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имконияти ҳамда ташкилотнинг ушбу пул

⁷⁶ БҲХСҚ томонидан 2007 йил сентябрда 7-сон БҲХСнинг номи “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”дан “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”га ўзгартирилди.

оқимларидан фойдаланиш заруриятини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имкониятини ҳамда уларни ҳосил қилиш муддати ва аниқлигини баҳолашни талаб этади.

Ушбу ҳисобот шаклининг мақсади ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидаги ўтган давр ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотни давр мобайнидаги пул оқимларини операция, инвестиция ва молиявий фаолиятлар билан таснифлайдиган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилишини талаб қилишдан иборатдир.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ташкилот пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини қандай ҳосил қилиши ва фойдаланишини билишдан манфаатдор. Бундай маълумот ташкилот фаолиятининг характеридан, масалан, молиявий институтлардаги каби пул маблағларини ташкилот фаолиятининг маҳсулоти деб ҳисоблаш мумкинлигидан қатъи назар талаб этилади. Ташкилотлар уларнинг даромад келтирувчи фаолият турлари фарқли бўлишига қарамай пул маблағларига, асосан, бир хил сабабларга кўра эҳтиёж сезади. Уларга пул маблағлари операцияларини амалга ошириш, мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш ҳамда инвесторларга даромадларини тўлаш учун зарурдир. Шунинг учун мазкур стандарт томонидан пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни барча ташкилотлар тақдим этишини талаб қилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотнинг *афзалликлари* сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бошқа молиявий ҳисобот шакллари билан бирга қўлланганда, фойдаланувчиларга ташкилотнинг соф активларидаги, молиявий структурасидаги (ликвидлиги ва тўлов қобилияти) ва ўзгарувчан имкониятлар ҳамда шароитларга мослашиш мақсадида ўзининг пул оқимлари суммаси ва муддатларига таъсир кўрсата олиш қобилиятидаги ўзгаришларни баҳолаш имконини берадиган маълумот билан таъминлайди. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумот ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имкониятларини баҳолашда фойдали бўлиб, фойдаланувчиларга турли ташкилотларга тегишли келгуси пул оқимларининг жорий (дисконтланган) қийматини баҳолаш ва қиёслаш моделларини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, бундай маълумот бир хил операция ва ҳодисаларнинг турлича ҳисобга олиш тартибларини қўллаш имконини бермаслиги боис, турли ташкилотларнинг операция фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларининг қиёсланувчанлигини оширади.

Одатда ўтган давр пул оқимлари тўғрисидаги маълумотдан келгуси пул оқимларининг суммаси, муддати ва аниқлигининг кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. У, шунингдек, келгуси пул оқимлари бўйича олдинги баҳолашлар тўғрилигини текширишда ҳамда фойдалилик ва соф пул оқимлари ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек, ўзгарувчан нархларнинг таъсирини ўрганишда самаралидир.

Пул маблағларининг эквивалентлари инвестиция ёки бошқа мақсадлар учун эмас, балки қисқа муддатли пул мажбуриятларини бажариш учун

мўлжалланган. Инвестицияни пул маблағларининг эквиваленти деб таснифлаш учун у белгиланган суммадаги пул маблағига осон айлантириладиган ва қийматидаги ўзгаришлар rischi аҳамиятсиз даражада бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция одатда сўндириш муддати қисқа бўлганда, яъни харид қилинган санадан бошлаб тахминан уч ой ёки ундан кам бўлса, пул маблағларининг эквиваленти ҳисобланади. Хусусий капиталга инвестициялар, масалан, сўндириш муддатидан биров олдин харид қилинган ва белгиланган қайта сотиб олиш санасига эга имтиёзли акциялар каби моҳиятан пул маблағларининг эквиваленти бўлмаса, пул маблағларининг эквиваленти ҳисобланмайди.

Банк кредитлари одатда молиявий фаолиятга тегишли деб қаралади. Лекин, айрим давлатларда талаб қилинганда тўланадиган банк овердрафтлари ташкилот пул маблағларини бошқариш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай ҳолларда банк овердрафтлари пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таркибига киритилади. Банк билан тузилган бундай келишувларнинг ўзига хос хусусияти банкдаги ҳисобварақ қолдиғининг кўпинча мусбатдан манфийга ўзгариб туришидир.

Пул оқимлари пул маблағлари ёки пул маблағлари эквивалентларининг моддалари ўртасидаги ҳаракатни ўз ичига олмайди, чунки ушбу компонентлар ташкилотнинг операцион, инвестиция ёки молиявий фаолиятининг эмас, балки пул маблағларини бошқаришнинг бир қисмидир. Пул маблағларини бошқариш ортиқча пул маблағларини уларнинг эквивалентларига инвестиция қилишни ўз ичига олади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда давр учун пул оқимлари операцион, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича таснифланган ҳолда тақдим этилиши лозим.

Ташкилот операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти бўйича пул оқимларини бизнес фаолиятига мос тарзда тақдим этади. Фаолият тури бўйича таснифлаш фойдаланувчиларга ушбу фаолиятларнинг ташкилот молиявий ҳолатига ва унинг пул маблағлари ҳамда пул маблағлари эквивалентларининг суммасига таъсирини баҳолаш имкон берадиган маълумот билан таъминлайди. Бу маълумотдан ушбу фаолиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Айни бир хил операция турли хил таснифланадиган пул оқимларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, қарз бўйича пул маблағларини тўлаш ўз ичига асосий сумма ва фоизларни олганда, фоиз қисми операцион фаолият тарзида таснифланиши мумкин, асосий сумма қисми эса молиявий фаолият тарзида таснифланади.

Операцион фаолият

Операцион фаолият – ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турлари.

Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси - ташкилотнинг қарзларини тўлаш, операцион имкониятларини сақлаб қолиш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилмасдан, янги инвестициялар қилиш учун етарли бўлган пул оқимларини қай

даражада ҳосил қилганлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичдир. Ўтган даврларда операцион фаолиятдан келиб чиққан пул оқимларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот бошқа маълумотлар билан биргаликда операцион фаолият бўйича келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдалидир.

Операцион фаолият бўйича пул оқимлари биринчи навбатда ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолиятдан келиб чиқади. Шунинг учун улар одатда фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинadиган операциялар ёки бошқа ҳодисалар натижаси ҳисобланади. Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:

(а) товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан пул маблағларининг келиб тушиши;

(б) роялти, хизмат ҳақлари, воситачилик ҳақлари ва бошқа тушум кўринишидаги пул маблағларининг келиб тушиши;

(в) етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун пул маблағлари тўлови;

(г) ходимларга ва ходимлар номидан пул маблағлари тўлови;

(д) суғурта ташкилотининг мукофотлар ва даъволар, аннуитетлар ҳамда суғурта полиси билан боғлиқ бошқа тўловлар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови;

(е) молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағлари тўлови ёки уларнинг қайтарилиши;

(ё) дилинг ёки савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови.

Ускунани сотиш каби айрим операциялар фойда ёки зарар таркибида тан олинadиган фойда ёки зарарни келтириб чиқариши мумкин. Бундай операцияларга боғлиқ пул оқимлари инвестиция фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланади. Аммо, 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” нинг 68А бандида таъкидланганидек, ижарага бериш ва кейинчалик сотиш учун мўлжалланган активларни ишлаб чиқариш ёки харид қилиш учун амалга ошириладиган пул маблағлари тўлови операцион фаолиятдан пул оқимлари ҳисобланади. Бундай активларни ижарага бериш ва кейинчалик сотишдан пул маблағлари келиб тушиши ҳам операцион фаолиятдан пул оқимлари саналади.

Ташкилот қимматли қоғозлар ва қарзларни дилинг ёки савдо мақсадида ушлаб туриши мумкин ва бунда улар қайта сотиш учун харид қилинадиган захираларга ўхшайди. Шунинг учун дилинг ёки савдо учун мўлжалланган қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши ва сотилишидан келиб чиқадиган пул оқимлари операцион фаолият тарзида таснифланади. Худди шундай, молиявий институтлар томонидан бериладиган аванс пул маблағлари ва қарзлар, одатда, молиявий ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолиятига тегишли бўлганлиги сабабли операцион фаолият тарзида таснифланади.

Инвестиция фаолияти

Инвестиция фаолияти – узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши.

Инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида ёритиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бундай пул оқимлари келгуси даромад ва пул оқимларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган ресурсларга қанча сарфлар амалга оширилганини кўрсатади. Фақат молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив тан олиншига олиб келадиган сарфларгина инвестиция фаолияти тарзида таснифланиши мумкин. Инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:

(а) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови. Ушбу тўловлар капиталлаштириладиган тажриба-конструкторлик сарфлари бўйича ва ташкилотнинг ўзида яратилган асосий воситалар бўйича тўловларни ўз ичига олади;

(б) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши;

(в) бошқа ташкилотларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови (дилинг ва савдо учун мўлжалланган инструментлар ёки пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган инструментлар учун қилинган тўловлар бундан мустасно);

(г) бошқа ташкилотларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши (дилинг ва савдо учун мўлжалланган инструментлар ёки пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган инструментлар бўйича пул маблағларининг келиб тушиши бундан мустасно);

(д) бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар (молиявий институтлар томонидан берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар бундан мустасно);

(е) бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзларнинг қайтарилишидан пул маблағлари келиб тушиши (молиявий институтларнинг аванс пул маблағлари ва қарзлари бундан мустасно);

(ё) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул маблағлари тўлови, ушбу шартномалар дилинг ёки савдо учун мўлжалланган ҳолатлар ёки тўловларни молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар бундан мустасно; ва

(ж) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул маблағлари келиб тушиши, ушбу шартномалар дилинг ёки савдо учун мўлжалланган ҳолатлар ёки пул маблағлари келиб тушиши молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар бундан мустасно.

Шартнома муайян позицияни хежлаш тарзида ҳисобга олинганда, шартнома бўйича пул оқимлари хежланган позиция бўйича пул оқимлари билан бир хил тарзда таснифланади.

Молиявий фаолият

Молиявий фаолият – ташкилот киритган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолият.

Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида ёритиб бериш муҳим аҳамият касбэтади, чунки бу маълумот ташкилотни капитал билан таъминловчилар томонидан келгуси пул оқимларига бўлган талабларини прогноз қилиш учун фойдалидир. Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:

(а) акциялар ёки бошқа улушли инструментларни муомалага чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши;

(б) ташкилот акцияларини харид қилиш ёки муомаладан чиқариш учун мулкдорларга пул маблағлари тўлови;

(в) қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, гаров ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши;

г) қарзлар бўйича қайтарилган пул маблағлари тўлови; ва

(д) ижарачи томонидан ижара бўйича сўндирилмаган мажбуриятни камайтириш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови.

Демак, муқобил равишда операцион фаолият бўйича соф пул оқимларини умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ёритилган тушумлар ва харажатларни акс эттириш ҳамда давр мобайнида захиралардаги ва операцион дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришларни акс эттириш орқали билвосита усулда тақдим этиш мумкин.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Кулимова Хуснида Махсуд қизи
Тошкент молия институти
“Молия” кафедраси доценти, PhD
husnida2016@mail.ru*

Аннотация

Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо алоқаларини бошқаришда солиқ назоратининг аҳамияти келтирилган, шу билан биргаликда солиқ органларининг назорат фаолияти, ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солиш усуллари, божхона таъриф усуллари билан боғлиқ бўлмаган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари ўрганилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо алоқаларини бошқаришда солиқ назоратининг аҳамиятини ўрганишга доир илмий мунозаралар юритилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: экспорт, импорт, савдо операцияси, молиявий имтиёзлар, солиқ тўловчи, божхона божи, божхона маъмуриятчилиги, солиққа тортиш, божхона, солиқ, солиқ назорати.

Маълумки, экспортёр корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадлилигини оширишда, импорт операцияларида ҳужжат билан тасдиқланган маҳсулотларнинг тўлиқ истеъмолчиларга етказилишига эришишда солиқ назоратидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий солиқлар воситасида тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини солиқлар воситасида қўшимча рағбатлантириш бўйича тизимли амалий ишлар амалга оширилмоқда. «Солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш»[1] вазифаси белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлашда экспорт фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорлар ўртасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришда молиявий имтиёزلарни қўллаш тартибини такомиллаштириш, ташқи савдода солиқ назоратига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш бўйича таклиф ва илмий тавсияларни асослаш, халқаро бозорда импорт операцияларида солиқ назоратининг аҳамияти долзарбдир.

З.Қурбановнинг фикрига кўра, “мамлакатимиз валюта захирасини мустақамлашда товар ва ишлар, хизматларни хорижга экспорт қилиш иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, экспорт операциялари солиқ аудити методологиясини такомиллаштириш зарур”.[2]

Тошмурадованинг илмий ишларида солиқлардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган. [3]

Исламкулов ўз изланишларида бюджет даромадларида солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлашга доир масалалар тадқиқ этилган. [4]

Ш.Д.Эргашходжаева томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари экспорт фаолиятини рағбатлантириш жаҳон бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятларига боғлиқлигини кўрсатади.[5]

Л.Гончаренконинг қайд этишича, “солиқ муносабати қатнашчиларининг ўзаро боғлиқлигининг замонавий даражаси солиқ маъмуриятчилигини ташкил қиладиган назоратнинг икки элементидан иборат, шу жумладан, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишининг назорати; солиқ органларининг қонунлар ижросини таъминлашининг назорати”.[6]

А.Адвокатова солиқ назоратига қуйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўللарни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш”.[7]

Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо алоқаларини бошқаришда солиқ назоратининг аҳамияти кўрсатиб берилган илмий анализ ва гуруҳлаш каби методларидан фойдаланилган.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ўсиши, мамлакатимизда хорижий компаниялар фаолиятининг кенгайиши сабабли “Назорат қилинадиган хорижий компания” ва Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган назорат қилинадиган хорижий юридик шахсни назорат қилиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон резиденти бўлган назорат қилинадиган хорижий юридик шахсни назорат қилиш тартиби жорий этилган. Ушбу тартиб Буюк Британия, Австралия, Франция, Германия, Литва, Норвегия, Испания, Туркия каби мамлакатларда кенг қўлланилади.

Солиққа оид фаолиятга мувофиқ, назорат қилинадиган хорижий компанияларнинг фойдаси солиқ базасида кўрсатилмаганлиги солиқни тўламаслик ҳолатини юзага келтиради. Натижада эса, назорат қилинадиган хорижий компаниялар резидент шахс компания фойдасини улуши солиқ базасида акс эттирилмаганлигига солиқ тўламаган деб юритилади. Шу билан биргаликда, назорат қилинувчи хориж компанияси даромади улуши солиқ базасида акс эттирилиши керак бўлган фойдасига нисбатан мос равишда фойда ёки даромад солиғини тўламаган солиқнинг мутаносиб ҳолда 20% миқдорида лекин минимал

Қуйидаги жадвал маълумотларида солиқ органларининг назорат фаолиятига оид текширувларининг амалдаги ҳолати бўйича баъзиларини келтириб ўтишни лозим деб топдик. Жумладан, мавзули экспресс ўрганишлар, хужжатли текширувлар, хронометраж кўздан кечириш, камерал назорат кабиларни ўз ичига олади.

1-жадвал

Солиқ органларининг назорат фаолияти [8]

№	Солиқ органларининг назорат фаолияти	Фаолият турига таъриф
1.	Мавзули экспресс-ўрганишлар	Тадбиркорлик субъектлари берган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун жойларга ташрифлар
2.	Хужжатли текширувлар	Жиноий ишлар ва юридик шахсларнинг тугатилиши муносабати билан олиб бориладиган текширувлар
3.	Хронометраж кўздан кечириш	Товарларни (хизматларни) ҳақиқий сотиш ҳажмини аниқлаш мақсадида солиқ тўловчиларга ташриф
4.	Камерал назорат	Тадбиркорлик субъектларининг пул билан боғлиқ ёки солиқ ҳисоботини ўрганиш ва таҳлил қилиш

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш усуллари ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг ялпи миллий усуллари мажмуи бўлиб ҳисобланади.



1-расм. Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ муносабатлар [8]

Тадқиқотларга кўра, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг бир неча усуллар мужассамлаштирилган. Яъни улар халқаро савдо шартномалари, ташқи савдони тарифли тартибга солиш, экспорт ҳамда импорт операцияларини бошқаришнинг тартиби, экспортчи коҳоналарга имтиёзлар тақдим этиш, экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирларидан иборат.

1.Халқаро савдо шартномалари. Улар давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг умумий йўлларини белгилайди, ўзаро ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий, сиёсий режимини ўрнатади, ўзаро ҳисобкитоблар учун шарт-шароитларни, ҳамкорлик шартларини ва бошқаларни таъминлайди. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун энг яхши шароитлар таъминланади. Давлатлар бир-бирларига энг қулай давлат режимини тақдим этадилар. Ушбу режимда келишилган томонларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ҳамкор мамлакатда божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

2.Тарифларни тартибга солиш. Божхона тарифлари, божхона йиғимлари, солиқлар яъни кўшилган қиймат солиғи, аксизлар, божхона божидан фойдаланишга асосланган тариф усуллари ташқи иқтисодий фаолиятни иқтисодий тартибга солишнинг асосидир.

Экспорт ишлаб чиқаришни рағбатлантириш экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг иқтисодий усуллари.

4.Ташқи савдони тартибга солишнинг тарифсиз усуллари - ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жараёнларга таъсир кўрсатишга қаратилган, лекин давлат томонидан тартибга солишнинг божхона - тариф усуллари билан боғлиқ бўлмаган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари ҳам мавжуд. Буларга қуйидагилар киради:



2-расм.Божхона таъриф усуллари билан боғлиқ бўлмаган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари [8]

2-расмдан кўринадики, божхона таъриф усуллари билан боғлиқ бўлмаган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари нархларни назорат қилиш чоралари, молиявий чора-тадбирлар, миқдорий назорат усуллари, автоматик лицензиялаш, монополистик чоралар, техник тўсиқларни ўз ичига олган. Нархларни назорат қилиш чоралари - мамлакатга импорт товарлар нархини сунъий пасайтиришга қарши чоралар ва хорижий ҳукуматлар томонидан маҳаллий экспорт қилувчи фирмаларга бериладиган экспорт субсидияларига қарши қаратилган чоралардир.

Импорт операцияларини бошқаришда баъзи мамлакатлар ҳукумати нархлар бўйича имтиёزلарни тақдим этишда импорт қилувчининг товарлари ва хизматлари нархлари миллий ишлаб чиқарувчилар нархларидан паст бўлиши керак бўлган нархлардаги минимал чегарани қонуний ўрнатади.

Молиявий усуллар экспорт-импорт операциялари жараёнида валюта операциялари билан боғлиқ фаолиятнинг молиявий-солиқ имтиёзлардан фойдаланишни белгилайди.

Миқдорий назорат усуллари мамлакатлар томонидан маълум бир маҳсулот ёки товарни мамлакатга олиб кириш ва мамлакатдан олиб чиқишда тегишли миқдорий чеклашлар яъни квота ўрнатиш билан боғлиқ бўлади.

Алоҳида товар ва хизматлар мамлакат ва мамлакат гуруҳларининг маълум бир вақтда амалга ошириладиган экспорт-импортга миқдорий ёки харажатлар чекловлари экспорт-импорт квоталари бўлиб ҳисобланади. Экспорт-импорт квоталари асосан лицензиялар бериш режими орқали қўлланилади ва лицензиялар бўйича экспорт-импорт ҳажми белгиланган квота ҳажмидан кўп бўлмаслиги керак.

Экспорт-импорт квоталарининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) алоҳида импорт ёки экспортни аниқ бир мамлакатга чекловчи;

2) алоҳида гуруҳ давлатларга импорт ёки экспорт ҳажмини белгиловчи гуруҳ;

3) дунё миқёсидаги импорт ёки экспорт чеклов қўлланиладиган мамлакатларни кўрсатмасдан чекланганда.

Маълум товарларни мамлакатга импорт ёки экспорт қилиш тегишли маълумотни яъни лицензияни олиш автоматик лицензиялашни ташкил қилади. Ушбу лицензиялашни қўлланилиши товарлар савдоси назоратини қўлланилишига имкон беради.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва унинг жозибдорлигини янада ошириш ва божхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар қўлланилиб келинмоқда.

Фикримизча, мазкур чора-тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

1. Солиқ ва божхона имтиёзлари орқали қўллаб қувватлаш, шу жумладан яқка тартибдаги ҳолатлар, ушбу тақдим этилаётган имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш соғлом рақобатни таъминлашга хизмат қилади.

2. Ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар учун экспорт етказиб беришни қайта ишлашнинг оптималлаштирилган схемасидан фойдаланиш таклиф этилади. Бу эса ўз навбатида, солиқ органига экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга юборилган ҳар бир товар ёки хизмат етказиб берувчиси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси, 30.06.2018 й., 06/18/5468/1420-сон; 19.03.2020 й., 06/20/5968/0331-сон.

2. Қурбанов З.Н. (2011) Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, Б. 26

3. Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 44 б.2007.

4. Исламқулов А.Х. (2012) Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.

Ш.Д.Эргашходжаева. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2013.-328 б.

Гончаренко Л.И. (2012) Методология налогообложения и налогового администрирования коммерческих банков: монография / Л.И. Гончаренко. – 2-е изд. М: Финансовый университет, 332 с. (190-191 с.).

Адвокатова А.С. (2013) Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертация

на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва. 26 с.

8. Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тайёрланди

ТАРГЕТИРОВАНИЕ ИНФЛЯЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Тоғжиев Раҳматилла Раҳмонович

Ташкентский государственный экономический университет

доцент кафедры «Банковское дело и инвестиции» к.э.н.

abdulaziz38@mail.ru

Аннотация

В тезисе описаны принимаемые меры по внедрению нового режима по реализации денежно-кредитной политики в Узбекистане и достигнутые экономические результаты. Даны конкретные и адекватные научные предложения, и рекомендации по дальнейшему внедрению инфляционного таргетирования (ИТ).

Ключевые слова: инфляция, регулирование, инфляционное таргетирование, базовая инфляция, предотвращение инфляции, центральный банк, денежно-кредитная политика, цена, уровень инфляции, коммерческие банки, экономический рост.

Суть инфляционного таргетирования лежит в снижении уровня инфляции и удерживании его в определенном коридоре значений, посредством которого центральные банки добиваются экономической стабильности. Режим инфляционного таргетирования позволяет достичь нескольких макроэкономических целей, такие как: предотвращение резкого роста цен и высокой инфляции, формирование денежного рынка, устранение причин сегментации денежного рынка, поддержка платежеспособности населения и предпринимателей с учетом внутренних и внешних факторов, обеспечение устойчивости финансового сектора.

Инфляционное таргетирование имеет несколько важных преимуществ. Оно отличается от валютного таргетирования, но подобно денежному таргетированию, инфляционное таргетирование позволяет денежно-кредитной политике фокусироваться на внутренние условия и реагировать на шоки внутренней экономики. Инфляционное таргетирование также имеет преимущество того, что скорость возникновения шоков неуместны, так как стратегия денежно-кредитной политики больше не зависит от устойчивой взаимосвязи деньги-инфляция.

Страны, которые успешно использовали таргетирование инфляции, включают Новую Зеландию, Канаду, Великобританию, Финляндию, Швецию, Австралию и Испанию. В Австралии, Финляндии и Швеции центральный банк объявил целевые показатели инфляции без согласия правительства на их поддержку. В Канаде и Новой Зеландии для достижения цели установлен 18-месячный период. В конце этого периода устанавливается новый 12-месячный период в Новой Зеландии и 18-месячный период в Канаде с целью постепенного снижения инфляции. По истечении новых сроков обеим странам удалось достичь

цели по инфляции, и обе страны установили цель по инфляции еще на пятилетний период. В Австралии, Финляндии за точный уровень принимается целевой уровень инфляции. В Канаде, Новой Зеландии, Швеции и Соединенном Королевстве целевой показатель инфляции установлен в виде коридора.

Новый закон Республики Узбекистан «О Центральном Банке» четко определил стабильность цен в качестве основной цели денежно-кредитной политики, и ЦБ начал переход к режиму инфляционного таргетирования (ИТ). В результате денежно-кредитной политики, проводимой в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании денежно-кредитной политики путем поэтапного перехода к таргетированию инфляции», в 2021 году инфляция сформировалась на промежуточном целевом уровне – 10%, однако в течение 2022 года отмечен рост цен по широкому набору потребительских товаров, что отразилось в ускорении общего уровня годовой инфляции до 12,3% [3].

Высокие темпы роста базовой инфляции, наблюдаемые в последнее время, требуют поддержания умеренно жестких денежно-кредитных условий. В связи с этим, несмотря на то что была поставлена цель достичь целевого уровня инфляции в 5% к 2023 году, регулятору пришлось изменить прогнозные сценарии развития экономики.




Рис.1. Инфляционные ожидания на следующие 12 месяцев (в процентах)*

**Отчетные данные ЦБ Республики Узбекистан*

Соответственно данным сценариям, дальнейшие меры, принимаемые Центральным банком совместно с Правительством, направлены на снижение уровня инфляции до прогнозного уровня к концу 2023 года и достижение 5% целевого показателя в 2024 году [5].

В Республике Узбекистан в 2022 году сохранилось влияние мер фискального стимулирования, реализованных в предыдущие годы, на экономическую активность и инвестиционные процессы. Дефицит консолидированного бюджета на конец прошлого года составил около 4% по отношению к ВВП. Ожидается, что влияние фискальных стимулов на экономические показатели сохранится и в первой половине текущего года, а его дальнейшая динамика будет зависеть от исполнения бюджета в 2023 году. Также

за данный период объем совокупного спроса в экономике оставался на высоком уровне, и по итогам года реальный рост валового внутреннего продукта составил 5,7%. В качестве основных факторов высокого экономического роста выделяются значительный рост расходов на потребление населения и государства. Значительный рост объемов денежных переводов, поступающих в нашу страну в 2022 году (в 2,1 раза по отношению к 2021 году) был одним из важных факторов, поддерживающих спрос населения. Это, в свою очередь, отразилось в значительном увеличении выручки от торговли и платных услуг, а также росте производства потребительских товаров [3].

Центральный банк Республики Узбекистан обновил свои прогнозы на основе итогов 2022 года, исходя из ситуации, сложившейся во внутренней и внешней экономической конъюнктуре, статистических показателей, будущих рисков и их возможного влияния на нашу экономику. Основными допущениями при разработке этих прогнозов являются ожидаемое снижение темпов роста мировой экономики, возможная рецессия, сбалансирование инфляционных процессов, сохранение напряженной геополитической ситуации и продолжение текущих тенденций показателей внешней активности.

С учетом того, что в экономике в 2023 году сохранится инфляционное давление различного характера, а также с учетом эффекта переноса внешней конъюнктуры, денежно-кредитные условия останутся на «умеренно жестком» уровне. Согласно базовому сценарию макроэкономического развития, в первом квартале текущего года ожидается замедление реального роста ВВП и к концу года он составит около 4,5-5%. В свою очередь, возрастает вероятность снижения темпов роста мировой экономики и начала рецессии в некоторых странах. Исходя из этого, для формирования высоких темпов экономического роста в текущем году важно увеличить объем, а также эффективность частных и иностранных инвестиций, расширить производственный потенциал и обеспечить экономику необходимыми ресурсами [4].

В 2023-2024 годы важное значение будет иметь завершение трансформации предприятий и банков с государственной долей в основных секторах экономики, привлечение капитала через IPO и SPO, переход к формированию цен на электроэнергию и сетевой газ в рыночных условиях на основе спроса и предложения. Результаты этих реформ с 2024 года начнут отражаться в макроэкономических показателях и послужат повышению качества показателей экономического роста.

С учетом снижения в 2023 году инерционных эффектов, реализованных в предыдущие годы фискальных стимулов, ограничения государственных ресурсов и начала бюджетной консолидации, стимулирование инвестиционных возможностей частного сектора является важнейшим критерием обеспечения реального роста экономики. В целом, согласно обновленным прогнозам, разрыв ВВП (разница между фактическим и потенциальным объемом ВВП) в этом году увеличится в отрицательную сторону и сократится в ближайшие годы. Этот отрицательный разрыв может оказывать снижающее влияние на инфляцию, при этом важную роль играют условия совокупного спроса и предложения в экономике [4].

Однако значительные фискальные стимулы, наблюдавшиеся в предыдущие годы, способствуют тому, что повышательное давление на инфляцию сохранится в текущем году за счет поддержки внутреннего потребления.

В условиях основного сценария реальный рост расходов на конечное потребление прогнозируется на уровне около 5-6% в 2023 году и около 7-9% в 2024-2025 годах, что послужит положительному формированию совокупного спроса в экономике. Еще одним важным компонентом совокупного спроса является объем инвестиций в основной капитал, который, по прогнозам, вырастет на 9-10% в 2023 году, 12-13% в 2024 году и 10-11% в 2025 году [4].

Исходя из вышеизложенного, ожидается, что уровень инфляции на конец 2023 года составит около 8,5-9,5%. Текущая динамика инфляции и прогноз на ближайший период требуют сохранения умеренно жестких денежно-кредитных условий в экономике. При этом, путем принятия необходимых решений по основной ставке в течение года на денежном рынке будут обеспечены положительные реальные процентные ставки не менее 2-3%. Кроме того, укрепление реального эффективного обменного курса, происходящее при текущей тенденции валютных потоков в страну, также будет оказывать понижающее влияние на инфляцию.

С учетом вышеизложенного анализа и соображений можно дать следующие рекомендации. Для реализации режима инфляционного таргетирования, прежде всего, необходимо выполнение следующих условий:

- установление постоянного целевого показателя инфляции и доведение его до широкой общественности (регулярное информирование населения об инфляции, ее факторах и предполагаемом целевом уровне инфляции);

- необходимо обеспечить проведение структурных трансформаций и развитие финансового рынка, что является само собой достаточно сложным и долгим процессом;

- для эффективного осуществления каких-либо мер денежно-кредитной политики и перехода на режим ИТ нужно усилить действие трансмиссионного механизма, а точнее, функционирование каналов валютного курса и процентной ставки;

- широкое использование инструментов денежно-кредитной политики (аукционы РЕПО и валютный своп, депозитные аукционы, аукционы по облигациям ЦБ) для управления инфляцией и регулирования процентных ставок на денежном рынке;

- детальный макроэкономический анализ для принятия объективных решений в области денежно-кредитной политики (анализ состояния субъектов хозяйствования: домашних хозяйств, предпринимательства, государственного управления и внешнего мира) и прогнозирования на основе открытых данных, доступных на внутреннем и внешнем рынках;

- совершенствование коммуникационной политики для донесения до широкой общественности целей денежно-кредитной политики (ценовая стабильность, популярность кредита, низкая инфляция, повышение доверия

населения к национальной валюте и т. д.), возможности прогнозирования макроэкономической ситуации и укрепления доверия рынка.

Использованная литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 13.09.2017 г. № ПП-3272 «О мерах по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики» // <https://lex.uz/docs/3339552>

2. Указ Президента Республики Узбекистан, от 18.11.2019 г. № УП-5877 «О совершенствовании денежно-кредитной политики с поэтапным переходом на режим инфляционного таргетирования» // <https://lex.uz/docs/4600826>

3. International Monetary Fund. 2021. Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions: Overview 2021. Washington, DC: IMF., p.10.

4. Муайяд аль Расаси и Эзекиль Кабесон, 2022. "Переход Узбекистана на режим инфляционного таргетирования," Рабочий документ МВФ 2022/229, Международный Валютный Фонд. Стр.4.

5. <https://cbu.uz/ru/monetary-policy/reviews/>

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ ФУНКЦИЯЛАРИ

Долиев Аслиддин Тўлқинжон ўғли

*Бош илмий методик марказ таянч докторанти
dildorau411@gmail.com*

Аннотация

Мақолада таълим сифатини таъминлашда талабалар мустақил ишини амалга оширишдаги янги функциялари тадқиқ этилган. Тьюторлик фаолиятининг асосий тамойиллари асосланган. Олий таълим муассасаларида тьютерларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

***Калит сўзлар:** тьютор, маслаҳатчи, модератор, маслаҳат, қайта алоқа, фасилитация, эксперт, лойиҳа, жараёни, мунозара.*

Мустақил иш аҳамиятининг ортиши таълим жараёнида ўқитувчи ва талабанинг тутган ўрнини ўзгариши билан боғлиқ.

Ўқитувчининг таълим жараёнида тутган ўрнининг ўзгариши ундан янги функцияларни, жумладан тьютор, маслаҳатчи, ҳамда таълим жараёнида модераторлик вазифаларини бажаришини тақозо қилади.

Тьюторлик фаолияти деганда, талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларига умумий раҳбарлик қилиш, шунингдек тарбиявий ишларни олиб бориш шакли тушунилади.

Тьюторлик фаолияти қуйидаги тамойилларга асосланади:

талабага нисбатан шахсий ёндошув;


ўқув жараёнини ташкил этишга ёрдамлашиш.

Тьюторлик фаолиятини замонавий тушуниш:

тьюторлик қўллаб-қувватлаш сифатида (таълимда субъектлик муаммосини ечиш йўли). Қўллаб-қувватлаш деганда, муаммони ечишда субъектнинг дахлсиз ва автономлигини ривожлантиришга қаратилган ўзига хос ёрдам бериш тури тушунилади;

тьюторлик кузатиб бориш сифатида (таълим дастурининг бажарилишини, илмий тадқиқот ишлари ва талабаларнинг лойиҳа ишларини бажарилиши кузатиб борилиши);

тьюторлик фасилитация сифатида (маданий, касбий ва шахсий ўз-ўзини англашни ривожлантириш йўли)(1-расм).



1- расм. «Тьюторлик йўналишлари»

Тьютор-ўқитувчи таълим олувчилар фаолиятини педагогик кузатиб боради. У гуруҳлар учун топшириқлар ишлаб чиқади, қандайдир муаммонинг гуруҳли муҳокама қилинишини ташкил қилади. Тьюторнинг фаолияти маслаҳатчи сифатида, маълумотларни қайта ишлашга эмас, балки таълим олувчиларнинг субъектлик тажрибалар билан ишлашга қаратилган бўлади. Ўқитувчи ҳар бир талабанинг билишга қизиқишларини, мўлжалини, эҳтиёжини, шахсий интилишларини таҳлил қилади.

Тьюторнинг вазифалари: таълим олувчиларга максимал даражада ўрганишларига ёрдамлашиш, талабанинг ўқув фаолиятини кузатиб бориш, бажарилган топшириқлар бўйича қайта алоқа ўрнатиш, талабаларга маслаҳат бериш ва қўллаб-қувватлаш, таълим олишга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш, талабалар билан зарур бўлганда, шахсий алоқа ўрнатиш орқали, электрон почта орқали ёки компьютер конференциялари орқали алоқа ўрнатишга имконият яратишдан иборат[1].

Маслаҳат бериш - ўқитувчи-маслаҳатчи ва таълим олувчи ўртасида махсус тарзда ташкил этилган, талаба фаолиятидаги ўзгаришлар ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолиятдир.

Таклиф этилаётган моделнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқитувчи томонидан анъанавий равишда ўқув материалларни баён этиш ўрнига маслаҳат бериш, оддий тартибда, шунингдек масофавий тартибда амалга оширилади.

Маслаҳат бериш аниқ бир муаммони ечишга қаратилган бўлади. Бунда ўқитувчида масаланинг ечими бўлиши ва уни маслаҳат олувчига ёзиб бериши мумкин, ёки бўлмаса масалани ечиш йўллари кўрсатиб бера олиши мумкин. Бундай усулда ўқитувчининг асосий мақсади – талабани қандай ўзлаштиришга ўргатишдан иборат(2-расм).



2-расм. “Маслаҳат” бериш моделлари

Маслаҳат бериш назарияси ва амалиётида маслаҳат бериш фаолиятининг бир неча моделларини келтирдик. Бажарилаётган вазифанинг ўзига хос хусусиятига кўра, эксперт, лойиҳавий ва жараёнли масҳат беришни бир-биридан фарқлаш мумкин. Лойиҳавий маслаҳат беришнинг ўзига хос жиҳати талабаларнинг ўқув-тадқиқот, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларининг бажарилиши билан биргаликда олиб борилишидир.

Модераторлик – таълим олувчиларнинг потенциал имкониятлари ва қобилиятларини очиб беришга қаратилган фаолиятдир. Модераторлик асосида эркин коммуникация жараёнини ташкил этишга, фикрлар билан алмашишга ҳамда таълим олувчиларга ўзининг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган махсус технологиялардан фойдаланиш ётади.

Модераторлик таълим олувчиларнинг ички салоҳиятини ишга солишга қаратилган бўлиб, уларнинг ишга солинмаган ички имкониятларидан фойдаланишга ёрдам беради. Модераторнинг асосий усуллари бўлиб, таълим олувчиларни фаолиятга ундайдиган ва уларнинг фаолиятини аоллаштирадиган, уларни қизиқтираётган муаммоларни аниқлашга ёрдам берадиган, мунозараларда иштирок этишини ташкил этадиган, таълим олувчилар ўртасида ҳамкорлик муҳитини юзага келтиришга имкон берадиган усуллар ҳисобланади[2].

Юқорида кўриб ўтилган усуллардан ташқари, талабалар билан фаннинг маълум бир бўлимини, ёки фанни тўлиқлигича мустақил ўрганиш бўйича ўқув шартномалари тузилиши мумкин.

Ўқув шартномаси шахсий ўқув режасини(таълим дастурини) яратитиш ва амалга ошириш технологиясини тавсифлайди.

Фикримизча, қуйидагилар ўқув шартномасининг асосий унсурлари бўлиб ҳисобланади:

талаба томонидан фанни мустақил ўзлаштириш стратегияси;

ўқитувчилар ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятида ўқув шартномасини қўллаш усули;

ўқув шартномасини ишлаб чиқиш ва бажаришнинг асосий ресурси сифатида қаралаётган шахсий таълим тажрибаси;

шартномада ёзилган меъёрлар асосида таълим олувчиларга бериладиган шахсий маслаҳатлар тизими.

Фикримизча, талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилганда, таълим дастурининг ўқитувчилари гуруҳи билан уни ташкил этишга бўлган ёндошувларни келишиш керак. Таълим дастури ўқитувчилари гуруҳи:

кўникмага эга бўлиш ёндошуви асосида мустақил ишнинг мақсадини белгилайди;

модуллар бўйича таълим дастури асосида талабаларнинг мустақил ишини режалаштиради;

ҳар хил ўқув курслари чегарасида мустақил иш турларини келишиб оладилар;

оралиқ назарий курслар, назарий билимлар билан амалий кўникмалар билан ўрганилаётган материаллар ўртасида алоқа ўрнатилади;

ўқув материали ва топшириқнинг бир-бирини такрорлаши йўқотилади;

мустақил ишни бажариш технологик харитаси ишлаб чиқилади;

таълим олувчилар учун мустақил ишни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар тузилади;

талабалар ва ўқитувчиларга мустақил иш графиги ҳақида маълумот берилади.

Ўқитувчининг талабалар мустақил ишини амалга оширишдаги янги функциялари уларнинг ўқишга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, таълим сифатини яхшилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Федотова В.В. Направление организации исследовательской деятельности студентов // Высшее образование в России. - 2018. – №3. – С. 128 - 133.

2. Khimmataliev D.O, Olmov K.T, Abdullaeva R.M, Ergashev B.B, Chulponova K.T. Mechanisms of professional competence development in future teachers based on pedagogical and technical knowledge // PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(1): Pp. 2838 - 2844 ISSN: 00333077.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШЎЪБА ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Акмал Валижонов

иқтисод фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

Тадқиқотлар маркази, бўлим мудури

Аннотация

Ушбу ишда шўъба хўжалик жамиятлари тушунчасининг мазмун ва моҳияти тадқиқ этилган. Шўъба хўжалик жамиятларини бошқариш ва тартибга солиш бўйича хориж тажрибаси ўрганилган ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари аниқланган. Мақолада Ўзбекистонда шўъба хўжалик жамиятларини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, шўъба жамият, хўжалик жамияти, тартибга солиш, устав.

Замонавий корпоратив бошқарувни яратишда йирик хўжалик жамиятлари томонидан ташкил этиладиган шўъба хўжалик жамиятлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали тизмини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ (67-модда) агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади [1].

Қонунчилик асосий жамият акциялари ёки улушларига шўъба жамият эгалик қилиши бўйича чекловлар белгилаган. Жумладан, шўъба хўжалик жамияти ўз мулкида ўзининг асосий жамияти (ширкати) устав фондидаги (устав капиталидаги) улушга эга бўлишга ҳақли эмас.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Қонунда хўжалик жамиятининг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмасликлари ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлишлари белгиланган. Шу билан бирга, шўъба хўжалик жамиятлари таъсисчиси учун жавобгарлик белгиланган. Масалан, Фуқаролик кодексига мувофиқ асосий жамият (ширкат) айби билан шўъба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Шўъба хўжалик жамияти иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби билан шўъба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

Ҳорижий давлатларда йирик компаниялар томонидан шўъба тузилмаларни ташкил этиш амалиёти кенг тарқалган. Бир қатор хорижий давлатларнинг (Англия, АҚШ, Франция, Италия ва бошқалар) шўъба компанияларни ташкил этиш бўйича тажрибаларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар ва таклифлар олинди:

хорижий давлатларда асосий компания шўъба компаниянинг бошқарув органларини шакллантириш ва устав фондида устун мавқеда иштирок этиш ёки томонлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ шўъба компания фаолиятини назорат қилиш имконига эга бўлса, бундай компания шўъба компания ҳисобланади. Бази бир давлатларда 10% акция пакетига эга бўлишлик ҳам устун мавқе ҳисобланади (АҚШ, Япония) [2];

шўъба компанияларни очиш орқали солиқ ва молия соҳасида асосий компания манипуляцияларни амалга оширмаслиги учун хорижий давлатларда асосий компания томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот топширилиши назарда тутилган. Ушбу амалиётдан Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш имкониятини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ;

айрим хорижий давлатларда асосий компания ва шўъба компания ўртасидаги муносабатларни ушбу компаниялар устави ва бошқа ички ҳужжатлари билан тартибга солиш мажбурлиги қонун орқали белгиланган. Ушбу амалиётдан Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

хорижий давлатларнинг кўпчилик қисмида шўъба компания иқтисодий ночор (банкрот) бўлиб қолган пайтда ва бунда асосий компания айбдор бўлса, асосий компания шўъба жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади;

асосий компания шартнома асосида ҳам шўъба компанияга эга бўлиши мумкин. Корхоналар ўртасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, айниқса йирик ва кичик корхоналар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, бунда кичик корхоналарни банкротлик ҳолатидан асосий компания орқали химоя қилишни ташкил этиш мақсадида ушбу амалиётдан Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш имкониятини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, шўъба компанияларни асосий компаниялар томонидан тартибга солиниши маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилиши керак. Шу маънода Халқаро молия корпорацияси томонидан банк холдингларининг шўъба компанияларини бошқаришга бағишланган 2010 йилда ўтказилган тадқиқоти эътиборга молик. Ушбу тадқиқотда компаниялар гуруҳида корпоратив бошқарувнинг қуйидаги тамойиллари белгиланган[3]:

асосий компания холдинг компаниясининг барча даражаларида корпоратив бошқарув сифатини назорат қилиши;

асосий компания таркибида шўъба компанияларни бошқаришга ихтисослаштирилган тузилма ташкил қилиниши (трансмиллий компанияларда бу стандарт ҳолат ҳисобланади);

асосий компания томонидан шўъба жамиятларни бошқаришнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва бу сиёсат холдингда қабул қилинган корпоратив бошқарув стандартларига мос келиши;

асосий ва шўъба компания ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин. Шунинг учун асосий компания шўъба компаниянинг

мустақиллик даражасини камайтирмаган ҳолда манфаатлар балансини таъминлаши;

асосий компания директорлар кенгаши компаниялар гуруҳининг ривожланиш стратегиясини белгилаши ва уни ижросини назорат қилиши;

хавф-хатарларни таҳлил ва назорат қилиш фақат асосий компания томонидан эмас, балки шўъба компаниялар директорлар кенгаши томонидан ҳам амалга оширилиши;

шўъба компаниялар директорлар кенгаши таркибига асосий компаниянинг раҳбар ходимларини киритиб бориш;

директорлар кенгаши фаолиятини мунтазам баҳолаб бориш корпоратив бошқарувнинг яхши амалиёти ҳисобланади. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун асосий ва шўъба компаниялар директорлар кенгаши фаолиятини баҳолаш;

асосий компания корпоратив бошқарувнинг умумий таомилларини ишлаб чиқиши (устав, ички ҳужжатлар, директорлар кенгаши иш фаолиятининг регламенти ва бошқалар);

назоратчи идоралар томонидан холдингларни бошқаришни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқилиши, корпоратив бошқарув билан боғлиқ бўлган мажбурий ва ихтиёрий қоидаларнинг балансини таъминлаш.

Ушбу тамойиллардан Ўзбекистонда шўъба ташкилотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хўжалик жамиятларини ички ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш шўъба ташкилотларни бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шўъба хўжалик жамиятлари фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 75-моддасидаги “жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш” сўзларини “жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш” сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасидаги “бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш” сўзларини “бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш, қайта этиш ташкил ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш” сўзлари билан алмаштириш лозим;

-асосий жамиятларнинг шўъба хўжалик жамиятлари бошқарув органларидаги вакиллари фаолиятини ташкил этиш;

-давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларининг шўъба жамиятлари фаолиятини баҳолаш мезонларини белгилаш;

-асосий жамият ва унинг шўъба жамиятларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тузишни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (1-қисм).
<https://lex.uz/docs/111189>.
2. И.К. Елеусизова. Правовое регулирование дочерних организаций. Право и государство, №3 (72),2016.
3. Frederick W. R. Focus 13 Challenges in Group Governance: The Governance of Cross-Border Bank Subsidiaries / foreword E. Wymeersch. Washington : The international Finance corporation, 2014.

УПРАВЛЕНИЕ ОБОРОТНЫМИ ПРОИЗВОДСТВЕННЫМИ ФОНДАМИ КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ОПЕРАЦИОННОЙ СТРАТЕГИИ

Джурабаев Отабек Джурабаевич

Ташкентский государственный экономический университет, PhD.

dloong1507@mail.ru

Аннотация

Эффективная управленческая деятельность в любом бизнес субъекте во многом зависит от правильно выбранной стратегии. Производственная деятельность невозможно представить без материальных затрат. Именно вопросы касательно оптимизации производственных процессов и затрат служит основным фактором конкурентного преимущество субъектов предпринимательство. В данной статье приведены основные аспекты управления оборотными производственными фондами как основополагающего элемента операционной стратегии.

Ключевые слова. Операционная стратегия, фонды обращения, оборотные средства, оборотные производственные фонды, материальные затраты.

Производственная деятельность промышленного предприятия связана с производством продукции на основании использования финансовых, материальных, информационных, человеческих. Наибольший удельный вес в операционных расходах, чаще всего имеют материальные ресурсы предприятия.

Материальные затраты (сырье и материалы, расходы на топливо и электричество) являются элементами оборотных средств предприятия, то есть результат операционной деятельности предприятия находится в прямой зависимости от эффективности использования оборотных средств предприятия. Поэтому стратегия операционной деятельности предприятия должна основываться на грамотном и обоснованном управлении его оборотными средствами. Важная роль оборотных средств предприятия в управлении объясняется их ролью в экономике предприятия в виде ресурса, необходимого для производства продукции предприятия.

Проблемы, возникающие с оборотными средствами в процессе функционирования предприятия и методов их оптимизации, рассматривались учеными в следующих аспектах:

- как способы моделирования оптимального размера партий поставок сырья, материалов и запасов готовой продукции (модель Харриса-Уилсона и производные от нее);

- в виде моделей оптимизации размера денежных средств предприятия и их наиболее ликвидных эквивалентов.

Оборотные средства в научной литературе классифицируются следующим образом (рис.1).



Рисунок 1. Структура оборотных средств промышленного предприятия

Функции управления оборотными средствами предприятия осуществляются чаще всего планированием определенного размера денежных средств, которые расходуются на сырье и материалы, хранение запасов, рационализацию производственного процесса и логистических схем сбыта продукции.

Говоря об управлении оборотными средствами, Ю.Н. Кулакова отмечает, что «поскольку управление является целенаправленным процессом, важнейшим является вопрос целеполагания в системе управления оборотными средствами. Цели, которые хозяйствующий субъект ставит перед собой, могут различаться на разных этапах его жизненного цикла, в разных условиях функционирования, созданных внешней средой» [1]. В этом случае главными целями можно считать максимизацию чистой прибыли и рентабельности, максимальное увеличение реализации готовой продукции, увеличение доли продукции предприятия на рынке, устойчивость финансового состояния.

Оборотные средства являются наиболее подвижной, мобильной и ликвидной частью активов, поскольку они находятся в непрерывном движении, переходя из одной вещественной формы в другую на различных стадиях производственного процесса (рис.2.).



Рисунок 2. Кругооборот оборотных средств производственного предприятия

В последнее время в научной литературе приобрела популярность теория о том, что главной целью управления является достижение максимальной стоимости бизнеса, что выражается в максимально высокой рыночной цене его акций, то есть принимаемые управленческие решения имеют цель постоянное повышение стоимости чистых активов. Однако, без роста прибыли и наличия нормальной платежеспособности, максимальное повышение стоимости активов невозможно.

Необходимо достижение оптимального соотношения между финансовыми результатами, стоимостью чистых активов и объемом ресурсов, необходимых для производственной деятельности предприятия.

Общая схема управления оборотными средствами предприятия приведена на рис. 3

Рассматривая разные цели для достижения управления оборотными средствами, можно выделить два преобладающих направления:

- достижение максимально эффективной производственной деятельности предприятия;
- достижение минимального финансового риска.




Рисунок 3. Общая схема управления оборотными средствами предприятия

Очевидно, что достичь максимально высоких значений одновременно по обеим направлениям невозможно. Достижение высокой оборачиваемости активов достигается за счет высоко рискованных финансовых инструментов, что приводит к снижению показателей надежности (финансовой устойчивости, платежеспособности).

Руководители предприятия при выработке операционной стратегии всегда стоят перед выбором максимальной эффективности, минимального финансового риска или компромиссного сочетания приемлемого уровня обоих факторов [2,3].

Следовательно, тенденция роста коэффициента оборачиваемости свидетельствует о повышении эффективности использования оборотных средств. О том же свидетельствует сокращение длительности оборота оборотных средств: чем больше оборотов сделает оборотный капитал в течение года, тем более эффективна деятельность предприятия.

Таблица 1

Методика расчета оборачиваемости оборотных средств

Показатель	Методика расчета
Оборачиваемость оборотных средств	$K_o = \frac{B}{Об_{ср}}$ Где B- выручка предприятия за отчетный период; Об _{ср} – средняя стоимость оборотных средств К _о - коэффициент оборачиваемости
Длительность оборота оборотных средств	$T = \frac{1}{K_o} = \frac{Об_{ср}}{B}$ Где T- длительность оборота оборотных средств К _о - коэффициент оборачиваемости

Продолжительность оборота в днях	$ОД = 360/К_о$ <p>Где ОД - продолжительность оборота оборотных средств в днях $K_о$ - коэффициент оборачиваемости</p>
Высвобождение оборотных средств из оборота	$\Delta CO = CO_0 - CO_1 * K$ <p>Где CO_0 - величина оборотного капитала за предыдущий период CO_1 – величина оборотного капитала за расчетный период, K – коэффициент роста продукции</p>
Рентабельность оборотных средств	$Р_{об} = П_{пр}/Обср * 100\%$ <p>Где $Р_{об}$ – рентабельность оборотного капитала $Обср$ - средняя стоимость оборотных средств</p>

Управление оборотными средствами зависит не только от показателей оборачиваемости, а также от мощности производственного оборудования, наличия или отсутствия брака, развитости логистической системы, своевременности выполнения своих обязательств перед поставщиками. Поэтому для полноценного анализа эффективности их использования необходимо все эти факторы.

Особенность стратегии операционной деятельности заключается в установлении прямой связи между главной и операционной стратегиями предприятия, путем конкретизации и детализации тех инструментов, методов и алгоритмов управления, которые применяет менеджмент предприятия для выполнения целей, намеченных главной стратегией.

Выделяют следующие подходы при формировании операционной стратегии управления запасами (рис.4).




Рисунок 4. Подходы при формировании операционной стратегии управления запасами

Размер оборотного капитала, в соответствии с рассмотренными выше подходами, определяется с учетом оптимального сочетания эффективности использования оборотного капитала и финансовыми рисками в виде потери платежеспособности. Данные подходы основаны на компромиссе между рисками банкротства и максимально возможной прибыльностью предприятия, при условии обязательного учета сроков и издержек по привлечению тех или иных источников. Для того чтобы обеспечить функционирование предприятия, требуется грамотное управление оборотным капиталом. Модель управления оборотным капиталом определяет эффективность деятельности всего предприятия.

Важным элементом модели управления оборотным капиталом является управление запасами. В управлении запасами наиболее часто используются следующие методики [4].

Процесс управления оборотными средствами при формировании операционной стратегии включает в себя также управление дебиторской задолженностью предприятия. Управленческое воздействие на дебиторскую задолженность связано с необходимостью поддержания ее оптимального размера. Управление дебиторской задолженностью осуществляется как контролем своевременности оплаты контрагентами, мониторинг их финансового состояния во избежание отгрузки продукции неплатежеспособным предприятиям, создание оптимальных условий для оплаты долгов дебиторами.




Рисунок 5. Методика управления оборотным капиталом

Рост величины дебиторской задолженности способствует некоторому увеличению ликвидности активов предприятия, но отрицательно влияет на

получение финансового результата. Поэтому цель управления – нахождение оптимальной величины дебиторской задолженности, которая обеспечит компромисс между прибыльностью предприятия и риском утраты платежеспособности.

В стадии зрелости, когда предприятие достигает устойчивого положения, руководство предприятия переходит к жесткой кредитной политике, не допускающей отсрочки платежей, что приводит к сокращению дебиторской задолженности. На стадии разрушения дебиторская задолженность вновь растет и предприятие использует стратегию ее продажи [5].

Использование теории жизненного цикла предприятия дает возможность своевременного изменения политики управления дебиторской задолженностью, не допуская потери платежеспособности и банкротства.

Разница между авторским и традиционными показателями, которые рассчитываются исходя из величины оборачиваемости по стоимости материалов, является существенной, причем такое отклонение может помешать принятию правильного управленческого решения в области управления запасами.

Таким образом, операционная стратегия деятельности предприятия в значительной степени зависит от методов управления оборотными средствами предприятия, поскольку именно правильность стратегии использования основных средств призвана уравновесить риски потери прибыльности и потери платежеспособности.

Модель управления дебиторской задолженностью в зависимости от жизненного цикла предприятия приведена на рис. 6.



Рисунок 6. Модель управления дебиторской задолженностью в зависимости от жизненного цикла предприятия

При управлении оборотными средствами предприятия имеет место следующее противоречие: максимальная эффективность управления оборотными активами достигается при максимальном уровне риска и минимизации показателей надежности деятельности (платежеспособности).

В связи с необходимостью нахождения компромисса между эффективностью и надежностью в управлении оборотными средствами, автором рассмотрено несколько методик управления запасами и управления дебиторской задолженностью, каждый из которых имеет свои преимущества и недостатки. Выбор методики должен производиться в зависимости от особенностей производственной деятельности предприятия, его маркетинговой и сбытовой политики.

Выбор методики управления дебиторской задолженностью зависит от особенностей производственной деятельности предприятия, емкости рынка, рентабельности продаж, стратегии дальнейшего развития предприятия.

В связи с важностью расчета оборотных средств автор предлагает методику расчета средней длительности пребывания оборотных средств в разных формах, которая учитывает большее количество факторов, и вследствие этого является более точной, чем традиционные методики.

Использованная литература

1. Кулакова Ю.Н. Формирование и реализация стратегии операционной деятельности промышленного предприятия: теория и методология: дисс. на соискание уч. степени доктора экономич. наук Челябинск, 2019, с.51
2. Коршунова, Е.Д. Адаптация операционной деятельности промышленного предприятия в условиях выхода из кризиса: применение инструментов процессного управления / Е.Д. Коршунова, О.В. Попова // Вестник МГТУ «Станкин». - 2011. - № 2 (14). - с. 102
3. Каплан Р., Нортон Д. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. — М.: Олимп-Бизнес, 2008, с.117
4. Аллаярова, М. К. Необходимость развития инновационного маркетинга в экономике Узбекистана / М. К. Аллаярова, М. О. Бозоров. // Вопросы экономики и управления. — 2018. — № 2 (13). — с. 15
5. Крылов Э.И., Власова В.М., Варфоломеева В.А. Роль цифровой среды в разработке, производстве и реализации инноваций // Развитие методологии современной экономической науки, менеджмента и образования в условиях информационно-цифровых трендов: материалы III Междисциплин. всерос. науч. конф. 2019. с. 152

ФОРМИРОВАНИЕ ЦЕНОВОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОДУКЦИИ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В СТРАТЕГИИ МАРКЕТИНГА

Юсунов Улугбек Шукруллаевич

Старший преподаватель, PhD

Ташкентский государственный экономический университет

dildorayusupova58@mail.ru

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы формирования ценовой конкурентоспособности продукции легкой промышленности в маркетинговой стратегии. Рассмотрены вопросы разработки тактики ценовой политики. Рекомендуется метод поэтапного анализа ценообразования продукции.

Ключевые слова: конкурентоспособность, текстиль, промышленность, продукция, стратегия, маркетинг.

Важной задачей легкой промышленности является производство товаров, которые по качеству и естественно в количественном отношении удовлетворяли бы потребность населения нашей Республики. Реализация этой задачи в конечном итоге должно быть направлена на достижение устойчивого производства в условиях жесткой конкуренции, что объясняется экспансией товаров зарубежного производства на наш внутренний рынок, который сегодня не в полной мере может противостоять этому натиску.

Главным выигрышным моментом в этой конкурентной борьбе зарубежных производителей товаров легкой промышленности, на наш взгляд является, ценовая доступность и достаточно широкий ассортимент ряда этих товаров.

Совершенствуя процесс производства, действующие швейные предприятия страны должны выживать в конкурентной борьбе за рынки сбыта. Конкуренция неизбежно ставит их в такое положение, когда они вынуждены менять тактику и стратегию производства, повышать качество своей продукции, осваивать ее новые виды, использовать совершенные и гибкие методы ценовой стратегии предприятия.

Ценовая политика предприятия может быть определена как скоординированная стратегия менеджмента предприятия по установлению, поддержанию и установления цен на производимую продукцию. Стратегические аспекты ценовой политики содержат в себе целевые задачи, направленные на оптимизацию всей производственной и сбытовой деятельности предприятий, фирм, а также поддержания уровня продаж в соответствии с изменяющимися условиями рынка.

То есть, тактика ценовой политики должна устранять сбои, возникающие в следствии непредвиденных изменений рынка, поведения конкурентов, а также просчетов, возникающих в следствии ошибок персонала (маркетинга, производства и т.д.). Правильный выбор ценовой стратегии и тактики ее применения влияет на уровень продаж и

соответственно прибыли. Задача выбора стратегии ценообразования в принципе не сложна, так как в практике деятельности предприятий рыночная экономика определила и предлагает различные стратегии установления цен, ценовые стратегии маркетинга и ряд других мер. Наиболее распространенными такими стратегиями, на наш взгляд являются следующие:

Повышение прибыли и доходности, благодаря этой стратегии предприятие реализует меры по увеличению прибыли, которая должна опираться на комплекс мер по реализации этой стратегии. Естественно, что решение этой задачи опирается как на текущую, так и на перспективную стратегию ценообразования.

Завоевание и лидерство на рынке в части установления и диктата цен, наиболее используемая стратегия предприятий, имеющих значительные доли рынка в части производимой продукции, т.е. это крупные предприятия и фирмы. Эти предприятия являются наиболее активными при установлении общих ценовых уровней на свою продукцию и отличаются от аналогичной продукции конкурентов.

Сегодня, одним из важных моментов выживания предприятий швейной отрасли, при прочих равных условиях, является более широкое применение в деятельности предприятий ценового маркетинга, который обеспечивает ценовую конкурентоспособность продукции, использует возможности для проведения гибкой ценовой политики и обеспечит успешную конкуренцию импортной продукции на внутреннем рынке. Известно, что одним из важных путей в стратегии ценообразования и производства продукции является метод установления цены на основе безубыточности и обеспечения целевой прибыли. Важным элементом ценообразования в маркетинговой стратегии является фактор жизненного цикла товара.

Предприятия швейно-трикотажной промышленности, производящие достаточно широкий ассортимент продукции, должны придерживаться, этапного проникновения на рынок именно с учетом жизненного цикла каждого вида изделия. Минимальный уровень цены зависит от уровня себестоимости и затрат на реализацию продукции, а максимальный - уровнем качества товара, новизной, имиджем предприятия (брендом) и естественно уровнем спроса, который на наш взгляд необходимо в определенных случаях не только формировать, развивать но и стимулировать.

На основе зависимости изменения затрат, изменения цены и объемов продаж в соответствии со спросом, предприятия легкой промышленности должны придерживаться определенной ценовой и маркетинговой стратегии выбранной в соответствии с конкретной ситуацией на рынке товаров легкой промышленности. Одной из таких стратегий ценообразования и маркетинга на наш взгляд может послужить этапный анализ ценообразования продукции.

изучение сегментов рынка и цен на аналогичную продукцию;
структуры и объемы продаж продукции;
расчет цены продукции (максимальной, средней и минимальной);

расчет объемов продаж при различных ценах;
установление допустимых цен с учетом жизненного цикла товара;
определение влияния цен на объем продаж и доходность;
анализ и определение наилучшего варианта по установлению цены
объемов производства продукции в ассортименте.

Проведенный анализ деятельности предприятий позволил сделать вывод и разработать вышеизложенные предложения по оформлению ценовой конкурентоспособности предприятий легкой промышленности, что позволило бы отечественным производителям выдержать жесткую конкуренцию и расширить ассортимент вырабатываемой продукции.

Использованная литература

1. Юсупов У.Ш. Роль инновационных стратегий в развитии предприятий легкой промышленности Узбекистана. «Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни» Международная научно-практическая конференция. Филиал МГУ им.М.В. Ломоносова в г.Ташкенте. 16-17 апреля 2013г.

2. Юсупов У.Ш. Ўзбекистон энгил саноатининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имкониятлари. “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари” ТТЕСИ. Республика илмий-амалий конференцияси, 2014й. 20-21 ноябрь.

3. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг йиллик ҳисоботлари.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДЛАРИДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Собиржоновна Камола Аброржон қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри*

Аннотация

Мазкур мақолада хизматлар соҳасида рақобат муҳитини шакллантириши ва унинг моҳиятини такомиллаштириши, хизматлар соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириши йўллари бўйича муаллифлар томонидан фикр-мулоҳазалар келтирилган. Қолаверса, хизматлар соҳасида рақобат муҳитини шакллантириши ва такомиллаштириши бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *хизмат, хизматлар соҳаси, рақобат, рақобат муҳити.*

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга

ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш, шаҳар ва туманлар марказларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи юқори бўлган маиший ва коммунал хизматларни ривожлантириш бўйича пуллик сантехника, электрик, уй жиҳозларини таъмирлаш, кейтеринг каби хизматларни кўрсатиш пунктларини ривожлантириш, республика ҳудудларида савдо ва йўлбўйи хизматларини ривожлантириш орқали 130 та замонавий бозорлар ва савдо комплекслари, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 65 та йирик ҳамда 5000 та кичик хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини 3 бараварга қисқартириш, хизматлар соҳасининг жозибадорлигини ошириш мақсадида соҳадаги тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар тақдим этиш⁷⁷ каби кейинги беш йилда бажариладиган тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим соҳалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Чунки бозор иқтисодиётини таркибий ўзгартириш шароитида энг асосий масалалардан бири – хизматлар соҳасини ривожлантириш, шунингдек, соҳада аҳолининг иш билан бандлик даражасининг кенгайиб бориши ҳисобланади. Ҳозирда бирор мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакатда яратилаётган ЯИМ даги улуши 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон бўлиб қолмоқда. АҚШ иқтисодиётида яратилган ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 78, Японияда 62 фоизни ташкил этади. Шу сабабли мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларига эътибор қаратсак, иқтисодчи олимлар томонидан чоп этилган кўплаб иқтисодий адабиётларда “хизмат кўрсатиш” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. АҚШлик иқтисодчилар Кэмпелл Р.Макконнелл ва Стэнли Л.Брюлар “хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматга эга бўлган қандайдир нарсани истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир”⁷⁸, деб таъриф беришган. Ф. Котлер “Хизматлар - бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат”⁷⁹ деб таъкидлаган.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан И.С.Очилов “Хизмат деганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

⁷⁸ Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика.2 Т.:Пер.С англ. Т.2.– Таллин, 1993, стр.398.

⁷⁹ Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент // Экспресс-курс. 2-е изд. / Перевод с англ. Под ред. Божук С.Г. Спб.: Питер. 2005. С-301

хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади” деб таъкидлаган⁸⁰. М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи- назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлиғига, ўз ҳаётдан розилик даражаси ва хурсандчилиғига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа”⁸¹ деб таърифлаган, Ж.М.Қурбонов хизмат кўрсатиш “бу инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади”⁸² деб таъриф берган. Қ.Ж. Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад олиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”⁸³ деб айтган.

Мамлакатимизда 2020 йил якунларига кўра хизматлар ҳажми 219 978,5 млрд. сўмликни ташкил этди. Бу борада энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (79 879,3 млрд. сўм), Тошкент вилояти (16 438,3 млрд. сўм), Самарқанд вилояти (14 086,1 млрд. сўм) ва Фарғона вилояти (13694,4 млрд. сўм) ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудлар ЯҲМлари таркибидаги улуши ортиб бориши билан бир қаторда хизматлар соҳасининг ўсиш суръатлари ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган Давлат дастурларини амалга ошириш натижасида кейинги йилларида хизматлар соҳасининг иқтисодий тармоқ ва соҳаларида нисбатан юқорироқ ўсиш суръати кузатилган. Бу даврда яратилган хизматлар ҳажми ўсиши саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўсишдан сезиларлича илгарилаб, 3 баробарга ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида сифат кўрсаткичлари қатъий равишда ошиб, унга бўлган талабнинг ўсиб бориши соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш хизматларининг янада ривожланишига, шунингдек, илгари мавжуд бўлмаган юқори технологияли хизматларнинг шаклланишига ва юзага чиқишига сабаб бўлди. Юқори сифатли турли-туман хизматларнинг мавжудлиги аҳолининг соғлиғига ва инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ишчиларнинг иш унумини, истеъмол харажатларини оширади, бўш вақтни кўпайишига ва аҳолининг дам олишига имконият беради. Инсон фаолиятида жуда қулай, хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатаётган янги хизмат кўрсатиш тармоғи, яъни бугунги кунда зудликда маълумотлар билан таъмин этувчи интернет, мобиль (уяли) телефонлар ва бошқа фан-техника ютуқларини қўллайдиган хизмат турлари ривожланиб бормоқда. Мазкур хизмат турларининг ривожланиши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий қудрати юксалишига, унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам хизмат қилади.

Умуман, мамлакатимиз ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳасини

⁸⁰Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. “Иқтисод молия”, 2008. 37 б.

⁸¹ Муҳаммедов М.М. —Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

⁸² Қурбонов Ж.М.Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис //«SERVIS».Илмий-оммабоп журнал.2009 йил, 1–сон. 58 б.

⁸³ Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 49 бет.

такомиллаштириш учун қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- ҳудудларда хизматларни янги замонавий турларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш, хизматлар турларини янада кенгайтириш керак;

- ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблашда ҳудудларидаги баъзи хизмат турларнинг ҳисобга олинишини такомиллаштириш зарур, бу ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг улуши ошишига олиб келади;

- ҳудудларда хизматлар соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим;

- хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудларда янги иш ўринларни яратишни жадаллаштириш керак;

- ҳудудларда хизматлар соҳасига янги инновацион технологияларни кенг жалб этиш зарур;

- ҳозирги кундаги замонавий хизмат турлари ҳисобланадиган алоқа ва ахборотлаштириш, компьютерда дастурлаш хизматларининг жами ҳудудий хизматлар таркибида улушини оширишга эътибор қаратиш лозим ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони // lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон- 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // lex.uz.

3. Сафаров Б.Ш. “Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари” // Монография. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 б.

4. 2017-2020 йилларда “Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ишлаб чиқариш” бўйича статистик тўпламлар. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

*Яхшиева Мақсуда Хаитмуратовна
Тошкент Давлат итисодиёт университети магистранти
Илмий раҳбар и.ф.н., доц. М. Умархожаева*

Аннотация

Ушбу мақолада электрон тижоратни рақобатни ривожлантиришдаги ўрни, шунингдек, унинг таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, электрон ҳукумат, Рақамли Ўзбекистон, блокчейн, рақобат.

Жаҳонда ахборот технологияларининг ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар мазмуни ва бизнес юритиш

механизмларини жиддий ўзгартирди. Халқаро ҳисоботларга кўра, 2021 йил бошида электрон тижорат дунёдаги чакана савдо умумий ҳажмининг 17,5 фоизини ташкил қилган бўлса, электрон тижорат(ЭТ) айланмаси 4 триллион АҚШ долларига етди⁸⁴. Бундан ташқари, пандемия ҳолати электрон бозорнинг йилига 32%гача кенгайишига олиб келди⁸⁵. Электрон савдо улушининг ўсиши муносабати билан унинг монополияга қарши курашни такомиллаштириш зарурияти янада ортди. Бу жараёнларда самарали иқтисодий ечимлар тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчиларнинг товарларни электрон шаклда харид қилиш амалиётида мослашувчанликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

